

СЕРГЕЙ ТОЛСТОВ

ҚАДИМИЙ ХОРАЗМ
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИ
ИЗЛАБ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2014

ЎУК: 008(575.171)

КБК: 71.05

T-63

Толстов, Сергей

Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб / С.Толстов;
таржимон: А.Муҳаммадқулов; масъул муҳаррир: У. Бек-
муҳаммад. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 380 б.

Сергей Павлович Толстовнинг фаолиятини кузатиб, уни бе-
малол Хоразм фарзанди дея аташ мумкин. Унинг Хоразм та-
рихини ўрганиш бўйича олиб борган изланишлари таҳсинга
лойиқ. Касби ва мақсади йўлида шунчалик жонқуярлик қил-
ган инсон ҳақида ёзиш бугунги кун инсонлари учун айтиш
мумкин бўлса, қарз.

Толстовнинг ушбу китобини таржима қилган ва нашрга
тайёрлаган ижодкорлар ҳаракатларни юқори баҳолаб, уни кенг
ўқувчилар оммасига ҳавола этамиз.

Ушбу китоб «Фан» нашриётининг 1964 йилдаги ўзбекча тар-
жимасини таҳрир қилган ҳолда, 1948 йилда Москвада рус ти-
лида чоп этилган «По следам древнехорезмийской цивилиза-
ции» номли асл нусхага солиштириш асосида, Урганч Давлат
университетининг 2013 йил 25 ноябрдаги 3-баённомаси бўйи-
ча қайтадан нашр этилмоқда.

Таржимон:

Анвар МУҲАММАДҚУЛОВ

Қайта нашрга тайёрловчи,

сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир:

Умид БЕКМУҲАММАД

Тақризчилар:

Темур АБДУЛЛАЕВ, Урганч Давлат университети тарих
кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди
Кудрат МАШАРИПОВ, Урганч Давлат университети доценти,
тарих фанлари номзоди
Мамлакат ЖУМАНИЁЗОВА, Урганч Давлат университети
доценти, тарих фанлари номзоди
Юлдуз РАҲМОНОВА, Урганч Давлат университети доценти,
тарих фанлари номзоди

ISBN 978-9943-27-196-8

© С.Толстов, «Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб».
«Янги аср авлоди», 2014 йил.

ХОРАЗМ ФАРЗАНДИ

(Сўзбоши ўрнида)

Зардушт, Ал-Хоразмий, Беруний, Абулғози, Мунис, Огаҳий ва Баёнийдек Хоразмда таваллуд топиб, ушбу азим ўлка додруғини дунёга таратиб ўтган аждодларимиз сони анча. Шу билан бирга эса ўзи Хоразмда туғилиб ўсмаган бўлса-да, қадим воҳага меҳр боғлаган, шу ўлканинг табиати, тарихи, маданияти ва санъатига ихлос қўйган инсонлар кўп. Бунга эса Ибн Батуттадан тортиб Вамбергер-ю, А. Кунни, П. Иванов сингари хорижлик, яқин тарихимиздан оладиган бўлсак С. П. Толстов, Яҳё Фуломов ва Муҳаммадjon Йўлдошев каби тарихчиларни айтиш мумкин. Булар ичида Сергей Павлович Толстов алоҳида ажралиб туради. Чунки С. П. Толстов Хоразмнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини, исломгача бўлган даврда, қолаверса, милоддан аввал ва милоднинг бошларидаги воҳа ҳаётини ўз асарларида яратиб бутун дунёга намойиш қилди. Бу эса осонликча кечгани йўқ.

... 1873 йил 23 майда Чоризм қўшини Хива хонлигини забт этди. Туркистон генерал губернатори фон Кауфман бу ўлкада галаба нашидасини сураётган дамда, Германиядан дунёни лол қолдирган шов-шув тарқалди. «Шлемен Троя қалъасини топди», «Уч мингйиллик нодир қурол-аслаҳалар Туркиядан Берлинга келтирилиб музейга қўйилди» каби. Бундай хабарлар Хоразмдаги босқинчи амалдорларни ҳам худди Шлемен сингари нодир топилмаларни топишга ундади.

... Немис археологи Хенрих Шлемен болалик чоғидан Хомернинг «Илиада» ва «Одиссия» дostonларини ёд олган, қадимий Троя урушининг қаҳрамонларини ҳамиша кўз олдида гавдалантириб, тарих билан ошно

бўлиб вояга етди. Вақт ўтиб, Шлемен археологикни эгаллади. Эрамиздан минг йиллар олдин Эгей денгизи бўйларида юз берган қонли воқеалар тарихини кашф этди. Бир сўз билан айтганда, афсона тарихий ҳақиқатга айланган эди.

Фон Кауфман ҳам ана шу шов-шувни «Московские ведомости» газетасида ўқиди. Сўнг Амударёнинг ҳар иккала қирғоғидаги қадимий Хоразм қалъаларида тадқиқот олиб бориш учун Туркистон археология жамиятини тузиш лозимлигини кўнглига тутиб қўйди. Негаки, французлар Мисрда, немислар Туркияда, инглизлар Ҳиндистонда тарихий ёдгорликларни текшириб, кўпгина бойликларга эга бўлишаётганди. Чор Россияси Туркистонда ҳам шу каби ишларни амалга оширишни, топиладиган бор моддий, маънавий буюмларни Петербург, Москвага ташишни истаб қолди. Шу ниятда Фон Кауфман топограф, этнограф, географ олим-зобитлардан қадим қалъалар акс этган тарихий ва жуғрофий маълумотлар харитасини тайёрлаб беришни илтимос қилди. Аммо «ярим пошшо» фон Кауфман, илм-фан масалаларини ҳарбий ва сиёсий масалалар каби «бир зарб» билан ҳал қилиш мумкин эмаслигини англамади. Зеро, неча мингйиллик қалъа ва маконларни қум барханлари остидан излаб топишдек ишни бажариш учун, мустаҳкам эътиқод, Худо берган иқтидор, фан йўлидаги фидоийлик зарурлигини босқинчи чор генерали ўйлаб ҳам кўрмаганди. Шу боис фон Кауфманнинг орзуси армон бўлиб қолди.

Орадан йиллар ўтиб эса қадимий Хоразм қалъалари сирини очиб, Хенрих Шлемендек доврўг таратиш, фон Кауфманга нисбатан бутунлай бошқача дунёқарашдаги яна бир русиялик кишига насиб этди.

Шахсга сифиниш авжга чиққан 1936 йил баҳор фасли бошларида бир экспедиция Амударёнинг Жанубий соҳиллари бўйлаб Хоразм воҳасига кириб келди. Экспедиция ихтиёрида ўттиз тўрт нафар илмий ходим, битта машина, ўн иккита туя, йигирмата от, эшаклар ва бошқа керакли асбоб-ускуналар бор эди.

1907 йил 25 январда Петербургдаги ҳарбий зобит Павел Толстов ва тўқимачи Мария Ивановна Бадаева оиласида туғилган Сергей Толстов болалигидан шарқ тарихига меҳр қўйди. Шу боис Москва Давлат Университетининг тарих факультетига кириб ўқиди. Моддий маданият тарихи давлат академиясининг аспирантурасида ҳам таҳсил олди. Дастлаб Москвадаги музейлардан бирида фаолият юритди. Кейин эса болалигидан эртагу афсоналар орқали ўзини мафтун қилган Хоразм тарихини ўрганишга киришди. Биринчи марта у 1929 йилда илк бора Хоразмга келган эди.

С. Толстовнинг Хоразмга қизиқишига сабаб, биринчидан у талабалик давридаёқ Волга бўйи халқлари этнографияси билан шуғулланган, бу халқларнинг моддий ва маънавий маданиятларини ўрганиш жараёнида, бу маданиятнинг талайгина жиҳатлари қадимги замонларда унинг Ўрта Осиё билан алоқалари бўлганлигидан далолат берарди. Бу эса Сергей Павловични Хоразмга мафтун қилиб қўйди. Иккинчидан ўша даврда илмда урфга айланган ғарбпараст олимларнинг шарқ халқлари тараққиётини инкор қилувчи, шарқ мамлакатлари азалдан сира баратараф қилиб бўлмайдиган турғунликка маҳкумдир, деган даъвоси, Толстовнинг ўзи 1963 йил 22 июнда ёзганидек, унинг ғзабини қўзғатганди. Бундай қарашларни ўзгартириш учун С. Толстов ёзганидек, *«Шарқ халқлари ҳам мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтганликларидан, улар ҳам айни ўша ижтимоий-иқтисодий формацияларни бошларидан кечирганликларидан, тарих Шарқ бошқа-ю, Ғарб бошқа деган гапни билмаслигидан далолат берувчи рад қилиб бўлмайдиган ҳужжатлар топиш керак эди – вазифа ана шундан иборат эди! Бу вазифани ҳал қилишда Хоразм материалига зўр умид боғладик»*. Натижада ана шу умид билан у барча машаққатларни енгиб, 1936 йилда Хоразм археология ва этнография экспедициясини ташкил қилди. Бу вақтда у эндигина ўттиз ёшга кираётган, гоётда зийрак ва теран мулоҳазали йигит эди.

Толстов фақат Хоразмгина бой тарихга эга, деб ҳисобларди. Сергей Павлович туркий ва форсий тилларда бемалол гапира олар, ҳар қандай киши билан дарҳол тил топишиб кетарди. Қариялар билан «Қуръон» суралари хусусида, халқ дostonлари тўғрисида сўзлашар, аёллар билан эса алла, ёр-ёр қўшиқлари ҳақида гурунглашарди. Маҳаллий аҳолидан йўлбошчилар, ишчиларни экспедиция ишига жалб қиларди. Натижада бир пайтнинг ўзида Кўзали, Гулдурсун ва Аёз, Чилпик, Кат, Девқалъа, Қўйқирилганқалъа ҳамда Тупроққалъада тадқиқот ишлари бошлаб юборилди.

У археологияда биринчи бўлиб топографик суратга олиш ишларида аэропландан кенг фойдаланди. Олиб борилган дастлабки текширишларидаёқ топилган ашёвий далиллар Толстовнинг илмий фаразлари тўғрилиги – қадим қалъалар қум барханларига ўз сирларини бекитиб олганини кўрсатди. Шу тариқа 1936 – 40 йилларда экспедиция кўплаб қалъаларни ўрганди. Аммо...

Аммо 1941 йилнинг июнида бошланган уруш ишни орқага сурди. Сергей Толстов ҳам кўнгилли бўлиб урушга жўнади. Оғир артиллерия капитани С. Толстов Москва атрофларидаги жанглардан бирида оёғидан яралангач, Хоразмга қайтиб келди. Экспедиция оз сонли киши билан ҳам тадқиқотларини давом эттирди. Уруш тугагач эса, Сергей Павлович тарих уммонига бутунлай шўнғиб кетди. Тўрткўллик кекса педагог, фидойи ўлкашунос, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Исмоил Жуманиёзов Толстов билан учрашганларини шундай эслаган эди:

«...Мен Сергей Павлович билан 1945 йилнинг ёзида танишдим. Ўшанда район фирқа қўмитасида бўлим мудири эдим. Бир куни саркотибимиз Маҳкам Мирзааҳмедов мени ўз хонасига чақирди. Борсам, у ерда баланд бўйли, йирик гавдали бир рус киши ўтирган экан. Стол устида мис тангалар, сопол ҳайкалчалар, ёзувли хум синиги териб қўйилганди. Булар Қўйқирилганқалъадан топилган ашёлар экан. Шу

кунни Толстов билан танишдим. Маҳкам ака археология ишларини, Тўрткўлда фаолият олиб бораётган экспедиция ҳолидан хабар олиб туриш, ёрдам беришни менинг зиммамга юклади. Бу вақтда экспедицияда олтмиш-етмиш нафар киши ишларди. Сергей Павлович уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш учун шифокор ажратишни сўради. Шу тариқа археологларга тажрибали шифокор Сейтмамбет Оқназаров бириктирилди».

Сергей Толстов оддий, камтар киши бўлиб, экспедициянинг чодирдан тикланган ошхонасида ҳамма қатори овқатланар, раҳбарман дея манманликка берилмасди. Ишни ҳам барча қатори бажарарди. Ана шу камтаринлик ва фидойилик Толстовни академик, етук олим даражасига чиқарди. У 1946 йил 4 июлда Москвада бўлиб, фанлар академиясига Хоразмда иш олиб бораётган экспедицияга доир ҳисобот берди: «Шу давргача номаълум бўлган 200 та қалъа сири очилди. Ўн бир минг квадрат майдонда, ер қаърида 15 – 20 минг йил ётган антропологик, архелогик ашёвий далиллар, ибтидоий жамоа, қулдорлик даври, қадимий Хоразм давлатининг пайдо бўлиши, юксалиши ва емирилишига доир ашёвий топилмалар тарих фанида янгилик бўлди. Қизилқум барханлари остида қолиб кетаётган, баландлиги ўн метрли Тупроққалъанинг исломгача бўлган даврда бунёд этилганлиги аниқланди. Бу ердан катта қаср, қурол аслаҳа устахонаси, подшоҳлар маскани, «ҳарбийлар зали», «ғалаба ва тантаналар зали» каби икки хонали қошоналар топилди».

Қалъа қабрларидан топилган қулчилик даврининг маҳсули – олтин, кумуш, танга пуллар, билагузук, зирак, бўйинга осиладиган тошлардан ишланган безаклар дунё тарих фанида катта шов-шувга айланди. Бу осори атиқалар айрим олимлар орасида тарқалган ирқий концепцияни, шунингдек, «Шарқ маданияти» Фарб цивилизациясининг акс-садоси» деган шовинистик фикрни чиппақка чиқарди. Қолаверса, экспеди-

ция изланишлари натижасида ғарб билан шарқни боғлаб келган «Буюк ипак йўли»нинг Хоразм орқали ўтгани аниқланди.

Сергей Толстовнинг Тўрткўл шаҳридан икки чақирим шимолий-шарқда жойлашган, астрономик кузатишларга мослаштирилган (эрамиздан аввалги IV асрдаги) минорали Қўйқирилган қалъанинг истеҳкомли деворларини топгани ҳам фанда кўпгина тафсилотларни ойдинлаштирди. Чунки мазкур қалъа геометрия, геодезия, астрономия фанларининг моҳир билимдонлари томонидан бунёд этилганлиги ой, қуёш, кун, йил ҳисоблари, деҳқончилик маданияти белгилари билан ажралиб турарди. Ана шундай кўплаб топилмаларни ўрганаётган экспедиция 1947 йил яна бир бой манбага эга бўлди. Шу йили августда Москвадаги моддий маданият ёдгорликлари илмий-текшириш институтига узоқ Қорақум саҳросидан йўлланган телеграмма юқоридаги манба қандайлигини кўрсатади: «*Хоразмий ёзуви топилди. Археологик ишлар давом эттирилмоқда. С. П. Толстов. 1947 йил август. Тўрткўл*».

Хоразмий ёзувидан ташқари, қалъа деворларига битилган монументал тасвирлар, узум ва олма тераётган гўзал қиз расми, алибастрдан ишланган Греция ва Рим ҳайкаллари билан рақобат қила оладиган ёдгорликлар ҳам топилган эди. Хоразмга ҳукмдорлик қилган эр-хотин Вазамараларнинг бюсти, оқ мрамардан ишланган бургут, мрамар тошдан ясалган ҳабаш ҳайкали, олтин, кумуш, мис тангалар ва бошқа ноёб топилмалар Москвадаги шарқ халқлари музейи ва Нукус санъат музейларининг фаҳрига айланди.

Айтишларича, археолог Сергей Толстов Хоразм воҳаси қалъаларидан топилган барча ашёларни Москвада эмас, Урганч, Нукус ва Хивадаги музейларда асраш фикрини билдирган. Аммо ўша даврда фанда ҳам бюрократик тўсиқ ва қолиплар ясаб олган олимлар қўлга киритилган топилмаларни текшириш баҳонасида Москва ва Ленинградга олиб боришни маъқул топишган.

С. Толстов орзуларининг унинг экспедициясида бирга ишлаган Савицкий қисман бўлса-да, амалга оширди. Хўш, Сергей Павловичнинг бу маслакдоши қандай хизматлар қилди?

Айтишларича, С. П. Толстов ва И. В. Савицкий 1960 йилларда Хоразм вилояти раҳбарларига Урганч шаҳрида музей барпо этиш ташаббуси билан чиққанида, «Хивадаги музей областга етарли, яна бир музей нега керак» дея пўписа билан жавоб қайтарганини эслаб ачинасан, киши. Ўшандан кейин қорақалпоғистонлик раҳбарларга мурожаат қилишгач, улар Толстов ва Савицкий таклифини маъқул топишди. Натижада Нукус шаҳрида жаҳонга машҳур қадимий Хоразм цивилизацияси, маданияти, санъатига оид буюмлар жамланган тенгги йўқ музей очилди ва унга Игорь Витальевич Савицкий номи берилди. Хўш, нега қорақалпоқ диёридаги машҳур ўлкашунослик санъат музейига ўзга миллат вакили номи берилган?

И. В. Савицкий асли киевлик бўлиб, 1946 йилда Москвадаги тасвирий санъат институтини тамомлаган эди. Бироқ ҳаётининг асосий қисми Хоразм ва Қорақалпоғистонда кечди. У дастлаб Иккинчи жаҳон уруши даврида Самарқандда яшагач, бу ердаги К. Истомин, Р. Фальком, Н. П. Ульянов каби рассомлар билан биргаликда Ўрта Осиёнинг бетакрор бой маданий ёдгорликларига кўнгил қўйди ва С. П. Толстов бошчилигидаги Хоразм тарих ва этнография экспедициясида қатнашиши унинг ҳаётида ўзгариш ясади.

Дастлаб 1956 йилда Қорақалпоғистон илмий-тадқиқот институти мажмуасида, кейинчалик эса тарихий ўлкашунослик музейида ишлаб туриб, ҳам рассом сифатида қорақалпоқ халқи ҳаётини турфа рангларда тасвирлади, амалий санъат дурдоналарини тадқиқ қилиш, тўплаш устида фаолият олиб борди. Шунингдек, ана шу асарларни ўз ичига оладиган санъат музейини очиш ташаббуси билан чиқди.

Халқ амалий санъатини дурдоналарини тўплаш ва ўрганиш учун Кегейли, Чимбой, Кўнғирот, Мўйноқ, Тах-

такўпир, Эллиққалъа, Беруний, Тўртқўл туманларини, бутун Қорақалпоқ диёрини, Хоразм вилоятини ҳам энига, ҳам бўйига кезиб чиқди. Сафар давомида тўплаган дурдоналарини эса Тошкент, Москва шаҳарларидаги кўргазмаларда намойиш қилиб, қорақалпоқ халқини жаҳонга танитиш йўлида фидойиларча хизмат қилди.

1965 йилда «Фан» нашриётида «Қорақалпоқ халқ амалий санъати: ёғоч ўймакорлиги» номли китобини нашр эттириб, бу борада яна бир янгиликка қўл урди.

Ана шундан кейингина Қорақалпоғистон Республикасида давлат санъат музейини очиш амалий тус олиб, унга илк раҳбарлик Игорь Витальевич Савицкийдек ҳассос рассом ва санъатшуноснинг зиммасига тушди. Натижада қисқа муддат ичида Савицкий бошчилигида тўпланган экспонатлар сони 50 мингдан ошиб кетди. Бу ҳақда хориж матбуоти «Саҳродаги дурдона», «Қорақумлар оралиғидаги Лувр» сарлавҳали мақолалар чоп этди.

Савицкийнинг қадимги Хоразм санъат асарларини тўплаш фаолияти туфайлигина кўплаб дурдоналарнинг йўқолиб кетиши олди олинди ва қорақалпоқ халқ амалий ҳамда тасвирий санъати ривожланиб, юқори босқичга чиқди.

У табиат манзаралари – пейзажчи рассом бўлгани боис, К. Саипов, Ж. Қутимуратов, Д. Тўраниёзов, А. Атабоев сингари қорақалпоқ рассомлари уни устоз деб билишарди.

Қорақалпоғистон халқи ўз фарзандидек бўлиб қолган И. В. Савицкийни Бердақ номли мукофот билан тақдирлади. 2002 йилда музей учун 3 қаватли янги замонавий бино қурилди ва унинг номи билан аталидиган бўлди.

Ҳа, рассом, археолог ва санъатшунос И. В. Савицкий (1915 – 1984)нинг Қорақалпоқ халқи олдидаги хизматлари унутилиб кетмади. Зеро, у шундай эъзозга сазовор ишлар қилиб кетганди.

Энди яна Толстовнинг хизматларига қайтсак.

Экспедиция аъзолари, шунингдек, ўнлаб фольклор асарлари, дoston, латифа, эртак ва афсоналарни ҳам ёзиб олишганди. Сергей Павловичнинг ўзи текшириш натижаларини холис ва ҳаққоний ёритилган «Қадимий Хоразм», «Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб», «Қадимги Окс ва Оксарт дельталари бўйлаб» каби монографияларда акс эттирди. У Москва давлат университети этнография кафедраси мудири, фанлар академиясининг этнография институти директори бўлди. «Советская этнография» журнали бош муҳаррири, кўп жылди «Жаҳон халқлари» китоби муаллифларидан бири ва бош муҳаррири сифатида аксарият вақтини Москвада ўтказарди. Аммо ўзини бир умрга мафтун этган Хоразм тарихи бўйича номзодлик (1932 йилда) ва докторлик диссертацияларини (1947 йилда) ёқлаган ўлкани соғиниб, тез-тез келиб турди. У ташкил этган Хоразм археология этнография экспедицияси эса 1980 йилларнинг бошларигача воҳада фаолият кўрсатди. Ана шу фаолиятлари самараси ўлароқ, 1952 – 79 йиллар орасида ўн олти томдан иборат «Хоразм археология этнография экспедицияси фаолияти» ва тўққиз томдан иборат «Хоразм экспедицияси ҳужжатлари», беш китобдан иборат «Низовья Сирдарьи в древности» номли китобларни нашр эттирди, тўрт жылдик Ўзбекистон халқлари тарихини тайёрлашда қатнашди.

Сергей Толстов дунё археология ва этнографиясига катта ҳисса қўшган тарих фанлари доктори, профессор, давлат мукофот соҳиби, уч юздан кўпроқ илмий асарлар муаллифи эди. Антропология ва этнография фанлари халқаро уюшмасининг вице-президенти, Германия фанлар академияси мухбир аъзоси, Буюк Британия қироллиги антропология институти аъзоси ҳам бўлган. У Ўзбекистон, Тожикистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби каби унвонлар соҳиби ҳам эди.

С. Толстов Ўзбекистонда археологиянинг фан сифатида шаклланишига ва ўзбек ёшларини археологик-

ка жалб этишга муваффақ бўлдики, натижада Яҳё Гуломов, Исо Жабборов, кейинчалик эса Рустам Сулаймонов, Аҳмадали Асқаров, Амриддин Бердимуродов, Шихназар Матрасулов, Темур Ширинов сингари ўзбек, Файратдин Хўжаниёзов, Мирзамурод Мамбетуллаев, Наримон Юсупов, М. Қодирниёзов каби кўплаб қорақалпоқ археологлари етишиб чиқдики, буларда С. Толстовнинг хизмати ва у ёқиб кетган илм машъаласининг ўрни катта.

Аммо Толстовнинг фаолиятига муносабат ҳамма вақт ҳам силлиқ кечмаган. Айрим ғаламислар ва шовинист олимлар, сиёсатшунослар уни турли баҳоналар билан айблашганди. Хусусан, тарих фанлари доктори, Сибирь университети профессори Николай Матвеевнинг эслашича, 1949 йилда Сергей Толстовни «Орийлар ватани қаерда у?» номли тадқиқоти учун шарқпарастликда, тадқиқотни ёзганда масалага масъулиятсизлик билан ёндашганликда айблашган. Ўшанда машҳур археолог илмий муҳолифлари тўпланган мажлисда европапарастлик энг ёмон иллат эканлигини гапирган экан. Шарқ халқлари маданий меросига менсимасдан қараш, юмшоқроқ қилиб айтганда, нодонлик, илмий атамалар билан айтганда эса ғирт билимсизлик, ғайирлик деб айтган ва ўз фикрини қуйидагича ифодалаган: *«Оврўна шарқ маданиятига ҳаммаша тақлид қилиб келган. Ундан намуналар олган. Шарқ олимлари оврўналик олимлар тасавзурида XVIII асргача эришиб бўлмас юксаклик чўққиси бўлиб кўринган. Фақат кейинги икки-уч аср Оврўна ижтимоий тараққиётини умумжаҳон тараққиётининг етакчисига айлантирган, холос. Бундай қарасанг, Оврўна маданияти асосида Шарқ халқларининг маънавий баркамоллиги ётганлигини ҳамма ҳам тушунишни истамайди. Шу боис Оврўна тараққиётини тўлалигича шарқ фани муваффақиятларини ўзлаштириб олиш ҳисобига бўлганлигини ҳам холисона эътироф этмоғимиз лозим».*

Шу тарзда Хоразмга бир умр боғланиб қолган археолог мустаҳкам ирода билан, тарихни холис ва ҳаққоний ўрганишга интилади. Профессор Николай Иванович Матвеевнинг Сергей Толстов оила аъзолари фикридан келиб чиқиб айтишича, 1976 йил 28 декабрда Москвада ҳаётдан кўз юмган археолог вафотидан бир кун олдин Хоразм қовунини сўраган, жасадини Хоразмга дафн этишни илтимос қилган экан. Аммо, афсуски, Хоразм тарихига, санъати ва маданиятига бир умр муҳаббат қўйган олимнинг бу икки истаги ҳам амалга ошмади.

Энди бевосита китобга қайтадиган бўлсак, ушбу асар ўз вақтида чех, француз, поляк, немис, румин, венгер, урду ва бошқа тилларга таржима қилиниб, дунё илм аҳлининг эътибори ва эътирофини қозонди. Сергей Павлович ушбу асарини бевосита ўзи ўтказган археологик тадқиқотлари асосида, шунингдек, Хоразм тарихига доир кўплаб қўлёзма манбалар, халқ ўртасида тарқалган афсона, ривоятларни бир-бирига таққослаган ҳолда ёзди. Китоб археолог олим қаламига мансуб бўлгани билан, у фақатгина илмий мубоҳасалардангина иборат эмас. Балки публицистик услуби ила ҳам ўқувчи диққатини тортадиган юксак тафаккури билан, тарихнинг саҳифаларини қайта тиклашга эътибор қаратади.

Асарда олим шу сарҳадда яшаган халқлар ҳаётини батафсил ўрганибгина қолмай, тарих ҳукми билан бошқа жойларга кўчган турли халқлар тақдирига ҳам эътиборни қаратади. Шунингдек, қўшни давлатларда бўлган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий жараённи ҳам синчковлик билан тадқиқ қилиб, шуларни Хоразмда кечган жараёнлар билан боғлашга уринади. Чунки шарқ тарихи ва халқлар тақдири бир-бирига қўшни бўлган халқлар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис ҳам китоб мавзуси қадимий Хоразмнинг цивилизацияси бўлгани билан, унда инсоният қадим изларининг маданий тамаддуни ҳам акс этган.

Хулмас, китобга яна кўплаб таърифлар бермоқ мумкин. Бироқ уни ўзингиз ўқиганингиз ва сизда ҳам турлича таассуротлар уйғонгани маъқул.

Табиийки, Толстов шахсга сиғиниш авж олган 1937 – 53 йилларда Хоразмда археологик тадқиқотлар олиб боргани учун, қолаверса, ушбу асари 1948 йилда нашр этилгани сабаб, сўзбоши ва хотима қисмида ўша давр мафкурасидан келиб чиқиб, замонага хос фикрлар билдирган.

Бу ҳолат, 1964 йилдаги ўзбекча таржимада ҳам акс этган. Табиийки, бугун ўша сўзбоши ва хулосадаги фикрларга танқидий қарамоқ лозим ва шу боис ўшандай лавҳаларни биз ушбу қайта нашрда чоп этмадик.

«Фан ва турмуш» журналида масъул котиб бўлиб ишлаган Анвар Муҳаммадқуловнинг бундай катта асарни таржима қилгани эса таҳсинга лойиқдир. Таржимада ҳам собиқ шўро даврига хос ўша замондаги мафкуравий ҳолатдан келиб чиқиб, русча ва бошқа байналминал сўзлар ишлатилган, баъзи таҳрирталаб бир гапда икки-уч сўзнинг қайта ишлатилгани каби жузъий камчиликлар бор экан.

Бундан ташқари, 1948 йилдаги русча нашр ўзбекчага таржима қилганда «Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб» деган маънони англатади. Раҳматли Анвар Муҳаммадқулов эса ўзбекча нашрни ўзими ёки нашриёт ходимлари билан маслаҳатлашибми, «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» дея номлаган экан. Маълумки, цивилизация маданиятга қараганда кенг тушунча ва С. Толстов ҳам асарда тасвирланганидек, Хоразмнинг инсоният цивилизациясига ҳисса қўшганини тадқиқ этишга ҳаракат қилган. Шу боис асарни С. П. Толстов дунёқарашидан ва русча нашрдан келиб чиқиб, китобни юқоридагидек номладик ва бошқа ўринлардаям таржимани қайта таҳрир қилишга тўғри келди. Бунда, энг аввало, 1964 йилдаги таржимани 1948 йилдаги асл русча нусхага солиштириб чиқдик. Бу болада бизга катта ёрдам берган ва ҳар иккала нашрни

топиб берган ЮНЕСКО қошидаги халқаро ахборот академиясининг академиги, профессор Худоёр Оллаёровга миннатдорчилик билдириб қолардик. Қолаверса, Худоёр Оллаёров (у 1931 йилда Хивада туғилган бўлиб, Самарқанд тиббиёт институтини тугатган, 1957 – 1961 йилларда Ялтадаги «Ўзбекистон» санаториясида, кейин эса Москвадаги илмий-текшириш институтларида, Москва давлат университетида, собиқ иттифоқ давлат телерадиокомпаниясида коньсултант бўлиб ишлаган, 20 дан зиёд давлатларда илмий сафарларда бўлган, 29 тилда 137 мамлакатда асарлари чоп этилган тиббиёт ва тарих билимдони) Москва давлат университетида ишлаб юрган 1976 йилда этнограф дўсти Г. Снесарёв (*Снесарёв Толстовнинг ҳам дўсти бўлиб, иккаласи Хоразмда археологик тадқиқотлар олиб боришган – У. Б.*) билан Сергей Павловичнинг касал ётганини эшитиб кўргани борган, Х. Оллаёровнинг айтишича, ўшанда Толстовнинг аҳволи гоъят оғир экан. Ўша учрашувдан кўп ўтмай, 28 декабрда хонадонида чиққан тасодифий ёнғин сабаб, буюк археолог вафот этади. Гарчи, у жисман вафот этган бўлса-да, археолог сифатида яратган асарлари билан номи ҳамиша боқийдир. Буни қўлингиздаги асар ҳам тасдиқлаб турибди.

С. Толстов ушбу асарида Хоразм тарихини яратишни ўз олдига мақсад қилиб олмаган. Бироқ, Сергей Павловичнинг шу ва бошқа асарларисиз нафақат Хоразм, балки бутун Марказий Осиё халқлари тарихини тасаввур этиш қийин.

Хоразмда туғилиб ҳам шу ўлка тарихини, буюк фарзандларининг ҳатто номиниям билмай яшаб ўтган одамлар кўп бўлган. Бироқ Сергей Павлович Толстовнинг фаолиятини кузатиб, уни бемалол Хоразм фарзанди дея аташ мумкин. Агарки, ҳар бир хоразмлик С. Толстовнинг лоақал ушбу китобидан бир парчани ўқиганида, ўзида ғурур ва ифтихор ҳиссини туярди. Шу боис ҳам биз ушбу китобни нашрга тайёрладик.

Умид БЕКМУҲАММАД

БИРИНЧИ ҚИСМ. ҚАДИМИЙ ХОРАЗМГА САЁҲАТ

1-БОБ. ЙЎҚОЛИБ КЕТГАН КИТОБ САҲИФАЛАРИ

Кўп йилларгача Ўрта Осиё халқларининг қадимий тарихи Шарқ тарихи қадимги даврининг энг кам тадқиқ этилган мавзуларидан бири бўлиб келган эди. Ҳатто, ҳозирдаям бу ҳол шундайлигича қолиб кетмоқда. Хусусан, Ўрта Осиёни араблар забт этгунгача бўлган даврга оид маълумотлар жудаям камдир.

Арабларнинг истилочилиги ҳамда кейинги VII – VIII асрларда рўй берган суронли давр ҳодисалари бутун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётни бутунлай ўзгартириб юборди. Бундай воқеалар силсиласида қадимий, мусулмончиликкача бўлган энг бой цивилизациянинг қимматбаҳо ёдгорликлари, хусусан, қадимги Ўрта Осиё давлатларида мавжуд бўлган тарихий маълумотларга бой адабиёт ёндирилиб юборилди.

Ушбу китобда тасвирланаётган давлатга келганда шуни алоҳида қайд этиш жоизки, араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим янги эранинг 712 йилида хоразмликларнинг илмий китобларини ваҳшийларча йўқотиб юборганлиги, қадимий маҳаллий маданият анъаналарини сақлаб қолган хоразмлик алломаларни ўлдиргани ёхуд қувғин этгани тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд.

X – XI асрлар орасида яшаб ўтган хоразмлик буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний (973 – 1048) ўзининг қадимги халқларнинг йил ҳисоби ҳақидаги китобида бу ҳақда шундай ёзганди: *«Қутайба хоразмликларнинг ёзувини билган, уларнинг ривоятларини сақлаб қолган барча кишиларни, улар орасидаги ҳамма олимларни имкон борича қувғин қилди ва қириб юборди.*

Натижада уларнинг ўтмиши шу қадар зулмат билан қопландики, энди биз бу ерга ислом кириб келган вақтда уларнинг тарихида маълум бўлган воқеалар тўғрисида ҳақиқий маълумотга эга эмасмиз».

Ўрта Осиё халқларининг янги эрадан аввалги VI асрдан то янги эранинг VII асригача бўлган тарихига оид жуда кам маълумотларни хорижда яратилган манбалардан олган. Қадимий форс ёзувлари, юнон ва лотин, арман ва суриялик жуғрофлар ҳамда тарихчилар келтирган маълумотлар, қадимги хитой тарихий-этнографик ва жуғрофик адабиёти шундай манбалардан ҳисобланади. Ўрта аср форс тарихий аънаналарининг жуда ўзгарган ҳолдаги ва фойдаланиш қийин бўлган баъзи ҳодисалари бизгача ўрта аср араб-форс ёдгорликлари орқали етиб келган. Ҳинд ёдгорликлари эса жуда ҳам кам маълумот беради. Ниҳоят зардуштийликнинг муқаддас китоби ва Фирдавсийнинг форсча талқинида етиб келган Ўрта Осиё – Эрон эпоси ҳам кўп маълумот беради. Аммо санаси кўрсатилмаганлиги туфайли ва ўз хусусиятига кўра, бу маълумотларнинг қайси даврга ва қаерга оид эканлигини аниқлаш имкони йўқ.

Бундай маълумотлар айрим даврлар ва жойлар, воқеалар ва мавзуларнигина қисман ёритади; қолган давр, жой, воқеалар мутлақо номаълумлигича қолиб кетаверди. Чунончи, Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга уч йил давом қилган юриши мобайнида юз берган ҳодисалар Арриан, Курций ва Плутарх каби қадим муаррихлар томонидан батафсил тасвирланган. Аммо ушбу ҳодисалардан олдинги ҳамда кейинги бир қанча асарлар тўғрисида қарийб ҳеч қандай маълумот йўқ. Бизгача бу асарлардан қарама-қарши, кўп ҳолларда тушунилиши қийин бўлган айрим парчалар ҳолидаги маълумотлар етиб келган, холос. Бу маълумотларга асосланиб, ўша даврларда рўй берган сиёсий ҳодисаларнинг ички мазмунини очиш у ёқда турсин, ҳатто уларнинг изчиллиги хусусидаям тўла

ишонч билан бирон нарса дейиш қийин. Александр Македонскийнинг истилосидан минг йил кейингина, янги эранинг VII – VIII асрларида Ўрта Осиёга Фарбдан янги босқинчилар кириб кела бошлаган даврга оид манбалар бизни бу даврнинг қайноқ ва шиддатли сиёсий ҳаёти ичига олиб киради; ўтмиш тарих ҳақида эса биз ҳеч нарса ёки қарийб ҳеч нарса билмаймиз.

Адабий манбалар шундай характерга эга бўлганидан, тарихчилар кўз ўнгида мусулмончиликка қадар яшаган Ўрта Осиё халқлари фақат ташқи истилолар макони сифатида намоён бўлади. Чунки ёзма манбаларда, ҳатто македонияликлар ва араблар давридан бошқа ҳамма даврларда ҳам Ўрта Осиёнинг қадимий тарихида шундай босқинчиликлар бўлганлиги қайд этилган. Бу манбаларнинг фарқи шундан иборатки, уларда гап аслида нима тўғрисида бораётганлиги, тилга олинган шахсий ва этник номлар кимга ва нимага тегишли эканлигини, қайси давлатлар тўғрисида сўз бораётганлигини, манбаларнинг саҳифаларида кўзга чалиниб қоладиган, кўп ҳолларда санаси кўрсатилмаган воқеаларнинг қандай мазмунга эгалигини билиб олиш анча мушқул.

Шунинг учун яқин-яқинларгача Ўрта Осиёнинг қадимги тарихини «даврлаштириш»га ана шу истилолар ва чет эл сулолаларининг номлари асос қилиб олинганлиги бежиз эмас. Ана шунинг учун ҳам бу тарихнинг асосий муаммолари, даставвал, ижтимоий тарих масалалари мутлақо ишланмай келинганлиги тасодифий бўлмаган.

Мусулмончиликдан аввалги Ўрта Осиёга оид (гарчи қадимги тарихнинг бошқа даврларига оид адабиётга нисбатан бир мунча камбағал бўлса-да) анча бой адабиёт қарийб деярли тарихий-жуғрофик, хронологик ва тарихий-этнографик муаммоларига бағишланган. Бироқ тадқиқотларнинг манбашунослик базаси торлиги ва бир қатор камчиликларга эга эканлиги туфайли, бу адабиётда энг оддий тушунчалар

тўғрисида ҳам ҳаддан ташқари турли-туман фикрлар баён этилган.

Чунончи, манбаларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистонни ўз ичига олувчи Кушонлар империясининг энг йирик ҳоқими Канишканинг яшаган вақти эрадан аввалги 57 йилдан то эрамизнинг 27 йилигача бўлган давр ичида кўрсатилишини айтиш кифоя. Шунингдек, бу империяга асос солган кушонларнинг ўзи этнографик нуқтаи назардан ким эканлиги тўғрисида ҳалигача умумий бир фикрга келинган эмас.

Ислом дини кириб келишидан олдин Ўрта Осиёда қандай ижтимоий тузум ҳукмрон бўлганлиги ҳақидаги мавзу яқин вақтларгача ўртага ташланмай келинарди. Сўнгги ярим аср давомида яратилган асарларда бу тузумни, илмий жиҳатдан асослашга ҳеч қандай ҳаракат қилинмагани ҳолда, феодализм тузуми дея юритила бошланди. Бу ўринда Ўрта Осиё тарихига доир фактлар эмас, балки Эдуард Мейер ва маслакдошларининг хориждан олиб кирган циклик концепциялари манбалардан устунлик қилди. Чунончи, 1938 йилда инглиз тадқиқотчиси В. В. Тарн Искандардан аввалги даврда суғдийларда «феодал лордлар» ва «баронлар», ҳатто Геродот давридаги ўрта осийлик массагетларда «феодал аристократияси» бўлганлиги тўғрисида гапирган эди. Бундай фикрларнинг нақадар асоссиз эканлигини биз қуйида кўраемиз.

Шу пайтга қадар Хоразмга оид қадимги ёзма ёдгорликлар, айниқса, кам эди ва ҳозир ҳам шундай. Агар Суғдга оид Искандар юришлари тарихи тўғрисида ҳар ҳолда бой ва турли-туман мазмун билан суғорилган тарихий китобларга эга бўлсак, араб истилоси давридан бошлаб эса бу ўлканинг тарихи анча дуруст ёритилган бўлса, Хоразмнинг узоқ тарихига келганда шуни айтиш керакки, ўлканинг қадимги тарихигина эмас, балки илк ўрта асрлардаги, то X асрнинг охири, XI асрнинг бошларигача бўлган давр тарихи биз учун батамом қоронғудир.

«Хоразм» номи форс ёзувариди, «Авесто»да ва паҳлавий (*қадимги форс тили – У. Б.*) тилидаги диний асарларда, юнон-лотин, хитой ва арман манбаларида бир неча бор тилга олинади. Аммо булардан ўлка тўғрисида ҳеч қандай маълумот олишнинг иложи йўқ – бор-йўғи иккита Хоразм ҳукмдорининг номи маълум: Арриан асарида янги эрадан аввалги IV асрдаги ва хитойларнинг Тан сулоласи «Тарихи»да эрамизнинг VIII асри ўрталаридаги ҳукмдор номи учрайди; Хоразмнинг араблар томонидан босиб олинishi тўғрисида Белазурий ва Табарий асарларида озгина маълумот берилган. Хоразмнинг X асрдан олдинги тарихига оид маълумотлар ана шулардангина иборат, холос. X асрда эса араб-форс жуғрофик адабиётида бир неча ўринда Хоразмнинг жуда ихчам тасвирини учратамиз.

X – XI асрларга оид Хоразм тарихидан ҳам айрим парчаларинигина биламиз, холос. XII аср мобайнида ҳамда XIII аср бошларига келиб Хоразм Грузия чегараларидан тортиб Фарғонагача, Ҳинд дарёсидан Шимолий Орол чўлларигача қулоч ёйган улўф Шарқ империясининг марказига айланади. Бу ерда рўй берган воқеалар Шарқ тарихига оид манбаларнинг диққат марказидан ўрин олди. Шу давргача номаълум бўлган, мусулмон оламининг узоқ чеккасида жойлашган бу ўлканинг бунчалик ҳайратда қоларли даражада кучайиши мутлақо кутилмаган бир нарсадир.

Беруний сақлаб қолган ва немис олими Захау биринчи бўлиб нашр қилган ҳамда тадқиқ қилган маҳаллий тарихий анъана, Хоразм тарихининг ташқи чизмасинигина беради, чунки хоразмликларнинг ўзи бу анъанани илк ўрта асрда тасаввур қилган эди.

«Хоразмликлар, – дея ҳикоя қилганди Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида, – йил ҳисобини ўз мамлакатларида аҳоли жойлашган вақтдан, «Искандардан аввалги 980 йилдан» (яъни Селевкийлар эрасидан (Селевкийлар эраси Бобил Се-

лвек томонидан босиб олинган вақтдан – эрамиздан олдинги 312 йил) – янги эрадан аввалги 1292 йилдан бошлайди. Шундан кейин улар эрамиздан аввалги 1200 йилдан – «Авесто»нинг афсонавий қаҳрамони ва қадимги Ўрта Осиё-Эрон эпосининг «туркий салтанат»ни бўйсундирган қаҳрамони Сиёвуш ибн Кайковус уларнинг мамлакатига келган ҳамда унинг ўғли Кайхисрав Хоразмшоҳлар сулоласига асос солган вақтдан бошланадиган янги эрани қабул қилди».

Берунийнинг сўзларига қараганда, бу сулола эрамизнинг X асрига қадар ҳукмронлик қилган. Кейинчалик, деб ҳикоя қилади Беруний, хоразмликлар форсларнинг йил ҳисобини қабул қилдилар. Бунга кўра, «йил ҳисоби» уларнинг (хоразмликларнинг) мамлакатини идора этган ва шоҳ унвонига эга бўлган Кайхисравлар сулоласидан чиққан ҳар бир подшоҳ ҳукмронлик қилган йилларга қараб юритилган. Ушбу сулолага мансуб подшоҳлардан Аффриг ҳукмронлигига қадар шундай бўлиб келган. Аффриг, Эрон подшоҳи Яздижард (Яздигирд I) сингари ёмон шуҳрат чиқарди. Ўғли мамлакатни бошқаришда унинг меросхўри бўлди.

Ривоятларга кўра, ал Фир шаҳри ортидаги улкан қасрни «Искандардан кейинги 616 йили» (эрамизнинг 305 йили) Аффриг қурдирган эмиш; бу қасрни Селевкилар эрасининг 1305 йилида (янги эранинг 997 йили) Амударё тошиб, бузиб кетган. Хоразмлик сиёвушийларининг қўйи авлоди (бу авлодни Аффриг бошлаб берган) Хоразмда 995 йилга қадар ҳукмронлик қилди. Аффриг қурдирган қасрнинг бузилиб кетиши билан Аффригийлар сулоласининг қулаши рамзий тарзда бир вақтга тўғри келди.

Беруний шу сулолага мансуб 22 шоҳни санаб ўтади. У 305 йилдан 995 йилгача ҳукмронлик қилган бу подшоҳлардан баъзиларининг ҳукмронлик қилган йиллари тўғрисида айрим хронологик маълумотлар келтиради. Ҳокимият, табиийки, отадан болага ўтиб турган ушбу сулоланинг шажараси қуйидагичадир: 1) Аффриг;

2) Бағра (варианти – Багзот); 3) Саххасак; 4) Аскажамуқ 1; 5) Азкажавар 1; 6) Сахр 1; 7) Шовуш; 8) Ҳамгари (варианти – Ҳангари ёки Ҳангири); 9) Бўзгар; 10) Арсамух (варианти – Артамух). Берунийнинг ёзишича, Арсамух Муҳаммад пайғамбар замонида, яъни янги эранинг тахминан 622 йилларида ҳукм сурган; 11) Сахр 2; 12) Сабри; 13) Азкажавр 2 (варианти – Азкахвар); 14) Аскажамуқ 2.

Берунийнинг ёзишича, бу шоҳ даврида босқинчи Қутайба Хоразмни иккинчи марта босиб олган, сўнгра Аскажамуқ 2ни подшоҳ қилиб тайинлаган; 15) Шовшафар; 16) Турксабоса (?); 17) Абдуллоҳ; 18) Мансур; 19) Ироқ; 20) Муҳаммад; 21) Аҳмад; 22) «Жафокаш Абу Абдуллоҳ Муҳаммад»; Абу Абдуллоҳ Аффриг қасрини сув бузиб кетишидан бир оз аввал ўзининг қудратли рақиби – Урганч амири Маъмун ибн Муҳаммад қўлида ҳалок бўлган.

Тадқиқотчилар алақачоноқ шу нарсани қайд қилиб ўтган эдиларки, турли хил қадимги адабий ёдгорликларда учровчи Хоразмга оид қисқа-қисқа маълумотлар Хоразм Ўрта Шарқ ва Шарқий Оврўпанинг қадимги тарихида салмоқли ўрин тутганлигидан дарак беради. Лекин бу тўғрида ҳозирча аниқ-равшан бирон нарса дейиш қийин.

Хоразмнинг роли, айниқса, зардуштийлик дини ривоятларида таъкидлаб ўтилганлиги диққатга сазовор. Бундахиши ва бошқа ёдгорликларда қайд қилинишича, Эроннинг дастлабки афсонавий шоҳларидан бири Йима (форс эпосида Жамшид деб ном олган) Хоразмда зардуштийликнинг энг қадимий ва энг мўътабар ўтини – коҳинлар тоифасининг ҳомийси Хурдод, Адархурра ёки Фробак ўтини ёққан.

Хориж олимларидан Маркварт зардуштийликнинг илоҳий олийси Ахурамазда томонидан яратилган ва аҳоли яшаган дастлабки афсонавий ўлка – Айранемвэжо (Эронваж)ни Хоразмдан қидиради; Бартольд ва бошқа бир қанча тадқиқотчилар ҳам унинг фикрини

қувватлайдилар. Афсонада бу ер энг шимолий ва совук ўлка сифатида тасвирланган. Ривоятга кўра, зардуштийликнинг асосчиси, афсонавий пайғамбар Зардушт шу ерда туғилган.

Худди шу Марквартнинг ўзи ўлимидан кейин, 1938 йилда нашр этилган асарида Аҳмонийлар ҳукмронлигидан олдинги даврда Ўрта Осиёда Хоразм етакчилигида Суғдиёна (Зарафшон ҳавзаси) ва Хуросон (Жанубий Туркменистон, Шимолий Шарқий Эрон ва Фарбий Афғонистон)ни бирлаштирган қудратли давлат бўлган, деган тахминни илгари суради. У ўз тахминининг исботи учун далилни Ҳеродот асаридан ҳамда Эрон давлатининг 16 сатрапияси (*сатрапия* – қадимги Эронда *сатрап* (ҳоким) қўли остида бўлган вилоят – У.Б.) таркиби тўғрисидаги маълумотлардан излайди.

Ҳеродот Аҳмонийлар давридан аввал гирканлар (Каспий денгизининг жануби шарқи, Гургон дарёси ҳавзаси), парфияликлар (Шимолий Хуросон), данглар ва таманайлар (Фарбий Афғонистон)нинг ерлари билан туташ бўлган катта мамлакатда хоразмликлар ҳукмдорлик қилганлиги тўғрисида маълумот берган эди. Худди шу Ҳеродотнинг айтишича, 16 сатрапия таркибига хоразмликлар, суғдлар, парфияликлар ва орийлар (ҳозирги Ҳирот худудида яшаган) кирган. 1938 йили юқорида номи зикр этилган В. Тарн ҳам, Марквартдан мустақил равишда, шунга ўхшаш фикрга келди. Бироқ буларнинг ҳаммаси маълумотларнинг камлиги туфайли, асосан, исбот қилиб бўлмайдиган, фақат у ёки бу маънода ҳақиқатга тўғри келувчи тахминлигича қолаверди. Мавҳум афсоналар билан чулганган қадимги Хоразм гўё ечиб бўлмайдиган тарихий жумбоқ бўлиб келди.

Шуни яхши биламизки, фақат Ўрта Осиёгина ҳозирги замон Европа фани олдида ўзининг қадимги ўтмишига оид ёзма ёдгорликларсиз гавдалангани йўқ. Агарки, биз XIX асрнинг бошларига, яъни мумтоз Шарқ

тарихини илмий асосда ўрганишнинг дастлабки гиш-тлари қўйилган даврга назар ташласак, ўша вақтда қадимги Миср, Бобил, Осурия, Эроннинг тарихи Ўрта Осиёнинг XX аср бошларида маълум бўлган қадимги тарихига қараганда унча равшан бўлмаганини кўра-миз. Ўша даврда фан ихтиёрида, асосан, Таврот, Ҳеродот ва цицилиялик Диодорнинг асарлари ҳамда миср-лик коҳин Манефон ва бобиллик коҳин Берознинг та-рихий қораламаларигина бор эди. Булар мукаммал-лик жиҳатидан Беруний маълумотларидан кам фарқ қилар эди. Европа олимларининг тарихнинг бу соҳа-сидаги билими янги эрадан аввалги 1 мингйиллик бо-шидан нарига ўтмас эди. Қадимги Шарқнинг Хетт, Ми-таний ва Урарту сингари қудратли давлатлари тўғри-сида фан, аслида, ҳеч нарса билмас эди.

Бутун дунё тарихининг ҳозирги вақтда ҳар бир са-водли киши ўқиб билиб олиши мумкин бўлган катта бир боби деярли бутунлай Яқин Шарқда XIX асрда кенг авж олган ва ҳозир ҳам муваффақият билан давом эттирилаётган археологик қазилар туфайли яратил-ган.

Археологлар изидан, улар топган материалларга суяниб, турли ихтисосдаги филологлар, мисршунослар, осурияшунослар, хеттшунослар, халдшунослар ва бош-қалар (археология фанининг ютуқлари бўлмаганда, бу ихтисослар вужудга келмаган бўларди)нинг, мадания-ят, санъат, дин тарихи билан шуғулланувчиларнинг бутун бошлиқ армияси ишга тушди. «Ёрдамчи тари-хий фанлар» намояндаларининг чиндан ҳам мардо-навор, ғоят меҳнатгалаб ва мураккаб ишлари туфай-лигина қадимги Шарқ тарихининг улўфвор манзара-сини тиклаш имкони туғилди, эндиликда буни ҳисоб-га олмасдан туриб бутун дунё тарихи жараёнини англ-лаш мумкин эмас.

Шу билан бирга, биз бу йўлда қийинчиликлар кўн-даланг келганини, хатоларга йўл қўйилгани ва умид-сизликлар бўлганлигини, ҳар бир, кўпинча энг майда

масалалар устида нақадар хилма-хил фикрлар баён этилганлигини, қанча тахминлардан воз кечилганлигини ва шунча ишлар бажарилганидан кейин ҳам қанчадан-қанча ноаниқ мунозарали, текширилмай қолган масалалар борлигини биламиз. Шу сабабли асрлар давомида сақланиб қолган адабий манбаларнинг озлиги ва сифатсизлиги, олдимизда турган қарийб барча муаммоларнинг мунозарали ва ноаниқ эканлиги бизни, Ўрта Осиё тарихчиларини чўчита олмас эди. Лекин шу билан бирга, биз шу нарсани ҳам ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас эдики, бу масалаларни чинакам илмий асосда ишлаб чиқиш учун археологик ишларни кенг кўламда ва чуқур авж олдириб, ғоят қисқа муддат ичида, Яқин Осиёни ўрганаётган ҳамкасбларимизни қувиб етишимиз лозим эди. Бу ишлар битмас-туганмас янги тарихий материаллар хазинасини очишига ишончимиз комил эди.

1917 йилгача Ўрта Осиёни археологик жиҳатдан ўрганиш эндигина бошланиб келаётган эди, холос. Гарчи Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олинган дастлабки йиллардаёқ бу ишни йўлга қўйиш вазифаси ўртага ташланган бўлса-да, (чунончи, 1868 йилдаёқ, Чор Россияси Сирдарё ҳавзасини босиб олгандан бир оз кейин, атоқли шарқшунос П. Лерх археологик текшириш мақсадида дарё қирғоғи бўйлаб сафар қилди), бироқ уни амалга оширишнинг имкони бўлмади, чунки ҳамма нарса бу ишга мутлақо тайёрланмаган кишилар – чор мустамлакачи амалдорлари ва зобитлари қўлига топшириб қўйилди. Улардан баъзиларининг билимга серҳаваслигига тан берган ҳолда, шу нарсани қайд қилиш зарурки, уларнинг биронтаси ҳам айрим ёдгорликларни ва ёдгорликлар гуруҳини жуда юзаки таърифлашдан нарига ўтолмади. Бу таърифлар, аслини олганда, бизга ҳеч нарса бермайди. Мутахассис олимлар (Лерх, Веселовский, Бобринский) эса Ўрта Осиёга ҳар замон-ҳар замонда келиб турарди. В. В. Бартольд ўлкага анча мунтазам равишда ар-

хеологик сафарлар қилиб турарди. Аммо рус шарқшунослигининг бу йирик арбоби археологик ёдгорликларнинг аҳамиятини жуда яхши англагани ҳолда, ўзи мутлақ равишда археолог эмас, археологик материалларни тарихий тадқиқот учун манба эмас, балки намуна деб ҳисобларди.

Афросиёб (Самарқандда)дек қадимий манзилда олиб борилган ҳажми жиҳатдан анча кичик ва услубига кўра содда бўлган қазишмаларни ҳамда Ановдаги (Ашхобод яқинида) «америкачасига кенг кўламда», бироқ ниҳоятда паст услубдаги савия билан ўтказилган Пумпелли экспедицияси қазишмаларини ҳисобга олмаганда, ислом дини ўрнатилгандан аввалги ёдгорликлар тадқиқот доирасидан четда қолган эди. Асосий эътибор диний меъморчилик ёдгорликларига қаратилган бўлиб, уларнинг ичида фақат Темурийларнинг Самарқанддаги ёдгорликлари чинакамига муфассал тасвир этилганди.

...Шунчаки ишқибозликдан ташкил топган Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги ўрнини қадимги ёдгорликлар ва санъат намуналарини ўрганувчи Ўрта Осиё комитети бошчилигидаги бир талай кучли илмий-тадқиқот муассасалари эгаллади. 1930 йилларда Москвадаги Фанлар академиясининг Ўрта Осиё республикаларида ташкил қилинган филиаллари иш бошлади. Кейин ушбу филиалларнинг барчаси Фанлар Академиясига айлантирилди. Ўрта Осиё мавзуси Ленинград ва Москвадаги археология марказларининг, даставвал, Моддий маданият тарихи академияси (кейинчалик бу Москвадаги Фанлар Академияси қошидаги Моддий маданият тарихи институти ва сўнгра Археология институти деб ном олди), Давлат таъмирлаш устахоналари, Шарқ маданиятлари музейи ва бошқаларнинг иш дастуридан мустаҳкам ўрин олди.

1917 йилдан кейинги дастлабки ўн йилликда бу тадқиқотлар, асосан, илгари белгилаб қўйилган мавзу доирасидан четга чиқмади. Бироқ иш кўлами беқиёс

даражада кенг ҳамда услуби мукаммал эди. Ўрта Осиё мусулмон диний меъморчилигининг ўнлаб ажойиб ёдгорликларини таъмир қилиш ва тиклаш пайтида бу ёдгорликлар синчиклаб ўлчанди ва тасвирланди. Натижада, кейинчалик, Ўрта Осиёнинг ўрта аср меъморчилиги тарихига бағишланган бир талай йирик тадқиқот ишлари вужудга келди. Булар ичида Б. П. Денике, Н. М. Бацинский, Б. Веймарн ва бошқаларнинг ишларини алоҳида қайд қилиб ўтмоқ керак.

Бироқ 1920 йилларнинг охирларидан бошлаб исломдан олдинги ёдгорликларни ўрганиш бобида кескин бурилиш ясалди. Ушбу ҳаракат 1930 йилларнинг ўрталаридан эътиборан, айниқса, кенг авж олди.

М. В. Воеводский ва М. П. Грязновларнинг Еттисувдан 1933 йилда топган усунь ёдгорликларини ўрганиш соҳасидаги ишлари ва А. Н. Бернштамнинг шу мақсадда уюштирган, 1936 – 1947 йилларда давом қилган экспедицияси; М. Е. Массоннинг эрамиз биринчи асрларига мансуб ажойиб скульптура фризи (*ушбу сўз французчадан келиб чиққан бўлиб, уй деворларининг юқори қисмига солинадиган нақшнинг ўртаси деган маънони билдиради* – У. Б.)нинг тасодифан топилиши муносабати билан 1933 йилда бошланган ва 1936 – 1938 йилларда кенг авж олган ишлари; Г. В. Григорьевнинг Тошкент вилоятининг қадимий шаҳарларини ўрганиш бўйича 1934 йилда бошлаган ишлари ҳамда унинг Самарқанд яқинидаги Талибарзу қадимий шаҳрида олиб борган, қадимги суғд маданияти тарихига оид бой материаллар берган ажойиб қазилмалари; 1932 йилда Парфия давлатининг пойтахтларидан бири – қадимий Нисо (Ашхобод яқинида) шаҳрида А. А. Марушченко бошлаган ишлар; А. А. Фрейман бошчилигидаги экспедиция томонидан олиб борилган, Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги Муғ тоғида жойлашган қасрни кавлаш вақтида топилган, фанни араб истилоси даврига оид Суғд ҳужжатларининг аъло даражадаги тўплами билан бойитган

1933 йилдаги қазилмалари; В. А. Шишкиннинг 1937 – 1938 йилларда Бухоро воҳасининг ғарбий қисмида олиб борган, катта аҳамиятли натижалар берган қидириш ишлари ва қазилмалари (булар ичида бухорхудо-ларнинг Варахша қадимий шаҳридаги қасри деворларига солинган ажойиб нақшларнинг топилиши, айниқса, катта ютуқ бўлди. М. Е. Массоннинг Катта Фарғона канали йўналиши бўйлаб 1939 йилда олиб борган, қадимги Довон маданиятини биринчи бўлиб очиб берган экспедицияси – археология соҳасида амалга оширилган катта ишларнинг қисқагина рўйхати деса бўлади.

Ушбу экспедицияларда йиғилган бой материалнинг кичик бир қисмигина матбуотда (М. В. Воеводский ва М. П. Грязнов ВДИ, 1938, № 3-4); А. Н. Бернштам, Археологический очерк северной Киргизии, Фрунзе, 1941; яна унинг «Памятники старины Таласской долины» асари, Олмаота, 1942; шунингдек, яна ўша муаллифнинг «Отчёты в ВДИ 1939», № 4 1940, № 2, КСИИМК, 1 ва 11; М. Е. Массоннинг «Находка фрагмента скульптурного карниза первых веков н. э., Ташкент, 1933; яна унинг КСИИМК, 5 ва 8: «Термиз археологик экспедицияси» 1 том, «Труды УзФАН», серия 1, Тошкент, 1940 ва бошқалар) эълон қилинган. Ушбу материаллар Ўрта Осиё халқларининг, фақат буларнинггина эмас, шунингдек, бошқа бир қанча мамлакатлар халқларининг қадимги тарихини ўрганишда том маънода янги давр очади, чунки бу материаллар Ўрта Осиё билан чегарадош, ҳатто бу ердан анча узоқда бўлган, ўтмишда бу ўлка билан яқиндан алоқа қилиб турган мамлакатлар – Эрон, Ҳиндистон, Ғарбий Хитой, Сибирь, Шарқий Европа тарихининг турли-туман муаммоларини ёритишга ҳам ёрдам беради.

Москвадаги Фанлар Академиясининг ушбу асар муаллифи раҳбарлигида 1937 йилда иш бошлаган Хоразм экспедицияси, тарихни ёритувчи янги маълумотлар излаб кенг сафарга отланган археологлар «армия»-

сининг «бўлинма»ларидан бирига айланди. Қадимги Хоразм сарҳадларининг сир-синоатларини ечишдек муҳим ва қизиқарли вазифа ана шу экспедиция зим-масига тушди.

2-БОБ. ҚАДИМИЙ ХОРАЗМ ДАРВОЗАСИ

Экспедициямиз Қорақалпоғистоннинг ўша вақтдаги пойтахти Тўрткўл шаҳридан 26 километр шимолий-шарқда, саҳронинг бир чеккасида жойлашган Гулдурсун ҳудудига биринчи бор борган куни олган таассуротимни унутиш қийин.

Ҳали Гулдурсунга етмасдан етмасдан шимолий шарқ томонда, кўм-кўк боғлар, қишлоқ аҳлининг кўркам кўрғончалари ортидан Хоразмнинг ўрта асрга мансуб энг йирик қалъаларидан бири – Катта Гулдурсун виқор билан қад кўтариб турарди. Унга яқинлашган сари, қачонлардир ҳайбатли истеҳкомнинг манзараси тобора кенгайиб, улуғворроқ бўлиб борар эди. Қалъа ҳатто ҳозир ҳам саҳро билан ўнг қироғоқ Хоразмнинг сув чиқарилиб, боғлар барпо этилган ерлари чегарасида, сукутдаги посбон сингари турганди. Асрлар давомида инсон оёғи босмаган, илгарига қараб интилган девор олди тўсиқлари билан поғоналар орқали бирлашган қўш қатор буржларнинг чексиз сафи; яширин кучга тўла хотиржамлиги билан салобат солиб турувчи ўн беш метр кенгликдаги катта деворлар кечки осмонда кўзга ташланиб турар, барханлар қирраси тўлқинсимон бирлашиб кетарди.

Гулдурсунга олиб борадиган йўл ҳам кишининг диққатини жалб этарди. Тез орада унинг оддий йўллардан эмаслиги аён бўлди: йўл ҳозирги Тозабоғёб ариғига параллел оққан, қуриб қолган қадимий каналнинг кенг ўзани бўйлаб борар, сўнгра тармоқланиб, икки томондан харобаларни қамраб оларди. Харобаларнинг бир томонида қишлоқнинг баҳайбат ўлик қалъага нисбатан жуда кичик бўлиб кўринувчи бир текис қури-

лишлари қулоч отган, иккинчи томонда эса кенг дала бўйлаб гоҳ у ер, гоҳ бу ерда замон ва одамлар томонидан вайрон қилинган ўрта аср қўрғонларидан қолган дўнглар – бир замонлар обод бўлган Гулдурсун «рустаги» (*рустак – деҳқончилик қилинган жойлар, – У. Б.*)нинг қолдиқлари кўриниб турарди. Янада гарброкда, қадимий канал ўзанининг нариги томонида ўрта аср қасри – Кичик Гулдурсуннинг тўрт девори ва буржлари кўзга ташланиб турар, ундан нарида эса саҳрога ҳужум қилаётган (*бу ерда С. П. Толстов ерларнинг ўзлаштиришини назарда тутаяпти – У. Б.*) Хоразм қишлоқларининг дала ва боғлари олис-олисларга чўзилиб кетган эди.

Гулдурсуннинг ҳашаматли харобалари тўғрисида сон-саноксиз афсона ва қиссалар тўқилган. Яқин-яқинларгача халқ ўртасида бу ерга қарғиш теккан, қалъанинг остида яширин лаҳм (*яширин ер ости йўли – У. Б.*) бор, уни аждаҳо қўриқлаб туради, кимки Гулдурсуннинг битмас-туганмас хазиналарини топишга қасд қилса, ҳалок бўлади, деган хурофий тушунчалар бор эди.

Бизга шу ерлик ёш қорақалпоқ олими Ў. Кўжуров Гулдурсун тўғрисида болалигида эшитган қиссани сўзлаб берди.

Қарияларнинг айтишига кўра, Гулдурсун бир замонлар «Гулистон» дея аталар, бу жой ер-суви мўл, гуллаб-яшнаган бой шаҳар бўлиб, шаҳарда кекса бир подшоҳ ҳукм юритар, унинг Гулдурсун исмли гўзал қизи бор экан. Кунларнинг бирида шаҳарнинг бошига қулфат тушибди: саҳродан келган босқинчи қалмиқ галалари ўз йўлида учраган ҳамма нарсани янчиб, ниҳоят, шаҳарга яқинлашибди. Қалмиқлар гуллаб, яшнаган дала ва боғларни ер билан яксон этиб, сўнг шаҳарни қамал қилибди. Аҳоли шаҳарни мардонавор мудофаа қилибди. Бироқ душманнинг халқ қаршилигини енгишга кучи етмабди. Шу тариқа ойлар ўтибди. Бахтга қарши янада хавфлироқ душман – очлик бос-

қинчиларга «ёрдамга келибди». Озиқ-овқат захиралари тугаб, одамлар кўчаларда ўлиб қола бошлабди. Натижада сафлари сийраклашиб қолган ҳимоячилар қуролларини қўлларидан зўрға ушлаш даражасига тушишибди. Подшоҳ шунда ўзининг амалдор ва лашкарбошилари маслаҳатга чорлабди. Шунда уларнинг ичида бир одам топилиб, у сўнгги нажот чорасини синаб кўришни таклиф қилибди. Бу – жуда айёрона режа экан. Қамалдаги гулистонликлар қолган бир неча ҳўкиз ичидан энг семизини махфий йўл билан саройга келтириб, уни подшоҳ оморидан сўнгги бугдой билан боқишибди ва шаҳардан ташқарига чиқариб юборишибди.

Бу пайтда фақат қамал ҳолатда қолган ҳимоячилар эмас, балки қамал қилаётган душман ҳам очликдан азоб чекмоқда экан. Қалмиқлар бир неча ойлик қамал давомида ниманики ейиш мумкин бўлса, ҳаммасини еб битиришган экан. Уларнинг қароргоҳида қамалдан воз кечиш тўғрисида гап-сўзлар бошланибди. Оч қалмиқлар ҳўкизни тутиб олиб, сўйишибди. Шунда улар ҳўкизнинг ошқозони сара бугдой билан тўла эканлигини кўриб, саросимага тушишибди. «Агар улар молни шунчалик боқса, ғамлаган озиқ-овқати беҳисоб экан-да!» – дея бақаришибди жангчилар очликдан ғазабга тўлиб. – Қамал қилишдан фойда йўқ, шаҳарни олиб бўлмайди, очликдан қирилиб кетмасдан жўнаб қолайлик».

Қалмиқларнинг лашкарбошилари ҳам шундай фикрга келишиб, қайтишга ҳозирлик кўра бошлашибди.

Бироқ ана шундай вазиятда подшоҳнинг қизи Гuldурсуннинг хаёли бошқа нарсада экан. У узоқ ойлар давомида қалмиқларнинг мард, паҳлавон, ёш ва хушқомад лашкарбошиси – қалмиқ подшоҳининг ўғлини девордан кузатиб юраркан. Қизнинг қалбида халқининг душманлари йўлбошчисига нисбатан чексиз эҳтирос аланга олибди. Қиз қамалдагиларнинг ҳийласи иш берганини, юк ортилган туяларнинг бўқиришини, қал-

миқларнинг ўтовлари бирин-кетин йўқолаётганини кўриб, бир неча соатдан кейин уларнинг бу ерда қолмаслигига, улар билан бирга гўзал шаҳзода ҳам абадий кетишига кўзи етгач, инсон номига номуносиб иш тутибди: ўзининг содиқ канизагидан қалмиқ баҳодирига хат бериб юборибди. Хатда қиз йигитга бўлган муҳаббатини изҳор қилиб, гулистонликларнинг сирини очиб берибди. «Яна бир кун кут, – дея ёзибди у, – шаҳарнинг таслим бўлишини ўзинг кўрасан».

Натижада қалмиқлар туялардан юкларни туширишибди, тунда қароргоҳда яна сон-саноқсиз гулханлар ёнибди. Тонг отиши билан гулистонликлар душман шаҳарга тагин ҳам яқинлашиб келганини ва ҳийла иш бермаганини кўргач, умидсизликка тушибди ва очликдан ўлар ҳолатга келиб қолган шаҳар таслим бўлибди.

Босқинчилар шаҳарни талаб, ёндиришибди, аҳолининг бир қисмини қириб ташлашибди, қолганларини эса қул қилиб олиб кетишибди. Сотқин Гулдурсунни шаҳзоданинг олдига келтиришибди. Шаҳзода унга қараб шундай дебди: «Ватаннинг душманига бўлган номуносиб эҳтирос туфайли халқига ва ўз отасига хиёнат қилган экан, яна бошқа биров унинг ҳирсини уйғотса, менга вафо қилармиди? Уни ёввойи айгирларнинг думига боғланг, токи бундан кейин ҳеч кимга хиёнат қилолмасин».

Шу тариқа хиёнаткор жазоланибди – от думига боғланган Гулдурсуннинг танаси парча-парча бўлиб, чўлбиёбонларда қолиб кетибди. Хоиннинг лаънати қони тўкилган бу ер харобага айланиб, энди Гулистон эмас, Гулдурсун деб атала бошланибди.

Ушбу фожиали афсонада тарихий ҳақиқат учқунлари яширинган. Ўрта Осиё халқларининг ривоятларида XVII – XVIII асрларда Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг шимолини ўт ва қилич кучи билан даҳшатга солган истилочилар – қалмиқлар деганда, кўпинча, XIII асрнинг бундан ҳам ваҳшийроқ истилочилари, Чин-

гизхон бошчилигидаги мўғуллар тушуннади. Гулдурсун шаҳрида ва далаларида худди ана шу мўғуллар босқинчилиги вақтида яқсон қилмишган ҳаёт бизнинг кунларимизда яшнамоқда.

Биз юкларимизни тушириш биланоқ, табиий, сабрсизлик билан хароба томон йўл олдик. Дарвоза ташқарисидаги одам юрса адашиб қоладиган қоронғи мудофаа нишоотлари орқали ўтиб, баланд буталар ўсган ҳамда бузилаган биноларнинг қум босган харобалари билан қопланган кенг ички саҳнига чиқдик ва бу ерни кесиб ўтиб, қум қияликдап шимо томондаги девор устига чиқдик. Баландлиги ўн беш метр келадиган бу девордан кўз ўнгимизда саҳро олдидеки тиз чўккан қадимги Хоразмнинг сира унутилмас улугвор манзараси намоён бўлди.

Бундай манзара қаршисидеки ҳозиргина Гулдурсун харобаларидан олган ёрқин таассуротимиз ҳам ҳеч нима бўлмай қолди. Олдимизда бепоён қум денгизи фарб, шарқ ва шимо томонларга ястаниб ётарди. Узоқларда, шимолий уфқ томонда фақат Султон Увайс тоғларининг кўккимтир шарпаси гира-шира кўрнниб турар эди. Ҳамма ерда: барханларнинг қотиб қолган тўлқинлари ўртасида қасрлар, қалъалар, истеҳкомли кўрғонлар, катта-катта шаҳарларнинг сон-саноксиз харобалари гоҳ бир жойда зич ҳолда тўпланиб ётар, гоҳ алоҳида ажралиб турарди. Дурбин борган сари кўпроқ нарсаларни кўрсатар, кўз ўнгимизда янги-янги вайроналар очилмоқда эди. Бу вайроналарнинг баъзилари гўё жуда яқинда тургандек туюларди. Уларнинг деворлари, дарвозалари ва буржлари кўрнниб турар, узоқдаги вайроналарнинг фақат ноаниқ силуетларигина кўзга чалинарди.

Қалъаларнинг ўзига хос тузилиши қўйидагича: Думанқалъа (Туманқалъа)нинг жанубий чеккасидан тўғри бурчак шаклида баланд кўтариладиган деворларнинг қора чўзилган шакли; Желдикқалъа (Шамоллар қалъаси) буржининг мағрур тепаси; шимолий

гарбда Қаватқалъанинг сал кўриниб турадиган силуэти; шимолий шарқда улкан барханлар орқасида қолиб, кўринмай кетган Қумбосганқалъанинг сал кўзга илинадиган тепаси; ундан нарида Тешиққалъанинг шинам донжони («Одам яшайдиган қаср харобалари»), Бургутқалъанинг қудратли истеҳкомлари ва, ниҳоят, узоқ-узоқларда, шимол томонда Аёзқалъанинг қояли тепасида ялтираб турган саробга ўхшаш харобалар. Бундан ташқари, ҳамма жойда қумлар орасидан қад кўтариб турган беҳисоб номсиз харобалар бирга кўшилиб, инсон билан саҳро ўртасидаги фожиали курашнинг улуғвор ёдгорлигини вужудга келтиради.

Биз қадимги Хоразм дарвозаси остонасида, номаълум ўтмишга олиб борадиган йўлнинг бошида турар эдик.

Қадимги «ўлик» Хоразм ҳозирги замондаги тирик Хоразмни ҳамма томондан қуршаб олганди.

Орадан бир йил ўтгач, биз баҳайбат харобаларининг кўлами жиҳатидан Гулдурсундан қолишмайдиган ўрта аср шаҳри – Замахшарда, Туркменистоннинг Тошҳовуз вилоятидаги Тахта туманида, одамлар яшайдиган ер билан чўл ўртасидаги чегарада турардик. Олдимизда, худди Гулдурсундагидек, бир неча ўнлаб километрга чўзилиб кетган сирли бир ўлка ястаниб ётарди. Кимки бу ерлардан ўтса, ҳар қадамда қачонлардир яшаб ўтган аждодлар фаолиятининг изларига дуч келади.

Ана шу ерлар ҳам Хоразмнинг дарвозаси, бу гал гарбий дарвозаси эди.

Харобаларнинг озгинагина қисми эски номини сақлаб қолган бўлиб, бу номлар тарихий анъаналар тизмасини англаб олиш имконини беради. Кўҳна Урганч, Замахшар (ҳозир Измуҳшўр), Жигарбант харобалари, ўрта асрдаги Дарғон ва Шўраҳоннинг харобалари шулар жумласидандир. Харобаларнинг асосий кўпчилиги ҳозир расм бўлган номини, бу ерларда ҳаёт тугагандан сўнг кўп асрлар ўтгандан кейингина олган.

Бир қисм харобаларнинг номи, юқорида санаб ўтилган харобаларга нисбатан қилинганидек, уларнинг ташқи кўринишига қараб қўйилган. Баъзи вайроналарнинг номи қуёш нурлари остида ўтдек қизиган қум денгизида одам қандай даҳшатли хавф-хатарларга дуч келиши мумкинлигини саёҳатчиларнинг эсига тушириб туради. Қўйқирилганқалъа, Қўзиқирилганқалъа ва ниҳоят, энг қўрқинчлиси – Одамўлганқалъа шулар жумласидандир. Одамўлганқалъа VII – VIII асрларга оид кичик бир қаср бўлиб, унинг деворлари соясида одамнинг қуриган, икки букилган, устини қум босаётган ва тулкилар ражиган скелети қорамтир-жигарранг қайиш билан боғланган йўл-йўл жулдур чопонга ўралган ҳолда ҳозир ҳам ётибди. Бундан кўп йиллар олдин бу ёлғиз йўловчи сув бор жойгача бўлган 10-15 километрлик масофани босиб ўтишга мажоли келмагач, ўлик қасрнинг соясида секингина жон берган.

Хароба номларининг бошқа бир катта қисми бизни халқ афсона ва ривоятлари дунёси томон етаклайди. Буни моддийлаштирилган ўзига хос халқ оғзаки ижоди деб аташ мумкин.

Ўнг қирғоқдаги харобаларнинг кўпчилиги қорақалпоқ ва қозоқ қиссаларининг образлари билан ҳамоҳанг. Чунончи, Бароқ деган подшоҳ тўғрисидаги афсона Қорақалпоғистон шимоли шарқ томонининг узоқ чеккасидаги (Қозоғистон чегараси яқинида) янги эранинг III – IV асрларига оид Бароқтом харобалари мажмуи билан боғлиқ. Бу харобалар мажмуининг энг яхши сақланиб қолган қасрларидан бирида қачонлардир подшоҳнинг ўзи, бошқа бир қасрда эса унинг овчи қуши – баҳайбат бургут яшаган. Подшоҳ шафқатсиз ва қайсар одам бўлиб, бир куни подшоҳнинг бургути олдига унинг онаси – Анқо деган афсонавий қуш ҳол-аҳвол сўрагани келади. Шу вақтда Бароқ овга чиқиш учун тараддуд кўрмоқда эди. Подшоҳнинг яқин одамлари бургутнинг жаҳлини чиқармаслик учун овни бошқа

кунга қолдиришни кўп қисташади, бироқ бунга подшоҳ кўнмайди. Шундан сўнг таҳқирланган бургут подшоҳни оти билан бирга чангалида кўтариб осмон барабар олиб чиқиб, ерга ташлаб юборган. Бароқнинг жасадини унинг қасри ичига кўмадилар. Натихада бу ердан ҳамма кўчиб кетади, теварак-атрофда одам боласи қолмайди. Ўша вақтдан бошлаб карвонлар ҳам бу лаънатланган жойга кўтмай ўтадилар. Жуда яхши сақланиб қолган қадимий Анқоқальанинг номи ҳам Анқо деган ўша афсонавий қўшнинг оти билан боғлиқ.

Ривоятларга кўра, харобалари ҳозирги вақтда Қўрғонча (Тахтакўпир шаҳридан 20 километр шарқ томонда) номи билан маълум бўлган шаҳарда (янги эранинг III – IV асрлари) бир замонлар қорақалпоқ ва қозоқ дostonларининг машҳур қаҳрамони Қўбланди ботир яшаган.

Хоразмшоҳнинг қизи ва унинг висолга етишишга интилаган йиғит тўғрисидаги романтик афсона Амурдарё ўрта оқимининг ўнг қирғоғидаги иккита тош қалъа мажмуи – Қизқалъа ва Йиғитқалъа билан боғлиқ.

Ўрта Осиёда (Марв, Термиз ва бошқа шаҳарларда) кўпгина қалъалар туркийча ёки форсча (Чилдүхтарон) номи билан «Қирқ қиз» деб юритилади. Янги эранинг I-VI асрларига мансуб бўлган «Қирқ қиз» харобалари халқ ўртасида кенг тарқалган малика ва унинг қирқта дугонаси тўғрисидаги афсоналар билан боғлиқ. Улар афсоналарда гоҳ жанговар қизлар сифатида, (қорақалпоқларнинг бир достонида), гоҳ тарки дунё қилган қувғинди қизлар сифатида (қирғизларнинг бир афсонасида), гоҳо қирғиз халқининг келиб чиқиши билан боғлиқ ҳолда «қирғиз – қирқ қиз») қирғиз халқининг энг биригчи (бош) онаси сифатида намоён бўлади.

Қирққизнинг ғарб томонида, Султон Увайтоғнинг шарқий томонларидан биридаги серқоя чўққининг ўнқир-чўнқир жойларида қадимий Хоразмнинг энг гўзал ёдгорлиги, эрамизнинг дастлабки асрларига ман-

суб Аёзқалъа қад кўтарган. Халқ афсонасида бу қалъа қаҳрамоннинг номи билан – Қирққиз қалъасида ўзининг қирқта дугонаси билан бирга истиқомат қилувчи мамланинг висолга етишмоқ учун курашган қул Аёз номи билан боғланади. Ботир ва доно баҳодир қул Аёзнинг образи Ўрта Осиёда яшовчи халқлар ортақиёвнинг энг қадимий образларидан биридир. Қуйи Сирдарёда ёзиб олинган бир қозоқ қиссасида бу образ Орол денгизининг барпо бўлиши. Амударё Устюрт ўзанининг йўқолиб кетиши ва қадимий Хоразмнинг вужудга келишига сабаб бўлган афсонавий ҳодисалар билан боғланади.

«Бу ривоятга кўра, илгари вақтларда Орол денгизи бўлмаган эмиш. Сирдарё ва Амударё эса бирга қўшилиб, Лавзан, Кўҳна Урганч ва Ойбўғир орқали Каспий денгизига қўйилган эмиш.

Орол денгизи ўрнида раҳмсиз ва мунофиқ Фосилхон ҳукмронлиги остида Адақ халқи, Узбой ёқасидаги ҳудудда эса ўзининг донолиги ва адолатпарварлиги тўғрисида давлат раҳбари даражасига кўтарилган собиқ қул Аёзхон бошчилигидаги Бойсун халқи яшаган эмиш.

Фосилхон даҳшатли жиноятлар қилганлиги, бир авлиё қизининг номусини булғагани учун шу авлиёнинг қарғиши билан унинг қўл остидаги давлатни сув босади. Бу жойда Орол денгизи ҳосил бўлиб, ҳар иккала улуг дарё шу денгизга қўйила бошлайди. Дарёларнинг бирга қўшилишидан ҳосил бўлган қадимий ўзан қуриб қолади. Бойсун аҳолиси Аёзхон бошчилигида Хоразмга кўчиб келиб, бу ерда Урганч деб аталган подшоҳликни барпо қилади. Адақлар ва уларнинг ҳамма шаҳарлари эса сув остида қолиб ҳалок бўлади. Ҳозир ҳам ҳаво очиқ кунлари адақлар қурган иморатларнинг қолдиқларини Орол денгизининг тубида кўриш мумкин». (А. Нестеров, «Прошлое приаральских степей в преданниях киргиз Казалинского уезда» ЗВО, 1900, т 12, в 4, стр. 95-100).

Хоразмнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги илк ўрта аср ва қадимги афсоналар билан ҳамоҳанг бўлган бу қиссага қуйида тагин қайтамиз. Қул Аёз образи Абулғозининг «Шажараи тарокима» (XVII аср) асарида ҳам учрайди.

Аёз образи XI асрдаёқ русум бўлганлиги тўғрисида Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарида қуйидагича лўнда маълумот беради: «Аёз – қулнинг исми». Бу ўринда гап умуман қулларга нисбатан берилган махсус исм тўғрисида эмас, балки алақандай бир қулнинг атоқли оти тўғрисида кетаётганлиги аён бўлиб турибди. Аёзни турклар яхши билганлар ва илк ўрта асрнинг бу йирик тилшуносига унинг тўғрисида хабар берганлар.

Тошховуз вилоятидаги бир қанча қадимий ва ўрта аср харобалари номларининг цикли ниҳоятда ўзига хос ва ғалатидир. Ана шу жойга бориш мўлжалланган 1939 йил экспедициясига ҳозирлик кўраётганимизда қалъаларнинг номлари – Халабқалъа, Ёрбекирқалъа, Ширвонқалъа, Шемахақалъа – бизни жуда ажаблантиради. Чунки, ушбу номлар Сурия ва Озарбайжондаги жойлар (Алеппо, Диёрбакир, Ширван, Шемаха)ни эслатарди. Биз маҳаллий аҳолидан бу номларнинг келиб чиқиш сабабини суриштирганимизда, улар «Шоҳсанам» деган ажойиб асарда тасвирланган воқеалар халқ тасаввури бўйича шу ерда рўй берган, дея жавоб бердилар. Қадимги замон ҳамда ўрта асрларга мансуб Шоҳсанам харобалари гуруҳи шу асар қаҳрамонининг номи билан юритилади. Ўрта асрларда янгиланган қадимий қалъа ҳамда бу қалъа ёнида XIII – XIV асрларда барпо этилган боғ-роғлар мажмуи бу харобалар марказида туради.

Маълумки, юқоридаги асарнинг Салжуқийлар даврига бориб тақаладиган воқеаси Сурия ва Озарбайжонда, Салжуқийлар империясининг гарбий чегараларида рўй беради.

Бироқ тошқовузлик аҳоли бу воқеалар «қадимги су-форма ерлар» туманида, ўзларининг вилоятларида бўлганлигига қаттиқ ишонадилар.

Уларнинг талқин қилишича, малика Шоҳсанам ва унинг севгилиси Фариб Ёрбекирқалъада туғилган. Қажрли ота ўз қизини Шоҳсанам харобаларининг хушманзара боғига қамаб қўяди. Қиз ўз севгилисини ҳам шу ерга яширади.

Шоҳсанамдан ноҳақ равишда аччиқланган Фариб бу ердан қочиб, узоқ «Ширвон-Шемаха подшоҳлиги»-га эмас, балки бир неча ўн километр нарида жойлашган Ширвонқалъа ва унга қўшни бўлган Шемахақалъага боради. Ошиқ-маъшуклар ярашганларидан кейин ҳам узоқ Алеппога эмас, балки Халабқалъага қочиб боришга уринишади.

Девқалъанинг (XII – XIII асрлар) вужудга келиши тўғрисидаги қиссага ҳам, худди юқоридагидек, бир мунча ўзига хос ўзгаришлар билан, адабий анъана таъсир этган. Жуда катта тош тахталардан бунёд бўлган бу ўзига хос ва баҳайбат иншоот юмалоқ шаклда бўлиб, Қорақум чўлининг марказида қад кўтарган.

1939 йилда бизнинг экспедициямизга йўл кўрсатиб борган, Тахта шаҳри яқинидаги қишлоқда истиқомат қилувчи Ёвумутнинг ҳикоя қишича, бу қалъани Фарҳод исмли дев қурган эмиш. Фарҳод Хоразмшоҳнинг Ширин исмли қизини севиб қолади ва унга совчи қўяди. Бу подшоҳни таҳликага солиб қўяди. Қизини девга беришни хоҳламаган, шу билан бирга, рад жавоби беришдан қўрққан шоҳ жодугар кампирдан ёрдам сўрайди. Жодугар Фарҳодга бажариб бўлмайдиган вазифани – тошдан асар ҳам бўлмаган Қорақум чўлининг ўртасида тош қалъа қуришни топширишни маслаҳат беради. Бироқ дев узоқ жанубдаги тоғлардан елкасида тош ташиб келиб, қалъани қура бошлайди. Қалъа битай деб қолганида, бундан хабардор бўлган шоҳ яна жодугарни маслаҳатга чақиради. Жодугар подшоҳга ўзи белгилаган кунни 9000 та янги

туғилган бўталоқни, шунча той, бузоқ ва қўзини сўйишни маслаҳат беради. Қолган ишни у ўз зиммасига олади. Белгиланган вақтда жодугар дев қуриб тамомлаётган қалъага келади. Шу пайт Хоразм томонидан даҳшатли ҳайқириқ эшитилади. Бу сўйилаётган минглаб она молларнинг овози эди. Фарҳоднинг: «Бу қандай йиғи?», деган саволига кампир, ҳозиргина малика вафот этган. Ширинга бутун Хоразм аза тутмоқда, дея жавоб беради. Севғилисининг ўлими тўғрисидаги хабардан гангиб қолган дев, севғилисиз яшашни истамасдан, ҳали жойига қўйилмаган сўнги тошни осмонга улоқтиради. Тош Фарҳоднинг устига қайтиб тушади. Девни севиб қолган Ширин ҳам фожиа рўй берган жойга етиб келади ва севғилисининг мурдаси тепасида ўзига пичоқ санчиб ҳалок бўлади.

Шарқнинг Ромео ва Жульетталари тўғрисидаги асарнинг бу содда вариантида қадимий ва афсонавий аспект намоён бўлади. Бу ўринда ер ости дунёсининг қадимий маъбуди, қурувчи ва тоштарошлар ҳомийси – дев Фарҳод ўзида тоштарош ва меъморга хос белгиларни сақлаб қолган адабий асар қаҳрамонининг прототипи сифатида гавдаланади.

Шундай қилиб, кўмилиб кетган харобалар, ярим вайрона буржларнинг сирли дунёси қўзимиз олдида эртак ва афсоналар қобилига ўралган ҳолда тасаввурга эга бўлади. Бу хароба ва буржларнинг девор ҳамда ваҳимали шинаклари Хоразмга саҳро томондан келадиган йўлни тўсиб турарди. Вазифа шу сирли дунёнинг афсоналар пардаси остига яшринган ичкари-сига кириб, тарихий ҳақиқатни кўришдан, ўлик шаҳарларнинг тупроқда сақланиб қолган солномасини ўқиб чиқишдан иборат эди.

Вазифамиз анча мушкул эди. Гарчи Хоразм цивилизациясининг, ҳали тўлиқ бўлмаса-да, ҳар ҳолда, умумий жиҳатлари бир-бирига монанд бўлган тарихий тараққиёти (Хоразм цивилизациясининг қадимий неолит давридан бошлаб то ўрта асрларда, XII асрда ва

XIII аср бошларида «улуг Хоразмшоҳлар» паноҳида гуллаб яшнашга қадар) ҳамда Гулдурсути афеонасидаги «қалмиқлар»нинг ҳаётдаги тинчсоли – мўғул гааларининг харобаси остида бу цивилизациянинг инқирозга юз тутиши манзараси дастлабки тахминий хулосалар ва айрим фактларни тарихан ашгааш тажрибалари ўрнини олгунча кўп йиллар ўтди.

3-БОБ. ПИНҲОНИЙ ЎЛКАДА *(1937 – 1945 йиллардаги экспедиция ҳисоботидан)*

Биз қадимги Хоразм харобаларини биринчи маротаба келиб ўрганган археологлардан эмасдик. 1928 – 29 йилларда Хоразмшоҳларнинг ўрта асрлардаги пойтахти – Урганч (ҳозирги Туркменистоннинг Тошҳовуз вилоятидаги Кўҳна Урганч шаҳарчаси) атрофида А. Ю. Якубовский экспедицияси иш олиб борди. А. Ю. Якубовский Урганч архитектура ёдгорликларини биринчи марта илмий асосда «Развалины Ургенча» номи (1930 йилда Ленинградда нашр қилинган) асарида таърифлади. Шунингдек, ўша атрофдаги илк ўрта асрларга мансуб бўлган Маздақои (ҳозирги Хўжайли яқинидаги Кофирқалъа харобалари) шаҳрининг харобаларини текшириб, бу тўғрида ҳам маълумотлар берди («Городище Маирдахкан» З КВ, 5 1930).

1934 йилда бўлса Туркменистоннинг Тошҳовуз вилоятида, ўрта асрдаги Замахшар шаҳрининг харобаларида М. В. Воеводский томонидан илмий экспедиция фаолият кўрсатди.

Аммо ҳар икки экспедиция ҳам бу ёдгорликларнинг ўрта асрларга мансуб бўлган қатламларининггина тадқиқ эта олди. 1936 йилда эса тошкентлик археологлар Яҳё Гуломов ва Турди Мирғиёсовларнинг экспедицияси Манғит қишлоғи яқинидаги Қубатов тепалигидан янги эранинг 1 мингйиллиги ўрталарига мансуб бўлган зардуштий қабристонини топиб биринчи маротаба

қадимий, исломга қадар Хоразм ёдгорлиғига дуч келдилар. Бу ҳақда Яҳё Ғуломов 1937 йилда «Ғулистон» журнаlining 4-сонida «Ўтмиш излари» номли мақола ҳам чоп эттирганди.

1937 йил Яҳё Ғуломов Жанубий Қорақалпоғистоннинг «қадимда суғорилган ерлари» ва археологик қазинмаларнинг қайтадан бошладди ва ўрта асрларга мансуб Гудурсун ва Норинжон шаҳар харобаларини ҳамда Шоббоз яқинидаги (Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани) Пилқалъанинг янги эранинг дастлабки асрларига мансуб баҳайбат харобаларини текшириб чиқди.

Ўша йилдан худди шу жойда бизнинг экспедициямиз ҳам иш бошлади.

Археологик қазинмалар ўтказиш учун бу тумани танлашимиз тасодифий эмас. Вазифа кинилар истиқомат қилиб турган жойдан ташқарига чиқиб, саҳронинг ичига кириб бориш, ўша ердан энг қадимий замонлардан сақланиб қолган ёдгорликларни топишдан иборат эди. XX асрнинг бошларида Шарқий Туркистонга қилмиган экспедициялар тажрибаси ҳам, Ўрта Осиё деҳқончилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳам шунинг тақозо қиларди. Суғорилган бир парча ердан ҳам фойдаланишга интилиш билан боғлиқ бўлган интенсиив ва самарали деҳқончилик, суғорилдиган жойларда аҳолининг зич жойлашганлиги ва ниҳоят, дала-ларни ўритлаш учун қадим замонлардан бери иншоотлар харобаларининг таркибиде семитра бўлган хом гиштлари ва гуваларидан фойдаланиш (бу иш археология бошига битган балолар) шунга олиб келганки, аҳоли яшайдиган жойлардаги қадимий қишлоқ ва шаҳарлар ё тамомлаа йўқ қилиб юборилган, ёки ўрта аср маданияти қатламлари орасида қолиб кетган. Шу сабабли археологлар бу юқори қатламлардан қимматга тушадиган катта қазинмалар ўтказиш орқалигина бундай ёдгорликларнинг озгина қолдиқларини тона

олардиңлар, саҳрода эса уларни деярли қўла тегмаган ҳолда топини умиди бор эди.

Саҳронинг катта ҳудудини ишғол қилувчи, ўзида прригация изларини сақлаб қолган, харобаларга бой «қадимий сугорма ерлар» Ўрта Осиёда, жумладан Қизилқум ва Қорақум саҳроларининг Хоразм воҳасини қуршаб олган қисмида нагаридан маълум эди. Бундай ерлар мавжудлигини жуда кўп саёҳатчилар қайд қилиб ўтган. Бу ерларнинг кўп қисми жуғрофий хариталарга ҳам тунтирилган. Бундай ерларнинг вужудга келиши, сўнгра қаровсиз қолиши масаласи қадимий Ўрта Осиёнинг тарихий-жуғрофик муаммоларидан бири сифатида, фақат тарихчиларнинггина эмас, географ ва геологларни ҳам ўйлантириб келмоқда эди. Адабиётларда бунинг сабаби сифатида қирғоқнинг ювилиб кетиши натижасида дарёлар оқимининг ўзгариши ҳам, қумларнинг босиб келиши ҳам, гўё прригация оқимининг ўзгариши ҳам, қумларнинг босиб келиши ҳам, ниҳоят, Ўрта Осиёнинг умуман фожияли суратда «қуриб қолиши» ҳам тилга олинарди. Бирок буларнинг ҳаммаси моҳият эътибори билан ҳеч қандай асосга эга бўлмаган гумондангина иборат эди. Чунки бу ерларнинг қаровсиз қолиш сабаблари у ёқда турсин, ҳатто бу ҳодиса рўй берган вақт ҳам номаълум эди. Катта ва мустақил тадқиқот ишини талаб этадиган бу жумбоқни ечишда тарихчилар ҳал қилувчи сўзни айтмоқлари лозим эди. Бизнинг саҳро томон йўл олишимизга бошқа вазифалар қатори шу ҳам сабаб бўлди.

Жанубий-шарқий Қорақалпоғистоннинг айни «қадимий сугорма ерлари»ни танлашимизнинг боиси шу эдики, биз бу ҳудуд тўғрисида уларнинг нисбатан жуда эрта қаровсиз қолиш сабаблари хусусида тахминлар қилиш имконини берувчи баъзи тарихий маълумотларга эга эдик.

X асрга қадар Жанубий Хоразмнинг ўнг қирғоғи қадимги Хоразм подшоҳлигининг маркази эди. Мам-

лакатиншиг ислом динидан аввалги пойтахти – Кат шаҳри ҳам шу ерда жойлашганди. Бироқ X аср охирига келиб сиёсий ҳаёт маркази Урганчга қўчгач, бу ҳудуднинг роли пасаяди ва у тушқунликка юз тутади. 997 йили қадимги Хоразмшоҳларнинг қароргоҳи – Фил (ёки Фир) қасрини Амударё ювиб кетади. XII асрда яшаган араб географи Самъоний ўнг қирғоқдаги баъзи шаҳарлар харобага айлангани ва улар жойлашган ер тўғрисида маълумот беради. XIV асрда эса машҳур араб сайёҳи Ибн Батутта яшаган даврда ҳаёт қайнар эди.

Хоразмга оид жуғрофий асарларда Гулдурсун билан Султон Увайстоғ тоғлари ўртасида харобаларнинг қўпчилиги ва уларнинг яхши сақланиб қолганлигига, айниқса, алоҳида эътибор берилди. Шу сабабли, ислом динидан аввалги даврга мансуб бўлган, замонлар оша сақланиб қолган ёдгорликларни шу ердан топиш эҳтимоли кўпроқ бўлса керак, деб тахмин қилишга барча асослар бор эди.

1937 йили биз экспедициямизнинг ходими, аспирант А. И. Тереножкийни дастлабки текширишлар учун шу ҳудудга юбордик. У тўнлаган нарсалар, айниқса, бой пүмизматик материал бизнинг тахминимизни тасдиқлади. Бу маълумотларни ишлаб чиқиб, матбуотда (А. И. Тереножкий, «Археологические разведки в Хорезме, СА 6. 1940) чоп эттирдик. Дарҳақиқат, Гулдурсуннинг нариги томонида ислом динидан олдинги даврга оид харобалар жуда катта жойини эгаллаган бўлиб, улар бу борада тадқиқотлар олиб бориш учун катта имкониятлар очиб берарди.

1938 йили экспедиция ишлари ниҳоятда юришиб кетди.

Дастлабки қазинмалар VIII асрга оид Тешикқалъада олиб борилди. Араб истилосининг гувоҳи бўлиши, ташқи томондан жуда яхши сақланиб қолган бу қалъа харобаларида экспедиция уч ой ишлади. Тешикқалъадаги базадан туриб, саҳронинг анча ичкарисига ки-

риб борувчи қалъалар занжири – Қўйқирилганқалъа, Ангоқалъа, Бозорқалъа, Қўргоштинқалъа, Катта ва Кичик Қирққиз, Аёзқалъа, Тупроққалъа ва Қизилқалъа разведка қилинди.

Қазинмалар айни қизилган пайтдаёқ шарқий уфқдаги қумлар орасида кўминиб кетган, атрофинидаги VII – VIII асрларга мансуб қалъаларга ўхшамайдиган ғалати бир қалъа эътиборимизни жалб қилди. Биз ана шу қалъани узоқ вақт дурбун орқали кузатар ва ҳар хил тахминлар қилардик. Қалъа деворларининг чеккасида трапеция шаклидаги буржлар барханлар пуштаси узра кўзга ташланиб, қадимий Шарқ ёлгорликларини эслатиб турарди. Қазинлар озгина тинчиган кунни биз фотограф Е. А. Поляков ва туякаш Санизбой Ўрумов билан бирга туяларда сеҳрли харобалар сари йўл олдик.

Катта-катта ва баланд қумтепалар орқали ўтиб бориш ниҳоятда машаққатли бўлди. Барханларнинг туялар эҳтиётлик билан қадам босаётган чўққилари кутилмаганда «ўй» дея аталувчи шамол ҳосил қилган чуқурликка тик тушарди. Бундай чуқурликларининг тубида шамол сюда сингарни ялтироқ қора қумни учириб юрарди.

Қум денгизи харобаларни кўмиб кетган, улар орқада ҳам, олдинда ҳам кўринмас эди. Бироқ йўл бошловчимиз гоҳ «ўй»ларни айланиб ўтиб, гоҳ қумтепа ёнбағирларидан юқорига кўтарилиб, эгри-бугри йўллардан дадил бошлаб борарди. Барханлардан бирининг тепасига чиқққаннимизда тўсатдан кўз ўнгимизда тақирлардан иборат кенг майдон пайдо бўлди. майдонда қизил рангли сопол парчалари сочилиб ётарди. Тақирлар узра шу вақтга қадар биз кўрганларга ўхшамайдиган ғалати бир қалъа харобалари кўзга ташланиб турарди. Биз бораётган манзил олисида эди. Қалъа (кейин билсак, бу Қўйқирилганқалъа экан) Тешиққалъа минорасидан кўринмаган эди. Ўн саккиз қирралик қасрнинг ярим хароба ҳолга келиб

қолган деворларни атрофини қарийб ер билан тенгла-
шиб кетган гир айлана ташқи девор ва тўққизта бурж-
нинг сақланиб қолган қисми ўраб турарди. Қалъа де-
ворларининг баъзи жойларда 5 – 6 метрга стувчи
квадрат шаклдаги катта-катта хом гиштлардан иш-
ланган қирраларида тор ва тена томонига найзаси-
мон ўткир бурчак ҳосил қилиб иккита гишт қўйи-
лган шпнаклар ясалган эди. Қалъанинг ичида ва тева-
рак-атрофда жуда яхши ишлов берилган ва қизди-
риб ишлатилган сопол идиш-товоқларнинг сон-саноқ-
сиз парчаларни ётарди: баъзиларининг сирти қизил лак
билан қопланган, баъзилари эса бурчак ва уч бурчак
шаклидаги ўймакор нақшлар билан безатилган бўлиб,
пушти-сарик фон устидан қизил, жигарранг ва қора
ранг берилган эди. Сопол парчалар орасидан икк
скифларга мансуб ёйи ўқининг бронзадан ишланган
қўш қанотли учини ва бир жуфт қизғиш-сарик ранг-
даги ҳайкалча – бир тиззасиши йиниб, иккинчиси
қўлни тираб ўтирган эркакнинг бошсиз кичик фи-
гурасини ҳамда қандайдир афсонавий ҳайвон усти-
да оёғини бир томонга осилтириб ўтирган аёл тасви-
рини топдик. Кўз ўнгимизда бутунлаш бошқа бир
давр – биз Тешикқалъада ўргана бошлаган даврга
қараганда анча қадимийроқ давр гавдаланди; олди-
мизда икк антик давр Хоразмига оид дастлабки
ёдгорлик турарди.

Кунботар пайтда баланд қумтепалардан ўтиб, та-
қир жойга, ўзимиз ишлаган манзил – Анқоқалъага
етиб келдик. Маълум бўлишича, бу қалъа ҳам антик
даврга, бироқ анча кейинги замонга – эрамининг би-
ринчи асрларига мансуб экан: биз тақирдан топиб
олган чақа пулда бургут шаклидаги ғалати тож кий-
ган подшоҳ тасвирланган эди. Бу хил танга ўтган йил
йиртилган нарсалардан маълум эди – биз уни эрамин-
нинг учинчи асрига мансуб деб қайд қилдик.

Анқоқалъа биз ҳозиргина текширган харобаларга
мутлақо ўхшамас, фақат гиштлари ва найзасимон

пинакларигина уларнинг бир даврга мансублигидан далолат берарди.

Режага кўра тўғри квадратли, бурчакларида ва девор оралиқларида квадрат шаклидаги буржми, ичкари ҳованга кирмадиган дарвозаларининг икки томонидаги устуллари ҳам квадрат шаклига эга бўлган бу хароба ташқи кўришида анча яхши сақланиб қолган антик қалъалардан эди. Кунботар пайтда мен қалъанинг деворига чиқдим: орқа томонда, ғарбий осмоннинг қип-қизил фоннда, чексиз қум пушталарининг нарёида жон асари йўқ Бургутқалъанинг сонсиз буржлари соя ташлаб турарди. Шимолдан жанубга қараб 17 километрга чўзилган Бургутқалъа олдидан улкан бир шаҳарнинг силуетига ўхшаб кўринадди. Теварак-атрофга сув қуйгандек саҳроин жимжитлик чўткан. Бу бир замонлар саҳроин забт қилувчиларининг чексиз меҳнати билан бунёдга келган-у, ammo одамлар алмақачонлар унутиб тоборган афсонавий шаҳар ҳамда қишлоқларнинг пинҳоний бўлиб тукулишини янада бўрттирарди. Тонг отиши билан биз жанубга, галати харобалар кўришиб турган томонга йўл олдик. Харобаларнинг бир бурчагида бизга гўё диққат билан қимирламай тиклиб турган одамнинг аниқ сояси тушиб турарди.

Бу – янги эранинг VI – VIII асрларига мансуб Одамлиқалъа эди. Биз одам деганимиз бузилган деворнинг кунгираси экан, яқинроқ келиб қараганда у одамга ҳеч ҳам ўхшамас эди. Йўлда кучли қум бўронига дуч келдик: теварак-атрофда қизиган қум гирдоби увицлар. Одамлиқалъа қум ичида кўздап бойиб бўлди, ёнимизда келаётган туянинг сояси гира-шпра кўришарди. Одамлиқалъа деворлари тагига – пана жойга базўр етиб олдик. Ичадиган сувимиз тамом бўлган бўлса-да, биз ишни тўхтатиб ўтирмасдан, бўрон бир оз тинчиган вақтдан фойдаланиб, қалъани ўлчадик ва суратга олдик.

Е.А.Поляковнинг шамола йиқитиб кетишидан кўрқиб, девор панасида, бурчакка бекиниб олиб, ёвуз

ниятли одам каби, аппаратни билан қалъанинг марказий буржини мўлжалга олиб турган пайтини унутиб қийин. Эҳтимол, биз ҳам Сансиэбой Ўрумов билан шамол ва қум қаршичилигини енгиб, рулетканинг шамол тортиқилаётган лентасини маҳкам ушлаганча. Юрий Олеша эртагининг қаҳрамонларидан бири сизгари, «осмонга учиб кетай» деб буржга қоқилиб-суқилиб чиқаётган пимизда антиқа кўринишга эга бўлгандирмиз.

Сув йўқлиги (дарвоқе, бу ўринда тажрибасизлигимиз ҳам билишиб қолади, кейинчалик биз: «бир кунга кетсанг ҳам бир ҳафталик сув ғамлаб ол» деган саҳро қондасига қатъий амал қилдик) бўрон тўхташини кутиб туришга имкон бермади. Қўйқирилган қалъага қайғиб келганимиздагина кўёш кўринди. Тешикқалъага борадиган йўлнинг ярмига етганимизда эса бизни икки сувдон тўла сув ортлаган туяда «қутқарувчи экспедиция» кутиб олди. Биз тезгина гулхан ёқиб, чой қайнатиб ичдик-да, «уй»га жўнадик. Чиндан ҳам, «дунёда ҳамма нарса нисбийдир»; ахир, кузатув кунларида экспедициянинг саҳродаги ташландиқ бир «овули» ҳам ўз уйинг, ўлан тўшагингдек бўлиб қолар экан.

Қазинималар тамом бўлгандан кейин ўтказилган кузатувлар шуни кўрсатадики, биз босиб ўтган маршрут бўйлаб жойлашган «қадимий суғорма ерлар»ни ярим ҳалқа шаклида қуршаб олган бошқа қалъаларни ҳам аҳоли жуда қадим замонларда – антик даврда ёки ўрта асрчилик тонгида ташлаб кетган экан.

1938 йилда ўтказилган қазинималар тусфайли жуда кўп қадимги харобалар ва ислом динидан аввалги илк ўрта асрга мансуб ёдгорликлардан ташқари, бронза асрининг дастлабки обидалари ҳам топилди. Биз А.М.Тереножкин билан қилган пиёда кузатув вақтида Тешикқалъанинг жануби ғарб томонидаги қумлар орасидан, шамол ҳосил қилган ҳавзадан биринчи марта керамикаси Қозоғистон ва Сибирнинг Андронов маданияти керамикасига жуда яқин Волгабўйи кес-

ма маданиятига (янги эрадан аввалги 2 мингйилликка оид) эса камроқ яқин бўлган бир неча совурилган маконларнинг қолдиқларини топдик.

Урушдан аввалги даврда иш энг авж олган йил 1939 йил бўлди. Июндан то октябрнинг охирларига қадар олти ой давом этган бу қазишма ишлари шимолда Султон Увайстоғ, жанубда Чоржўй ва жануби гарбда марказий Қорақумни ўз ичига олувчи жуда катта ҳудудда ўтказилди.

Июнь ойининг бошида экспедиция иккита қузатувчи гуруҳга бўлиниб, Чоржўйдан Амударёнинг ўрта оқими бўйлаб шимол томонга йўл олди. С. А. Ершов бошчилигидаги гарбий отряд қуруқликдан, автомобиль йўли ёқалаб, шарқий отряд эса бизнинг бошчилигимизда сув бўйлаб ўнг қирғоқни ёқалаб борди.

Қадимги ва ўрта асрларда Хоразм жанубий чегараларининг тарихан қандай ўзгариб турганини аниқлаш имконини берган маршрут босиб ўтилгандан кейин, ҳар икки отряд Жанубий Қорақалпоғистоннинг «қадимий суғорма ерлари»да яна бирлашди. Бу ерларда биз бирин-кетин тўртта ёдгорликни қазидик. Булардан учтаси антик ёдгорлик:

1. Янги эранинг I – II асрларига мансуб Аёзқалъа – 3 даги катта бино;

2. Аёзқалъа – 3 яқинидаги янги эранинг II асрига оид деҳқон қўрғони;

3. Қадимги Хоразмнинг илк қўрғонларидан бири – «қадимий суғорма ерлар»нинг энг шарқий чеккасида жойлашган Жонбосганқалъа харобалари ҳамда биттаси биз ўтган йили текширишлар олиб борган Тешиққалъа яқинидаги исломдан аввалги ўрта аср қасрларидан бири – Бургутқалъа – 36 эди.

Жонбосганқалъада олиб борилган қазишмалар пайтида жуда муҳим кашфиёт қилинди, экспедиция қатнашчилари, Москва давлат университетининг талабалари А. Я. Абрамович ва Н. Н. Вактурская харобалар жойлашган тепаликни жануб томондан ўраб олган кенг

қумли ҳавзани кузатув қилаётганида чақмоқтошдан қилинган қуроолар ҳамда штамплаш йўли билан турли-туман орнамент ишланган керамика буюмлари кинини топди. Шу жойни текшириш ва қазиб кўриш бу ибтидоий хоразмликларнинг 1938 йилда топилган бронза даврига оид маконларга қараганда анча қадимийроқ макони эканлигини кўрсатди. Биз Жонбосганқалъа – 4 макони деб атаган (бундан олдин ҳам Жонбоснинг шимоли ғарб томонидаги қумлар орасида бронза ва илк темир даврларига тегишли учта макон топган эдик) бу макон шу атрофдан топилган маданиятларга унча ўхшамайдиган янги, неолит маданиятига мансуб эди.

Археологлар одатига кўра, биз унга, яқин – орадаги аҳоли яшайдиган ҳудуднинг номига нисбат бериб, Калтаминор маданияти деб ном бердик. Калтаминор маданияти жуда бўлмаганда янги эрадан олдинги 3 мингйиллик бошига, балки 4 мингйилликка хос бўлиши керак.

Қазишмалар тамом бўлгандан кейин биз экспедициямизнинг янги, энг оғир кузатув маршрутларидан бирига – шимолий Қорақум йўналишига чиқдик. 14 та туядан иборат карвонимиз ҳаво очиқ эрта тонгда Тошҳовуз шаҳридан ғарбга қараб йўл олди. Икки ҳафта ичида жануби ғарбий Хоразм «қадимий суғорма ерлари»нинг бош магистрали – катта қадимий канал ёқалаб 150 километрча йўл босдик ва Девқалъа харобаларига қадар саҳро ичига кириб бордик. Шу вақт ичида қадимги замонга ва ўрта асрларга (янги эрадан олдинги 1 мингйилликнинг ўрталаридан эра-мизнинг XVI асрларига қадар) оид бўлган 12 та ёдгорликни текширдик.

Бу маршрут бўйлаб қилинган энг муҳим кашфиёт қадимги Хоразмнинг ўнг қирғоқдаги энг эски харобалар – Қўйқирилганқалъа ва Бозорқалъалардан ҳам қадимийроқ обидаларининг топиллиши бўлди. Булар Чирмонёбнинг ўрта қисми яқинидаги қумшағал тепа-

ликдан топилган Қалъалиқир 1 ва Кўзалиқир деган улкан қадимий шаҳарлар бўлиб, шу ердаги керамика материалларига қараганда, улар янги эрадан аввалги 1 мингйилликнинг ўрталарига мансуб эди.

1940 йил – урушдан аввалги қазिशмалар олиб борилган охириги йил бўлди. Бу йилни биз 1939 йилда топилган неолит даври макони – Жонбосганқалъа – 4-ни қазिशга, катта Тупроққалъа қадимий шаҳрини дастлабки қазиб кўриш ва ўлчашга, янги эранинг XII – XIII асрларига мансуб ўлик Қаватқалъа воҳасини текширишга ва шу воҳадаги деҳқон кўрғонларидан бирини қазिशга бағишладик. 1940 йилни Султон Увайстоғ тоғларининг жанубий чеккаси бўйлаб, шимол томонга – Нукус шаҳригача етган саёҳат билан тамомладик. Бу саёҳат вақтида биз қадимги замон ҳамда ўрта асрларга оид бир қанча янги қадимий шаҳарларни очиш билан бирга, Чилпиқ, Қоратепа номли тошлоқ тепаларда қоятошларга чизилган белгилар комплексини топдик. Бу белгиларнинг энг қадимийси бронза даврига оид бўлиб, улар орқали биз Хоразмнинг дастлабки пиктографик ёзувлари билан танишдик.

Дастлабки тўрт йил давомида дала шароитида олиб борилган ишлар вақтида тўпланган материал жуда кўп ва турли-туман эди. 1500 километрдан ортиқ масофа бўйлаб кузатув олиб борилди. 400 тача янги ёдгорликлар топилди, шулардан 14 таси (Неолит даври макони Жонбос – 4; тўртта қадимий ёдгорлик: Жонбосқалъа, Аёзқалъа – 3, Аёзқалъа – 1даги кўрғон, Тупроққалъа, ислом динидан аввалги илк ўрта асрга оид тўртта ёдгорлик – Тешиққалъа ва Бургутқалъа ўлик воҳасининг 4, 34 ва 36-қасрлари; илк ўрта асрларга оид битта ёдгорлик: Гулдурсун яқинидаги одам яшаган қишлоқ уйи, Норинжон бобо мозори яқинидаги эски шаҳар 2 уйи, ўша ердаги илк ўрта асрларга мансуб қабристон. Қаватқалъа, унинг яқинидаги 1-қишлоқ кўрғони) озми-кўпми интенсив равишда қазиб кўрил-

ди. Янги эрадан олдинги 4 ва 3 мингйилликлардан то эрамининг XIV асригача ўтган тахминан тўрт ярим мингйиллик давр қадимги Хоразм цивилизацияси тараққиётининг бош йўларини текшириш имконини берувчи деярли узлуксиз қалъалар занжири сифатида гавдаланади. Жанубий Хоразмнинг аҳоли яшайдиган ерлари чегараси ва сиёсий чегараларининг қадимги замонда ва ўрта асрларда (ҳам ўнг, ҳам чап соҳилларида) тарихан ўзгариб туриш контурлари белгиланди. Қадимги суғориш тармоғининг умумий чизмаси, «қадимий суғорма ерлар»нинг ташлаб кетилган вақти ва бунинг сабаблари аниқланди.

Қишлоқ тоифалари ҳамда деҳқончилик ва ҳунармандчилик тарихининг обидалари устида олиб борилган ишлар олдимизда турган энг муҳим тарихий муаммони – қадимий Хоразмнинг ижтимоий тузуми тарихи мавзусини ҳал қилишга яқиндан киришиш имконини берди. Бой нумизматика материали Хоразм ёзувининг дастлабки мажмуаси бўлиши билан бирга, сиёсий тарихнинг кўпгина масалаларини ёритиб берди. Ана шу чақа тангалар, муҳрлар, терракотдан (*қизгил-сарик рангли куйдирилган соф лой – У. Б*) ишланган кўпгина турли-туман ҳайкалчалар ва ниҳоят, жуда яхши сақланиб қолган юзлаб меъморий ёдгорликлар бизга Хоразм маънавий маданияти, санъати ва дини тарихини беркитиб турган пардани кўтариб кўриш имконини берди.

Аmmo биз тўплаган материалларимизни қанча чуқур текширганимиз сари, шунча янги-янги муаммолар келиб чиқа бошлади. 1941 йил ёзи жамоамиз янги дала ишларига жадал суръатда тайёрланаётган вақтга тўғри келди: неолит макони Жонбос-4 даги қазишмаларни тугаллаш, антик Тупроққалъа қадимий шаҳрида ишларни авж олдириб юбориш лозим эди; Хоразмнинг шимоли шарқ ва шимоли ғарб мамлакатлари билан бўлган тарихий-маданий алоқаларини аниқлаш мақсадида, шимолий Қизилқумда ва Устюртда

кенг кузатув ишларини олиб бориш режаси тузилмоқда эди.

Бироқ гитлерчи галаларнинг 1941 йилдаги ҳужуми, бизнинг тадқиқотларимизни ҳам тўхтатиб қўйди. Экспедициянинг қарийб ҳамма асосий қатнашчилари ўзларининг Ватан олдидаги бурчларини адо этиб, фронтга жўнадилар ва археологдан сапёрга, тўпчига, учувчига, снайперга, тиббиёт ходимига айландилар. Урушдан сўнг барчамиз бир жойга тўпланганимизда, ёш археолог, ов милтиғини снайпер милтиғига алмаштирган, ишқибоз овчи Н. А. Сугробов орамизда йўқ эди. У Москва шахрини ҳимоя қила туриб, мардона ҳалок бўлганди.

Фақат 1945 йилдагина биз ишни қайтадан бошлаб юборишга муваффақ бўлдик. 1945 йили дала мавсумига тайёргарлик кўриш билан ўтди. Жонбос-4 маконидаги қазишма ишлари тамомланди, Жонбосқалъа атрофларида неолит ва бронза даврларига оид жуда кўп янги маконлар топилди. Тупроққалъада янги рекогносцировка ишлари олиб борилди ҳамда маълум маршрут бўйлаб Қорақалпоғистоннинг шимоли шарқига кузатув ишлари уюштирилди. 1946 йилда ишлар шу қадар кенг миқёсда авж олдириб юборилдики, натижада олдинги беш дала мавсуми мобайнида қилинган ишлар анча орқада қолиб кетди.

4-БОБ. МИНГ ЙИЛЛАР ОША ПАРВОЗ
(1946 йилдаги экспедициянинг кундалик
дафтаридан)

1946 йил июлида янги эрадан олдинги I аср – эра-мизнинг VI асрига мансуб улкан Тупроққалъадек қадимий шаҳарда қазишлар кенг авж олиб кетди. Шаҳар ҳокимининг қаср саройи асосий маскан қилиб олинди. Уч мавсумда – 1938, 1940 ва 1945 йилларда ўтказилган дастлабки текширишлар ва қазишмалар бизга маълум барча қадимий ёдгорликлар ичида Туп-

роққалъа тадқиқотларимиз учун жуда катта истиқболлар очиб беришини кўрсатди.

Кейинчалик (7-бобга қаранг) бу ишларнинг натижалари устида батафсил тўхтаймиз. Ҳозирча шу нарса ни қайд қилиб ўтамиз: қазишмаларнинг энг катта ютуғи шу бўлдики, Хоразмда дастлабки ва Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари учун энг қадимий ва бой ҳашаматли, ранг-баранг девор нақшлари топилди. Бу нақшларни ўрганиш Хоразмнинг бадиий маданияти тарихини анча ойдинлаштиради.

Экспедициянинг Тупроққалъа яқинидаги лагери базасидан биз археологияда биринчи марта ҳозирги замон техника воситасидан кенг фойдаланиб, янги кузатув ишларини бошлаб юбордик.

Археология ишларида авиациядан фойдаланишнинг бошланиши (хориждаги авиа-археологик ишларнинг таҳлилига қаранг: А. В. Гавеман, «Аэросъёмка и исследование природных ресурсов, М-Л, 1937, стр. 265-275) биринчи жаҳон уруши даврида Яқин Шарқдаги уруш майдонларида ҳарбий авиациянинг фаолияти билан боғлиқ. Ўша вақтда ҳарбий учувчилар Сурия саҳросида бир қанча муҳим археологик кузатишлар олиб борган эди. Кейинчалик бу ишни мутахассис археологлар давом эттирди ва ривожлантирди. Бу ўринда, айниқса, француз Пуадебар ва инглиз Крауфорднинг ишлари муҳим роль ўйнади. Крауфорд Сурия саҳросида Рим даврига оид мудофаа иншоотлари ва савдо йўларини топишдан ташқари, ердан туриб мутлақо фарқлаб бўлмайдиган қадимий шаҳар ва қишлоқларни аниқлашда визуал кузатув ва аэросъёмка усулларида фойдаланди.

Археологик аэросъёмка усулини ишлаб чиқишда ҳарбий авиациянинг жойлардаги предметларни суратга олиш йўли билан билиб олиш тажрибаси асос бўлди. Ўсимликларнинг ердаги предметларни ошкор қилиш хусусиятидан (ер юзасида турли-туман иншоотлар бор-йўқлигига қараб, ўсимликлар ҳар хил қалинлик-

да, турли рангда бўлиб кўринади), қуёшнинг қиялаб тушган нурида жуда майда рельеф ҳам яққол кўри- нишидан фойдаланиб суратга олиш ғоят қизиқарли, шунингдек, анча-мунча археологик обидаларни аниқ- лаш имконини беради.

Кейинроқ америкалик олимлар қадимги Перу ци- вилизацияси ёдгорликларини текшираётган пайтлари- да аэросёмка усулини қўладилар. Иккинчи жаҳон урушидан сал олдинроқ эса Э. Шмидт бошчилигидаги Америка авиа-археологик экспедицияси Эроннинг қадимги ва ўрта аср ёдгорликларини самолётдан расм- га олиш бобида катта ишлар қилди.

Бироқ шунини қайд қилиш лозимки, хорижлик тад- қиқотчиларнинг авиа-археологик ишлари, одатда, тажрибадан нарига ўтмаган ва ўз олдига айрим архе- ологик ва тарихий-жуғрофик масалаларнигина қўй- ган. Аэросёмкалар ерда олиб борилган қазишмалар ва кузатувлар билан жуда суст боғланган эди.

Бизнинг экспедициямиз аэроусулларни архелгия тажрибасида биринчи бор жорий қилиш билан ўз ол- дига бир қанча муаммоларни қўйди.

Биринчидан, визуал авиакузатув қадимги иррига- ция тармоғини ўрганишда бизга ёрдам бермоғи ке- рак эди; айниқса, қадимги каналларнинг қум қўмган, алоҳида қисмларга бўлиниб кетган бўлақларининг бир-бири билан боғлиқлигини аниқлаш жуда қийин бўлган ерларда ёки ишлаб турган суғориш тармоғи- нинг партов сувлари қадимги ирригация тизимини ювиб кетган жойларда ирригация тармоғининг кўпги- на муҳим деталлари ердан туриб кузатганда кўзга ча- линмайди.

Иккинчидан, аэросёмканинг қўлланилиши натижа- сида айрим қисмларини ердан туриб мутлақо куза- тиб бўлмайдиган ёки қийинлик билан кузатиладиган қадимги шаҳар ва қишлоқларнинг жойлашини аниқлаш имконияти туғилди: айрим ҳолларда эса юқорида зикр қилинган тадқиқотлардагидек, ердан

туриб мутлақо кўриб бўлмайдиган янги объектларнинг топилиши ҳам мумкин эди.

Учинчидан, режа аэросёмкаси ҳам, перспектив аэросёмка ҳам ёдгорликнинг фақат режасинигина эмас, балки унинг ҳозирги вақтда ярим хароба ҳолатига келиб қолган бутун меъморий қиёфасини максимал даражада аниқлик билан суратга тушириш имконини беради. Шу тариқа, бу усул ерда олиб бориладиган ўлчов ишлари учун анча вақт тежаш имконини беради. Кўп вақтни оладиган ўлчовлар пайтида ёдгорликлар шаклининг ўзгариб кетганлиги натижасида ҳам анча-мунча нарсаларнинг эътибордан четда қолиши муқаррардир.

Тўртинчидан, саҳрода маршрут бўйлаб ўтказиладиган визуал авиаразведкаларда жуда кенг майдон кўзга ташланиб туриши сабабли, ёдгорликларнинг барханлар орқасида яшириниб қолиб кетиш хавфи йўқолади, ердаги маршрутда тадқиқотчи харитага ва йўл бошловчига жуда боғланиб қолади, у доимо рельефга яшириниб турган, баъзан жуда яқиндаги ёдгорликни кўрмай ўтиб кетавериши ҳам мумкин.

Ниҳоят, бешинчидан, иш бошлаганимизга ўн йил бўлган даврда бизнинг олдимизда турган вазифалар – ўнлаб километр эмас, балки юз километрлаб саҳро ичкарасига кириб бориб, қадимги Хоразмнинг кенг теvarак-атрофини текшириш вазифалари, агар иш техникаси аввалги ҳолича қолаверса, кўп йил ва жуда катта маблағни талаб қиларди. Авиация эса жуда катта ҳудудни қисқа вақт ичида текшириб чиқиш имконини беради. Лекин бунинг учун ҳаво кузатувини ердаги текширишлар (синчиклаб, майда-чуйдаларгача кўздан кечириш ва ўлчаш, ковлаб кўриш, топилган материалларни йиғиш) билан боғлаб олиб бориш, шунга мувофиқ равишда, авиациядан десант воситаси сифатида фойдаланиш талаб қилинарди.

Ушбу масалаларни ҳал қилишда ПО-2 тизимидаги самолёт энг қулай бўлиб чиқди; унинг етарли учиш тез-

лиги билан ниҳоятда кичик қўниш тезлигига эгаллиги ёдгорликларни анча пастда учиб суратга олиш, уларнинг архитектура деталарига суратга тушириш, шунингдек, деярли ҳар қандай шароитда қўниш имконини берди. Экспедициянинг кўчма базаси – автогуруҳларни ташкил қилиш йўли билан самолётнинг бирдан-бир камчилиги – ҳаракат доирасининг кичиклиги ҳам қопланди. Автогуруҳлар саҳронинг ўтиб бўладиган жойларидан белгиланган маршрут бўйлаб ҳаракат қилиб, экспедициянинг дуч келган жойда олдиндан тайёргарликсиз қурилган «аэродромлари»ни ёқилги, сув, озиқ-овқат билан таъминлар ва самолётларнинг техника хизматини ўтар эди.

25 август куни эрталаб соат 6-ю, 30 дақиқада экспедициянинг учувчилари Е. В. Поневежский ва А. П. Белей, экспедиция бошлиғи С. П. Толстов, илмий ходим М. А. Орлов ва кинооператор К. Муҳаммедовлардан иборат учиб гуруҳи иккита ПО-2 самолётида экспедиция иш олиб борадиган асосий ҳудуд – Жанубий Қорақалпоғистоннинг «қадимий суғорма ерлари»ни авиация ёрдамида текшириш мақсадида Тупроққалъа атрофидаги қўниш майдончасидан Қизилқалъа-Қаватқалъа-Желдикқалъа-Гулдурсун-Тешикқалъа-Бургутқалъа-Қирққиз-Кичик Қирққиз-Аёзқалъа – Тупроққалъа маршрути бўйлаб парвоз қилди.

Юксакликдан ёдгорликларнинг кенг манзараси кўзга ташланади. Тўқ кулранг семиз шўрхок ерлар фонида суғориш тизими – шамол ялаган икки ён тепалари – ён дамбаларнинг қолдиқлари оч рангли қўш пунктир чизиқни ҳосил қилувчи катта канал кўринади. Унда параллел ҳолда бир неча эски ўзанлар чўзилган эди. Канал харобаларининг шарқ томонидан, жанубдан шимолга, Қаватқалъадан Қизилқалъа томон ўтарди. Харобаларни ғарб томондан айланиб ўтиб, шимоли ғарбга қараб кетадиган тармоқ яққол кўзга ташланиб турарди. Тупроққалъа устидан учиб борар эканмиз, биз бир неча бор кезиб чиққан қалъа атроф-

лари назаримизда бошқача манзара касб этди. Ердан қараганда у баъзи жойларда ўт-ўлан билан қопланган тепалари бўлган қорамтир-кулранг, ўлик бир тусдаги семиз шўрхоқлардан иборат. Мана, ҳозир бизнинг кўз ўнгимизда шаҳар деворларидан ташқарида жуда турли-туман мураккаб манзара намоён бўлди. Шимол томонда шаҳарнинг ўзидан ҳам катта тўғри бурчак шаклидаги шаҳар атрофи ястаниб ётади.

Шаҳар атрофининг ташқи деворлари яққол кўришиб туради, ердан туриб нима эканлигини билиб бўлмаган тепаликлар ва шўрхоқ ерларнинг кулранг юзасида қоп-қора бўлиб ажралиб турувчи ички иморатлар деворлар билан туташиб кетган. Шаҳар дарвозасидан жанубга қараб, шаҳар бош кўчасини давом эттириб, тўғри йўл кетган. У бир неча километр давомида юқорида тасвирланган канал бўйлаб боради. Афтидан, бу шаҳарга олиб борган қадимги катта йўлнинг изи бўлса керак.

Жанубга томон, ўлик Қаватқалъа харобалари сари йўл оламиз. Шўрхоқ ерлар фонида яққол кўришиб турувчи қуриб қолган кўл бўйлаб чўзилган канал ёқалаб борамиз. Манзара ўзгаради. Пастда ўроқ шаклидаги барханлар билан қопланган кулранг-оқ тусдаги сонсаноқсиз тақирлар. Тақирлар ўртасида қўш буржлар тизимига эга бўлган Қаватқалъа шаҳрининг улкан харобалари, атрофда эса тақирларни қоплаб олган кўплаб канал шохобчалари теграсида жойлашган ўнлаб қасрлар, деҳқонларнинг қўрғонлари, «Улуғ хоразмшоҳлар» давридаги кенг «рустак»нинг ўзига хос бутун меъморчилик ансамбли яққол кўзга ташланиб туради. Агар қумлар бўлмаганда, уни меъморчилик лойиҳаси деса бўларди.

Сўнгги антик даврга мансуб бўлган улуғвор Желдикқалъа устидан ўтиб кетамиз. Остимизда чуқур қум денгизи. Канал қумлар орасида кўздан йўқолади. Бизнинг маршрутимиздан четда қолган Думанқалъа томон чўзилган аллақандай қора йўл қумларни иккига

ажратиб турарди. Кундалик дафтарга шундай деб ёзиб қўяман: «Балки каналнинг бош ўзани шудир? Кейинги гал учганда текшириб кўриш керак!» Аввалги йиллари пиёда кузатув қилиб юрган пайтимизда катта Гулдурсун каналининг Гулдурсун шимоли ғарб томонида, шу яқин орадаги қумлар орасида йўқолиб кетадиган энг катта ирмоғининг йўналишини кузатиш асосида бизда Қаватқалъа ва Тупроққалъа ҳудудини суғорган бош канал шу бўлса керак, деган тасаввур туғилганди. Ерли аҳоли ҳам шу фикрни айтган эди. Бироқ мен энди бу фикрнинг тўғрилигига иккиланиб қолдим: Желдикқалъа билан Гулдурсун ўртасида жойлашган жуда илиб кетган, қумлар билан қопланган тақирларда майда суғориш тармоқларининг излари кўриниб турар, аммо катта ариқ ўзанидан дарак ҳам йўқ эди.

Соат 7-ю 20 да воҳанинг ўзлаштирилган ям-яшил ерларининг бир чеккасида жойлашган Гулдурсунга етиб келдик.

Қадимий улкан харобанинг теvarак-атрофини қишлоқликларнинг кўм-кўк боғларга кўмилган, бамисоли қутичадек уйлари ва далалари қуршаб олган. Ерда ўтказилган кузатишлар вақтида ўзининг чалкашлиги билан бизни кўп овора қилган қадимги суғориш тизими яққол кўзга ташланиб туради.

Жанубдан Гулдурсунга, биз ўйлагандек, битта эмас, балки иккита канал келар экан. Бир-биридан тахминан бир ярим километр узоқликда бўлган бу каналлар параллел равишда чўзилиб ётади. Анча кейинги даврга мансублиги сезилиб турган шарқий канал ёқалаб катта йўл кетади. Биз, қачонлардир, биринчи марта Гулдурсунга шу йўлдан келган эдик. Канал қалъанинг жанубий шарқий бурчагидан бир оз берирокда кескин ғарб томонга бурилади. Гулдурсунни ғарб ва шимолий ғарб томондан ярим қалқа шаклида ўраб олиб, ҳозирги вақтда суғорилаётган далаларга бориб йўқолади.

Муҳимроқ аҳамиятга эга бўлган иккинчи ўзан ҳозирги вақтдаги Тозабобёп каналининг бевосита давомидир. Гулдурсун билан бир кенгликда катта сув айирғич жойлашган. Бу ерда канал уч тармоққа бўлиниб кетади: ўртадаги асосий ўзан бир оз масофа тўппа-тўғри боради, сўнг шимолий шарққа бурилиб, тўғри Қумбосганқалъа томон йўл олади; шарқий тармоқ қалъа атрофларини ўраган шарқий каналга бориб қўшилади; учинчи, ғарбий тармоқ деярли тўппа-тўғри шимол томонга, Норинжонга йўл олади.

Биз қисман кучли ювилиб кетган бош ўзан ёқалаб Қумбосганқалъа ва Тешикқалъа томон учамиз.

Қумбосганқалъа, ҳаводан туриб қараганда, ажойиб таассурот туғдиради. Улкан буржлари бўлган ва баланд қўшқават лой девор билан ўралган бу катта қалъани барханларнинг баҳайбат тўлқинлари босиб кетгандай. Бизда турли-туман таассуротлар қолдирган қадрдон «уйимиз» – Тешикқалъа устидан ўтамиз. Ўлик Бургутқалъа воҳасини ердан туриб текширганда тўпланган маълумотларга тузатиш киритишнинг ҳожати йўқлигини мамнуният билан қайд қиламиз – суғориш тармоғи ва қалъаларнинг жойлашишини жуда аниқ кўрсатган эканмиз.

Шу маҳалгача қум босган ва буталар ўсиб ётган текис тасмасимон кўринган канал Уйқалъадан ўтгач, энди икки ёқасида баланд тепаликлар қад кўтарган, яққол кўзга ташланиб турувчи ўзанга айланди. Афригийлар даврига мансуб зич жойлашган қасрлар Уйқалъадан шимол томонга қараб 4-5 километргача чўзилиб кетган; ундан нарида эса қасрлар онда-сонда учрайди, каналнинг Уйқалъа билан Қирққиз ўртасидаги қисмида қасрлар мутлақо учрамайди. Шу жой яқинида каналдан Кичик Қирққиз томон кетадиган тармоқ ажралиб чиқар экан – бу ҳам ерда олиб борган кузатишларимизга киритилган муҳим тузатиш бўлди. Ердаги кузатишлар пайтида бизда Кичик Қирққиз жанубдан Қирққиз каналига параллел равишда

қадимги, балки жуда қадимги замонга мансуб деб хулоса чиқариш мумкин эди.

Пастда Тупроққалъа кўринди. Қалъа тепасида бир айланиб, ерга қўндик. Саёҳат икки соат-у 20 дақиқа давом этди. Нонушта қилиб, қазишга жўнадик. Дастлабки тажриба, чамаси, дуруст яқунланди.

Эски қадрдон ишчилардан бири, Гулдурсун яқинидан келган қозоқ киши, қаерга учдиларинг, деб сўради. Мен айтиб бердим. У жуда ҳайрон қолди. Гарчи самолёт ҳозирги хоразмликлар учун ажиб нарса бўлмасда, лекин Нукусга ёки ундан ҳам нарига учиш бир нарса-ю, ўзинг биладиган жойлардан одатдаги маршрут билан юрилганда уч сутка кетадиган йўлни икки соат кетадиган сал ортиқроқ вақт ичида босиб ўтиш мутлақо бошқа нарса.

Менинг ўзимда ҳам ғалати бир ҳис пайдо бўлди: бир неча кунлар давомида машаққат билан йўл босишлар, қумлар билан олишув, қадимги ирригация тармоғи ғалати шаклларининг сирини билишга кўп йиллардан бери унаб келиш, ювилиб кетган девор ва тепаликларга қараб қадимги шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини тасаввур қилиш учун қилинган ҳаракатлар, қидирув ишлари, баъзан ҳафсаланинг пир бўлиши, кашфиётлар – ана шуларнинг ҳаммаси шу ер парчаси билан боғланган эди. Ҳозир икки соатлик парвоз туфайли бу жой билан боғлиқ бўлган тасаввурлар кўлами ажиб бир тарзда ниҳоятда қисқариб кетганди.

Лекин шуни ҳам билардикки, қумлар орасида беш йил давомида кезиб юрганлигимиз учун ҳам самолётларимиз остида ястаниб ётган рельефли археологик харитани шунча осонлик билан ўқий олдик.

Шундан кейин яна бир неча марта самолётда парвоз қилдик. Бу гал «қадимий суғорма ерлар»ни бошқа йўналишларда кесиб ўтдик, учишларимиз илгари кузатилмаган ёдгорликлар гуруҳларини қамраб олди. Натижада қадимги суғориш тармоғининг харитаси

ўтадиган махсус канал билан тугалланади, деган тасаввур туғилган эди.

Нақ Қирққиз олдида каналдан ажралиб чиқиб, шимолий ғарб томонга қараб кетган учта тармоқ, шаҳар атрофларини сугорган; бош ўзан шарққа, Қўрғошинқалъа томон кескин бурилиб кетган.

Ғарбга бурилиб, жануб томонга тикка кесиб тушган тепаликлар тизмаси бўйлаб учамиз. Бу тепаликларнинг чўққиси билан қадимий Қирққиз, Кичик Қирққиз, Аёзқалъаларнинг шимолий йўналиши туташади. Шимолга томон чўзилиб кетган ўлик қум пушталарининг чеки йўқ.

Соат 8-у 20 дақиқада ердан ҳам, ҳаводан ҳам жуда ажойиб кўринувчи Аёзқалъа устидан учиб ўтдик. Хом гиштан тикланган тўғри бурчакли қўнғир-пушти рангдаги девор, ораси яқин-яқин қилиб ишланган сонсаноксиз буржлари билан бирга қоянинг ўнқир-чўнқир, ола-була тепасида яққол кўзга ташланиб туради. Қоянинг этагида янги эранинг II асрига мансуб бўлган, истеҳкомсиз катта қишлоқ ястаниб ётади; қишлоқнинг қўрғонлари орасида атрофи қалин деворлар билан ўраб олинган, тор бурчакли улкан параллелограм шаклидаги кўпхонали Аёзқалъа-3 биносининг режаси кескин ажралиб туради. Биз кавлаб олган I-қўрғон биноси ҳам яққол кўринади.

Паст тепаликлар тизмаси бўйлаб ғарбга томон учамиз. Бу тизманинг туртиб чиққан қояларидан бирида, Тупроққалъага борадиган йўлнинг ярмида деворлари анча ювилиб кетган, ўртасида минорага ўхшаш биноси бўлган қийшиқ қалъанинг излари яққол кўзга ташланади. Биз ердаги йўналишларимизда бу қалъага дуч келмаган эдик. Янги ёдгорликни дарҳол хари тага тушириб олдик.

Тупроққалъага яқинлашиб борар эканмиз, текисликдаёқ яна янги бир ёдгорликка – тўғри бурчакли тупроқ тепага дуч келдик. Юзаси жуда кучли ювилиб кетган бу тепанинг сақланиб қолганлик типига қараб,

қарийб батамом аниқланди, барча муҳим ёдгорликлар умумий режада ҳамда деталлари билан суратга олинди, ердан кўринмаган бир қанча ёдгорликлар очилди ва суратга туширилди.

Биринчи тажрибанинг муваффақиятли чиқиши янги ҳудудларда – Устюртда ва қуйи Амударё билан Сирдарё орлиғида кенг миқёсдаги янги кузатув ишларини амалга ошириш, шунингдек, 1939 йилда Қорақум орқали ўтган маршрутимиш ҳудудини – Чарманёбдаги «қадимий суғорма ерлар»ни яна бир марта текшириш учун асос бўлди.

Сентябрь ойининг ўрталарида, Тупроққалъадаги қазишмалар тамом бўлгандан кейин, Нукусдан чиқиб, Орол денгизининг жануби ғарбий бурчаги яқинидаги Урга буруни томон йўл олдик. Устюрт ясси тоғлигининг жануби ғарбий қисмини авиакузатув қилишни шу ердан бошламоқчи эдик. Бу ўринда бизнинг олдимизда бир қанча вазифалар кўндаланг турарди. Хариталарда бу ҳудудда қадимий карвон йўллари бўйлаб бир талай харобалар борлиги кўрсатилган эди. Шу ҳудудда бўлган саёҳатчилар баъзи харобаларнинг яхши сақланиб қолганлигини, уларнинг ажойиб меъморий қиёфага эга эканлигини сўзлаб берган, бироқ бу харобаларнинг қурилган вақти тўғрисида фикр юритишга асос бўла олувчи ҳеч қандай маълумот келтира олмаган эди.

Ҳолбуки, қадимги замонда Хоразмдан Шарқий Европа мамлакатларига – Волга бўйи ва Русга борувчи асосий карвон йўллари шу ерлардан ўтарди. Бу йўллари текшириш Хоразм билан Шарқий Европа мамлакатлари ўртасидаги алоқалар тарихини ёритишда ғоят муҳим аҳамиятга эга эди. Айрим масканлар ичида, айниқса, иккитаси бизнинг эътиборимизни жалб қиларди; булардан бири – қадимий олон халқининг номи билан боғлиқ бўлган Олонқалъа бўлиб, қалъа номининг ўзиёқ тарихчиларни қизиқтирмаслиги мумкин эмасди; иккинчиси – улкан, аччиқ-шўр сувли Бор-

са-келмас ботқоқлигининг ўртасида жойлашган Шайтонқалъа оролидаги шу номли қалъа эди.

Қирғоқдан оролга ўтиб бўлмайди, дейиш мумкин. Юзаси шўрхоқ қатқалоқ билан қопланган чуқур ботқоқликдан пиёда ҳам, қайиқда ҳам юриш мумкин эмас. Тўғри, бундан бир неча йил бурун бир қозоқ йўқолган туясини қидириб, унинг изидан ботқоқлик орқали оролга ўтган ва «Борса-келмас» дея ном чиқарган ботқоқликдан эсон-омон қайтиб келган эмиш, деган миш-мишларни эшитдик. Бироқ оролга ўтиш ниҳоятда машаққатли эди. Дарвоқе, шу яқин-орада жойлашган Кўнғирот туманидаги қишлоқ аҳлининг ҳикоя қилишларича, шўрхоқ ботқоқ қирғоғидан оролдаги сирли қалъа харобалари яққол кўриниб турар экан. Қалъада тунлари чироқ ёнар, аллақандай бир подшо битмас-туганмас хазиналарини шу ерга яшириб кетган эмиш.

Шайтонқалъа сирларини очиш археологлар учун қизиқарли ва романтик руҳ касб этган вазифага айланди.

14 сентябрь куни кечқурун кенг миқёсда кузатув қилиш учун биринчи марта ҳавога кўтарилдик. Буруннинг тошлоқ сатҳи тезда пастда қолиб кетди. У пастда учбурчак шаклида намоён бўлди. Шарқий чеккада ўрта асрда қурилган тош миноралар гуруҳи яққол кўриниб турибди. Улкан жарлар тагида, тор қирғоқ бўйида балиқчилар посёлкаси Урганинг оқ уйчалари қоятош поғоналаридан юқорига кўтарилиб боради. Қирғоқ яқинида – балиқ тутувчи кемалар: пароходлар, катерлар ва қайиқларнинг сон-саноксиз мачталари кўринади. Жанубда – Судочье кўлининг мовий юзаси ва қимир этмай турган балиқ тутувчи кемачалар. Шимолда – қирғоқ бўйлари оқ бурунлар билан қопланган, уфқ билан туташувчи кўм-кўк, кенг Орол денгизи. Поёнсиз ям-яшил қамиш босган дельта текислиги шарққа томон чўзилган. Фарбда эса (Судочье кўли ёқлаб – жанубга, Орол қирғоқлари ёқлаб – шимолга

кетган) Устюрт Чинкасининг элик метрлик улкан девори – оқ, кулранг ва кўкимтир тошларнинг тубсиз жарлик тепасида осилиб турган қийқим-сийқим, аралаш-қуралаш қатламлари. Қояларнинг этагидаги тепадан думалаб тушган харсанг тошларга денгизнинг кўм-кўк тўлқинлари урилиб туради. Чинкадан ғарб томонга қараб бир тарзда текис ясси тоғлик, гоҳ кулранг-қўнғир, гоҳ жигарранг, гоҳ яшил тусдаги лойшағалли яланг текислик чўзилган. Шимолий ғарб томонга қараб кетган қадимги карвон йўлларининг оч рангли лентаси яққол кўриниб турарди.

Дарё қирғоқлари ва ороллар устидан, шамол тўлқинлантириб турган бепоён қамиш денгизи тепасидан учиб борамиз. Қамишзорлар орасида аҳён-аҳёнда сув ярқираб кўриниб қолади. Харитада бу ерларда бир неча харобалар белгиланган. Лекин улар қани? Қамишзорлар орасидан тор сувлар йўлаклари ўтади. Йўлаклардан бирида қайиқ сузиб бормоқда. Ўнлаб километр давомида сув ва қамишдан бўлак нарсани кўрмаймиз. Бу жойларни мен 1929 йилдан эътиборан эслайман. Ўша вақтда ёввойи чўчқалар макони бўлган, аҳён-аҳёнда эса йўлбарслар учраб турадиган чексиз қамишзорни юқоридан эмас, пастдан – сув йўлакларидан соатлаб сузиб борган омонат қайиқчадан тушиб кузатган эдим.

Мана, «харобалар» ҳам кўриниб қолди. Тамомила янгича бир ёдгорлик! Қамишларнинг бир текис яшил фонида квадрат шаклидаги деворлар, қалъа теварагидаги хандақлар, дарвоза ва бурчаклардаги миноралар сувда акс этиб туради. Сув босган қалъадан юқоридан яққол кўзга ташланиб турувчи аксина сақланиб қолган. Қизилжар ва Қиётжар ороллари тепасидан учиб ўтамиз. Ороллар қирғоқлари ёқалаб қурилган қорақалпоқ балиқчиларининг кубачаларсимон кўринаётган уйлари қамишлар орасида қолиб кетган. Бу жойларга қайиққа тушиб, эгри-бутри сув йўлакларидан ёки ҳаво орқалигина бориш мумкин.

Бир айланиб, орқага, Устюрт томон йўл олдик.

Жануби шарқий Устюрт узра уч марта қилинган парвоз бой материал берди. Аввало, Устюртга чиқадиган йўллардан (Судочье қўли яқинида) биридан Учқудуқ, Булоқ, Қўсбулоқ ва Белавли деган эски қудуқлар орқали шимоли ғарбга, қуйи Эмбага ва, афтидан, ундан ҳам нариги – Урал ва Волга дарёларига олиб борадиган, илк ўрта асрга мансуб катта йўлни очишга муваффақ бўлдик. Бир замонлар бу қудуқлар тошдан қурилган карвонсаройлар билан жиҳозланган эди. Қудуқларнинг девори тошдан терилган. Қудуқлар ҳам, карвонсарпойлар ҳам бир-биридан карвонлар бир кунда босиб ўтадиган масофада – 25 километрча оралиқда жойлашган.

Бу ёдгорликлардан баъзиларини текшириш улар X–XI асрларда қурилган ва ишлаб турганлигини кўрсатади. Карвонсаройлардан бири – Белавли илк ўрта аср Хоразм меъморчилигининг ажойиб обидаси бўлиб чиқди. Қуйида биз (X бобга қаранг) бу ҳақда мукамал тўхталиб ўтамыз.

Бошқа йўл жанубдан Борса-келмасни айланиб ўтиб, ғарб томонга, Манғишлоққа кетарди. Бир мунча илгарироқ даврга мансуб бўлган Олонқалъа шу йўл устига қурилган эди. Чеккаларида квадрат буржлари бўлган, бесўнақай йўнилган тошлардан қурилган бу квадрат шаклидаги кичик қалъа платонинг қоятошли юзаси ўйиб қазилган бир неча қудуқлар ёнида жойлашган эди.

Қалъа қурилган вақтни ўрганиш унга берилган ном тасодифий эмаслигини кўрсатди. Беруний топографияга оид бир рисоласида кўрсатишича, у яшаган даврда Хоразмнинг ғарбий чеккасида қадимги олон аҳолисининг бир қисми истиқомат қилган. «Бу олон ва ослар уруғи, уларнинг тили Хоразм ва пачанаклар тилининг қўшилишидан келиб чиққан», – дея ёзади олим ва Хоразм олон, осларининг яшаган жойларини Устюрт – Манғишлоқ атрофлари билан чегаралайди (ВДИ, 1941, № 1, 194 бет).

Устюрт олонлари ўлкасидаги Хоразм қалъаси – Олонқалъанинг номида ўрта асрдаги хоразмликлар этногенезининг муҳим таркибий қисми тўғрисидаги хотира сақланиб қолган.

Афсуски, Шайтонқалъанинг романтик сири қоронғилигича қолди.

Очиғини айтганда, Борса-келмасга биринчи бор самолётда яқинлашиб келганимизда, ҳаммамиз ҳам бир мунча ҳаяжонланган эдик. Ҳаводан қараганда, шўр унутилмас таассурот қолдиради. Уфқда, олабула, қўнғир, жигарранг, кулранг, яшил тусдаги ясси тоғликдан нарида қордек оппоқ йўл пайдо бўларди. Унга яқинлашганимиз сари, кенгайиб борарди. Кўз ўнгимизда қадимги кўлнинг қуёш нурларида қумушланувчи қордек ярқироқ теп-текис улкан юзаси намоён бўлади. Кўл атрофини бир-биридан ғалати тарзда ажралиб турувчи тўқ кулранг тусли қирғоқ бўйи шўрхоклари ва гўё атайин ўйиб нақш солингандек супа шаклидаги тепалар ўраб олган, соҳилнинг поғонасимон ўпирилган жойларидан жинсларнинг турлитуман рангдаги қатламлари чиқиб турарди. Қордек оппоқ фонда катта ва кичик Шайтонқалъа ороллари қорайиб кўринарди.

Оролларга яқинлашамиз. Олдимизда, худди шўр қирғоғи сингари тўқ кулранг тусдаги соҳил бўйи шўрхоклари билан ўралган тухум шаклидаги иккита кичкина оролча намоён бўлади. Булар ҳам айнан юқоридагидек супасимон тепа қолдиқлари бўлиб, соҳиллари юзага чиқиб турган кулранг, яшил ва пуштиқўнғир тусдаги тоғ жинсларидан ҳосил бўлган. Юқоридаги шўрни ҳам худди шундай жинсли қатламлар қуршаб олганлигини кўрган эдик. Ороллар устидан ердан 50 метр юқорида уч марта айланиб ўтдик. Лекин ҳеч нарса кўринмади. Бирорта ҳам одам қурган иншоот йўқ. Ривоятларга кўра, Шайтонқалъани одамлар қурмаган. У – табиат ажойиботимиш. Ғалати шакллардаги қолдиқ тошлар ва соҳилнинг кунгиралари чиндан

ҳам харобаларни эслатарди. Лекин бу, чунончи, Саҳрои Кабирда туареглар ўлкасидаги Идинен «Шайтон қалъаси»га – ғалати шакли серқоя тепаликка (бу тепаликни текшираётган пайтида машҳур сайёҳ Бартинг ҳалок бўлишига оз қолган эди) ўхшаш «харобалар» эди.

Учиш пайтида олган таассуротларимиз тўғрисида: атрофга даҳшат солиб гувиллаб пасаяётган қушлардан (самолётлардан) чўчиб, орқасига қарамай қочган сон-саноқсиз жайрон подалари, Оқтумшуқ бурунининг тўлқинларидан ҳосил бўлган маржондек кўпиклар билан ўралган хушманзара оқ қоялари, кўм-кўк Орол денгизи (қадимги рус сайёҳлари бу денгизни Кўк денгиз деб бежиз атамаган – мен бешта денгизни кўрдим, лекин бундай ажойиб мовийликни бирон жойда учратмадим) ва бошқа кўп нарсалар тўғрисида сўзлаш мумкин эди, лекин унда биз мавзудан жуда четга чиқиб кетган бўлардик.

Ургадаги базадан туриб амалга оширилган ишлар битгач, биз ғалдаги учинчи туркум тадқиқотларини бевосита Нукус шаҳридаги базадан бошлаб юбордик. Кунни саҳронинг 100 – 150 километр ичкарасида қолиб кетган харобаларда қумлар ва Жанубий Устюртнинг сув қуйгандек жимжит қоятошлари орасида ўтказиш, кечқурун эса ювиниб ва кийим-бошни алмаштириб, кечки овқатни ресторанда қилиш, янги фильми кўриш ва меҳмонхонанинг шинам хонасида, электр ёруғида кундалик дафтарларни қараб чиқиш – бизда тамомила янги таассурот уйғотарди.

Биз 1939 йилда текширилган Чарманёб ёдгорликларига оид маълумотларни аниқлашдан ташқари, Устюртнинг жанубий чеккасидаги харобаларда кузатув олиб бордик; булар ичида Девкесганқалъа харобалари материалларга жуда бой эди.

Қалъа ясси тоғликнинг жануби шарқий бурчагидаги тор буруннинг учида жойлашган. Бурунни унинг тор қисми бошладиган жойда, қалъадан 20 кило-

метр шимолий ғарбда катта хандақ ва гов кесиb ўтган. Қалъа Устюртнинг ўттиз метрлик жарлиги устида мағрур қад кўтарган. Жарликни хом ғиштдан ишланган улуғвор бурж қўрган ва унинг теварак-атрофини қуршаб олган сўнги ўрта асрларга мансуб бир талай мақбаралар эгаллаган.

Девкесганқалъа – деворлари йўнилмаган табиий тошдан ишланган, кўк минорали, дарвозалар олдида мураккаб иншоотлари бўлган улкан тўғрибурчакдан иборат. Қалъа атрофи қоятошни кесиb қазилган чуқур хандақ билан ўраб олинган. Қалъанинг ичида сўнги ўрта асрларга мансуб бўлган, бузилиб кетган тош иморатларнинг изларини кўриш мумкин.

Деворлар ва қўрган қадимги замонларда бунёд қилинган, лекин шаҳар ҳаётининг сўнги даври XVI – XVII асрларга тўғри келади.

«Юқори шаҳар»нинг этакларида «қуйи шаҳар»нинг қояга туташиб кетган иккинчи тўғри тўртбурчаги жойлашган. Хом ғиштдан ишланган ўрта аср деворлари билан ўраб олинган бу тўртбурчакнинг қурилган вақтини шу ердан топилган, сўнги ўрта асрларга мансуб жуда кўп керамика материалларига қараб аниқлаш мумкин. Шаҳарни қуриб қолган Дарёлиқ ўзанининг шу ерда Устюртга жуда яқинлаб ўтувчи шохобчаси ўраб олган. Дарёлиқнинг ўзи эса Амударёнинг эски ирмоқларида бўлиб, Сарикамиш ҳавзасига қуйилган. Ҳар иккала шаҳарнинг жануби ғарбий томонида учинчи тўғри тўртбурчак – сўнги ўрта асрларга мансуб каттакон боғ жойлашган. Юқоридан қараганда у ажойиб таассурот қолдиради.

Назаримизда, Девкесганни XVI – XVII асрлардаги Ғарбий Хоразм хонлигининг сўнги ўрта асрлардаги пойтахти Вазир шаҳрига, айнан ўхшатиш мумкин. 1558 йилда Вазирга инглиз сайёҳи Антоний Женкинсон келади. У шундай деб ёзади: *«Селлюзер қалъаси (Вазир шаҳри) баланд тепаликда жойлашган; бу ерда қирол яшайди, уни хон деб аташади... Қалъа-*

нинг жанубий қисми паст, аммо жуда унумдор ерда жойлашган; бу ерда жуда кўп ширин мевалар етишади... Бутун мамлакат сувни Оксус (Амударё – Дарёлик) дарёсидан ўтказилган каналлардан, дарё сувининг жуда камайиб кетиши ҳисобига олади; шунинг учун ҳам бу дарё, ўтган замонлардаги сингари, Каспий денгизига қуйилмайди. Яқин келажакда, Оксус сувлари етишмай қолиб, бу ўлка сув танқислиги туфайли эҳтимол хонавайрон бўлар ва чўлга айланар» («Английские путешественники о Московском государстве в XVI веке» Л, 1937, 176-177 бет, Ю. В. Готье таржимаси).

Шаҳарнинг топографияси ҳам (қалъанинг тепада ва шаҳарнинг пастдалиги), географик ўрни ҳам (Дарёлик соҳилида жойлашган; Кўҳна Урганчдан Манғишлоқ бекатига, яъни ғарбга томон икки манзиллик масофа бор; Девкесган асосан 60 километр нарида, яъни Кўҳна Урганчдан тўппа-тўғри ғарб томонга юриб, бу масофани туяларда роппа-роса икки кунда босиб ўтиш мумкин бўлган ерда, Дарёлик соҳилида жойлашган) Вазир ва Девкесганнинг ўхшашлиги борасида заррача шубҳага ўрин қолдирмайди.

1946 йил 3 октябрда авиакузатув ишларимизнинг тўртинчи, сўнги давраси бошланди. Бизнинг олдимизда Шимолий Қизилқум ҳудудини ҳамда қуйи Амударё ва Сирдарё оралиғини кузатув қилиш вазифаси турарди. Бу оралиқни Сирдарёнинг то XIX асрнинг биринчи ярмигача, ҳатто ундан кейинроқ ҳам сув оққан эски ён ўзанлари – Жонгадарё ва Қувондарё кесиб ўтган. Хариталарда ва Ўрта Осиё забт қилинган даврдаги чор армиясининг зобитлари бўлмиш сайёҳларнинг ҳисоботларида ҳамда Ўрта Осиёнинг ана шу қисмини географик жиҳатдан тавсифлаган кейинги олимларнинг ишларида бир талай харобалар кўрсатилган. Бироқ ушбу харобалар илмий жиҳатдан текширилмади, ҳатто уларнинг қайси даврга мансуб эканлиги ҳам номаълумлигича қолиб келди. Ваҳоланки, ўрта асрлар-

да бу ҳудуд бир мунча мустақил ёки Хоразмга тобе бўлган феодал мулклардан иборат эди.

Сирдарёга қуйиладиган жойидан жануб томонда Янгикент шаҳри – турк ўғузлари ҳокимининг қароргоҳи бор эди. Шу яқин – орада Хувара ва Жанд шаҳарлари жойлашганди; Жанд шаҳри XII асрда Хоразмга тобе бўлган, илгарироқ, X–XI асрларда эса Хоразм – Ўғуз муносабатлари тарихида ҳамда Салжуқийлар сулоласи юксалишининг биринчи даврида муҳим роль ўйнаган каттагина ҳокимликнинг маркази эди.

Академик В. В. Струве жуда тўғри тахмин қилганидек, (ўша муаллиф, ИАН, СИФ, 1946, № 3) қадимги замондаги Эрон босқинчилари – Кир ва Дорога қаттиқ қаршилик кўрсатган, кейинчалик, янги эрдан аввалги I – II асрларда эса юнон-македонияликлар ҳокимиятининг барбод бўлишида ҳамда Кушонларнинг улуғ Ўрта Осиё – Ҳинд империясининг ташкил топишида муҳим роль ўйнаган сак-массагет қабилалари жойлашган ерларнинг маркази шу ерда бўлган. Хоразм тарихида бу ерлар ҳар доим алоҳида роль ўйнаб келган; бу ерларда яшаган ярим варвар қабилалар ўрта асрларда гоҳ Хоразм давлатининг таъсир доирасига ўтиб қолади, гоҳ бу давлатнинг қудратли рақибига айланади. Шуни айтиш керакки, бу ҳудуд тўғрисидаги тарихий маълумотлар Хоразм тўғрисидаги маълумотларга қараганда ҳам озроқдир. Шу сабабли, биз дала ишларимизнинг дастлабки тўрт йилига яқун ясаган вақтимизда (1942 йилда), Хоразмнинг тарихий ўтмишини қайта тиклашда кўп етишмовчиликлар мавжудлигини ҳис қилмаслигимиз мумкин эмас эди.

Массагет, олон, кейинроқ ўтган даштли хунн, ва турк қабилалари олами биз тасаввур қилган тасвирда етишмас эди. Ушбу қабилалар билан бўлган алоқаларни ҳисобга олмай туриб, Хоразмнинг тарихини мукамал англаш мумкин эмас. Бу камчиликнинг ўрни бевосита узоқ шарқий ҳудудлар – Мўғулистон ва Ўрта Осиёнинг шарқий туманларида яшаган хуннлар ва

турклар тарихига оид материаллардан фойдаланиш орқали тўлатилди. Бу ерлардаги хуннлар ва туркларнинг тарихи Хитой тарихий манбаларида ва VIII асрга оид ўрхун-турк ёзувларида ёритилгандир.

Сирдарё бўйи қабилалари хўжалиги, ижтимоий тузуми, маданиятини, уларнинг Хоразм билан маданий алоқалари даражаси ва шакллари аниқлаш, Қуйи Сирдарёдаги Хоразмга тобе ерлар (бундай тобе ерлар бўлган, деб тахмин қилишга бизда барча асослар бор эди) ҳақидаги, бу вилоятнинг муҳим марказлари жойлар тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш керак эди. Олдимизда турган турли-туман вазифалар ана шулардан иборат эди.

Бизнинг кўчма базамиз Қизил Ўрдадан 240 километр узоқда ғарбда жойлашган эски дарё – Жангадарёдаги Чирикработ харобалари ҳудудига кўчирилди. 8 октябрь куни маҳаллий вақт билан соат 13-у 10 дақиқада бу ерга Нукусдан учувчилар И. И. Яловкин ва Н. Д. Губарев ҳамда бортмеханик П. Кокорин самолётлар билан учиб келди.

Соат 16-ю 30 дақиқада Чирикработ яқинидаги майдончадан ҳавога кўтарилдик. Остимизда Жангадарёнинг буралиб оққан қисми, соҳилни қалин буталар қоплаган. Ўзанларни йилгин чакалаклари қоплаб олган, бу ўсимликнинг кузги қизғиш барглари соҳилдаги қорамтир саксовулзорлардан кескин ажралиб турарди. Уфқда Қизилқумнинг қум пушталари водийни икки томондан ҳошия сингари ўраб олган.

Ўзан бурилган жойлардан бирида янги эрадан аввалги I мингйилликка мансуб чўзинчоқ қадимги қалъа – Чирикработнинг харобалари. Умумий марказга эга бўлган девор ва хандақлар тармоғи билан ўраб олинган бу қалъанинг ичида эрамизнинг биринчи асрларига – анча кейинги даврга оид қадимги қалъа кўриниб турарди.

Қорақалпоқлар янги эранинг XVIII – XIX асрларида қурган ташландиқ ирригация тармоқлари ва қорақал-

поқ истеҳкомлари ҳамда мақбараларининг бир қанча харобалари яққол кўзга таппалади.

9 октябрь соат 9-у 38 дақиқада иккинчи марта парвоз қиламиз (бир учаётган пайтда кўчма база 100 километр шарқ томонга, Қумқалъа харобалари ҳудудига кўчиши керак эди). Фарбга томон учамиз. Қалми саксовулзорлар орасида қолиб кетган улкан Сарангом мақбараси устидан учиб ўтамиз. Пасаямиз. Ердан 30-40 метр юқорида пастлаб учиб, мақбара устидан бир неча марта айланиб ўтамиз. Кўйини мумкин эмас. Кўз олдимизда гумбазли ажойиб бино турар, унинг баланд пентоқи фируза рангли гулдор сопол билан безатилаган эди: янги эрашнинг XII – XIII асрларига мансуб эканлиги яққол сезилиб турган бу бино Кўҳна Урганч мазорларидан қолишмасди. Қалми саксовулзорлар мақбараси омиликор «мусулмон» қозоқларининг назаридан четда сақлаб келибди: улар ўз қариндош-уруғларининг мазорлари учун пишқиқ гипс керак бўлиб қолган пайтда: бу – мусулмонларнинг азиз-авлиёлари ўтган жойи экан, унга тегмаслик керак, деб ўтиришмайди. Афтидан, қайтишда саксовулзор орасидан мазорга ўтиб, уни ўлчаш лозимга ўхшарди. Шимолни шарққа қайтамиз. Пастда сўйиги ўрта асрларга оид турли-туман ирригация иншоотлари ва истеҳкомларнинг чексиз манзараси. Соат 12 да Чирикработга қайтамиз. Самолётларга ёнилаган қўйиб, нонушта қилиб олганимиздан кейин, соат 12-ю 50 дақиқада яна, бу ғал шимол томонга парвоз қиламиз.

Чирикработни ўраб олган Жангадарё меандридан (*дарёнинг буралиб оққан жойи – У. Б.*) шимолга қараб манзара кескин ўзгарди. Саксовулзорлар ва қорақалпоқ ирригациясининг излари орқада қолиб кетди. Оёқ остимизда – оқ доғсимон тақирлар ҳамда вазмин қум пушталари. Яна ирригация излари кўринадди, лекин бу ғалгисси Жанубий Қорақалпоғистоннинг «қадимий суғорма ерлари»дагини эслатади: ирригациянинг тақирлардаги сув ювиб кетган унча чуқур бўлмаган из-

ларни қорақалмоқларнинг гўё кечагина ташлаб кетилган, бута билан қопланган ариқларига ўхшамайди. Ниҳоят, тақирлар ва қумлар орасида каттагина овул манзараси кўзга ташланади. Бу Бобишмулла харобалари эди. Бобишмулла – тўғри квадрат шаклидаги қалъа бўлиб, ўртасида ҳам квадрат шаклидаги қўрғон жойлашган, қалъани бошқа бир овулнинг лойиҳа тузилиши уч томондан қуршаб олган бўлиб, бу овулнинг ўзи ҳам девор билан ўраб олинган эди. Овулнинг жанубий қарб томонида саанб шаклидаги ўзига хос тузилишга эга бўлган алоҳида қўрғоннинг харобалари ётарди. Қўйини ҳаракат қиламиз. Соат 13-у 50 дақиқада сон-саноксиз қадимги қизил керамика билан қопланган тепа-текис тақирга қўнамиз. Харобаларга яқинлашамиз. Оқимизда қадимги Хоразмнинг типик мудоффа иншоотлари турарди. Деворлари қадимги Хоразмга хос. 39x39x11 ва 40x40x11 ўлчамли сомон қўшиб қўйилган йирик хом гилдан ишланган; деворларда найзасимон шинаклар – улар Хоразмдаги қўнчилик ёдгорликларнинг шинакларидан кўра настрокда жойлашган бўлса-да. Чарманёбдаги қадимги Шоҳсанам қалъасининг шинакларига ўхшаб кетарди. Янги эрдан аввалги биринчи асрларга мансуб керамика Хоразмнинг илк қадимий ёдгорликлари учун типик бўлиб, чархда ишланган, яхшилаб пиширилган, сирти қизил ангоб билан қопланган; қадимги Хоразм керамикасининг ҳамма шакллари – ости гардишсимон қадаҳлар, бандининг кесими тўғри бурчак ҳосил қилувчи кўзалар, ўша замонга хос идишлар, хумларнинг қопқоқлари учрайди. Бобишмулла батамом илк қадимий Хоразм ёдгорликлари жумласига кирарди. Биз Жангадарёнинг ўрта оқимидаги унча катта бўлмаган Хоразм колонияси ҳудудида эканимизга шубҳа йўқ. Бироқ вақт ўтиб бормоқда эди. Соат 15-у 20 дақиқада ҳавога кўтариламиз ва ярим соатдан кейин Чирикработ атрофига қўнамиз (яқиндагина бизнинг базамиз шу ерда эди). Илгарилаб кетган автомашина-

ларни қувиб етиш керак эди. Тамадди қилиш, самолётга ёнидаги қўйиш, учишга ҳозирлааниш учун бир соат кетди. Соат 16-ю 45 дақиқада шу бутунининг ўзида учинчи марта ердан кўтарилди, шарқ томонга парвоз қиламиз. Вақт оз. Шошланиш керак. Қўмлар устидан учиб борамиз, ўзанни ўраб олган саксовул ўрмонлари шимол томонда қолди кетди. Қўёни ботмоқда, Энди учини хатарли, оқинда тагин қалин саксовулзорлар ётади, ғира ширада эса қўнадиган жойи тополмаслигимиз мумкин. Соат 18 да яқин орадаги тақирларга қўнамиз. Саксовул қалаб, жуда катта гулхан ёқамиз. Ракета отамиз. Шарқ томонда, узоқ-узоқларда қоронғиликни бўзиб жавоб тариқасида отилган сигнал ракетасининг ёруғи кўринди. Бу – бизнинг одамлар жавоб бераёпти. Биз ҳам ракета билан жавоб берамиз. Теварак-атрофга тун қора пардасини ёпди. Гулханда чой бақирлаб қайнайдди. Консерваларни очиб, тезгина овқатланамиз-да, шошимчи равшда тунашга ҳозирланамиз.

9 октябрь кунин соат 7-ю, 35 дақиқада парвоз қилиб, мўлжалланган трассага қайтиб борамиз. 10 дақиқадан сўнг биз яна қалин саксовулзор устидан учиб борамиз. Жангадарё соҳилидаги бошдан-оёқ қалин саксовулзор қоплаб олган қалъанинг ғовларини сув ўпириб кетган. Бу, биз учиб келаётган пункт – Қумқалъа эди. Қалъа ёнида автомашиналаримиз турарди. Ўртоқларимиз негадир зўр бериб сигнал беришмоқда эди. Бир он моторни ўчирди, пастлаб учамиз. Пастдан бир нималардир деб қичқирдишар, лекин сўзларини англаб бўлмасди. Бу ерда қўниш мумкин эмас, қўнадиган жойини ўзимиз қидириб топишимиз керак эди. Бир неча марта айланамиз. Қасерга боқманг, теварак-атрофни қалин саксовул денгизин қоплаб олган. Бирдан-бир очик жой – торгина эски йўл эди. Бошқа илож йўқ. ПО-2 самолётининг техник сифатларини яна бир синаб кўришга тўғри келади. Бош учувчи И. И. Яловкин самолётни қўнишга тўғрилайди. Биринчи пасайиш-

даёқ мўлжалга олиб, самолётни ерга тегижай деб йўл устидан учириб ўтади. Қўниш мумкин! Кейинги пасаинишда самолёт йўл бўйлаб пргиб-пргиб гнадираб боради. Иккинчи самолёт ҳам муваффақиятли суратда қўнади. Самолётлар қўнган жойга орқадан автомашина физилаб етиб келади. Бир неча дақиқадан кейин биз яна лагерь гулхани атрофига тўплашиб, чойи ичамиз ва рўйи берган вазиятни муҳокама қиламиз. Соат 11-у 20 дақиқада самолётлар ердан кўтарилиб, шимолни тарб томондаги Жонқалъа харобалари сари йўл олади. Экспедициянинг бош базасини шу ерда ўрнатиб мўлжалланган. Ўзан кескин шимол томонга бурилиб кетади. Тўп-тўп мазорлар, каналларнинг излари ўзан ёқалаб кетган.

Соат 11-у 35 дақиқада саксовулзорлар орасида катта харобалар мажмуасининг кенг манзараси пайдо бўлади. Турли томонларга каналлар чўзилган. Қалин саксовул ўрмонининг ҳамма жойларида изоратлар: соқчи турадиган буржми қўрғон, шаҳарнинг эгри-бугри деворлари, қандайдир катта-катта пишотларнинг пишқиқ гишт уюмлари қошлаб олган хом гиштан ишланган пойдеворлари, шаҳардан ташқаридаги карвонсарой биноси, ажойиб таассурот қолдирадиган боғи бўлган, шаҳарга туташган иккита катта қўрғон кўзга ташланади. Пастдаги обида ўрта асрнинг ийрик шаҳар маркази эди. Қўнадиган жой ахтарамиз. Бу саксовулзорлар ўлкасида бундай жойи топиш гоят мушкул иш. Ниҳоят, атрофи баланд саксовуллар девори билан қуршаб олинган қўнишга яроқли бир тақирни танлаймиз. Қўнамиз. Базамиз шу ерда бўлади. Кийинларимиз шох-шаббаларга илиниб, йиртилшига қарамасдан, харобалар сари ошиқамиз. Харобалар атрофини қалин ўрмон ўраб олган – бу Ўрта Осиё учун гайритабиий, эгри-бугри ва бақувват саксовуллар 3 – 4 метр баландликка қинғир-қийшиқ ва аралаш-қуралаш шох отган. Самолётлар бўлмаганда, шаҳар тузилиши бўйлаб йўл топиб юриш ниҳоятда машаққатли

ни бўларди, ҳатто шаҳарнинг ўзини ҳам пайқамас-
лигимиз мумкин эди. Суз ювиб кетган ва дарахтлар-
нинг падизлари бузиб юборган иморатлар, XII – XIII
асрларга мансуб Хоразм керамикасидан бизга яхши
ташви бўлган қўн рангли қўйма ва қора сопол буюм-
лар оёғимиз остида ётади.

Биз Жанд шаҳарида, жаҳон империясига айланмас-
дан олдинги ўрта аср Хоразм давлатининг шарқий
чеккасидаги истеҳкомда эдик.

Жандни узоқ вақтдан бери (дарвоқе, аксар хари-
тадан) қилдира эдик. Бу масала юзасидан жуда қўн
турли-туман тахминлар илгари сўрилди, жуда муҳим
маркази бўлган ушбу шаҳарни чегаралаш учун асос
бўла оладиган аниқ жутрофик маълумотлар келтирил-
маган.

В. В. Бартольд ўзининг «Туркистон» номи асарида
бу шаҳарни чегараламайди. «Ушбу шаҳарлар (*Мъкент*,
Барчинликент – У. Б.) ва ҳатто, Жанднинг ўзи ишгол
қилган жойларни бир қадар аниқ кўрсатиши имконига
эга эмасмиз, чунки улар билан бошқа шаҳарлар ўрта-
сидаги масофа ҳеч қаерда кўрсатилмаган», – деб ёзади
у бу ҳусусда. Тарихчи Лерх эса Жанд Хўркутота (Жуса-
ли станциясининг жағубида) мазори яқинида жойлаш-
ган бўлиши керак, деб тахминий фикр юритади.

Калмаур Сирдарёнинг чап томонида. Қизил Ўрда-
дан 25 – 30 километр нарида жойлашган Томарўткўл
мавзундаги Қизқалъа ёки Гишқалъа (Бартольднинг
таклифига кўра, Гишқалъа, яъни гиштдан солинган
қалъа) номи археологик харобалар Жанднинг айни
ўзгинаси, деб исбот этишга уринади. 1914 йилдаёқ
Бартольд бу фикрни «ҳақиқатга жуда яқин» деб ҳисоб-
лаган эди. Тадқиқотчи В. Ф. Минорский ҳам шу фикр-
га қўшилади.

Бизнинг Жонқалъага келганда шуни айтиш керак-
ки, Калмаур уни Жандга яқин бир ерда жойлашган,
мавжуд бўлганлиги тахмин қилинган «иккинчи Янги-
кент» билан бир нарса деб ҳисоблайди. Бартольд Кал-

лаурнинг бۇ тахминини «манбалар томонидан тасдиқланмайдн» деб қайд қилган эди.

Масаланинг жуда муҳим бир томонини эсдан чиқармаслик керак: ўрта ва қуйи Сирдарё ҳавзасидаги қарийб ҳамма бир қадар йирик шаҳарлар харобаларининг номи бутунга қадар ёки жуда бўлмаганда, яқин-яқинларгача деярли ўзгармай келди ёхуд ҳар ҳолда уларнинг ҳозирги аталшларидан олдинги номларини тилиб олми осон: Янгикиент – Жачкентқалъа, Соврон – Соуврон, Сигноқ – Суноқ қўрган, Аппас – Асанас ва ҳоказо. Илк ўрта асрдаги Жанд сингарн йирик марказининг номи тамомла унут қилиб юборилганига ишонини қийин. Қуйи Сирдарёда Жанд билан ҳамоҳанг номга эга бўлган ягона обида то бутунги кунга қадар Жанқалъа деб аталади.

Агар биз XII асрга оид ҳужжатлар тўлими («Ишшо»)да кўрсатилган, Хоразмдан Жандга борадиган йўлдаги дарёда, Жанддан 20 фарсах (120 километр) нарида жойлашган Соғдара пункти иштол қилган жойини аниқлай олганимизда, у биз учун муҳим мўлжал бўла оларди. Бу масофани Жанқалъадан гарб томонга ҳозирги Тахтақўшир – Қизил Ўрта йўли бўйлаб, Жангадарё ўзани ёқалаб кўчирсак, қўҳна Чирикработ шаҳаригача бориб етади. (Жанқалъадан тўғри 110 километр; автомобилнинг кўрсаткичи эса 125 километрни кўрсатди; агар йўл ёқасидаги ёдгорликларни кўриши учун бир оз ортиқроқ босилган йўлни чиқариб ташласак, масофа қарийб 120 километрга тенг келади).

Соғдара – туркийча ва форсча сўзларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган бўлиб, «Ўнг водий» ёки «Ўнг ўзан» деган маънони англаатади. Нақ Чирикработ олдида Жангадарё икки тармоққа бўлиниб кетади, ўнг тармоқнинг соҳилида, тармоқ бошланадиган жойи яқинида харобалар жойлашган. Ўйлайманки, юқорида келтирилган барча далиллар бизнинг бундай идентификациямизни узила-кесида деб ҳисоблаш имконини беради. Бинобарин, Чирикработ – илк ўрта асрларга

мансуб Соғдара мавзун, Жанқалъа – пак ўрта асрга мансуб Жанд шаҳридир.

Бизнинг кейин ҳаводан ва ерда олиб борган қузатув ишларимиз Жанқалъа XII – XIII асрларда аҳоли зич яшаган йирик тумanning маркази бўлганини кўрсатади. Жанқалъадан 12 километр нарида, жанубий-шарқда XII – XIII асрнинг яна бир йирик шаҳари – юқорида номни этилган Қумқалъа жойлашган. Жануб томонида катта қалъа ва унга туташган кенг рустак – Қумқалъа-2нинг ўрта асрларга мансуб харобалари комплексини жойлашган. Ўрта асрлар суғориш ишхоналари, қўрғонлари ва муҳим истеҳкомларининг излари Жангадарёнинг жанубий қирғоғи ёқалаб ҳозирги вақтда одамлар яшайдиган ерларгача, Жанқалъадан камда 40 – 50 километр шарққа қараб чўзилиб кетган. Ушбу ёдгорликлар мажмуи ичида энг йириги, шубҳасиз, Жанқалъадир.

Жанқалъани муфассал текширишни ҳаво қузатувлари тутагандан кейин амалга оширишга аҳд қилиб, 10 октябрь куни Жангадарё ва Қувондарё оралигини ўрганиш ҳамда Қувондарёнинг Орол денгизигача бўлган оқимини текширишга қарор қилдик. Биринчи гада Қувондарёнинг юқори қисмидаги Жетносор мавзун ёдгорликлари мажмуини ўрганмоқчи бўлдик.

Жанқалъа – Жетносор – Жусали – Казалинск – «Тўқай шаҳари» – йўналиши бўйлаб Казалинскдан жанубга – Қувондарё – Жусали – Жетносор – Жанқалъага чўзилган катта йўналиш туфайли ҳамда пак қадимги дунёнинг гоят ёдгорликлари мажмуидан иборат бўлган Жетносорни мумкин қадар тўлиқроқ текшириш мақсадида, бу ерга иккинчи марта қайта учиб натижа-сида кўз ўнгимизда шарқий Орол бўйи маданияти тарихининг тамомла янги икки ёдгорлиги намоён бўлди. Бу ўринда, қилинган ишларнинг умумий обзори берилаётган бир пайтда, юқоридаги йўналишнинг натижаларини бошдан-оёқ сўзлаб бериш анча мушкул бўлур эди. Лекин шунинг айтиш керакки, бу йўна-

лиш туфайли биз, биринчидан, янги эрадан аввалги 1 мингйилликнинг ўрталари ва иккинчи ярмда Қувондарё ҳавзасида ўтроқ ҳолда яшаб, деҳқончилик қилган аҳолининг ўзинга хос ярим ёввойи маданиятидан, иккинчидан, эрамининг 1 минг йиллигида Орол денгизининг шарқий соҳилларида ўтроқ ҳолда яшаб, чорвачилик, балиқчилик ва деҳқончилик билан тирикчилик қилган халқларнинг янада ўзинга хос маданиятидан хабардор бўлдик; кейинги халқлар кейинчалик Салжукийлар империясининг асосий ядросини ташкил этди. Қуйида бу ёдгорликлар ҳақида анча муфассал гапирармиз, ана ўшанда саёҳатимиз тўғрисида ҳам йўл-йўлакай ҳикоя қиламиз.

Ҳозир эса самолётда учинилар тамом бўлгандан кейин, 15 октябрда меҳмондўст Жанг «аэродромида» учувчиларимиз билан хайр-мазур қилиб келаётган пайтимизда битмай қолган ишларни охирига етказиш мақсадида автомашиналарга тушиб олиш йўлдан қайтиш билан чеканамиз.

21 октябрь соат 1 дан 45 дақиқа ўтганда Жангдарё йўналиши билан йўлга чиққанимизнинг 18-кунини кечаси Кўҳна Бургут қумларини машаққат билан босиб ўтиб, Тахтақўширға қайтиб келдик ва йўл кўрсатувчиларимиздан бирининг уйида ҳордиқ чиқардик. Шу кунини кечки пайтда бизнинг оқ соябонли автомобилларимиз карвони тантанали равишда Нукус меҳмонхонаси олдига келиб тўхтади. Бу ерда экспедициямизнинг Амударё дельтасида ўз ишини тамомлаган этнографлари билан дўстона учрашдик.

«Минг йиллар оша парвоз» тугаган эди. Улкан ҳудудни тадқиқ қилмиш йўли билан қайтадан ўзлаштириш ҳамда янги эрадан аввалги биринчи мингйилликнинг ўрталаридан тортиниб то Жангадарё ва Қувондарёдаги сўнгги ўрта аср қорақалпоқ ёдгорликларигача ҳаммаси бўлиб 200 дан ортиқ янги ёдгорликларни топиш имконини берган 9000 километрлик ҳаво маршрути орқада қолиб кетди.

ИККИНЧИ ҚИСМ.
ЎЛИК ШАҲАРЛАР СОЛНОМАСИ

5-БОБ. СИЁВУШ ДАВРИ

1

Жонбосқалма тенаалгининг жануб томонида ясен қум пасттекислиги бор бўлиб, пасттекислик жанубда шарққа томон чўзиллиб кетган тақирлар билан тугайди. Пасттекислик ва тақирларнинг чегараси бўйлаб, унда-мунда тақирлар учраб турадиган қумлар бағрида Хоразм ибтидоий маданиятига оид жуда кўп турли-туман маконлар йиғилган: 19+5 йилда биз «Жонбос» деган умумий ном остида бириктирилган бу маконлар сонини ўн саккизтага етказдик.

Бу маконларни ўрганишни 1939 йилдан бошлаб ва ундан кейинги йилларда давом эттириб, биз қадимги хоразмликлар авлод-ажлолари тарихини ўрганиши мумкин бўлган энг аввалги даври умумий йўналишларини белгилаб олдик.

Текширишлар шунини кўрсатдики, 4 ва 3 мингйилликлар чегарасида «қадимий сўформа ерлар»нинг ҳудудини ҳозирги замондагидан мутлақо фарқ қилган, шунингдек, атроф ўлканинг умумий қиёфаси ҳам бошқача бўлган. Шимолдан Урал ва Муғожарининг геологик жиҳатдан замондоши бўлган қадимги Султон Увайстоғ тизмаларини, ғарбдан Амударё ўзани ва шарқдан Сувёрган ёки Оқчадарё билан чегараланган учбурчак қамини ва чакалак ўрмонлар ўсиб ётган, жуда кўп дарё ирмоқлари ва қўллари билан сернам, ботқоқли бир ўлка эди. Бу ўлка Сарикамини ва Ойбўғир қўллариини сув билан таъминлаб турган Довдон ва Дарёлик шоҳобчалари ҳамда уларнинг қўйлаб ирмоқлари орқали ғарбга чўзилган қадимги Амударё юқори дельтасининг шарқий қисмида жоїлашганди. Оқча-

дарё (Сувьёрган) қисман Султон Увайёстоғни шарқдан айлашиб ўтиб, шимолдан унча баланд бўлмаган Белтов тепалиғи тўсиб турган катта Довқора қўлига (ҳозирги Тахтақўширнинг шарқий томонида) қуийлади, ундан кейин ғарб томонлари билан бирга шимолдир Қизилқумни қарийб бутунлай қоплаб олувчи шундай улкан ва қадимий Сирдарё дельтасига бориб туташиди.

Ўша замонда Орол денгизи ҳозиргидек бўлган дейиши қийин. Иқлим, ҳар ҳолда, ҳозиргидан кўра қуруқроқ бўлган, жанубидан тез-тез қуруқ шамол эсиб турган. Амударё ва Сирдарёнинг суви анча кам бўлган, шунинг учун ҳам сув Султон Увайёстоғ тизмасининг ғарбий тармони орқали ўзининг ҳозирги ўзани бўйлаб оқиб оқиб кетган ва бу тўсиққа келганда ғарб ҳамда шарққа ёйилиб, сон-саноксиз ғарб томонлари, қўллар ва ботқоқликлар тармоқларини ҳосил этганди.

Худди шу ерда, ўша вақтда сув тўлиб оққан Оқдарё ўзани яқинида, жанубдан тошлоқ Жонбос тепалиғини қуршаб олиб, афтидан, ғарб томонга узокларга чўзилган катта қўл – тўқай ҳавзасининг соҳиллари ва қумлоқ ороларида, бутун Султон Увайёстоғ тармоғининг этакларида неолит давридаги Хоразм балиқчилари ва овчилари топган маданиятлар ичида энг қадимийси бўлган ва биз Калтаминор маданияти деб атаган маданиятни шулар яратган. Калтаминор макони Жонбос-4 да 1939, 1940, 1945 йилларда ўтказилган қазилмалар бу ўзига хос маданиятнинг умумий қиёфасини тиклаш имконини берди.

Калтаминорликлар ўз қуроқларини фақат тош ва суяклардангина ясаганлар. Маконнинг маданий қатламда чақмоқтошдан қилинган сон-саноксиз буюмлар, энг муҳими, турли мақсадлар учун ишланган жажжи, ингичка, пичоқсимон пластинкалар (қирғичлар, тарашлагичлар, нишлар, суякдан қилинган катта қуроқларга ўрнатиладиган тиллар) қалашиб ётарди. Бундай пластинкалардан бир учли, фақат бир томо-

нига шиллов берилган пайза учлари тайёрлаганлар. Шунингдек, икки томонидан силмиқланган уч бурчакли илгичка найзалар учрайди. Катта қурооларни (масалан, трапеция шаклидаги катта топболта) силмиқланган топдан ясалган. Безак буюмлари асосан четдан келтирилган чингоқлардан (қўйида бу ҳақда яна гапирамиз) ва топдан ишланган. Чингоқдан ясалган шиллидр шаклидаги майда маржонлар ва чингоқдан ёки силмиқланган тош пластинкалардан қилинган, бир учи тешик тухум шаклидаги зираклар, айниқса, катта аҳамиятга эга бўлган. Бу даврда асосан баллиқ (қўнроқ чўртан ва лаққабалиқ) истеъмол қилинган. Маконнинг маданий қатламида баллиқ суюклари тўлиб-тошиб ётарди. Шунингдек, баллиқчиликдан ташқари, ов ҳам муҳим тирикчилик воситаларидан бўлган. Қобон, бугу, сувда яшовчи қушларнинг суюклари ҳам кўп учрайди.

Овқат чархда эмас, қўлда ясалган таги ўткир учли сопол идишларда пиширилган. Идишларга муҳрга ўхшаш қилиб ва чизиб ишланган серҳашам безаклар, мураккаб геометрик шакллар ҳосил қилади. Идишларнинг деворлари анча юнқа бўлиб, яхши пиширилган. Қўнчилик идишлар пиширилгандан кейин спирти қизил бўёқ билан бўялган, лекин аксар бўёқлар ўчиб кетган.

Буюмлар шаклининг турли-туманлиги ва безагининг серҳашамлиги билан ҳайратда қолдиради. Жумладан, шакл жиҳатдан бўйламасига қоқ ўртасидан кесилган тухумнинг ярмини эслатувчи «қайиқсимон идишлар» диққатга сазовор. Булар, дастлаб, ёғочни ўйиб ишланган идишларга тақлидан ясалган бўлиши эҳтимол. Безаклар, асосан, тароққа ўхшаш штампаларнинг шаклини босиб ва ўткир учли нарса билан турли шакллари чизиб иўли билан ҳосил қилинган. Расмларни гоҳ арча шохига ўхшаш чизиқлар, гоҳ шакли туширилган параллел иўлар ҳосил қилади. Қўпичча идишларнинг спиртини безакли иўл-иўл чизиқлар турлича безатилган тўғри бурчакларга бўлади, бу қисмлар-

га турли шакллар босиб туширилган. Безатилмаган катта бир идишнинг оғзи бир текис тўқинсимон чизик шаклида «қабатлириб» ишланган. Юпқа деворли безатилмаган ийрик қадаҳларнинг чеккасига баъзан эгри ўйма нақш туширилган.

Калтаминорликларнинг турар жойлари, айниқса, диққатга сазовор. Бу турар жойларнинг тақир қатлам остидаги қум орасида яхши сақланиб қолган қолдиқлари калтаминорликлар маконини тўлиқ равишда қайта тиклаш имконини берди.

Режаси тухум шаклини эслатадиган ёғоч ва қамшидан ишланган бу улкан (24x17 метр) иппоот қачонлардир баланд қум тепа устига қурилган эди. Бинонинг умумий марказга эга бўлган учта синчи бўлиб, улар марказда – бош ўчоқнинг атрофида (бу ҳақда қўйида гапирамиз), уйнинг чеккасида ва ҳар иккаласининг ўртасида жойлашган эди. Синчлардан ичи қопқора қул ва қўмир қуқушлари билан тўла 30 – 40 сантиметрлик чуқурчаларигина қолган, холос. Синчларга строилар тизмаси ўрнатилган. Синчлар жуфт-жуфт қилиб қўйилган бўлиб, строилар зич жойлашган синчлар ўртасида сиқиб боғланган. Бундаги усул Америка, Океания ва Африкада яшаган ибтидоий халқлар меъморчилигида кенг тарқалган. Строилар устига каттак-катак ва зич қилиб поялар ташланган, ушнинг усти қамши билан қопланган. Қумда буларнинг ҳаммаси шуълага ўхшаб, эгри чизикнинг бирор нуқтасига тегиб тўттири чизик шаклида иш қолдирган. Натижада йўгон-ингичка, йўла-йўла чизиклар, ҳар хил бурчақлар ҳосил бўлган, устнинг эса ёнган қалин қамши қатлами қоплаб олган. Жанубий Осиё, Океания ва Америкада яшовчи халқларнинг шу тилдаги ҳозирги замон иппоотлари пропорцияларига асосланиб, ўша замондаги марказий синчларнинг бўйи 8 – 10 метрга етган, томи коңуссимон ўзига хос қўрнинишга эга, носимметрик шаклда, бир ёнидаги нишаби шамол келадиган жанубий-ғарб томонга қараган, тор ва қия иккинчи

нишаби эса шимолнй-шарққа қараган, турар жойнннг эшиги ҳам шу томонга қурилган, деб тахмин қилмоқ мүмкин.

Томнннг чети ерга тегмаган. Том четндаги ёниб кетган материалларнннг қалыңлигига қараб, томнннг четини пастак девор кўтариб турган, деб хулоса чиқариш мүмкин. Кираверишда кичик қамини бостирма бўлган.

Уйнннг ички тузилиши ҳам ўзинга хослиги жиҳатдан тапқн кўринишидан қолшмаган. Икки четига синч терилган тор йўлакдан кириб, қулбаниннг айланаси бир метрча келадиган доимо ёниб турувчи бош ўчоғига борилган; ўчоқдан қотиб қолган ошшоқ қул қатлами, унннг остнда эса ўчоқ тагига солинган ярим метр қалыңликтаги кип-қнзна куйган қум тошлаган. Кираверишда ўнг томонда, бош ўчоқнннг орқасида овқат пишпиладиган қатор ўчоқлар бўлиб, уй-рўзғорга оид буюмларнннг асосий қисми шу ўчоқлар атрофидан топилади. Кираверишда чап томонда одам яшайдиган жой бўлиб, бу ерда ўчоқ бўлмаган. Бу бўлимнннг чеккасида, девор тагнда бир қанча кичик гулхан излари ва уларнннг атрофидан баъзи нарсалар топилади.

Андаман оролда (Бенгал кўрфази) яшаган одамларнннг жамоа турар жойлари этнографик жиҳатдан, тараққиёт даражаси ва хўжалигинннг типн жиҳатдан (ўтроқ балиқчилар ва неолит техникасига эга бўлган овчилар, таги юмалоқ керамика, камалак ва найзалар) калтаминорликларга жуда ҳам ўхшаб кетади. Шунннг учун ҳам бизнннг олдимизда намоён бўлган манзараниннг жумбоқларини Андаман ороликларнннг ҳаётига солиштириб, бирма-бир ечиш имконияти бор эди.

Калтаминорликларнннг уйнда, болаларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 100 – 120 кишидан иборат уруғдош жамоа истиқомат қилган. Оила ўчоқларинннг барқарор эмаслигига, бир жойдан иккинчи жойга кўчи-

риб юрилганлигига ва моҳият эътибори билан ўчоқ эмас, балки гулхан эканлигига қараганда, бу вақтда она ҳали хўжалик-турмуш жиҳатдан урутдан ажралиб чиқмаган. Ўчмай ёниб турадиган муқаддас ўчоқ ижтимоий ҳаётнинг маркази ҳисобланган. Киправернишда чап томондаги бўлинмада гулханлар йўқлигининг босиб шуки (аңдаманликларнинг жамоа уйларида бундай жойлар «рақс майдончаси» деб аталган), бу жойда жамоа урф-одати бажарилаган ва маросимий рақсларга тушлаган. Ниҳоят, бу бўлинманинг чеккасидаги кичик гулханлар худди андаманликлар уйидаги сингарин, бу ернинг бўйдоқ йипитлар жойи эканлигидан дарак берса керак; чунки улар она ўчоғида пиширилган овқатни истеъмол қилганлар, гулханларда эса афтидан, совуқ кечалари псинган бўлсалар керак.

2

Жонбос-4 ни қазини пайғида қўлга киритилган ва Хоразм неолитнинг бошқа маконлари (Жонбос-5 ва бошқалар)дан тўпланган материаллар энг қадимий Хоразм аҳолиси олиб борган маданий ва этник алоқаларнинг баъзи йўналишларини белгилаш имконини беради. Энг муҳими шундаки, бу алоқалар Ўрта Осиё қадимги тарихининг этник томони тўғрисидаги аниъанавий тасаввурларга қарама-қарши ўлароқ, жанубга эмас, балки шимолга – Қозоғистон, Сибирь ва шимолий-шарқий Европага бориб тақалади. Калтаминор маданиятига ўхшаш маданиятни, бир томондан, айни Калтаминорниқига ўхшаш топографик шароитда А. Стейн экспедицияларидан бири Жанубий Синьзянда топган неолит маконида, иккинчидан, сўнги вақтда, бизнинг маконимиздан кейин Ғарбий Қозоғистон (Орол денгизининг шимол томонидаги саксаульская станцияси тумани)дан топилган бир мунча кейинги даврга оид маконларда учратамиз. Ушбу маконларни тадқиқ қилган А. А. Формозов, булар Калтаминор

маданиятнинг сўнгги босқичга оид деб тўғри кўрсатиб ўтади. Бу ерда чорвачилик ҳам қилинганлиги кўриниб турибди (А. А. Формозов, «Об откорытии кельте-шнарской культуры в Казахстане». «Вест Каз ФАН», 1945, № 2.).

И. В. Синицын Калтаминор маданиятига ўхшаш маданиятни Қуйи Волга бўйидан топганлигини бизга хабар қилди. Саксаульская станциясидан топилган маконлар сипгари, Жонбос-4 (мис, ясси таглик идни-лар)га нисбатан бир мунча кейинги, Калтаминор маданиятига жуда ўхшаш энеолит 9 мис-тош даври)га оид маконлар Кама дарёси бўйидан топилди; булар ичида Чусовой дарёсининг қуйидаги жойидаги Левшинская маконини (янги эрадан аввалги 3 минг йилликнинг охири. Бу тўғрида қаранг: Н. А. Прокопьев, «К вопросу о неолитических памятниках Камского Приаралья», МИА, 1, 1940, стр. 20 с.) алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бунга озгина ўхшовчи маданиятлар Жанубий Сибирь неолитидан ҳам топилган. Кейинроқ янги эрадан аввалги 2 – 1 минг йилликларда калтаминорликларнинг аъналарига жуда ўхшаш аъналарини Урал яқинидаги Шигир тинидаги маданиятлар ҳамда ўша даврга оид Обь бўйи қолдиқ неолити бошидан кечиради. Шимолӣ шарқӣй Европанинг неолит даврига оид «ўйдим-чуқур тароқсимон керамика» маданиятининг ҳамда Евроосиё даштлари энеолит ва бронза даври маданияти дастлабки босқичларининг, яъни Шарқӣй Европадаги янги эрадан аввалги 3 минг йилликка оид қадимги «ўйдим-чуқур» маданиятининг ҳамда Жанубий Сибирдаги янги эрадан аввалги Калтаминор маданияти билан алоқалари очиқ кўзга ташланмайди, лекин бундай алоқалар бўлганлиги шубҳасиздир.

Шу нарса диққатга сазоворки, Афанасьев маданиятида Орол бўйлари билан алоқалар бўлганлиги аллақачонлар қайд қилинган эди. Археолог С. А. Теплоухов Минусинский ўлкасидаги қабрлардан «Корбнкула фли-

миналис» чиганоғидан қилнган безакларни топган эди. Бундай безаклар топилган ҳудудларнинг Сибирга энг яқини Амударёнинг қуйилиши жойидадир. Бунга асосланиб, С. А. Теплоухов 1927 йидаёқ Жанубий Сибирь аҳолиси ҳаётига Орол бўйи маркази маданияи таъсир қилганлиғини тахмин қилган эди.

Калтаминор маданиятининг шимол, шимолӣ гарб ва шимолӣ шарқ билан бўлган мустаҳкам алоқалари (хронологик маълумотлар бу алоқалар Орол бўйидан шимолга қараб борганлиғидан далолат беради) билан бир қаторда, бу маданиятнинг, гарчи яққол сезилиб турмаса-да, Жанубий Эрон ва Ҳиндистон билан ҳам алоқа қилиб тургани шубҳасиздир.

Шуниси қизиқки, Минусинск ўлкасида янги эрадан аввалги 3 – 2 мингйилликнинг ўрталарига мансуб қабрлардан топилган безак буюмлари қуйи Амударё чиганоқларидан ясалган бўлса, Калтаминор маржонларининг кўпчилик қисми, шу билан бирга, четдан, узоқ жанубий туманлардан келтирилган чиганоқлардан ҳам ясалган: Жонбос-4 дан топилган Денталиум турига кирувчи чиганоқнинг икки хили Ҳинд океани ҳавзаси сувларида – Қизил денгизда ҳамда Форс ва Араб қўлтиқларида яшайди. Идишларнинг доимий суратда қизил рангга бўялиши ҳамда уларнинг техник жиҳатдан инсбатан юксак сифатли бўлиши Жанубий Туркменистон (Анов) ва Эрон ясси тоғлигининг (гарбий ва жанубий чеккалари билан бирга) таъсиридан далолат берса керак. Шунингдек, Калтаминор безаклари композицияси жиҳатидан ҳам «бўяма керамика маданияти» дея аталган маданият билан кўп умумийликларга эга. Калтаминорнинг чақмоқтошдан ясалган асбоб-ускуналари ҳам Персеполь яқинидаги энеолит даврига мансуб кўрғондан топилган асбоб-ускуналар ҳамда Шимолӣ Ҳиндистондаги неолит маконидан топилган, ҳозирча кам ўрганилган микролитонд қуролларига кўп жиҳатдан ўхшашдир. Ушбу алоқаларнинг ҳаммаси Хоразм янги эрадан аввалги 4 – 3 мингйил-

ликлардаёқ Ўрта Шарқнинг қадимги цивилизациялари олами билан узоқ совуқ Шимолни бевосита боғловчи халқа ромни ўйнаган, дея тахмин қилиш учун асос бўлади; кейинчалик бу айниқса ёрқин тус олди.

Ибтидоий калтаминораликларнинг этник жиҳатдан қайси халқа мансублиги тўғрисида ҳозирча аниқ бир фикр айтиш қийин. Бироқ шунини айтиш керакки, тилшунослик фанида Ҳиндистоннинг ҳинд-европа тиллари жумласига кирмайдиган тиллари (дравид ва мунда) билан Гарбий Сибирь ва Урал олди угор тиллари ўртасида қандайдир узвий алоқа мавжудлиги кўрсатилади. Колдуола ва Шрадер асарларида дравид – угор алоқалари тўғрисида гапирилади: мунда – угор алоқалари ҳақида тадқиқотчилардан Эксбонд, Хевеши, Баннержилар кўрсатиб ўтади: мунда – угор тиллари ўртасида алоқа мавжудлигини тадқиқотчи Шрадер ҳам, гарчи айрим шартлар билан бўлса-да, тан олади (бу ҳақда қаранг: С. П. Толстов. «Древний Хорезм» стр. 65 и 350).

Ушбу муаммоларнинг баъзилари (айниқса, Хевеши) ҳатто мунда тилларини угор группасига киритишгача бориб етди ҳамда угор тилида сўзлашувчи халқлар қадимги замонда Ҳиндистонга кўчган, деган моҳият эътибори билан асоссиз фикрларни кўтариб чиқади.

Бу муаммолар тўнлаган материаллар угор тилларида сўзлашган халқлар билан ҳинд-европа тилларидан аввалги тилларда сўзлашган Ҳиндистон халқларининг келиб чиқиш бирлигидан эмас, балки қадимги замонлардан бу халқларнинг авлодлари маданий алоқалар қилиб турганлигидан далолат беради. Ушбу алоқалар ана шу халқлар ҳудудий жиҳатдан бир-бири билан яқин бўлган бўлса керак, деб тахмин қилиш имконини беради. Ўрта Осиё билан Шарқий Эрон ўртасидаги тахмин қилинган алоқалар янги эрадан аввалги 1 ва, эҳтимол, 2 мингйилликда бўлмаган, чунки ўша даврда бу ўлкалар ўртасида истиқомат қил-

ган алоқида ҳинд-европа этник-лингвистик элементи устун бўлганлиги аниқ. Алоқалар янги эрадан аввалги 4-3 мингйилликларда, яъни Каатаминор маданияти-ни яратган халқлар бу алоқаларнинг воситачиси бўлган, деб тахмин қилинган даврда мавжуд бўлган.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, қадимги замонда дравид тиллари тарқалган ҳудуд бу тиллар ҳозирги замонда тарқалган асосий ҳудуддан (Ҳиндистон ярим оролидан) анча шимолга бориб тақалади. Ҳозирги вақтда ҳам Белужистонда, яъни Хоразм билан дравидлар Ҳиндистоннинг нақ ўртасида қадимги дравид тилида сўзлашувчи ҳамда антропологик жиҳатдан жануб тилига хос юз тусишига эга бўлган брахми халқи яшайди. Қадимги замонда дравидлар шимол ва ғарбга қараб бундан ҳам кенг тарқалган бўлиши мумкинлиги анча аввал қайд қилинган эди.

Тадқиқотчи Г. Хюзинг дравид этник қатламини энг қадимги Эрон аҳолисининг гоят муҳим таркибий элементларидан бири деб таъқин қилишга уринади. Брун ва Борк Олд Осийннинг қадимги яфет тиллари: элам ва митанний тилларида дравид тили фонетикаси таъсирининг изларини аниқлайди.

Б. А. Куфтун ўз асарида («Археологические раскопки в Триалети» Тбилиси, 1941, 126-127 бет) Кавказбўйи яфет тилларининг, жумладан, картвел (грузин тили ва унга қардош тиллар) тилларининг вужудга келишида қадимги дравид субстратининг ролинни очиб беради. Маълумки, ўз навбатида угор қабилалари (башжардлар – мадёрлар)нинг жанубий чегаралари янги эранинг IX асридаёқ Орол бўйларига бориб тақалган эди. Бу чегара IX асрдан аввалги давр учун яна ҳам эҳтимолга яқинроқдир.

Албатта, каатаминорликлар ичидан «угорлар», «дравидлар» ёки «мундалар»ни қидириш асоссиз ва жуда эрта қилинган тахмин бўлуради. Тарихий нуқтаи назардан олганда, бу қадар узоқ замонга нисбатан умуман бу атамаларни ишлатишдан қочиш тўғрироқ бўла-

дп. Бу даврда Ўрта Осиё этник-лингвистик жиҳатдан ниҳоятда турли-туман бўлган. бу ерда ҳар хил этник элементлар, шу жумладан, кейинчалик шимолда утор, жанубда эса дравид тилларининг ва, эҳтимол, мунда тилларининг вужудга келишига сабаб бўлган этник элементларга яқин элементлар тўқнашган. Бироқ ушбу элементлар Ўрта Осиёнинг ўзида этник чагишувлар жараёнида бошқа элементларни, жумладан, яфет элементларини ҳам ўзига қўшиб олиб, ҳинд-европа тиллари шарқий гуруҳларининг вужудга келишини бошлаб берди.

Аmmo бу жараён анча кейинги даврларга оиддир.

3

Хоразмликларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги хаёқ афсоналари турли-туман адабий манбаларда қайд қилинган. Хива хони Оллоқули (1825 – 1842) саройидаги Эрон элчиси Ризоқулихон энг афсонавий ривоятлардан бирини ҳикоя қилади. Бу ривоятга кўра, *бир замонлар Сулаймон пайгамбар парилардан бирига газаб қилиб, уни дунёнинг энг узоқ чеккасига олиб бориб ташилашни дсвга топширибди. Дев парини опичиб олиб, пайгамбар айтгандай жойни узоқ қидирибди, ниҳоят, ўша вақтда дашту биёбон бўлиб ётган Хоразмини ҳар томонлама боп жой деб ҳисоблаб, шу ерга қўнибди. Бироқ дев Сулаймоннинг топширигини бажарганидан кейин, ўзи ҳам шу ерда қолишига қарор қилибди, чунки узоқ сарсон-саргардонликдан у асирани севиб қолган экан. Хоразмликлар ана шу дев ва паридан тарқалган эмиш. Шу сабабли, Хоразмнинг аёллари парилар каби гўзал, эркаклари эса дев сингари баджаҳлдир, дея афсонани тамом қилади Ризоқулихон. Бу гапнинг тагида нима ётганини тушуниш қийин эмас: ахир Ризоқулихон даврида Эрон хивалик айрим босқинчи (кўпинча ёвмуд уруғларининг эронликларни асир олиши ҳақида сўз бораяпти*

– У. Б.)ларнинг тез-тез бўлиб турадиган ҳужумидан қаттиқ азоб чекарди.

Ризоқулихондан 900 йил олдин ўтган араб географни ал Мақдисиёй бўлса Хоразмликларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги шундай афсонани келтиради: «... қадим замонда Шарқнинг подшоиси яқин хизматчиларидан 400 кишига аниқ қилибди ва уларни инсон яшайдиган жойдан 100 фарсах (600 километрча – У. Б.) нарига чиқариб юборишни буюрибди (ҳозирги вақтда шаҳар бўлган) Кас (қадимги Хоразмнинг пойтахти, ҳозирги Шоббоз шаҳри – У. Б.) ана шундай жой экан. Узоқ вақт ўтгандан кейин подшо бу жойга одамлар юбориб, қувғиндилар қисмати нима бўлгани тўғрисида билиб келишни буюрибди. Подшо одамлари қувғиндилар яшайдиган жойга келиб, уларнинг тирик эканлигини, капалар қуриб олиб, балиқ тутиб тирикчилик қилаётганлигини ва ўтин-чўплари бемалол эканлигини кўришибди. Подшо буни эшитиб, сўрабди: «Улар гўштни нима деб аташади?» Одамлари «хор» (ёки «хвар») дея жавоб беришибди. «Ўтинни-чи?» сўрабди подшо, «разм» деб жавоб беришибди. Подшо буни эшитиб шундай дебди: «Мен шу жойни уларга тайин этаман ва бу жойга Хоразм (Хваразм) дея ном бераман». Подшо уларга 400 нафар турк қизини олиб бориб беришни буюрибди; то ҳозиргача улар туркларга ўхшайди».

Ал Мақдисиёй афсонаси мазмунининг Амударё ўзанининг ўзгариши хусусидаги ҳайратланарли маълумотларни ўз ичига олган кейинги қисми тўғрисида қўйироқда (6 бобда) гапирамиз. Ҳозир бошқа бир муҳим нарсани қайид қилмоқ лозим. Ал Мақдисиёй берган маълумотга кўра, хоразмликлар XX асрда ҳам узоқ ўтмишда ўрмонга боғи ўлкада балиқчилик қилиб (шу асосда биз калтаминорликлар турмушининг асосий белгиларини кўз олдимизга келтирамиз), чайлаларда кун кечирган авлодларини жуда яхши хотирлаганлар. Бу ҳикояда, бундан ташқари, хоразмликларнинг бош-

қа халқлар билан аралашиниң нәтижесидә келиб чиққанлиғи, уларниң этногенезидә алақандай келишидилар иштирок этганлиғи тўғрисидағи ривоят кўз ўнгимиздә намоён бўлади. Бу сюжетниң ноаниқ асарлари эртақлардағидай афсонавий, хаёлий бир тарзда Ризоқулихон ҳикоясида ҳам сақланиб қолган.

Қадимги Хоразмниң асарлари бизгачә стиб келган яғона тарихчиси Абу Райхон Беруний эса юқоридә зикр қилинганидек, бир-биридан 90 йил фарқ этадиган ва ҳар иккиси ҳам янги эрадан аввалги XIII асрга хос бўлган иккита хоразмча йил ҳисобини келтиради: мамлакатниң дастлабки истило қилиниши ва хоразмшоҳлар сулуласиниң асосчиси Кайковусниң ўғли Спёвушниң Хоразмга келиши ана шу даврга тўғри келади. яъни бу ўринда ҳам биз хоразмликлар этногенезиниң икки манбаи тўғрисидағи аңъанага дуч келамиз.

Археологик материаллар ҳам халқ ўртасидағи ривоятлардан кенг ўрин олган бу аңъанини тасдиқлайди.

Лекин янги эрадан аввалги иккинчи миңйилликка, Хоразмниң бронза даврига онд материаларимиз ҳали жуда кам. Биз фақат харобага айланиб кетган бир неча маконларни ва бир мунча яхши сақланиб қолган, 1945 – 46 йилларда Я. Фуломов ва Н. Н. Вактурская қазиб очган Жонбос-6 маконини биламиз. Бироқ шу материалниң ўзи ҳам, ҳар ҳолда, баъзи фикрларни айтиш имконини беради.

Хоразм ибтидоий маданияти тарихиниң Калтаминор даври ўрнига келган давр, аввало, йирик иқлим ўзгаришлари билан характерланади. Бу жиҳатдан Жонбос-4 маконидағи чўкма жинсларниң қатламлалиши диққатга сазовор. Ўт кетиб, маконниң катта уйи ёниб кетгандан кейин (ёниб қол бўлган маконниң совурилиб кетмаганлиғи орадан унча узоқ вақт ўтмагандан далолат беради), тез орада макон қад қўтарган қум тепани сув босган. Барханниң тағи (пўлат

рашган-қуларанг Амударё аалмовийісі) маданій қатламдан 4 метр пастанда бўлганн учун сув жуаа юқорн қўтарилган бўлншн керак эдн. Дастанаб мақон вақтн-вақтн билан сув боснб тураднган ботқоқлнк остнда қолнб келган (мақонншннг устншн қоплаган тақнрншннг қўншн қатламларнда ботқоқ ўснмалкларннннг нзаларн бор эдн), сўнгра бу ботқоқ қўлга айланган. қўлнннг тубнда қнрқ сантиметрлнк тақнрснмон қумлоқ тушроқ қатлами йнғнлнб қолган. Афтанан, бу нқлнм ўзгарншн Еврооснё нқлмн тарнхннннг «атлантнк» даврдан «субборсал» даврга ўтншн билан боғлнк бўлса керак. Бу даврда Ўрта Оснё учун намалк оалб келувчн асоснй манба ҳисобланган ншмолнй шамоллар ҳукмрон бўлган. Европада бу ўзгарнш тахмнан янғн эрадан аввалғн 3 мннгнйыллкнннг ўрталарнда, балкн бутдан бнр мунча нағарнроқ рўн берган.

Эҳтнмоа шу муносабат билан Амударё қаднмгн дельтасннннг катта қнсмн жуаа кенг сув ҳавзасннн ташкнл этганднр; тақнрснмон қумлоқ тушроқлар асоснй қнсмннннг юзага келншн шу ҳавза билан боғлнк бўлншн мумкнн. Ақолн балаандроқда жойлашган ҳудудларда, ҳавзанннг соҳнлларнда яшашга мажбур бўлган ва шу жойларда Калтаминор маданнятннннг қаднмнй анъаналарннн рнвожлантнраверган. Ибтндоий Хоразмнннг бизга маълум маданнятларн нчнда нккннчнсн бўлган ва биз Тозабоғёп маданнятн деб атаган маданнят тахмнан 2 мннгнйыллкнннг ўрталарнда мансуб бўлнб, у Калтаминор маданнятннннг бевоснта давомнднр. Бу даврга оид қнсман қаднмгн барханларда, қнсман тақнрларда жойлашган мақонлардан мнсан ншланган нарсаларнннг парчаларн (афсускн, бнронта ҳам бутун мнс қурол топнлган эмас), Калтаминор маданнятн анъаналарннн давом эттнрувчн мнкролнтод чақмоқтош асбоб-ускуналар ҳамда Снбнрь ва Қозоғнстоннннг бронза даврн Андронов маданнятннн жуаа эслатувчн бурчақлн, уч бурчақлн ва тор бурчақлн орнамент боснб тушнрилган ндншлар топнлдн.

Тозабогёп даври одамларнинг хўжалигига оид бевосита маълумотларга эга эмасмиз. лекин у андроновликлар хўжалигининг айнан ўзгашаси бўлган, деб тахмин қилишга барча асослар бор; андроновликлар эса ривожланган чорвачилик (қўй, буқа, от боқилиш) ҳамда мотига (кичик кетмонга ўхшаш асбоб) ёрдамида қилинадиган деҳқончилик (буёдой ва бошқа дон ўсимликлари экилиш) билан шуғулланган.

Маълумотларга кўра, чорвачилик Калтаминор маданиятининг сўнгги босқичида, 3 мингйилликнинг иккинчи ярмидаёқ келиб чиққан. Саксовульская станцияси яқинидаги А. А. Формозов текширган сўнгги Калтаминорга оид макондан чақмоқтошдан ишланган асбоб-ускуналар ва Калтаминор анъанаси бўйича безатилаган керамика билан бирга аксар уй ҳайвонларининг суяклари ҳам топилган, суякларнинг 80 фоизи сиғир ва қўйники (эчкиники?), қолганлари ёввойи от – жигитойники эди.

Тозабогёп маконлари атрофларида сугориш иншоотлари изларининг йўқлиги бу даврда деҳқончилик суъий сугоришга асосланмаган, балки «қапир ерлари» дан, яъни дарё адоғидаги ер ости сувлари юза бўлгани сабабли тупроқда деҳқончилик экинларининг ўсиши учун нам етарли бўлган жойлардан фойдаланилган, бу хулоса чиқаришга имкон беради.

Тозабогёп маданиятига оид маконлар билан бирга, биз анча кейинги замонларга (янгги эрадан аввалги 2 мингйилликнинг иккинчи ярмига) мансуб бўлган, ammo бутунлай ўзгача материал берувчи бошқа маконларни ҳам топдик. Бу ерда ҳам мис парчалари топилди, бироқ чақмоқтошдан ишланган майда-чуйда буюмлар мутлақо чиқмади. Идишларнинг таги ясси бўлиб, лекин шакли бошқача ва, энг муҳими, сирти текис, сариқ ёки қизил, баъзан қора рангга бўялган, бўёқ устидан жило берилган эди. Баъзи сопол парчаларида қизил бўёқ устидан берилган қора ранг излари сақланиб қолган. Айрим ҳоллардагина учрайдиган,

идишларнинг бўғзига босма йўл билан туширилган бурчак шаклидаги безаклар Тозабогёп безакларини эслатади, ammo ҳашами унча эмас. Умуман, сопол ёдгорликлар Ановнинг ўрта қатламларидан топилган материалларни яққол кўз олдимизга келтирар, шимол билан эмас, балки жануб билан бўлган алоқалардан дарак берарди.

Одатда, маконлар тақирларда жойлашган эди.

Афтидан, биз Сувёрғон маданияти деб ном берилган бу маданиятнинг ривожланиши Хоразмда жануб билан, Эрон ясси тоғлиги вилоятлари ҳамда унга туташ ўлкалар билан тарихан алоқадор бўлган янги этник элементнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлса керак. Маълумки, Эрон ясси тоғлиги вилоятлари ва унга туташган ўлкаларда тўртинчи мингйилликдаёқ лойдан ясалган тўртбурчак уйларда истиқомат қилган ва таги ясси бўяма идишлар ясаган, мотига ёрдамида деҳқончилик қилган ўтроқ ва чорвадор халқ маданияти ривож топади. Мумтоз Шарқнинг энг қадимги маданиятлари ана шундай маданият негизда юзага келган. Бу маданият Калтаминор маданиятига ҳам таъсир қилганини юқорида кўрган эдик. Ана шу таъсир бу ўринда жуда яққол сезилади; эҳтимол, у ўзаро маданият таъсирдан ташқари, ҳатто Хоразмга жанубдан янги этник гуруҳлар кўчиб келганлигидан ҳам далолат берар.

Сувёрғон маданиятининг маконлари ҳам баъзи Тозабогёб маконлари сингари, барханларни қоплаб олган тақирларда жойлашган. Шу сабабли янги эрадан аввалги 2 мингйилликда бу ҳудуд қуриб қолган, дея тахмин қилишга асос бор. Бу Амударёнинг Султон Увайсдотнинг ғарбий қисмини ёриб ўтиб, ҳозирги ўзинини ҳосил қилиши билан боғлиқ бўлса керак. Балки жанубий қабилаларнинг босқинчилик ҳаракатлари бу жой географиясида юз берган ўзгаришлар натижасида Амунинг юқори дельтасида аҳоли жойлашиши би-

лан боғлиқдир, ана шу қабилалар жанубий Хоразм кўли атрофида яшаган қабилалар билан тўқнашганлар ва Сувёрган ҳамда энг сўнгги Амиробод маданиятларига Тозабогёб маданияти таъсирининг аломатларига қараганда, ерли қабилаларга қўшилиб кетгандир.

4

Ушбу қабилалар яфет тизими тилларида сўзлашган халқларнинг шарқий тармоғини ташкил этган деб тахмин қилишга барча асослар бор. Ушбу тармоққа ҳозирги Кавказ халқлари (грузинлар, черкеслар, доғистонликлар ва бошқалар) киради. Мовароуннаҳр, Сурия ва Кичик Осиёнинг энг қадимги маданиятларини яратган халқлар ҳам ана шу тармоққа мансуб бўлганлар. Хорижлик шарқшунос Э. Герцфельд 1941 йилда Нью-Йорк ва Лондонда нашр этилган Эрон тарихига оид китобида, Эрон ясси тоғлиги ва унга туташган ўлкалардаги зироатчилик «бўяма керамика маданияти» ни яратган яфет қабилаларини «каспий» халқлари деган умумий ном остида бирлаштиради.

Қадимги субарей тилига яқин бўлган яфет тилининг Ҳиндистондаги Мохенжодаро иероглиф хатларида Б. Грозный топган изларига ҳамда дравид тилининг Олд Осиё яфетидларига таъсири изларига қараганда Шарқий яфетидлар гуруҳида, афтидан, хурританит ёки субарей гуруҳи қабилалари муҳим роль ўйнаган бўлса керак, бу қабилалар 2 мингйиллик бошида Олд Осиёда пойтахти юқори Мессопотамияда бўлган Митанни номли қудратли давлат тузган эдилар. Лекин Мохенжодаро муҳрларидаги ёзувларга қараганда, бу ерда олд қўшимчали тилларда сўзлашган хетт қабилаларининг ҳам маълум роллари бўлган (бу ҳақда қаранг: Б. Грозный, «Протоиндийские письмена и их расшифровка», ВДИ, 1940, № 2,

стр 15, В. В. Струве, «Дешифровка протиндийских письмен, ВАН, 1947, № 8).

Ниҳоят, Қуйи Мовароуннаҳрнинг Сумерий маданиятини яратган халқларнинг ўзлари қадимги шарқий алоқаларнинг аломатларини тилларида сақлаб қолганлар; сумерий тили лексикасида ҳам, морфологиясида ҳам унинг Олтой гуруҳидаги тиллар, жумладан, туркий тилларниқига ўхшаш белгилари яққол сезилиб туради (сумерийча dingir – худо, туркийча тангри – худо, само; сумерийча Ai – ой маъбуд, туркийча ай-ой; сумерийча dag – тош, туркийча даш – тош, дағ – тоғ, сумерийча gus; gun – уч, ўн; туркийча уч – ўн ҳам ўша маънода ва ҳоказо.

Айтиш мумкинки, Эрон ясси тоғлиғи ва унга туташган ўлкалар жуда қадим замонлардаёқ Олд Осиёнинг «этнографик ичкараси» бўлган; Олд Осиё ҳудудида «шарққа мойил» этник элементлар (сумерлар, хурритлар, хеттлар ва уларнинг қон-қардошлари) жанубий этник элементлар (семитлар ва уларнинг қон-қардошлари) билан тўқнаш келган; семитлар ва уларга қардош элементлар ҳам, Н. Я. Марр кўрсатганидек, бири бири билан чатишиб кетган Олд Осиё ва Кавказ яфет тилларининг шаклланишида роль ўйнаган.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Эрон ясси тоғлиғида яшовчи қабилалар неолит даврида шимолда ва жанубдаги қўшнилardan айрим ҳолда яшамаган.

Аллювиал текисликларда яшовчи, Калтаминор маданиятини яратган балиқчилар маданиятига фақат Анов маданияти ва бошқа шунга ўхшаш маданиятларгина таъсир қилиб қолган эмас. Айниқса, Анов маданиятида Калтаминор ва унинг ўрнига келган Тозабогёб маданиятининг таъсирини кўрсатувчи, муҳраш йўли билан бурчак шаклидаги безаклар туширилган кўпгина сопол парчалари топилди. Афсуски, биз Эрон ясси тоғлиғида ишланган бўялмаган сопол идишларга оид маълумотларга эга эмасмиз. Одатда, археологлар

ёрқин бўялган идишларга берилиб кетиб, оддий сополга етарли эътибор беришмайди.

Бироқ бу хусусда Анов маданияти мустасно эмас дейишга ҳамма асослар бор: агар синчиклаб текширсак, жануброқда ҳам, ғарброқда ҳам Ўрта Осиёнинг аллювиал текисликларида яшаган қабилаларнинг таъсири изларини кўрамиз; бу таъсир, айниқса, 3 мингйилликнинг охири ва 2 мингйилликда яққол сезилди, бу даврда нисбатан ўтроқ балиқчи қабилалар ўрнига кўчиб юришга мойил чорвадорлар келади. Агар Олд Осиёнинг 3 – 2 мингйилликларга мансуб яфетлари гуруҳидан сўнгги калтаминорли чорвадорлар ва уларнинг ўрнига келган тозабоғёбликларнинг этник элементлари чиқиб қолса ажабланмаслик керак.

Шу муносабат билан «Хоразм» номини текшириб кўриш диққатга сазовор (араб ёзувида *Xwarizm*, янги эранинг VIII асри бошларидаги Хоразм тангаларида *Xwprzm*, қадимги форсчаси *Uvarazmis*, бобилчаси *Humarizma*, эламчаси *Marazmis*, «Авесто»да *Hvairzem*, грекчаси *Хораоріа*, лотинчаси *Chogasmia*).

Янги эранинг X асрига келиб, бу сўзнинг маъноси ни хоразмликларнинг ўзлари ҳам унутиб юборганлар, бу номнинг Ал-Мақдисийда келтирилган «халқ этимологияси («хор» ва «разм» – «гўшт» ва «ўтин») афсонадан бошқа нарса эмас.

Барча энг сўнгги тадқиқотчилар бу сўзнинг иккинчи қисми *zm*, «*zem*» ҳинд-европа тилларига мансуб «*zem* – ер, ўлка» асосидан олинган (форсча «замин» ва русча «земля» ҳам шу асосдан ясалган) деб изоҳлашга мойиллар. Биринчи элемент «*хагі*, *хвагі*»га келганда эса шуни айтиш керакки, унинг келиб чиқишини форс тили билан боғлашга интилиш турли-туман фикрларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Клипперт ва Лерх сингари олимлар «Хоразм» номини «паст текислик ер» деб, Бюрнуф, Захау, Гейгер каби тарихчилар «унумдор ер» дея, Юсти ва Шпигель сингари тадқиқотчилар эса аксинча, «ёмон, унумсиз ер» деб таржима қилиша-

ди. Тарихчи Савельев «Қуёш ўлкаси» сифатидаги талқинни таклиф этди (форсча Хуғг, Хорсед – қуёш демакдир, қадимги славянларнинг қуёш маъбуд Хорсинг номи ҳам шундан олинган). Барча тахминлар ичида ҳақиқатга энг яқини сўнггисидир. Бироқ, маълумки, кўпчилик қадимги мамалакатларнинг номлари этник номлар билан боғлиқдир, булар эса ўз навбатида, афсонавий асосга эга.

Агар бизни қизиқтираётган термин асосида этник ном ётади, деб фараз қилсак, у ҳолда «Хоразм» («хварри ёки харри халқининг ери») сўзи (шуниси диққатга сазоворки, Ёқут XIII асрдаёқ «Хоразм «сўзидаги «р» ташдиди остида, яъни иккиланиб ўқилишини кўрсатиб, араб шоири Асадийнинг «Хоразм» сўзи иккита «р» билан ёзилган шеъридан парча келтиради) бизни шарқий яфет қабилалари этнографияси оламига элтади ва Митанни давлатининг асосчилари бўлган қабила номи – «Хуррит» билан «Харри» ёки «Хурри» ўртасида ўхшашлик борлигини кўрсатади.

Ҳозирча биз янги эрадан аввалги 3-2 мингйилликларга (Олд Осиёда тарих майдонида хурритлар пайдо бўлган давр) оид Хоразм маданияти тўғрисида жуда кам маълумотга эга бўлганимиз сабабли бу ҳақда бирор аниқ фикр айтиш қийин; лекин Хоразм билан Митанни ўртасида алоқалар бўлганлиги шубҳасиз. Шунини қайд қилиш лозимки, Шаушатар (1 ва 2) номли машҳур Митгани подшоҳларининг исми билан Хоразм подшоҳларининг Абу Райҳон Беруний келтирган, Хитой ахборотлари ва нумизматика материаллари тасдиқловчи рўйхатидаги ном (Шаушафар) ўртасида ҳайрон қоларли даражада ўхшашлик мавжуд.

Митанниларнинг аёл маъбудаси «Sauskas» (Sauspi)-нинг исми, шубҳасиз, юқоридаги ном билан боғлиқ бўлиб, айна вақтда у Абу Райҳон Берунийнинг ўша рўйхатида келтирилган Хоразм подшоси Шауш (1 ва 2) нинг номи билан ўхшаб кетади. Митгани подшосининг исми Артатам (1 ва 2) билан Хоразм подшоси

Артамуҳнинг номи ўртасида ҳам, узоқ бўлса-да, ўхшашлик бор.

Бироқ хурри-митанни алоқалари бизни Олд Осиё яфетлари оламига олиб кирувчи бошқа алоқалар билан – хоразм-хетт алоқалари билан ҳам боғланади. Хатту (хеттлар) этноними билан Ўрта Осиёлик массагетлар («улуғ гетлар») (Страбон хоразмийларни шуларга киритган) номининг негизи ўртасидаги чуқур маънога эга бўлган ўхшашликдан ташқари, эронийлар ва туркийлар турмушида параллели учрамайдиган хоразмча орна (ўзбек тилининг Хоразм шеvasида бу сўз ҳали ҳам ишлатилади) – канал ва протохеттча агпа (манба, булоқ) сўзларининг бир-бирига ҳайрон қоларли даражада ўхшашлигини қайд қилиб ўтамыз.

Топилган ҳайкалчалардан маълум бўлган қадимги хоразмий кийим-бошлар Кичик Осиё қабилаларининг кийимлари билан жуда кўп умумийликка эга, бу қабилаларнинг кийимлари эса бизга «фригия қалпоғи» ва узун қўнжли этиклардан (*булар эркак хеттларга хос кийимдир* – У. Б.) тортиб, хотин-қизларнинг кийим-бошларигача ҳаммаси хетт ва қадимги Эрон бўртма нақшкорлиги ҳамда грек санъати ёдгорликларидан маълумдир. Жумладан, Каспийортидаги дах-массагет қабилаларининг бевосита авлодлари бўлмиш така-туркманлар аёлларининг кийим бошлари қадимги нақшкорликда тасвирланган хетт маликалари ва аёл маъбудларининг кийимларига жуда ҳам ўхшаб кетади (*бу тўғрида тўлиқроқ шу муаллифнинг «Древний Хорезм» асарининг 197-бетида батафсил ёритилган* – У. Б.).

Буларнинг ўзи, албатта, узил-кесил тарихий хулосалар чиқариш учун камлик қилади. Булар тадқиқотчилар диққатини Фарбий Евроосиё халқлари этногониясининг ҳал қилинмаган ҳамда янги археологик маълумотлар тўпланмагунча ҳал қилиб бўлмайдиган масалаларига жалб қилувчи нарса, холос. Фақат шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиё халқларининг Олд Осиё

халқлари билан алоқалари ҳинд-европа муносабатларидан олдинги қадимий даврга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё қабилаларининг ролини ҳисобга олмасдан туриб, Олд Осиё Яфет халқлари ва булар барпо қилган давлат тўғрисидаги масалани узил-кесил ҳал қилиш мумкин эмас.

Бу алоқаларнинг йўналиши қандай бўлганлигидан қатъи назар, бутун бошли хурри муаммосини ҳал қилишда Хоразм «Хварри (Харри) мулки»ни ҳисобга олмай илож йўқ. Айни вақтда шуни ҳам унутмаслик керакки, биз худди хетт тиллари ичида ҳинд-европа тилларига ўхшаш қурилишга эга бўлган дастлабки тилга дуч келамиз. Митаннида биринчи бор Ҳинд Эрон маъбудалари – Митра, Варуна ва Насатьларнинг исмини ҳамда чавандозликка оид ҳинд-европа атама-ларини учратамиз. Албатта, бу ўринда алақачонлар таркиб топган ҳинд-европаликларни гоҳ ғарбдан, гоҳ шарқдан кўчган деб даъво қилувчи ҳамда «кентум одамлари» яъни ғарбий ҳинд-европаликлар хеттлар юртини, ҳиндлар эса Митанни ўлкасини босиб олган деб талқин этувчи кенг кўламли назариялар ўйлаб чиқаришга асос йўқ. Аслида эса биз, афтидан, қадимги яфет тилларининг ва, эҳтимол, Эрон ва Ўрта Осиё, балки Шимолий Понт-Каспий чўлларидаги ҳинд-европа-чадан аввалги тиллар (ҳинд-европа гуруҳига кирувчи тилларнинг қадимги даврдаги дастлабки шакллари) чатишиш йўли билан шакл топишнинг Шарқий Ўрта денгиз соҳилларигача етиб келган таъсирига дуч келган эдик.

Маълумки, дастлабки ҳинд-европа тилларининг илк босқичлари янги эрадан аввалги 3 мингйилликка, кассит тили ёдгорликларига тўғри келади.

Султон Увайстоғнинг шимолий-ғарбий этакларида жойлашган қумтепалар: Чилпиқ, Қоратепа ва Бештепадаги қоятошларга ўйиб ишланган, биз 1940 йилда топган белгилар ҳам диққатга сазовор бўлиб, кейинчалик буларни тадқиқ қилиш Эски Дунё халқлари эт-

ногониясининг энг мунозарали ва йирик муаммоларидан бири – ҳинд-европаликлар этногенезини бир қадар ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Бизнинг тахминимизча, қадим замонларда бу қоялар дафн қилиш маросимлари ўтказиладиган жой бўлган. Кейинчалик зардуштийлик дини маросимларига шакли ўзгарган ҳолда кирган ибтидоий одатга кўра, қояларга қушлар ва йиртқич ҳайвонларга емиш қилиб мурдаларни олиб келиб ташлаганлар. Бу тахмин шу билан ҳам тасдиқланадики, кейинчалик, эра-мизнинг бошларида бу тепаликлардан бири – Чилпик ортодоксал зардуштийлик учун типик бўлган дафн қилинадиган иншоотга – дахмага, «сукунат минораси»га айлантирилган.

Ушбу қояларнинг юзаси ниҳоятда турли-туман ўйма белгилар билан қопланган; булардан энг қадимийларининг турли геометрик шакллари (булар ичида пиктографик композицияларга бирлаштирилган тўғри ва қийшиқ панжаралар кўпроқ учрайди), бир томондан, Азов бўйидаги қоятошларга ўйиб солинган бронза даврига боғланадиган белгиларга (Археолог О. Н. Бадер текширган «Тош қабр»), иккинчи томондан, Ҳиндистон, Элам, Месопотамия ва Хетт подшоҳлигининг қадимги иероглифларига анча яқин.

Академик В. В. Струве ўзининг сўнгги ишларидан бирида археолог Б. Грознийнинг Мохенждаро ёзувларига тарихий жиҳатдан берган шарҳларга тузатиш киритиб, бу ёзувларни хуррит қабилаларининг ёдгорликлари деб кўрсатишга уринади. Агар шундай бўлса, у ҳолда юқорида баён қилинган мулоҳазаларга асосан, қадимги Хоразм ёдгорликлари хуррит муаммосини ҳал қилишда назарда тутилиши лозимлиги янада равшанлашади.

Бироқ энди Хоразм бронза даврининг ёдгорликлари далолат берувчи Хоразмда бўлган воқеаларнинг ўзига қайтайлик.

Эҳтимол, Эрон ясси тоғлигининг шарқий этаклари-дан Мурғоб ёки Амударё ёқалаб юрган этник элементлар – хуррит қабилаларининг Хоразмга келиш санаси билан Беруний келтирган, кўриб ўтганимиздек, эра-миздан олдинги XIII асрга тўғри келувчи хоразмча йил ҳисобининг бошланиши мос келишини кўрмаслик мумкин эмас.

Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асаарида, Хоразмга илоҳий қаҳрамон Сиёвушнинг келишини ҳамда Хоразм давлатига асос солинишини шу сана билан боғлайди. Янги эранинг X асри охирига қадар ҳукмронлик қилган Хоразм подшоҳлари Сиёвушга каттагина бўлим бағишланади. «Авесто» да ҳам, паҳлавий адабиётида ҳам, «Шоҳнома»да ҳам, ҳатто Берунийда ҳам Сиёваршан (Сиёвуш) фақат ярим маъбуд-қаҳрамон образида гавдаланади. Бироқ агар унинг образини чуқурроқ таҳлил қилсак, дастлаб кўз ўнгимизда илоҳиёт бўлиб гавдаланган Сиёвушни кейинчалик зардуштий маъбудларининг образлари иккинчи режага суриб қўяди. Сиёвуш – Эрон афсонавий шоҳлари иккинчи сулоласи – Каёнийларнинг иккинчи подшоси Кайковуснинг («Авесто»да Кавоус) ўғли. У Кайковус аскарлари Турон чегарасидаги ўрмонлардан топиб олган гўзал бир қиздан туғилган (афтидан, бу қиз қадимги юнон афсоналаридаги ўрмон маъбудасининг дастлабки образи бўлса керак). Сиёвуш дунёга келиши биланок (онаси уни туғиш пайтида ўлади) ҳаммани ўзининг беқиёс гўзаллиги билан мафтун этади.

Ўғай онасининг ҳайвоний ҳирсини рад этгани учун ноҳақ айбланган Сиёвуш ўт синовидан ўтиши, яъни олтин дубулға кийиб, қора отда катта аланга устидан сакраб ўтиши керак эди. У ўтни енгиб, ўз номусини қайтадан тиклаб олади ҳамда Туронга юриш қилади. Уруш тамом бўлгандан кейин Сиёвуш Турон подшоси Афросиёб ҳузурига боради ҳамда унинг қизига уйланади. Қайнотасидан совға сифатида Турон ерларининг бир қисмини олиб, бу жойда Кангдиз ёки Қанги Сиё-

вахш номли ҳашаматли қаср – шаҳар қуради. Лекин яна тухматга учраб, Афросиёб юборган қотиллар томонидан ўлдирилади. Унинг ўғли («Авесто» бўйича набираси – қизининг Афросиёбнинг укаси Агрератдан бўлган ўғли; афтидан, бу вариант анча эски, матриархат босқичига оид бўлса керак) Кайхисрав («Авесто»да Ковахисрав) хиёнатчи бобосини (resp, катта бобосини) тор-мор келтириб, «арийларнинг ерлари»ни бирлаштиради ва Хоразм ривоятларига кўра, биринчи Хоразм сулоласига асос солади.

Шубҳасиз, кўз ўнгимиздан ўлувчи ва тирилувчи ўсимликлар маъбуд образлари цикли – Озирис, Аттис, Адонас ва бошқалар билан боғланган, «тарихийлаштирилган» афсонавий сюжет ўтади. Сиёвуш афсонасининг сюжети унинг юнонча вариантларидан бири – Ипполит ҳақидаги ривоятга жуда ўхшаб кетади: ўгай онанинг тухматидан ташқари, бу ерда ҳам қаҳрамоннинг от билан ассоциацияси каби специфик белги мавжуд. Сиёвушнинг хиёнат туфайли айбсиз қурбон бўлиши, сўнгра унинг қасоскор ўғил (resp, набира) қиёфасида ҳаётга қайтиши бу образнинг жафокаш деҳқончилик маъбуд тўғрисидаги афсонага хос типик белгилар билан тугалланишини кўрсатади. От билан боғлиқликдан ташқари, Сиёвушнинг хтоний маъбудлар даврасига киритилиши ҳам афсонанинг ўзига хос хусусиятларидандир: Сиёвуш қора отга минган чавандоз (бу одатда, Ангро-Майнйу – Ариман белгиси, унинг тимсоли ҳисобланади), улкан аланга устидан ўтиши эса уни ер остидаги ўтга топинувчиларга мансуб қилиб кўрсатади. Сиёвуш (Сиёвахш, Сиёваршан) ном сифатида ҳам, афсоналиги билан ҳам фрак-фригия чавандозмаъбуди Сабазий (фригийларда Саобадз) образига яқин туради ва «славянлар Геофести» – ер ости олов маъбуди Сварог ёки, эҳтимол, унинг жуда ҳурмат қилинадиган тимсоларидан бири – Сварожич (бу исм ҳам «Авесто»даги Сиёвуш номи сингари, патрономик кўшимчалар қўшиш йўли билан ясалган. солиштиринг:

Сварож + ич – Сиёвар + ан) билан, узоқ бўлса-да, боғланади.

Янги эрадан аввалги I аср – янги эранинг VIII асри орасидаги даврга оид Хоразм тангаларида Сиёвус чавандоз – маъбуд образида жуда кўп тасвирланади. Сон-саноқсиз ҳайкалчаларда ҳамда от калласи тасвирларида акс этган отга сиғиниш ва тангаларда тасвирланган чавандоз образи, маъбуднинг номи сингари, Хоразм билан Фракия ўртасидаги боғланишнинг ҳалқаларидан биридир. Бу ёдгорликлар Хоразмнинг янги, юқоридагиларга қараганда анча кейинги, бу ерда ҳинд-европа қабиалари тарих майдонига чиққан даврдаги этник маданий алоқаларидан дарак беради. Албатта, ҳозир бу алоқаларнинг вужудга келиши йўллари батафсил тасвирлаш мумкин эмас. Лекин бир нарса шубҳасиз: хоразмликлар янги эрадан аввалги 2 ва 1 мингйилликлар чегарасида фраккимерийлар деган умумий ном остида Қора ва Каспий денгизларини ўраб олган қабиаларнинг бири сифатида майдонга чиқади.

Қадимий муаррихлардан Страбоннинг фикрича, хоразмликлар массагет элатлари мажмуига мансуб бўлиб, бу номнинг ўзиёқ (массагет – улуг гет) Фракия гетлари ва тирагетлар («Днестр гетлари») номларига ишорадир. Хоразмликлар жанубий ғарбда ва шимолӣ шарқда дах қабиалари билан кўшни бўлгани ҳолда, Болқон гетларининг кўшнилари дахлар эди. Фракцияларнинг ҳам, массагетларнинг ҳам тотоместик (*қабилага асос солувчи деб ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимликка топиниш – У. Б.*) урф-одатлари ичида отга сиғиниш марказий ўрин олади. Массагетлар урф-одатларининг фракциялик агатирсларникига ўхшаш бир қанча ўзига хос томонлари бор (никоҳ ва кўмиш маросимлари). Кишилар исмларида ҳам қатор ўхшашликлар мавжудлигини кўриш мумкин (фракцияликларда: Спаргапис, Тамирас, массагетларда: Спаргапис, Томирис).

Хоразм худудига қадимги ҳинд-европа қабилаларининг учта катта вилояти кирган бўлса керак, бундай тахминга барча асослар бор. Буларга, афтидан, асосий шаклланиш маркази Эрон ясси тоғлигининг шарқий этакларига (ҳозирги Фарбий Афғонистон худудида) тўғри келадиган, шунингдек, Амударёнинг юқори оқимини ҳам ўз ичига олган ҳинд-европа қабилалари; Орол бўйи ва Каспийорти даштларини ҳамда фарбда Дунай дарёсига бориб тақаладиган ерларни ишғол қилган фрак-киммерий қабилалари; Ўрта Осиё шарқий дашт ва тоғ этакларининг чекка жойларида яшаган ҳамда борган сари фрак-киммерийлар билан бирлашиб, уларга қўшилиб кетган сак ёки скиф қабилалари киради. Ҳар ҳолда Эрон ва антик даврнинг янги эрадан аввалги 1 мингйиллик ўрталарига оид ёдгорликларида Орол бўйи массагетлари сақланиш босқичи анча илгарилаб кетгани қайд қилинган.

«Авесто»нинг дастлабки қаёнийлар билан боғлиқ бўлган қиссалари, айниқса, Сиёваршона ва Хусрава кўрсатган қаҳрамонликлар билан боғлиқ қиссаларидаги воқеалар Урва (Захаунинг фикрича, Урганч) яқинидаги кўлларга бой ўлкада, Вурукаш (*Орол денгизи – У. Б.*) атрофларида ҳамда даҳлар (Сирдарё этаклари) ва сарматлар (Сайрима, Волгабўйи даштлари) мамлакатада рўй беради.

Шу ерда, Вурукаш денгизига яқин жойда, денгизга қуйилувчи ирмоқлар бўлиб юборган оролларда, яъни Амударё дельтасида «еттита киршвор» – аҳоли яшаган энг қадимги вилоятлар юзага келган. Бу ерга Сасраок номли муқаддас ҳўкизга минган дастлабки авлодлар муқаддас маздаҳий оловини келтиради, бу оловлардан энг қадимийси ва энг ҳурматлисини Йима-Жамшид Хоразм тоғларидан бирининг чўққисига ўрнатади. Шу тариқа, юқорида кўриб ўтилган жараёнлар (бу жараёнларда шимолий-шарқий хуррит қабилалари катта роль ўйнаган бўлса керак) натижасида «Айранем – вэжо» – «Янги Ариана», resp, «Хурритларнинг янги

ўлкаси» («Харри – зем», «Хурритлар ери», «Қуёш (халқи) ери») номининг синоними вужудга келади. Экспедициямиз ходимларидан бири, ёш этнограф Ю. В. Кнорозов олиб борган тадқиқотлар хоразмликларнинг яқин ўтмишдаги эътиқодларида афсонавий қаҳрамонларни Хоразм билан боғлайдиган, «Авесто»да ва паҳлавий афсоналарида Айрйанам-вэжо билан боғланган бир қанча анъаналар мавжудлигини кўрсатади.

Чунончи, Хўжайли яқинидаги Мазлумхонсулув номили қабристонтепада Жумарт қассоб дея аталувчи ҳашаматли қўрғон қад кўтарган. Ривоятларга кўра, бу ерга Жумарт деган аллақандай «авлиё» дафн этилган эмиш; чорвадорларнинг чорва юқумли касалликларига қарши бир қанча урф-одатлари шу қўрғон билан боғлиқ бўлган. Қўрғон ёнида жойлашган Шамун-наби («Шамун пайғамбар») мақбараси билан боғлиқ бўлган ривоятлар «Таврот»даги Самсон тўғрисидаги қиссалар билан ҳамохангдир. Амударёнинг сўл соҳилидаги Жўмурттов ҳудудида «Шиш пайғамбар» («Сиф пайғамбар») мақбараси бўлган. Шубҳасиз, ушбу ёдгорлик ва харобалар мажмуи қадимги Эрон афсонавий қаҳрамони Гавомард Каймарс (Жумарт, Жумурт) билан боғлиқдир. Бу қаҳрамон Айрйанем-вэжода буқа билан ассоциация қилинади (К. В. Тревернинг фикрича, Гавомард сўзи «буқаодам» деган маънони англатади; буқа унинг йўлдоши бўлган), у муқаддас Дайтйа (биздаги маълумотларга кўра, бунинг Амударё эканлиги, шубҳасиз) соҳиларида яшаган; одам дарёнинг бу қирғоғида, буқа эса нариги қирғоғида истиқомат қилган. Шуниси қизиқки, илк мусулмончиликка оид форс ривоятларидаги Каймарс доимо гоҳ «Таврот»даги Сифни, гоҳ Самсонни эс-латади.

Шарқий хурритларнинг ярим тарихий раҳнамоси Хисрав тимсолида эса Агрерат ва Сиёваршаннинг қизи орқали, генеалогик традиция томонидан қадимги маҳаллий худолар даражасига кўтарилган фигурани кўриш мумкин.

Биз Айрйанам – вѣжо тўғрисидаги афсоналарнинг Зардушт образи билан боғлиқ иккинчи цикли устида йўл-йўлакайгина тўхтаб ўтамиз.


Гатлар ва «Авесто»нинг анча кейинги бошқа қисмлари бизни кави ва карапанлар (Фракия – фригийлардаги кваир ва корибантларнинг шарқий варианты) коҳинлик уюшмалари ўртасидаги кескин кураш авж олган бир вазиятга олиб киради. Буларнинг биринчисидан қадимги афсонавий Зардушт пайғамбар (Фракияликларнинг Залмоксисига ўхшашлиги яққол кўришиб турибди) таълимотининг мухлислари оқими ажралиб чиқади. Бу оқимда монетизм элементлари билан бирга содда анимистик эътиқодлар аралашиб кетган, зардуштийликнинг дуалистик элементлари ана шу анимистик эътиқодларга бориб тақалади.

Агар зардуштийлик анъанасига амал қилинса, бу курашнинг биринчи босқичи Айрйанем – вѣжода – Хоразмда, Зардуштнинг тахмин қилинган ватанида авж олиб, Бақтрияда, подшо Виштаспа саройида тугалланади; бу подшо анча ноаниқ сулолавий боғланишлар орқали анъана томонидан Хисравларнинг Хоразмдаги хонадони билан боғланади. Шубҳасиз, зардуштийлик мураккаб тарихга эга. Мидия ва Персидда қадимги муаллифлар ўзларидан минглаб йиллар илгари истиқомат қилган Зардушт образини тилга олдилар.

Бироқ «Авесто» орқали бизгача етиб келган ривоят, шубҳасиз, Шарқда яратилган, у эрамизнинг I асридаги Парфия подшоси Вологезнинг диний-ислохотчилик фаолияти туфайли Фарбий Эронга кириб келган бўлиши керак. Агар тарихчи Марквартнинг Аҳмонийлардан илгари Ўрта Осиё сиёсий бирлашмасининг маркази Хоразм бўлган (унинг далилларига бир мунча янги далиллар қўшиш мумкинлигини қуйида кўриб ўтамиз) ҳамда Бақтриянинг юксалиши Аҳмонийлар даври билангина боғлиқ деган фикри тўғри бўлса, у ҳолда

«Авесто»нинг ва ундан кейинги традицияларнинг афсонавий тарихий-географик концепциялари заминидан Ўрта Осиё ва Шарқий Эрон реал сиёсий тарихининг мазарасини кўз олдимишга келтиришимиз мумкин. Энг қадимги Хоразмнинг хоразмлик Зардушт сўнгги фаолиятини ўз ватанларига кўчирган Бақтрия «атраванлари» (ўтпараст қоҳинлар) томонидан эрадан аввалги V – IV асрларда қабул қилинган ва қайта ишланган афсона ва эпик қиссалари ўзининг насл-насабини худди ўша Хоразм Сиёвушийларига боғловчи, лекин традицияни бақтрияликлар нуқтаи назаридан қабул қилган Парфия подшоси саройида сўнгги бор таҳлил этилади. Аршакийларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги Страбон ҳикоясининг нақлларидан бири ҳам шунга бориб боғланади, бу нақлга кўра, Аршакийлар Бақтрдан тарқалган; Парфия ҳокимлари қабул қилган мағрур Паҳлавий (Балх, Бақтрия Паҳлавийлари) номи ҳам шундан келиб чиққан. «Авесто»да Аҳмонийлар номи тилга олинмайди. Сўнгги Аҳмонийларни Сосонийлар давридаги кейинги форс диний адабиётига киритиш – Македониялик Искандарни Доронинг ўғли деб тасвирлаш ҳамда янги эранинг III асрида янги форс сулоласига асос солган вилоят бошлиқлари – Стахр қоҳинларини Аҳмонийларга олиб бориб тақаш каби қўпол хатодир.

Бақтрия қоҳинлик уюшмаларида «Авесто»нинг даставвал кўл ва дарёлар мамлакати – Хоразмнинг кичик ҳудуди билан боғланган географияси ҳамда Хоразмни қуршаб олган қабилалар билан бўлган урушлар тўғрисида ҳикоя қилувчи «Авесто» тарихи бутун Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё миқёсида кенгайди. Сосонийлар даврининг нодон фальсификаторлари эса тушунилмаган ном ва ҳодисаларни ўзларининг тарих ва география соҳаларидаги тасаввурлари билан боғлашга уннаб, жой ва ҳодисаларни Сосонийлар давлати чегарасига олиб кирадилар ҳамда уларни сўнгги зар-



душтийлик динининг ўз даврларидаги марказлари билан боғлайдилар.

Кейинчалик киритилган бундай қўшимчалардан тозаланган «Авесто» Хоразм ва унга қўшни бўлган мамлакатларнинг янги эрадан аввалги 13 ва 1 мингйилликнинг сўнгги асрлари орасидаги тарихини ўрганишда жуда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бироқ бу асардан фойдаланиш учун ҳали жуда катта танқидий иш олиб бориш керак. Бу даврнинг бошланғич босқичи археологик жиҳатдан ҳали жуда кам ёритилган. Янги эрадан аввалги 1 мингйилликнинг бошига келиб Сувёрган маданиятининг ўрнини янги – биз Амиробод маданияти деб атаган маданият эгаллади. Бу маданият учун шу нарса хоски, бўялган керамика идишлари ўрнини таги ясси, оғзи ҳалқасимон, безаксиз, аксар қора ва қорамтир-қулранг идиш турлари (булар ҳам ҳали чархда ишланган эмас) эгаллаган; баъзан идишнинг бўғзига туширилган арча шаклидаги ўйма нақш кўпроқ Шимолий Кавказ олдининг (Коябково қадимий шаҳри) скифлардан олдинги шаҳарлари керамикасини эслатади.

Устунли юмалоқ ёғоч уйлар ўрнини аввалгидек қумтепалар устига, лекин энди лойдан қурилган узунчоқ бинолар эгаллайди. Чунончи, Жонбос-7 да бўйи 70 метр келадиган, бир-бирига параллел иккита тор хонадан иборат уй бор. Афтидан, оила-турмуш тарзида катта ўзгаришлар юз берган бўлса керак. Булар этнографик жиҳатдан андаманлиларга эмас, балки ирокезларга яқин. Уйларнинг чўзинчоқ шаклда бўлиши, одатда, ҳали бир уйда яшовчи, лекин умумий ўчоққа эга бўлмаган оила жуфтларининг турмуш жиҳатидан бири-биридан кескин ажралиб чиққанини кўрсатади; умумий ўчоқ ўрнини энди қатор қилиб қурилган оила ўчоқлари эгаллайди.

Суфориш ишлари ҳали сезиларли тараққий этмаган – Амиробод маконлари аввалгидек каналлардан четда жойлашган; афтидан, бу даврда қайирлардан

фойдаланиш давом этган. Ҳамма нарса ижтимоий тараққиёт ҳали анча ибтидоий даражада эканлигини, жамият варварликнинг ўрта босқичидан, балки олий босқичининг бошланғич давридан нарига ўтмаганлигини кўрсатади. Тараққиёт босқичи машҳур ирокез иттифоқига ўхшаш қабилалар иттифоқидан нарига ўтмаган бўлса керак. Хоразм давлатининг «асосчиси» Кова Хисрав аввалги ва кейинги асрлардаги шарқ мустабид ҳарбий давлатларининг асосчиларидан кўра, кўпроқ, ирокез иттифоқини тузган Гайаватга ўхшаб кетади.

Бироқ жамият энди цивилизация чегарасида туради. Маданий даврга ўтиш учун яна бир қадам ташлаш керак, холос. Тахминан, янги эрдан аввалги VIII – VII асрларда Хоразм ўз тарихининг янги даврига кирди. Берунийга қараганда, хоразмликлар йил ҳисобини қадимги Шарқнинг умумий анъанасига кўра, подшолар ҳукмронлик қилган йилларга қараб юрита бошлайдилар. Ўз насл-насабини илоҳий Сиёвушга боғловчи коҳинлар раҳбарлик қилган Хоразм қабилаларни иттифоқи тарихининг ноаниқ даврига шундай яқун ясалади.

6-БОБ. МУҚАДДАС КАНҒА

1

Хоразм тарихининг янги эрдан аввалги 1 минг-йиллик ўртасидан то янги эранинг IV асрига қадар ўтган вақтни, яъни тахминан минг йилни ўз ичига олган кейинги даврини анча кенг ва ҳар томонлама тасвирлаш мумкин. Бу даврнинг бошини аниқ белгилаб бўлмайди, лекин қуйида келтириладиган археологик маълумотлар ва тарихий мулоҳазалар уни янги эрдан аввалги VIII – VII асрларга мансуб деб ҳисоблаш имконини беради.

Ушбу давр Хоразм маданияти анча узоқ давом этган ва жуда кўп хронологик ўзгаришларга учраганлигига қарамай, ҳамма соҳалар бўйича ҳам маълум даражада бирликка эгаллиги билан характерланади.

Чунончи, қадимги Хоразм тарихининг барча босқичларида ҳам қурилиш ишлари ва истеҳкомлари қуришда шундай умумий хусусиятлар мавжуд бўлган: бу давр учун аксар 40x40x10 сантиметр (баъзан бундан бир оз катта ёки кичик ўлчамли, квадрат шаклидаги йирик хом ғиштлар; ғиштлари қия қилиб терилган ярим доира ёки эллипс шаклидаги гумбазларнинг умумий типлари; асосий принциплари бир хил бўлган мудофаа иншоотлари тизими – тинмай ўқ ёғдириш учун мўлжалланган ўқ шакли баланд шинаклари бўлган, ўқчилар учун мўлжалланган ички йўлаклар деворлар; дарвоза бўсағасини химоя қилиш учун ишланган истеҳкомли «лабиринт» ларнинг ўзига хос тури; буржларнинг аксар квадрат ёки тўғри бурчак шаклда бўлиши хосдир. Уч қиррали втулкали ҳалқасимон скиф ёй ўқи учи бутун қадимги замон мобайнида сақланиб қолди, бундай ўқ Шимолий Қора денгиз бўйларида тарқалгандан кейин ҳам узоқ вақт давомида ишлатилиб келди. Барча ёдгорликлар ичидан катта юмалоқ тошёрғучоқлар топилди.

Хоразмнинг қадимги тарихи давомида керамика соҳасида оёқ ёрдамида ҳаракатга келтириладиган чархда ишланган сопол идишлар ҳаммадан кўпроқ учрайди. Кўпинча сирти қизил ангоб ёки лак билан қопланадиган бу идишларнинг баъзи шакллари минг йиллар давомида ҳам жуда кам ўзгарган. Гарчи безак моллар ниҳоятда турли-туман бўлса ҳам, қадимги Хоразмнинг бутун тарихи давомида рангли ойнадан қилинган, четдан келтирилган маржонлар афзал кўрилганини пайқаб олиш қийин эмас. Пирит минералининг кристалларини тешиш йўли билан тайёрланган кичик призма шаклидаги маҳаллий маржонлар

ни ҳисобга олмаганда, тош маржонлар жуда оз бўлган, булар кейинги даврда кенг тарқалган.

Қуйида маданият ташқи белгиларининг туб бирлиги замирида ижтимоий-иқтисодий негизнинг бундан ҳам чуқурроқ бирлиги яшириниб ётганлигини кўра-миз, лекин келтирилган далилларнинг ўзиёқ Хоразм қадимги даврининг ички бутунликка эга бўлган, бу бутунлиги билан ундан катта фарқ қилувчи олдинги ва кейинги даврларга қарама-қарши турган ҳамда аниқ кўзга ташланиб турувчи давр дея ҳисоблаш им-конини беради.

2

Биз Хоразм тарихининг янги босқичи бошланади-ган давр дея ҳисоблаган даврга мансуб энг қадимги шаҳарларни 1939 йилда Туркменистоннинг Тошҳо-вуз вилоятидаги қадимий суғорма ерларидан, қадим-ги Чарманёб (арнаси) анҳори ҳудудидан топган эдик.

Бу анҳор (арна)дан анча узоқда, Жанубий Довдан эски ўзанининг жануб томонида, шағалдан ҳосил бўлган тепаларда иккита йирик қадимий шаҳар – Қалъалиқир 1 ва Кўзалиқир жойлашган. Биринчиси 1100x700 метр ўлчамда, тўғри тўрт бурчак шаклда, иккинчиси уч бурчак, тепаликнинг шаклида бўлиб, майдони 1000x400 метр эди.

Шаҳарларни текшириш улар янги эрадан аввалги 1 мингйилликнинг ўрталарига оид эканлигини кўрсат-ди; янги эрадан аввалги VI–IV асрларга мос келувчи бронзадан қилинган «скиф» ёй ўқларининг архаик ха-рактердалиги, қўл билан ҳаракатлантириладиган ку-лолчилик чархида горизонтал из тушириб ишланган анча бесўнақай сопол идишлар шундан далолат бера-ди. Бундай керамикани кейинги Кангю даврида гул-лаб яшнаган сўнгги шаҳарларнинг энг пастки қатлам-ларида учратамиз (Бозорқалъа, Жонбосқалъа). Улар-нинг лойиҳалаштирилгани жуда ўзига хос: қадимий

шаҳарнинг улкан ички саҳнида маданий қатлам учрамайди; саҳн усти шағал билан қопланган яланг тепалик юзасида жойлашган.

Қадимги шаҳар аҳолиси ёдгорликнинг атрофини қуршаб олган шаҳарнинг қалин деворлари орасида яширинган гумбазли узун тор йўлакларида яшаган. Қалъалиқирда ана шундай иккита ўзаро параллел йўлак, Кўзалиқирда эса учта йўлак бўлган.

Шаҳарларда одам яшаган бошқа иморат топилмади. Қалъалиқирнинг шимолий девори яқинидаги кўп хонали бино ўликлар дафн қилинадиган жой, «мурдахона» экан, бу ерда катта сопол идишларда ўликларнинг суяклари сақланган.

«Деворлари ичида одам яшайдиган шаҳарлар»нинг режалаштирилиши «квадрат Вара» – афсонавий қаҳрамон Йима (ўрта аср эпосининг Жамшиди) қурган истехком – турар жойнинг «Авесто»даги тасвирига жуда ўхшаб кетади:

«Ва Йима Варани тўрт томони бир от чопишига тенг узунликда (*Дармстетернинг фикрича, 3 километр – С. Т.*) қилиб қурди ва у ерга ҳўкиз, одам, ит ва қўшларнинг уруғини ҳамда ёпиб турган қизил оловни кўчирди. Тўрт томони от чопиши узунлигида бўлган Варани одамлар яшайдиган жой қилди; ҳар томон от чопиши узунлигидаги Варани қўтон қилди.

Йима у ерга бир хатр (1, 5 километрча) узоқликдаги жойдан сув олиб келди. Ўша ерда у ҳамма томондан берк турар жойлар, уй, гумбаз, ҳовли қурди.

Иморатнинг кенг қисмида тўққизта чиқар жой қурди – буларнинг олтитаси ўртача, учтаси тор эди... Ва у йўлак ҳамда ёруғ тушадиган дарча очди... («Вандидод») – (*Вандидод – «Авесто»нинг қисмларидан бири – У. Б.*) Ушбу ноаниқ манбани, топилган қадимий шаҳар қолдиқлари тасвири билан таққосласак тушунарли бўлиб қолади ва ўз навбатида уларнинг тузилиши ва лойиҳалаштирилишига оид кўпгина нарсаларни тушунишга ёрдам беради.

Қадимий шаҳарнинг, юзаки қарашда, сирли бўлиб кўринган улкан ички саҳни мол қамайдиган жой экан. Қалъанинг тузилишида, энг аввал унинг молларни кўриқлашга қулай бўлиши кўзда тутилган.

Шундай тизимда қурилган турар жойларнинг этнографик параллеллари кўплаб учрайди: бунга жанубий шарқий бантуларнинг краалидан (краалларда бир-бири билан туташган иккита қўра бўлиб, уларнинг торгина оралиғида кулбалар жойлашган, кулбалар билан ўраб олинган ички саҳнга эса мол қамалган) тортиб (шуниси қизиқки, бу хил қишлоқларнинг этнография адабиётида қабул қилинган голландча номи – «крааль» «қўтон «деган маънони англатади), черкасларнинг XVII аср ва XIX аср бошларига оид текисликда жойлашган қишлоқларигача мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Қадимий шаҳарларнинг лойиҳалаштирилиши Хоразм тарихининг текширилаётган даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг кўпгина томонларини бир йўла очиб беради. Аввало бу даврдаги хўжалиқда чорвачилик устун турган.

Айни вақтда, деҳқончилик ҳам қилинган, суғориш тармоқлари шундан далолат беради (биз булар ҳақида қуйида гапирамиз). Бироқ бу тарихий босқичда деҳқончилик иккинчи даражали аҳамиятга молик бўлган.

Ундан ташқари, биз бу ерда умумий узунлиги (параллел биноларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) 6 – 7 километр келадиган, моҳият эътибори билан асосан битта улкан узун уйни кўрамиз. Уйда энг камида бир неча минг киши яшаган бўлиши керак. Бунда истиқомат қилган жамоанинг ўз ичида бўлинганлигини кўрсатувчи ҳамда турар жойларнинг турли ижтимоий табақаларники эканлигига оид белгиларнинг йўқлиги ижтимоий уюшишнинг анча эски шакллари сақланиб қолган бўлса керак, деб тахмин қилиш имконини беради. «Деворлари ичида аҳоли яшаган қадимий шаҳар» – бу уруғ ёки қон-қариндош уруғлар гуруҳининг турар жойидир.

Бироқ катта истеҳком тавсифидаги турар жойлар (буларнинг аҳолиси қалин лой деворларнинг қоронги ва зах йўлакларида тиқилиб яшаган) шиддатли ҳарбий тўқнашувлар даврининг тимсолидир. Қадимий шаҳарларнинг режалаштирилган лойиҳаси шундан далолат берадики, тўқнашувларга жамоанинг асосий бойлиги ҳисобланган чорва сабаб бўлган, уни ҳар қандай қилиб бўлса ҳам босқинчилардан сақлаб қолишга ҳаракат этилган. Бу ҳол оқибат-натижада ибтидоий жамоа ва уруғ жамоа уюшмаларининг емирилишига олиб келган жараёнлардан дарак беради.

Чунки чорва хусусий мулкнинг шундай бир қисмики, у ҳаммадан аввал, афтидан, чорвачилик хўжалиги тараққиётининг дастлабки босқичлариданоқ жамоа кўлидан чиқиб, тамомила патриархал оила ихтиёрига ўта борган. Бизга маълум бўлган этнографик мисолларнинг ҳаммасида чорва уруғ ёки қабиланинг жамоа ҳимояси остида бўлгани ҳолда, айрим оиланинг хусусий мулки бўлиб ҳисобланган. У сабабли бўладиган урушлар эса чорвага эгалик қилиш бобида ажралишга ва шу йўл билан айрим оилалар кўлида кўплаб молларнинг тўпланишига олиб келган. Бу оилалар аста-секин қудратли уруғ-қабилалар аристократиясини вужудга келтирган.

Умумий тарздаги бу мулоҳазаларни бевосита адабий манбалар ҳам тасдиқлайди. Мен, аввало, «Авесто»ни кўзда тутаман, чунки, «квадрат Вара» билан «деворлари ичида одам яшаган «қадимий шаҳар»лар ўртасидаги ҳайрон қоларли даражадаги ўхшашлик бизга бу асарни тўла ҳуқуқ билан фойдаланиш имконини беради.

«Авесто» ҳам, бошқа кўпчилик «муқаддас китоблар» сингари мураккаб ва кўп қатламлидир. Бироқ унда, шубҳасиз, Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё (энг қадимий бобида эса худди Хоразм) тарихининг архаик даврига бориб тақалувчи маълумотлар устунлик қилади, ҳозир бизнинг қўлимизда бор материалларга асосла-

ниб, бу даврни янги эрадан аввалги 1 мингйилликнинг биринчи ярмига мансуб деб ҳисоблаш мумкин.

«Авесто»да бир мунча муайян тоифасидаги жамият тасвирланган. Бу – қорамол, от ва туялар боқиш билан шуғулланган ўтроқ чорвадор ва деҳқонлар жамияти эди. Мол-мулкка оид муносабатларнинг ҳаммаси чорва билан боғлиқ бўлган. «Авесто»даги мадҳияларнинг муаллифлари худодан кўпроқ от, чорвачилик учун қулай ерлар сўрашган. Шу билан бирга, «Авесто»да сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ҳақида маълумотлар бор. Гарчи бу тўғрида нисбатан кам гапирилса ҳам, деҳқончилик фахрли иш ҳисобланган. Юқорида кўрганимиз каби, аҳоли «деворлари ичида одам яшайдиган қадимий шаҳарлар» тоифасидаги истеҳкомли турар жойларда истиқомат қилган. Жамият чорвага бой ва камбағалларга ажралган. «Авесто» қаҳрамонлари – Йима, Атвйа, Пурушаспа ва бошқалар доимо «подаси кўп», «хўкизлари кўп», «отлари кўп» деб таърифланади. Улар образида қудратли чорвадор ҳарбий аристократия тасвирланади; китоб бу аристократиянинг жанговар ва босқинчилик қаҳрамонликлари тавсифи билан тўла. Чорва ўлжа олишга интилиш ҳар доим уруш ёки босқинчилик юришларига сабаб бўлган.

«Авесто»нинг энг қадимий китобларидаёқ жамият ўт қоҳинлари (атраванлар), аскарлар (ратхаеста, яъни «икки ғилдиракли жанг аравасида юрувчилар») ва оддий жамоа аъзоларига бўлиб тасвирланади. Афтидан, ҳунармандчилик ҳали қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқмаган, тўғрироғи, ажралиш жараёнида эди; «Авесто»да фақат бир мартагина («Ясна», XIX, 56) ҳунармандлар қолган учта табақадан паст турувчи алоҳида тоифа сифатида тилга олинди. «Авесто»га қараб қулдорликнинг ривожланиш даражаси тўғрисида бирор нарса дейиш қийин, лекин кейинги тарих «ўт ходимлари» ҳам, «икки ғилдиракли жанг аравасида юрувчилар» ҳам – «қўплаб чорвага эга бўлган» бу кишилар-

нинг ҳаммаси ўзларининг замондошлари – Геродот скифларига ўхшаб, хўжаликларидан озми-кўпми қул меҳнатидан фойдаланганлар, деб тахмин қилишга имкон беради. Шу билан биргаликда, «Авесто»даги жамият уруғ-қабилалар уюшмасини тўла сақлаб қолган.

Жамият асосини уруғ «вис» ташкил қилган; «вис» муайян бир қишлоқ аҳолисидан ташкил топган бўлиб, қишлоқларнинг ўзи ҳам «вис» деб аталган. Ер уруғ мулки ҳисобланган. Бир неча уруғ бирлашиб қабилани – «занту»ни ташкил этган. Ниҳоят, қабилалар иттифоқи ёки вилоят («данху», «даҳйу») энг йирик уюшма ҳисобланган. Жамият тақсимотининг бу бирликлари тепасида бошлиқлар («пати») – уруғ бошлиғи, қабилалар бошлиғи, вилоят бошлиғи турган. Бироқ вилоят бошлиғи «данхупати» мансабига эга бўлиш билан бирга, кўпинча ҳоким («састар») ёки подшоҳ («кави») деган унвон билан юритилиб, аксар вақт қоҳинлик вазифасини ҳам ўтайди. Афтидан, энг қадимги Хоразм сиёвушийлари ҳам ҳудудий-қабилалар бирлигининг ана шундай подшолари олий бошлиқ – қоҳинлари бўлганлар. Бу қабилалар иттифоқлари бошлиқларининг ўзларига тобе жамоалар мажмуи устидан юритадиган ҳукмронлигига уруғ ва қабилалар бошлиқларининг кенгашлари ҳамда, айниқса, қоҳинлик уюшмалари анча-мунча чек қўйиб турарди.

Мазкур мавзунинг ёритишда Авестодан ташқари, яна бир қанча манбаларга, антик давр муаллифларининг, даставвал, Геродот ва Страбоннинг массагетлар ҳақидаги хабарларига (*тадқиқотчи А. Германнинг ишонч билан чиқарган хулосасига кўра, улар берган маълумотлар Милетлик Гекатейга оид – У. Б.*), шунингдек, Книдлик Ктесий ва кейинги давр муаллифлари ёзиб қолдирган маълумотларга эгамиз.

Гекатей – Страбон берган маълумот (*табиийки, Страбон ҳам милетлик Гекатей ҳам воҳага келишмаган, улар ушбу ўлка ҳақидаги, массагетлар тўғрисидаги маълумотларни яқин қўшнилари бўлган халқ-*

лардан, савдо аҳлидан оғзаки эшитишган ва шу боис массагетлар ҳақидаги Страбон, милетлик Гекатейларнинг маълумотлари, айниқса, оила борасидаги фикрларига қўшилиб бўлмайди. Чунки, массагетлар маликаси бўлмиш Тўмарис ҳақидаги тарихий фактлар уларда оила ва ватан тушунчаси муқаддас бўлганлигини кўрсатади – У. Б.) айниқса мукаммал бўлганлиги сабабли, уни тўла-тўқис келтиришни лозим топдик: «Массагетларнинг бир қисми тоғларда, бошқа бир қисми текисликларда яшайди, учинчи қисми дарёлар ҳосил қилган ботқоқликларда, тўртинчи қисми эса шу ботқоқликлар ўртасидаги оролларда истиқомат қилади, деб айтадилар. Улар фақат қуёшни худо деб биладилар ва унга отларни қурбон қиладилар. Уларнинг ҳар бирида биттадан хотин бўлса-да, ўзгаларнинг хотинидан ҳам фойдаланверади ва бу яширин ҳолда эмас, балки ошкора амалга оширилади: бировнинг хотини билан алоқа қилувчи киши камонини аравага осиб қўйиб, хотин билан очиқчасига алоқа қилаверади. Уларда киши қариган пайтда қўй гўшти билан бирга қийма қилинса ва шу ҳолида ейилса, бундай ўлим марҳум учун энг яхши ўлим ҳисобланади. Касал бўлиб ўлганларни фосиқ ва адабсиз кишилар деб билиб, уларнинг мурдасини ҳайвонларга емиш бўлсин учун ташлаб юборадилар. Уларнинг қуроллари камон, қилич, қалқон, мис болталар бўлиб, отда ҳам, пиёда ҳам яхши жанг қилишади, жанг пайтида олтин камар ва олтин энгбоғлар тақиб оладилар. Отларининг жилови ва елкапўши олтин билан безатилади. Уларда кумуш йўқ, темир кам, мис ва олтин эса кўп. Оролларда яшовчи массагетлар илдизлар ва ёввойи дарахтларнинг мевалари билан овқатланишади, чунки улар экин экмайди. Дарахт пўстлогидан кийим қилиб кийишади (моллари йўқ), дарахт меваларидан сиқиб олинган сувни ичишади. Ботқоқликларда яшовчилар балиқ билан тирикчилик қилишади, денгиздан тутиб олин-

ган тюленларнинг терисидан кийим қилиб кийишадди. Тогда яшовчилар ёввойи мевалар териб ейишадди. Дарвоқе, уларнинг бир мунча қўйлари ҳам бор, бироқ бу қўйларни жуни ва сўти учун сақлаб, сўйишмайди. Уларнинг либослари ўсимликлардан сиқиб олинган бўёқ билан ранг-баранг қилиб бўялади ва у узоқ вақтгача айнимай, ялтираб туради. Текисликларда истиқомат қилувчиларнинг ерлари бўлса ҳам, лекин экин экмайдилар, гўшт ва балиқ билан тирикчилик қиладилар, кўчиб юрадилар ёки скифларга ўхшаб ҳаёт кечирадилар. Бу халқларнинг ҳаммаси бир хил ҳаёт кечиради. Уларнинг дафн этиши маросимлари, урф-одатлари ва бутун тирикчилик усуллари, бир-бирига ўхшаш, ҳар бир халқ, алоҳида олганда, маккор, ёввойи ва жанговардир, лекин бошқа халқлар билан алоқаларда соддадил ва ростгўй» (Страбон, XI томлик, 1 том, 6-7 бетлар).

Шубҳасиз, бу ўринда муаллиф массагетларнинг урф-одатларидаги ваҳшийликни бўрттириб кўрсатган. Жумладан, археологик маълумотлар уларда деҳқончилик ва ўтроқлик тамомила бўлмаган деган фикрни тасдиқламайди.

1946 йилда Жангадарёда янги эрадан аввалги 1-минг йилликнинг тахминан ўрталарида қурилиб, афтидан, янги эра бошланмасдан бир оз илгари Хоразм усталари бошчилигида янгиланган, бизнинг «деворлари ичида аҳоли яшайдиган қадимги шаҳарларимиз»га монанд бўлган истеҳкомли улкан шаҳар – Чирикработнинг топилиши массагетларнинг кўчиб юриши тўғрисидаги фикрида ҳам муболаға борлигини кўрсатди. Булар балиқчилик ва деҳқончиликнинг (бу вақтда омов билан ер ҳайдалган бўлса керак) қадимги анъаналарини ривож топтирган ярим кўчманчи чорвачилик билан бирга қўшиб олиб борган ярим ўтроқ қабилалар бўлган.

Афтидан, апасиак (Страбоннинг фикрича, «сув саклари» ёки «ботқоқликларнинг массагетлари») қабила-

ларидан бирига тегишли бўлган Чирикработ тухумсимон улкан истеҳком бўлиб, квадрат шаклидаги 50x50x11 сантиметргача етадиган, бир-бири билан туташган икки қатор ғов ва девор билан ўраб олинган эди. Истеҳком ичида иншоотлар қолдиқлари бўлган учта баланд тепалик бор. Шаҳарнинг жанубий шарқий қисмида қадимги Хоразм тоифасидаги, тўғри тўртбурчак шаклидаги истеҳком қад кўтариб турарди, истеҳком тухумсимон қалъанинг бу даврга келиб ғовга айланган қадимги деворларини кесиб ўтган эди.

Шаҳарнинг бутун ички саҳнини қоплаб олган маданий қатлам икки қаватдан иборат. Юқориги қават кўмир жинслари ва афтидан, қалъа ҳаётининг иккинчи даврига мансуб буюмлардан иборат бўлиб, тупроқ уюми қатламидан 70 сантиметр пастда жойлашган ва қалинлиги 7 сантиметрча эди. Пастда ҳеч қандай буюми бўлмаган 37 сантиметрлик зич тупроқ қатлами, унинг остида эса 49 сантиметр қалинликдаги кул маданий қатлами ётарди. Заранг қатлам устида жойлашган бу қатламда «деворлари ичида аҳоли яшайдиган шаҳар» сопол буюмларига ўхшайдиган, бироқ сал кўполроқ қилиб ишланган жуда кўп сопол буюмлар аксар кўй ва отларнинг куйган сон-саноксиз суякларини ётарди.

Страбоннинг тавсифи тўғрисида яна шуни айтиш керакки, унда массагет қабилалари хўжалик негизи тоифасига қараб классификация қилинганидан ташқари (бу масалага қуйида яна тўхтаб ўтамыз), эски одат ва расм-русумлар ҳам ёрқин тасвирланган, бу нарсалар бошқа манбаларда ҳам қайд қилинган.

Геродот томонидан массагетларда гуруҳ-гуруҳ бўлиб никоҳ қилиш қолдиқлари сақланиб қолганлиги тўғрисидаги фикрнинг тасдиқланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, Геродот, Ктесий ва бошқа муаллифлар массагетларда аёллар мавқе тутганликларини, уларда аёл бошлиқлар (Геродот ҳикоясидаги «малика» Томирис, Ктесий ҳикоясидаги «малика» Спарет-

ра) бўлганлиги, аёллар урушларда қатнашганлиги (Ктесийнинг малика Спаретра бошчилигидаги аёллар қўшини тўғрисидаги ҳикояси) тўғрисида бир хил фикр айтадилар.

Бу жиҳатдан массагетлар амазонкалар ҳақидаги қадимги қиссалар учун манбалардан бири бўлиб хизмат қилган Волга бўйи даштларининг «гинекократик савроматлари»га яқинлашиб кетади. (Сўнги вақтларда ўтказилган археологик қазишлар, қадимгиларнинг «гинекократик савроматлар» тўғрисидаги фикрларини тасдиқлайди. Мен бунда археолог Б. Н. Граков ишларини назарда тутаяпман. У Қуйи Дон ва Қуйи Урал (Ёйиқ) ўртасидаги савромат маданияти ёдгорликлари ичида от ва қурулари бўлган жуда кўп аёл қабрларини топган эди. «Пережитки матриархата у сарматов» мақоласи, ВДИ, 1947, ; 3, 100бет).

Буларнинг ҳаммаси массагет қабилалари турмушида матриархал анъаналари давом этиб келган, деб тахмин қилишга имкон беради. Оролбўйи қабилаларининг кейинги тарихи бу тахминни тасдиқлайди. Матриархалнинг излари «Авесто»да ҳам сақланиб қолган. Бу жиҳатдан қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг ортодоксал зардуштийликка хос шакли – туғишган ака ва сингли ўртасидаги никоҳ жуда аҳамиятлидир.

Тадқиқотчи Фрэзернинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бу шакл оила тараққиётининг матриархалдан патриархалга ўтаётган босқичи учун хос экан. Хўжалик – турмуш негизи патриархал аҳамият касб этиб бўлганда: эркак-чорвадор, қўшчи ва жангчи, яъни иқтисодий ҳаётда етакчи мавқега эга; бойликларнинг, айниқса, ҳайвонларнинг даставвал уруғ аристократияси қўлида тўпланиши, эркакларни, улар йиққан мол-мулкка фарзандлари меросхўр бўлишидан манфаатдор қилиб қўяди. Шу аснода, жамиятда меросхўрликнинг матриархал нормалари ҳукм суришда давом этади: эркакнинг мол-мулкига унинг фарзандлари эмас, балки синглисининг болалари меросхўрлик қилади.

Этнография фани матриархал нормалар бутунлай бекор бўлмасдан олдин бу зиддиятдан четга чиққан бир талай формалар бўлганлигидан далолат беради. Масалан, Саҳрои Кабирнинг жанговар кўчманчи қабилалари – туарегларда эркакнинг мероси «ҳақли» ва «ҳақсиз» деган икки қисмга бўлинган. Биринчи қисмга эркакнинг ота-бобосидан мерос қилиб олган ва ўз хўжалигида меҳнати билан кўпайтирган мол-мулки киради. Матриархал қонунларига кўра, бу қисм эркакнинг сингиси болаларига мерос бўлиб қолган. Иккинчи қисмга ҳарбий ўлжалар ва четдан келган иш ҳақлари (карвонга йўл кўрсатиб берганлиги учун тўланган ҳақ ва шунга ўхшашлар) кирган. Бу қисмни марҳумнинг ўз фарзандлари мерос қилиб олган. Бироқ зардуштийликка хос никоҳ шаклининг қарор топиши энг қатъий ва муғомбирона чора бўлди. Бунга кўра, эркак матриархал нормаларни ҳеч бир ўзгартирмаган ҳолда, ўз фарзандларини ўзининг меросхўрлари қилиб олади кўяди: ахир акага теккан сингилнинг фарзандлари айни вақтда аканинг ўз фарзандларидир. Хоразм яқинидаги даштлардан чиққан массагет элати сакараваклар янги эрадан аввалги II асрда Сеистондаги «саклар» ҳокимиятига асос солган тахт ворислари тартиби, фақат биз текшираётган даврдагина эмас, балки анча кейин ҳам, янги эрадан аввалги II – I асрларда массагет қабилаларида меросхўрликнинг матриархал нормалари сақланиб қолганлигининг ёрқин далилидир: ҳокимга унинг сингисининг ўғли ворислик қилган.

Бироқ ижтимоий турмушнинг бу эски шакллари, Страбон тасвирлаган ёввойиларча диний урф-одатлар сингари, ҳаммадан илгари массагет даштларининг маркази – Хоразм воҳасида рўй бераётган ҳодиса – ижтимоий негизнинг ўз асосида тез ривожланиб бораётган ўзгариш жараёни содир бўлишига монелик қилмайди.

Бу ўринда ўша даврда вужудга келган йирик-йирик суғориш каналларидан фойдаланиш асосида ривож топган суғориладиган деҳқончилик ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Амударёнинг чап ва ўнг қирғоқларида (Бозорқалъанинг қўйи қатлами ҳам шу даврга оид) «деворлари ичида аҳоли яшайдиган шаҳарлар «тоифасидаги ёдгорликлар тарқалганлигининг ўзиёқ катта каналлар билан боғлиқдир. Хоразм каналларининг қадимги улкан тармоғи (бутунлай бўлмаса-да, асосий қисми) бу вақтда қуриб битказилган эди ва, афтидан, бир неча асрдан бери ишлаб турганди. Геродот аллақачон ал Мақдисий ҳикоя қилган эрамизнинг X асридаги Хоразм ривоятига кўп жиҳатдан ҳамоҳанг бўлган Хоразмдаги йирик-йирик суғориш иншоотлари тўғрисидаги афсонани ёзиб қолдирган эди. Қўшни қабилаларнинг фаровонлиги ана шу каналларнинг ишлатилишига боғлиқ бўлган.

Шуниси эътиборлики, ҳар икки муаллиф ҳам шу иншоотларнинг вужудга келишини Амударё сувининг Каспий тармоғи – Узбой орқали оқмай қўйиши ва Орол денгизининг ҳосил бўлиши билан боғлайдилар. Бу гапда жон борга ўхшайди. Агар Орол денгизи ҳосил бўлганлиги тўғри бўлса, бу ўринда маълум хронологик мослик кўзга ташланади (Сувёрган маконларини стратиграфик жиҳатдан текшириш шуни кўрсатадики, сувнинг янги кўтарилиши ва маконларнинг сув остида қолиши янги эрадан аввалги II аср охири ва I аср бошларига тўғри келади; бу гал қисқа вақт давом этган ана шу кўтарилиш Орол майдонининг кенгайишига олиб келган бўлиши эҳтимол), Амударё сувининг Узбой орқали оқмай қўйиши ҳақиқатда рўй берган бўлиши – суғориш тармоғининг барпо этилиши туфайли юқори дельтанинг чап қисмидан Сарикамишга ва Узбойга оқиб ўтадиган партов сув кескин камайиб кетган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда, янги эрадан аввалги V асрда Хоразмнинг улкан суғориш иншоотла-

ри қуриб битказилиши у ёқда турсин, ҳатто улар вужудга келган шарт-шароит ҳам афсоналарнинг ноаниқ қобиғи билан ўрала бошлаган.

Менимча, бу суғориш иншоотлари янги эрадан аввалги VIII – VI асрларда барпо бўлган деб ҳисоблаш янглиш бўлмаса керак. Бундай суғориш тизимини ўз имконияти билан вужудга келтириш учун эса марказлашган кучли давлат ҳокимияти бўлиши шарт. Тарихнинг эрксиз меҳнатдан кенг фойдаланилган мазкур босқичида, биз текшираётган давр шароитида бу меҳнат фақат ҳарбий асирлар меҳнати бўлиши мумкин. Бугун тарихий тажриба (жумладан, Хоразм суғориш тармоғининг кейинги тарихи ҳам) шуни кўрсатадики, бир томондан, давлатни сиёсий жиҳатдан марказлаштирмасдан туриб бу қадар кенг суғориш тизимини вужудга келтириш у ёқда турсин, ҳатто уни бир меъёрда ишга солиб туриш ҳам мумкин эмас, бошқа томондан эса – каналларни бир тартибга солиб туриш ҳам шу қадар кўп деҳқон меҳнатини талаб қиладики, бу ҳол деҳқон хўжалигига оғир юк бўлиб тушарди. «Авесто»даги «ҳарбий демократия «анъаналари ҳали давом этган қадимги замонда, албатта, ҳеч қандай давлат эркин массагет аскарларини бунчалик улкан ер қазиш ишларини бажаришга мажбур қилолмасди; шуниси эътиборлики, ҳатто илк ўрта асрларда ҳам – Сомонийлар даврида ҳукмдорлар тахтга ўтириш пайтида баъзан янги каналлар қаздирмайман, деб қасамёд қилишга мажбур бўлган эдилар.

Қадимги Хоразмнинг суғориш тизими, ижтимоий тараққиётда юз берган кескин бурилишнинг яққол далилидир: янги эрадан аввалги VIII – VI асрларда, яъни Ғарбий Эрон давлатлари барпо бўлган бир вақтда, балки бир мунча илгарироқ Хоразмда ибтидоий ҳарбий демократия ўрнида кучли қулдорлик давлати вужудга келади. Бироқ бу давлат ёшини яшашда давом этган ва ҳатто, уруғчилик формалари ҳамда мат-

риархал анъаналарини сақлаб қолган жамоа билан бириккан эди.

Шу тариқа, Марквартнинг Аҳмонийлардан олдинги Хоразм подшоҳлиги тўғрисидаги тахминини Хоразмдан топилган археологик материаллар тасдиқлайди. Шу муносабат билан унинг Аҳмонийлар подшоҳлиги маъмурий тизилмасининг Геродот тасвирлаган XVI аср сатрапиясидан Аҳмонийлардан олдинги Хоразмнинг контурларини қидиришга ҳақлимиз, деган мулоҳазасини эслаб ўтиш ўринли, деб ўйлайман.

Бу сатрапия таркибига Хоразм, Суғд, Парфия ва Ариана кирганлигини ҳамда Геродотнинг Хоразм суғориш тарихи тўғрисидаги ривоятига кўра, Хоразмнинг сиёсий таъсири доирасига гикронлар, парфияликлар, арианлар ва таманайлар кирганлигини эслаиб ўтаман. Ўзаро бир-бирини тасдиқловчи бу манбалар Шарқда Суғдни ҳамда Хуросонни (жануби ғарбдаги Марғиёна бундан мустасно) ўз ҳокимияти остида бирлаштирган Хоразмнинг таъсир доираси жуда кенг бўлганлигидан дарак беради. Аҳмонийлардан аввалги Хоразм кудратининг манбаи унинг массагет қабилалари бирлашмасида етакчи мавқега эга бўлганлигидадир, деб тахмин қилишга барча асослар бор. Ушбу бирлашма уни битмас-туганмас ҳарбий куч билан таъминлаб турган. В. В. Тарн тўғри кўрсатиб ўтганидек, юнон-македония истилоси даврида айниқса кучайган бу ролнинг илдизлари, шубҳасиз, узоқ ўтмишга, Кайхисравнинг афсонавий замонасигача бориб етади. Бироқ Хоразмнинг кучли қулдорлик давлатига айланиши уюшманинг қадимги алоқаларидан фойдаланишнинг янги йўлини белгилаб берди: массагет қабилалари ўрнашган чекка жойлардаги маданий воҳалар Хоразм ҳукмронлигига ўтиб қолди.

Тадқиқотчи В. В. Тарн Геродот ва Страбон тилга олган массагетларни беш қабилага: дербиклар, апасиаклар, аттасийлар, хоразмийлар ва авгасийлар (авгаллар)га бўлади; булар ичида хоразмийлар етакчи мав-

қега эга бўлган. Биз бунга аниқлик киритишга уриниб кўрдик. Меним фикримча, массагетлар уюшмаси таркибига хорасмийлар, апасиаклар (Хоразмнинг шимолий чегаралари ёқалаб, Узбойдан Жангадарёга қадар ҳудудда жойлашган «сув саклари», Страбоннинг «ботқоқлик массагетлари»га тўғри келади), сакараваклар (Хоразмнинг жанубий шарқий чеграларидан тортиб Нурота тоғларигача жойлашган хаумаварга – саклар, амюргий-саклар, «тоғ ва текисликлар массагетлари»га тўғри келади), дербиклар (ўрта Амударё, ҳозирги Чоржўй ва Бухоро оралигида), тохарлар (ёки дахлар – Қувондарё) асийлар (ятийлар, асианлар, усунлар, яксартлар – ҳозирги Туркистон шаҳридан Тошкентга қадар ва ундан шарққа томон давом этувчи Ўрта Сирдарё), аттасийлар (авгасийлар, авгаллар – қайси жойга боғлиқлиги аниқ эмас).

Марҳум олим Г. И. Карпов аттасий сўзи туркманлардаги ата деган сўзда ҳалигача сақланиб қолган, аттасийларнинг қадимги марказини Хоразм жанубидаги Дарғонота воҳасидан қидирмоқ керак, деган ажойиб тахминни ўртага ташлаган эди. Шуниси қизиқки, Страбон хоразмликлар ва аттасийлар номини бирга келтиради.

Бу бирлашмада Хоразмнинг устун туриши унга Ўрта Осиёнинг шимолий ва ғарбий қисмларига етакчилик қилиш имконини берган.

Бироқ форсларда Аҳмонийлар монархиясининг юксалиши туфайли ёш Хоразм давлати куч-қудратининг ўсиши чекланиб қолди.

Кирнинг массагетларга («подшо Умарг сакларига», яъни сакаравакларга, сўнгра эса Ктесийнинг ривоятига кўра, дербикларга) қарши қилган юриши (янги эрадан аввалги тахминан 530 йилда) Хоразмнинг Аҳмонийларга бўйсунуш шартлари масаласини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳарбий юриш ташкил этиш заруратининг ўзиёқ бу қабилалар Кирга бўйсунмаганлигини ва қисман унга

душман бўлганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, бу қабилалар Аҳмонийларга қарашли бўлган Хуросон ва Бақтрия билан Хоразм ўртасидаги асосий алоқа йўлида ўрнашгандилар. Бу – йирикроқ ҳарбий кучлар ўтиши мумкин бўлган ягона йўл эди. Менимча, шу далиллардан кейин Хоразм Кир томонидан босиб олинган бўлса керак, деб тахмин қилишга ўрин қолмайди. Доро ҳам ўзининг анча мукамал ёзувларида бу ўлканинг босиб олинганлиги тўғрисида лом-мим демайди.

Шунинг ўзи Доро Хоразмни босиб олган бўлиши мумкин деган тахминнинг мутлақо асоссиз эканлигини кўрсатади, чунки унинг бу қадар муҳим ҳодиса тўғрисида ҳеч нарса демаслиги мумкин эмас.

Буларнинг ҳаммаси Хоразм, Бақтрия ва Марғиёнада мустаҳкам ўрнашиб олган форс кўшинларининг бевосита таҳдиди остида қолган ўзининг жанубдаги мулклари – Ариана, Парфия ва Суғдиёна устидан ҳукмронликни сақлаб қолиш мақсадида, форс подшосининг олий ҳокимиятини эътироф этишга ва ўлпон тўлаб туришга ўз ихтиёри билан рози бўлган, деб тахмин қилиш ҳақиқатга яқинроқ эканини кўрсатади. Хоразм Аҳмонийларга ўлпон тўловчи мустақил (жуда бўлмаганда, дастлабки пайтларда) давлатлигича қолган 16 сатрапияга етакчилик қилишни сақлаб қолиб, ўз мақсадига эришди (шуниси аҳамиятлики, 16 сатрапиянинг улкан ҳудудидан йиғиладиган ўлпон ҳудуди нисбатан катта бўлмаган 12 Бақтрия сатрапиясидан тушадиган ўлпондан кам эди).

Шу жиҳатдан Кирнинг массагетлар устига ва Доронинг «саклар» ва Европа скифлари устига қилган муваффақиятсиз юришлари катта қизиқиш туғдиради. Бу иккала юришни ҳам босқинчилик мақсадида қилинган деб тахмин этиш қийин. Ҳар иккала саркарда – подшо ҳам реал мақсадларнигина кўзлайдиган сиёсий арбоблар бўлиб, бу юришлар амалга ошган тақдирда ҳам айтарли фойда келтирмайдиган бундай вазифани ҳал қилишга киришганлар деб ҳисоблаш ке-

рак. Бу ўринда империянинг шимолий шарқий ярмидаги алоқа йўлларига жиддий хавф солиб турган дашт скиф-массагетларини «тинчлантириш»га уринишни кўрамиз, дейиш тўғрироқ бўлади. Дарҳақиқат, мустақил массагет-сак қабилалари Аҳмонийларнинг мулкларини Хоразмдан айириб туриш у ёқда турсин, улар Гиркония, Парфия, Ариана, Марғиёна, Бактрия ва Суғдни бирлаштириб турган жуда муҳим йўллар яқинида жойлашган эдилар. Амалда эса деярли мустақил Хоразм (унинг ҳокимлари юз берган аҳволдан унчалик мамнун бўла олмас эдилар) расман четда туриб, ўзининг илгариги мавқеини тиклаш учун бор имкониятнинг ҳаммасидан фойдаланиш мақсадида сак-массагет қабилалари ўртасидаги қадимий алоқаларидан, массагет бирлашмасининг энг қудратли аъзоси сифатида тутган мавқеидан кенг миқёсда фойдаланган бўлса керак. Янги эрадан аввалги IV – II асрларда Ўрта Осиёда рўй берган кейинги халқаро воқеаларда Хоразмнинг тутган ўрни бу тахминнинг ҳақиқатга янада яқин эканлигини кўрсатади.

Кирнинг юриши Ўрта Амударёда асосий таянчли эгаллаган массагет қабилаларига – афтидан, даставвал дербикларга қарши қаратилган эди. Кир бошчилигидаги юришнинг муваффақиятсизликка учраши Дорони иккинчи марта юриш қилишга мажбур этганлигини қадим муаррихлардан Полиеннинг «Стратегм» асаридан биламиз. Академик В. В. Струве Беҳистун ёзувининг саклар устига бўлган юриш ҳақидаги нуқсонли бешинчи устундаги ҳикояда ана шу иккинчи юриш акс эттирилган, деган фикрни айтади ва бу воқеа янги эрадан аввалги 517 йилда рўй берган дея ҳисоблайди. Агар Струве ҳақ бўлса (у ўзининг тахминини тасдиқловчи кўпгина далиллар йиғган), бу юришдан анча каттароқ мақсадлар ҳам кузатилган. Форс кўшинлари Хоразм орқали ўтиш у ёқда турсин, ҳатто унинг шимолий-шарқий томонигача, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оралиғигача, яъни апасиақлар яшаган

жойларгача ҳам етиб бордилар. Бу билан массагет бирлашмасининг қоқ юрагигача зарба берилди: форслар Қорақум ва Қизилқумда яшовчи барча қабилаларнинг ичкарасига кириб бориб, улар ўтроқ ҳолда яшайдиган асосий вилоятни ва бу вилоятнинг ичкарасини ўз назоратлари остига олдилар.

Полиеннинг ҳикоясида муҳим бир ривоят бор: Доронинг ҳужуми тўғрисидаги хабарни эшитгач, сакларнинг учта подшоси – Саксафар, Ўмарг ва Томирис маслаҳатлашиш учун тўпланишади. Ўмарг ва Томирис Кирнинг ҳалокати тўғрисидаги ривоятларнинг персонажлари номларига жуда ўхшаш. Томирис – Геродотдаги массагетлар (дербиклар) «маликаси» Томириснинг худди ўзгинаси. Ўмарг – Ктесий ривоятларидан биридаги саклар подшоси. Саксафарга келганда, шуни айтиш керакки, бу ном, шубҳасиз, Хоразм сиёвушийлари сулоласининг энг сеvimли номларидан бири бўлган Шаушафарнинг ўзгинасидир.

Бу ҳол Шаушафар (Полиенда Саксафар) Хоразм подшоси бўлган, деб тахмин қилишга имкон беради. Шу тариқа, дербикларнинг аёл ҳокими, Хаумаварга – сакларнинг ҳокими ва Хоразм ҳокими Доронинг ҳужумига қарши мудофаа уюштириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишади. Беҳистун ёзувида Хоразм четда қолган. Шунга асосланиб, Хоразм воқеаларининг ўзига ҳам аралашмаган, у фақат яширин равишда фитналар уюштирган, дейишга барча асослар бор. Афтидан, дербиклар ҳам Хаумаварга – саклар ҳам Дорога қарши бевосита ҳарбий кураш олиб бормаганлар. Дорони апасиаклар яшайдиган ҳудуд ичкарасига алдаб олиб кириб (шундан кейин унинг қўшини чўл ва ботқоқликлардан иборат бу ўлканинг оғир шароитида нобуд бўлмаган тақдирда ҳам, тинкаси қурийдиган), унинг орқасидан сўнги, ўлим зарбасини бериш – душманни чалғитиш режаси ана шундай эди. Бизнинг қўлимиздаги барча маълумотлар шундан далолат беради. Полиеннинг ёзишича, айёрлик қарийб амалга

ошди ҳамда гарчи Доро ва унинг қўшинлари «мўъжи-за» туфайли қочиб қутулган бўлса-да, юриш муваффақиятсизликка учрайди. Доронинг ёзишича эса юриш ғалаба билан яқунланган ва охирида сакларнинг бошлиғи Скунха асир олинган.

Шубҳасиз, ҳар икки хабарда ҳам тарафкашлик бор: Полиеннинг ҳикояси массагет-саклар анъанасига оид эканлиги яққол сезилиб турибди. Беҳистун ёзувини эса лашкарбоши ўз қўли билан битган. Афтидан, ҳақиқатан шу ҳар икки ҳикоя оралиғида бўлиб, Полиеннинг ҳикояси афсонавий эпик шаклда эканлигига қарамай, шу ривоятга бир мунча яқинроқ турса керак.

Сакларнинг Дорони тор-мор этишга қаратилган айёрона режаси амалга ошмади, бироқ Доро сакларнинг (афтидан, апасиақларнинг) бошлиқларидан бирини асир олган бўлса-да, унинг юриши ҳам муваффақиятли чиқмади. Вазият аввалгича қолаверди. Доронинг стратегия нияти жиҳатидан энг катта бўлган, бироқ тагин муваффақиятсизликка учраган Европадаги Скифияга учинчи юриши шу туфайли бошланган бўлса керак (янги эрадан аввалги тахминан 512 йилда). Бу юришдан кўзда тутилган мақсадни сак форс урушининг умумий ривожланишига қарабгина англаш мумкин. Эрон олдида ниҳоятда турли-туман сиёсий вазифалар турарди, шу сабабли узоқда жойлашган ваҳший бир мамлакатни босиб олишдек хавфли ва машаққатли вазифа Эроннинг биринчи галдаги вазифаси эди, деб тахмин қилиш қийин.

Юнонистон – Эрон муносабатларига қараб бу юришга баҳо бериш мумкин эмас. Бунинг устига-устак, ана шу муносабатлар туфайли Доро қўшинларининг орқа томонидаги алоқа йўлларида жиддий хавф туғилди.

Мен, Доронинг бу жуда катта юришдан мақсади – ўт ва қилич кучи билан Скифиянинг энг ичкари томонлари орқали ўтиш ва шимолий-ғарб томонидан

Ўрта Осиёга чиқиш ҳамда шу тариқа ўзининг шимол-шарқдаги қудратли душманларининг кучини буткул синдириш ва империянинг шимолий чегарасини мустақкамлаш ишини тугаллаш бўлса керак, деб ўйлайман.

Бу ўринда Кавказортида Аҳмонийлар ҳокимиятини мустақкамлаш вазифалари ҳам катта роль ўйнаган бўлиши мумкин; Европа скифлари бу ҳокимиятга бевосита таҳдид солиб турмоқда эдилар. Кўламнинг улканлигига ҳайрон қолмаслик керак. Империянинг ўзи жуда катта эканлигини ҳамда Кир, Камбиз ва Дороларнинг Бақтриядан Барка ва Нубиягача давом этган, йўналишининг узунлиги жиҳатидан бир-биридан қолишмайдиган юришларини ёддан чиқармаслик лозим. Форсларнинг Скифияга оид жугрофик маълумотлари юнонликларникидан ортиқ бўлган, шу сабабли улар сирли «зулмат ўлкаси»га эмас, балки форс айғоқчиларига яхшигина маълум бўлган мамлакатга кетаётганликларини билардилар.

Бу юришнинг аввалги икки юриш сингари муваффақиятсизликка учраганлигига қарамай, у Скифия – Эрон лимесини маълум даражада барқарор қилди. Кайхисрав ҳукмронлик қилган даврга оид маълумотларда кўрсатилишича, бу шоҳ замонида Хоразм фақат расман эмас, амалда ҳам Аҳмонийлар давлатининг ҳукмронлигини эътироф этишга ва шу билан бирга, ўзининг жанубдаги эски мулкларининг, жуда бўлмаганда, бир қисмидан воз кечишга мажбур бўлди.

Хоразмийлар Кайхисравнинг янги эрадан аввалги 480 йилда Элада (қадимги Юнонистон)га қилган юришида қатнашганлар, бунда улар Фарнакнинг ўғли Артабоз қўмондонлиги остида, фақат парфияликлар билан бир бирикмада юриш қилганлар. Хоразмнинг эски табаалари – арийлар ва суғдлар мустақил бирикма сифатида юриш қилганлар, яқиндагина Хоразмнинг иттифоқчиси бўлган амургийсақлар эса Доронинг ўғли қўмондонлик қилган Бақтрия (Шарқда форс ҳукмрон-

лигининг асосий таянчи Бақтрия эди) қўшинлари билан бирга қўшилганлар .

Аҳмонийларнинг Олд Осиё ва Африкадаги мулкларидан хоразмлик ҳарбий бошлиқлар ва амалдорлар хизмат қила бошлаганлар. Хоразмлик Артаикт Дарданел бўғозининг Европа қирғоғидаги Сеста шаҳрига ҳоким қилиб тайинланган. Хоразмлик Дарғмон Элефантиндаги (Юқори Миср) асосан яҳудий кўнгилиларидан иборат горнизонда аскар бўлиб хизмат қилган. Бироқ Аҳмонийларнинг Хоразм устидан ҳукмронлиги мустаҳкам эмас эди. Хоразмнинг янги эрадан аввалги IV асрда Эронга тобе бўлганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Доро қўшинларининг Арриан ёзиб қолдирган ва бизгача етиб келган мукамал рўйхатида Доро 3 нинг македониялик Искандарга қарши фожиаи кураши йилларида Хоразм қўшинлари тилга олинмайди. Кир ва Доро 1 асос солган монархия таҳлика остида турган бир пайтда Хоразм яна форсларга нисбатан мутлақо дўстона бўлмаган бета-рафлик позициясини эгалловчи мустақил давлат сифатида майдонга чиқди. Ғолиб чиққан македонияликка нисбатан ҳам Хоразм батамом мустақил мавқеда турган.

Қадим муаррихлардан Аррианнинг ҳикоя қилишича, «янги эрадан аввалги 329 – 328 йилларда Искандар ҳузурига, унинг Маракандадаги муваққат қароргоҳига 1500 чавандоз билан бирга хоразмийлар шоҳи Фарасман келади. Фарасман, мен колхлар ва амазонкаларнинг қўшинисиман, агар Искандар уларга қарши юриш қилмоқчи бўлса ва Евксин (Қора) денгизи соҳилларида яшовчи қабилаларни бўйсундирмоқчи бўлса, бу юришда мени йўл бошловчи ва қўшинга, озиқ-овқат етказиб берувчи қилиб қабул этсинлар, деб таклиф этади». Маълумки, Искандар Фарасман билан ҳарбий иттифоқ тузган, бироқ Ҳиндистонни босиб олгандан кейин юриш қилмоқчи бўлган, кейинчалик бу юришни амалга ошира олмаган.

Хоразм мулкларининг колхлар (Фарбий Грузия) ва амазонкалар (яъни Азов денгизининг шарқ томонидаги «гинекократ савроматлари») билан қўшнилиги қадимдан тадқиқотчиларни қизиқтириб келмоқда. Гутшмид ва Бартольд сингари олимлар бу қўшничилик Хоразмнинг ҳукмронлиги Шарқий Европанинг жанубий-шарқий бурчагигача етганлигидан далолат беради, деб ҳисоблайдилар. Тадқиқотчи Тарн эса бундай бўлиши эҳтимолдан узоқ, дейди. Хоразм – Шарқий Европа алоқаларининг бундан кейинги (шунингдек, олдинги) бутун тарихи Гутшмид ва Бартольд фикрига қўшилишга олиб келади. Хоразмни унинг жанубий ва шарқий мулкларидан маҳрум этган ва бу томонларда янги-янги ҳудудлар босиб олишга йўл қўймаган Аҳмонийлар империяси Орол бўйи қулдорлик империяси ташқи сиёсатининг қайтадан кўриб чиқилишига сабаб бўлган бўлса керак. Археологик ва тарихий маълумотлар (бу маълумотларни М. Ростовцев ўрганиб чиқиб, яқун ясади) шуни кўрсатадики, Орол бўйи сармат қабилаларининг гарбга, ский даштларига томон кучли ҳаракати айнан IV асрга тўғри келади. Ушбу ҳаракат натижасида жанубий шарқий Европанинг этнографик харитаси бутунлай ўзгариб кетганди. Арриан келтирган маълумотлар (бу маълумотларни Квинт Курций тасдиқлайди) асосида биз шундай хулосага келишимиз керакки, бу ҳаракатнинг орқасида Хоразмшоҳларнинг – ўз ҳукмронлигини «Ранги (юнон асарларида *Ра – Волга демакдир*) сувлари соҳилидаги олий ҳукмдорлар ҳокимиятини билмайдиган мамлакатларгача» («*Авесто*»нинг *Вандидод қисми*) ўтказган Фарасманнинг салафлари ва ворисларининг қўли яшириниб турган.

Хоразмнинг қудратли ҳокими ўз мамлакатини македонияликларнинг бостириб кириш хавфидан холи қилиб олган бўлса ҳам, бироқ Хоразмнинг қадимги мулклари – Суғдиёна ва Хуросонда Македония ҳокимиятининг мустақамланишига сира бефарқ қараги-

си келмайди. Спитамен сингари, суғдийларнинг Искандарга қарши озодлик курашидаги бошлиғи хоразмлик Фарасман ҳам ашаддий душман бўлган Аҳмонийлар ҳокимиятини йўқотиш учунгина Искандар билан иттифоқ тузади. Юнонларнинг қўшнилари бўлган Қора денгиз соҳиларидаги халқларга қарши юриш режаси (Фарасман даврнинг сиёсий жуғрофиясини яхши тушунган бўлиши керак), Фарасманнинг англашича, Искандар эътиборини унинг бевосита манфаатлари доирасига қаратишдан ҳамда уни, Ўрта Осиёлик бошлиқларнинг фикрича, юнон-македонияликларга алоқадор бўлмаган мамалакатлардан чалғитишдан иборат бўлган бўлиши ҳақиқатга яқин.

Келгуси – 328 йилиёқ Хоразм Спитамен бошчилигидаги партизанларнинг македонияликларга қарши курашини сак ва массагет отрядлари кучи билан қўллаб-қувватлайди ҳамда Спитаменнинг ўзига бошпана беради. Спитамен ҳалок бўлган 328 йил кузидан кейинги даврдаги Хоразм – Македония муносабатлари тўғрисида ҳеч нарса билмаймиз. Бу ҳақда ҳеч қандай маълумот қолмаганлигининг ўзиёқ чуқур мазмунга эга. Ўрта Осиё шимолида, Орол денгизи бўйида, сак-массагет даштларининг марказида Ўрта Осиё бўйича фақат бир давлат ўз мустақиллигини диққат билан кузатиб боради. Орадан бир ярим аср ўтгач, бу давлат Ўрта Осиёни чет элик босқинчилар зулмидан озод қилишда катта роль ўйнайди.

2

«Деворлари ичида аҳоли яшаган қадимги шаҳар»лар замонидан кейинги тарихий даврга мансуб бўлган ёдгорликлар анча-мунча қўп ва бойдир (1951 – 57 йиллар орасида биз ўтказган қазилма ишларининг асосий маскани бўлган Қўйқирилганқалъа юқорида кўрсатилган массив – уй тоифасидаги ёдгорликлардан ажралиб туради. Бу атрофини катта ибодатхона хўжа-

лигининг турар жойлари ва хўжалик хоналари ҳалқа сингари ўраб олган йирик қаср – обсерватория эди). Ушбу давр қадимги Хоразм цивилизациясининг гуллаб-яшнаган даври бўлиб, унда ана шу цивилизациянинг ўзига хос ва ёрқин хусусиятлари айниқса яққол намоён бўлади. Янги эрадан аввалги IV аср ва эрамининг I асрида Хоразм Аҳмонийлар зулмидан қутулади ва Ўрта Осиёнинг сиёсий харитасида катта ўрин ишғол қилган қудратли давлатга айланади.

Биз тадқиқ қилаётган ёдгорликлар ичида ўзининг қадимги қатламлари билан «деворлари ичида аҳоли яшаган шаҳарлар» даврига бориб тақалувчи Бозорқалъа, Чарманёбдаги Қўйқирилганқалъа ва Қўнарлиқалъа (янги эрадан аввалги IV – III асрларга оид), лойиҳалаштирилиши жуда қизиқарли бўлган Жонбосқалъа шаҳарчаси сингари энг қадимги ёдгорликлар ана шу даврга мансубдир. Қадимги Хоразмнинг бошқа кўпчилик ёдгорликлари ҳам худди шу даврда вужудга келган бўлиб, кейинчалик, янги эранинг дастлабки асрларида авжи гуллаб яшнаган.

Тадқиқ қилинаётган давр бундан аввалги даврга нисбатан кўп янгиликларга эга. Истеҳкомли улкан «турар жой кўтонлар» бу даврда йўқ. Бир томондан, ичи ёппасига иморатлардан иборат бўлган шаҳар, иккинчидан, қишлоқ аҳолиси турар жойининг асосий формаси ҳисобланган алоҳида ажралиб турувчи истеҳкомли массив уй (Қўйқирилганқалъа, Қўнарлиқалъа ва бошқалар) турар жойларнинг асосий турлари бўлиб қолади. Кўтон уйлар ўрнини эгаллаган қишлоқ массив уйлари чорвачилик ва деҳқончиликнинг хўжаликда тутган салмоғи ўзгарганлигидан, яъни деҳқончилик устун даражада тараққий этганлигидан далолат беради. Бу даврга келиб ўзининг энг юксак тараққиёт босқичига кўтарилган суғориш соҳасидаги ривожланиш ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Дарвоқе, Жонбосқалъа ва қуйи қатламлари айна шу даврга мансуб бўлган Тупроққалъа сингари шаҳарлар ҳам ҳар бири

150-200 хонали ана шундай улкан массив уйларнинг бир нечтасидан (Жонбосқалъа – иккита, Тупроққалъада эса саккизта массив уй бор) таркиб топган. Шаҳар массив уйлари фақат уларда истеҳкомлар йўқлиги билан ажралиб туради, шаҳарнинг ташқи мудофаа тизими уни душмандан ҳимоя қилиб турган.

Бундай уйларнинг ҳар бирига энг камида 500 дан 1000 кишигача, бошқачасига айтганда, йирик бир уруғ жамоаси сиққан. Шаҳарларда бу жамоа уйлари икки мажмуага бўлинган: Жонбосқалъада бор йўғи иккита уй бўлиб, улар ўртасидан шаҳарнинг ягона кўчаси ўтган. Тупроққалъада ҳам шаҳар дарвозасидан унинг ўрта чизиги ёқалаб кетган битта асосий кўчани кўрамиз: кўчанинг ҳар икки томонида бир-бирига нисбатан симметрик жойлашган массив уйлар турар, уйлар ўртасидан тор кўча ўтарди. Бундай уйларнинг ҳар бирида яшаган жамоанинг хусусиятини аниқлашда гишталарга туширилган тамгалар – уруғга мансубликнинг белгилари катта қизиқиш туғдиради. Жонбосқалъа шаҳридаги иккита катта бинонинг ҳар бирига туташувчи деворларнинг гишталаридаги тамгалар турлича экан: деворлардан бирининг гишталарига туширилган тамгаларнинг шакли бир-бирига ўхшаш, иккинчисиники биринчисиникидан кескин фарқ қилиб туради. Бу ҳол уйларда яшаган жамоалар ўзларининг уруғчилик хусусиятларини йўқотмаган эканлар, дея тўлиқ ишонч билан даъво қилиш имконини беради.

Шаҳарнинг икки тарафлама бўлинганлиги айниқса қизиқ: бу, афтидан, уруғларнинг икки фратрияга ёки дастлабки уруғларга ажралиши жуда қадимги замонларга оид бўлганлигини кўрсатади. Бу ҳодиса ўтмишда уруғчилик анъанасини сақлаб келган ёки ҳозиргача сақлаб келаётган барча халқларга хосдир. Ўрта Осиёда бу анъана то ўрта асрнинг илк давригача сақланиб қолган, лекин бу даврда уруғларни кўча эмас, балки ички девор ажратиб турган (мисол учун,

илк ўрта асрдаги Хоразм шаҳри – Даргонни солиштириб кўринг).

Ибтидоий халқларда қабиланинг турар жойининг бир-биридан ажралган қисмларида яшовчи фратрияларга бўлиниши билан биргаликда алоҳида урф-одатлар мажмуи ҳам юзага келган. Шундай урф-одатлардан бири икки фратрия ўртасида ҳар йили бўладиган диний мусобақалар эди. Ушбу мусобақалар кўпинча чинакам жангга айланиб кетарди. Илк ўрта асрга оид манбалар Ўрта Осиёнинг турли жойларида бундай урф-одатлар бўлганлигидан далолат беради.

Хитойларнинг «Тан сулоласи тарихи» китобида ислом дини кириб келмасдан олдин Фарғона шаҳрининг икки қисми ўртасида Наврўз байрами куни ана шундай диний жанг бўлганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Ал Мақдисий эса X асрда Ўрта Осиё ва Шарқий Эрондаги бир қанча шаҳарларда худди шунга ўхшаш урф-одатлар бўлганлиги тўғрисида ўз асарида ёзиб ўтганди. Шу нарсани қайд қилиш муҳимки, махсус этнографик маълумотларнинг кўрсатишича, «дуал тузилиш», яъни қабиланинг ўзаро бир-бири билан никоҳ қилиш мажбурияти асосида бирлашган икки гуруҳга – уруғларга бўлиниши диний мафкурада дуалистик эътиқодлар мажмуи тарзида ўз аксини топган: фаришталар, кейинчалик маъбудлар олами ҳам худди одамларнинг фратрияларига ўхшаб икки қисмга бўлинади. Фратриялар ўртасидаги диний кураш анъана бўлиб қолганидек, фаришталар оламида ҳам бир-бирига душман бўлган икки қисм ўртасида доимий кураш кетади.

Шуниси аҳамиятлики, моддий дунё ва фаришталар олами бир-бирига душман бўлган қисмларга (бу қисмларга бир-бирига ашаддий душман бўлган эгизак ака-ука фаришталар – Ахурамазда ва Ангро-Майийу бошчилик қилади) ажралиши тўғрисидаги тасаввурдан иборат бўлган дуализм зардуштийлик динининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бу диннинг

Ўрта Осиё билан, жумладан, Хоразм билан боғлиқлигини юқорида кўриб ўтдик. Шу нарсани қайд қилиб ўтиш муҳимки, зардуштийликнинг, оламнинг бири-бирига душман бўлган эгизаклар ўртасидаги кураш жараёнида вужудга келганлиги тўғрисидаги дуалистик афсоналарга жуда ўхшашлиги ҳақидаги ривоятлар, аксар ибтидий халқларда, айниқса, ирокез ҳиндларида кўплаб учрайди.

Ирокез ҳиндларининг оламнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги ривоятлари зардуштийлик динидаги афсоналарга ўхшаб кетишини хорижлик тадқиқотчи Э. Тэйлор алақачон кўрсатиб ўтган эди. Қадимги Хоразм шаҳар ва қишлоқларининг «дуал» равишда тузилганлиги (иккига бўлинганлиги), шубҳасиз, «дуал уруғчилик тузуми» анъаналари яхши сақланиб қолганлигидан дарак беради. Бу зардуштийлик дини дуализмининг келиб чиқиши учун осон бўлди.

Қадимги Хоразм шаҳарларининг биз текшираётган даврдаги турар жойларининг муҳим элементи Жонбосқалъада ҳам, Тупроққалъада ҳам бош кўчанинг дарвозага қарама-қарши томондаги энг охирида турувчи «оловхона»дир. Ўрта асрнинг илк даврларидаёқ Абу Райҳон Беруний ва ўша даврнинг бошқа муаллифлари Ўрта Осиё халқларида жамоатни бир жойга тўплайдиган, доимо ёниб турувчи муқаддас ўт уйлари, яъни жамоа йиғинлари ўтказиладиган ва диний маросимларда умумий халқ келиб овқатланидиган жойлар – оловхоналар (оташкада, буютнирон) бўлганлиги тўғрисида ёзган эдилар. Шуниси эътиборлики, бу оловхоналарнинг қолдиқлари худди ўша эски номида (оловхона) ҳозир ҳам тоғлик тожиклар ўртасида сақланиб қолган. Мачитлар ҳузурида бўлган бу оловхоналарда (бу ҳол мазкур оловхоналарнинг қадимий диний урф-одатлар билан боғлиқлигини кўрсатади) қишлоқ эркаклари дам олган, халфана қилинган, жамоа йиғинлари ўтказилган, шунингдек, сайёҳлар тунаб қолганлар.

Оловхоналар она-уруғчилик тузумининг сўнги босқичларида, она ҳуқуқининг ҳали умри тугамаган белгилари амал қилиб келаётган бир шароитда эркакларнинг жамиятда ҳукмрон мавқега эга бўлиш учун кураш қуролиларидан бири сифатида «эркак уйлари» дея аталган уйларнинг қолдиги тариқасида ибтидоий жамоа муассаларидан бирига бориб тақалади.

Умуман, қадимги Хоразмнинг гуллаб-яшнаган давридаги шаҳар ва қишлоқларнинг лойиҳалаштирилиши эски замонларга оидлиги, ибтидоий-жамоа, уруғ, жумладан, она-уруғчилик анъаналарининг турли-туман кўринишларини яхши сақлаб қолганлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Бироқ, шу маълумотлар билан бир қаторда, археология материали қадимги хоразмликлар ижтимоий турмушининг ўзга томонларини кўрсатадиган бошқа маълумотлар ҳам беради. Бошқа жойлардагидек, бу ерда ҳам археология материаллари ичида энг кўпи керамика материали эди.

Мазкур материалларни текшириш натижасида биз бу жойда ҳунармандчилик саноати юқори даражада ривожланган деган хулосага келдик. Идишларнинг кўпчилиги ишланиши жиҳатидан такомилга етганлиги билан кишини ҳайрон қолдиради. Яхшилаб пишитилган ва қиздирилган лойдан ясалган бу идишлар оёқ билан айлантириладиган кулолчилик чархида ишланган, маълумки, бу усул фақат кулолчиликда қўлланилади. Сополақлар юпқа, синиқ жойи қизғиш ва заранг бўлиб, чертса, жаранглайди. Ясалганига 2000 йилдан кўпроқ вақт бўлган бу идишлар ҳозирги Хоразм кулоллари ясаётган буюмлардан анча сифатли эканлигини кўриб, ишчиларимиз ҳайрон қолишди. Аксар сополлар сиртига тўқ қизил ангоба ёки лок, баъзан эса қора лок ёки зангори-оқ ангоба бир текисда берилган эди. Илгарироқ ясалган идишлардан анчагинасининг ранги очиқ фонига қизил, жигарранг ва қора бўёқ билан нақшлар туширилган. Кейинроқ ясалган идиш-

лар бир хил рангда, бироқ уларга тўлқинсимон-тўғри чизиқли ёки рельефли ясама нақш туширилган.

Идишлар ниҳоятда турли-туман шаклларга эга. Бу ерда сув ташийдиган ҳар хил ва катта-кичик кўзалар ҳам, турли ҳажмли хумлар ҳам, катта ва ясси идишлар ҳам, таги узун қадаҳлар ҳам, ичимлик ичадиган, ўзига хос гардишсимон таглик чуқур косалар бор. Бир қанча идишларнинг бандига жониворларнинг галати шакллари туширилган (дарвоқе, бу ерда бундай бандлар Ўрта Осиёнинг шарқий туманларидагидан кўра камроқ учрайди). Жонбосқалъадан топилган аксар кўзалар бандининг юқори қисми тишлари билан гўё идишни четидан тишлаб турган арслонларнинг бошига ўхшатишган. Машҳур «Амударё дафинаси»дан топилган идишлардан бирини ҳам худди шунга ўхшаш арслон бошли банд безаб турарди.

Ҳунармандлар ясаган идишоёқлар билан бир қаторда, қўлда ясалган қўпол қозон-товоқ буюмлари ҳам бор, лекин улар жуда кўп сонли сопол идишлар орасида жуда оз миқдорни ташкил этади.

Шу тариқа, биз бу даврда Хоразмда ҳунармандчилик деҳқончиликдан батамом ажралиб кетиб, хўжаликнинг юқори даражада ихтисослашган тармоғига айланганини кўрдик. Лекин, шуниси аҳамиятлики, ўрта аср шаҳарларига қарама-қарши ўлароқ, Хоразмнинг қадимги шаҳарларидаги ҳунарманд турар жойларидан бу ерда ҳунармандлар яшаганлигидан озми-кўпми далолат берувчи нишонларни топа олмадик. Шаҳарлардаги, масалан, Жонбосқалъадаги турли массив уйларда кулол қўралари ва кулолчилик қолдиқларининг излари сақланиб қолган. Бу ҳол кулолчилик буюмларини (шунингдек, бошқа ҳунармандчилик буюмларни ҳам) ҳунарманд қуллар ишлаб чиқарган бўлса керак, деб тахмин қилиш учун асос бўла олади. Бу қуллар қайси уруғ жамоасига тегишли бўлса, шуларнинг массив уйлари доирасида яшаганлар.

Ушбу даврга оид кўплаб топилган безак буюмлари, аввало, маржонлар тарихий хулосалар чиқариш учун бой материал беради.

Жонбосқалъадан янги эрадан аввалги IV асрдан янги эранинг II асригача бўлган даврга оид (Шимолий Қора денгиз бўйидан, асосан, Оливия ва Керчдан топилган, қайси даврга мансублиги узил-кесил аниқланган комплексларга нисбатан олганда) жуда кўп ва турли-туман маржонлар топилди. Маржонларнинг аксари майда ва тўқ кўк рангли шиша бўлиб, кўндаланг чизиқли цилиндрсимон, шарсимон ва тухумсимон шаклда эди. Шунингдек, ярқирамайдиган оч зангори рангли шишадан қилинган, қийшиқ цилиндр шаклидаги ва гардишсимон мунчоқлар ҳамда зангори оқиш шишадан қилинган, нок шаклидаги (ёки «кўзасимон») мунчоқлар; оқ шишадан қилинган, бўйламаси чизиқли галтакка ўхшаш, сиртига олтин суви югуртирилган, тўқ зангори ва тилла ранг – жигарранг шишадан қилинган, қўш пирамида шаклидаги маржонлар ҳам бор эди. Мовий-кулранг тусдаги Миср пастасидан қилинган, тугмача шаклидаги маржонлар, тилла ранг ва кўк шиша қаватларидан ҳамда оқ пастадан иборат, эллипсоид шаклидаги маржонлар онда-сонда учраб турарди.

Тош маржонлар оз: гачатдан (*кўмирнинг сайқал қилинганда ялтироқ тус оладиган хили – У. Б.*) ва сердоликдан (*қизил ёки қизғиш рангли қимматбаҳо тош – У. Б.*) қилинган шарсимон, пиритнинг (*олтин-гугурт ва темир бирикмасидан иборат минерал – У. Б.*) ўртаси тешилган кристалларидан қилинган трапециясимон майда ҳамда кўнғир темиртошнинг ғуддаларидан қилинган бочкасимон йирик маржонлар бор эди.

Маржонларнинг кўпчилиги четдан – Сурия, Миср, Шимолий Қора денгиз бўйи шаҳарларидан келтирилганди. (*Маржонларни аниқлаш ва уларнинг қайси*

даврига оидлигини белгилаш ишларини экспедиция-
миз ходими И. В. Пташникова ўтказди – С. П. Тол-
стов.) Маржонларнинг ўзига хос турлари танлаб олин-
ган бўлиб, бу ҳол хоразмликларнинг устувор дидли
эканлигидан, бу буюмлар тайёрланган жойлар эса Хо-
размнинг ташқи мамлакатлар билан савдо алоқалари
ниҳоятда кенг бўлганлигидан далолат беради.

Сугориш, деҳқончилик, ички ва ташқи савдо юқори
даражада ривожланди, анча мунча шаклланиб қол-
ган шаҳар қишлоқдан ажралиб кетди. Бундан ташқари,
истеҳкомлар қуриш, хусусан, давлат истеҳкомла-
рини барпо этиш соҳасидаги ривожланиш ҳам ижти-
мой тараққиёт анча илгарилаб кетганлигининг му-
ҳим белгисидир. Шаҳарларнинг, шунингдек, алоҳида
турган қишлоқ массив уйларининг истеҳкомлари жуда
яхши сақланиб қолган бўлиб, қадимги Хоразм истеҳ-
комлари тизилмасини ҳар жиҳатдан тасвирлаш им-
конини беради. Шаҳарлар катта-катта хом гиштли
(асосан 40x40x10 сантиметр катталиқда) қалин ва ба-
ланд деворлар билан ўраб олинган. Деворларнинг паст-
ки, қалинроқ қисми пахсадан иборат. Деворнинг уст-
ки қисми ичида бир қаватли ёки Жонбосқалъадаги-
дек икки қаватли ўқ отиш учун мўлжалланган йўлак
бор. Бу йўлак деворнинг жуда кўп баланд ва тор ши-
налари тиккасига отиб, қалъа деворлари тагини ўққа
тутиш учун мўлжалланганлиги сабабли, пастга ва таш-
қарига қараб жуда кенгайиб кетган. Баъзи қалъалар-
нинг мудофаа тизими жуда қадимий. Чунончи, Жон-
босқалъада мутлақо бурж йўқ. Ён томонларни ўққа
тутиш ва бурчакларни ҳимоя қилиш учун жуда ғала-
ти ва камчиликлари ниҳоятда кўп бўлган қийшиқ
шинаклар тизими қўлланган; бу тизимга кўра, икки-
та шинак бурчакларни ҳимоя қилади, ҳар уч шинак
бир гуруҳ бўлиб (ўртадаги шинак – тўғри, ёндагилари
– қийшиқ, ҳар томонга қараган), улар бир-биридан
маълум масофада жойлашган. Илк Кичик Қирққиз

қалъасида ҳам миноралар йўқ. Бу ерда қурувчилар қийин аҳволдан қутулишнинг бошқа йўлини топганлар. Мудофаада буржлар йўқлиги сабабли ҳимоя қилиб бўлмайдиган бурчаклар сингари заиф жойлар бўлмаслиги учун қалъа лойиҳаси тухумсимон шаклда қилиб қурилган.

Ўн саккиз қиррали Қўйқирилганқалъа қарийб доира шаклига эга. Шунингдек, унинг ташқи деворида бурж ҳам бор.

Шу тариқа, Жанубий Фарбий Хоразмда душманни ён томондан ўққа тутишга мўлжалланган буржли истеҳкомлар «деворлари ичида аҳоли яшайдиган шаҳарлар» давридаёқ маълум бўлгани ҳолда, ўнг қирғоқда буржлари бўлмаган қадимги истеҳкомлар анъанаси узоқ вақтгача сақланиб қолган. Бироқ кўпчилик қалъаларда буржлар мавжуд: улар деворлар билан бир хил баландликда ва аксар жуда зич жойлашган; шунингдек, уларда шинаклар бўлиб, буржлар тўғри тўртбурчак шаклида бўлган.

Буржлар ёрдамида бурчакларни ҳимоя қилиш усули ниҳоятда турли-туман: Қўрғошинқалъада тўрттала бурчак тўрт хил мудофаа тизимига эга. Бурчаклардан бирида, Жонбосқалъадаги сингари, умуман бурж йўқ бўлиб, уни жуфт қийшиқ шинак ҳимоя қилган. Бошқа бир бурчакни унинг икки томонида қад кўтариб турган бурж ҳимоя қилган, бурчак эса буржлар ўртасида дўппайиб турган. Бу тизим Саргоннинг Хурободдаги машҳур саройида қўлланилган эди. Учинчи бурчакда бу икки бурж жуфтлашиб, бурчакнинг батамом кўринмай кетган ва «қалдирғоч думи»га ўхшаш ғалати шакл ҳосил бўлган. Бу тизим Мисрдаги Семне қалъасидан маълум бўлиб, Хоразмдаги Бозорқалъада ва Аёзқалъа-1 да қўлланилган. Ниҳоят, тўртинчи бурчакни битта бурж ҳимоя қилган, буржнинг ўқи бу ерга келиб туташадиган деворлардан бирининг давомидан иборат.

Хоразмнинг деярли барча қадимги қалъаларига хос хусусият – «дарвоза олди лабиринтлари»дир. Деворларнинг тўғри бурчак шаклидаги туртиб чиққан катта дўнглари орасида бир неча тирсак ҳосил қилиб дарвоза томон йўл кетар, ичкарига қараган шинакдан туриб бу йўлни ҳамма ёқдан ўққа тутиш мумкин – дарвоза олди лабиринтлари ана шундан иборат эди.

Умуман, мудофаа тизилмаси кўҳна Миср ва қадимий Сумердан тортиб Осурия ва Аҳмонийлар Эронига қадар – мумтоз Шарқ истеҳкомлари анъаналарини яққол гавдалантиради. Бироқ мудофаа тизими тараққиётининг бу хусусиятлари шундан далолат берадики, янги эранинг дастлабки асрларида хоразмлик истеҳкомчи усталар Яқин Шарқ мамлакатларида ўша замонга нисбатан икки минг йилдан олдинроқ ҳал бўлган муаммони – бурчакларни мудофаа қилиш муаммосини мустақил равишда ҳал қилганлар. Буни четдан бўлган бевосита таъсир, чунончи, Аҳмонийларнинг истеҳком қуриш борасидаги таъсири эмас, балки қарийб бир хил тарихий шароитдаги мустақил ривожланишнинг самараси, дея билмоқ керак.

Тадқиқотчи Г. В. Григорьевнинг Самарқанд яқинидаги Талибарзу шаҳрида ўтказган қазишмалари Суғдда ҳам истеҳком қуришнинг ва умуман қурилиш ишларининг шунга ўхшаш қоидаларига амал қилинганлигини кўрсатади.

Хоразм истеҳкомларини қуришда, мудофаа пайтида бутун аҳолининг (фақат эркакларнинг эмас) иштирок этиши кўзда тутилганлиги, шубҳасиз. Шинакларнинг жуда кўплиги шундан далолат беради; алоҳида олинганда бир шинак торгина жойни ўққа тутиш учун мўлжалланган, шунга кўра, ҳар бир шинакда махсус камончи турган бўлиши керак.

Бу ҳам қадимийлик аломати бўлиб, халқнинг кўлида қурол бўлганлигини ва етакчи мавқени ҳар-

бий ишни ўзига касб қилиб олган армия эмас, балки оммавий халқ кўнгиллари эгаллаганлигидан кўрса-тади.

Бироқ, шу билан бирга, қадимги Хоразм истеҳком-ли шаҳарларининг жуғрофик жойлашиши шундан далолат берадики, бу ерда воҳа чегара чизигини саҳ-ро томондан ҳимоя қилган қалъаларнинг ягона тизил-маси мавжуд экан: шарқдан ғарбга қараб давом эт-ган Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Қўрғошинқалъа, Қирқ-қиз, Кичик Қирққиз – Аёзқалъа, Бўрлиқалъа ва ниҳо-ят, Тупроққалъаларнинг ҳаммаси ариқларнинг охир-ларида, каналлар ёқалаб чўзилган маданий ерлар чек-касида жойлашган бўлиб, бирини иккинчисидан ту-риб кўриш мумкин бўлган қалъаларнинг узлуксиз чи-зигини ҳосил қилади.

Шубҳасиз, бу ўринда воҳани дашт қабилаларидан ҳимоя қилишнинг ягона режаси мужассамлашган бўлиб, худди суғориш тизими сингари, бу ҳам мар-казлашган кучли давлатдан дарак беради.

Ўрта асрлар учун бошқача анъаналар хос эканли-гини қуйида кўриб ўтамыз: одатда, бу даврдаги ша-ҳарлар ва йирик қалъа-саройлар воҳа ичкарисида, каналлар ва уларнинг катта тармоқлари бошлари яқинида жойлашган. Бундан кўзда тутилган мақсад фақат мамлакатни мудофаа қилишгина эмас, балки суғориш тармоғи устидан, бошқачасига айтганда, бу тармоқдан фойдаланувчи деҳқонлар устидан ҳукм-ронлик қилиш эканлиги яққол кўриниб турибди. Ўрта асрларда, ҳатто марказий ҳокимият энг кучайган давр-ларда ҳам чегара бўйлаб йирик қалъалар эмас, балки унча катта бўлмаган қўрғонлар ва алоқа белгиси бўлган миноралар жойлашган эди. Бу ерлардан туриб фео-дал ҳокимларнинг воҳа ичкарисидаги ҳарбий кучла-рига таҳдид солаётган хавф тўғрисида хабар қилин-ган. Бу – қадимги ва ўрта аср Хоразм жамияти тузи-лиши жиҳатидан фарқ бўлганлигини кўрсатувчи му-ҳим далилдир. Экспедиция қадимги хоразмликлар-

нинг маънавий маданияти, санъати ва динига доир бой материал берди. Буларга, аввало, террақот ҳайкалчалар ва кулолчилик буюмлари (айниқса, Жонбосқалъада кўп) киради. Башанг кийинган аёлларнинг ҳайкалчалари ҳамда узун этик, бели қисиб боғланган учбурчак ёқали калта камзул ва уч шохли ғалати «Фригийлар қалпоғи»ни кийган эркакларнинг фигурачалари ҳайкалчаларнинг аксарини ташкил қиларди.

Энг қадимги ҳайкалчалар япалоқ ва шартлидир. Бу ҳайкалчаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда ўймакорлик усули билан туширилган кийим безаклари тафсилотига зўр эътибор берилган. Бу услуб илдизлари «деворлари ичида аҳоли яшайдиган шаҳарлар» замонига бориб тақалади. Кейинроқ, янги эрдан аввалги дастлабки асрларда яратилган дея ҳисобланувчи ҳайкалчалар йирик ва тамомила ҳаққонийдир.

Одамларнинг тасвири ҳайкалчалар билан бир қаторда, идишларга ҳам бўрттириб туширилган. Узун найзани ётиқ ҳолда ушлаб турган чавандоз ва аттикаликларникига ўхшаш узун дубулға кийган (бу дубулға энг сўнгги (янги эранинг III асрига оид) чақа-тангаларда тасвирланган подшолар кийган дубулғалардек, бургутнинг расми туширилган бўлса керак), пиёда кетаётган аксар фигураси қадимги хоразмликларнинг кийим-бошлари ва қурол-яроғларини тасвирлаш учун янги тафсилотлар беради.

Ҳайвонларнинг тасвирлари ичида баъзан схематик тарзда, баъзида эса ниҳоятда ҳаққоний қилиб ишланган отларнинг фигурачалари ва бошчалари кўпроқ. Бу – массагетлар динида отга сифиниш кенг расм бўлганлиги ва, юқорида қайд қилинганидек, Хоразм-массагет ва Фракция маданияти ўртасида ўхшашлик мавжуд эканлигини кўрсатувчи яққол ҳужжат бўлади. Гарчи юқоридагилар билан бир қаторда туя, қўй, чўчқа ва ҳатто каркидон ва маймунларнинг (кейинги даврга мансуб бўлса-да) тасвирлари учраса-да, бироқ от-

лар шу қадар қўпки, улар билан фақат юқорида зикр этилган идишлар бандларига туширилган арслонларни бир қаторга қўйиш мумкин. Маълумки, бу ҳам солярга сиғиниш билан боғлиқдир.

Аёлларнинг ҳайкалчаларида сув ва умуман суғориш (хусусан, Амударё) ҳомийси ҳисобланган она – маъбуда Ардвисура Анахита, эркак фигураларда эса улуг маъбуданинг ҳамроҳи тангри Сабазий – Сиёвуш тасвирланган, деб тахмин қилиш ҳақиқатга яқин. Наршахийнинг ҳикоя қилишча, зардушт динидаги Бухоро аҳолиси ҳар йили Наврӯз байрами куни маъбудларнинг лойдан қилинган ҳайкалчаларини синдириб, улар ўрнига шахсан подшонинг ўзи иштирок этадиган махсус бозордан бошқа ҳайкалчалар олган. Афтидан, Хоразмда ҳам расм бўлган бу удум (одатда ҳамма ҳайкалчалар қадимги замонлардаёқ синдирилар эди) Олд Осиё учун аҳамиятли бўлиб, бу жойда ер ҳосилдорлиги маъбудининг ўлиши ва тирилиши маросими маъбуднинг ўлими ва тирилишини англатган.

3

Энди бундан олдинги бобдан қолган мавзуга ўтамиз – биз текшираётган даврдаги Хоразм сиёсий тарихининг баъзи масалаларини кўриб чиқамиз.

IV аср охирида Ўрта Осиёнинг жанубий ва шарқий Юнон-Македония империяси таркибига, сўнгра Искандар босиб олган ҳудуднинг Осиё қисмида вужудга келган Селевкийлар давлатига киради.

Янги эрадан аввалги тахминан 250 йилда Ўрта Осиё сатрапиялари Селевкийлар қўлидан чиқиб кетади. Жанубий Туркменистон дашт қабилаларининг парн-дахларнинг бошлиқлари ака-ука Аршак ва Тиридатлар етакчилигида кўтарган қўзғолони натижасида Парфия давлати вужудга келиб, унга Аршакийлар сулоласи бошчилик қилди. Мурғоб дарёсининг шарқ томони-

да, шимолда Сирдарёнинг ўрта оқимидан бошланиб, жанубда Ҳиндиқуш тоғининг жанубий этакларигача чўзилган ҳудудда Юнон-Бақтрия подшолиги барпо бўлиб, унга Бақтриянинг исёнкор сатрапи – юнон Диодот раҳбарлик қилди.

Хоразм аввалгидек мустақил бўлиб қолди. Бугина эмас, бир замонлар Спитаменни қўлаб-қувватлаган худди ўша Хоразм Аршакийлар монархияси вужудга келиш тарихининг илк босқичида Жанубий Туркманистон дашт қабилаларининг Селевкийларга қарши қаратилган ҳаракатига ёрдам бериб турган дейишга барча асослар бор.

Биринчидан, бу фикрни шу нарса қувватлайдики, (анча кейинги маълумотларга, жумладан, Абу Райҳон Беруний келтирган маълумотларга кўра бўлса-да), Аршакийлар ўз насл-насабларини Хисравнинг афсонавий ўғли – Ашк (Аршак) орқали худди ўша Сиёвуш билан боғлайдилар. Бу нарса шундан далолат берадики, Аршак I Хоразмийлар сулоласига бевосита мансуб бўлмаган тақдирда ҳам (мансуб деб исбот қилиш мумкин эмас), Аршакийлар билан Хоразм сиёвушийлари хонадони ўртасида сулолалараро бўладиган билвосита алоқалар мавжуд бўлган.

Тарихчи Страбон Аршакийлар салтанатига асос солган «парнлар-дайлар» Меотиданнинг (*бу ўринда Орол денгизи маъносида – У. Б.*) нариги ёғида истиқомат қилувчи дайлар ўлкасидан, яъни Хоразмнинг орқасидаги, қуйи Сирдарёдаги туманлардан келиб чиққанлиги тўғрисидаги қизиқарли маълумотни ёзиб қолдирган. Аршак Тиридатнинг Селевк-2 қўшинларидан қочиб, апасиаклар (*апасиаклар Хоразмнинг шимолдаги қўшинлари эканлигини юқорида кўриб ўтдик*) ҳузурига борганлиги тўғрисида худди ўша Страбон ёзиб кетган. Бунинг устига, Страбоннинг ўзи бу ҳодиса билан суғдларнинг бошлиғи Спитаменнинг Искандар қўшинидан хоразмийлар томонига қочиб ўтганлиги ўртасида ўхшашлик борлигини қайд қилиб

ўтган эди. Аршакийлар давлатига асос солган ака-укалар дастлаб маълум даражада Хоразмга тобе бўлган Орол бўйи дахларининг бошлиқлари бўлганлар, дахлар эса Тажан дарёси ҳавзасига кўчиб ўтгач, Хоразм етакчилиқ қилган массагет бирлашмасининг мададига таяниб, кўзголонни бошлаб юборганлар, деб тушуниш ҳақиқатга ҳаммадан кўра яқинроқ бўлур эди. Шубҳасиз, Аршакийлар қудратининг тез ўсиши уларнинг Хоразм билан ўзаро алоқалари аҳамиятини ўзгартириб юборди. Бироқ бу ҳол Хоразмнинг македонияликларга қарши ҳаракатнинг маркази сифатидаги мавқеини камситмайди. Хоразм кейинчалик ҳам узоқ йиллар мобайнида ана шундай марказ бўлиб қолади.

III аср ўрталарида рўй берган воқеалардан кейин вужудга келган ҳамда янги эрадан аввалги тахминан 140 йилда Ўрта Осиёдаги қабилалар ҳаракати натижасида юнон-македон босқинчиларининг Бақтрия давлатини йўқотишда каттагина роль ўйнаган Ўрта Осиёнинг сиёсий ва этник жуғрофияси шу қадар муҳим аҳамиятга эгаки, уни алоҳида кўриб чиқса арзийди.

Хитой манбаларида Юнон-Бақтрия салтанатини қулатган варварлар «катта юечжилар» деган ном билан юритилади. Хань даврида гветси ёки гоатси тарзида талаффуз қилинган бу ном юнон муаллифларидаги массагетлар – «улуғ гетлар» билан айнан бир нарса эканлигини Ремюза, Клапрот ва Григорьев аллақачон асосли равишда уқтириб ўтган эдилар. Кейинги муаллифларнинг турли-туман тахминлари бу шубҳасиз ўхшашликка шубҳа туғдира олмади.

Юнон-лотин манбаларида Юнон-Бақтрия босиб олган варварлар умумий ном билан эмас, балки айрим қабилалар билан – асийлар, пасианлар (апа-сиаклар), тохарлар ва сакаравлар (сакараваклар) дея юритилади, яъни хитой муаллифларидаги «катта юеч-

жилар» таркибига массагет бирлашмасининг бизга аллақачон таниш бўлган асосий қабилалари – Хоразмнинг қўшнилари ва иттифоқчилари киради.

1946 йилда Қувондарё ҳавзасида ўтказилган кузатув ишлари адабий манбалардан бизга номигина маълум бўлган бу қабилалар ўтмишини тўсиб турган парданинг бир қисмини очиб берди. Бу ерда ҳозир Жетиосор («Жетиосор» – етти ёдгорлик маъносида бўлиб, аслида еттитадан анча ортиқ ёдгорликлар топилди) номи билан маълум бўлган қадимги дунёнинг илк даврига оид харобаларнинг жуда ажойиб мажмуини текширдик.

Иш мобайнида тутилган кундаликдан бир шингил келтираман.

«10 октябрь куни маҳаллий минтақа вақти билан эрталаб соат 10 дан 34 дақиқа ўтганда самолётлар Жанқалъадаги майдончадан кўтарилиб, шимол-шарқ томон йўл олди. Соат 10 дан 48 дақиқа ўтганда шимолдан жанубга қараб кетган эски ўзани (асосий ўзан) кесиб ўтдик, ўзан ичининг у ер-бу ерида ёмғир сувидан ҳосил бўлган кўлмаклар ярқираб турарди. Бу ўзандан ўткир бурчак ҳосил қилиб чиққан бир қанча эски каналлар жануб, жанубий-ғарб томонга қараб оққан. Соат 10 дан 50 дақиқа ўтганда у жой-бу жойда Қорақалпоғистоннинг кўчма қум босган эски сугориш ерлари кўзга ташланади. Ҳамма ерда сугориш тармогининг ва далалар режашаштирилганининг излари, бир замонлар бу ерларда турган ўтовлар ҳосил қилган доиралар, ҳовлиларнинг қинғир-қийшиқ ва галати чегаралаб турган пахса деворлар, лойдан қурилган иморатларнинг харобалари, кўплаб қабристонлар кўриниб турарди. Соат 10 дан 58 дақиқа ўтганда Қувондарёнинг жанубий боши эски ўзанини кесиб ўтдик. Ушбу ўзан атрофида сугориш ва турар жойларнинг излари айниқса кўп эди. Соат 11 дан 05 дақиқа ўтганда қабристонларнинг сўнгги гуруҳи орқамизда қолди. Ол-

димизда, қум ва саксовулзорларнинг нариги томонида Жетиосор ясси текислиги ястаниб ётибди. Пастлаб учиб бораётибмиз. Уфқда ҳозиргина орқада қолган харобалардан тамомила фарқ қилувчи бир қанча йирик харобаларнинг силуэтлари яққол кўзга ташланади. Соат 11 дан 10 дақиқа ўтганда аэроплан харобаларнинг тепасида бир айланди. Остимизда каттакон бинонинг ниҳоятда ювилиб кетган дўнги турар, бу бинони ташқи текисликдан поғона-поғона бўлиб кўтарилувчи қингир-қийшиқ ҳовли майдончаси ўраб олганди. Теварак-атрофдаги ёдгорликларга нисбатан тутган ўрнимизни белгилаб олиш учун самолётда бир неча марта катта айлана ҳосил қилиб учиб ўтиб, соат 11 дан 33 дақиқа ўтганда Жетиосор-1 яқинига қўндик.

Ёдгорлик билан биринчи танишишдаёқ, Жетиосор харобалари қадимги замонга оид бўлса керак, деган дастлабки тахминимиз тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Харобаларнинг ичида ва теварак-атрофларида сиртига ангоб берилган ва пардозланган, қора ва қизил рангли жуда кўп керамика фрагментлари ётарди. Фрагментлар орасида шакл жиҳатидан Хоразм фрагментларига ўхшашлари ҳам бор эди. Бироқ, умуман, бутун керамика қиёфаси ниҳоятда ўзига хос бўлиб, бу маданият қадимги Хоразм маданияти билан бир пайтда вужудга келган ва у билан қардош, лекин шу билан бирга, мустақилдир, деб ҳисоблаш мумкин эди.

Бинолар меъморчилигини кузатиш натижалари ҳам бу фикрни тасдиқлади: Жетиосор-1 нинг марказий биноти «қадимги» йирик хом гиштдан қурилган, бироқ шакли Хоразм гиштлариникидан бошқача: бу ерда Хоразмдагидек квадрат шаклидаги гишт эмас, балки катта-кичиклиги 38x29x9 дан 43x30x10 сантиметргача етадиган тўғри тўртбурчак шаклидаги гишт ишлатилган. Дўнг тепасидан қараганда, шимол, шимолий-шарқ ва шарққа томон ҳаёт аса-

ри бўлмаган лойтупроқли Жетиосор текислиги чўзилиб кетган, текислик бўйлаб кенг ёйилиб кетган харобаларнинг катта-катта силуэти кўриниб турарди. Ёдгорликларни бир-бири билан боғлаш мақсадида, дўнган кўринадиган ёдгорликларга борадиган қулай йўлни аниқлаб олиб, кейинчалик соат 12 дан 56 дақиқа ўтганда шимол томонга қараб учдик, ташқи кўринишидан биринчи ёдгорлик билан айни бир хил бўлган Жетиосор-2 харобалари устидан учиб ўтиб, соат 13 дан 18 дақиқа ўтганда бу ҳудудда текширилган ёдгорликлар ичида энг йириги ва мураккаби қадимий улкан шаҳар – Жетиосор-3 (Олтиносор) яқинига қўндик. Соат 15 дан 45 дақиқа ўтганда йўлни давом эттириб, Қувондарё шимолий бошининг жанубий соҳилидаги Жетиосор-4 (Рабенсой) харобаларига етиб бордик. Бу ерда қўнмай, хароба устидан учиб ўтдик ва белгиланган режага мувофиқ Жусали томон йўл олдик ва соат 16 дан 45 дақиқа ўтганда у ерга қўндик. Шу тариқа, Жетиосор мажмуида қилинган биринчи кузатувни тугалладик. 11 ва 12 октябрь кунлари Казалинск жанубидаги ҳудудларнинг харобалари томон парвоз қилиб, бу ердаги Шарқий Орол хунн-турк «ботқоқлик шаҳарлари»нинг ўзига хос янги маданиятини аниқладик.

Жусалидан қайтишда, 12 октябрь куни соат 13 дан 57 дақиқа ўтганда, Жетиосорга қайтадан учиб бордик ва Жетиосор-5 харобаларига шимолий-шарқ томондан кириб келдик. Теварак-атрофдаги 6, 7, 8, 9 ва 10-харобалар устидан учиб ўтиб, шимолий-ғарб томонга бурилдик ва харобаларнинг марказий гуруҳи – 11, 12 ва 13-харобаларига етиб келдик ва шулар орасига соат 16 дан 25 дақиқа ўтганда қўндик.

Бу ерда ҳар икки самолётнинг экипажи «ҳарбий кенгаш»га тўпланди. Дастлаб белгиланган режага мувофиқ, базага узоғи билан 13 октябрь куни қайтиш керак эди. Ҳолбуки, кашф қилинган ёдгорликларни синчиклаб ўзаро боғлаш учун самолётда бир

неча марта ерга қўниш керак эди, бунинг учун камида икки кун талаб қилинарди. Озиқ-овқат тамом бўлай деб қолган, бунинг устига, базада қолган экспедиция аъзолари биздан хавотир олишлари турган гап эди. Шу сабабли, биз соат 17 дан 10 дақиқа ўтганда Жанқалъага учиб бордик ва соат 17 дан 46 дақиқа ўтганда «аэродром»имизга бориб тинчгина қўндик. Хавотир ола бошлаган шофёр, механик ва йўл кўрсатувчиларимиз бизни хурсандлик билан кутиб олишди.

13 октябрь куни соат 12 дан 40 дақиқа ўтганда яна Жетиосорга учиб бордик ва бу ерда икки кун давомида ҳали текширилмаган, шунингдек, қисман текширилган ёдгорликлар устидан учиб ўтдик, ерга қўниб, Жетиосор – 11, 12, 10, 9 (бу ерда тунаб қолдик) ва унинг 8, 7, 4-ёдгорликларини ўргандик. Ушбу ёдгорлик ёнига қўнгандан кейин (14 октябрь, соат 14 дан 52 дақиқа – 15 дан 50 дақиқа ўтганда) мавзенинг жанубий гарбий чеккасидаги қадимги маданият чегараларини аниқлаш мақсадида шу томонга қараб учдик. Бу жойда, Жетиосор тақирларига гарб томондан туташган қумлар орасида, эски ўзаннынг бу ерда давом этган ирмоқларидан бирида юқоридагиларга ўхшаш харобаларнинг яна бир гуруҳи (Жетиосор-16, 17) борлигини аниқладик. Ёнилгининг белгиланган миқдори тугалланганлиги сабабли, биз бу томонга қилинган кузатувни ниҳоясига етказа олмадик, янада гарб томонда, қумлар орасида Жетиосор даврининг ҳали бизга номаълум бўлган ёдгорликлари яшириниб ётган бўлиши эҳтимолдан холи эмасди. (1949–62 йилларда ўтказилган археологик авиакузатувлар бу тахминни батамом тасдиқлади. Жетиосор тоифасига кирувчи ёдгорликлар гарбга ва жанубий-гарб томонга қараб узун чизикдек чўзилиб кетганди. Биз буни текшириб чиқиб, узун чизик Сирдарё сўл қирғогидаги қуруқ ўзанлар ёқалаб кетган бўлиб, Қизилўрдадан тахминан 60 километр нарида, унинг жанубий-шарқ томонида жойлашган ҳудуд

дигача давом этишини аниқладик. Бу тоифага кирувчи ёдгорликлар Туркистон шаҳрининг теварак-атрофларигача, балки ундан ҳам нарироққача узлуксиз занжир бўлиб чўзилиб борса керак, дея тахмин қилиш учун муайян асослар бор). (1949–62 йилларда ўтказилган археологик авиаразведкалар бу тахминни батамом тасдиқлади. Жетиосор тоифасига кирувчи ёдгорликлар гарбга ва жанубий гарб томонга қараб узун тасма сингари чўзилиб кетганди. Биз буни текшириб чиқиб, «тасма» Сирдарё сўл қирғоғидаги қуруқ ўзанлар ёқалаб кетган бўлиб, Қизилўрдадаги тахминан 60 чақирим нарида, унинг жанубий шарқ томонида жойлашган ҳудудгача давом этишини аниқладик. Бу тоифага кирувчи ёдгорликлар Туркистон шаҳрининг теварак-атрофларигача, балки ундан ҳам нарироққача узлуксиз занжир бўлиб чўзилиб борса керак, деб тахмин қилиш учун муайян асослар бор).

Соат 16 дан 21 дақиқа ўтганда, биз орқага қайтдик ва Жетиосор-1 устидан учиб ўтиб, соат 17 дан 12 дақиқа ўтганда базамизга келиб қўндик. Шу тариқа, Жетиосорда ўтказилган кузатув ишлари туркуми тамом бўлди. Бу иш натижасида биз 17 та ёдгорликни текширдик ва ўлчадик), кўп ва турлитуман керамика материаллари ва талайгина фотосуратлар олиб келдик».

Жетиосор мавзеси ўсимликлари деярли бўлмаган лойтупроқли ясси текисликдан иборат бўлиб, шимол томонда Жусали даштига туташади. Гарбда бу дашт бора-бора ўзгариб, Қувондарёнинг эски бош (жанубий) ўзанига бориб тақалувчи қум пушталарига айланиб кетади, бош ўзан эса сал шимолроққа бориб Шимолий Қувондарёга қўшилиб кетади.

Жанубда ҳам қум остида қолиб кетган лойли тупроқнинг бағрида, Жангадарё ва Қувондарё оралиғида зич жойлашган ўрта асрнинг сўнги даврига мансуб бўлган қорақалпоқ суғориш иншоотлари ҳамда ша-

ҳар ва қишлоқларининг сон-саноксиз излари яшири-
ниб ётибди. Жетиосор мавзеси ҳудудида эса қорақал-
поқ суғориш тизимининг излари йўқ.

Жетиосор пасттекислигининг шарқий ва шимолий қисмларини Қувондарё шимолий бошининг эски ўзани кесиб ўтади, Қувондарёдан кичикроқ эски тар-
моқ ва шохобчалар ўзани ажралиб чиқади, улар ўз навбатида янада кичикроқ тармоқларга бўлиниб ке-
тади. Қайд қилинган барча ёдгорликлар бош ўзан ёки унинг ҳозиргина тилга олинган ирмоқлари билан боғ-
лиқ. Ёдгорликнинг ҳаммаси ўзан ёки ирмоқ соҳили-
нинг яқингинасида жойлашган. Ўзан ва ирмоқлар-
дан қадимги суғориш тармоғи – унча катта бўлмаган тақсимлаш ва суғориш каналлари чиқарилган. Кўпчилик ёдгорликларнинг теварак-атрофларидаги бундай каналларнинг излари самолётдан яққол кўри-
ниб турибди. Йирик магистрал каналлар йўқ, улар-
нинг ўрнини табиий ўзанлар ва тармоқлар босган бўлса керак. Ҳар бир ёдгорликнинг бевосита маълум бир ўзандан чиқарилган битта ёки бир нечта канали бўлган.

Шу нарса шак-шубҳасизки, ёдгорликларда ҳаёт қайнаган замонларда бу ўлка қадимги ички дельта манзарасини касб этган, у жетиосорликларнинг деҳ-
қончилик хўжаликларини суғорадиган жуда кўп ир-
моқлар бошдан-оёқ кесиб ўтган, нам, ботқоқли бир мамлакат эди. Ёдгорликлар бир-биридан анча олисда жойлашган бўлиб, уларни иккита йирик гуруҳга ки-
ритиш мумкин, бундан ташқари, алоҳида ажралиб турган бир талай ёдгорликлар ҳам бор.

Ёдгорликлар ўз аҳамиятига кўра, учта асосий тур-
га бўлинади. Биринчи энг оддий турга истеҳкомли кўрғон киради. Кўрғон ичида шиплари гумбаз шак-
лидаги кўпхонали, икки (аксар уч) қаватли бинолар қад кўтарган.

Иккинчи тур ёдгорликлар – истеҳкомлари (буржлар, истеҳкомли дарвозалар) ниҳоятда ривожланган ва де-

ворлари ичида ҳеч нарса қурилмаган катта қалъалардир.

Ниҳоят, учинчи турга фақат битта, бутун мажмуа бўйича энг йирик ёдгорлик (Жетиосор-3 ёки Олтиносор) киради. Жетиосор ҳам истеҳком тизимли ғоят ривожланган катта қалъадир, бироқ унинг ичида йирик турар жойларнинг жуда кўп ва турли-туман қолдиқлари сақланиб қолган.

Юқорида қисман тасвирланган Жетиосор-1 биринчи гуруҳ учун аҳамиятли ёдгорлик бўла олади. Юмалоқроқ шаклдаги бу каттакон бино жуда емирилиб кетган бўлиб, теварак-атрофдаги текисликка нисбатан 8 метр баланд кўтарилиб турарди. Бинонинг катталиги 45х30 метр бўлиб, бурчаклари дунёнинг тўрт томонига (Шимол, Жануб, Шарқ, Ғарб) қараган. Дўнгнинг сув ювиб кетган сиртида бир қанча узун хоналарнинг ички лойҳилаштирилган режаси, унча яққол бўлмаса-да, кўриниб турарди. Бинонинг ташқи деворига терилган, сомон кўп аралаштирилган, ҳажми тез-тез ўзгариб турувчи (38х28х9, 40х30х9, 40х30х10, 38х28х10 сантиметрли) йирик хом гиштлар дуруст сақланиб қолган. Гиштларнинг пастки томонида бир қатор қилиб, девор сиртига перпендикуляр равишда солинган қамиш қатламининг излари сақланиб қолган. Бу белги, биринчидан, гишт хомлигича терилганлигини, иккинчидан эса бинони пастдан ўтадиган зах ва туздан муҳофаза қилиш мақсадида, қамиш қатламлари кенг қўлланилганлигини кўрсатади. Қадимги Хоразм ҳали билмаган бу усул бизга маълум ёдгорликлар ичида Хоразмнинг XII – XIII асрларга оид ёдгорлиги (масалан, Жанпикқалъадаги сарой) биринчи марта қўлланилган. Бу усул ҳозирги замон Хоразм маҳаллий меъморчилигида ҳам кенг тарқалган.

Ташқаридан бинони қарийб юмалоқ шаклдаги ҳовли майдончаси ўраб олган, уй майдонча билан умумий марказ нуқтага эга эмас, у майдончанинг шимо-

лий ғарбий чеккасиға яқин ерда жойлашган. Майдонча атрофдаги текисликдан 1, 5 метр баландда, унинг четларида қулаб тушган, бироқ яхши сақланиб қолмаган ташқи девор излари сезилиб турарди.

Биринчи турга кирувчи ёдгорликларнинг иккинчи хили квадрат концентрик (*умумий марказга эга бўлган* – У. Б.) режали, истехкомли уй-қўрғондир. Бинологларнинг аксари квадрат, баъзилари тўғрибурчак шаклида, кўпчилик бинологларнинг ўрта қисми квадрат шаклида кўтарилган, бунинг натижасида бинологларнинг шакли поғонали пирамидага ўхшаб қолган.

Бундай қўрғонлар жумласига Жетиосор-2, 5 ва 6 қўрғонлари, ниҳоятда мунтазам квадрат-поғонали бинога эга бўлган катта қўрғон № 7, 13, 15, 16-қўрғонлар киради. Бу лойиҳалаш биринчи турнинг биринчи хилига қараганда сал кейинги замонга мансуб бўлса керак.

Иккинчи турга ичида иморатлари бўлмаган катта қалъалар киради, бунга йирик шаҳарлардан Жетиосор -4 ва 8 мисол бўла олади.

Юқорида қайд қилинганидек, учинчи турга фақат битта ёдгорлик – Жетиосор-3 киради. Қийшиқ трапециясимон шаклдаги бу қадимий шаҳар шимолга қараб торайиб боради, шимолидан жанубигача бўлган масофа 350 метрға яқин. Жанубий деворнинг узунлиги 300 метрча, шимолий деворники 150 метрча келади. Ташқи деворларнинг тағи 1, 5-2 метр қалинликда, емирилгандан кейин қолган энг баланд жойи 3, 5 метрча, деворларнинг пастки қисми 1, 25 метрлик пахсадан иборат бўлиб, орасига юқоридагидек ҳажмда ва нисбатда сомонли йирик хом ғишт терилган. Деворлардаги тўғрибурчакли паст шинаклар бир-биридан 2, 5 метр нарида жойлашган, катталиги 60x20 сантиметрдан иборат. Деворлар ёқалаб кетган ва бири иккинчисидан ҳар хил масофада турувчи емирилган кичик буржлар пахсадан қилинган бўлиб, орасига ғишт кўйилган, хом ғишт – 8 сантиметр, пахса – 15, яна ғишт

ва ҳоказо. Буржлар ташқарига 2 метрча туртиб чиқиб турган. Шимолий-ғарбий бурчакда диаметри 40 метрли, пахса девор билан ўралган, пахсанинг қалинлиги 2, 5 метрча ва бўйи 4, 5 метрлик юмалоқ иншоот турарди.

Шимолий-шарқий бурчак яқинида девор билан қўшиб юборилган, Жетиосор туридаги ва катталиги ҳам ўшандай истеҳкомли оддий уй жойлашган, уйнинг шарқий томони – ҳовли. Аҳоли яшаган массивнинг катталиги – 30х30 метр, бўйи – 8 метр. Сув ювиб кетган қияликлардан деворлар ва энг камида икки қаватдан иборат бўлган иморатларнинг поллари қаққайиб чиқиб турар, керамика материаллари ҳам талайгина эди. Тахминан 60х60 метр катталиқдаги қийшиқ шакли ҳовли ташқи девор буржлари туридаги буржларга эга бўлган девор билан ўраб олинган эди. Ҳовли майдончаси теварак-атрофдаги текисликдан 1,5 – 2 метр баландда турарди.

Жанубий деворнинг ўртасига майдони тахминан 100х80 метр ва бўйи 12 метрдан ортиқ бўлган каттакон бинодан қолган тепалик тақалиб турарди. Ушбу бино ёдгорликлар мажмуи ичида шу турдаги иншоотларнинг энг йириги эди.

Жетиосор керамикасини икки катта гуруҳга ажратиш мумкин. Чархсиз ясалган сополар ва кўпчилигининг синган жойлари ва сирти (тувак, кўза ва хумларнинг ташқи, декчаларнинг ҳар икки томони) ҳар хил тусдаги бўз рангли, қора ёки қорамтир-жигарранг ангоб билан бўялган ҳамда пардозланган аксар турли-туман буюмлар биринчи гуруҳга киради. Бу гуруҳга мансуб бўлган барча идишлар Хоразм идишларининг шаклига сира ўхшамайдиган шакллари билан алоҳида ажралиб туради. Кўпгина идишларнинг қора жилולי фонига устидан чизиқ тортилган ёки оқ паста қадалган бурчакли-тасмали безак туширилган. Иккинчи гуруҳга синиқ жойи пушти, пуштиранг-сарик ёки гишт рангидаги, сирти қора, қаҳва-жигарранг, қиз-

ғиш-жигаранг ёки қизил, баъзан кўкимтир оқ ангоб билан қопланган зарангроқ сополаклар киради. Ушбу идишларнинг кўпчилиги ҳам чархсиз ясалган бўлиб, фақат уларнинг озгина қисмида чарх билан яшаш усулининг излари сақланиб қолган. Оч сариқ рангли, ангобсиз, бироқ қизғиш-жигар ранг тусдаги нақш туширилган озгина идиш фрагментлари ҳам шу гуруҳга киради. Иккинчи гуруҳга идишлари ичида айрим идишларнинг шакллари қадимги Хоразм идишларининг шаклларига ўхшаб кетади. Бироқ бу ерда ҳам кўпчилик идишларнинг шакли ўзига хос. Қора-кулранг ва қизил керамиканинг кўпчилик қисми шакл жиҳатдан бир хилдир, бироқ шакл ва безакнинг айрим хусусиятлари ҳар бир гуруҳда ҳам бор: чунончи, устидан чизиқ тортилган бурчакли-чизиқли безак фақат қора-кулранг керамикадагина учрайди.

Гарчи ҳар иккала гуруҳ керамикаси ҳаминиша биргаликда учраса-да ҳамда улар, шубҳасиз, узоқ йиллар мобайнида ёнма-ён туриб келган бўлса-да, биринчи гуруҳни умуман кўҳнароқ ва хронология жиҳатидан қадимийроқ (куллол чархининг ва Хоразм билан муштарак шаклларнинг йўқлиги, чизиқ тортилган ва қадама безак) дея ҳисоблаш лозим.

Идишларнинг бу сўнгги гуруҳини алоҳида кўриб чиқса арзийди.

Бу ўринда Полтавадаги Бельк қадимий шаҳарининг эски керамикасига ва Украинанинг бошқа ҳудудларидан (шарқда Харьков ва Изюмгача) топилган, «скифлардан аввалги» ёки «илк скиф» ёдгорликларига кўпгина ўхшаш хусусиятлар кўзга ташланмаслиги мумкин эмас.

Тадқиқотчи А. А. Потапов Украинанинг оқ паста қадалган, бурчакли-тасмали беаги бўлган бу қора керамикаси Дунай ҳавзасидан топилган классик галлштат ёдгорликлари керамикасига ўхшашлигини кўрсатиб ўтган эди. Археолог В. А. Городцев эса бу керамикада Кавказ халқлари керамика санъатининг

янги эрадан аввалги 2 мингйилликка бориб тақалувчи қадимий анъаналари ўз аксини топган, деб ҳисоблаганди.

Жетиосор керамикасига нисбатан Бельск керамикасининг бир мунча қўполроқ эканлигини ҳисобга олмасак, орада жуда катта масофа бўлишига қарамай, Жетиосор, Украина ва галлыштат ёдгорликлари идишларининг шакли ҳам, ишланиши, воситалари ҳамда услуби ҳам, безак тизилмалари ҳам технологик ва стилистик жиҳатдан ниҳоятда яқинлиги билан кишини ҳайрон қолдиради. Жетиосор керамикасининг Украинанинг скифлардан аввалги керамикаси ва Дунай Галлыштат керамикаси билан боғлиқлиги ниҳоятда диққатга сазовор бўлгани учун, бу масалага қуйида тагин қайтамыз. Қилинган ишларга якун ясар эканмиз, гарчи жуда тахминий бўлсада, текширилаётган мажмуанинг хронологик доираларини ҳам белгилай оламиз. Бу мажмуа ҳарчанд ўзига хос бўлишига қарамай, у аввало, Хоразмнинг, шунингдек, Ўрта Осиёдаги бошқа ҳудудларнинг қадимги ёдгорликлари ва вариацияси доирасидан четга чиқмайди.

Илк африғий формаларнинг мутлақо йўқлиги (бундай формалар Казалинск хунн-турк қадимий шаҳарларида кўплаб топилади), бу ёдгорликларнинг юқори хронологик чеграсини бира тўла янги эранинг 1 минг йиллиги ўрталаридан олдинги даврга мансуб деб ҳисоблаш имконини беради. Бироқ Хоразмга мансуб сўнгги қадимий формаларнинг миқдори ҳам шу қадар кам фоизни ташкил қиладики, бу ёдгорликлар эрамиз бошидан кейин унча узоқ турмаган бўлса керак. Нақшли бир қанча сополакларга қараганда, қизил лок ва ангоб берилган хоразмча оқ идишлар бу ерга янги эрадан аввалги дастлабки асрларда кириб келган бўлса керак. Керамиканинг асосий қисми ҳам, афтидан, ана шу даврга мансуб. Керамика материалнинг умуман эски, скифлардан илгариги ва галлыштат

ёдгорликлари сингари, янги эрадан аввалги IV асрга мансуб бўлган Хоразм ёдгорликларидан ҳам қадимийроқ бўлган қиёфаси илгари даврларга мансубдек туюлади, бироқ бунинг сабаби бутун маданиятнинг қолоқлигига ҳам, четда қолганлигига ҳам боғлиқ. Қадимги анъаналарни узоқ вақт давомида сақлаб келган бу маданиятга четдан фақат Хоразмнинг илғор ҳунармандчилик марказларигина сал-пал таъсир қилиб турган.

Бизнинг фикримизча, ёдгорликларимиз янги эрадан аввалги I мингйилликнинг иккинчи ярмини ўз ичига олади, дея ўйлаш жуда эҳтиёткорлик билан қилинган тахмин бўлади. Эҳтимол, бу чегарадан у ёки бу томонга ёки у ва бу томонга бир оз чиқилса керак.

Фақат керамикагина эмас, балки турар жойларнинг умумий қиёфаси ҳам қадимийроқ даврлардан дарак беради. Бу турар жойлар жамоа-уруғларнинг истеҳкомли катта қалъа-уйлари бўлиб, Замахшар яқинидаги Қўнарлиқалъа ва Қаватқалъа яқинидаги Оқтепа обидалари турига кирувчи ёдгорликлар уларга маълум даражада ўхшаб кетади. (Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотлар Жетиосор ёдгорликлари юқори қатламининг санасини аниқлаш имконини берди. Жетиосор-3 (Олтиносор)нинг юқори маданий қатламидан топилган афригий тоифасига кирувчи керамика фрагментлари асосида шундай хулоса чиқариш мумкин: бу гуруҳга кирувчи қадимги шаҳарларнинг жуда бўлмаганда баъзилари эрамизнинг VII асрига қадар омон бўлган. Олтиносорнинг қазиб очилган қисмидаги маданий қатлам қалин – тахминан 10 метрча бўлиб, 16 қурилиш даврига бўлинади. Бу ҳол шунингдек, топилган нарсаларнинг таҳлили ёдгорлик минг йилдан ортиқ вақт давомида қад кўтариб турган бўлиши керак, деб тахмин қилиш имконини беради. 1962 йилда очилган шу тоифадаги жанубий шарқий ёдгорликлар то эрамизнинг X асрига қадар яшаган). Бироқ Жетиосор уйлари ва қўрғонларининг ҳажми анча катта

бўлиб, лойиҳалашган режаси ниҳоятда тартибсиздир. Бу тартибсизлик уруғ истеҳкомларининг табиий равишда кенгайганлигидан далолат берса керак. Бош каналлари бўлмаган ва сув билан таъминловчи омонат манба – табиий ирмоқларга таянган суғориш тизимининг қадимийлиги ҳам олис тарихнинг энг дастлабки даврларидан дарак беради.

Жетиосорликларнинг алоҳида турган қўрғонлари ҳам, шунингдек, «шаҳарлари» ҳам ижтимоий турмушнинг худди ўша жуда қадимги манзарасини кўз олдимизга келтиради. Иморати нишонаси қолмаган 4 ва 8 шаҳар харобаларидан жуда оз кўтарма материал топилди. Бу шаҳарларни фақат бошпана шаҳарлар дея ҳисоблаш мумкин. 4-шаҳарнинг теварак-атрофларидаги суғориш тармоғининг анчагина зичлиги ва унинг истеҳкомли уруғ уйларидан алоҳида ажралиб турганлиги шундан далолат берадики, аҳоли узоқда жойлашган истеҳкомли қўрғонлардан бу ерларга кўчиб келиб, йилнинг маълум бир қисмини вақтинча қурилган енгил турар жойларда, ўз экин ерлари ёнида ўтказган. Суғориш тизимининг бош тизилмаси бўлмаган ва Қувондарё ирмоқларининг режими ўзгариб турган бир шароитда деҳқончилик «ярим кўчманчи» аҳамиятга эга бўлиши турган гап. Бу ҳол қиш кунларини ва мудофаа эҳтиёжларини кўзда тутган истеҳкомли турар жойлар билан бир қаторда, бир ердан иккинчи ерга кўчириш қулай бўлган қапа ёки ўтовга ўхшаш енгилелпи турар жойларга эҳтиёж туғдирмаслиги мумкин эмас эди.

Аҳоли яшайдиган бутун қадимий Жетиосор ҳудудининг маркази бўлган Олтиносорга (Жетиосор-3) келганда шуни айтиш керакки, у ҳам жуда ўзига хос «шаҳар» эди. Аслини олганда, булар таснифимизнинг биринчи кичик турига кирувчи иккита қўрғон бўлиб, қўрғонлардан кичигининг ҳажми Жетиосор-1 га тенг. Бу қўрғон ҳажми улкан Жетиосор-7 қўрғонига тахминан тенг бўлган каттароқ қўрғоннинг ташқи деворла-

ри тизимига кирарди. Қалъанинг шимолий-ғарбий бурчагидаги юмалоқ иншоот ва бош турар жой массиви яқинида, бу массивнинг шимолий-шарқ томонида жойлашган трапециясимон иншоот кишида жуда ғалати таассурот қолдиради. Булар ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бинолар, балки бу ерларда диний маросимлар ўтказилган бўлса керак. Қазिशма ишлари ана шу иншоотлардан нима мақсадда фойдаланилганлигини аниқлаш имконини берар, деган умидимиз бор, лекин ҳар ҳолда, булар турар жой ҳам, мудофаа иншооти ҳам эмас.

Мудофаа иншоотларидан Жетиосор-7, 4, 8 ва 3 ни, гарчи ҳозирча тўлиқ ишонч билан бўлмаса-да, Жетиосор мажмуасининг сўнгги даврига мансуб дея ҳисоблайман. Жумладан, буржларнинг аҳамияти ва жойлашиши (бурчаклардан якка буржлар) ҳам шундан далолат беради. Бизга маълумки, Хоразмда бундай буржлар анча кейин вужудга келган. Менимча, Жетиосор-1, 9 ва 11 турига кирувчи ёдгорликлар, шунингдек, эҳтимол, Жетиосор-3 «шаҳари»нинг асосий иншоотлари энг қадимий обидалардир. Афтидан, унинг мудофаа тизими кейинчалик замонавий қилиб қайта жиҳозланган бўлса керак. Агар шундай бўлса, у ҳолда Жетиосор маданиятининг бир ярим мингйиллик тарихи давомида турар жойлар тоифасининг баъзи умумий ўзгариш тенденцияларини аниқлаш мумкин: 1) аҳоли ўрнашган асосий марказларнинг Қувондарё қирғоғига тўпланиши – афтидан, бу ишончли сув манбаига эга бўлиш учун интилиш билан боғлиқ; 2) бошпана шаҳарларининг барпо қилиниши – бундай шаҳарлар айни вақтда муваққат турар жойларнинг роли ошганлигидан дарак беради; 3) афтидан, Хоразм ва Мовароуннаҳр намуналари таъсирида қурилган анча мукамал истеҳком тизилмалари.

Бу ёдгорликлар қайси халққа мансуб эканлиги аниқланганда, жуда муҳим иш қилинган бўлур эди.

Бунинг натижасида биз тўплаган маълумотларимизни ёзма тарихий манбалар билан боғлашга ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлардик. Птолемей, Плиний ва Полибий сингари тарихчиларнинг Окс-Яксарт дарёлари оралиғида ўрнашган халқларнинг рўйхати келтирилган манбаларни бир-бирига қиёсан таҳлил қилиб, Қувондарё ҳавзаси тохар халқи ўрнашган ўлка бўлган деган хулосага келишга имкон беради. Птолемей, тохарларнинг яшаган жойларини Яксартнинг шимолий қисми билан чегралаб, улар бир томондан, пасиклар (Орол денгизи бўйидаги апасиақлар), иккинчи томондан эса, ятийлар (Ўрта Сирдарёнинг ўнг қирғоғида истиқомат қилган асийлар, асианлар, усунлар) билан ёнма-ён яшаганлар, деб ҳисоблайди.

Маълумки, Шарқий Туркистонда шу вақтгача ҳеч кимга маълум бўлмаган бир тилда ёзилган ўрта асрнинг илк даврига оид будда ҳужжатларининг топилиши муносабати билан сўнгги ўн йилликлар мобайнида тохарлар устида кенг илмий мунозаралар олиб борилаётганда. Бу тил этник жиҳатдан қайси гуруҳга мансуб эканлиги ҳужжатларнинг ўзида кўрсатилмаган. Бир қанча олимлар уни уйғур тилидаги манбаларда тез-тез тилга олинадиган «тоҳри тили», яъни тохар (бошқачасига айтганда, «1-тил» ёки «кучарқарашар тили») тилига қиёс қиладилар.

Бу тилга бўлган қизиқишнинг янада кучайишига сабаб шу бўлдики, унинг фонетик хусусиятларида ғарбий ҳинд-европа тиллари (кельт, герман, италян ва юнон) билан алоқадор белгилар мавжудлиги аниқланди. Одатда, ғарбий ҳинд-европа тиллари «кентус гуруҳи» (бу атама шартли бўлиб, «юз» сўзидаги қадимги ҳинд-европача «к»нинг талаффуз этилишига боғлиқ; шарқий ҳинд-европа, славян-болтиқ, ҳинд-эрон ва арман тилларида «к» товуши «с»га айланади, шу сабабли, санаб ўтилган тиллар санскритча «сто» сўзидан олинган «сатем» номи билан юритилади, тохарча «kandh» – «юз», «okadh» – «саккиз», «yakwe» – «от» ва ҳоказо).

Сўнги йилларда бир қанча олимлар (жумладан, рус тадқиқотчиларидан И. Умняков ва А. Бернштам) Бақтриянинг юечжи-массажетлар томонидан босиб олиншида иштирок этган тарихий тохар халқи билан «тохар тили»ни боғлашни инкор этиб, тохарларнинг ҳақиқий тили Шарқий Туркистондан топилган ҳужжатлардаги эроний тиллардан бири бўлиши керак, дея даъво қилмоқдалар.

Мен ушбу муаллифларнинг далиллари асосли деб ҳисобламайман. Линквистнинг, ундан кейин эса Бернштамнинг уйғур ҳужжатларидаги «тоҳри тили» – суғд тилидир, деб исбот қилишга уриниши ҳам ўринсиз. Суғдийларнинг ҳақиқий номларини турклар жуда яхши билганлар. Афтидан, биринчи таъриф асос эътибори билан устуворлигича қолади: «тоҳри тили» – Қувондарё ҳавзасида истиқомат қилувчи Бақтрияни истило қилишда қатнашган массажет қабиласига мансуб бўлган тохарларнинг тилидир. Тохарларнинг Бақтрияга кўчиб бориб жойлашиши ва будда динининг ташвиқ қилиниши билан биргаликда бу тил ҳам Шарқий Туркистон шаҳарларига бориб етган.

Шунингдек, бу тилни «ғарбий ҳинд-европа» тиллари гуруҳига киритиш ва уни қарийб кельт тили дея ҳисоблаш ҳам тамомила асоссиздир. Қадимги ҳинд-европача «к» товушининг сақланиб қолиши туфайли, тохар тили ғарбнинг «кентум тиллари» билангина эмас, балки энг қадимги ҳинд-европа тили – хетт тили билан ҳам қардош бўлиб чиқади. «К»нинг сақланиб қолиши – фонетиканинг шунчаки эски хусусияти бўлиб, ҳинд-европа тилларида сўзлашувчи халқлар ўрнашган чекка ўлкаларнинг турли қисмларида мустақил равишда сақланиб қолади. Айни вақтда марказий ўлкаларда ҳинд-европа тиллари фонетикаси тараққиётга хос бўлган қонуний ҳодиса («к»нинг «s»га айланиши) рўй берган.

Тохар тилининг хетт тили билан, шунингдек, фракцигий тиллари билан аллақачоноқ қайд қилинган

алоқалари тарихий жиҳатдан анча муҳимроқдир. Машҳур хеттшунос Покорний 1923 йилда очиқдан-очиқ «биз тохарларни фрак-фригий киммерийлари деб билишимиз керак» деган бўлса, француз тилшуноси Бенвенист 1936 йилда «тохар тили, бир томондан, болтиқ ва славян, бошқа томондан эса юнон, арман ва фрак-фригий тилларига яқин турувчи тарихдан илгариги тиллар гуруҳининг (эҳтимол, хетт тили ҳам шу гуруҳга киргандир) қадимги аъзоси бўлган» деган хулосага келади. Тадқиқотчи А. Мейе ҳам тохар тилининг ҳинд-европа тиллари орасида тутган мавқеи тўғрисидаги юқоридагиларга ўхшаш фикр юритади: «Тохар тили, бир томондан, италян-кельт, иккинчи томондан, славян ва арман тиллари оралиғида туради, десак унча катта хато қилмаган бўламиз».

Тиллар ўртасидаги бу алоқаларнинг жами, бизни тилшунослик илмида кам ўрганилган иллирий-фрак-фригий тиллари доирасига элтади. Ушбу тиллар ўртасидаги лингвистик ва тарихий алоқаларнинг йўналишлари тохар тилининг юқоридаги иқтибослари келтирилган муаллифлар таърифлаган мавқеига батамом мос тушади. Чунончи, иллирий тилларида (хетт тилидаги сингари) тохар тилининг тадқиқотчиларини узоқ вақт давомида адаштириб келган эски «к» сақланиб қолганлиги аниқланди. Фрак-фригий тилларида эса бу товушнинг тақдири ҳали етарли даражада аниқлангани йўқ (фрак-фригийларнинг ер маъбуди – Семела 2 Кибела номининг талаффузда фарқ қилишини солиштириб кўринг). Шу билан бирга, тохар тилида, унинг луғатида ва, айниқса, флексиялари соҳасида ҳинд-европа тилларига хос белгилар шубҳасиз мавжуд эканлигини қайд қилмаслик мумкин эмас. Бу белгилар бизни Кавказ ва Кичик Осиёнинг ёфаст тиллари оламига элтади.

Масалан, тохар тилидаги ном парадигмаси (*номларнинг турланиши ва тусланиши* – У. Б.) жиҳатдан

хетт-урурту-картвель тиларига жуда ҳам яқин (солиштиринг: тохарча комтаитат суффикс – «as-sal» ва шунга мос келувчи хеттча суффикс – «sil», тохарча генетив суффикси – «is», гуржичада «is», мегр, чанс, уруртуча «is», тохарча суф. дат. ва отложит. – «as», as-уруртуча, дат. «as отложит, «as-te» ва ҳоказо). Бу яқинлик Н. Я. Марр ва Н. С. Державиннинг илирий-фрак-фригий тилларида ва уларнинг ҳозирги Европадаги қолдиғи – албан (шунингдек, арман) тилида ёфаст-ҳинд-европа тилларининг элементлари мавжудлиги тўғрисидаги фикрларига мос тушади (*Бу тўғрида уларнинг асарларига қаранг: Н. Я. Марр, «К вопросу об яфетидизмах в албанском, Яс, 1, 1922, стр, 57, ва Н. С. Державин, «Истории Болгарии, 1 1945, стр, 71-88. Шунингдек, унинг ЯЛ даги мақолалари, 1, 1926, 171 сл, СЭ 3, 1940 ва бошқалар).*

Яна шу нарсани ҳам эсга олиш ўринлики, қадимги жанубий рус осори атиқаларини энг яхши билган тадқиқотчи В. А. Городцев Бельск ва Украинанинг шунга ўхшаш шаҳарлари қора қадама керамикасини (бу керамиканинг Сирдарё тохарларининг ёдгорлиги – Жетиосорнинг энг қадимги қатламидан топилган керамикага анча-мунча яқинлигини юқорида кўриб ўтган эдик) киммерийлар маданиятининг обидаси дея ҳисоблаган эди. Кўриб ўтганимиздек, тадқиқотчи Покорний, тохарлар билан киммерийлар ўртасида алоқалар бўлганлигини асосли равишда қайд қилади. Киммерийларнинг илирий-фрак-фригийлар билан алоқалари бўлганлигига эса ҳеч ким шубҳаланмас керак.

Бундан олдинги бобда Хоразм-массагет оламидан, бир томонлама, хетт оламига, иккинчи томондан, фрак-фригий ва у орқали славян оламига элтувчи кўп ва турли-туман маданий алоқа йўлларини кўриб ўтдик. Эҳтимол, қадимги дах тилининг авлоди бўлган тохар тили илирий-фрак-киммерий тиллари гуруҳи

(энг қадимги хоразм тили ҳам шу гуруҳга кирган бўлиши керак) шарқий, массагет тармоғининг то V – X асрларга қадар (дарвоқе, бошқа ҳудудда) сақланиб қолган вакили бўлса керак. Афтидан, массагет тилларининг аксарияти янги эрадан аввалги V асрдаёқ массагетларнинг шарқ томондаги қадимги қўшнилари – сак-скифлар тилларининг кучли таъсири остида қолади.

4

Энди Юнон-Бақтрия давлатининг қулаши билан боғлиқ бўлган сиёсий воқеаларнинг баёнига қайтайлик. Ҳозир биз бу ҳодисаларни келтириб чиқарган шарт-шароитларни ва воқеаларнинг боришини умумий тарзда қайтадан тиклай оламиз.

Юнон-македонияликлар истилосидан кейин, янги эрадан аввалги IV – III асрлар оралиғида Хоразм-массагет уюшмасининг фақат ғарбдагина эмас (бу тўғрида юқорида айтган эдик), балки шарққа ҳам, Шарқий Туркистонга (то Мўғулистон чегараларига қадар) қараб кенг авж олган сиёсий экспансияси жараёнининг аломатлари сезилади. Ҳар қалай, янги эрадан аввалги III асрнинг иккинчи ярмида «катта юечжилар», яъни массагетлар бу ерда истиқомат қилувчи хунн қабилаларига қўшни бўлиб қоладилар ва уларни ўз таъсирларига олишга ҳаракат қиладилар. Массагетлар номининг узоқ шарқ томонда пайдо бўлишидан ташқари, бир қанча археологик маълумотлар ҳам шундан далолат беради. Б. Лауфер тадқиқотлари шуни кўрсатадики, янги эрадан аввалги III асрнинг охирларида хуннларнинг бошлиғи Модэ-Шаньюй ҳарбий ислоҳот ўтказди: анъанавий енгил отлиқ қўшинни офир яроғ-аслаҳалар билан қуролланган отлиқ қўшинга алмаштиради. Б. Лауфер бу яроғ аслаҳалар «Эронники» дея ҳисоблайди. Аслини олганда, қадимги Эронда бундай қурол-аслаҳалар ишлатиш мутлақо расм бўлган эмас.

Бу мамлакатнинг аксар қўшини енгил яроғ-аслаҳалар билан қуролланган пиёда ва отлиқ аксарлардан (икки филдиракли жанг араваси билан бирга) таркиб топган. Оғир қурол-аслаҳали отлиқ қўшин даставвал массагетларда бўлганлигини Геродот биринчи бўлиб қайд қилган эди.

Шуниси аҳамиятлики, кейинчалик оғир қурол-аслаҳали отлиқ қўшин худди ўша Орол бўйидан (тадқиқотчи Ростовцевнинг кўрсатишича) сармат-олонлар билан биргаликда Шарқий Европа томон тарқалади, янги эрадан аввалги I асрда эса парфияликлар римликларга қарши жангларда (Каррах ёнида) оғир отлиқ қўшиндан кенг фойдаланадилар. Ўша вақтда парфияликларнинг қўшинида асосий ролни Сакастон (Сеистон) ҳокими Сурена бошчилигидаги сакараваклардан иборат оғир отлиқ қўшин ўйнаган. Бу қўшин Марв қуролсозлари ясаган совутларни тақиб олар эди. Оғир яроғ-аслаҳалар билан қуролланган аскарлар минадиган баланд бўйли жанг отларининг ажойиб зоти Мўғулистон, Хитой ва Сибирга (Олтой) шу ердан, массагетлар ўлкасидан тарқалган.

Ниҳоят, «скиф-сибирь ҳайвон услуби» деган услубнинг вужудга келиш масаласи ҳам катта қизиқиш уйғотади. Бир-бири билан уришиб турган ҳайвонлар тасвирланган ажойиб олтин безаклар янги эрадан аввалги дастлабки асрларда Сибирь ва Мўғулистонда кенг тарқалган бўлиб, Хань давридаги Хитой санъатига таъсир ўтказди. «Сибирнинг скиф маданияти» билан Амударё дафинаси ёдгорликлари ўртасида боғлиқлик борлиги аллақачоноқ қайд қилинган эди. Шу нарса эътиборлики, бундан 40 йилдан аввалроқ Қувондарёда, массагет-тохарлар юртининг нақ юрагида икки тилла билагузук топилган эди. Билагузукларнинг бирида айни «сибирь» услубида тасвирланган от ва иккинчисида «бир неча бошли бўри»нинг расми бор эди.

Массагет маданиятининг Шарқдаги бу кучли таъсири асосан янги эрадан аввалги III асрларда сусая бошлаган бўлса керак. Массагетларнинг Шарқни экспансия қилишдан кўзда тутган мақсадларидан бири Ўрта Осиё қабилаларининг Юнон-Бақтрия давлатига қарши ягона мустақил фронтини вужудга келтириш эди, деб ишонч билан айтиш мумкин. Бу давлатнинг энг йирик ҳокими Евтидем юечжи-массагетларнинг Шарқ томондаги душманлари бўлган хуннлар билан тил бириктириб, қарши ҳужумга ўтади.

Шундай саналарни муқояса қилиб кўрайлик: янги эрадан аввалги 206 йилда Евтидем Селевкий Буюк Антиох 3 билан сулҳ ва иттифоқ тузган. Ушбу сулҳга у «шимолий варварлар» томонидан бўлган умумий хавфни асосий сабаб қилиб кўрсатган. Худди ўша 206 йили гаров тариқасида юечжилар юртида ушланиб турган хунн шаҳзодаси Модэ ватанига қочган. Натижада ўз отасини тахтдан тушириб, ўлдирган ҳамда юечжиларга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлаб юборган. Хуннлар ва юечжилар ўртасидаги курашнинг иккинчи босқичи янги эрадан аввалги 176 йилга тўғри келади. Бу вақтда Юнон-Бақтрия давлати ташқи сиёсатда ғоят фаоллашган бўлиб, Страбоннинг сўзларига қараганда, у ўз чегарасини «серлар ва фаунларга қадар», яъни «хитойлар ва хуннларга қадар» кенгайтирган эди.

Хунн-юечжилар курашининг сўнгги, учинчи босқичи 165 йилга тўғри келади. Ўша йили хуннларнинг шанбўйси Лаошань юечжиларни тор-мор қилиб, уларни ғарбга, Тянь-Шань ортига улоқтириб ташлайди, юечжилар подшосининг бош суягидан эса қадаҳ қиладилар. Бу воқеалар рўй берган вақтда юнон-бақтрияликларнинг қудрати Узурпатор (*ҳокимиятни қонунга хилоф равишда тортиб олган киши – У. Б.*) Эвкратид ҳокимияти остида янгидан, сўнгги марта авжига ми-нади.

Кейинги воқеаларда хуннлар бевосита иштирок этмайдилар: иккита ҳарбий иттифоқ – бир томондан,

массагет (юечжи) – парфияликларнинг, иккинчи томондан, бақтрия-селевкийларнинг иттифоқи бир-бирига қарама-қарши туради. Янги эрадан аввалги 140 йилга келиб Юнон-Бақтрия подшоларининг ҳоқимияти батамом емирилади. Парфияликлар босиб олган Марғиёнани (Мурғоб ҳавзаси) ҳисобга олмаганда уларнинг Ҳиндуқуш шимолидаги, кейинроқ эса жанубидаги барча ерлари массагетлар қўлига ўтиб кетади.

Афтидан Сирдарё тохарлари ҳужумнинг марказий майдонида бўлганлар, уларнинг якка ўзлари Бақтрияни ва Амударёнинг кейинчалик Тохаристон (хитойчаси Тухоло) дея номланган юқори ҳавзасини босиб олганлар. Тохарларнинг шарқ томондаги қўшнилари асианлар (ятийлар) ҳам улар билан бир қаторда юрган бўлсалар керак. Помпей Трог лўнда қилиб «асианлар тохарларнинг подшолари бўлиб олдилар», деган эди. Чунки, иттифоққа асианлар орасидан чиққан киши бошчилик қилган. Ўнг, ғарбий томонда сакаравак ва апасиақлар ҳаракат қилганлар. Улар Арриана ва Сеистонгача силжиб бориб, бу ерда ўзларининг яқингинада иттифоқчилари бўлган парфияликлар билан тўқнашганлар. Тянь-Шань атрофларидан чиққан сак қабилалари чап томонда ҳаракат қилиб, Помир орқали Қобул водийсига кириб борганлар.

Хўш, бу ҳодисаларнинг ҳаммасида Хоразм қандай роль ўйнаган?

Буни билиш учун ўша замондаги ҳодисаларни ҳаммадан кўра яхшироқ билган, Юнон-Бақтрия давлати қулагандан ўн беш йил кейин шахсан ўзи бу ерга келган кишининг маълумотига мурожаат қиламиз.

Янги эрадан аввалги 126 йилда Чжан-Цянь деган хитой амалдори Ву-диннинг фавқулодда элчилари билан бирга Марказий Осиёнинг дашт ва тоғларида узок вақт давомида сарсон-саргардон бўлиб юриб, Фарғонага етиб келади. Элчиликдан қутилган мақсад Хитой империяси билан яқиндагина ғолибона юришлар қил-

ган Юнон-Бақтрия истилочилари, «катта юечжи» халқи ўртасида умумий душман – маркази ҳозирги Мўғулистонда бўлган хуннлар давлатига қарши иттифоқ тузиш эди. Хуннлар юечжиларни Шарқий Туркистондан сиқиб чиқарганларидан кейин Тибетнинг шимолидаги барча даштларни ўз назоратлари остига олган ва Хитойга таҳдид қила бошлагандилар. Бу элчиликдан натижа чиқмайди, лекин Чжан-Цяннинг хизмати шундаки, у Ўрта Осиё мамалакатлари тарихининг Юнон-Рим манбаларида тилга олинмаган кўпгина томонларини хитойликлар ичида биринчи бўлиб тасвирлаб берди. Жумладан, Ўрта Осиёда Кангюй деган каттакон давлат бўлганлигини Чжан-Цянь орқали билемиз, юнон адабиётларида бу тўғрида лом-мим дейилмаган.

Ушбу давлат шарқда Фарғона билан, Жанубий Парфия ва Бақтрия билан чегарадош бўлган, ғарбда Хоразм ва Бухоро воҳаларини қамраб олган. «Катта ханнлар тарихи»да ёзилишича, «Кангюй бешта кичик мулкдан таркиб топган, буларга: Сусе, Фуму, Юни, Ги, Юегянь киради. Қайд қилинган барча беш мулк Кангюйга тобедир».

Энг сўнги Хитой манбаларида кўрсатилишича, Қашқадарёдаги Кеш-Шаҳрисабз, Зарафшондаги Кушония, шунингдек, Тошкент, Бухоро ва Урганч ана шу номлар билан аталган. Чжан-Цяннинг хабар беришича, Кангюй «урф-одатлари жиҳатдан юечжиларга батамом ўхшаб кетади; 90 минг кишига қадар аскар бор». «Катта ханнлар тарихи»да ёзилишича, Кангюй лашкари 120 минг кишидан иборат бўлган.

Мазкур давлатнинг Аҳамонийлардан аввалги қадимги Хоразм салтанатига (бунинг қандай салтанат бўлганлигини Маркварт аниқлаган эди) зоҳиран ўхшашлигини пайқамаслик мумкин эмас. Фарқ фақат жанубий-ғарбий чегараларда: янги эрадан аввалги II асрда Хуросон Аршакийларининг Парфия империяси тизимида мустаҳкам ўрнашиб олган эди.

Чжан-Цяннинг сўзларига қараганда, Кангюй «ўзининг заифлиги туфайли, жанубда юечжиларнинг, шарқда эса хуннларнинг ҳукмронлиги остида яшаган».

Бу даврда юечжи иттифоқининг маркази – ўша сайёҳнинг айтишича, юқори Амударёнинг шимол томонида, афтидан, Бақтриянинг ўнг қирғоқ томондаги ҳудудида, ҳозирги Тожикистон ёки Жанубий Ўзбекистонда, балки Кангюй ҳудудида, яъни Зарафшон ҳавзасида бўлгандир. Шу нарсани ҳам эса солиб ўтиш ўринлики, «Катта ханлар тарихи»да «Кангюйнинг кичик мулклари» қаторига киритилган Зарафшондаги Кушония кейинчалик ўз номини янги эранинг I, III асрларида Кушон империясининг ҳукмдорлари сулоласини етиштириб чиқарган нуфузли юечжи уруғларидан бири – кушонлар (хитойчаси гуйшуань)дан олган. Бу ҳол Суғдиёна (Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзалари) Кангюй давлатининг таркибига 140 йилдан аввал кирган деб тахмин қилиш имконини беради, шу йилдан бошлаб бу ҳудуд номигагина – Кангюйники ҳисобланса-да, аслида массагет қабилалари қўли остига ўтиб кетган эди. Ҳолбуки, Эвтидем ва унинг ўғли Деметрий даврида Суғд, шубҳасиз, Юнон-Бақтрия давлати таркибига кирган.

Афтидан, Суғднинг Кангюй давлати таркибига кириши Эвкратид исёни даврига тўғри келса керак. Янги эрадан аввалги, тахминан, 175 йилда Эвкратид, Ҳиндистондаги ҳарбий экспедиция билан банд бўлган Деметрийнинг йўқлигидан фойдаланиб, зўрлик билан Бақтрия давлатини ўз қўлига олади.

Помпей Трогнинг ёзишича, Эвкратид Бақтрия давлатининг тинкасини қуритган «суғдийлар, арахозийлар, драглар, орийлар, ҳиндларга» қарши кураш олиб борган. Шубҳа йўқки, бу хабарни, тахминан ўша вақтларда Кангюй монархияси таркибига кирган Суғднинг ажралиб чиққанлигига ишора, деб англамоқ керак.

Шуниси аҳамиятлики, юнон-лотин манбаларида Кангюй тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган; бу давлат бошқа бир номда тилга олинган бўлса керак, деб тахмин қилиш мумкин, холос. Бу фактни бошқачасига сира изоҳлаб бўлмайди.

Ўз навбатида, хитойликлар ҳам Сюань-Цзаннинг саёҳати ва «Тан сулоласи тарихи»дан аввалги даврга оид бирон бир манбада Хоразмни тилга олмайдилар. («Авесто»да ва сўнги манбаларда келтирилган маълумотларга қўра, Урганч мустақил бир мулкнинг маркази бўлган).

Зардуштийликка оид сўнги манбалар сингари, «Авесто» ҳам Кангюйни «юксак ва муқаддас Кангха» (Ардвисур-Яшт қисмида) дея атайди, Хоразмни ҳам билади (бу ном фақат бир марта, Қуёш маъбуди Митрага бағишланган қасидада қайд қилинади), бироқ уларни турли манбаларда турлича тилга олади (Амударё маъбудаси Ардвисура Анахитага бағишланган қасидада – Кангха; манбада Кангха Урганчнинг ён қўшниси дейилган). «Шоҳнома»да Сиёвуш ўзининг қаҳрамонона ишларини Кангха (Кангдиз, Канги Сиёвахш)да қилган дейилса, Беруний Хоразмда қилган, дейди.

Юқорида баён этилган мулоҳазаларнинг ҳаммаси, шунингдек, талайгина бошқа тафсилотлар «Авесто»даги Кангха билан ўхшаш номга эга бўлган Кангюй Хоразм демақдир, деган хулосага келиш имконини беради. Эронча (ва умумий ҳинд-европача) «Кан» (ўзбек ва тожик тилларидаги «кан» – канал ҳам шундан) ўзаги билан боғлиқ бўлган «Кангха» терминини ҳам, шунингдек, «канал» сўзининг ўзини ҳам «ариқлар ўлкаси» ёки «ирмоқлар ўлкаси», дельта дея таржима қилиш мумкин. Шуниси аҳамиятлики, Сеистондаги Гильменд дельтасининг номи Миёни Кангдир, Хоразмнинг жанубий ғарбидаги, Амударёнинг қадимий Сарикамиш дельтасининг жануб томонидан энг четки ирмоғи ҳозиргача Кангадарё деб, бу ирмоқнинг ёнидаги те-

палик эса Кангагира деб аталади. Кангха Хоразмга нисбатан бир мунча кенгроқ маънони англатиши ҳам мумкин. Дастлаб Хоразмга Амударё дельтасининг фақат юқориги қисми, яъни мамлакатнинг асосий ўзаги киргани ҳолда, Кангха мазкур дарё дельтасининг ҳаммасини, балки ўша замонда бу дарё билан битта умумий тизимга қуйилган Сирдарёнинг дельтасини ҳам англатган. Бироқ бу даврда Хоразм ҳам жуғрофик, ҳам сиёсий жиҳатдан Кангханинг марказига, дельтанинг энг илгор ва қудратли ҳудудига айланади.

Кангха билан Хоразмнинг муқоясаси тадқиқ қилинаётган мамлакатнинг бизни қизиқтираётган даврдаги сиёсий тарихини тиклаш учун ғоят қимматли материаллар беради (ёдгорликларнинг бизнинг томонимиздан қилинган таснифида янги эрадан аввалги IV асрдан-янги эранинг I асрига қадарли бўлган Хоразм маданияти, яъни Жонбосқалъа гуллаб-яшнаган давр «Кангюй маданияти» деб номланади).

Биз Искандар ва Аршак I замонида бўлганидек, II асрда ҳам Хоразм юнон истилочиларининг Ўрта Осиёдаги мулкларига қарши ҳужумнинг раҳбари ва ташаббускори бўлди, деган хулосага келишимиз мумкин. 175 йилдаёқ Хоразм Эвкратидга қарши юриш қилиб, муваффақият қозонади ҳамда Суғд ва Ўрта Сирдарё устидан ўзининг азалий ҳукмронлигини қайтадан тиклайди. Дарвоқе, 140 ва 120 йиллар орасида, массагет қабилаларининг жанубга юриши авжи қизиб турган бир вақтда, Хоразм ўзининг массагетлар иттифоқидаги етакчи мавқеини сақлаб қололмади.

Сеистондаги сакараваклар ҳам, Бақтриядаги тохарлар ва асианлар ҳам ўзларининг мустақил давлатларини барпо қилдилар, бунинг устига, Бақтрия массагетлари, афтидан, Хоразмнинг Суғддаги мулкларига ҳам ҳўжайинлик қилган бўлса керак. Бироқ Хоразм кучли давлат бўлиб қолаверади; у шу қадар қудратли эдики, янги эрадан аввалги 101 йилда Фарғона-Хитой урушига аралашади: шунда хитойлар Фарғона билан

иттифоқдош бўлган Кангюйнинг қўшинлари яқинлашиши билан Фарғона пойтахтини қамал қилишдан воз кечадилар ва тумтарақай бўлиб қочадилар. Янги эрадан аввалги I асрда, яъни Хоразм-Кангюй давлати худди янги эранинг I асри бошидаги сингари, куч-қудратга тўлиб-тошган бир вақтда Кангюйнинг халқаро аҳволи ўзгариб кетади. Бақтрия массагетларининг истило вақтида вужудга келган сиёсий бирлиги чокчокидан сўкилиб кетади. «Кичик ханн сулоласи тарихи»да қуйидаги сўзлар ёзилган: «Юечжининг уйини хуннлар хонавайрон қилгач (янги эрадан аввалги 206–165 йилларда бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида сўз бораётир), у (яъни юечжи) Дахя (Батрия)га кўчиб борди ва беш ҳоким хонадони: Хюми, Шуанми, Гуйшуань, Хисе ва Думига бўлиниб кетди».

Кангюй ва Бақтрия юечжилари ўртасидаги ҳарбий кучлар нисбати ҳам ўзгариб кетади: «Чжан-Цзянь Кангюй лашкари 90 минг кишидан, юечжиларники 100–200 минг кишидан иборат деган бўлса, «Катта ханнлар тарихи»да Кангюй лашкари 120 минг, юечжиларники эса 100 минг кишидан иборат, дея ёзилган.

Хуннлар давлати парчаланиб кетгач (янги эрадан аввалги 48 йилда), хитойликлар Фарбий хуннларнинг Шань-юйи-Чжичжини тор-мор келтирганидан (янги эрадан аввалги 36 йилда) кейин, Кангюйнинг шарқий чегараларида ҳам аҳвол ўзгариб кетади. Юқорида кўриб ўтдикки, Чжан-Цянй даврида бу ерларда Хоразм хуннлар билан шерикчилик қилиб ҳукм суришга мажбур бўлган эди. Янги эрадан аввалги I асрнинг сўнги учдан бирида Кангюй Фарбий хуннларнинг қудратли иттифоқчиси сифатида майдонга чиқади. Хуннларнинг Хитойга қарши курашида бу иттифоқ уларга куч-қувват беради, деб ёзган эди Хитой элчиси Го-Шун.

Бу даврда Кангюй қўли остидаги ерлар македониялик Искандарнинг замондоши – Фарасман босиб ўтган йўллар бўйлаб, шимолий-ғарб томонга қараб жуда кенгайиб кетди. «Кичик ханн сулоласи тарихи»да келти-

рилган, янги эранинг нақ бошларига оид маълумотларга кўра, Кангюй ўша вақтда Шимолий Орол бўйларидан Шарқий Азовга қадар чўзилган олонлар ўлкасини ўз ҳукмронлиги остига олади, ҳатто олонларнинг шимолдаги кўшнилари – янь деган ўрмон қабилаларини (афтидан, бу қабилалар Урал яқинидаги ўрмонларда истиқомат қилганлар) бўйсундириб, уларга мўйна солиғи солади. Эрамизнинг тахминан бошларида Қора денгиз шимолида жойлашган олон қабилалари ғарбга қараб кенг юриш бошлайдилар. Афтидан, бу ҳаракат варварларнинг бир жойдан иккинчи жойга шунчаки кўчиб юришидангина иборат бўлмай, Кангюй-Хоразм ўтказган фаол ташқи сиёсатнинг таркибий қисми бўлган. Шуниси аҳамиятлики, тахминан ўша вақтларда Боспор давлати (Пантикапея-Керчь) тепасига минган аспурғиёнлар «варвар» сулоласининг бошқачароқ бир нусхасидир. Мазкур тамға ва унинг жуда кўп нусхалари бутун Қора денгиз шимолидан топилган, эрамизнинг бошларига оид турли-туман ёдгорликларда сақланиб қолган бўлиб, Шарқий Европа олонлари билан Хоразм ўртасида сиёсий алоқалар бўлганлигидан яққол далолат берувчи ҳужжатлардир.

Хоразм Сиёвушийларининг бизга маълум бўлган қадимги тамғаси шу даврга оиддир. Қиммати 4 драҳмага (9, 32 г) тенг бўлган бу кумуш танга 1940 йили Тупроққалъадан топилган. Танганинг ўнг томонига мунчоқ ёки тўқа билан безатилган думалоқ тож кийган соқолли подшонинг бежирим қилиб ишланган расми туширилган эди. Тож қулоққа ва энсага тушиб турар, пастдан безакли салла ўраб турарди. Бошнинг орқа томонида ғалаба маъбудаси Никанинг чизма тарздаги фигурачаси подшога тожни кийгазиб турган ҳолатда тасвирланган (бу образ янги эрадан аввалги I асрга оид Парфия тангалари учун аҳамиятлидир). Танганинг тескари томонида – тантанали суратда қадам ташлаб бораётган отга минган чавандоз ва унинг орқасида – Сиёвушийларнинг тамғаси.

Теварақда – бузилган юнон ҳарфларидан иборат ёзув. Бу ёзув юқорида номи қайд этилган Юнон-Бақтрия подшоси Эвкратид ёзувлари Улуғ подшо Эвкртидга тақлид бўлса керак. Мазкур ёзув ҳам, танганинг ишланиши ҳам, ушбу нуханинг деталлари ҳам (ромб шаклидаги мунчоқлардан ташкил топган ҳошия) бу тангада (қуйида гапириладиган энг сўнгги Хоразм тангалари сингари) Юнон-Бақтриянинг янги эрадан аввалги II асрга оид танга зарб қилиш услубининг бево-сита давомини кўрамиз, дейиш имконини беради.

Бу тасодифий бир ҳол эмаслиги очиқ кўриниб турибди. Афтидан Кангюйнинг қудратли ҳукмдорлари Юнон-Бақтрия меросининг каттагина улушини қўлга киритиб олиб, ўзларини Юнон-Бақтрия подшоларининг қонуний воситалари деб ҳисоблаган ва буни зарб қилинган тангаларда ҳам таъкидлаб ўтган бўлсалар керак. Бироқ бу тангалар, Бақтрия массагетларининг энг қадимий тангалари сингари, Юнон-Бақтрия намуналарига кўр-кўрона тақлид қилиниб ишланган, деб бўлмайди. Кангюй тангаларида Эвкратид тангаларидаги чавандоз эгизаклар – Диоскурлар ўрнини сулоланинг илоҳий аждоди бўлмиш Сиёвушнинг бадий тарзда ишланган тасвири эгаллаган. Тамға пайдо бўлган. Тасвирларнинг услуги ҳам бошқача, улар қадимги Шарқ бадий анъаналари асосида яратилган бўлиб, бу ҳол тангаларни ишлаган хоразмлик усталарнинг етуклигидан ва бошқаларга тақлид қилмаганлигидан далолат беради.

Энг қадимги Хоразм тангаларининг айна Эвкратид тангаларига ўхшашлиги (Бақтрия массагетлари ўзларининг варварларча тақлидларида кўпроқ Евтидем тангаларига эргашганлар) сулолалар ўртасидаги алоқаларга ҳам боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас, чунки қадимги замонда зарб қилинган аксарият тангаларга ана шу нарса хос. Балки Трог тилга олган «суғдийлар билан уруш» Кангюй билан Эвкратид ўртасида сулҳ тузилиши ва бу сулҳ ўша даврдаги урф-одат-

га кўра, шартлашаётган хонадонларнинг аъзолари ўртасида никоҳ ўқитилиши билан мустақамланган бўлиши мумкин: бунда Эвкратид ўз қизини Хоразм шоҳига ёки унинг ўғлига берган, деб тахмин қилиш ҳақиқатга яқинроқ бўлади, чунки массагетларда матриархал анъаналари сақланиб келаётганлигини ҳисобга олганда, Хоразмнинг бундан кейинги ҳукмдорлари Эвкратиднинг қонуний валиаҳди бўлиш ҳуқуқига эга эдилар. Тупроққалъадан топилган танга номи бизга номаълум бўлиб қолаётган подшо Кангюйга қарашли бўлган, деб тахмин қилсак, янглишмасак керак. Хитой элчиси Го-шун ўзининг ҳисобида Кангюй тўғрисида қуйидагича ёзган эди: «Кангюй мағрур ва дадил бўлиб, биз юборган элчиларга таъзим қилишни сира истамайди: ноибимиз юборган мансабдор шахсларни Усун элчиларидан пастга ўтқазиб қўяди».

Нумизматика материали бизга янги эранинг I асрида авж олган ва Хоразмнинг халқаро мавқеининг тубдан ўзгариб кетишига, унинг қудратли ва мустақил давлат марказидан кушонларнинг улкан Ўрта Осиё-Ҳиндистон империяси тизимидаги қарам давлатлардан бирига айланишига олиб келган сиёсий воқеаларнинг баъзи бир муҳим тафсилотларини белгилаб олиш имконини беради.

Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидан (шимолда Тошкентга қадар) Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистондан нумизматика адабиётига «Герай тангалари» (ёки «Миай тангалари «номи билан кирган талайгина тангалар топилди. Булар тетрадрахма тангалар бўлиб, бир томондан подшонинг бюсти, юз бичими кўзга яққол ташланадиган қилиб ва бош суягининг шакли атайин ўзгартирилиб (сармат даврида даштларда бундай услуб кенг расм бўлган) тасвирланган. Бош кийими – оддий пешонабоғ узун сочларини танғиб турарди.

Тескари томонига чавандоз тасвир этилган танга «номаълум кангюйлик «тангаларига жуда ўхшатиб ишланган эди. Бироқ Никанинг тасвири «номаълум

кангюйлик «тангаларининг ўнг томонида – подшо тас-
вирининг орқасида бўлса, «Герай тангалари»да эса тес-
кари томонда – чавандознинг орқасида эди.

Чавандознинг теварагида: юқорида ТУРANNOVN-
ТОЕ НРАОВ (баъзи тадқиқотчилар МIAOУ деб ўқиш
тарафдори) юнонча ёзув бор. Отнинг оёқлари ораси-
да-ZANAB, отнинг оёқлари тагида КОРРАHОВ ёки
КОРСANOУ деган юнонча ёзув бор.

Тангадаги сўзларни бир-бири билан боғлаганда
шундай маъно чиқади: «Хукмдор Герай (Миай), Са-
наб (*исмининг охири тушириб қолдирилган бўлса ке-
рак – С. Т.*) Кушоннинг (Кушон алифбесидан «Р» ҳарфи
«Р»нинг ўзини ифода қилишдан ташқари, «Р» билан «Ш»
ўртасида турувчи махсус бир товушни ҳам билдир-
ган, кейинчалик бу «Ш» га айланиб кетган (*поляк ти-
лида ҳам «Р» билан «Ж» ўртасида турувчи бир овуш-
ни «В» ифода қилган, кейинчалик бу товуш «ж» га ай-
ланиб кетган – С. Т.*) (тангаси)». Яъни бу сўз Хукмдор
Герай (Миай) Санаб Кушон тангаси (У. Б.).

Янги эрадан аввалги I асрнинг охирларига, яъни
Тупроққалъадан топилган танга билан бир қаторда
қарийб бир даврга мансуб деб ҳисобланаётган «Герай
тангалари» кушонлар номи қайд қилинган энг илк тан-
галардир. Тупроққалъа тангаси билан Герай тангала-
ри ўртасида боғлиқлик борлиги шак-шубҳасиздир. Шу
билан бирга, барча тадқиқотчиларнинг «Герай танга-
лари» тўғрисида айтган фикрларига кўра, Тупроқ-
қалъа тангаси ҳам, «Герай тангалари» ҳам Эвкратид
тангалари билан боғланиб кетади. Тупроққалъадан то-
пилган танга умумий прототипга анча яқин туради,
шу сабабли, «Герай тангалари» бевосита Эвкратид тан-
галарига эмас, балки янги эрадан аввалги I асрга оид
Хоразм-Кангюй тангаларига тақлидан зарб қилинган
деб тахмин қилиш учун ҳамма асослар бор. Унвоннинг
камтарона қайд қилиниши, «улуғ подшо ўрнига «хукм-
дор Герай» (бирон маҳаллий ҳокимнинг унвони бўлса
керак) дея ёзилиши ҳам, ўз навбатида, танга зарб

қилиш борасидаги муносабатни кўрсатади: Герай Кангюй подшоҳининг вассали сифатида танга зарб қилади, ҳақиқатга энг яқин тахмин шуки, кушонлар хонадонининг қадимги маркази Зарафшондаги Кушония бўлган. 140 йил воқеалари даврида Бақтрия истило қилган тохарларнинг (ёки асианларнинг) бир қисми шу ерда қолади; янги эрадан аввалги I асрда, Кангха-Хоразмнинг Суғдга Кангюй подшосининг ҳукмдорлигини тан олади, сўнгра сулоалар ўртасида бўлган никоҳ бу алоқани янада мустаҳкамлайди.

Бироқ кушонлар, Хитой манбаларида ёзилишича, айна вақтда беш массагет ябғуси (массагетларда бошлиққа, кейинчалик подшога берилган унвон, хитойликларда хи-хэу дея ёзилган, қадимги замонда яп-хэу деб талаффуз қилинган, кушон тангаларидаги ҳиндча ёзувларда – явуға) иттифоқига ҳам кирганлар ва Бақтриянинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этганлар. Янги эрнинг I асри бошларида Бақтрияда сиёсий жиҳатдан жипслашувнинг янгича жараёни авж олади. Кушон ябғулари бу жараённинг бошида турадилар.

Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрича, «улуғ кушонлар» нинг биринчиси бўлган Кузула Кадфиз ҳокимият тепасига янги эрнинг 15 йилида (Смитнинг ҳисоблашича, янги эрнинг 45 йилида) келади. Тадқиқотчи Гарннинг Кадфиз Герайнинг ўғли бўлган, деган фикри ҳақиқатга анча-мунча яқин. Агар археолог М. Е. Массон ҳақ бўлса (у 1943 йили Тошкентда бўлиб ўтган этнография конференциясида қилган докладыда, «сотер мегас», яъни «буюк халоскор» деб аталган тангаларни Кадфиз чиқартирган бўлиши керак, деган тахминни олға сурган эди), у ҳолда воқеалар изчиллигининг муҳим босқичларини белгилаб олиш мумкин бўлади.

Кузула Кадфиз Бақтриянинг массагет - тохарлари ерларини ўз қўли остида бирлаштириб ҳамда Хоразм билан вассаллик муносабатларини узиб, «шаҳаншоҳ, буюк халоскор» унвонини олади. Кадфиз ўзининг ер-

ларини қарамликдан халос қилди ҳамда сиёсий жиҳатдан пароканда бўлиб, ўзларининг бир замонлардаги ҳарбий куч-қудратларини йўқотган массагет қабилаларини «халос» қилди, шунинг учун ҳам у икки қатла «буюк халоскор»дир.

Бироқ у пул борасида Герайнинг, яъни Хоразмнинг танга зарб қилиш анъаналарини (чавандоз образи) сақлаб қолади. Шунинг билан бирга қисман, айниқса, тилла тангалар зарб қилишда Рим императори Август чиқарган тилла тангаларга тақлид қила бошлайди (бу даврда Август ишлаб чиқарган нарсалар Ҳиндистонга кўплаб кириб кела бошлайди).

Кадфиз I Суғд ва Бақтрияни бирлаштириб, Ҳиндикуш жанубидаги Парфия ва сак ҳокимларини енгади, Кашмирни ва Қобулдарё ҳавзасини бўйсундиради ва шу тариқа ўз давлатининг чегарасини шимолда Суғддан тортиб жанубда Ҳинд дарёсининг юқори оқимиғача, шарқда Помирдан тортиб ғарбда Парфия чегараларигача кенгайтиради.

Унинг ўғли ва вориси Вима Кадфиз (Кадфиз 2) кўпчилик муаллифларнинг фикрича, 45 – 78 йилларда ҳукмронлик қилган бўлиб, у ўз давлатининг чегараларини янада кенгайтириш мақсадида, Ҳинд дарёси ҳавзасидаги Ҳинд–Парфия ва Ҳинд–Юнонистон давлатларига қарши ҳужумни авж олдириб юборади. Ҳинд–Парфия ҳокимлари I аср охирига қадар Ҳинд дарёсининг қуйи оқимидаги ерларининг қолдиқларинигина сақлаб қоладилар. Жанубда Кушон давлатининг худуди Банорасга қадар чўзилади.

Кадфиз II нинг тангалари илгари зарб қилинган тангалардан тамомила фарқ қилади. Тангаларнинг тескари томонида ҳинд худоларининг тасвири (Шива ва унинг Нанди деган хўкизи) пайдо бўлади. Подшо Кузула Кадфиз тангаларидагидан кўра тамомила бошқача талқин этилган: қадимги бюст ўрнини варварларча кийинган – скифларнинг узун кулоҳини ва узун чакмонини кийган соқоли подшонинг ўтирган ёки

тик турган ҳолатдаги тасвири эгаллаган. Борган сари ҳинд монархларига айланаётган кейинги Кушон подшолари ҳам танга зарб қилиш борасида ана шу образларни маҳкам «тутиб» қоладилар. Пешовар шаҳри бу подшоларнинг пойтахти бўлади.

Кангюй – Хоразмнинг Кушон давлати таркибига кириш вақти ҳамда шарт-шароити ноаниқдир. Манбаларда кушонларнинг Ўрта Осиё шимолий қисмини истило қилганлиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Айни вақтда Вима Кадфиз ҳамда унинг ворислари – Канишка, Хувишка ва Васудевлар даврида зарб қилинган тангалар янги эранинг I-II асрларида Хоразмда маҳаллий тангаларни муомаладан сиқиб чиқаради. Бу Хоразмнинг Кушон давлати таркибига кирганлигини яққол кўрсатувчи ҳужжатдир.

Шуниси аҳамиятлики, «Ханларнинг кичик хонадони» тарихида (Хитой, янги эранинг I, II асрлари) «Фарбий ўлка» давлатлари тасвирланар экан, унда Кангюйга алоҳида бир боб ажратилмаган, шу билан бирга биз кўриб ўтганимиздек, шимолда Қора денгизнинг шимолий шарқида ва Жанубий Урал яқинида Кангюйнинг сиёсий фаоллиги ошганлиги тўғрисида гапирилади. Менинг ўйлашимча, бунинг сабаби шуки, Кангюй ўзининг Хоразмдаги асосий негизини ҳамда шимолдаги ерларини сақлаб қолиб, шимолда фаол сиёсат юргизишни давом этдириб, айни вақтда қадимги массагет иттифоқининг аъзоси сифатида расман Кушон империяси таркибига киради. Бу империяга бошқа марказ бошчилик қилмоқда эди.

Шу тариқа, янги эранинг I асри ўрталаридан тортиб, афтидан, то II аср охирларига қадар бўлган даврни Хоразм тарихининг Кушон даври дея аташ мумкин. Ҳозиргина қайд қилинган тангаларга қараб ҳукм чиқарганимизда, III асрга келиб Хоразм ўзининг сиёсий мустақиллигини тиклаб олади.

Кадфиз II нинг вориси – Канишка (энг кенг тарқалган йил ҳисобига кўра, 78 – 123 йилларда яшаган) дав-

рида Кушон империясининг куч-қудрати ниҳоятда авжига миноси ҳамда Рим, Парфия ва Хитой билан бир қаторда, ўша даврнинг тўртта энг улуг давлатларидан бирига айланади. Канишка ўзининг Шимолий Ҳиндистондаги ерларини кенгайтиради ва мустақамлайди. Парфияга қарши урушда муваффақият қозонади, Шарқий Туркистоннинг ишларига фаол суратда аралашади.

Канишканинг шимолий шарқда ўз ҳукмронлигини ўтказишга қаратилган биринчи уриниши муваффақиятсизликка учрайди. 90 йилда Канишка Хитой маликасини хотинликка олиш истагини билдириб, Хитой саройига элчилар юборганида, хитойликларнинг «Фарбий ўлкаси»нинг ноибни Кушон элчиларини қамоққа олади. Хитойликларнинг бу хатти-ҳаракатига жавоб тариқасида Шарқий Туркистонда 70 минг кишилик Кушон армияси пайдо бўлади. Бироқ машҳур Хитой лашкарбошиси Баньчано кушонларни тор-мор келтиради, уларнинг Ўрта Осиёдаги мулклари – Фарғона ва Кангюйга бостириб киради ҳамда Хитой императорини ҳукмрон деб танишга (албатта, фақат номигагина) Канишкани мажбур қилади. «Ўша вақтдан бери, – деб ёзади хитой солномачиси, – юечжилар ҳар йили хирож ва совғалар юбориб турадилар». Бироқ амалда вазият чаппасига ўзгариб кетди. Баньчанонинг ажойиб ғалабаларидан кейин Хитойнинг Шарқий Туркистон устидан қилиб келган ҳукмронлигига батамом чек қўйилди. Бу истеъдодли лашкарбоши 102 йили 71 ёшида вафот этганидан сўнг Хитой ўзининг фарбдаги манфаатларини ғоят фаол суратда муҳофаза қилувчи кишидан айрилди. Хитойнинг сиёсий жиҳатдан ичидан бўшашиб кетиши натижасида ҳамда Шарқий Туркистоннинг ўзига мустақил шаҳар-давлатларидаги подшочаларнинг саройларида Канишка эмиссарларининг (*сиёсий ёки давлат ташкилоти томонидан махфий топшириқ билан чет мамлакатларга юбориладиган киши – У. Б.*) авж олиб кетган фаолият-

лари туфайли кушонлар Шарқий Туркистон давлатларини гиж-гижлаб Хитойга қарши қўзғолон кўтартириш учун қулай имкониятга эга бўлдилар. 105 йили бу давлатларнинг ҳаммаси ўзларини Хитойдан мустақил деб эълон қилдилар.

Қўзғолончилар 107 йили Хитой ноибининг қароргоҳини эгаллаб олганларида, ҳукумат умуман ноиблик мансабини бекор қилишни лозим топди.

123 йилда фақат Дуньхуандагина уч юз кишидан иборат жуда кичик Хитой гарнизони сақлаб қолинди. Канишка ҳукмронлигининг охирларига келиб Қашқар, Ёркент ва Хўтан унинг давлати таркибига кирди ва шу тариқа бу давлат Ҳинд дарёсининг қуйи оқимидан Хўтангача ҳамда Орол денгизидан Банорасгача чўзилиб кетади.

Канишка ўзининг ҳукмронлик даврида фақат истилочилик қилган экан, дея тушунмаслик керак. У қурилиш ишларини ниҳоятда авж олдириб юборади. Шимолий Ҳиндистонда бир қанча шаҳарлар барпо қилдиради, шулардан бири (Каниспор) ҳозир ҳам Канишканинг номидадир. Мамлакатнинг турли жойларидан топилган зафарномалар Кушон ҳукуматининг сиёсий таъсирини оширмақ мақсадида ўйлаб чиқарилган. Ўлканинг иқтисодий ва сиёсий алоқалари кучаяди. 99 йили Кушон элчилари Римга бориб келади. Кушон давлати ҳудудида кўплаб Рим тангалари топилган. Кушон тангалари Прикамьегача бориб етади. Бундан илгари ва кейин бўлгани сингари, мазкур савдо алоқалари ҳам Хоразм орқали амалга оширилган.

Канишканинг дин соҳасидаги сиёсати жуда қизиқарлидир. Будда анъанасида Канишка Ҳиндистонда буддизмнинг тарқалишига катта ҳисса қўшган Маурья деган қадимги ҳинд сулоласининг энг йирик вакили Ашока билан бир қаторга қўйилади. Шимолий буддизм ақидаларининг шаклланишида катта роль ўйнаган будда кенгашини (аксар мутахассисларнинг фикрича, бу кенгаш янги эранинг 100 йилида бўлган)

чақириш ташаббускори ҳам Канишка бўлган, дея тушунилади.

Бу жиҳатдан Канишканинг тангалари айниқса ибратлидир. Тангаларнинг тескари томонига турли маъбудларнинг тасвири туширилган бўлиб, уларни таққослаш орқали биз Кушон давлатидаги ҳукмрон табақаларнинг диний синкретизмидан (*бирор нарса ёки ҳодисанинг бир-бирдан ажралмаган, ибтидоий аралаш-қуралаш ҳолати – У. Б.*) воқиф бўламиз. Кушон-маъбудалари ичида Буддани, ҳиндларнинг Шивасини, юнонларнинг Гелиосини ва Селенасини (Қуёш ва Ой маъбудлари), зардушт динидаги Митра (Қуёш), Мао (Ой) ва Артоаспани (сув маъбуд), сомийларнинг (Жанубий-Ғарбий Осиёда ва Шимолий Африкада яшган ва ҳозирда ҳам яшаб турган, тиллари бир-бирига яқин бўлган бир неча халқларнинг умумий номи. Сомийларга (*ҳозирги халқлардан араблар, яҳудийлар ва сурияликлар киради – У. Б.*) ҳосилдорлик маъбуди Нанайни кўрамиз. Маҳаллий ҳинд, юнон ва кушонларнинг ўз ватанларидан олиб келган Ўрта Осиё – зардушт диний маросимларининг қўшилиб кетиш жараёнини акс эттирувчи ҳамда ўтган даврнинг идеологик тарихини бамисоли яқунловчи бу синкретизмни энг сўнги, «Катта арава таълимоти (Магаяна)» номли Тибет, Мўғулистон ва Хитойда тарқалган ўта синкретик шимолий буддизм ривожининг боши дея ҳисоблаш мумкин.

Кушонларнинг Шарқий Туркистонда ҳукм суриши туфайли, бу ўлкада буддизм бир неча асрлар давомида етакчи мавқени эгаллаб келди. Кушонлар даврида ҳам, ундан кейин (то араблар истилосига қадар) ҳам буддизм Ўрта Осиёда кенг расм бўлган. Ниҳоят, буддизм Кушон империясидан Хитойга ўтиб, бу ерда ёйилади.

Янги эранинг 147 йилида будда динига оид энг муҳим асарлардан бири – Ами таба Сутранинг «катта юечжилар» ўлкасидан Хитойга келтирилганлигини ҳамда Кушон миссионерларининг (*диний тарғибот*

олиб бориш учун бирон мамлакатга юборилган шахс –У. Б.) фаолиятлари туфайли буддизм дастлаб император Хуан-ди (146 – 167 йиллар) саройида кенг ёйилганлигини биламиз.

Шуниси аҳмиятлики, янги эранинг айни I, II асрлари қадимги дунёнинг тўрттала улуғ давлатида «империя динлари» (Рим империясида христианлик, яъни ислоҳ қилинган синкретик юдаизм, Парфияда ислоҳ қилинган зардуштийлик, Кушон империясида ва Хитойда ислоҳ қилинган синкретик буддизм) ёйилган бир вақт бўлди. Мазкур динлар маҳаллий шаҳар-давлатларнинг қадимги диний мафкурасига қарама-қарши ўлароқ, кўпхудоликка топинишни тарғиб қилар эди. Бу диний мафкура қабила ва тоифаларнинг маҳаллий диний маросимларига қарши бўлиб, уларни ягона синкретик тизимга қўшиб, унга сингдириб юборишни кўзда тутарди. Ушбу диний тизим эса пайғамбар ёки диннинг бошқа бирон нуфузли кишиси орқали империя бирлашмасини муқаддаслаштириши керак эди. Шу жиҳатдан олганда, Канишка ўтказган ислохотларни катта тараққий аҳамиятга молик бўлган иш дея ҳисобламоқ керак.

Ўрта ва Узоқ Шарқ тарихида Кушонлар даври Кушонлар давлати тизимига кирган ва унинг таъсирида бўлган халқларнинг бадий маданияти ниҳоятда ривожланган бир давр бўлди. Бу даврдан бизгача кўплаб етиб келган меъморий ва скульптура ёдгорликлари Шимолий Ҳиндистон ҳудудида, Қобул дарёсининг водийси ва Бақтриядан (Амударё юқори оқимининг Афғонистон томонидаги, шунингдек, бизнинг мамлакатимиз ҳудудидаги қирғоғидан) топилган.

Ушбу санъатнинг аксарият обидалари Гандхар деган жойдан топилди ва ҳаммадан олдин ана шу ерда ўрганила бошлади, шу сабабли у махсус адабиётларда Гандхар санъати деб ном олди. Ҳайкалтарошликнинг юмалоқ шакли ва амалий санъатнинг аъло сифатли буюмлар билан биргаликда, бу санъатда меъморчи-

лик деталлари, фризлар (бино деворининг безак тушириладиган юқориги қисми – У. Б.) ва деворларнинг юзасини безаш учун турли тасвирий воситалар кенг қўлланилган бўлиб, уни кейинги элин санъатининг Ўрта Осиёча – Ҳиндистонча варианты, мумтоз юнон ва маҳаллий формаларнинг синтези деб ҳисоблаш мумкин. Бу ўринда биз тасвирлар қадимий реализмнинг ҳамда Коринф (қадимги Юнонистондаги шаҳар – У. Б.) капителлари (устуннинг шипга туташган юқори қисми-устун қоши – У. Б.) ва аканф (айиқтовон деган чиройли ўсимлик баргларига ўхшатиб туширилган меъморий безаги – У. Б.) баргларининг скульптура нақшининг асосий элементлари сифатида Шарқ техникаси билан қўшилиб кетишини кўрамиз. Аксарият тасвирларнинг мавзуи будда динига алоқадор. Кушонларнинг Гандхар санъати Узоқ Шарқ мамалкатлари – Хитой, Япония, Ҳинди-Хитой ва Индонезиянинг бадий маданиятига жуда катта таъсир қилди. Бу мамлакатларда Гандхар мактабининг анъаналари бутун ўрта асрлар мобайнида давом этиб, то бизнинг кунларимизга қадар сақланиб келмоқда. Қадимги Бақтриянинг бизнинг ҳудудимиздан топилган Гандхир услубидаги ёдгорликлар ичида эрамизнинг дастлабки асрларига мансуб бўлган ажойиб скульптура белгисини кўрсатиб ўтмоқ керак. Бунда созандаларнинг тасвирлари жуда бўрттириб ишланган бўлиб, уларни бир-биридан анъанавий аканф барглари ажратиш турарди. Бу ёдгорликни профессор М. Е. Массон Термиз шаҳри яқинидаги Айритомдан топди ва текширди.

5

Кушонлар давридаги Хоразмдан бир талай ёдгорликлар сақланиб қолган. Булар ичида Аёзқалъадан топилган қишлоқ харобалари мажмуи айниқса аҳамиятлидир. Деҳқончилик билан шуғулланган қўрғонлар-

дан биридаги қазиб очилган уйнинг маданий қатламида топилган иккита Канишка тангаси бу харобаларнинг янги эранинг I аср охирлари ва II аср бошларига мансуб эканлигини очик кўрсатиб турарди. Теварак-атрофдаги тақирлардан ҳам II асрга оид кўпгина тангалар топилди. Ушбу тангалардан баъзилари Хоразм тангаларига ўхшатиб зарб қилинган: сиёвушийлар тамғасининг лотинча «С» ҳарфи шаклидаги юқориги қисми бор эди.

Кушонларнинг шаҳар ва қишлоқлари Кангюй давридаги шаҳар ва қишлоқлардан тубдан фарқ қилади. Юқорида айтганимиздек, Кангюй қишлоқлари деганда кўз ўнгимизга Чарманёбдаги Қўнарлиқалъа сингарии улкан, кўп хонали ва жуда мустаҳкам жамоат массив-уйлари ҳамда моҳият эътибори билан шундай массив-уйларни бирлаштириб юборишдан ҳосил бўлган Жонбосқалъа тоифасидаги кўплаб шаҳарчалар келади. Шуниси аҳамиятлики, Кангюй даврида аристократларнинг уйлари оддий эркин жамоат аъзоларининг уйларидан кескин суратда ажралиб турмайди. Эркин жамоа доирасида табақаларга ажралиш, шубҳасиз бўлган, бироқ моддий обидалардан бу ажралишни фарқлаб олиш қийин. Чунки, бу даврда ибтидоий демократик анъаналар анча кучли эди. Шаҳарнинг маркази подшоёки ҳокимнинг саройи эмас (бу сарой қулдорлик давлати эркин фуқаролари жамоаларининг баҳайбат уйжойлари ўртасида унчалик ажралиб турмаган), балки жамоага қарашли «оташхона» бўлган.

Бу ижтимоий ҳолат, маълум маънода (албатта, Шарқнинг ўзига хос хусусиятини назарда тутмоқ керак), бизга қадимги Юнонистоннинг қулдорлик демократиясини ва қисман Рим республикасини эслатади.

Кушонлар Хоразмнинг Аёзқалъа қишлоғи ва йирик Тупроққалъа шаҳари (*китобимизнинг бундан кейинги бобини ана шу шаҳарнинг тавсифига бағишлаймиз*) сингарии баҳайбат ёдгорликларида аҳвол тамомила ўзгариб кетади.

Аёзқалъа – кенг текисликда, Аёзқалъа қояларининг этагида ястаниб ётган истеҳкомсиз улкан деҳқон қўрғонлари мажмуи бўлиб, пастак гиштин девор билан ўраб олинган каттакон қўрадан иборатдир. Бир замонлар қўранинг ўрнини боғлар ва полизлар эгаллаганидан бўлса керак, бу ерда иморат излари йўқ эди.

Қўра деворларидан бири яқинида унча катта бўлмаган бино, 10-15 хонадан иборат бўлган одам яшайдиган уй бўлган. Нисбатан анчагина кичик бу уйни Кангюй деворининг баҳайбат массив-уйлари билан сира таққослаб бўлмайди. Уруғ жамоасидан аллақачон ажралиб чиқиб, алоҳида бўлиб олган патриархал оила ана шу жойда истиқомат қилган.

Қарийб бир хил бўлган талайгина қўрғонлар ичида учтаси алоҳида ажралиб турарди. Булар ичида, аввало, улкан Аёзқалъа-3 ни тилга олмоқ керак. Бу қалъа Хоразмнинг қадимги шаҳарлари деворларидан қолишмайдиган буржли забардаст девор билан қуршаб олинган жуда кенг ва бўм-бўш қўрадан иборат бўлиб, дарвоза олди лабиринти ҳам бор эди. Қалъанинг шимолий шарқий бурчаги яқинида бут шаклида кесишган иккита йўлақдан ва бири иккинчисидан сал катта ёки кичик 40 та хонадан иборат бўлган уйнинг харобалари ётарди.

Худди шунга ўхшаш баҳайбат қўрғон қалъанинг шимолий ғарбий бурчагида ҳам бор эди. Аёзқалъа тепалигининг этагида қад кўтариб турган конуссиммон қоя тепасида Аёзқалъа-2 нинг кишида кучли таъсир қолдирадиган харобалари ётарди. Ушбу қалъа V, VII асрларда модернизация қилинган, бироқ Кушон даврига келиб тикланган.

Ниҳоят, ҳамма ёдгорликлардан юқорида, Аёзқалъа ясси тоғлигининг аҳоли яшайдиган жойга туташиб кетган ўпирилмада жуда яхши сақланиб қолган Аёзқалъа-I нинг улуғвор ёдгорликлари ётарди. Бу қалъанинг ярим доира шаклидаги кўплаб буржлари, буржлар билан истеҳкомланган дарвоза олди лабиринти, девор-

ларининг пастки қисми ичида қуббали тор йўлаги, марказида қояни ўйиб қазилган каттакон қудуғи бор эди, бироқ девор ичида иморат қолдиқларидан асар ҳам йўқ эди.

Аёзқалъа-I дан бир неча юз метр нарида қадимий соқчилик минорасининг қолдиқлари ётарди. Бизнинг олдимизда турган нарса шаҳар ҳам, қишлоқ ҳам эмас, балки том маънодаги қалъа бўлиб, унда Кушон давлатининг унча катта бўлмаган гарнизони ўрнашган ва империя шимолий чегарасининг бир қисмини назорат қилиб турган бўлса керак.

Бутунича олганда, Аёзқалъа мажмуаси Кушон империясининг шу маҳалгача пинҳон бўлиб келган томонини – унинг ички, ижтимоий-иқтисодий тарихини ойдинлаштириб беради. Бу ўринда биз қулдорлик давлати эркин фуқароларининг анъанавий уруғчилик жамоаси бузилиб, айрим патриархал қулдорлик хонадонларига бўлинишининг ва бу хонадонлардан сони кам, аммо қудратли заминдор аристократия ажралиб чиқишининг шоҳиди бўламиз. Шаҳар жамоаси суверинети ўрнини империя суверинети олади: бу вақтга келиб воҳа чегараларини дашт қабилалари ва адоват қилувчи давлатлардан (хитойликларнинг Баньчао қўли остидаги қўшинлари Кангюй ҳудудининг жуда ичкарисигача кириб борганлиги китобхоннинг ёдида бўлса керак, агар Хитой солномачиларининг сўзлари тўғри чиқса, у ҳолда бу қўшинлар Орол денгизигача етиб борган бўлади) истеҳкомсиз, чала мустақил шаҳарлар эмас, балки марказий ҳукумат томонидан барпо қилинган ҳамда империя доимий армиясининг гарнизонлари ишғол этган қалъалар ҳимоя қилади.

Шунга ўхшаш жараён Хоразмнинг Кушон даврига мансуб шаҳарлари учун ҳам хосдир. Эндиликда Тупроққалъанинг маркази шаҳарнинг оташхонаси эмас. Оташхона уч буржли баҳайбат қалъа саройининг этагидаги бир жойида қолиб кетади. Дарвоқе, шаҳарларда эски анъаналар кўпроқ сақланиб қолган

– шаҳар, худди аввалгидек, жамоа эркин фуқарола-рининг улкан массив-уйларидан иборат. Бироқ та-рихдан маълумки, қадимий Ўрта денгизда, Рим им-периясида ҳам янги ижтимоий тузумнинг куртакла-ри қишлоқда пайдо бўлган, қишлоқ консерватив ша-ҳар жамоасини орқада қолдириб кетади. Ҳоразмнинг эски шарқий қулдорлик тузуми ўз умрининг сўнгги асрларини бошидан кечиради. Кушон империясида мафкуравий тарих, дин ва санъат соҳаларида рўй берган, юқорида қайд қилинган жараёнлар Хоразм-нинг Кушон даврига оид ёдгорликларида кенг қўлам-да акс этган.

Ҳайкалчаларнинг аҳамияти ўзгариб кетади. Янги эранинг I, II асрларига оид талайгина сўнгги қадимий ҳайкалчаларда аёлларнинг турли-туман тасвирлари акс этдирилган. Булар дабдабали узун кийим кийган эмас, балки яланғоч бўлиб, Венера Медицейская учун аҳамиятли ишора билан ҳиндча билакузук таққан эди. Ҳайкалчаларнинг бир қисми кийинган, бироқ улар-нинг эгниларида Кангюй маъбудасининг узун кўйла-ги эмас, балки Гандхар скульптурасининг қадимги кийими бор эди. Ўтирган ҳолатдаги яланғоч эркак ҳай-калчалари ҳам бизни будда образлари доирасига олиб киради. Ҳинд санкттуарийларининг («ступ») – Хоразм анъанасига ёт бўлган маймунлар жажжи тасвирининг пайдо бўлиши ҳинд-будда таъсиридан далолат бера-ди.

Юнон маданиятининг Хоразмга таъсири, Суғдда бўлганидек, бевосита юнон-македон истилочилари орқали ўтмади. Фақат эрамизнинг бошларидагина ҳинд бадий анъаналари ва будда диний образлари билан бирга Кангюй давлатининг қадимий метропо-лиясига (*босиб олинган мамлакатларни эксплуатация қилувчи давлат – У. Б.*) элин маданиятининг эле-ментлари кириб келади.

Кушон империяси нисбатан унчалик узоқ яшама-ганлигини биз биламиз.

Канишканинг II аср учинчи чорагида ҳукм сурган ворислари – Хувишка ва Васудева ҳукмронлигидан кейин Ўрта Шарқнинг қадимги империяси чуқур инқироз даврига қадам қўяди. Кейинги подшоларнинг ҳукмронлик қилган йиллари хронологияси, ҳатто подшолар рўйхати учун биз мутлақо қоронғи бўлиб, мутахассисларнинг бу хусусдаги фикрлари бир-биридан тамомила фарқ қилади, чунки уларнинг қўлида саналарини аниқлаш жуда мушкул бўлган нумизматика материалигина бор эди, холос.

Учинчи асрда Кушон ҳукмдорлари Ҳиндистондаги мулкларининг талайгина қисмидан ажраладилар, фақат Қобул дарё ҳавзасидагина ҳукмронликни ўз қўларида мустаҳкам сақлаб қоладилар. Хоразмнинг нумизматика материалига қараганда, янги эранинг II ва III асрлари чегараларидаёқ хоразмшоҳлар ўз тангаларини қадимги Кангюй тангаларидан намуна олиб зарб қила бошладилар ва бу билан «Муқаддас Кангха»нинг суверинетети тикланганлигини, шунингдек, қадимий сиёвушийлар сулоласининг аънаалари изчил ва ворисликка асосланган эканлигини таъкидламоқчи бўлдилар.

Юқорида қайд қилинганидек, II асрдаёқ хоразмшоҳлар кушон тангаларининг ҳар икки томонига ўзларининг «S» симон тамгаларини туширадилар. II асрнинг охири ва III аср бошларига келиб подшо Арсамух I ва унинг хотини зарб қилдирган тангалар пайдо бўлади, бу аёл тангаларга ўз қаллигининг исмини ёздирган. Булар хоразмча хат туширилган энг дастлабки тангалар бўлиб, Хоразм ёзувининг энг қадимий ёдгорлигидир.

Бизнинг экспедициямиз олиб борган ишлар туфайли биринчи бор маълум бўлган Хоразм алифбеси Аҳмонийлар империясида Аҳмонийлар идораларининг (бу идораларда суриялик хаттотлар хизмат қилганлар) оддий хати сифатида кенг тарқалган қадимги Сурия, оромей ёзувига жуда яқиндир. Форсча хатти миҳий

(ҳарфлари пона ёки михга ўхшаган хат – У. Б.) ёзувлари айрим зафарномалардагина ишлатилган. Эрон ва Ўрта Осиёнинг турли-туман алифбелари – аршакий паҳлавийлари ва сосоний паҳлавийлари (ёки форсийлар) нинг алифбелари, «Авесто» алифбеси, Суғд алифбеси ва унинг Марказий Осиё ва Узоқ Шарқдаги кейинги уруғлари – уйғур, мўғул ва манчжурия алифбелари, Бухоро ва Усрушоннинг (Ўратепа тумани) Суғд алифбесидан фарқ қиладиган алоҳида бир алифбелари ўз шажараларини оромей ёзувидан бошлайдилар. Хоразм алифбеси Аҳамонийлар давридаги мумтоз оромей алифбесига бориб тақалувчи мустақил бир тармоқни ташкил этади. Бу алифбеда оромей анъаналари юқорида санаб ўтилган алифбеларнинг ҳаммасидагидан кўпроқ сақланиб қолган бўлса керак.

Арсамух тангаларида (11.75 граммлик тетрадахмалар) узун бош кийимли ва соқолли подшо тасвирланган. Танганинг тескари томонида анъанавий «Хоразм чавандози», унинг орқасида «S» симон тамға бор. Юқори қисмида тамомила ўзгариб кетган юнонча ёзув бўлиб, унинг бузилиб кетган «подшо» деган сўз эканлигини базўр ажратиб олиш мумкин.

Пастдаги хоразмча белгилар қўйилган ёзув – WṛqḥWmṛḥMK – «подшо Арс (a) мух» дея ўқилади.

Арсамух сўзи зўр қизиқиш туғдиради. Бу сўз осетинлардаги нарт эпосининг энг қадимги қаҳрамонларидан бири бўлмиш Урузмагнинг исмига жуда яқиндир. Маълумки, қолдиқлари Жанубий Хоразмда XIII-XIV асрларга қадар сақланиб келган Хоразм тили осетин тилига ниҳоятда яқиндир. Хоразм тили осетин ва суғд тиллари билан бирликда ҳинд-европа тилларининг қадимги массагет ва скиф (сак) тиллари чатишиши асосида вужудга келган ва «Шимолий Эрон» деб аталган, тўғрироғи, сак-сармат деган гуруҳига кирди. Тадқиқотчи Хенингнинг фикрича, у суғд тилидан кўра осетин тилига хийла яқинроқдир. Шу жиҳатдан олганда, нарт эпоси билан Хоразм сулоалари тарихи-

га оид атоқли отларнинг бир-бирига яқинлашиб келиши зўр қизиқиш уйғотади ва алоҳида текширишни талаб қилади.

Арсамухнинг ворисларидан бири Вазамар бўлиб, ундан нафис кумуш тангалар қолган. Ушбу тангаларнинг ўнг томонида тахминан III асрнинг биринчи ярмида ҳукм сурган подшо бургут тарзидаги ўзига хос дубулға кийган узун соқоли киши сифатида тасвирланган. Бургутсимон дубулғани бошқа бир ҳукмдор ҳам кийган, бироқ унинг исмини ўқишга муваффақ бўлмадик. Арсамух ворисларининг тангаларида янги эранинг VIII ва IX асрлари чеграсига қадар ҳукм сурган сўнгги Хоразм сиёвушийларининг ҳаммаси учун хос бўлган «S» шаклидаги сиёвушийлар тангасининг белгиси пайдо бўлади. Афтидан, тамғанинг тагидаги белги («S») сиёсий мустақиллик тўғрисидаги тасаввур билан бирон бир равишда ҳамоҳанг бўлиб пайдо бўлган, бу таг белги кушонларнинг тамғалари учун ҳам хосдир. Ҳар ҳолда, Вазамар кушонларнинг қобуллиқ ворислари қарамлигидан (бу даврга келиб мазкур қарамлик фақат номигагина давом этиб келаётган эди) батамом қутулган бўлиши керак.

III асрнинг ўрталари – бутун Ўрта Шарқда катта сиёсий ўзгаришлар рўй берган бир давр бўлди. Инқирозга юз тутган давлат фақатгина Кушон империяси бўлмасдан, айна вақтда Парфия аршакийларининг ҳам ҳокимияти қулайди. Эронда давлат тепасига Форсдаги Истахра коҳин-ҳукмдорлари – сосонийлар келади. Аршакийларнинг сўнггиси – Артабон V тор-мор келтирилгач ва ҳалок бўлгач, 224-226 йилларда Папакнинг ўғли сосоний Ардашер Парфиянинг ҳамма мулклари устидан ҳукмрон бўлиб олади.

Форс тарихий ривоятларида (апокрифик *христиан ва яҳудий динларида расмий диний доиралар томонидан рад этилган қадимги диний китоблар ва афсоналар* – У. Б.) характердаги «Тансор хати»да ва 10 аср тарихчиси Таборий асарларида қайд қилини-

шича) Ардашер Шарқда кенг кўламда босқинчилик сиёсатини олиб борган, дейилган. Таборийнинг ёзишича, «Ардашер Балх ва Хоразмга қарши, Хуросоннинг энг чекка чегараларига қадар юриш қилди». «Кушон подшосининг, Турон (?) ва Мекрон подшосининг элчилари унинг ҳузурига итоаткорона бўйин эгиб келишди».

«Тансор хати»да Хоразм бевосита сосонийларнинг мулклари қаторига киритилган.

Сосоний Нарсе (293 – 302)нинг Пойкўлидан топишган ёзувида қайд қилинишича, унга «кушонлар подшоси, Рим цезари (!) ҳам, Хоразм подшоси ҳам» итоат қилган. Бу фикрни жуда бўлмаганда муболаға деб ҳисоблаш мумкинлиги манбадан яққол сезилиб турибди. Бизнингча, мазкур манба шундан далолат берадики, ёзув муаллифи Хоразмни ўша даврнинг энг улур давлатларидан бири дея ҳисоблаган бўлса керак.

Афтидан, дастлабки сосонийлар, Кушон ерларининг бирон бир қисмини, ҳар ҳолда, кўлга киритган бўлсалар керак; сосонийлар ҳокимияти Балхга қадар чўзилган деган фикрни ҳам эҳтимолдан холи деб бўлмайди. Чунки, дастлабки сосоний тангалари Суғд бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, Тошкентга қадар етган. Қобулнинг кейинги Кушон шоҳларининг ва бухорхудотларнинг тангаларида сосонийларнинг белгилари акс этган.

Бироқ шу нарса ҳам шубҳасизки, Хоразмнинг сосонийларга тобелиги «Рим цезари» мулкларининг тобелигидан ортиқ эмас эди.

Биз Хоразмдан топган юз-юзлаб тангалар ичида сосонийларнинг фақат биттагина мис тангаси кўлимизга тушиб қолди. Хоразм подшоларининг тангаларида то VIII асрга қадар уларга хос қадимий белгилар сақланиб қолади. Сосонийлар тангаларининг асосий белгиси бўлган ўт фидойиси Суғд, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг турли вилоятларида зарб қилинган тангаларда акс этган бўлса-да, у «Хоразм чавандози»ни си-

қиб чиқара олмади. То VIII асрга қадар Хоразм тангаларининг эски Юнон-Бақтрия тоифаси ва сиёвуший белгилари ўзгаришсиз сақланиб қолади. III асрда рўй берган сиёсий ларзалар натижасида Ўрта Шарқнинг иккита қадимий империяси (қадимий Хитой империяси ҳам шу асрда қулайди) барбод бўлди, бироқ Хоразм давлати емирилгани йўқ. Аксинча, Хоразм ўз рақибларининг кучсизланганидан фойдаланиб, III асрда бутун дунёга раҳбарлик қилишга интилган бўлиши керак, дея тахмин юритишга ҳамма асослар борлигини қуйида кўриб ўтамиз. Бироқ шунда ҳам йирик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар рўй бердики, уларга китобимизнинг 8 бобида қайтамиз.

7-БОБ. УЧ МИНОРАЛИ ҚАЛЪА ХАЗИНАЛАРИ

1938 йил октябрида, очиқ ҳаволи оқшомлардан бирида бизнинг кичкина кузатувчи гуруҳимиз кушонлар даврига оид Аёзқала-I нинг деворларига чиқди. Олтмиш метр баландликка эга бўлган бу деворлардан кўзимиз ўнгида босиб ўтилган ва энди ўтилиши лозим бўлган йўлнинг кенг манзараси намоён бўлди. Жануб ва шарқдаги харобаларнинг бизга таниш бўлган силуэтлари билан бир қаторда, узоқ ғарб томоннинг уфқида, унумсиз тақирлар, қум ва шўрхоқларнинг кафтдек текислиги ортида, шимолий чеккасида уч буржли баҳайбат қалъаси бўлган улкан харобаларнинг майдони намоён бўлди. «Бу қандай қалъа экан?» – дея сўрадим мен йўл бошловчимиздан, «Бу – Тупроққалъа. Унинг ҳеч бир қизиқарли жойи йўқ», – деган қисқагина жавоб бўлди. Эртаси кuni бизнинг карвонимиз «қизиқарли жойи йўқ» бўлган қалъага етиб келди.

Гиёҳ унмайдиган теп-текис Аёзқалъа тақирларини босиб ўтгач, Тупроққалъага борадиган йўлнинг ярмига келганда биз Тупроққалъанинг қўпчиган шўрхоқлардан иборат ғамгин ва ҳаёт нишонаси бўлмаган те-

кислигига қадам қўйдик. Қорамтир-кулранг тусдаги ғадир-будир шўрхоқ пардаси туз еб, ишдан чиқарган юмшоқ тупроқ қатламини қоплаб олган бўлиб, туяларнинг оёғи бу тупроққа тўпифигача ботиб кетар ҳамда катта-катта ва эгри-бугри доғлар қолдирарди. Сирти шўрхоқ пардаси билан қопланган ва устида қуриб қолган бир тутам бутаси бўлган конус шаклидаги қум тепачалари қора шўрхоқларнинг ўлик манзарасини янада ғамгинроқ кўрсатиб турарди.

Қальанинг бу ер яқинидаги Султон Увайсдоғ тоғларига қараган шимолий бурчагига етиб келганимизда қуёш ботган эди. Султон Увайсдоғнинг гоҳ кулранг, гоҳ қорамтир-яшил рангдаги жарлик ва тизмалари ёнма-ён чўзилиб кетган бўлиб, бамисоли зинапоя сингари, борган сари кўтарилар ва арранинг тишига ўхшаш қоялар билан тугар эди. Биз тезликда тунайдиган жой танлаб, ҳамда туяларнинг юкени тушириш ва кечки овқат тайёрлаш ишларини йўл бошловчиларимизга ҳавола қилиб, харобалар сари йўл олдик. Яқингинамизда қад кўтариб турган йигирма метрли уч буржли кулранг қалъа салобат тўкиб турарди. Биз тирмашиб юқорига чиқдик. Ўнг томонимизда, шимолий шарқий буржнинг жануб томондаги очилиб қолган жойидан усти очилиб қолган бир талай гумбазли уйлар, чала бузилган улкан пештоқлар кўриниб турар, бузилиб кетган гумбазли хоналар деворларининг териб ишланган қадимий баҳайбат ғиштлари бошимиз тепасида ваҳимадор бўлиб осилиб турарди.

Марказий майдончанинг шимолий шарқий бурчагига гумбазли уйнинг ўпирилиб тушиши натижасида ҳосил бўлган чуқурни кўрдик. Унинг ёнида, шимолий ғарбий буржнинг босиб тушишидан вужудга келган уюмнинг ён бағрида вайрон бўлган, қум босган ва устига гумбазларнинг лойи оқиб тушган бошқа қасрлар кўриниб турар эди.

Қальанинг, бутун улкан ҳудуднинг бир қисми бузилган, қолган қисми эса бутунлай ушбу сарҳад ичида

кўмилиб кетган бўлиб, турли қаватларда жойлашган гумбазли сон-саноксиз хоналардан иборат эди. Жанубий девори тиккасида бузилиб, ваҳимадор бир кўри-ниш касб этган, жанубий бурждан қараганда, шаҳарнинг бутун манзараси кўз олдимизда намоён бўларди. Шаҳар тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, уни 10-15 метр баландликкача кўтарилган ва замонлар ўтиши билан тупроқ қўрғонга айланган девор ва кўплаб буржларнинг қолдиқлари ўраб турарди. Деворлар ҳам, уларнинг ичидаги бўшлиқ ҳам, юқоридагидек, ҳаёт асаридан ном-нишона бермайдиган кўпчиган шўрхокнинг қорамтир-кулранг пардаси билан қопланган эди.

Қадимги шаҳар харобаларининг теварак-атрофида бўлгани сингари, унинг ичида ҳам, у жой – бу жойда конуссимон тепаликлар қад кўтариб турар, уларнинг устида эса эгри-бугри қуруқ буталар диккайиб чиққан эди. Бир вақт ботаётган қуёшнинг қиялама нурлари остида, шаҳар харобаларининг кулранг юзасида тўсатдан қадимий режалаштирилган лойиҳа яққол намоён бўлди: жанубий деворнинг дарвозасидан бош кўчанинг қорамтир тасмаси чўзилиб кетганди; тасманинг ҳар икки томонида симметрик равишда жойлашган тор кўчалар бўлиб, улар тўғри тўртбурчак сон-саноксиз хоналардан ташкил топган улкан уйларни аниқ чизик билан бир-бирдан ажратиб турарди.

Биз ажиб бир тарзда шўрхок юзасига тушаётган кечки ёруғлик нурида товланаётган қадимги Хоразм шаҳрининг лойиҳасини кўриб турардик.

Пастга тушдик. Оёқларимиз шаҳарнинг бир замонлар ишлов берилган, бироқ кейинчалик туз еб, ишдан чиққан ва шўрхок билан қопланган юмшоқ ерига гичирлаб ботиб кетар эди. Сиртини оқиш туз қоплаган сопол буюмларининг парчалари ҳамма жойда шўрхок қатламидан чиқиб турарди. Мана, зангори тусдаги мис танга ҳам топилди. Ундан кейин иккинчи танга, сўнгра учинчиси қўлимизга тушди. Биз худди

ов қилгандек, шаҳар харобалари бўйлаб тарқалиб кетдик. Ишимиз ўнгидан келди. Агар Жонбосқалъани терракота (*қизгиш-сариқ рангли қиздирилган соз тупроқдан ясалган майда буюмлар – У. Б.*) ҳайкалчаларнинг бутун бир музейи деб аташ мумкин бўлса, у ҳолда Тупроққалъа нумизматика материаллари тўпланган улкан маскан эди!

Биринчи кеча ва эртаси кун эрталабнинг ўзидаёқ биз шаҳар харобасидан ўнлаб тангалар топдик. Бу ерда кушонларнинг тангалари талайгина бўлиб, янги эранинг III-V асрларига оид илк Хоразм тангалари эса улардан ҳам кўпроқ эди. Мазкур қалин тангаларнинг бир томонига тамға туширилган, тамғадан ташқари, баъзи тангаларда Арсамухнинг, бошқаларида Вазамарнинг, яна бир хилларида эса қадимги Хоразмда ҳукм сурган, бироқ номи бизга маълум бўлмаган бошқа подшоҳларнинг тасвирлари бор эди.

Жанубий деворнинг дарвозаси ёнидан сополдан қилинган уюм-уюм оссуарий (*мурданинг шамол ва қушлар тозалаб кетгандан кейин қолган суякларини дафн қилиб қўядиган тобут қути – У. Б.*) парчаларини топдик. Оссуарийлардан бирида ярми қолган бош суяги, унинг устида бошқа бир инсон бош суягининг парчаси, шунингдек, одамнинг туз емириб оқартирган сон суяги бор эди. Ахир, буни бутун, некропиль (*шаҳар ичидаги катта бош қабристон – У. Б.*) деб аташ мумкин! Қош қорайиб қолган эди. Қабристондан топилган суяклар вазиятнинг ғамгинлигини яна ҳам ошириб юборди. Биз жанубий дарвозадан чиқдик ва шарқий девор тагидаги ҳандақ ёқалаб лагерь томон йўл олдик. Ботиб бораётган қуёшнинг сўнгги нурлари ёлқинланаётган уфқ фонида замонлар ўтиши натижасида кунгурадор бўлиб қолган деворнинг улуғвор қора контури гавдаланади. Буржларда ин қўйган япалоқ қушлар гўё соқчилардек бир-бирлари билан жўрлашардилар. Олдимизда, ойдинсиз туннинг зимзиё бағрини ёриб лагеримиз гулхани ёнарди.

Кузатувдан мамнун бўлсак арзирди! Тупроққалъа қадимги Хоразм маданиятининг келгусида тадқиқотчиларга чиндан ҳам битмас туганмас материал бера олувчи ажойиб обидаси эканлигига ёдгорликни биринчи бор кўришдаёқ ишонч ҳосил қилдик.

Дарҳақиқат, қалъа бу ишончимизни оқлади.

Тупроққалъага 1940 йилда қайтиб келдик. Ўша йили биз қадимги шаҳар харобаларининг мукаммал режасини олдик, шаҳар майдонида стратиграфик қудуқ (ер қобиғи қатламларини ўрганиш мақсадида қазилган қудуқ – У. Б.) қазिश натижасида унинг янги эрдан аввалги I аср ва V аср, балки IV аср бошлари орасидаги даврга мансуб эканлигини аниқладик. Нумизматика коллекцияси ўн-ўнлаб тангалар, шу жумладан, юқорида тавсифланган «мағрур кангюйлик» тангаси билан бойиди.

Бу ерда катта қазिशмаларни йўлга қўйиш лозимлиги ўз-ўзидан аён бўлиб қолди. Мазкур ишларни келгуси 1941 йили бошлаб юбориш мўлжалланган эди. Аммо уруш бошланиши натижасида бу ишлар қолиб кетди. Фақат 1945 йилдагина биз Тупроққалъага яна қайтишга муваффақ бўлдик ҳамда қалъанинг марказий майдонида вақтинчалик иккита кичик қазишмани бошладик.

Шуни айтиш керакки, бу қазишмаларга биз бир оз чўчиброқ киришдик. Гап шундаки, гумбазли хона (қаср)лар (ана шундай хоналардан иборат эди) узоқ асрлардан буён тургани туфайли уларга ишониш қийин. Жуда яхши сақланиб қолган қадимий гумбазли бинолардан ўрта асрларда ҳам фойдаланилганлигига биз бир неча бор ишонч ҳосил қилган эдик. Жумладан, Кушон даврига мансуб бўлиб, Тупроққалъа яқинида жойлашган истеҳкомли қаср-уй Қизилқалъанинг тақдири шундай бўлган. Мазкур қаср VI-VIII асрларда икки марта ва XII – XIII асрларда уч марта қайта таъмир қилинган, бинобарин, бу жойда одамлар истиқомат қилган. Модомики, шундай экан, у

ҳолда бинони қурган ва дастлаб унда истиқомат қилган кишилардан қолган нарсаларнинг ҳатто унча-мунча бутун қолганлигига ҳам ишониш қийин! 1938 йилда ўтказган қазишмаларимизнинг биринчи маскани – VIII асрга мансуб Тешикқалъада бўлгани сингари, томи текис, тўсинли бўлса, бошқа гап. Қаср қамал ва ҳужум натижасида бузилган. Шипнинг тўсини ёнғин пайтида ёниб кетган ва қулаб тушган, унинг кетидан тушган тупроқ ўтни ўчирган. Шу аснода, қалъа хоналаридаги ҳамма нарсалар ўт тушишидан бир кун илгари қай ҳолатда бўлган бўлса, ўша ҳолида сақланиб қолган.

Тупроққалъадан, марказий майдончанинг шимолий ғарбий бурчагидаги гумбазнинг юқорида тилга олинган, босиб қолган жойи яқинидан, XII – XIII асрларга оид иккита ниҳоятда безакдор кўзанинг катта-катта бўлақларини топдик!

Тупроққалъада одамлар XII асрда яна қайтадан истиқомат қилмаганмиканлар ва улар ўзларидан аввал ўтган кишилардан қолган ҳамма нарсаларни йўқ қилиб юбормаганмиканлар?

Биз бекорга хавотирланганимизни 1945 йилда ўтказилган қазишмалар кўрсатди. Дарвоқе, XII асрда «улуғ хоразмшоҳлар» ҳукмронлик қилган даврдаям Тупроққалъа сарой-қасрида одамлар яшаган, бироқ бу одамлар кам эди ва улар бузилиб бўлган биноларни эгаллаганлар. Қадимги маданий қатлам эса аллақачаноқ қум ва оқиб тушган лойнинг қалин қатлами остида қолиб кетганди.

Марказий майдончанинг шимолий ғарбий бурчагидаги 1-хонани кавлаб очиб, гумбаз тепасининг ўрта қисмидан 1 метр пастда қиялатиб кўмилган ва атроф-тевараги гишт билан тирбанд қилинган иккита ўрта аср хумини топдик. Хумлардан бир неча метр пастдан тупроқ ва қум остидан бинонинг қадимий еридаги қўл тегмаган маданий қатлам топилди. Бу ерда Кушон керамикасининг сирти қизил ангобли жуда ажо-

йиб юпқа керамикасидан талайгина намуналар бор эди. Қатламлар анализи шуни кўрсатдики, гумбазнинг жанубий қисми қадимдаёқ вайрон бўлган.

Ёзда қаср устида тинимсиз эсиб турган шамоллар чўл қумини ана шу жойдан ичкарига учуриб киргизган, қишда эса ёмғир бинонинг хом гиштдан қилинган қисмларини ювиб турган. Бироқ гумбазнинг шимолий қисми, шимолий шарқий буржнинг гумбазларига ўхшаб очиқ турарди. Куннинг аксари қисмида офтоб тушмайдиган бу жойни форга ўхшатиш мумкин эди.

Худди ана шу ўзига хос форларда XII–XIII асрларда, унча кўп бўлмаса-да, одамлар яшаган. Бу одамлар сув ва озиқ-овқат сақланадиган хумлар кўмганлар. Улардан талайгина синиқ ва бутун идишлар қолган. Бу одамлар кимлар эди? Қўлимиздаги барча маълумотлар бу ерда, йигирма беш метрли қадимий баланд буржда «улуғ хоразмшоҳлар» армиясининг чегарани кўриқловчи гуруҳининг кузатиш маскани жойлашган, дея тахмин қилиш имконини беради. 15-20 километр нарида, шарқ томонда жойлашган чўлнинг узоқ уфқлари бу бурждан қараганда кўз ўнгимизда намоён бўлар, харобалар яққол кўриниб турарди. Гуруҳнинг ўзи эса қўшни Қизилқалъада гарнизон сифатида жойлашган бўлса керак. Бу қалъанинг ҳам асоси қадимий бўлиб, ўрта асрларда қайта қурилган.

Шу тариқа, Кушон маданий қатламига қўл урилмаган. У аслида қандай бўлса, ўша ҳолича сақланиб қолинган эди. Ана шунинг ўзиёқ қазишмалар муваффақият билан тугалланишидан далолат бериб турарди. Бироқ бугина эмас, 1-хонанинг еридан оқ гурунтга (*рассомлик, бинокорлик каби касб-ҳунарларда оқлаш ёки бўяшда бериладиган биринчи қатлам бўёқ* – У. Б.) ча турли туман рангли нақшлар солинган лой шувоқнинг кўп парчаларини топдик. Бу хона гумбазининг бутун қолган қисми тепасидан иккинчи қават хонасининг бутун қолган бурчагини топдик. Бурчак-

да нақшвон сувоқ бевосита деворнинг ўзида сақланиб қолган эди. Олдимизда қадимги Хоразм бадиий маданиятининг ҳали жуда жузъий, бироқ катта истиқболга эга бўлган қолдиқлари – деворларнинг монументал нақшлари турарди. Бу эса жуда кўп ҳар хил ихтиролар бўлишидан далолат берарди, чунки деворга туширилган суратлар, ўз-ўзидан, санъатнинг гоят ажойиб ёдгорлиги бўлиши билан бирга, бу суратларни яратган халқ моддий маданиятининг ниҳоятда турли-туман томонларини ойдинлаштириб беради.

Шарқий Туркистон шаҳарлари тарихини ишлаб чиқишда эрамизнинг биринчи минг йиллиги сўнгги асрларига оид будда ғор монастирларининг ажойиб фрескалари (*шувоқ устига бўёқ билан солинган сурат* – У. Б.) нақадар катта аҳамиятга эга бўлганлиги бизга маълум.

Ўрта Осиё ҳудудида қадимги девор сураткашлиги бўлган-бўлмаганлиги қарийб маълум эмасди. Бухоро яқинидаги Варахшадан, подшо саройининг хоналаридан бирида топилган, нақш фрагментлари девор сураткашлигининг ягона, бунинг устига, нисбатан анча кечки (янги эранинг тахминан V асри) ёдгорлиги бўлиб келди. Бу фрагментларни В. А. Шишкин 1938 йилда топган ва матбуотда чоп қилдирган. Олдимизда Хоразм монументал сураткашлигини кашф қилишдек гоят қизиқарли вазифа кўндаланг бўлиб турарди. 1946 йилнинг янги дала мавсумида ҳам Тупроққалъа қазишмаларимизнинг асосий маскани бўлиб қолди. 1947 йилда бу ишларни янада кенг кўламда давом эттирдик.

Тупроққалъа – 500х350 метр ўлчамдаги, тўғри тўртбурчакли шаҳар бўлиб, қадимги йирик ғиштли девор (девор тупроқ кўрғонга айланиб кетган эди) билан ўраб олинган, квадрат шаклидаги кўплаб буржлари бор эди. Бурчаклардаги буржлар (шимолий шарқий бурж ҳаммасидан кўра яхши сақланиб қолганди) сўнгги қадимий Хоразм ёдгорликларига кўп жиҳат-

дан ўхшаш бўлиб, бурчакни ҳар икки томондан қамраб оларди. Шимолий шарқий буржда безакли пиястортларнинг (бир томони девордан чиқиб турган тўртбурчак устун – У. Б.) қолдиқлари сақланиб қолган, уларнинг ўртасидаги ораликда эса қадимий нусхадаги найзасимон шинаклар бор эди.

Жанубий шарқий бурчак яқинида ўтказилган қазишмалар туфайли деворнинг пастки қисмида гумбазли тор йўлак чўзилиб кетганлигини аниқладик, бу йўлак баъзи жойларда бутунлигича сақланиб қолган эди. Гумбаз – қадимги ёдгорликлар учун типик конструкция бўлиб, трапеция шаклидаги хом гиштан ярим айлана ҳосил қилиш йўли билан ясалган.

Шаҳарнинг бутун шимолий ғарбий бурчагини ҳокимнинг улкан қасри эгаллаган. Бу қаср мураккаб лойиҳалаштирилган режали саҳндан (180x180 метр) ва уч буржли улғувор қалъадан ташкил топган бўлиб, тахминан 25 метр баланд жойига қадар (шимолий ғарбий ва жанубий буржлар) бутун сақланиб қолган.

Қасрнинг жанубий шарқий бурчагига буржларнинг каттагина мажмуаси қолдиқлари туташиб кетарди. Бу мажмуанинг маркази тўғри тўртбурчак шаклидаги улкан бино (35x50 метр) бўлиб, у ичида айланма йўлаги бўлган хом гиштли қўш девор билан ўраб олинганди. Девордан жануб томондаги дарвозага қараб ҳам йўлак кетган, дарвозадан шаҳарнинг бош кўчасига чиқилар эди. Бинонинг марказий хонасида жуда кўп оппоқ кул ер сиртига чиқиб турарди. Мазкур белги (ёқилғининг буткул ёниб битиши натижасида ҳосил бўладиган оқ кул Жонбосқалъа ибодатхонасидаги ўчоқ ва Жонбос-4 макони жамоа уйидаги сўнмас ўчоқ аҳамиятлидир) сосонийларнинг Р. Гиршман Шопурдан қазиб очган ўтхонаси лойиҳалаштирилган режасига жуда ўхшаш бўлган бинонинг умумий режаси (айланма йўлак) сингари, бу бино шаҳарнинг оташхонаси бўлган, деб тахмин қилиш имкони беради.

Қаср ва ибодатхона мажмуалари қалин девор билан ўраб олинган эди. Жанубий ва шарқий деворлар ўртасида миноралар, шунингдек, жануб ва шарққа қараган иккита дарвоза бор эди. Қасрнинг шимолий буржларидан ташқарига чиқиб турувчи ва 160x50 метр саҳни эгалловчи оралиқдаги ҳовлини ҳисобга олмаганда, қаср ва ибодатхона мажмуаларининг умумий майдони 200x200 метрдан иборат эди.

Қаср ва ибодатхонадан шарққа қараб иморат асарни бўлмаган, шаҳарнинг шимолий шарқий бурчагини эгаллаган ва саҳни 200x130 метрли (бозор бўлса керак) кенг майдон чўзилиб кетганди.

Шаҳар жанубий қисмининг саҳни 310x280 метр бўлиб, бу ерда фуқароларнинг иморатлари жойлашганди. Умуман, шаҳар хийла аниқ режалаштирилиб лойиҳалаштирилгани билан ажралиб турарди. Шаҳарнинг қоқ ўртасидан, жанубий (марказий) дарвозадан кенглиги 10 метрча келадиган бош кўча шимолга қараб кетарди. Эни 5-7 метр келадиган торроқ кўчалар бош кўчадан тўғри бурчак ҳосил қилиб кетган бўлиб, озми-кўпми симметрик равишда жойлашганди. Бу кўчалар шаҳарнинг иморатлардан иборат бутун майдонининг ҳар бирининг сатҳи 50x150 метрдан 90x150 метргача келадиган 9 та ёки 10 та массив-уйга бўлиб турган. Массив-уйларнинг ҳар бири квадрат ва тўғри тўртбурчак шаклидаги ўнлаб хоналардан ташкил топган.

Баъзи массивлар шарқ томондан бир-бири билан туташган, яъни улар қўшалоқ бўлган. Бундай қўш массивларни бир-биридан айириб турувчи тор кўча уларни тамомила ажратиб юбормаган, балки берк кўча ҳосил қилган, кўчанинг давоми ўрнида қурилган иморатлар бу массивларни қўндалангига бирлаштирган (биз бу қўшалоқ массивлардан ҳар бирини – улар атиги иккита – юқорида келтирилган ҳисобда битта деб санадик; агар уларнинг ҳар бирига алоҳида массив деб қарайдиган бўлсак, у ҳолда уйларнинг сони ўн битта-

га етади). Бундай массивлардаги хоналарнинг бизнинг ҳисобимизда борлари 150 тадан 200 тагача етади, яъни ҳар бир массив Жонбосқалъадаги иккита массивнинг биттасига тенг келади.

Қарийб ҳар массивда умумий саҳндан қад кўтариб турувчи битта ёки бир нечта тепалик бор эди. Бу тепаликлар нуқул терилган гиштлардан иборат бўлиб, уйлардан баланд қилиб қурилган буржларнинг қолдиқлари эканлиги яққол сезилиб турарди.

Энг четдаги шимолий гарбий массив ибодатхона дарвозаси яқинидаги ўтадиган тўғри тўртбурчак шаклидаги майдондан иборат бўлган бош кўчага қараган. Бир замонлар массивга устунли пешайвон ҳам тутуштириб солинган бўлиб, устунларнинг пойдеворлари то ҳозиргача поғонали кесик пирамида шаклида сақланиб қолганди.

Дабдабали сарой-қаср ўзининг бутун сири ва салобати билан кишини гўё босиб турарди. Қаср тепасидан назар ташлаганда қалъа ичидаги йирик оила яшайдиган катта уйлар мажмуаси майда-майда бўлиб кўринади. Биз кўрган вақтда қасрнинг умумий майдони 80x80 метрли марказий массиви ер юзасидан 16 метр, ҳар бирининг майдони 40x40 метрдан иборат бўлган учта буржнинг ясси тепаси эса 25 метр баланд кўтарилиб турарди. Марказий массив ҳам, буржлар ҳам дастлаб ҳозирдагидан кўра камида 5 метр баланд бўлган, дея ҳисобламоқ керак. Қазичмалар шуни кўрсатдики, қаср деворлари бошдан-оёқ тик кўтарилиб турган. Бу деворлар мазкур хусусияти билан деворларнинг пастки, қалинроқ қисми кесик пирамида шаклида бўлган энг сўнгги, илк ўрта аср иншоотларининг деворларидан катта фарқ қилади. Ана шу хусусият ҳам иншоотнинг баланд бўлганлигидан дарак бериб турибди.

Умуман, Тупроққалъанинг меъморчилиги композициясига хос нарса шуки, унда иморатларнинг баландлигига асосий эътибор берилади – салобати кишини

босадиган баҳайбат массив-уйларнинг буржлари, қаср-саройнинг буржлари ва баланд қилиб солинган марказий бино мумтоз Шарқ меъморчилигига жуда ўхшаб кетади.

Ҳозир қасрнинг анчагина қисми қазиб очилган. Марказий массивнинг шимол томондаги ярми ва уч бурж, яъни учала қаватдаги атиги 100тача хона 11 минг квадрат метр майдонда жойлашган улкан бинонинг тахминан 6000 квадрат метрчасини эгаллаганди. Шубҳа йўқки, гарчи бундан кейинги қозишмалар туфайли кўпгина янги ва қутилмаган кашфиётлар қилиниши мумкин бўлсада, қилинган ишларнинг ўзиёқ ёдгорликнинг аҳамияти тўғрисида маълум тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Қасрнинг марказий массивидаги бинолари ўн икки метрли қудратли пойдевор устида, ердан кўтарилиб турарди. Бу пойдевор бир-бири билан кесишувчи пахса деворлар тизилмасидан иборат бўлиб, уларнинг орасидаги бўшлиқ ғишт билан тўлдирилган; ғишт теришда лой мутлақо ишлатилмаган, у бевосита қум устига қўйилган. Иншоатларнинг пойдеворларини қум-ғишт билан тўлдириш қадимги Хоразмдаги қурилиш ишларининг энг аҳамиятли белгисидир. Сирт томондан пахса девор «совут» билан қопланган қумли ёки қум – ғиштли пойдеворлар «деворлари ичида аҳоли яшайдиган шаҳарлар»даёқ бор эди. Жонбосқалъадаги ўтхона, Аёзқалъа-3 даги катта уй, Желдикқалъа деган сўнгги-қадимий улкан қаср-уй ва бошқа ёдгорликларнинг пойдеворлари ҳам худди шунақа.

Кейинчалик, V-VI асрлардан бошлаб бу услуб тамомила йўқолади: қум-ғиштли пойдеворлар ўрнини нуқул пахса пойдеворлар эгаллайди. Пойдевор ўрнатишнинг бу ўзига хос услуби Жонбос-4 ва Жонбос-7 да (бу ерларда қумтепа устига қурилган пахса деворли уйни кўрган эдик) бўлганидек, қумтепалар устига иморат қуришнинг ибтидоий анъаналарига бориб тақалса керак. Қатъий қилиб айтганимизда, қадимий имо-

ратларнинг пойдеворлари – сунъий равишда тикланган ва қўзғолмайдиган қилиб маҳкамлаб қўйилган барханлар бўлиб, улар бинони тупроқ нами ва нам олиб келадиган туз таъсиридан муҳофаза қилган. Мустаҳкам «совут» ичига олинган қум ва тупроқнинг эластик массаси бир неча минг йилларга чидаш берди. Желдиқалъа ва Тупроққалъа сингари улкан биноларнинг «қум устига қурилган» буржлари ҳам мағрурлик билан кўкка бўй чўзиб турибди.

Пойдевор майдончасида гоҳо бир-бири билан ёнмаёن кетган, гоҳо эса бирининг ён томонига иккинчиси тик тушган гумбазли икки қават иморат солинган эди. Баъзи белгиларга қараб, иккинчи қават томи устига панжарасимон, деворлари фигурали (бирон геометрик шаклга эга бўлган) енгил гиштли қурилган яна бир қават хоналар бўлиб, булар энг сўнгги Ўрта Осиё уйларидаги болохоналарга ўхшаб кетарди. Шуниси ҳам борки, фигурали девор томнинг очиқ саҳнини ўраб турган панжара бўлиши ҳам мумкин. Қалъанинг Марказий қисми режалаштириши тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш ҳозирча мушкул. Қасрнинг ҳар бир секторида ички саҳн бўлган, унинг теварак-атрофидаги хоналарнинг бир қисми шу саҳнга қаратиб солинганга ўхшайди. Хоналарнинг биридан иккинчисига уларни ўзаро боғлаб турган пештоқли йўлақлардан ўтиш мумкин эди. Хоналарни тепа туйнукдан тушган нур ёритган. Пастки қаватдаги хоналарнинг бир қисмига (бу хоналарда хўжалик ишлари қилинган бўлса керак) табиий ёруғлик тушиб турмаган.

Хоналардан талайгина нарсалар топилди. Озиқ-овқат қолдиқлари – мевали дарахтлар (ўрик, шафтоли, ток)нинг данаклари, буғдой, арпа, тарик, қовун уруғлари, ҳайвонларнинг, аксари эчки, ундан кейин қўй, чўчқа, қорамол, от, туянинг, шунингдек, ёввойи ҳайвонларнинг – ёввойи қўй, кийик ва жайроннинг жуда кўп суякларидан ташқари, ниҳоятда нозиклик билан ишланиши ва сиртини қоплаган юпқа қизил ангоби

билан ажралиб турувчи, сўнги қадимий тоифага кирувчи талай фрагментлар ва қисман бутун идишлар ҳам топилди. Топилган ёдгорликларнинг ипдан, жундан ва ипакдан тўқилган газламаларнинг фрагментлари, чарм пойабзал парчалари, найзанинг темир учи, камон ўқининг учта уч қиррали учи, ёғоч ва қамишдан қилинган ҳамда бўялган йигирматача камон ўқи сопи, шиша қадалган ва зарҳалланган камарнинг парчалари ҳамда янги эранинг III асрига оид майдароқ Хоразм тангалари ва ундан кўра йирикроқ Кушон тангалари янада бойитиб турарди. Шаҳарнинг жанубий шарқий девори яқинидан шаҳар деворининг пастки қисмидаги йўлни қазиш вақтида топилган йирик ганч ҳайкалча ҳам шу жумлага киради. Яланғоч аёл тасвирланган бу ҳайкалча Хоразмнинг ганч скульптурасига оид биринчи намуна эди.

Ишлов берилган ёғоч фрагментлари ичида кичкина чўпхат ҳам бор эди. Унда қадимги Хоразм алифбесининг белгилари билан қора тушда ёзилган тўртта сўздан иборат ёзув бор эди. Афтидан, хўжалик ишларига оид бўлган бу ҳужжат бизга маълум бўлган шу тоифадаги Хоразм ҳужжатларининг биринчиси эди.

Бироқ 1945 йилда қазиб очилган монументал нақшлар ва 1947 йилда топилган монументал сопол скульптура Тупроққалъанинг энг асосий хазинаси бўлиб чиқди.

Расм ёпишқоқ моддали минерал бўёқ билан аксар сиртига юпқа ганч берилган лой сувоқ устига ишланган эди. Деярли ҳамма расмлар оқ фон устига солинган бўлиб, баъзан у бошқа бўёқлар остида тамомила кўринмай кетади. Ҳар бир тасвирнинг тарҳи аниқ қора чизиқ билан берилган, қора чизиқнинг ичи эса жойига қараб оч ёки тўқ қилиб чизилган доғ ва холлар билан тўлдирилган; уларнинг бир хиллари авайлаб нозик қилиб чизилган бўлса, бошқа бир хиллари унчалик авайланмасдан, катта катта қилиб чизилган; бу-

лар шаклларнинг рельефи ва оқиш жойларини акс этдирган.

Хоналарнинг кўпчилиги нақшинкор қилиб безатилган экан; кишилар яшаган иморатларнинг, шунингдек, ҳашаматли биноларнинг, эҳтимол, ҳаммасида ҳам шундай хоналар бўлган бўлса керак. 1946 йилда қазиб очилган бинолар ичида иккинчи қаватдаги бешинчи хона айниқса безакдор бўлиб, бу хона қасрнинг шимолидаги кўрага қаратиб солинган. Хона тўртта устунли, ясси томли улкан айвон эди. Айвонда тантанали маросимлар ўтказилган бўлса керак. Айвоннинг деворларига қора ва сариқ тусдаги йўл (чизиқ)ларнинг бир-бири билан кесишишидан ҳосил бўлган безакли расмлар ишланган, бу йўлларга эса юрак, атиргул барги ва айиқтовон ўсимлиги баргини тасвирловчи шакллар зеб бериб турган. Мазкур йўллар ромбсимон каткаклар ҳосил қилган бўлиб, бу каткакларга машшоқларнинг расмлари ишланган. Шу расмлардан бири – арфа деган чолғу асбобини чалаётган аёлнинг сарғиш тусдаги нафис расми қарийб бутунича сақланиб қолган. Аёлнинг билагузук тақилган, бир қадар лўппирок қилиб чизилган қўлининг бармоқлари учбурчак шаклидаги катта арфанинг торларига тегиб турган бўлиб, бу арфа осурийларникига ўхшаб кетарди. Аёл елкаларининг ва юзининг юмалоқлиги, умуман, бутун образнинг яратили услуби бизга Кушон-Гандхар бадиий анъаналарини эслатади: Тупроққалъадан топилган арфачи аёл расми Айритомдан топилган фризлардаги (*уй деворлари тепасига солинадиган нақшнинг ўрта қисми – У. Б*) созандаларга ўхшайди. Аёллар юз тасвирларининг худди шу хонадан топилган иккита фрагменти (*рассомлик, меъморчилик, скульптура санъатининг ёки кўлёманинг бутун қолган парчаси – У. Б.*) айниқса, булар ичида ажиб бир маҳорат билан чизилган, катта кўзлари билан тик боқиб турувчи, қоши пайваста аёл юзининг юқори қисмини тасвир этувчи парча бизнинг хаёлимизни

бошқа бир бадият оламига олиб кетади. Буларга ўхшаш расмларни Рим давридаги Сурия-Мисрнинг ва қисман Қора денгиз шимолидаги музофотининг тасвирий санъати намуналари орасида учратиш мумкин. Фрагментларнинг иккинчисида бўйнини мағрурона буриб турган аёл бошининг ёнламасига бир қисми тасвирланган; расмда аёлнинг ёқаси жуда безатилган бўлиб, қора сочи қизил рўмолча билан катта турмак қилиб танғиб қўйилган. Бу аёлнинг расми ҳам қадимги Ўрта денгиз санъатида яратилган образларга яқин. Шу тариқа, хонадаги нақшларда икки бадий услуб, икки анъана бир-бири билан қўшилиб кетган, бироқ булар Хоразм санъати негизида ўзига хос ўзгаришларга учраган эди.

Бу хонадан қум соат шаклидаги кичкина қўш нора тасвирланган нақш фрагменти ҳам топилди. 1947 йилда «арфачи аёл хонаси» остидан дўмбирага ўхшаш икки торли чолғу асбобининг пардасини ушлаб турган одамнинг қўли тасвирланган нақш фрагменти қазиб олинди. Ушбу фрагмент бино босиб қолган пайтда юқоридан тушган. Афтидан, хонадаги нақшлар тузилиши жиҳатидан Айритом фризига умуман яқин бўлиб, бу ҳар икки услубга хос тасвирий воқеалар ҳам айни бир хил вазифани адо этарди.

Хонада бошқа безаклар ҳам бор эди. Унинг ғарб тарафидаги девор ёнидан барг ва меваларнинг яшил, тўқ сариқ ва қизил рангга бўялган нақши тасвирланган жуда кўп сопол (жун аралаштирилган) парчалари ҳамда тўғрибурчакли, аммо бурчаклари қиррасиз бир буюмга бармоқларининг учини тираб турган одам панжасининг бир ярим марта катталаштирилган барельеф (*бирор нарсанинг текис сатҳига жуда бўрттириб ишланган нақш – У. Б.*) тасвири топилди. Қушон подшоларидан Бима Кадфиз ва Канишка гавдалари вазиятининг ўша даврда зарб қилинган тангаларда худди шундай тасвирланганини китобхон яхши эсласа керак.

Пастки қаватдаги хоналардан бирининг қуббали токчаси ичидан бир-бирининг рўпарасида улуғвор вазиятда турган эркак (анча ўчиб кетган) ва аёлнинг асл катталиқдаги расмлари чиқди. Қўшни хонадан узум ва шафтоли узиб этагига солаётган аёлнинг кўзга иссиқ чалинадиган тўққизил ва қизил ранг билан ишланган расм композицияси қазиб олинди. Унда аёлнинг тепасида осилиб турган узум бошлари ҳамда новдадан тўқилган шийпоннинг бир чеккаси тасвирланган.

Шимолий ғарб томондаги буржнинг 1946 йилда қазиб очилган хоналаридан бирида топилган композиция фрагментида расм мавзуи тамомила янги, ўзига хос бадий услубда талқин этилган. «Мева узаётган аёл» расмида тасвир этилаётган объектни мукаммал қамраб олиш мақсад қилинган ва шу важдан хилма-хил бўёқлар ишлатилган бўлса, бу расмда тасвир учун, аксинча, одми график услуб танланган: йўғон билагузук тақилган қўлининг эгилган бармоқларига пешонаси тиралган, у ўйга чўмган ҳолда қуйи солинган эркак бошининг силуэти (соя сурати) оқ фонга қизил ва қора чизиқлар билан ишланган.

1947 йилда ўтказилган қазилма ишлари қадимги Хоразмда йирик рассомлик асарлари қандай мақсадлар асосида яратилганлиги тўғрисида янада тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Бир қанча биноларда нақшларнинг деворларда сақланиб қолган қуйи қисми – эни 0,5 – 0,75 метр келадиган безакли панеллар топилди. Саройнинг ғарб томонидаги бурж биноларидан бирида топилган ҳаворанг панель айниқса диққатга сазовор. Бу панелда оқ-қизил йўлли балиқларнинг мовий тўлқинларида сузаётгани шу қадар маҳорат билан тасвирланганки, уларнинг жилваси, киши назарида, тўлқинлар чиндан ҳам ҳаракатланаётир, деган таассурот туғдиради. Бу панель устида одамлар, ҳайвонлар, узум бошлари ва баргларининг бир бутун композицияга бирлаштирилган расми бор, расмнинг таги қора ва қизил рангда.

Қўшни хонадан ҳам ажойиб материаллар топилди. Бу ердаги кулранг-кўкимтир панелда балиқларнинг қора тангачалари тасвирланган, панелнинг усти қизил бўлиб, унга одамлар ва отларнинг расми ишланган, расм турли ўсимликларнинг тасвирлари туширилган нақшли рамка билан ўралган. Ўша буржнинг шимол-ий бурчагидаги хоналарга ишланган кўп расмларнинг фони ҳам қизил. Бу ҳол ҳозиргина айтиб ўтилган нақшлар битта устанинг қўлидан чиққанлигидан далолат беради.

Нақшларда ўсимликларнинг тасвирлари асосий мавзуи билан қўшилиб кетган. Турли хоналардан йўлбарснинг учта тасвири (боши, дум томони ва иккита панжаси), отнинг тўртта тасвири (жумладан, битта човкар от) қушнинг (қирғовул) кўкимтир-бинафша тусдаги (расмнинг фони қизил) тасвири, шунингдек, одамнинг ён томондан кўринишини, бошининг юқори қисмини, юзининг ярмини (олд томондан), кўзини, болдирини ва бошқа нарсаларни тасвирловчи анча-мунча фрагментлар қазиб олинди. Саройнинг марказий майдончасидаги хоналардан бирининг деворига бир қанча кишиларнинг битта композицияга бирлаштирилган расми ишланган эди. Бу расмдаги оқ кийимли, тик турган аёлнинг ва қора чакмон кийган эркак кишининг тасвири хийла дуруст сақланган. 1946 йилда топилган ёдгорликлар қадимги Хоразм рассомлик санъатининг стилистик хусусиятлари тўғрисидаги тасаввурларимизни анча-мунча бойитади. Ялпи материалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳинд-будда бадий мактабининг 1946 йилда топилган арфа чалувчи аёл тасвирида яққол намоён бўлган таъсири 1946 йил материалларига қараб тахмин қилиш мумкин бўлган таъсирдан кўра анча чекланган экан. 1947 йилда топилган обидалардан фақат бир нарсани – аёл кишининг оқ ва қора тусли, белгача солинган расмини (бу расм жанубий буржнинг хоналаридан бирида топилган эди) ана шу стилистик йўналишга киритиш

мумкин бўлса керак. Қолган нақшларнинг ҳаммаси стиль жиҳатидан 1946 йилда топилган мева терувчи аёл тасвирига яқин бўлиб, ниҳоятда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу ҳол Хоразмда тамомила мустақил бадий марказ бўлган ва ана шу марказ Ўрта денгиз ҳамда Ўрта Шарқнинг сўнгги-қадимий бадий марказлари орасида алоҳида ўринни эгаллаган бўлса керак, дейиш имконини беради. Колористика (*кўп рангли санъат асарларида ранглarning умумий аҳамияти ва уларнинг бир-бирига уйғунлиги – У. Б.*) соҳасида бу мактаб палитрасининг (*тасвир воситалари, асосан бўёқлар мажмуи – У. Б.*) ғоят зўр бойлиги билан ажралиб турарди. Бу ўринда барча ранглардан фойдаланилган десак, муболаға қилмаган бўламиз: қизил, тўқ қизил, пушти, кўк, зангори, яшил, тўқ сариқ, сариқ, гунафшаранг, оқ, қора, бўз рангларнинг хилма-хил туслари берилган. Рангларнинг бирикмаси дадиллик билан танланганлиги ва турлитуманлиги билан кишини ҳайратда қолдиради: алвон, тўқ кўк, қора ва оқ фонга ишланган расмлар ниҳоятда ажойиб ранг композициялари ҳосил қилган эди. Тўқ алвон фонга оч гунафшаранг -бўз ва охрасариқ тусда солинган ов манзараси, тўқ кўк фонда ёйилиб ётган кўркам оқ ва қизил лилиялар (*долагуллар оиласига мансуб чиройли ўсимлик – У. Б.*), кўк фонда пуштиранг тусда берилган одам юзи, оқ билан қизил рангда тасвирланган ўсимликлар, қора фонга туширилган одам юзи тасвири ва шунга ўхшаш расмлар айниқса эсда қоларлидир. Расмлар ортиқча тиқиштирмай, жуда ҳаққоний ва тўқис ишланган, рельефни чизиқлар ва турли-туман ранглар билан тасвирлашда ўзига хос, лўнда ва ишонтирарли усуллардан фойдаланилган. Фарбий бурждаги «қизил хона»дан топилган расмнинг сарғиш тусли яланғоч одам гавдасидаги оч яшил доғлари ҳамда юқорида тилга олинган кўп тасвири композицияда аёл даҳанини яққол тасвирлаш учун пуштиранг фонга да-

диллик билан чизилган қизил штрихлар айниқса диққатга сазовордир.

Нақш мотивларнинг ассортименти ҳам бой ва турли-тумандир. Мотивлар хоналардан топилган нақш фрагментларида ўз аксини топган эди. Буларда ўсимликлар ва турли геометрик шакллар – гулчамбарлар, гуллар ва барглар, тупбарглар, юрак, учи қўй шохига ўхшаб тарвақайлаб кетган ва эгилган бутлар, айлана ва спираллар, гунафшаранг тухумсимон маржонларнинг қора фондаги модаси, тўғри ва тўлқинсимон рангли чизиқлардан ташкил топган безаклар тасвирланган эди.

Рассомлик сингари, наққошлик ҳам жуда ўзига хос эди. Нақшлар композицияси (масалан, девор сиртининг ромб шаклидаги яхлит безакларга бўлиниши) жиҳатдан бу нақшларнинг Керчь мағораларидаги «сармат» нақшларига ўхшаб кетадиган жойлари кўп. Бироқ мазкур наққошлик Ўрта Осиёда яшаган ҳозирги халқлар – ўзбеклар, тожиклар, қорақалпоқлар ва қozoқлар миллий тўқимачилигининг безаклари оламига жуда ҳам яқин туради. Бу нақшлар Хива газлама-ларига босилган гулларга, ўзбеклар ва тожикларнинг сўзаналарига ва қорақалпоқ кигизларидаги безакларга жуда ўхшаб кетади. Чамамизда, деворлардаги нақшлар билан газлама гуллари ўртасидаги бу яқинлик тасодифий бўлмаса керак. Булар айна бир хил функцияни бажаради; девор нақшлари газлама гулларидан олинган бўлиши ҳам мумкин ва, аксинча, девор нақшларидан фойдаланиш асосида газламага гул босиш йўлга қўйилган, деган фикрнинг ҳам жони бор. Ўрта Осиё қадимги цивилизациясининг меросхўрлари бўлган бугунги Ўрта Осиё халқлари, ҳозирги замон халқ санъатининг идизлари шу тарзда жуда қадим замонларга бориб тақалади.

1947 йилдаги қазилмалар вақтида топилган монументал скульптура қадимги Хоразм санъатига тамомила янги саҳифа бўлиб кирди. Бу скульптура санъа-

ти материалларининг ниҳоятда кўплиги билан қимматлидир. Тўққизта хонадан куйдирилмаган лойдан ясалган ҳайкаллар қазиб олинди. Фрагментлари сақланиб қолган бу ҳайкалларнинг умумий сони 30 дан ортиқ бўлиб, шундан иккитасини бутун деса бўлади (боши йўқ); бундан ташқари, тўртта бош (биттасида узун бош кийими бор), иккита бош кийими, бешта бошсиз, оёқ-қўлсиз бутун тана, оёғи ўрнатилган жойидан кўчмаган 15 тача ҳайкалнинг таги, ўтирган ҳолатдаги иккита ҳайкалнинг пастки қисми ҳамда тана, қўл, оёқ, кийим-бош ва шуларга ўхшаш нарсаларнинг сон-саноқсиз фрагментлари бор эди. Фрагментлар ичида бир чавандоз (асл катталигида) рельефли тасвирининг йирик фрагментини, отнинг жуда безатилган айил боғланган биқини ва чавандоз плаши бурмаларини алоҳида қайд қилиб ўтмоқ лозим.

Ҳайкалларнинг аксари ўз катталигида, баъзилари кичикроқ қилиб ясалган, бир нечтаси эса одам бўйидан бир ярим-икки марта баланд эди. Ҳайкаллар турли рангларга бўялган: юзга айни одам баданининг ранги берилган, кийимбош эса оқ, яшил, пушти, зангори, қизил, қора ва бошқа рангларда. Кийим-бош безаклари (кашта бўлса керак) ҳар хил рангга бўялган. Қора тўриқ отнинг туси жуда ажойиб тарзда тасвирланган.

Хоразм рассомларининг юксак маҳорати, санъатининг етуклиги ва мустақиллигидан далолат бериши жиҳатидан олганимизда, ҳайкалтарошлик санъати рассомликдан ўтса ўтадики, лекин ундан орқада турмайди. Гарчи бу ҳайкалтарошлик Гандхар ҳинд-будда бадий мактаби билан боғлиқ бўлса-да, бироқ у мазкур мактабнинг таъсирини ижодий равишда ўзгартириб, уни ўз бадий анъаналарига бўйсундириб юборган.

Ҳайкалларнинг юзи ниҳоятда реалистик тарзда ишланган, улар киши юзининг айнан ўзгинаси бўлиб, маҳорат билан ишланиши жиҳатидан сўнгги эллин

маданиятининг ҳар қанақа марказида яратилган энг яхши ҳайкалтарошлик намуналаридан ҳам қолишмайди.

Ҳайкаллар, кийим-бош бурмалари ва парда тахларининг ишланишида юзни тасвирлашдаги худди ўша етук маҳорат намоён бўлган.

Ҳайкалларнинг аксарияти «подшолар зали» дея аталган залдан топилди. Саройнинг шимолий шарқий қисмида жойлашган бу катта залнинг (20х20 метрли) деворларида кенг токчаси бўлиб, фигурали гиштдан урилган юпқа панжара-деворчалар токчаларни бири-биридан ажратиб турар, ҳар бир токчада бир гуруҳ ҳайкал бор эди. Бу токчалардан иккитасида (афтидан, улар илгари шу ерга ўрнатилган) ўтирган ҳолатдаги баҳайбат (одам гавдасидан тахминан 2 баровар катта) эркак ҳайкаллари, уларнинг теварак-атрофида эркаклар, аёллар ва болаларнинг 3-5 тадан гуруҳли ҳайкаллари сақланиб қолган. Ўтирган ҳолатдаги ҳайкалларнинг орқасидаги деворлар, юқорида қайд қилинган оқ ва қизил лилияларнинг тўқ кўк фонга туширилган нақши билан безатилган бўлиб, пастдаги панель (*ички деворларнинг тахта, фанер, картон ёхуд бирор нарса билан қопланганга ўхшатиб бўялган пастки қисми – У. Б.*) сидирғасига пушти-тўқ сариқ тусли эди. Иккита бош кийимининг топилиши туфайли, ана шу скульптура гуруҳларининг тузилишини аниқлашга муваффақ бўлдик: бу бош кийимлари янги эранинг III асрида ҳукм сурган ва бизга тангалардаги тасвири орқали таниш бўлган икки хоразмшоҳнинг шахсий тожи билан айнан бир хил экан. III асрнинг энг илк тангалари орқали бизга маълум бўлган оқ бургут тасвиридаги оғир тож ҳайкали айниқса қизиқарли бўлиб, бу тангаларни кушонларга тобеликдан биринчи бўлиб қутулган Хоразм шоҳларидан бири зарб қилдирган. Тангалардаги бу подшонинг номи Вазамар деб ўқилади. Шуниси эътиборлики, бу тож энг чеккадаги токчадан топилди.

Ҳозиргина баён қилинган фикрлар III асрда ҳукм сурган Хоразм сиёвушийлари сулоласининг портретли кўрғазмаси олдимизда турганлигига шубҳа қолдирмади.

Афтидан, ўтирган ҳолатдаги баҳайбат фигуралар подшоларни, теварак-атрофдаги фигуралар эса уларнинг оила аъзоларини, шунингдек ҳомий-маъбудаларни ҳам ифодалаган бўлиши мумкин. Токчаларнинг биридан топилган, қўлида қизил олма ушлаган аёл гавдаси бу фикримизни қувватлайди. Бу ҳайкал ҳосилдорлик маъбуди Анахита учун аҳамиятли тимсолдир.

Сиёвушийлар «портретли кўрғазмаси»нинг кашф қилиниши Тупроққалъадаги сарой маҳаллий ҳокимларининг эмас, балки бутун Хоразм подшоларининг саройлари бўлганлигидан, Тупроққалъанинг ўзи эса, Берунийнинг ёзишича, қароргоҳ янги эранинг 305 йилида Кат шаҳрига кўчиргунга қадар бу подшоларнинг қароргоҳи бўлганлигидан далолат беради. Саройнинг ниҳоятда катталиги ҳам (қадимги Хоразм ёдгорликлари ичида катталиги жиҳатидан бу саройга тенг келадигани йўқ), Тупроққалъа саройида VI асрда ҳаёт қайнагани ҳолда, бу саройнинг IV асрда бўм-бўш бўлиб қолиши (бунинг сабаби ҳозиргача маълум эмас) ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Шу муносабат билан Тупроққалъа меъморчилигининг баъзи бир хусусиятларига эътибор бермаслик мумкин эмас. Курувчилар олдида турган вазифа – улуғворлик билан савлат тўкиб турувчи ёдгорлик яратиш вазифаси бадий жиҳатдан жуда соз бажарилган, бироқ бу обида бошқа томондан – қурилиш-техника жиҳатидан ниҳоятда қониқарсиздир. Тупроққалъа саройи ғиштларининг пала-партиш терилиши жиҳатдан қадимги Хоразмнинг ғиштлари ғоят аниқлик ва пухталиқ билан терилган анча илк ёдгорликлардан катта фарқ қилади. Бу нуқсон қалъада одамлар яшаган даврдаёқ намоён бўлган эди: ўша вақтда девор оғиб, қулаб кетмаслиги учун

тирговуч деворлар ва контрфорслар (*гишт тирговуч – У. Б.*) қўйишга, баъзан эса ҳатто бутун бошлиқ иморатлар қуришга тўғри келган эди. Бу ҳол Б.Н.Засипкиннинг Амир Темур даврида қурилган иншоотларнинг узоққа чидамаслик сабаби тўғрисидаги назариясини беихтиёр ёдимизга солади: жаҳонгир ғоят қисқа муддатда кенг кўламда баҳайбат иморатлар қуришга амр қилган, бу иморатлар у тузган янги жаҳон империясининг улуғворлигини гавдалантириб туриши керак эди, бироқ бу иморатларни қурган усталар ҳали етарли инженерлик-қурилиш малакасини эгалламагандилар. Иморатлар қуриб битказилади, аммо уларнинг биронтаси бизнинг замонамизгача бузилмаган ҳолда етиб келмади. Амир Темур томонидан қўйилган вазифа унинг набиралари даврида бажарилди.

Вазамарнинг саройи ҳам худди шунга ўхшаш шароитда қурилган бўлса керак. Хоразм Кушон давлатига тобеликдан қутулиб, қудратли давлатга айланади. Хоразмнинг жаҳоншумул давлатликка даъвоси Пойкўлдан топилган тангаларда акс этган. Бу тангаларда Хоразм подшолари Кушон подшолари ва Рим кесарларининг (*қадимги Рим монархларига оид ном бўлиб, Цезарь номидан олинган – У. Б.*) ўртасида туради. Давлатнинг буюклигига мос равишда, ҳукмдорнинг саройи ҳам улуғвор бўлиши керак эди.

Шубҳасиз, сарой ғоят қисқа муддатда қурилган, бунинг устига, қурилиш жараёнида усталар зиммасига янги-янги вазифалар юклатилаверилган. Шуниси аҳамиятлики, дастлаб саройни кичикроқ қилиб қуриш мўлжалланган эди: жанубий буржни тозалаш пайтида унинг поғонали пилястрли қилиб урилган ва очик ҳолда қолиб, шубҳасиз, биронта қишни чиқармаган, сирти лой билан текис қилиб сувалган деворга тақаб солинганлигини пайқаб қолдик. Бошқачасига айтганда, дастлаб ният қилинган квадрат шаклидаги иморат битган заҳотиёқ режа ўзгартирилиб, уни улуғвор

ва ҳашамдор қилиш мақсадида, тайёр бинога учта баҳайбат бурж тақаб солинган.

Янги эранинг III асрида Хоразмнинг яна биринчи даражали давлатга айланиши билан боғлиқ сиёсий воқеалар меъморчиликда шу тарзда акс этди.

Қадимги Хоразм юксак ва ўзига хос бадиий маданият яратди. Шакларининг мағрурона улғуворлиги билан кишини танг қолдирувчи монументал меъморчилиги, лойдан ишланган монументал ҳайкаллар, терракот ҳайкалчалар ва рельефларнинг ажойиб пластикази (*ҳайкалтарошлик ва наққошликда ҳажмли шакллар яратиш санъати – У. Б.*), қадимги Хоразм медаль ясовчи рассомларнинг гоят нафис санъати ва, ниҳоят, нақшлардаги ранго-ранг чизма образларнинг уйғунлиги, бутунича олганда, қадимги Хоразм цивилизациясини яратган кишилар образли тафаккурининг ҳамда бадиий маҳоратининг мустақиллиги, кучи ва етуқлигидан далолат берувчи ниҳоятда оригинал ва яхлит мажмуани ташкил этади. Арфа чалувчи аёл ва унинг ҳамроҳлари тадқиқотчи учун қадимги санъатнинг мусиқа оламидек энг мушкул даргоҳнинг эшигини қия очиб берди. Ўрта асрлар охирида ва янги даврда Хоразмнинг мумтоз мактаби Ўрта Осиё халқларининг мусиқа маданияти тарихида қандай роль ўйнаганлиги бизга маълум. Қўлида «осурийча» асбоб ушлаган арфа чалувчи аёлнинг нозик образи – қадимги Хоразм илк цивилизациясининг Олд Осиё олами билан биз юқорида текширган алоқалари занжиридаги янги бир ҳалқа бўлиши билан бирга, айна чокда Хоразмнинг энг сўнги, Ўрта аср ва ҳозирги замон юксак мусиқа маданияти тарихида аввалги даврга оид қимматбаҳо ёдгорликдир. (*Қўлингиздаги С. П. Толстовнинг китобида 1947 йилга қадар ўтказилган қазилма ишларига яқун ясалган. Шундан кейин Тупроққалъада қазилма ишлари то 1950 йилга қадар яна давом эттирилди. Шу вақт ичида сарой биноси таг-туғи билан қазилди ва бир қанча янги*

нарсалар топилди. Эрамизнинг III ва IV асрлари оралигида ўтган Хоразмшоҳларга мансуб архивнинг топилиши айниқса муҳим аҳамиятга моликдир. Бу қадимги Хоразм ёзуви ёдгорликларининг биринчи бор ёппасига топилиши эди. Ушбу тадқиқот ишлари С.П.Толстовнинг «Қадимги Окс ва Яксарт дарёлари бўйлаб» номли асарида ёритилган – У. Б.)

8-БОБ. АФРИФ ЭРАСИ

1

Шоҳ Африфга қадар шундай бўлди ва у мазкур сулоланинг ягона намоёндаси эди. Форсларда Ездежерд (Ездегерд 1, 399 – 420 йиллар) бадном бўлгани сингари, у ҳам ёмон от чиқарди...

(Африф) 660 йилда ал Фир ичига Искандардан (Македониялик) кейин ўзининг қасрини қурдирди. Сана ҳисобини ундан (Африфдан) ва унинг авлодларидан бошлайдилар. Ал Фир Хоразм шаҳри яқинида лой ва хом гиштдан қурилган уч деворли қалъа бўлиб, деворлар баландлиги жиҳатидан бири иккинчисини босиб кетарди ва Ямандаги Гумдон Тобблар қароргоҳи бўлганида шоҳларнинг қасри ҳаммадан юқорида турганидек, бу ерда ҳам подшоларнинг қасри барча деворлардан баландда эди... Ал Фир ўн миля наридан ва ундан ҳам узоқдан кўриниб турарди.

Абу Райҳон Беруний сон жиҳатидан учинчи ва ислом динига қадар Хоразм эрасининг қарор топишини юзага келтирган шарт-шароитни шу тарзда тасвир этади.

Бу лўнда манба замирида ётган катта ижтимоий ҳодисаларни назарда тутар эканмиз, хоразмликларнинг янги эрани қабул қилишлари зинҳор тасодифий бир ҳол эмаслиги ўз-ўзидан аён бўлиб қолади. Гарчи қадимий сиёвушийлар сулоласининг давоми (тармоғи) ҳисоблансада, аслида янги сулоланинг қарор топи-

ши, мустабид подшонинг халқ онгига сингиб қолган образи, бу подшо томонидан истеҳкомли баҳайбат қалъанинг барпо қилиниши (африғийлар сулоласи барбод бўлиб, энг сўнгги африғийнинг ўлиmidан кейин Африг буржи Амударё тўлқинлари устига қулаб тушган кунга қадар мазкур қалъа африғийлар ҳокимиятининг даҳшатли рамзи сифатида қад кўтариб турган) – буларнинг ҳаммасини бир занжирнинг халқалари дея ҳисобламоқ керак.

Хоразм тангаларида Африғнинг расми сақланиб қолган. Бунда биз каттакон кўзларининг пахтаси чиқиб кетгудек бўлиб диққат билан қараб турган, сийрак чўкқи соқоли, қирғийбурун кишининг ваҳшиёна важоҳатини ён томондан кўрамиз. Унинг бўйида икки шода маржон бор. Подшонинг бошида думалоқ тиаранинг (*қадимги шарқ мамлакатлари подшоларининг кулоҳ шаклидаги бош кийими – У. Б.*) бир учи энсага тушиб туради, тиара тангасимон тўқа ва пешона устида ярим ой билан безатилган. Танганинг тескари томонида анъана бўлиб қолган чавандоз орқасидаги тамғаси билан бирга туширилган, юқорида юнонча ёзув излари бор эди, отнинг оёғи тагидаги ёзув «подшо Африғ» деб ўқилади.

Сўнгги ўрта асрларда Хоразмнинг феодализмдан аввалги пойтахти ўрнида вужудга келган Шоббоз шаҳарчасининг теварак-атрофларида халқ ўртасида Пилқалъа номи билан маълум бўлган, сўнгги-қадимий замонга оид баҳайбат қалъа харобалари ҳозир ҳам бор. «Пил» деган исм қадимги «Фир» шаклининг ҳозирги замондаги қонуний талаффузидир, бу билан бирга араб манбаларида (муаррих Таборий асарида) «фил» деб ҳам ёзилади.

Филқалъа – Африғнинг қалъаси эмас. Қалъанинг ҳалокати вақтида ҳаёт бўлган Беруний янглишган бўлиши мумкин эмас, албатта. Шунингдек, Абу Райҳон Берунийнинг тавсифи ҳам Филқалъанинг лойиҳавий кўринишига ўхшамайди. Бу қалъа Африғ даврига

мансуб бўлиб, афригийлар пойтахтининг ягона обидаси сифатида бугунги кунга қадар қад кўтариб турибди ва ҳозир ҳам у ўша пойтахтнинг номида.

Харобаларни ботқоқлик қуршаб олган, ундан фақат битта сўқмоқ ўтади. Шаҳар қадимий гиштдан қурилган, замонлар ўтиши билан пастак тупроқ қўрғонга айланган қалин девор билан ўраб олинган, бир-бирига яқин турган ва бурчакларда бизга Аёз-қалъа орқали таниш бўлган, «қалдирғоч қаноти» тасвирини ҳосил қилувчи талай юмалоқ буржлар девор ёқалаб кетган. Умуман, бу қалъа бизга кўпроқ Аёз-қалъа-1ни эслатади ва давр жиҳатидан ҳам унга яқин: қалъа янги эранинг II-III асрларида қурилган, дея ҳисоблаш мумкин. Лекин қалъа бурчакларидан бирининг яқинида 54x54 метрли улкан бинонинг қайғули харобалари ястаниб ётадики, у қадимги иморатларга ўхшамайди. Қалин деворлар пахсадан иборат бўлиб, жуда ўзига хос тарзда урилган: пахса чоклари девор юзасига нисбатан перпендикуляр ҳолатдадир, бу билан деворнинг баландлиги 10-11 метр бўлганлиги ҳолда, ниҳоятда қалин – эни 6 метр бўлишига эришилган. Натижада бутун иншоот жуда баҳайбат бўлиб кўринган. Африг яшаган давр – катта тарихий ўзгаришлар даври бўлди. Берунийнинг икки оғиз гапи заминида ётувчи бу ўзгаришларнинг моҳиятини ҳозир ҳам ошкор қилишимиз мумкин бўлса керак.

Хоразмда бутун хўжалик ижтимоий тузум, турмуш ва сиёсий ҳаётнинг кескин суратда ўзгариб кетишига олиб келган жараёнлар IV асрдан эътиборан борган сари жадаллаша бошлади. Бу ўзгариш аҳоли яшайдиган жойнинг тамомила янги тоифаси вужудга келишида яққол намоён бўлди. Берунийнинг сўзларига қараганда, бу турар жойларнинг асосийси қўрғон бўлган.

Юқорида, III аср ёдгорликлари билан танишиш вақтида биз кузатган жараёнлар бу вақтга келиб тўла тўкис ривожланиб кетади.

Давлат томонидан тикланган ва унинг қармоғида бўлган, қудратли қалъалар муҳофазасида кенг майдонга ёйилиб кетган Аёзқалъа тоифасидаги истеҳкомсиз турар жойлар ўрнини энди деҳқонларнинг дала-лар ўртасида ташқи оламдан ажралган ҳолда ётувчи, маҳкам истеҳкомланган кичик қўрғони олади. Аристократия қўрғонларининг ваҳимадор истеҳкомлари деҳқонларнинг бу «қўрғонлари»ни босиб, пастда қолдириб кетган. Воҳага чўл томондан келиб туташувчи қадимги қалъалар таназулга учрайди. Бевосита араб истилосидан аввалги бу даврнинг «археологик қатағони» – харобаларнинг улкан мажмуаси бўлмиш ўлик Бургутқалъа воҳасидир (бу қалъа обидаларининг асосий қисми янги эранинг VII – VIII асрларига мансуб).

2-3 километр энли тасма ҳосил қилиб 17 километр масофага чўзилиб кетган, юзтача маҳкам истеҳкомланган қўрғонлар жанубдан шимолга қараб оқувчи сертармоқ катта ариқнинг ҳар икки томонида ҳам ёйилиб ётарди. Агар Жонбосқалъа бизга Помпей Трог асарларида ва энг сўнги Хитой манбаларида тилга олинган қадимги ва Ўрта Осиёнинг «минг шаҳари» тўғрисидаги масалани ҳал этиш имконини берган бўлса Бургутқалъа воҳаси араб истилоси давридаги манбаларда зикр қилинган ўн минглаб қўрғонлар масаласини ҳал этишга ёрдам беради.

Бу ўринда биз турли-туман катталиқдаги қўрғонларни – Бургутқалъа, Тешикқалъа, Уйқалъа, Қумбосганқалъа сингари катта қалъалардан тортиб то бир неча юз квадрат метр майдонни эгаллаган жуда кичик қўрғонларни ҳам учратамиз. Бироқ буларнинг ҳаммаси ягона бир мақсад асосида қурилган. Ҳамма қўрғонлар қудратли мудофаа иншоотлари билан истеҳкомланган. Улар баланд пахса девор билан ўраб олинган ва аксарияти «донжон» дея аталган ва баланд пойдевор устида ўрнатилган, ҳашаматли ёки ичида гумбазли хоналари бўлган қўрғончага эга эди. Қурилиш техникаси ҳам ўзгаради: хом фишт камроқ ишла-

тилади ва ҳажми кичраяди (Африғийлар гиштининг ўлчами 35x35x8). Гишт ҳисобига пахса девор кўпаяди. Қадимги истеҳкомларнинг ўзига хос шакллари ҳам ўзгаради: пахса деворларнинг шинаги йўқ, буржлар фақат бурчакларда ёки деворлар оралигининг ўртасида сақланиб қолган ва ўрта аср учун хос думалоқ ёки тухумсимон лойиҳалаштирилган режа касб этган. Биз қазиб очган битта катта (Тешикқалъа) ва учта кичик (4, 34 ва 36) қўрғонлар бу ёдгорликларнинг турмушини бирмунча муфассал тасвирлаш имконини беради.

Катта қўрғон бизга йирик Хоразм амалдори вакилининг турмуши қандай бўлганлиги тўғрисида маълумот беради. Ташқи деворларнинг юқоридан манзарали арklar билан туташтирилган ҳашаматли ярим устунлар билан яхшилаб безатилганлиги, ички хоналарнинг жуда кошонали қилиб ишланганлиги, жумладан, аҳоли яшаган миноралардаги хоналарнинг юқори қисмини безатган, пиширилмаган лойдан ясалган фризларнинг мавзуи жиҳатдан ниҳоятда архаик бўлиб, навбатма-навбат келувчи саккиз нишли атиргул барги (бу нақш келиб чиқиши жиҳатидан Аҳамонийлар замонига бориб тақалади) ва саккиз нишли пальма барги тасвирларидан таркиб топган нақши, аҳоли яшаган қасрларнинг ҳажми жиҳатдан баҳайбатлиги – буларнинг ҳаммаси олдимизда бадавлат Хоразм деҳқонлари хонадонларидан бирининг қўрғони турганлигидан далолат берарди. Кичик қўрғонлар эса, аксинча, оддий деҳқон оиласининг ўртамиёна турмушидан далолат беради. Бироқ бу деҳқон оиласининг ўз «қўрғони», кишилар яшайдиган шинакли қасри, қудратли мудофаа деворлари бўлиб, бундай деҳқон «қўрғонлари» лойиҳалаштирилиши жиҳатидан ҳам, ҳажми ва ҳашамдор қилиб ишланиши ҳисобга олинмаганда, амалдорларнинг қўрғонларидан моҳият эътибори билан деярли фарқ қилмаган. Шубҳасиз, бу крепостной деҳқончилик эмас, балки деҳқонларнинг шун-

дай бир ижтимоий табақаки, бунда амалдорлар антагонистик синф сифатида майдонга чиқмаган. Бундай кичкина қўрғоннинг ҳар бир эгаси ўзига хос деҳқон бўлган. Бир замонлар амалдорларни, баъзи вақтларда эса подшо унвонини билдирган деҳқон сўзи ҳозир зироатчи деган маънони англатиши бежиз эмас.

Бу даврнинг ёдгорликлари ичида ҳеч қандай очиқ қишлоқларни учратмаймиз. «Қўрғонлар»да фақат қишлоқ аҳолисининг истиқомат қилган. Бунда биз қишлоқнинг умумий чегарасида ҳали қўшилиб турган ва катта оилалар жойлашган Аёзқалъа мажмуасининг бўлиниб кетишини ва қишлоқнинг бир неча гектарли жойга тўпланиш ўрнига, канал ёқалаб 30 квадрат километрдан ортиқ майдонга ёйилиб кетишини гўё кўргандек бўламиз. Ҳар бир қўрғон бири иккинчисидан бир неча метр нарида, алоҳида жойлашган. Қўрғонларнинг теварак-атрофидаги тақирлар юзасини ўрганиш натижасида бу қўрғонларни экинзорлар ва боғлар қуршаган экан, деган хулосага келдик. Қўрғонларда араб давридаги манбаларда дуруст тасвирланган катта оилалар истиқомат қилганлиги шубҳасиздир. «Кад» дея аталган бу катта оилали патриархал уй жамоасининг бошлиғи «кадхудо» деб аталади. Наршахийнинг ва бошқа мусулмон муаллифларининг асарларида қайд қилинишича, бундай жамоага талай оила аъзолари ҳамда бу оиллага қарам бўлган чала ҳуқуқли фуқаролар ва қуллар кирган.

Умуман, бутун манзара маъносона ва оғир бир таассурот қолдиради. Рўпарамизда истехкомли қўрғонлар ўлкаси турарди. Бу мамлакатнинг пахса деворлари ичида истиқомат қилган кишилар фаним ҳужумини даф қилишга доим тайёр турганлар. Кўз олдимизда мутассил урушлар билан тўлиб-тошган суронли давр ҳақида, душман ҳужумидан ҳамиша чўчиб яшаган ва қўлига қурол олиб, ўз ҳаёти ва мулкини ҳимоя қилишга ҳар доим шайланиб турган кишилар тўғрисида ҳикоя қилувчи манзара намоён бўлган эди.

Феодализм ҳали қарор топмаган бўлса-да, бироқ унинг келиб қолганлиги сезилиб турарди; амалдорларнинг даҳшатли кўрғонлари йирик каналларнинг тармоқларини қулоқ бошидан бўғиб қўйиб, деҳқонларнинг кўрғонлари устидан ҳукмронлик қила бошлайди. Деҳқонлар ўз кўрғонларини фақат ташқаридан бўлган доимий хавфни даф қилиш учунгина истехком қурган эмаслар, албатта. Деҳқон ташқи душмандан ҳам хавфлироқ бўлган катта кўрғонларнинг эгаларидан ўз озодлигини муҳофаза қилишга мажбур бўлади. Дарҳақиқат, манбаларнинг саҳифаларини варақлар эканмиз, бу даврдаги Хоразмнинг ички ҳаётига оид маълумотларга дуч келганимиз ҳаманоқ, аёвсиз ва қонли фуқаролар уруши нақ қайнаган жойга тушиб қоламиз. Бу урушга араб истилоси хотима берди. Янги тарихий шароит қишлоқдагидан ҳам кўра шаҳарда яққолроқ ва кескинроқ намоён бўлди.

Шаҳарлар инқирозга юз тутди. Тупроққалъа ҳувиллаб қолган қаср-саройи билан, кўп деганда, VI асргача яшаб келди. Қирққизқалъада ҳам шу вақтга келиб ҳаёт сўнди.

Бу жараён шаҳар ҳунармандчилигининг авж олиб бораётган таназули билан узвий боғлиқдир. Агар IV асрда аъло сифатли қадимий керамика анъаналари давом этиб келган бўлса, V асрда керамика буюмларининг сифати ниҳоятда пасайиб кетди. Ўрта Айриғий даврига мансуб идишларнинг асосий қисми уйда ясалган. Чархсиз ясалган, қўпол, яхши пиширилмаган бу мўнди ва декчалар тоғли Тожикистоннинг айрим узоқ қишлоқларида ҳозир ҳам аёллар ўша даққи юнусдан қолган техника билан тайёрлайдиган идишларига кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Ҳунарманд усталар тайёрлаган сув ташиладиган кўза ва хумларда ҳам техника таназулининг аломатлари сезилиб турибди: қорилган лой анча дағаллашган, унга турли ўринсиз нарсалар аралашган, кўзалар қўл билан айлантириладиган чархда ясалган. Керамика буюмлари шаклари-

нинг миқдори ҳам жуда камайиб кетган. Идишларнинг безаклари ҳам қўполлашиб ва камайиб кетади, уларга лок, ангоб ҳамда жило мутлақо берилмаган.

Айриғийлар даврининг санъатидан бир қанча намуналар сақланиб қолган. Одми, безаксиз, қўполроқ қилиб ишланган меъморчилик ёдгорликлари ва бир талай африғий тангаларидан ташқари, Хоразм ҳақкоклигининг намуналари – VIII асрга мансуб бир қанча муҳр излари бор эди; уларни биз Тешиққальани қазииш пайтида топгандик. Бу муҳрлардан бирида камон отаётган чавандоз, иккитасида тахтда ўтирган тўрт қўлли Худо тасвирланган. Мазкур образ асосан Кама бўйидан топилган ва ҳозир Эрмитаж ҳамда Британия музейларида сақланаётган бир талай кумуш косалардаги тасвирлар билан айна бир хил экан. Косалардаги ёзувларнинг алфавити Хоразм тангаларидаги ёзувлар алфавитининг худди ўзгинасидир. Ана шу бир хилликка асосланиб, 1938 йилдаёқ амалий санъатнинг бу ёдгорликлари аслида Хоразмдан келиб чиққанлигини аниқлаган эдик. Ерда ётган арслон ёки қоғлон устига қўйилган тахтдаги тўрт қўлли хотин маъбуданинг тасвири Африғий иконографияси (*рассомликда, ҳайкал-тарошликда муайян бир сюжетни ёки бирон шахсни мунтазам тасвирлаш – У. Б.*) учун аҳамиятли образдир. Шубҳасиз, бу образда Кушон даврига бориб тақалувчи ҳинд-будда анъаналарининг таъсири бор. Бу маъбуда ҳинд-будда маъбудалари орасида синкретизацияланиш йўлини босиб ўтган ва бизга яхши таниш бўлган Хоразм Анахитасидир, десак янглишмасак керак.

VII – VIII асрларда яшаган Хоразм амалдорларига қарашли зийнатли уй-рўзғор анжомларининг бу ажойиб намуналари Бургутқалъа воҳасидаги қўрғонларда истиқомат қилган аҳолининг қўпол ва безаксиз кундалик уй-рўзғор буюмларидан тубдан фарқ қилган. Амалий санъат барбод бўлмайди, балки у қадимги Хоразм учун хос бўлган оммавийлигини

йўқотади ва оқсуякларнинг тор доирасигагина мансуб бўлиб қолади.

Ташқи савдо алоқалари сусаяди. Энди биз афригийларнинг ёдгорликлари ичида Сурия-Миср (Ўрта денгиздан топилган) ва Қора денгизнинг шимол томонида шиша, паста ва тошдан ишланган маржонларни учратмаймиз. Сердолик ва халцеондан ишланган оддий юмалоқ мунчоқлар Эрондан олиб келинган ёки шу ерда тайёрланган.

Афригийлар даври охирига келиб шаҳарларнинг таназзулга юз тутиши оқибатлари араб ёзувчиларининг VIII аср бошида Хоразмнинг истило қилиниши тўғрисидаги ҳикояларида яққол акс этгандир: Таборийнинг маълум қилишича, 712 йили Хоразмда бор йўғи учта шаҳар бўлган. Булар – пойтахт Кат (Фил), Ҳазорасп ва афтидан, Урганч бўлса керак. Шаҳарларнинг сони камайтириб кўрсатилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, бироқ Таборий манбасида акс этган анъананинг археология материаллари ҳам тасдиқлаши диққатга сазовордир. «Минглаб шаҳарлар» ўрнини ўн минглаб кўрғонлар эгаллайди. X асрда, яъни афригийлар сулоласининг батамом емирилиши ва Хоразмнинг янгидан юксала бошлаши даврида, Мақдсийнинг сўзларига кўра, фақат биргина Маздаҳқон шаҳари (ҳозирги Хўжайли яқинидаги Кофирқалъа деган қадимий шаҳар харобаси) теварак-атрофларида 12 мингта кўрғон бўлган.

Ижтимоий ҳаёт, маркази ўлаётган шаҳардан қишлоққа кўчади. Бироқ қишлоқда ҳам ишлаб чиқариш кучларининг таназзул аломатларини кўрамиз. Бу таназзул даставвал, иригация тизимининг қисқаришида намоён бўлган. Говхўра шарқий тармоғининг ярмидан кўпи ишдан чиқади. Бу канал тармоқлари бўйида жойлашган Ангоқалъа, Қўйқирилганқалъа ва Жонбосқалъада ҳаёт сўнади. Қўрғошинқалъанинг теварак-атрофларини суғорган Бургутқалъа (Қирққизқалъа) каналининг шимолий шарқий бўлаги ишдан

чиқади. Овхўра бош ўзанининг Аёзқалъа этакларидagi қишлоқларни суғорган катта ўнг тармоғи қисқариб кетади.

Чап қирғоқда жойлашган ирригация тармоғи бундан ҳам баттар инқирозга учрайди. Бу ердаги улкан Чарманёб каналининг бутун тизими тамомила ишдан чиқади; бу каналнинг Измухшўрдан ғарб томонга қараб кетган бутун қирғоғида афригийлар даврига оид бирорта ёдгорлик учратмадик. Бундай жараёнлар фақат Хоразмдагина эмас, балки Еттисувдаги Суғд қишлоқларида ва Ўрта Осиёнинг камроқ ўрганилган бошқа жойларида ҳам рўй берди. VII – VIII асрларга мансуб археологик ёдгорликлар ва араб манбаларида келтирилган маълумотлар Марв, Суғд, Тоҳаристон, Фарғона ва Шош (Тошкент) да ҳам ирригация тизимлари таназзулга учраганлигидан далолат беради.

Бу ерларда ҳам истеҳкомланган ва ташқи оламдан ажралган қўрғон аҳоли яшайдиган асосий турар жой бўлиб қолади. Булар – Суғддан Еттисувга кўчиб келиб, шу ерда ўрнашиб қолган жамоаларнинг талайгина қўрғонларими (бу қўрғонларни А. Н. Бернштам тадқиқ қилган эди) ёинки Зарафшон бошидаги Муғ тоғида жойлашган қўрғонми (А. А. Фрейман қазиган бу қўрғондан *Суғдга оид ажойиб ҳужжатлар мажмуи топилган эди*) – бундан қатъи назар, мазкур қўрғонлар тузилиши жиҳатидан Хоразм қўрғонларига ўхшашдир.

Тахминан V асрларга келиб бу ерларда ҳам обод қилинган жойлар ниҳоятда камайиб кетади. Археолог В. А. Шишкин Бухоро воҳасининг ғарбий қисмида худди шундай жараён рўй берганлигини қайд қилганди ўзининг «Археологические работы» номли 1937 йилда чоп этилган асарида.

Юқорида қайд қилинган ерларда шаҳар ҳаёти инқирозга юз тутаяди ва худди ўша V – VI асрларда моддий маданиятнинг бутун қиёфаси кескин суратда шундай ўзгаришга учрайди. Бундай таназзулга Тер-

миз тумани ҳам учраганлигини археолог М. Е. Массон «Городыша Старого Термеза» номли асарида алоҳида таъкидлаган эди.

Ўрта Осиёнинг бутун ҳудудидан топилган бир турдаги моддий маданият ёдгорликлари қадимги замонда нисбатан бир хил бўлган бўлса, V асрдан кейинги даврга мансуб маданий тоифалар тайёрланган жойига қараб бир-биридан катта фарқ қилади.

Бу ҳол, айниқса, керамикада яққол намоён бўлган. Қўл керамикасининг (бу керамика ўзининг чуқур илдизлари билан Эрон ва, ҳатто, Кичик Осиёнинг бронза асридаги керамика буюмлари намуналарига бориб тақалади) маҳаллий анъаналарини жонлантирувчи, илк ўрта асрларга оид ўзига хос идишлари бўлган Суғд ва Еттисувнигина эмас, нисбатан яқинда жойлашган Бухоронинг ҳам бу даврдаги керамикаси афригийлар керамикасига мутлақо ўхшамайди. Афригийлар даврида Хоразмнинг, ҳатто шимолий-ғарбий туманлари керамикаси ҳам Жанубий Хоразмнинг мумтоз керамикасидан фарқ қилади.

Умум Ўрта Осиё миқёсида олганимизда, бу жараённинг сиёсий томони яққол намоён бўлишини кузатамиз. Кушонлардан аввалги даврга, шунингдек, кушонлар даврига оид қадимги замон ҳамда Хитой манбаларида каттакон давлатлар тўғрисида гап борса, араблар келганда Ўрта Осиё ўзига мустақил кўп майда давлатларга бўлиниб кетган эди. Ушбу давлатларнинг ҳар бири – алоҳида шаҳар (унинг теварак атрофлари билан бирга) бўлиб, уларнинг баъзилари «узун деворлар» ҳалқаси билан қуршаб олинган. Гоҳо ана шу давлатлар муайян бир йирик марказ атрофида унча барқарор бўлмаган кичикроқ иттифоқларга бирлашгандилар.

Араблар истилоси даврига келиб Тоҳаристон (қадимий Бақтрия) бир қанча майда ҳоким ва подшоликларга бўлиниб кетди. Номигагина подшо дея аталган бу ҳукмдорларнинг турли-туман дабдабали унвонла-

ри бўлган. Бу ҳокимликлар – Юқори Амударёнинг чап қирғоғидаги Балх ва ўнг қирғоғидаги Чағаниён («чаған худот» бошчилигида) дир; булар ўртасидаги мустақил Термиз мулки (унга «Термизшоҳ» бошлиқ); Юқори Тоҳаристондаги Вашгирд, Қувадиён ва Хутталиён ҳокимликларидир (Панж билан Ваҳиш оралигида). Панждан юқорига қараб ҳозирги Тоғли-Бадахшон автоном вилояти ҳудудигача бўлган майдонни эгаллаган тоғли ҳокимликлар – Керрон, Шахинам (Шугнан) ва Вахан ҳокимликлари давом этиб кетганди. Шимол томонда, мамлакат ичкарисида, Вахш дарёсининг бошида жойлашган Рашт ва Кумед (ҳозирги Қоратегин) музофотларида кумижий деган тоғли халқ яшаган. Мақдисий кумижийларни туркий халқлар қаторига қўшади. Баттам ҳокимлиги Зарафшон дарёси бошидаги тоғли музофотни эгаллаган. Суғд унча катта бўлмаган учта шаҳар ҳокимликлари иттифоқига бўлиниб кетади. Суғднинг ўзи (Самарқанддаги маркази билан бирга) Зарафшон дарёсининг Панжикентдан тортиб Карманагача бўлган ҳавзасигина эгалланди, холос. Зарафшон водийсининг ғарбий қисми Бухоро бошлиқ бошқа бир иттифоқни ташкил этган. Шунингдек, Қашқадарё водийси ҳам ўзининг Кеш (Шаҳрисабз) шаҳридаги маркази билан бирга мустақил бир иттифоқни ташкил қилган. Дарвоқе, баъзан бу иттифоқ Суғд иттифоқи таркибига кирган.

Юқорида қайд қилинган иттифоқларга кирган ҳокимларнинг айримлари ўзича мустақил бўлган. Чунончи, Самарқанддан атиги 8-9 километр жанубда жойлашган Маймурғ мулкининг ҳокими 451 йилда ўзи мустақил равишда Хитойга элчилар юборади. Самарқанддан пастда, Зарафшон этаклари бўйлаб Иштихон ва Кушония деган кичкина давлатлар жойлашган эди.

Бухоронинг ёнгинасида, Бухоро воҳаси чеграсида Вардона ҳокимлиги ўрнашганди, унинг ҳукмдори «Вардоншоҳ» деган дабдабали унвонга эга бўлган.

Фаргона ҳам бир қанча ҳокимликларнинг бирлашувидан ташкил топган бўлиб, у кўп жиҳатдан ҳозиргина тилга олинган иттифоқларни эсга соларди. Фаргона ва Суғд подшоларининг «ихшид» деган унвони бўлган. Хўжанд округи мустақил давлат бўлган, унинг подшочаси «деҳқон» деб аталган. Ўратепа тумани Усрушонанинг мустақил музофоти бўлган, «афшан» дея аталган ҳоким унинг тепасида турган.

Биз Хоразмнинг бу даврда сиёсий жиҳатдан бўлиниши тўғрисидаги маълумотга эга эмасмиз. Хоразм яхлит бир мулк бўлган ва умумий сиёсий манзарада бирмунча алоҳида ўринни ишғол қилган бўлса керак. Бироқ бу ерда ҳам ички сиёсий алоқалар сусайиб кетганлиги сезилиб турарди: Таборий Хоразмшоҳ билан бир қаторда унга бўйсунган «подшолар» (арабчаси «мулк») тўғрисида ҳам гапиради.

Бироқ анча кенгроқ кўламдаги қадимий сиёсий бирликнинг аллақандай анъаналари VII – VIII асрларда ҳам яшашда давом этади.

Илк араб манбалари билан айна даврга мансуб бўлган хитойликларнинг Тан сулоласи тарихида Кан мамлакати тўғрисида гапирилади ва бу мамлакат таркибига тўққизта ҳокимлик: Самарқанд (Кан, Самокян), Бухоро (Ань), Кабудан (Цао), Шош (Тошкент-Ше), Маймурғ (Ми), Кушония (Хо), Вардана (Маркварт «Моди» деб ўқишни таклиф қилган эди), Кеш (Ше) ва Хоразм кирганлиги қайд қилинади. Ҳокимликларнинг ҳукмдорлари («тўққиз оила») бир сулолага мансуб бўлиб, хитойликлар бу сулолани Чжаову деб атаганлар.

Мазкур ном қадимги Кангюй сулоласининг афсонавий асосчиси Сиёвушнинг исмини билдиради (буни биринчи бўлиб Томашек пайқаган), деган фикрга қўшилмаслик мумкин эмас.

Хитойликлар Самарқандни бу бепоён иттифоқнинг маркази бўлган дея ҳисоблайдилар ва унга Кан деган умумий ном берадилар. Конфедерациянинг ҳудуди

хам, номи ҳам бу иттифоқ амалда қарийб ҳеч қандай сиёсий аҳамиятга эга бўлмасада, у анъанавий суратда сақланиб қолган қадимий Кангюй давлати эканлигига шубҳа йўқ.

Тан-шуга қарама-қарши ўлароқ, араб манбаларида бу анъанавий бирлашмада Самарқанднинг сиёсий жиҳатдан мавқеи устун бўлганлиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Аксинча, Таборий ва Яъқубийнинг якдиллик билан шоҳидлик беришларича, иттифоққа ўхшаш бир нарсани ташкил этган Мовароуннаҳрнинг подшолари бирон фавқулодда ҳодиса рўй бериб қолгандагина Хоразм яқинидаги Кандакин шаҳарида тўпланганлар. Бу ўринда Хоразм деганда бутун бир мамлакатни эмас, балки унинг пойтахтини (Катни-Фирни) тушуниш тўғрироқ бўлса керак; илк мусулмон манбаларида кўпинча Хоразм сўзи унинг пойтахти маъносида ҳам ишлатилган. Бу ҳол Кандакни Хоразм чегарасида жойлашган бўлиши керак, деб тахмин қилиш имконини беради, яъни ана шу хусусда ҳам эски Кангюй анъанаси сақланиб қолган.

Хитойликларнинг хабарларида эса Самарқанднинг Кангюй иттифоқидаги расмий эмас, балки амалий устунлиги назарда тутилган бўлиши керак. Дарҳақиқат, Самарқанд Мовароуннаҳрнинг энг йирик иқтисодий маркази сифатида бу иттифоқда етакчи мавқени эгаллаган.

Ўрта Осиёнинг IV ва VIII асрлар орасидаги, яъни Кушон давлатининг қулашидан тортиб араблар истилосигача бўлган даврдаги, ташқи сиёсий-тарихий шиддатли воқеалар билан тўлиб-тошгандир.

Янги эранинг II асрида сиёсий куч-қудрати авжига минган Кушон давлати таназзул ва барбод бўлиш даврига қадам босганлиги эсингизда бўлса керак. Биз бу инқирознинг сабаблари тўғрисида кам нарса билемиз: Кушон империясида бу даврда рўй берган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар жуда кам, ҳатто империя тарихининг ташқи чизмаси ҳам, ҳатто айрим

подшоларнинг ҳукмронлик қилган йиллари ҳам ва Канишкадан кейин ҳукм сурган подшоларнинг сони ҳам ҳозирги замон фанида беҳисоб мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бироқ шу нарса шубҳасизки, III асрда, яъни Эронда Парфия аршакийлари ҳокимият тепасидан кетиб, уларнинг ўрнига форс сосонийлари сулоласи келган бир даврда Кушон империяси бу сулоланинг Шарққа нисбатан бўлган шиддатли сиқуви-га чинакам қаршилиқ кўрсатишга ожизлик қилиб қоладилар.

Афғидан, Бақтрия каби Суғд ҳам маълум даражада Сосоний империясининг таъсирида бўлган бўлса керак.

Бироқ Хоразм тахминан II ва III асрлар чегарасидаёқ заифлашган кушонларнинг фақат расмангина сақланиб қолган гегемонлигидан озод бўлиб, ўз мустақиллигини сақлаб қолдигина эмас, балки нумизматика маълумотлари ва Тупроққалъани қазий вақтида тўпланган материалларига қараб муҳокама қилганимизда, III асрда ҳатто ўзининг сиёсий мўқеини мустақамлайди ва қадимий маданиятни юксалтириш йўлини давом этдиради.

Бироқ Африғ замони бўлган IV аср бошида Хоразмда ҳам инқироз аломатлари намоён бўлади. Хоразм тоифасидаги, бироқ ҳар хил тамғалари бўлган турлитуман майда мис чақалар шу даврда пайдо бўлган. Бу чақаларнинг пайдо бўлиши мамлакат сиёсий ҳаётидаги бизга қоронғи бўлиб қолаётган алақандай ўзгаришларга шохидлик қилади, намоён бўла бошлаган сиёсий таназзул тўғрисида хабар беради.

Авлодлари бадном қилган Африғнинг қаттиқ жабру зулми ана шу анъаналарга қарши қаратилмаганмикан?

IV аср бошларидан эътиборан Ўрта Осиёда Сосонийлар эксанциясининг тамомила барбод бўлишига ва умуман Сосоний давлатининг ўзига таҳдид солувчи воқеалар авж олиб кетди. Бу ўринда биз «оқ хуннлар» ёки Эфталитлар деган умумий ном билан юритилувчи Ўрта Осиё даштларидаги варвар қабилаларининг кенг кўламдаги ҳаракатларини кўзда тутаётормиз.

Афтидан, Эфталитлар бирлашмасининг дастлабки маркази Хоразмнинг шимолий шарқий чеккаси бўлган, юқорида кўриб ўтганимиздек, мазкур ерлар Амударё ва Сирдарёнинг ҳали бу даврда мавжуд бўлган умумий қадимий дельтасида жойлашган эди. Илк ўрта асрда кердер (ёки Куодер) номи ана шу музофот билан боғланган бўлиб, П. И. Лерх талай далимларга суяниб, хунн-кидаритлар номининг ана шу сўздан келиб чиққанлигини исботлайди («оқ хуннлар» ўз ҳаракатларининг дастлабки босқичларида хунн кидаритлар деб аталганлар). Афтидан, Эфталитлар номининг ўзи массагет сўзининг туркийлаштирилган шакли («Гвета-али») бўлса керак, бошқачасига айтганда, улар массагетларнинг ўзларининг Орол бўйидаги қадимий ватанларида қолган авлодаждодларидир.

1946 йилда олиб борган қазишма ишларимиз вақтида ниҳоятда ўзига хос бир қанча шаҳар харобаларини топдик. Булар Эфталитларнинг жануб томонни истило қилишга қаратилган ҳаракатлари бошланмасдан олдинги маданият ёдгорликларидир, дея ҳисоблашга ҳамма асослар бор.

Шаҳар харобалари Казалинск жанубидаги ботқоқлик жойлари кўп бўлган уч бурчак шаклидаги ясси ярим оролда, тўғрироғи, оролда жойлашган бўлиб, бу орол шимол томонда Сирдарё, гарбда Орол денгизи ва жанубий шарқда ботқоқли тўқайзорлар (эски Қувондарё ана шу тўқайзорларга қуйилган) билан ту-

ташган. Оролни қадимий дельта ирмоқларининг жуда кўп эски ўзанлари кесиб ўтган.

Бу ёдгорликлар ана шу ирмоқларнинг соҳилларида, денгиздан бир неча километр нарида жойлашганди.

Ёдгорликларнинг энг йириги Кесканкуюкқалъадир. Қалъа қадимий дельта ирмоғининг (ҳозир қуриб қолган) қалин бутазор билан қопланган жанубий соҳида жойлашган. 500х700 метр майдонни эгалаган, юмалоқроқ шакли бу каттакон қадимий шаҳар шарқдан ғарбга қараб чўзилиб кетганди. Шаҳарни қуршаб олган хом гишт деворнинг ювилиб кетиши натижасида шаҳар майдони теварак-атрофдаги ерлардан 2 метрча баланд кўтарилиб туради.

Шаҳар харобаси ўртасида, шимолий деворнинг яқинроғида 210х210 метрда квадрат шаклидаги қасрдан қолган тепалик турар, у шаҳар харобасининг умумий сатҳидан 3 метр, яъни теварак-атрофдаги ерлардан 5 метр баланд эди. Қаср режаси яққол кўриниб турган иморатлар билан ёппасига қопланган эди. Деворлар квадрат шаклидаги хом гишздан урилган бўлиб, гишдларнинг ҳажми 28х28 сантиметрдан тортиб, 40х40 сантиметргача етар эди. Аксарият гишдлар 33х33 ва 35х35 сантиметрли, яъни африғийлар давридаги Хоразм гишдлари билан баробар эди.

Қасрнинг режалаштирилиши ниҳоятда ўзига хослиги, ҳайрон қоларли даражада тартибсизлиги билан ажралиб турарди. Ташқаридан қаср квадратининг эини 1,5 метрли йўлак қуршаб олганди. Квадратнинг бир бурчагидан иккинчи бурчагига қараб (Шарқ томонга яқинроқ) кенлиги 3 метр келадиган йўл кетарди. Бу кўчадан турли томонларга қараб ва ҳар хил бурчаклар ҳосил қилиб, қинғир-қийшиқ тор кўчалар кетар, улар қасрнинг бутун майдонидаги эгри-бугри шакли ва ҳар хил катталиқдаги биноларни бир-биридан ажратиб турарди; биноларни аксари икки гиштли деворлар ҳажми 4х4 метрдан тортиб 23х23

метр-гача етадиган квадрат шаклидаги хоналарга ажратган. Шаҳар харобасида ҳам, қасрда ҳам кул аралаш маданий қатлам хоналар сиртига чиқиб турарди. Бу ерда турли-туман керамика, мис буюмларининг фрагментлари ва ҳайвонларнинг яхши сақланиб қолмаган суяклари (асосан эчки ва қуёнларнинг суяклари бўлиб, баъзан от ва туяларнинг бош суяги ҳам учраб турарди) жуда кўп эди.

Қадимий шаҳар харобасидан топилган жуда мўл керамика материали ниҳоятда ёрқин ва ўзига хос манзарани гавдалантиради. Ёдгорликлар ичида, оз бўлсада, Жетиносор, қадимги Хоразм ва африкий тоифасидаги идишларнинг мавжудлиги туфайли, қадимий шаҳар ҳаёти санасини аниқлаш мумкин. Бу шаҳар барпо бўлган вақт янги эранинг бошларидан кеч эмас ва унда одамлар илк ўрта асрларга қадар яшаганлар.

Керамика материалларининг аксарияти фақат шу ер-гагина мансуб эди. Булар геометрик фигураларга рельефли нақшлар туширилган қўпол керамика бўлиб, нақшларнинг бир қисми янги эранинг I мингйиллиги ўрталарига мансуб бўлган Донбўйи қадимий шаҳар харобаларидан бизга маълумдир (уларни олон қабиалари қолдириб кетган бўлсалар керак). Аксарият нақшлар идишларнинг оғзидаги гардишига бошоққа ўхшатиб туширилган, айримларига ўсимликларнинг суратлари жуда безакдор қилиб солинган. Булар Мўғулистон ва Ўрта Осиё туркий қабилаларининг илк ўрта асрларга оид нақшларига жуда ўхшаб кетарди (бу қабилаларнинг нақшларини биз суяк, металл ва тошдан, шунингдек, матоларга туширилган гуллардан биламиз).

Мазкур нақшларнинг дастлабки намуналарини хуннларнинг Мўғулистон ва Еттисувдаги янги эрадан аввалги I аср ва янги эранинг I асрига оид деб ҳисобланадиган ёдгорликларида ҳам учратамиз.

Биз текширган бошқа икки қадимий шаҳар харобаси – Куюкқалъа ва Жонкентдан ҳам юқоридагилар-

га ўхшаш материаллар топилди. Бу икки шаҳар ўрта-сидаги фарқ шундаки, Жонкентда ҳозиргина таърифланган мажмуа билан бирга, анча кейинги даврга оид материал, шу жумладан, илк ўрта асрларга оид сирли (сирланган) керамика ҳам бор эди. Бундан ташқари Жонкентнинг режалаштирилган лойиҳаси бир текис бўлиб, Тупроққалъа режасига бирмунча ўхшаб кетарди. Қуйида, китобимизнинг Х бобида бу шаҳарга яна қайтамиз.

Оролнинг шарқий томонидан «ботқоқли шаҳар харобалари»дан тўпланган материалларнинг анализи бу ёдгорликларни келиб чиқиши жиҳатидан сармат-олон ва массагет қабилаларига яқин бўлган, бироқ янги эрanning тахминан IV–V асрларида турк-мўғуллар доирасидаги Шарқ қабилаларининг (хуннларнинг деб ҳисоблаш тўғрироқ) кучли таъсирига учраган, дея ҳисоблаш имконини беради. Хитойликларнинг «Шимолий саройлар тарихи»да хабар қилинишича, кўпчилик тадқиқотчилар Оролнинг шимолий шарқида (яъни биз текшираётган туманнинг худди ўзгинасида!) жойлашган дея ҳисоблайдиган Яньцай (аорс-олонлар номининг хитойча транскрипцияси) ёки Судэ мамлакатини IV асрнинг тахминан ўрталарида хуннлар босиб олади ва ўлканинг Хунн исмли ҳукмдори тахминан 440 йили Хитойга элчилар юборади.

Афтидан, Хитой солномасидаги Хунн-Ўрта Осиё хунн-кидаритларининг подшоси Кунгадан бошқа одам бўлмаса керак. Византия манбаларида келтирилган маълумотларга қараганда, у 468 йили Сосонийларга қарши шиддатли уруш олиб борган ва Эрон шоҳи Перўз томонидан тор-мор келтирилган. Маълумки, Эфталитлар дастлаб тарих майдонига кидаритлар ва хионитлар деган ном остида чиққанлар, кидарит номи эса Кердернинг исми билан чамбарчас боғлиқдир. (Хоразмнинг шимолий-шарқий, Орол бўйидаги чекка ўлкаси X асрда ва ҳатто XIII асрда ҳам Кердер дея аталарди).

Шу тариқа, Орол бўйининг «ботқоқли шаҳар харо-балари» айнаи ўша эфталит маданияти ёдгорликларидир, дея ҳисоблашга ҳамма асослар бор. Бу ёдгорликлар эфталит маданиятининг маҳаллий, массагет-олон ва келгинди хунн элементларидан таркиб топиш тарихини ёритиб беради ва «оқ хуннлар» хўжалигининг ва ижтимоий турмушининг асосий хусусиятларини тиклашга имконият туғдиради.

Бу халқнинг чорвачилик-балиқчилик-деҳқончиликдан иборат мажмуа хўжалиги бўлиб, бунда чорвачилик етакчи мавқени эгаллаган. Бунда чорвадорлар кўчманчи бўлмаганлар, улар ўтроқ ҳолда ёки, жуда бўлмаганда, ярим ўтроқ ҳолда ҳаёт кечирганлар ва истехкомланган жамоа турар жойларида – «шаҳарлар»да (византиялик муаллифлар – Кесарлик Прокопий ва Менандр Эфталитларнинг «шаҳарларда турмуш кечирганликлари»ни зўр бериб таъкидлайдилар) истиқомат қилганлар.

Турар жойлар чизмасининг хусусиятлари жамоа-уруғчилик анъаналари ҳали яшаб келаётганлигидан далолат беради; дарвоқе, ёзма ёдгорликлар ҳам буни тасдиқлайди.

Жумладан, Хитой манбалари, шубҳасиз, массагетларда расм бўлган гуруҳли никоҳнинг қолдиғи – кўп эрлик (бир неча эр билан яшаш) одати Эфталитларда сақланиб қолганлиги тўғрисида хабар қилади. Эфталитларнинг Кесарлик Прокопий бизга хабар қилган бир одати қадимги скиф-массагет анъаналарининг эски, ваҳшиёна тартибларини ёдимизга солади. Бу одатга кўра, Эфталитларнинг бошлиқлари ўз атрофларига «ўлимга шерик» кишилар тўплардилар. Бу кишилар бошлиқ билан бирга овқатланиши, турмушда, жангда у билан ҳамдам бўлиши, бошлиқ ўлганда, у билан охиратда ҳам бирга бориши керак эди.

Эфталитларнинг тарих майдонига чиқишлари ва Мовароуннаҳрдаги шаҳар-давлатларни ўзларига бўйсундиришлари ҳали тарихий манбаларда ёритил-

ганича йўқ. Шубҳасиз, бу жараён IV асрга тўғри келади ва у Кушон империясининг юқорида тасвирланган инқироzi ва Соснийларнинг Ўрта Осиёга экспансияси билан боғлиқдир. Бу ҳол Ўрта Осиё давлатларининг Кушон империяси асосчиларининг яқин уруғаймоқларидан бўлган дашт варварлари бошчилигида янгидан бирлаштиришга интилиш учун бир туртки бўлди. Ана шу варварлар ўзларининг Орол бўйидаги жойларида ҳарбий-уруғчилик анъаналарини ўзгаришсиз сақлаб келмоқда эдиларки, натижада улар қудратли Эрон истилочиларига қарши курашда шу ердан мадад олдилар.

Эфталитларнинг Хуросонга биринчи бор бостириб кириши 427 йилга тўғри келади. Вараҳран V («Баҳром Гўр», 420 – 438 йиллар) ва Ездегерд II (438 – 457 йиллар) Эфталитларга қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Вараҳран V Марв яқинида Эфталитларни тормор келтирди, уларнинг подшосини ўлдирди ва унинг тожи билан Озарбайжондаги оташхонани безатди.

Ездегерд II ҳам Эфталитларнинг сиқувини тийиб туришга ва Соснийларнинг Шарқий Хуросон ва Тоҳаристондаги мулкларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Бироқ у 457 йилда вафот этганидан кейин Эфталитлар ўзларининг Акшунвар деган подшолари бошчилиги остида Чаганиён, Бадахшон, Балх, Тоҳаристон ва Гаржистонни босиб оладилар. Ездегерднинг вориси Перўз 459 ва 479 йилларда Эфталитларга қарши юриш қилди, бироқ мувфаққиятсизликка учради.

479 йилги юриш пайтида Эрон қўшини ер билан яксон бўлди. Перўзнинг ўзини Эфталитлар жангда енгадилар ва 484 йилда ўлдирадилар. Эрон ҳукумати батамом тор-мор бўлиш хавфидан қутулиш учун «оқ хуннлар»га хирож тўлаб туришга мажбур бўлади.

Эфталитларнинг юришлари ўз умрининг сўнгги асрларини бошидан кечираётган қулдорлик оламига қарши варвар қабилалари кенг кўламда авж олдириб

юборган ҳужум занжирининг ҳалқаларидан бири эди. Фарбда, Рим империяси чегарасида қулдорликка қарши ҳаракат германлар, фракцияликлар ва сармат-олонларнинг янги эранинг иккинчи асри 60-йилларида, «Маркоманлар уруши» вақтидаёқ аён бўлиб қолган ҳужумидан бошланиб, «оқ хуннлар»нинг, яъни Эфталитларнинг Фарбдаги уруғ-аймоқлари ва адашлари – Атилла бошчилигидаги хуннлар V асрда империянинг мудофаа фронтини ёриб ўтганларида энг авжига минди. Шарқда бу ҳаракат «жанубий хуннлар» (янги эранинг 318 йили) ва улардан кейинроқ қулдорликка қарши отланган, Шимолий Хитойни босиб олиб, бу ерни ҳам варварлаштириб юборган Марказий Осиё варвар қабилалари – сяньбий-тоба ва жуань-жуанларнинг юришларида намоён бўлади. Британия оролларида тортиб то Тинч океан қирғоқларига қадар ёйилган қулдорлик тартиботларининг бутун улкан ҳудуди бўйлаб, қадимги қулдорлик имерияларининг шимолий чегараларига варварлар бошлаб юборган ҳужумнинг муваффақият қозониши учун қулдорлик тизимининг ўзидаги чуқур ички инқироз зарур шарт-шароит ҳозирларди. Бу инқироз ички синфий курашнинг мислсиз суратда кескинлашиб кетишида – қулар, ярим қул колонлар ҳамда хонавайрон бўлган ва асоратга тушиб қолган шаҳар ва қишлоқлар эркин аҳолисининг тез-тез кўтариб турган кўзғолонларида намоён бўлди.

Ўрта Шарқда бешинчи аср – синфий қарама-қаршилиқлар ниҳоясига етган бир давр бўлди. Натижада Сосоний давлатида очиқ фуқаролар уруши лоп этиб алангаланиб кетди. Бу ҳол Эфталитлар ҳужумининг муваффақиятли чиқиши учун замин ҳозирлади ва Ўрта Осиёга ҳам катта таъсир қилди. Биз хонавайрон бўлаётган ва асоратга солинаётган деҳқон жамоаларининг феодалларга қарши қаратилган ва тарихга маздакийлар номи билан кирган ҳаракатини кўзда тутаётимиз.

Бу – феодаллашаётган Эрон амалдорларининг зулми ва зўравонлигига қарши бош кўтариб чиққан қишлоқ жамоаларининг кенг кўламдаги ҳаракати эди. Улар ерни жамоаларга қайтариб беришни ва жамоанинг оила-турмуш анъаналарини тиклашни талаб қилиб чиқдилар. Мафкура жиҳатидан олганимизда, бу ҳаракат манехистик (*манехизм III асрда пайдо бўлиб, христиан дини томонидан таъқиб қилинган ва 10 асрга келиб тарқалиб кетган диний оқим – У. Б.*) дуализм (*дунёнинг негизида икки мустақил нарса – модда ва руҳ бор деб даъво қилувчи, материализм ва идеализмни бир-бири билан келиштиришга беҳуда уринувчи фалсафий оқим. Антик даврдаги Ўрта Осиёда бу мафкуравий кураш асосида анча примитив яхшилик ва ёмонлик руҳларининг қарама-қаршиликлари ҳақида диний тушунча ётади – У. Б.*) мазҳабининг сўл қаноти бўлиб, халқ оммасини «бу дунёнинг ёвуз кучлари»га қарши қуроли курашга сафарбар қилган эди. «Бу дунёнинг ёвуз кучлари» деганда халқ манфур заминдор амалдорларни ва уларни қўллаб қувватлаган ашаддий зардуштий қоҳинлари тоифасини тушунган.

Перўзнинг вориси бўлмиш шоҳ Кавод даврида ҳаракатнинг доҳийси Маздак ўз тарғиботида бирмунча муваффақиятларга эришади. Гаров тариқасида узоқ вақт Эфталитлар қўли остида яшаган Кавод маздакийлар билан иттифоқ тузади: у феодаллашиб бораётган амалдорларнинг давлатдан ажралиб чиқишга бўлган интилишларига қарши курашда ана шу иттифоққа таянмоқчи бўлади. Каводнинг бу сиёсий йўли унинг Эфталитларнинг тартибларини билиши билан боғлиқ бўлса ажаб эмас: Эфталитлар ижтимоий тузумининг жамоа-уруғчилик анъаналари маздакийлар ҳаракатининг шиорларига ҳамоҳанг; Кавод бу шиорларни амалга ошириш йўли билан унинг бир бутунлигига путур етиб бораётган Сосонийлар империясини қудратли «Эрон ва Эроннинг ташқарисидаги шоҳлар»

(Сосонийлар ўзларига шундай унвон берган эдилар)га қарши кўп йиллик курашдан голиб чиққан «оқ хунлар»нинг ёш варвар давлатига ўхшатиб мустаҳкамлашни ният қилган бўлса керак.

Бироқ унинг бу уриниши барбод бўлди. 497 йили амалдорлар бош кўтариб, Каводни тахтдан туширадилар. Кавод Эфталитлар ҳузурига қочиб боради ва уларнинг ёрдами билан тахтга қайтадан ўтиради. Бироқ энди Кавод маздакийлар билан яқин алоқада бўлиш сиёсатини давом этдира олмайди. У мамлакатни ўз ўғли Хисрав Нуширавон (кейинчалик у Каводнинг ўрнига ўтирган) билан биргаликда идора қилади, амалдорлар билан тил бириктириб, маздакийларни қаттиқ жазолайди ва мамлакат иқтисодий укладида феодал муносабатлари тантана қилаётган бир даврда давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча сиёсий ислоҳотлар ўтказди.

Ўрта Осиёда Эфталитлар ҳукмрон бўлиб қоладилар. VI аср бошларида Эрон билан Сосонийларнинг мулклари ўртасида Гургон дарёси бўйлаб ва Марвируд ҳамда Талекен орасида қатъий чегара ўрнатилади. Балх, Тоҳаристон, Гаржистон, Бадгис, Ҳирот, яъни ҳозирги Афғонистоннинг бутун ҳудуди Эфталит давлати тизимига киради.

Учинчи аср ўртасида Эфталитлар Ҳинд дарёси ҳавзасига ҳужум бошлайдилар. Улар Қобул водийсидаги Кушон подшоларига қарашли мулкларни бўйсундириб, бир неча марта Ҳиндистон тупроғига бостириб кирадилар. V аср охирида бўлса эфталит подшоларидан бири – Торамана Марказий Ҳиндистондаги Малава музофотини босиб олади. Тахминан 510 йилда тахтга ўтирган унинг ўғли Миҳиракула Панжобдаги Сакала шаҳрини пойтахт қилиб олади. Ҳиндистонда Эфталитларнинг чала мустақил давлати вужудга келади, бу давлат олий эфталит ҳукмдорларига маълум даражада қарам бўлган. Марквартнинг фикрича, олий

эфталит ҳукмдорларининг қароргоҳи Бухоро яқинидаги Пойкент шаҳрида бўлган.

Хитой солномаларида Эфталитларнинг мулклари Шарққа қараб ҳам анча кенгайиб кетганлиги тўғрисида гапирилади. Бу солномаларда келтирилган маълумотларга кўра, Кашмир, Кандахар, Вохон, Суғд, Бухоро Эфталитларнинг мулки бўлган. Эфталитлар Шарқий Туркистондан жуанб-жуанларни сиқиб чиқариб, Қашқар, Хўтан ва бошқа бир қанча шаҳар-давлатларни ўз давлатларига қўшиб олганлар.

Шу тариқа, Эфталитлар Кушон империясини қарийб батамом тикладилар, баъзи жойларда эса ўз ҳудудларини империя чегарасидан ҳам ташқарига чиқариб юбордилар. Эфталитларнинг юришлари, жамоа-уруғчилик ва ҳарбий-қулдорчилик анъаналарини мустаҳкамлади ҳамда феодал инқирози жараёнларини тўхта-тиб қўйди ва шу йўл билан Ўрта Осиёнинг феодаллашиш жараёнини, шубҳасиз, секинлатиб қўйдик, буни кейинги воқеалардан ҳам кўриш мумкин.

Эфталит ҳукмдорларининг маданият-мафкура соҳасидаги сиёсатлари жиҳатдан ҳам Эфталитлар даври кушонлар даврига ўхшаб кетади. Хитой манбаларида ҳамда Афғонистон ва Мовароуннаҳрнинг бадий ёдгорликларида келтирилган маълумотларга кўра, Эфталитларнинг мулкларида будда дини тарқалади ва мустаҳкамланади.

Вэй-шининг сўзларига қараганда, эфталит подшо-ларининг қароргоҳларида «будда ибодатхоналари ва ёдгорлик (обелиск)лари кўп бўлган ва уларнинг ҳаммаси олтин билан безатилган».

Биз Эфталитлар даври тахминан V аср бўлган деб, Бухоро яқинида жойлашган Варахшадаги сарой харобаларидан топилган ажойиб монументал санъат ёдгорликларини (юқорида ҳам далил қилиб келтирдик) шу даврга мансуб деб ҳисоблаймиз. Варахша Эфталитлар олий ҳукмдорларнинг қароргоҳларидан бири бўлган.

Ўдгорликларнинг стилистик хусусиятлари ва тас-
вирлар мазмуни бу санъат ҳинд-европа бадий мак-
табининг кейинги тармоғидан иборат, Кушон бадий
анъаналарининг қайта туғилишидан таркиб топган,
дея тушуниш имконини беради.

Бироқ Эфталитлар давлати мустаҳкам эмас эди. Бу
давлатнинг емирилишида ҳам ички, ҳам ташқи куч-
лар иштирок этди. Маълумки, Эфталитлар гегемония-
си остида бўлиш Суғднинг заминдор ва савдо аристок-
ратияси учун малол келарди ва бу аристократия Эфта-
лит давлатининг ташқи душманлари билан махфий
алоқа қилиб турарди. Михиракула тахминан 528 йил-
даёқ ҳинд князларининг бирлашиб ҳужум қилишлари
натijasида Панжобдан ажралади ва фақат Кашмир
устидангина маълум вақтгача ҳукмронлигини сақлаб
қолади. VI асрнинг 60-йилларида, яқиндагина жуань-
жуанларга хирож тўлаб келган урхун турклари жуань-
жуанлари хоқонлигини тор-мор келтириб, Марказий
Осиёда ўзларининг янги қудратли варвар империяси
билан майдонга чиққан ва шарққа томон – чуқур иж-
тимоий-сиёсий инқирозни бошидан кечирган Хитойга
қарши ҳамда ғарбга томон – Шарқий Туркистон ва
Еттисувга қарши кенг қўламдаги экспансияни авж ол-
дириб юборган бир вақтда – Эфталит империясининг
сўнгги соатлари етиб келди. 563 ва 567 йиллар ўртаси-
да, Каводнинг вориси Хисрав Нуширавон ва Суғд ари-
стократияси билан иттифоқ тузган туркларнинг зар-
балари натijasида бу империя қулайди.

Турклар – Эфталитлар сингари варварлар бўлиб,
ички ижтимоий-сиёсий тузумда улар ҳам ҳарбий-қул-
дорлик ва жамоа-уруғчилик элементларини бирга
қўшган эдилар. Бироқ уларнинг тарихий роли мутлақо
бошқача бўлди, буни, аввало, шунда кўриш мумкин-
ки, турк жамиятининг ўзида ҳарбий-демократик ук-
ладнинг бузилиши жараёнлари анча илгарилаб кетди.
Турк хоқонлари феодаллашиб бораётган Ўрта Осиё
давлатлари амалдорлари билан ошкора иттифоқ ту-

зиб, бу амалдорларнинг халққа қарши курашини қўллаб-қувватлайди, шунингдек, хоқонликнинг ўзидаги демократик ҳаракатларга қарши курашда унга таянади. Туркларнинг бу роли VI асрнинг 80-йилларида Бухорода рўй берган ва хоқонликдаги ички ижтимоий кураш билан боғлиқ бўлган воқеаларда айниқса яққол намоён бўлади.

Хоқонлик 583 йилга келиб мустақамланиб олган Хитойга қарши экспансиясида муваффақиятсизликка учраб, хўжалик ва сиёсат бобида инқироз даврига қадам қўяди.

Жамоа аъзолари бўлган оддий турк аскарлари хоқон Шабоилога қарши бош кўтардилар ва сулоланинг тенг ҳуқуққа эга бўлмаган аъзоси – хоқон Муханнинг чўридан бўлган ўғли Далобян Абрўйни (Хитой манбаларида Або) унга қарама-қарши қўядилар. Абрўй мағлубиятга учрайди ва хоқонлик мулкларининг ғарбий қисмига, Бухорога қочади. Бу ерда турк қувғиндилари Бухоро воҳасининг «қашшоқ ва фақир кишилари» билан бирлашиб, шундай бир сиёсат юргизадиларки, натижада Бухоро амалдорлари – «деҳқон ва бой савдогарлар» Еттисувга кўчиб кетиб, Турк хоқони ҳимояси остида муҳожирликда яшашга мажбур бўладилар.

Бироқ юз бериб турган инқироз туфайли заифлашиб қолган хоқонлик ҳукумати турклар ва суғдийлар алебей (*қашшоқлашган ҳунарманд ва шаҳар меҳнаткашлари* – У. Б.) оммасининг биргалашиб қилган ҳаракатини бостиришга ожизлик қилиб қолади ҳамда яқиндагина душман бўлган хитойликларни ўзининг ички ишларига аралаштиришга мажбур бўлади.

Тахминан 586 йилда хоқоннинг ноибни Ябғу Қорачурин (Шеху Чулохэу) бошчилигидаги турк ва хитой қўшинлари Эфталитларнинг қадимги пойтахтлари – Пойкент деворлари остида пайдо бўладилар; бу жойни Абрўй ўзига қароргоҳ қилиб (тасодифан бўлмаса керак) олган эди. Исён бостирилди, Абрўй асир олинди ва қаттиқ қийнаб ўлдирилади.

«Катта қопни қизил ари билан тўлдирдилар ва қопнинг ичига Абрўйни ташладилар. Абрўйни ари талаб ўлдирди», дея ҳикоя қилади Наршахий.

Исённинг бостирилиши туфайли Бухоро амалдорлари муҳожирликдан қайтиш имконига эга бўлдилар. Абрўйни қўллаб-қуватлаган шаҳар плебейлари эса «қайтиб келганларнинг хизматкори ва кадиварларига (*Кадивар – амалдорларга қарам бўлган чала ҳуқуқли фуқаро – У. Б.*) айландилар».

Хоразм Эфталитлар даврида ҳам, турклар даврида ҳам ўзининг сиёсий мустақиллигини сақлаб қолади. Эфталитлар даврида Хоразм ўз мустақиллигини сақлаб қолишдан ташқари, худди Кушон давлати сингари, Эфталит империяси ҳам дастлабки пайтларда, шубҳасиз, Хоразмнинг таъсири остида ривожланди. Бир замонлар «Кушон Герай» тангалари Хоразм танга зарб қилиш услуби бўйича ишлаб чиқарилганидек, Ҳиндистон Эфталитларининг тангалари ҳам, шубҳасиз, Хоразм тангаларига ўхшатиб зарб қилинган: қалпоқча билан ярим ой тасвири ҳамда танганинг ўнг томонидаги тамға Хоразм тангалариникига жуда ўхшаш, фақат анча кўпол ишланганлиги билан фарқ қилади.

Византиялик тарихчи Менандр Хоразм VI асрнинг 60 йилларида Византия ва турклар билан дипломатик алоқалар олиб борганлиги тўғрисида тўлиқ бўлмаган маълумот беради.

60 – 80-йилларга келиб, Византия дипломатияси Сосонийларга қарши жуда катта иттифоқ тузишга, азадан бери Византиянинг душмани бўлиб келган Эрон империясини босиб олишга зўр бериб ҳаракат қилди; Византия билан иттифоқдош давлатларнинг ялпи фронти вужудга келди, бу фронтнинг жанубий ғарбий, ўнг томонини ҳабашлар ва араблар, чап, жанубий шарқий томонини Марказий Осиё турклари ва Ўрта Осиё халқлари ишғол қилган эдилар.

569 йили ғарбий турк хоқонининг қароргоҳида бўлган Византия элчиси Земархнинг йўналиши Хоразм

(Менандр Хоразмни холиятлар ёки хоалитлар мамлакати дея атайди) орқали ўтган. Земарх қайтаётганда (жавоб тариқасида юборилаётган турк элчилари билан бирга) Ўрта Осиёдаги баъзи давлатларнинг ҳукмдорлари ўз элчиларини ҳам хоқоннинг элчиларига қўшиб юбориш истагини билдирдилар. Бироқ хоқон фақат холиятлар (хоразмликлар) ҳукмдоригагина бундай иш қилишга рухсат берди. Бу ҳол хоқоннинг Мовароуннаҳрдаги бевосита хоқонлик таркибига кирган давлатларга қарама-қарши ўлароқ, Хоразмни тенг ҳуқуқли мустақил иттифоқдош давлат деб ҳисоблаганлигидан далолат беради.

Бутун Ўрта Осиё (манбаларда алоҳида Хоразм тўғрисида бирорта маълумот учрамайди) миқёсда VI аср охири ва VII аср-ижтимоий-сиёсий инқироз кучайган ва чуқурлашган давр бўлди. Маздакийлар ҳаракати ва бу ҳаракат таъсирида Ўрта Осиёда Абрўй исёнининг кўтарилиши ана шу инқирознинг кўринишлари бўлди. Турк хоқонлигининг гарбий ва шарқий хоқонликларга бўлиниб кетиши, шундан кейин рўй берган фуқаролар уруши ва ўзаро уруш-жанжаллар натижасида ҳар икки хоқонлик сиёсий куч-қудратининг пасайиб кетиши Хитой мустамлакачилигига йўл очиб берди. Хитой хоқонлигининг қолган-қутганини бўйсундириб, Ўрта Осиё давлатларига ҳам қўл чўзишга урина бошлади.

VII асрнинг 60-йилларида хитойликлар Ўрта Осиёни Хитой империясининг таркибига қўшиб олишга ҳаракат қиладилар: Еттисувда хитойликларнинг иккита, Суғдда еттита, Тоҳаристонда ўн олтита маҳкамаси барпо этилади. Хоразм, турклар даврида бўлганидек, ўз мустақиллигини сақлаб қолади.

Бироқ, афтидан, бу маҳкамалар қарийб бутунлай қоғоздаги нарса бўлиб қолади. Кейинги воқеаларнинг ривожини Хитойнинг манфаатларига зид бўлиб тушди.

670 йили Шарқий Туркистонга янги варварларнинг – тибетликларнинг қўшинлари кириб келади. 661–663

ва 679 йилларда Шарқий туркларнинг исёнлари бошланади, бу исёнлар оқибатида хоқонлик қайтадан тикланади ва у яна фаол ташқи сиёсат йўлини тутадн. Хитой Ўрта Осиёдан ажралиб қолади ва узоқ вақтгача – то VIII аср бошларига қадар Ўрта Осиёдаги ишларга аралашнш имкониятидан маҳрум бўлади.

Ўрта Осиёда сиёсат майдонида янги ташқи куч – араблар пайдо бўлади. Арабларнинг кириб келиши – бутун Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тарихида ҳал қилувчи туб ўзгариш бўлди.

9-БОБ. ХУРЗОД ИСЁНИ

Эфталит ва Турк давлатларининг барпо бўлишини Хитой, Ўрта Осиё давлатлари ва Эронда қулдорлик тузумининг таназзулга учрашини ўрганмасдан туриб тушуниб бўлмаганидек, улкан Араб империясининг вужудга келиш тарихи ҳам Шарқий Ўрта денгиз, Византия ва худди ўша Эрон империяларида қулдорлик тизимининг инқирозга юз тутиши тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Византиянинг иқтисодий жиҳатдан, шу жумладан, унинг Шарқ билан бўлган савдоси инқирозининг ҳалокатли оқибатларидан катта зарар кўрган Фарбий Арабистоннинг узоқ қабилалари ҳам, пиритив шаҳар жамоалари ҳам бу таназзулга тортилдилар. Илгари араб шаҳарлари жамоаларининг савдогар-судхўр ва қулдор зодагонлари бу савдодан озмунча фойда олмасдилар.

Зодагонлар таназзул оғирлигини шаҳарлардаги плербейлар оммаси ва бадавий қабилалари елкасига юклашга уриндилар. Тез орада плербейлар ва бадавийлар судхўрларнинг тузогига илиндилар ва оқибатда шиддатли ижтимоий кураш бошланиб кетди. Яна шу курашлар натижаси ўлароқ вужудга келган кучли ҳарбий-қулдорлик давлати ташқи экспанция, босқинчилик ва талончилик йўли билан ички ижтимоий таназ-

зуддан қутулиш йўлини тутди. Христианлик ва яҳудий мазҳаблари элементлари билан қадимги араб шомонийлиги ва Макка шаҳрига сажда қилиш анъаналарининг мантиқсиз қоришигидан иборат бўлган ислом фанатик мафқураси бу давлатни илҳомлантириб ва рағбатлантириб турди.

Тўртинчи асрнинг 30-йилларида Макка-Мадинанинг ҳарбий-босқинчи сиёсий жамоаси бутун Арабистонни бўйсундириб, Византиянинг Осиёдаги мулкларига ва Эронга ҳужум қила бошлайди. Бу ҳужумлар туфайли Византия қўшинлари Сурия ва Фаластиндан қувиб чиқарилди, 642 йилда Нихавенд яқинида бўлган ҳал этувчи жанг Сосонийлар давлатининг тақдирини ҳал қилди. Энг кейинги аҳамоний Доро Шнинг Искандар таъқибидан қочаётиб юриб ўтган йўлини «Эроннинг ва на фақат Эроннинг шаҳоншоҳлари «ичида сўнггиси бўлган Ездигерд III минг йилдан кейин иккинчи марта босиб ўтди. У 1000 нафар отлиқ аскарга ва сарой хизматкорлари, ширапазлар, сартарошлар ва шуларга ўхшаш кишилардан ҳам 1000 нафарига бош бўлиб Марвга қочади. Бироқ бу шаҳарнинг ҳукмдорлари, бир замонлар Аҳамонийлар Эронининг Шарқдаги сатраплари қилганидек, Эрон ҳукмдорини ва унинг давлатини сақлаб қолиш учун ўз жонларига қасд қилмоқчи бўлиб турмагандилар. Арабларнинг яқинлашиб келаётганини (651 йил) эшитган шаҳар ҳукмдорлари Сосонийларнинг азалий душманлари – туркларни ёрдамга чақирдилар. Ҳамманинг назаридан қолган Ездигерднинг шаҳар атрофида саргардон бўлиб юришдан бошқа иложи қолмайди. Шу ерда иттифоқо учраб қолган бир киши сўнгги Сосоний шоҳининг башанг кийимига учраб, уни қатл қилади.

Худди ўша 651 йилда араблар Ўрта Осиё чегараларида – Марв, Ҳирот ва Балх деворлари тагида пайдо бўладилар. Дастлабки пайтларда улар шартномалар тузиш ҳамда маълум даражада солиқ солиш билангина чегараланадилар. Марв ва Балх арабларнинг Ўрта

Осиё ичкарасига босқинчиларча ҳужумларида тезкор ҳудуд бўлиб хизмат қилди. 654 йилда Суғдиёнага қилинган ҳужумда ҳам араблар қурол кучи билан талон-тарож қилиш ва товон тўлатиш билан чекландилар. Бироқ 655 йилдаёқ эндигина бўйсундирилган Хуросон музофотлари аҳолисининг шундай бир қудратли қўзғолони кўтарилдики, бунинг натижасида ёш Араб давлати ҳалокатга учрашига сал қолди. Қўзғолонга Ездегерд 3 нинг ўғли Перўз бошчилик қилади, уни хитойлар қурол-яроғ ва аскар билан қўллаб-қувватлайдилар (юқорида кўриб ўтганимиздек, айниқса бу даврда хитойлар Ўрта Осиё ишларига фаол аралашадилар).

Шуни ҳам айтиш керакки, Ездегерд III ҳам Нихавенд яқинидаги жангдан кейин Хитойнинг ёрдамига суянмоқчи бўлиб у билан музокара юргиза бошлайди. Бироқ бу музокаралардан натижа чиқмади. Перўз бу борада самаралироқ иш қилишга муваффақ бўлади. Отасининг ўлиmidан кейин у Хитойга қочади, хитойлар саройининг аъёнлари билан бевосита алоқа қилади, Хитойга вассал сифатида тобеликни бўйнига олади ва бунинг эвазига сўраган ёрдамини олишга муваффақ бўлади. Перўз арабларга бир неча марта кучли зарба беради ва Хуросонни араблардан батамом озод қилади. Шу вақтда ажиб бир тарихий ҳодиса рўй беради – маркази Заранж шаҳри (Эрон ва Афғонистоннинг ҳозирги чегарасида) бўлган хитойларга қарашли Бўса (Форс) вилояти барпо этилади, Сосонийлар сулоласининг энг сўнгги намоёндаси Хитой императорининг вакили сифатида бу вилоятнинг бошлиғи бўлиб олади.

Хуросонда арабларнинг тор-мор келтирилиши кескин сиёсий таназзулга ва халифаликда фуқаролар урушининг алангаланиб кетишига олиб келди. Бу уруш халифа Усмоннинг шаҳид бўлиши билан тугади: қўзғолон кўтарган аскарлар уни 656 йилда ўлдирдилар. 60-йилларнинг бошларидагина араб зодагонлари араб

қабилалари халқ оммасининг қуроли муҳолифати-ни тийиб қўйишга ва Макка зодагонлари ичида насл-насаби жиҳатдан энг асилзодаси ва бойи бўлган умайдларнинг намояндаси – Моъвий 1 ни тахтга ўтқазишга муваффақ бўлади. Араблар Хуросонга қайтадан ҳужум бошлайдилар ва бу билан Ўрта Осиё ичка-рисига юришлар қилиб туриш учун янги йўл очадилар. 667 йилда батамом тор-мор келтирилган Перўз яна Хитой пойтахтига қайтади. 675 йилда Хуросонга қайтишга уриниши беҳуда кетгач, қолган умрини хитой императорининг «ўнг қанот гвардия генерали» сифатида ўтказди.

Араблар Хуросонда мустақкам ўрнашиб оладилар. 70- ва 80-йиллар давомида улар бу ердан туриб Мовароуннаҳр ва Хоразмга бир қанча ҳужумлар уюштирадилар.

Араб манбаларида Хоразмнинг араб лашкар бошилар Салим ибн Зиёд ва Умайя ибн Абдуллоҳ томонидан икки марта бўйсундирилганлиги тўғрисида гапирилади. Бироқ аслини олганда Хоразм бўйсундирилган эмас, балки бу ерларга ҳам, Мовароуннаҳр шаҳарларига нисбатан қилинганидек, талон-торож юришлари уюштириб турилган эди. Фақат VIII аср бошидагина Хуросон ноиб Кутайба ибн Муслим бошчилигидаги қўшинлар Ўрта Осиёнинг ички музофотларини узил-кесил босиб оладилар ва бу ерда мустақкам ўрнашиб қоладилар.

Сиёсат борасида ғоят шиддатли воқеалар билан тўлиб-тошган ўтган асрлар давомида ўз мустақиллигини сақлаб келган хоразмшоҳлар давлати 712 йилга келиб асоратга тушиб қолади. Хоразмнинг Кутайба томонидан босиб олинishi тафсилотлари ниҳоятда муҳимдир: бу ўринда биз бевосита ёзма манбаларнинг шоҳидлиги орқали Хоразм ички ижтимоий-сиёсий тарихининг археология ёдгорликлари шама қилган воқеалари билан ошно бўламиз.

Араб тарихчиси Табарийнинг ҳикоя қилишича, араблар истилоси арафасида Хоразмшоҳнинг укаси Хурзод (ёки Хуррозод) ҳокимиятни тортиб олди. У ўз тарафдорларига суяниб қонуний шоҳни ҳокимиятдан сиқиб чиқарди ва Хоразм асилзодаларини қаттиқ жабрлади: уларнинг мол-мулкани, чорвасини, қизларини, уларнинг ўз қизларини, сингилларини ва чиройли хотинларини тортиб олди. Юзаки қарашда ғалати туюладиган бу ҳодиса аслида жуда муҳимдир: гап шундаки, маздакийлар ҳаракати тоифасидаги аксилфеодал ҳаракатлар дастурининг ғоят муҳим бандларидан бири зодагонларга қарашли ҳарамларни йўқотиш ва гуруҳий никоҳнинг қадимги шаклларини тиклаш шиоридан иборат бўлиб, бу анъаналар массагетлар давридагина эмас, ҳатто Эфталитлар замонида ҳам деҳқончилик билан шуғулланувчи қишлоқ жамоаларида, шунингдек, чорвачиликни касб қилиб олган қабилаларда ҳали жуда кучли эди. Хурзод шиорининг муҳимлиги шунда эдики, ҳужжатларнинг, чунончи, Сосонийларга мансуб бўлган Матикан-и-Хазар Дате-стан деган қонунноманинг аниқ шоҳидлик беришича, аёлларни жамоадан ажратиб, кичик хотин, чўри (зан-и-сакар), ўйнаш, «тутинган қиз» сифатида уларни зодагонларнинг ҳарамларида тўплаш жараёни жамоа эркин фуқароларини асоратга солишнинг ва уларни феодаллашиб бораётган оқсуяқларнинг ярим қулига, эндигина шаклланиб келаётган помешчиклар ерида хизмат қиладиган деҳқонга айлантиришнинг энг муҳим йўлларида бири бўлган.

Хотин-қизларнинг помешчиклар томонидан тортиб олиниши жамоа аъзолари учун оғир мусибат бўлди. Ўша шароитда жамоа аъзоларининг талайгина қисми, даставвал, камбағаллар хотинсиз ўтишга маҳкум этилишидан, бинобарин, ўзининг хусусий хўжалигини қуриш имкониятидан маҳрум қилинишидан ташқар

ри, умуман жамоа аёлларнинг ишчи кучига катта эҳти-
ёж сезарди.

Феодализмга қарши ҳаракат қилувчи ёки шундай
маслақда бўлган кишиларга зодагонларнинг маддоҳ-
лари томонидан тақаладиган «жиноятлар» ичида
«ҳаром йўлга юриш»да, «хулқи бузуқ»ликда «хотин олиб
қочиш» да айбланиш ҳоллари муқаррар суратда уч-
райдики, бу ҳол зодагонларнинг аёлларни тортиб
олиши билан узвий боғлиқдир. Маздакнинг ўзига ва
унинг сафдошларига, шунингдек, Маздак ҳаракати
тоифасидаги энг кейинги ҳаракатларнинг раҳнамола-
рига – Муқаннага (Сўғд), Бабекка (Озарбайжон, VIII
аср), шунингдек, карматларга (IX-XI асрлар) зодагон-
лар тақаган айбни ҳам худди шу маънода тушунмоқ
керак.

Эфталитлар ҳам худди шунақа «гуноҳ» қилган
эмишлар: Перўзнинг юришидан ҳам, туркларнинг ис-
тилоларидан ҳам кўзда тутилган мақсад гўё Суғд оқсу-
якларини эфталит ҳукмдорларининг бадахлоқ тажо-
вuzидан сақлашдан иборат бўлган эмиш (Эфталитлар-
нинг маздакийлар билан алоқаси бўлганлигини эса
юқорида айтиб ўтган эдик).

Буларнинг ҳаммаси Хурзод исёни маздакийлар
кўзғолонига ўхшаш аксилфеодал ҳаракат бўлиб, у
қишлоқ жамоалари ва шаҳар плебейларининг катта
кўрғонларда истиқомат қилган оқсуякларга, феодал-
лашиб бораётган қудратли зодагонларга қарши қара-
тилган эди, деб комил ишонч билан гапириш имкони-
ни беради.

Хурзод ҳаракатининг мафқураси масаласи катта
қизиқиш уйғотади. Илк Ўрта асрларда феодализмга
қарши кўтарилган ҳаракатлар албатта диний мазҳаб-
лар қобигига ўралган ҳолатда бўлиши бизга маълум.

Бу ўринда ўзига хос синкретик юдаизмга дуч кела-
миз, дейиш учун ҳамма асослар бор. Хоразм руҳоний-
ларини (булар китобимизнинг бошида тилга олинган,
Қутайбанинг ваҳшийларча азобига учраган олимлар-

дир) Таборий хабр (кўплиги ахбор) деб атайди; бу сўз қадимги ва ҳозирги замон араб тилида фақат битта маънони – яҳудий олими, яҳудий руҳоний олими деган маънони билдиради. Бундан кейинги воқеалар тарихи юқоридаги таърифнинг тўғрилигидан далолат берувчи фактларга бой (буни қуйида кўрамиз).

Шубҳасиз, Хурзод сиймосида жамоалар билан иттифоқ тузиб ва бу иттифоққа таяниб ҳаракат қилиш орқали қудратли заминдор зодагонларнинг феодализмдан аввалги сулоалалардан бирининг намояндасини кўрамиз. Кавод, эфталит подшолари, Абрўй ва кейинги асрларда ўтган бошқа давлат арбоблари ҳам худди шу йўлни тутган эдилар. Хурзоднинг «исми» (асл маъноси «қуёш фарзанди») эмас, балки унвон бўлиб, тўғрироғи, хоразмча багпур (арабчаси фағфур) унвонининг таржимаси бўлса керак. Бу унвон мамлакатни муқаддас Хоразмшоҳ ёки Хоразм Хисрави (Ўрта Осиёдаги бошқа давлатларда ҳам бўлганидек, Хоразм подшоларининг зоти муқаддас деб ҳисобланган. Уларга маъбудаларнинг тимсоли, мужассами сифатида қаралган) дея аталган зот билан бирга шерикчилик қилиб идора қилган дунёвий подшонинг унвони бўлса керак.

Афтидан, халқдан алоҳида ажралиб туришга ҳаракат қилган зодагонлар Хоразмшоҳнинг «муқаддас зоти»га ўзларининг «муқаддас подшолари»ни қарама-қарши қўйган бўлсалар керак. Таборий уни Хамжерд деб атайдики, бу – Хангири деган атоқли отнинг бузилган шаклидир. Биз топган ва XIII асрга оид бўлган талайгина Хоразм тангаларидан бирида ана шу ном ёзилган. Бу тангада Сиёвуш тасвири ўрнини уч нишли ўзига хос бир белги олган (белгининг ётиқ ҳолдаги тасвири туширилган), тангадаги ёзув Хоразм ҳарфларидан таркиб топган бўлиб, унда квадрат шаклидаги яҳудий ҳарфларининг таъсири яққол сезилиб турарди.

Хоразмшоҳ Қутайба билан махфий алоқага киришади ва ўз халқига қарши курашда уни ёрдамга ча-

қиради. Қутайба кўзни чалғитиш мақсадида Сурд томонга диверсия уюштиради. Хоин Хоразмшоҳ ўз қўшинини ва халқини тезда бундан хабардор қилади ва бу ёлгон хабар билан босқинчиларга қутилмаган пайтда зарба бериш имконини туғдириб беради.

Араблар Ҳазорасп остоналарида пайдо бўладилар. Қутайба Хурзодни асир қилади. Қутайбанинг иниси Абдурахмон Хамжердни тор-мор келтиради ва ўлдирди. Араблар шоҳдан 10000 бош молни товон тариқасида олиш тўғрисида у билан шартнома тузадилар; Хурзод бошлиқ 4000 қўзғолончи ўлимга ҳукм қилинади.

Белозурийнинг шоҳидлик қилишича, араб қўшинлари чиқиб кетиши биланоқ хоразмликлар хоин шоҳга қарши қўзғолон кўтарадилар ва уни ўлдирдилар, бу ҳол Беруний ва Ибн ал Асир эслатиб ўтганидек, Қутайбанинг иккинчи марта юриш қилишига сабаб бўлади. Тахтга хоиннинг ўғли Аскажумак ўтқазилади, Қутайба ўз иниси Абдуллоҳни мамлакатни шоҳ билан бирга шерикчилик қилиб идора қилувчи термини – багпурни ифода қилиш учун қабул қилинган этиб тайинлади. Абдуллоҳ Хоразмшоҳ қизига уйланиб, афригийлар сулоласи билан ўзининг муносабатини мустаҳкамлади.

Китобимизнинг бошида кўрганимиздек, Қутайба 4000 асирни қатл қилиш билан чекланиб қолмади; у хоразмликларнинг тарихий адабиётини йўқотди ҳамда уларнинг олимларини қириб юборди ва қувғин қилдики, агар Хоразм «хабрлари»нинг Хурзод ҳаракатининг мафкурачилари ролини ўйнаганлигини (буни юқорида қайд қилган эдик) ҳисобга олмаганимизда эди, бу қирғиннинг ҳам тагига етолмаган бўлардик.

Илк ўрта асрларда Шарқий Европада рўй берган ғоят қизиқарли ҳодисалардан бири – Хазориянинг юдаизация қилиниши бу ҳодисаларнинг оқибати бўлди.

Ғарбий турк империясининг емирилиши жараёнида VI аср охирида вужудга келган ва қадимги турк сиёсий анъанасини қабул қилиб, уни Европанинг жанубий шарқида ривожлантирган Хазор хоқонлиги бу даврда Византия билан иттифоқ тузиб, араб истилочиларига қарши қаттиқ кураш олиб боради.

Қутайба томонидан ўлдирилган Хурзоднинг ўрнига келган ва Европа-Хазор манбаларида Булан номи билан машҳур бўлган «янги багпур» бошчилигидаги Хоразм ғалаёнчи юдаистларининг қолган-қутгани худди шу ерга, Хазорияга қочиб келади.

Хоразмлик қочоқлар тез орада Хазорияда етакчи мавқени эгаллаб оладилар, Хазория қўшинларига бошчилик қиладилар ва пировардида уларнинг бошлиғи Хоразм подшоларидан намуна олиб, хоқонни ҳуқуқсиз илоҳийлаштирилган подшо сифатида четга суриб чиқаради ва ўзи Хазориянинг ҳукмдори бўлиб олади.

Хоразмнинг синкретик юдаизми Хазориянинг давлат дини бўлиб қолади. Бу ҳодисалар 712 – 730 йиллар орасида, Хазориянинг подшосига «айланган» Булан бошчилигидаги армия арабларнинг Кавказортидаги мулкларига кириб келган бир вақтда содир бўлади.

Бундан кейинги воқеалар Хазория, Арабистон ва Хитой манбалари ҳамда нумизматика маълумотларининг муқоясасини тиклаш имконини беради. Бутун VIII аср давомида – Ўрта Осиё араблар томонидан батамом истило қилинган ҳамда Ўрта Осиёдаги давлатлар сабот-матонат билан қўзғолонлар кўтарган давр давомида араблар Хоразм тўғрисида қарийб ҳеч қандай маълумот бермаганлар.

Афтидан, Хоразм бу шиддатли воқеалардан четда туриб, арабларга вассал сифатида тобеликни номигагина бўйнига олиб, вақт-вақти билан ёрдамчи ҳарбий контингентлар юбориб турган бўлса керак.

Хоразмнинг VIII асрга мансуб археологик ёдгорликлари хоразмликларнинг ижтимоий турмуши ва мада-

ниятида озми-кўпми сезиларли ўзгаришлар бўлгани ёки бўлмаганлиги тўғрисида бизга ҳеч қандай маълумот бермайди. Африқийлар маданиятининг мумтоз ёдгорлиги бўлган Тешикқалъа VIII асрнинг иккинчи ярмига оид эканлигини эслатиб ўтайлик. Бироқ Хоразмнинг сиёсат бобида фаол бўлганлигидан шоҳидлик берувчи иккита муҳим далил VIII асрнинг ўрталарига мансубдир. Хитойнинг Ўрта Осиёда ўз мавқеини тиклашга сўнгги бор уриниши шу даврга тўғри келади. 751 йили Таласда лашкарбошилардан Гао-Сянб-чжи ва Зиёд ибн Солиҳнинг қўшинлари ўртасидаги ҳал қилувчи жанг бўлиб, Ўрта Осиёни истило қилиш масаласи узил-кесил араблар фойдасига ҳал бўлади. Худди ўша 751 йилда Хоразмшоҳ Шаушафарнинг эччилари Хитойга келади. Арабларнинг манфаатларига зид эканлиги яққол кўриниб турган бу хатти-ҳаракат араблар билан хитойлар ўртасидаги Хоразмнинг мустақил куч сифатида қайтадан майдонга чиқишга уринишидан дарак беради.

Шаушафарнинг тангалари эса бу ҳаракатнинг, қулай халқаро шароитдан ташқари, бошқа замини ҳам борлигидан далолат беради. Бу тангаларда подшонинг унвони – «Хазорнинг саодатли жаноб подшоси» дея ёзилган. Афғидан, 751 йилдан сал олдин африқийларнинг икки шажараси – Хазория ва Хоразм бирлашиб, Қримдан то Хоразмга қадар чўзилиб кетган улкан империя барпо бўлган бўлса керак. Бу бирлашишнинг муҳим ҳужжатларидан бири – НОТИКИА ЕПИСКОПАТУУМ (VIII асрга мансуб) деб аталади; унда христиан епископлари кафедраларининг (маъмурий черков округи) рўйхати берилган. Марказий Қримда, Доросда бўлган Хазория христианлик черкови бу даврда мустақил митрополияни ташкил этган бўлиб, унга етита епископлик кафедраси кирган. Хвалис, яъни Хоразм кафедраси (олон-хазор талаффузида) бу рўйхатда, Қрим ва Итидан кейин учинчи ўринда туради, Шимолий Кавказнинг тўртта кафедраси ундан кейинги

Ўринларда туради. Бу фактни аниқ тасаввур қилиш учун унга Хоразм ва Хазориянинг сиёсий жиҳатдан бирлашиши нуқтаи назаридан қарамоқ керак. Шуниси қизиқки, ҳатто X асрда ҳам Хазория подшоси Иосиф ўзининг испаниялик яҳудий Хасдаи ибн Шапругга ёзган машҳур хатида Хоразмни Хазория мулклари қаторига киритганки, фақат тарихий анъана туфайлигина шундай қилингандир, аслини олганда, бу даврда Хоразм Хазориянинг мулки бўлган, дея ҳисоблаш мутлақо асоссиздир.

Хоразмда йирик христиан жамоасининг вужудга келиши ҳам, афтидан, шу даврга тўғри келади. XI аср бошида Ал-Беруний ҳамда XVIII аср бошларида Пано Карпини ана шундай жамоа бўлганлиги тўғрисида ёзиб кетганлар. Шуниси аҳамиятлики, бу муаллифларнинг биринчиси ўзига замондош хоразмлик – яқовийларда (булар несторианлар эмас, балки Эрон ва Ўрта Осиё христианларининг энг кенг тарқалган православ мазҳабида эдилар) расм бўлган «қаландас» маросимини тасвирлайдики, бу маросимнинг номи ҳам, мазмуни ҳам славянларнинг янги йил маросими (колядование) га ўхшаб кетади. Пано Карпини ҳам ўз даврига келиб Урганчдаги христианлар жамоаси хазорлар, руслар ва олонлардан ташкил топганлигини қайд қилиб ўтади. Хоқонлик тизимига кирган турли этник элементларнинг, жумладан, рус словянларининг Хоразмга бу тарзда ўтиши, VIII аср ва айниқса, X аср воқеалари билан боғланган бўлса керак (буни куйида, X бобда кўриб ўтамыз). X асрда Хазория аҳолисининг талайгина қисми Хоразмга кўчиб келади ҳамда X ва XI асрлар чегарасида Хазория билан Хоразм сиёсий жиҳатдан қайтадан бирлашади.

VII аср охири – IX аср бошида яшаган машҳур араб насабшуноси Ибн ал Қалбий хазор ва хоразмликларнинг шажарасига оид қизиқарли фикр айтиб, насаб жиҳатидан бу икки халқ бир-бирига жуда яқин, деб таъкидлайди: «Иброҳим ал Халил (Авраам)нинг ўғли

Исҳоқ (Исаак) Хоразм ва Б-з-рни ва Бурсулни ва Хоразмни ва Филни бунёдга келтиради».

Бу ўринда Хаззор, Бурсул (хазорларга яқин қардош ва қўшни қабила) ва Б-з-р (афтидан, У-з-р бўлиб, хазорлар насабидаги Иегуда бин Барзилай бўлса керак)-нинг «ака-укалари» тариқасида Хоразм ва Фил (Фил-Хоразмдаги энг қадимий шаҳарлардан бирининг номи эканлиги эсингизда бўлса керак) номлари келтирилган ва бу номлар Исаакка, яъни яҳудийлар насабига тақалган. Дарҳақиқат, X асрда хазорлар (Иосифнинг хатларида ёзилишича) ортодоксал яҳудий шажарасини қабул қилиб, ўз насабларини Тўғорма ва Ёфатга тақайдилар. Бироқ XIII асрда апокрифик насаб тарқаладики, бундай насаб ана шу мамлакатларнинг сиёсий бирлиги негизидагина вужудга келиши мумкин эди.

VII асрнинг тахминан ўрталарида Хазориянинг пойтахти Доғистондан қуйи Волгадаги Итиль шаҳрига – Хоразмнинг Шарқий Европа билан қилган савдо алоқаларининг энг муҳим ҳудудига, бир қанча қуруқлик ва сув йўллари кесишган жойга кўчди. Эҳтимол, бу кўчиш ҳам Хоразм муҳожирларининг фаолияти билан боғлиқдир.

Хазория билан Хоразмнинг сиёсий жиҳатдан бирлашуви VIII асрнинг то 60-йилларига қадар давом этди. 764 йили Хазория қўшинлари Тбилиси шаҳрини босиб олганларида, бу қўшинга хоразмлик лашкарбоши Рас-тархон (Маркварт Ас-тархон деб ўқишни таклиф қилади) қўмондонлик қилади. Вироқ Хазория билан Хоразмнинг бирлиги узоққа чўзилмаган, дея тахмин қилишга ҳамма асослар бор.

Подшо Иосиф хатида келтирилган маълумотларга кўра, Буланнинг VIII аср 60-70 йилларида ҳукм сурган набираси Обадия йирик сиёсий ва диний ислохотлар ўтказди: «...Бағдод, Хуросон ва Греklar еридан» келган ва Хазорияда биринчи марта «24 китобни, Мишнани, Талмуд (Таврот)ни ва хазорларда қабул

қилинган тоат-ибодатларни бутун тартиб қоидалари билан» расм қилган яҳудий тавротчи руҳонийларга таяниб, «салтанатни янгилади ҳамда қонун ва қоидага мувофиқ равишда динни мустаҳкамлади».

Константин Багрянороднийнинг Хазориядаги фуқаролик уруши тўғрисидаги гаплари ҳам шу даврга тўғри келади. Бу уруш Константин каварлар деб атаган бир халқнинг хоқонликдан қувилиб гарбга, дастлаб, Қора денгиз шимолидаги даштларга, сўнгра эса венгерлар билан иттифоқ тузиб, Паннонияга қочиши билан тугалланади.

Кавар-хвар, ховар номининг гарбий хазорча талаффузи бўлиб, хоразмликлар ўзларини шу ном билан атадилар, олонлар хвал, ховал, хал тарзида талаффуз этадилар. XI асрда Венгерияда каварларнинг авлодаждодлари алоҳида бир халқ сифатида ва халисий (бу сўз юқорида келтирилган олонча талаффузнинг бир оз ўзгартирилган шаклидир) деган ном остида яшаганликлари қайд қилинган. Иоанн Киннам, бир томондан, бу халқнинг «форслар билан мазҳаби бир» деса, иккинчи томондан, улар «ўзларини Мусо қонунлари асосида бошқарганлар, бунинг устига, бу қонунларни унча тўғри тушунмаганлар» дея ёзади.

Мазкур манбадаги бир-бирини инкор қилувчи бу фикрлар, зардуштийлик ва яҳудий динларининг ғалати қоришиғидан иборат бўлган Хоразм қувгиндилари динининг қарама-қарши томонларини акс эттирса керак.

Каварлар аслида Хоразмдан келиб чиққанликлари тўғрисидаги нақллар, уларнинг авлодлари хотирасида XIII асрда ҳам эс-эс сақланиб қолган эди. XIII асрга оид венгер солномаларида кавар зодагонлари ичидан чиққан қирол Самуил Аба (1041–1044 ҳукмдорлик қилган) насл-насаби жиҳатидан хоразмлик бўлганлиги тўғрисидаги ривоят сақланиб қолган. Манбаларда унинг насаби Атилланинг фарзанди Хабанинг хоразмлик хотинидан бўлган ўғиллари – Ед ва Едумерга та-

қалади; шуни ҳам айтиш керакки, Едумер ўз отаси ва онасининг жуда кўп қариндош-уруғлари билан бирга Венгрияга қайтади.

Шуниси қизиққки, бу ўринда Атилла тўғрисидаги китобий анъана кавар бошлиқлари ҳақиқий насабининг хронологик чизмаси билан киришиб, бу давр тўғрисида бизга энг дастлабки маълумотларни берган, XIII асрда яшаган венгер хронисти Симон Кезаининг хронологик жиҳатдан кўпол қарама-қаршиликка йўл қўйишига олиб келди: Атилла замонидаги воқеалар янги эранинг 700 йилига оид дейилган, Атилла ўлгандан кейин хунларнинг Паннониядан қувилиши эса яҳудий динини қабул қила бошлаган хоразмликларнинг Хоразмдан қувилиши вақтига тўғри келтирилиб қўйилган.

Обадия ҳукмронлик қилган даврда рўй берган ҳодисаларга ҳазорларнинг хоразмлик келгиндилар ҳукмронлигига ва уларнинг ҳаммани бўйсундиришга интилишларига қарши, Шаушафар ва унинг вориси Турксанат (бу ҳукмдорнинг номи туркларнинг VI аср охиридаги доҳийси, ҳазор хоқонлари сулоласига асос солган ва Византия манбаларида Турксант дея юритилган кишининг номи билан бир хил бўлиши ҳам бежиз эмас шекилли) давридаги воқеаларга эса Хазориянинг хоразмча таъсири деб қарамаслик мумкин эмас.

Обадиянинг ўзи насл-насаб жиҳатдан хоразмликлар авлоди бўла туриб, бу ўринда ерли аҳоли зодагонлари томонига ўтиб кетади ва турли мамлакатлардан жалб қилинган ўқимишли яҳудий руҳонийларининг нуфузи ва обрўсига таяниб, шундай бир тўнтариш ясайдики, натижада яҳудий динини қабул қила бошлаган хоразмликлар иккинчи марта ғарб томонга, янада ичкарига кириб кетишга мажбур бўладилар.

Эски ватанга қайтиш амри-маҳол эди. У ерда ислом дини тезлик билан ёйилиб бормоқда эди. Обадия-

нинг замондоши ва узоқ қариндоши мусулмонча Абдуллоҳ деган номни олади.

Хоразмлик халифалик таркибида мустақкам ўрнашиб олади. Абдуллоҳ тангаларида, Сиёвуш отининг сағриси устига Хуросонни идора қилган араб ноиблари – Жаъфар (Ибн Муҳаммад, 787 – 789) ва ал Фада (Ибн Яҳё, 794 – 803)нинг номлари хатти куфий билан майда қилиб ёзилган.

Зарб қилиниши услуби жиҳатдан Хоразм тангаларидан кескин фарқ қилувчи бу тангаларнинг вазни ҳам ниҳоятда пасайиб кетади: Шаушафар даврига келибоқ тангаларнинг салмоғи камайиб, 3, 06 дан 3, 26 граммгача (Сосонийларнинг энг енгил драхмаси 3, 69 грамм) тушиб қолди. Абдуллоҳ тангалари ичида 1, 97-2, 44 грамм, Жаъфар ва Фадлнинг номлари ёзилганлари эса атиги 1, 32-2, 05 грамм бўлиб, уларнинг вазни Шаушафар тангаларидан икки мартадан зиёдроқ. Хоразмнинг Сосонийларнинг энг оғир драхмаларини (4, 06 грамм) ҳам салмоғи жиҳатдан босиб кетадиган VII аср охири – VIII аср бошларига мансуб драхмаларидан (4, 36 – 4, 67 грамм) эса уч мартадан зиёдроқ енгилдир. Металлнинг сифати ниҳоятда пасайиб кетади – Абдуллоҳ тангаларининг лигатурасида қумуш миқдори шу қадар камайиб кетганки, уларни мис тангалардан фарқлаш амри-маҳол бўлиб қолган.

Шу тариқа, чуқур ички ижтимоий таназул шароитида мамлакатнинг араб истилочилари ҳукмронлиги остида қолган ички иқтисодий тарихи VIII аср хоразмшоҳлари тангаларининг салмоғи ва сифатининг ҳайрон қоларли даражада пасайиб кетишида гўё ойнада акс этгандек намоён бўлди.

Бу таназул суғориладиган ерларнинг камайиб кетишида янада яққолроқ намоён бўлди. VIII ва IX асрлар чегарасида ҳамда X асрда бу ерлар яна қайтадан кескин қисқариб кетди: Говхўранинг Гулдурсундан Қирққизга қадар давом этган бош шарқий тармоғи тамомила сафдан чиқди. Ўша вақтда харобага айлан-

ган юздан ортиқ қўрғонлар то бизнинг кунларимизга қадар чўлда ўша аҳволда қолиб келмоқда.

Бошқа бир тармоқ – қадимий Калтаминор ҳам жуда қисқариб кетди. Шубҳасиз, бу жараён шиддатли табақавий кураш билан бирга кечди. Беҳисоб қалъаларнинг, истеҳкомли деҳқон қўрғонларининг ҳалокатига, аввало, ана шу кураш сабабчидир. Бу қалъа ва қўрғонларни кўздан кечирар эканмиз, ҳар қадамда табақавий жанг келтирган вайронагарчилик ва ёнғинларнинг изларига дуч келамиз.

IX асрда Хоразм бундай ғамгин вайронагарчилик манзарасига сабаб бўлиши мумкин бўлган йирик ташқи истилоларни бошидан кечирмади.

Хоразмликларнинг (энди улар мусулмончиликни бўйниларига олган эдилар) то X асрга қадар ёппасига Хазорияга кўчиб бориши ана шу курашдан далолат беради. Бу ерда хоразмликлардан ташкил топган ёлланма гвардия хоқон ва бек ҳокимиятининг асосий таянчи бўлиб қолади. Шубҳасиз, бу гвардияни кийимбош ва озиқ-овқат билан таъминлаш, аввало, хонавайрон бўлиб бораётган майда эркин деҳқонлар зиммасига тушди. Бу деҳқонларнинг олдида фақат икки йўл қолди: улар ё феодалларнинг «хизматкорлари ва кадиварлари»га айланишлари ёки бошқа юртга кўчиб кетишлари керак эди.

3

IX–X асрлар давомида Хоразм сиёсий инқироз даврига юз тутган халифаликнинг Шарқ томонидаги чекка ўлкаларида, яъни Шарқий Эрон ва Ўрта Осиёда вужудга келган ва бирининг ўрнини иккинчиси олиб турган йирик илк ўрта аср бирлашмалари – тоҳирийлар, саффорийлар ва сомонийларнинг давлатлари таркибига галма-галдан кириб туради.

Хоразмнинг бу даврдаги ички сиёсий тарихига оид маълумотлар жуда кам, бироқ бу маълумотларнинг

ўзиёқ Хоразмда ҳам, асосан халифаликнинг бошқа музофотлари учун хос бўлган жараёнлар ривожланганлигидан далолат беради; ана шу жараёнлар ичида энг муҳими феодализм иқтисодининг тараққиётига ғов бўлиб қолган эски патриархал-қулдорлик анъаналарининг емирилиши бўлди. Бу жараённинг муҳим томонларидан бири шу бўлдики, зодагонлар билан халқ ўртасидаги анъанавий патриархал алоқалар узилди. Гарчи бу алоқалар дастлабки пайтларда номигагина эркин бўлиб қолаётган аҳолининг феодаллар томонидан эксплуатация қилинишини ниқоблаган, бинобарин, осонлаштирган бўлса-да, лекин биз ҳозир кўриб ўтаётган даврга келиб феодалларнинг тобора ўсиб бораётган иштаҳасини қондиролмай қолди.

Араблар истилоси ва ундан кейинги бир неча ўн йил давомида рўй берган воқеалар туфайли шундай бир шароит вужудга келдики, мавжуд тартибни ўзгартириб юбориш учун бундан қулайроқ вазият бўлиши мумкин эмас эди. Ярим патриархал-ярим феодал эски деҳқон зодагонларининг бир қисми сон-саноксиз урушлар, қўзғолонлар ва истилочилар ҳарбий қирғинининг қурбони бўлди. Уларнинг қолган қисми ватанидан воз кечиб, араблар томонига ўтди ҳамда халифа қўли остида аскарлар бошлиғи, амалдор ёки ноиб бўлиб ишлади. Таркибига кейинчалик араб ва турк элементлари ҳам қўшилган бу янги зодагонлар янги шароитга тушиб қолиб, жамоалар билан бўлган кўп асрлик патриархал анъаналар билан энди ҳисоблашмаслик кераклигини кўргач, ўзларини очиқдан-очиқ халққа қарши қўя бошладилар. Араб империясининг дастлабки ўн йилликларидан бошлаб, айниқса, IX–X асрларда лашкар боши ва амалдорларга уларнинг ҳарбий ва фуқаролик соҳаларидаги хизматлари учун мукофот тариқасида сажийлик билан лен – алоҳида қишлоқлар ва бутун бошли қишлоқ туманларини инъом қилиш кенг авж олди. Ерни ва қишлоқларни вақфга, яъни турли муассаса-

ларга эҳсон қилиш тажрибаси ҳам кенг жорий қилинди ва тараққий эттирилди.

Хоразм ҳам бу борада четда қолмаганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Чунончи, Ибн Фадлоннинг «Рисоласи» да ёзилишича, Артахушмитон қишлоғи (Ёқут XIII асрда уни катта шаҳар сифатида тасвирлаган эди) халифаликнинг вазири Муқтадир ибн Фуротнинг мулки бўлиб, 921 йили ал Фурат халифанинг ғазабига учраганда, у бу жойни тортиб олади ва Аҳмад ибн Мусо ал Хоразмий деган бир кишига беради.

Бироқ Хоразм халифалиқдан ҳамда унинг хурсонлик қудратли вассалларидан четда бўлганлиги учун, мазкур жараёнлар бу ерда секинроқ суръат билан давом этган бўлса керак. Шуниси аҳамиятлики, X асрга келибоқ Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда шаҳар ва қишлоқ оммаси урушларда иштирок этмайди, қўшин эса турк кўчманчиларининг ёлланма отрядлари ва қуролланган қуллар (ғуломлар) нинг преторианчи (имтиёзли шахсий қоровул жангчиси) гвардияси ҳисобига тўлдирилиб турилади. X асрга оид ҳамма манбаларда яқдиллик билан қайд қилинишича, айни вақтда хоразмликлар аскар бўлиб қолаверадилар. Манбаларда хоразмлик аскарларнинг жасорати ва ҳарбий маҳорати алоҳида қайд қилинади. Бу ҳол, шубҳасиз, Хоразмда шахсан озод ва фуқаролик жиҳатидан тўла ҳуқуқга эга бўлган анчагина қудратли деҳқонлар ва ҳунармандлар табақасининг сақланиб қолганлигидан далолат берувчи белгилардир. Хоразм X асрнинг иккинчи ярмида янгидан юксалиш даврига қадам қўйиш учун куч-қудратни қандай манбалардан олди? Бу саволга жавоб топишда ҳозиргина келтирилган факт муҳим аҳамият касб этади.

Абу Райҳон Беруний 973 йили Хоразмнинг қадимги пойтахти Кат (Фир) шаҳри чеккасида («берун» сўзи «шаҳардан ташқаридаги жой» деган маънони англади) туғилди. 995 йилдаёқ атиги йигирма икки яшар бўлган ёш олим ўз ватанини ташлаб кетишга ва Гургон ҳокими Қобус ибн Вашмгир салтанатидан бошпана ахтаришга мажбур бўлди.

Берунийнинг ўспиринлик чоғларига оид бу факт Хоразмда рўй берган муҳим воқеалар билан боғлиқ бўлган. 995 йили сўнгги африқий Абу Абдуллоҳ Муҳаммадни унинг рақиби, Урганч амири Маъмун ибн Муҳаммад асир олади ва ўлдиртиради. Хоразм Урганч ҳокимияти остида бирлашади. Маъмун қадимий Хоразмшоҳ унвонини олади.

Афтдан, Абу Абдуллоҳнинг тарафдорлари ҳамда унинг саройи доирасидаги кишилар ҳам бу сиёсий ўзгариш қурбонлари бўлганга ўхшайди. Беруний ҳам сургун туфайли жон сақлаб қолган ана шу кишилар жумласига кирган бўлса керак, чунки сургун ўша давр учун одатдаги ҳодиса эди. Ҳар ҳолда Беруний Маъмун ибн Муҳаммаднинг иккинчи вориси Маъмун II ибн Маъмун давридагина ўз ватанига қайтиб келгач Хоразмшоҳ томонидан саройга тортилган. Маъмун II нинг саройи қошидаги «Академия»га файз киритиб турган ҳамда Хоразмшоҳнинг биринчи маслаҳатчисига айланган суғдлик учун улуғ олим Абу Али ибн Сино билан бир қатордан ўрин олади.

Урганчнинг юксалиши узоқ тарихга эга бўлиб, бунга Хоразм давлатининг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари тизилмасида Хоразмнинг бу шимолий ғарбий марказининг эгаллаган мавқеи кўп жиҳатдан сабаб бўлади.

Х асрга мансуб бўлган талайгина тарихий ва археологик далиллар бу даврда ўлка иқтисодий жиҳатдан

тез юксалиш жараёнини бошидан кечирган, деб хуло-са чиқариш имконини беради.

Бу юксалиш, аввало, Хоразм шаҳарлари сонининг гуриллаб ўсиши жараёнида яққол намоён бўлган. Хоразм шаҳарларининг сонини кўрсатувчи рақамларни VIII ва X асрларга оид манбалардан олиб, уларни бири-бирига қиёс этиб кўрсак, масала жуда ҳам равшанлашади.

Таборий 712 йилда Хоразмнинг араблар томонидан истило қилиниши тўғрисидаги Хоразмда атиги учта шаҳар – Кат (Фир), Хазорасп ва афтидан Урганч – бўлганлиги тўғрисида гапиради.

Ал-Истахрий (тахминан 930 – 933 йилларда ёзган) Хоразм шаҳарларини санаб кўрсатар экан, ўн учта ном келтиради: Хоразм (Кас), Дарғон, Хазорасп, Хива, Хушмисон, Ардахушмисон, Сафардоз, Нузбар, Кардаранхош, Кардар, Баратегин, Мазминия, Журжония.

«Худуд ал Олам»нинг муаллифи Хоразм шаҳарларидан тўққизтасининг (Кас, Хушмисон, Нужабан, Гурганж, Кардназхас, Бадминия, Даҳи – Қоратегин, Кардар, Хива) номини келтириб, Дарғон ва Хазорасп сингари йирик марказларни тушириб қолдиради, яъни агар бу номларни ҳам киритсак, Истахрий келтирган рақамдан кичикроқ бўлса-да, ҳар ҳолда, унга яқин бир рақам ҳосил бўлади.

Ниҳоят, ал Мақдисий тахминан 985 йилга келиб Хоразм шаҳарлари ўттиз иккита бўлганлигини ёзади: ўнг қирғоқда – Кас, Гардман, Ойхон, Арзахива, Нукфаг, Кардар, Маздахқон, Жашира, Садвар, Зардух, Баратегин, Мадкаминия; чап қирғоқда – Журжония, Нузвар, Замахшар, Рузунд, Вазарманд, Васкаханхас, Рахушмисон, Мадамисон, Хива, Кардаранхос, Хазорасп, Жигарбанд, Жаз, Дарғон, Жит, Кичик Журжония, иккинчи Жит, Садфар, Масасан, Кардар, Андарстан. Бундан ташқари, Хоразм йўллари устида Шўрохон, Хас, Нузкат, Дарсон, Жувикан, Амир, Барабасар, Вардара худудлари бўлганлиги тўғрисида гапирилади.

Ҳамма далилларга (жумладан, археологик далилларга) кўра, бу даврда жуда бўлмаганда Шўрохон шаҳар бўлганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда ал Мақдисий келтирган рақамга қўшимча киритиб, шаҳарлар сонини қирққа етказиш мумкин бўлади.

Гарчи бу рўйхатларнинг ҳаммасини тўлиқ деб ҳисоблаш қийин бўлса-да (айниқса, Таборийникини), бироқ уларда ифодаланган туб фикр шубҳа туғдирмайди, археология маълумотлари ҳам шаҳарлар сонининг ортиб борганлигидан далолат беради: Таборий берган маълумотнинг тўлиқ эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, VIII-IX асрлар давомида шаҳарларнинг сони айтирили олмади деб ҳисобласак, X асрга келиб шаҳарлар сони бирдан кўпайиб кетди. Бу ўзгаришда хўжалик тузилишида рўй берган силжишни кўрмаслик мумкин эмас. Қадимги замонда, янги эранинг то III-IV асрларига қадар Жанубий Қорақалпоғистоннинг «қадимий суғорма ерлари» ҳудудида шаҳар тоифасидаги тўққизта одам ўрнашган жой бўлса (Бозорқалъа, Жонбосқалъа, Кўрғошинқалъа, Қирққиз, Кичик Қирққиз, Тупроққалъа, Катта Гулдурсун, Қаватқалъа, Думанқалъа, Эрасқалъа), илк афригийлар даврига, V-VI асрларга келиб бу жойларнинг фақат иккитаси (Тупроққалъа ва Қирққиз)да ҳаёт сақланиб қолади, сўнгги афригийлар даврида, яъни нақ араблар истилоси вақтида, Бургутқалъа этагида барпо бўла бошлаган кичик бир шаҳарчани ҳисобга олмаганимизда бу ерларда биронта ҳам шаҳар қолмайди. X-XI асрларга келиб Қаватқалъа, Гулдурсун ва Норинжонда ҳаёт қайтадан жонланади, яъни VIII-IX асрларда биронта шаҳари бўлмаган бир музофотда учта янги шаҳар вужудга келади.

Археология материали бу жараённинг сабабларини тушуниб олиш имконини беради: керамика буюмлари шаҳар ҳунармандчилик саноатининг янгидан гуркираб ўсганлигини кўрсатади. IX асрда Хоразмда сирли керамика ёйилганлиги тўғрисида у қадар ишончли

маълумотлар йўқ (VIII асрда Хоразмда сирли керамика бўлмаганлиги аниқ; на Тешикқалъадан ва на анча кейинги даврга мансуб бўлган қалъа №36дан биронта сопол парчаси топилмади). X асрда эса сирли керамика буюмлари, аксинча, ёппасига ишлаб чиқарила бошланди.

Сир остида оқ ёки сарғиш фонга жигарранг, қизил ва сариқ ранглар билан кўзга иссиқ кўринадиган бир гаммада (*ораларида муайян муносабат бўлган ранглар сираси – У. Б*) тушириладиган нақшларнинг сирли керамикаси бу даврда Мовароуннаҳр, Эрон ва Озарбайжон учун хос бўлганидек, Хоразм учун ҳам ниҳоятда аҳамиятли эди. Бу даврга оид ёдгорликлар орасидан кўплаб топилган сирли ясси косалар айниқса хос бўлиб, уларнинг оғзи кенг, таги диск шаклида, ички томонига ўсимликлар ва турли геометрик шакллари тасвирловчи нақшлар туширилган эди.

Сирсиз керамика ҳам шакллари ва нақшларининг турли-туманлиги билан ажралиб туради. Тўғри чамбарли, бўйни билинар-билимас ва тўлқинсимон нақшли катта тиниқ хумлар, шакли ва ҳажми турлича бўлган узун бўйинли, ясси бандли кўзалар, кул ранг тупроқдан ясалган хурмачалар, овқат пиширадиган қозонлар ва бошқа нарсалар X аср учун айниқса аҳамиятли эди. М. В. Воеводский томонидан 1934 йилда Змухширда ўтказилган қазишмалар, шунингдек, А. И. Тереножкиннинг ҳамда бизнинг «эски» Норинжон («Янги «Норинжон шаҳри XIII-XIV асрларга мансуб) шаҳри харобаларидан йиғган нарсаларимиз X-XI асрларга оид жуда мўл керамика материали беради.

Норинжон шаҳри ўзининг режалаштирилиши билан эътиборни жалб қилади, чунки унинг режалаштирилиши асосида Хоразмнинг илк ўрта асрлардаги шаҳарларидан бир турининг вужудга келиш жараёнини тасаввур қилиш мумкин. Шаҳар режалаштирилиши қарийб тўғри тўртбурчак шаклидадир. Баланд

тепалик этагида жойлашган бу режалаштирилиши те-варак-атрофдан қум босган буржли девор харобала-ри қуршаб туради. Норинжонбобонинг мозори ва хо-нақоси XIV асрга бориб тақалади. Тепаликнинг ҳамма аломатлари шундан далолат берадики, у афригийлар давридаги йирик қалъанинг қолдиги бўлиб, X асрда унинг этагида кичик бир шаҳарча вужудга келади.

Хоразмнинг ўрта асрларга оид бошқа шаҳарлари таърифини қуйида келтирамиз. Чунки бу шаҳарлар-нинг ташқи қиёфаси ҳам, шунингдек, топилган нар-саларнинг асосий қисми ҳам, XII – XIII асрларга элта-ди. Бироқ бу шаҳарларнинг бир қанчаси: ўнг қирғоқ-да жойлашган Қаватқалъа ва Гулдурсунда, чап қир-ғоқда жойлаган Қаватқалъа ва Гулдурсунда, чап қир-ғоқдаги Змухшир ва Пулжойда биз муқаррар сурат-да анча илгариги замонларга – X – XI асрларга оид ма-териаллар(аввало керамика) га дуч келамиз. Бироқ шундай бир нарсани қайд қилиб ўтиш лозим: X – XI асрларда баъзи шаҳарлар (Гулдурсун, Қаватқалъа ва Змухшир ана шундай шаҳарлар жумласига кириши-ни узил-кесил аниқладик) ўрин бўшаб, ҳувиллаб қол-ган қадимий шаҳарлар ўрнида барпо қилинди; яхши сақланиб қолган қадимий истеҳкомлардан ўрта аср-лар мудофаа тизилмасини вужудга келтиришнинг асо-си сифатида кенг фойдаланилди. Змухшир ва Қават-қалъанинг бир қанча жойларидаги деворларнинг та-гига 40x40x10 сантиметрли квадрат шаклидаги қади-мий йирик хом ғишт терилган бўлиб, бу ғиштар ҳар хил баландликда сақланиб қолган эди.

Хом ғишт устига ўрта асрлар учун хос бўлган пахса девор қўйилган.

Гулдурсун бундан ҳам қизиқ. Шаҳарнинг шинак-лари баланд ва тор бўлган қадимий деворлари бор бўйича сақланиб қолган бўлиб, ҳозирга қадар қалъа деворининг асосини ташкил қилади. Бироқ ўқ отила-диган йўлакнинг ички девори, афтидан, илгарироқ вайронагарчиликка учраган (бу нарса бошқа баъзи

ёдгорликлар учун ҳам хосдир) бўлса керак, бузилиб кетганди, шинаклар суваб қўйилганди, ташқаридан эса девор қалин пахса билан ёпиб қўйилганди. Ичкаридан чапланган лой тушиб кетган ҳозирги пайтда қалъа саҳни ғалати манзара касб этиб турарди: қадимги замонда қилинган жуда кўп шинаклар қалъа ичига қараб турарди, деворларнинг ташқи томони эса сипсиллик пахсадан иборат эди.

Хоразмнинг илк ўрта асрлардаги шаҳарлари режалаштирилишининг қиёсий таҳлили Жуковский – Бартольд – Якубовскийнинг Ўрта Осиё шаҳарларининг ўрта асрлардаги тараққиёти тўғрисидаги маълум илмий қарашларига муҳим бир ўзгартириш киритишга бизни мажбур этади. Бу қарашларга кўра, шаҳар қалъанинг (куҳандиз, арк) атрофида юксалади; бунда дастлаб шаҳристон, яъни шаҳар вужудга келади, сўнгра шаҳар атрофидаги жойлар – работлар ривожлана бориб, яъни эранинг XI асрига келганда шаҳар иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг суръати работларга ўтади, шаҳристонлар эса инқирозга учрайди.

Аслида бу жараён анча мураккаб бўлиб, қайд қилинган қонуниятни Ўрта Осиёнинг фақат айрим шаҳарларига нисбатангина тўлиғича ўзгаришсиз қўллаш мумкин. Ҳозир биз шаҳарлар ривожининг бирмунча бошқачароқ йўларини кўриб ўтишимиз мумкинки, бу йўллар юқорида тилга олинган йўлдан ҳақиқатга яқинроқдир.

VIII – IX асрларда вужудга келган шаҳарлар шаҳарча ёки истеҳкомли работлар тариқасида, қалъа этагида ривожланади; буни Бургутқалъа шаҳарчасининг пайдо бўлиши ва айниқса «эски» Норинжон шаҳри мисолида яққол кўриш мумкин.

Гулдурсун, Қаватқалъа, Жонпиққалъа, Довдонқалъа сингари X асрда ва кейинроқ келган шаҳарларнинг ҳеч қандай арки йўқ бўлиб, улар атрофи баъзан истеҳкомланмаган, гоҳо-гоҳо эса истеҳкомланган (Гулдурсун) битта шаҳристондан иборат бўларди. Биз

шаҳристонларнинг инқирозидан ва улар функциясининг работларга ўтишидан дарак берувчи бирон бир аломатни бирон бир жойда пайқай олмадик. Шуниси қизиқки, Хива сингари бир шаҳар ҳам XVIII – XIX асрлардагина ўрта аср шаҳристони чегарасидан чиқа олди; мазкур шаҳристоннинг илк ўрта асрдаги крестсимон режалаштирилиши то ҳозирги вақтгача сақланиб қолган бўлиб, XX аср бошига қадар бу жой шаҳар иқтисодий ҳаётининг маркази бўлиб келган.

Шубҳа йўқки, шаҳарларнинг ўсиши мамлакат умумий иқтисодий тараққиётининг муҳим томонларидан бири бўлиб, янги асосда юксала бошлаган Хоразм шаҳар цивилизациясининг атрофдаги даштлар ва узоқроқдаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар мустаҳкамланаётганидан ва кенгаётганидан далолат беради.

X асрда Хоразмнинг иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда фаол бўлганлиги араб манбаларида ёрқин тасвирланган. Хоразмлик савдогарлар, худди қадимги замонлардагидек, биринчидан, ҳозирги Туркменистон ва Фарбий Қозоғистон ўрнида бўлган даштлар билан, иккинчидан Волгабўйи – Хазория ва Булғория билан, ниҳоят, Шарқий Европадаги кенг славянлар олами билан савдо алоқаларида бўладилар.

Истахрий X асрдаёқ бу ерда савдо алоқалари кенгайганлиги тўғрисида шундай деган: «Хоразм – ҳосилдор, озиқ-овқати ва мевалари кўп-шаҳар (мадина), фақат ёнғоғи йўқ; бу ерда пахта ва жундан кўп нарсалар тайёрланади ҳамда бу нарсалар узоқ-узоқ жойларга элтилади. Аҳолисининг ажралиб турадиган хусусияти – бойлиги ва мардик кўрсатишга интилишидир. Улар Хуросоннинг бутун аҳолисига нисбатан тарқоқроқдирлар (биронларнинг жойларида) ва ҳаммадан кўра кўпроқ саёҳат қиладилар; Хуросонда биронта катта шаҳар йўқки, унда кўплаб Хоразм аҳолиси яшамасин... Уларнинг мамлакатада олтин йўқ, қумуш конлари ҳам, қимматбаҳо тошлар тўғрисида эса сўз ҳам

бўлиши мумкин эмас; бойликнинг катта қисмини турклар билан савдодан ва мол боқиб кўпайтиришдан топадилар. Қўшни турк қуллари билан бир қаторда, славян ва хазор қулларининг катта қисми, дашт тулкиси, соболь, тулки, қундуз мўйнасининг катта қисми ҳам уларнинг қўлига тушади».

Хоразмнинг турклар билан қилган савдоси тўғрисида Ибн Фадлон қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдиради.

Х аср охирида ёзилган «Худуд ал-Олам» асарининг бизга номаълум бўлган муаллифи қуйидагиларни ёзади:

«Кат – Хоразмнинг бош шаҳри, ғузлар Туркистонига кириладиган дарвоза, турклар, Туркистон, Мовароуннаҳр ва хазорлар музофоти молларининг омбори, савдогарлар тўпланадиган жой... Шаҳарнинг бойлиги катта. Бу ердан ёстиқ жидди, қавима кийим-бош, ип газлама, кигиз, (қор?) руҳбин, (пишлоқнинг бир тури) чиқарилади».

Айниқса, ал Мақдисий қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган. У Хуросон музофотларидан халифалик ўлкаларига чиқариладиган молларни тасвирлар экан, энг узун рўйхатни Хоразм моллари учун тузади: «Хоразмдан – соболь, кул ранг олмахон, оқсичқон, дашт тулкиси, сусар, тулки, қундуз, бўялган қуён, эчки, мум, камон ўқи, оқ терак пўстлоғи, қалпоқ, балиқ елими ва балиқ тиши чиқарилади; қундуз териси, анбар, кимухт (терининг бир хили), мис, ўрмон ёнғоғи, лочинлар, қилич, совут, қайин, славян қуллари, қўй ва сигирларбуларнинг ҳаммаси булғорлардан келади. Хоразмда узум, майиз, кўп, печенье, кунжут, йўл-йўл кийим-бошлар, ғиламлар, қўрпалар, ажойиб кимхоб, «мулхам» деган чойшаб, қулф, рангли кийимлар, энг кучли одамларгина эга оладиган камонлар, алоҳида бир хил пишлоқ, зардоб, балиқ тайёрланади. У ерда кемалар ясалади, ясалганда ҳам ниҳоясига етказилади».

Бу рўйхат икки томонлама қизиқиш уйғотади. Биринчидан, у Хоразм ҳунармандчилик саноати маҳсу-

лотларининг Хоразмдан четга чиқарилган турлари анча кўпайганлигини кўрсатади. Истахрий асариди ва «Худуд ал Олам» да Хоразм кўпроқ деҳқончилик-чорвачилик ўлкаси ва айни вақтда Шарқ мамлакатлари, турклар ва Волгабўйи ўртасидаги савдо алоқаларида воситачи марказ сифатида, жумладан, йирик қулфуршлик бозори тариқасида тасвирланган. Шимолдан олиб келинадиган хом ашё ва маҳаллий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бирга, маҳаллий тўқимачилик саноати маҳсулотлари ҳам ташқарига чиқариладиган моллар жумласига киради. Ал Мақдисий рўйхатида ташқарига чиқариладиган моллар ичида металл ишлаш (қулф), қуролсозлик (камон), кемасозлик саноати маҳсулотларини ҳам кўрамиз.

Иккинчи томондан, X аср охирида «булғорлардан», яъни Шарқий Европа мамлактларидан келтирилган нарсаларнинг кўплиги ва турли-туманлиги кишини ҳайратда қолдиради; бу ҳол хоразмликларнинг иқтисодий жиҳатдан фаоллигининг бу томони ҳам тез суръатлар биланг ўсганлигидан далолат беради.

Шарқий Европа билан савдонинг ўсиши натижа-сида Хоразм цивилизациясининг шимолий ғарб томонидаги энг четки истеҳкоми бўлган Урганч Хоразмда бу савдонинг биринчи аҳамиятга эга бўлган марказига айланади; бўм-бўш Устюрт орқали ўтиб, ғарбга – Манғишлоқ бекатлари томон, шимолий ғарбга – қуйи Эмбага ва ундан нарига – Волгага ҳамда жанубга Қорақум орқали Журжонга кетувчи йўл Урганч орқали ўтади, яъни бу шаҳар Ироқ ва Эрондан Шарқий Европага боровчи энг яқин йўл устида ўрнашганди.

«Бу Хоразмнинг пойтахтидан кейинда турувчи энг катта шаҳридир – у ғузлар билан савдо қилинадиган жой, Журжонга, хазорлар томон ва Хуросонга кетадиган карвонлар ўша ердан йўлга чиқади», – дея ёзади ал Истахрий. «Гурганж – деб ёзади «Худуд ал Олам»нинг муаллифи, – қадимги замонда Хоразмшоҳ мулк-лари жумласига кирган шаҳар бўлиб, эндиликда унинг

алоҳида подшоси бор. Шаҳар подшосини «Гурганж мири» дея атайдилар. Жуда бой бўлмиш бу шаҳар Туркистонга кирадиган дарвоза, ҳамма жойлардан келадиган савдогарлар тўпланадиган бир жойдир».

Урганчда узоқ вақт давомида яшаган на Истахрий ва на Ибн Фадлон, Устюрт орқали бўладиган машаққатли саёҳатга тайёрланишар экан, бу шаҳарнинг мустақил бир ҳокими бўлганлиги тўғрисида лом-мом демайдилар. Бу даврга оид тарихий манбаларда ҳам шуни кўрамиз. Урганчнинг биринчи мустақил ҳокими юқоридаги сатрлардан бизга таниш Маъмун ибн Муҳаммад бўлди. У 995 йилда Хоразмни қайтадан бирлаштирди, бироқ бу галги бирлашувда ғарбий пойтахт гегемонлик қилди.

Урганчнинг алоҳида бўлиб ажралиб чиқишини мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан гуриллаб ўсиши ҳамда Волгабўйи билан бўлган савдо алоқаларининг тез ривожланиши билан боғлаган ҳолда, бу ажралиб чиқиш X асрнинг ўрталаридан аввал рўй бермаган бўлиши керак деб ҳисоблаш учун ҳамма асослар бор.

Шунингдек, Урганчнинг юксалишини умумий тарихий-сиёсий шароит билан боғламасдан тушуниб бўлмайди.

Маълум вақт давомида Хоразм билан сиёсий жиҳатдан бирлашиб кетган Хазория билан Хоразм ўртасидаги алоқалар, юқорида кўрган имиздек, VII асрда мустақкамланди. Хоразм билан Хазория ўртасига сиёсий ва диний-маданий жиҳатдан яна раҳна тушган вақтда ҳам бу алоқалар узилиб кетмади. Юдаист-каварлар қувиб юборилгандан кейин уларнинг ўрнини хоразмлик мусулмонлар мустақкам эгаллаб оладилар; улар, аввало, Хазор хоқонининг ёлланма аскарлари ҳисобланадилар.

X аср бошида Хазориянинг пойтахти Итил-Хазорияда хоразмлик мусулмонларнинг кўп кишилиқ жамоаси яшайди. Ал-Арсия деб аталган ва Хоразмлик ёлланма мусулмонлардан иборат бўлган ўн минг кишилиқ

қўшин бу жамоанинг асосий қисмини ташкил қиларди. Мазкур қўшин аскарлари Хазория хоқонининг оғир яроғ-аслаҳалари билан қуролланган отлич аскарлари ичида энг чиниққанлари эди.

Ибн Фадлоннинг бир жойда кўрсатиб ўтишича, фақат Итилдагина эмас, балки Булғорда ҳам хоразмликлардан иборат каттагина жамоа бўлган. Ўша ўринда Ибн Фадлон булғорларнинг кўмиш маросимларини тасвирлар экан, «мусулмон ёки хоразмлик аёл ўлганда» Булғорияда ўтказиладиган маросим тўғрисида ҳам гапиради.

Хоразм Волгада фаол мустамлакачилик ва иқтисодий сиёсат юргизиш билан бирга, бу ерда фаол сиёсий куч сифатида ҳам майдонга чиққанлигидан дарак берувчи маълумотлар X асрнинг ўрталарига мансубдир.

Ибн Ҳовқал хоразмликларнинг Булғор давлати chegarаларига ҳужум қилиб, у ердан ўлжалар ва қуллар олиб қайтганликларини ҳикоя қилади.

Хоразмликларнинг узоқ Булғорга юришлар қилиб турганликларига ажабланмаслик керак. Гап шундаки, X асрга оид ҳамма манбаларда яқдиллик билан қайд қилинишича, улар фақат жасур сайёҳлар ва савдогарларгина бўлиб қолмай, айна чоқда қўшинлари – турклар-ўғузлар билан муваффақиятли равишда жанг қилиб турган, урушларда чиниққан кўрқмас жангчилар ҳам бўлганлар.

«Улар – дея ёзади ал Истахрий, – ғузлар билан мардона жанг қиладилар, ғузларни яқинларига йўлатмайдилар».

«Улар – деб ҳикоя қилади ал Мақдисий, – меҳмондўст, овқатни яхши кўрадиган, жангда довиюрак ва матонатли кишилар, уларнинг фазилатлари ва ғалати хусусиятлари бор».

«Унинг кишилари – имон учун курашувчи жанговар кишилар», – дейди «Худуд ал Олам»нинг муаллифи Кат аҳолиси тўғрисида.

«Унинг аҳолиси жанговарлиги ва камондан ўқ отиш санъати билан машҳур», – деб ёзади ўша муаллиф Урганч тўғрисида гап борганда.

Ўғузларга қарши кураш X асрда яшаган хоразмликларнинг кундалик ишига айланиб қолган бир ҳодиса бўлиб, у анъанавий қоидалар, ҳатто, расм-русумларда ҳам акс этган. Беруний хоразмликларнинг Фағбурия – «подшонинг чиқиши» деган байрамларини тасвирлайди. Бу байрамда Хоразм подшоси ўз қароргоҳидан чиқиб, ўғузларга қарши анъанавий кишилиқ кампанияга отланган ва уларни чегарадан ташқарига улоқтириб ташлаган.

X аср бошида Хазор хоқонлигида ҳамма нарсанинг тақдирини ҳал қилувчи бир кучга айланган, жангчиликни ўзига касб қилиб олган Хоразмлик аскарлар, шубҳасиз, ана шундай огир шароитда шакландилар.

2

Бироқ бу кураш осон бўлмади. Савдо, мустамлакачилик ва сиёсат бобида Волга бўйларида қўлга киритилган муваффақиятлар кучли рақиб – Хоразмнинг шимолдаги қўшнилари бўлган турк-ўғузлар билан бутун кучни ишга солиб борган тинимсиз ва шиддатли урушлар эвазига қўлга киритилди. Худудлари Хоразм билан Волганинг оралигида жойлашган ва, бунинг устига, уларни ҳам худди ўша X асрда сиёсий консолидация ва юксалиш даврида бўлган турк-ўғузлар Волгабўйларида ўзлари гегемонлик қилишни даъво қилиб чиқишга ҳам шайланиб турган эдиларки, буни қуйида кўриб чиқамиз.

922 йили Ибн Фадлон ғарбий ўғузларнинг (Устюртнинг шимолий Чинки билан Эмба ўртасидаги бир жойда) лашкар бошиси Атрак (катаннинг ўғли) ҳузурига келиб, шу ерда қўниб қолганида, Атрак уни узоқ вақтгача жўнатмай ушлаб қолади. Афтидан, у ўғузлар ҳокими билан алоқа боғламоқчи бўлган, чунки бу давр-

да ўғуз бошлиқлари ўртасида халифа юборган элчиларнинг вазифаси – ўғузларга биргалашиб ҳужум қилиш мақсадида хазорлар билан иттифоқ тузишдан иборат бўлса керак, деган гумон ёйилган эди. Шуниси қизиқки, элчилар аслида булғорлар подшоси Алмуш (Шилканинг ўғли) ҳузурига юборилган бўлиб, Атрак Алмушни ўзининг совчиси (ёки куёви) тариқасида тилга оладики, бу ҳол ўғузлар билан Булғория ўртасида маълум даражада сиёсий алоқалар бўлганлигидан далолат бермаслиги мумкин эмас.

Юқорида турк қабилалари тўғрисида ҳикоя қилиб, гапни уларнинг қудратли Турк империяси хоқонлари паноҳида этник жиҳатдан жипслашиш жараёни давом этаётган пайтига келиб тўхтатиб қўйган эдик. Бу империянинг VIII аср ўртасида узил-кесил барбод бўлиши натижасида чўл қабилаларидан ташкил топган бир қанча маҳаллий сиёсий бирлашмалар вужудга келади; Фарбий Турк хоқонлигининг энг ғарбий чеккада жойлашган бир бўлаги ҳаммадан кўра узоқроқ вақт сақланиб қолган бўлиб, бу ўғуз ябғуларининг варварлик давлати эди; хунн-туркларнинг Сирдарёнинг қадимий дельтасида жойлашган ва бизга юқоридаги сатрлардан таниш бўлган Янгикент (Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган) X асрда мазкур давлатнинг маркази бўлиб қолди (X асрда бу шаҳар янгидан истехкомланди ва қайта қурилди).

Этник жиҳатдан олганда X аср ўғузлари насл-насаби жиҳатидан массагет-олонларга бориб тақалувчи Орол бўйи маҳаллий қабилалари чатишувининг янада ривожланиши ва бунга шарқдан кириб келган элементларнинг қўшилиши натижасидир. Эфталитлар массагет-олонларнинг хуннлар билан чатишиши натижасида вужудга келган бўлса, Сирдарё ўғузлари қиёфасида биз худди ўша Эфталитларнинг VI-VIII асрлар давомида Еттисувдан бу ерга кириб келган ҳақиқий турк элементлари билан қўшилиб, этник жиҳатдан ўзгариб кетишини кўрамиз.

Сирдарё шаҳарларининг маданий тарихида эфталит ва ўғуз даврлари ўртасида ҳеч қандай оралиқ бир даврни кўриб бўлмайди. X асрдаги ўғуз маданияти V-VI асрлардаги эфталит маданиятининг бевосита та- раққиётидир.

X – XI асрлардаги ўғузлар этнографик жиҳатдан бир хил эмас. Ўғузлар таркибига кирувчи қабилаларнинг Маҳмуд Қошғарий томонидан келтирилган рўйхати уларнинг турли қабилалардан таркиб топганликларини эслатиб туради. Чунончи, ўғузларнинг дукар ва язир қабилалари Орол бўйининг қадимий ҳинд-европа аҳолиси – тоҳарлар ва яслар (аслар, асианлар, ятийлар)нинг бир қисми бўлса керак; барча маълумотларга қараганда, ўғузларнинг боёвут(баёт), боёндур, кай қабилалари насл-насаб жиҳатидан IV–VII асрлар давомида хуннлар ва турклар билан бирга Ўрта Осиё ҳудудига кириб келган мўғулларга бориб тақалади.

Рус тарихидан яхши маълум бўлган ва гарчи туркий бўлса-да, бироқ ўғузларнинг ўзлари билан боғлиқ бўлмаган ҳамда Волга булғорлари тилига яқин бўлган бир тилда гапирган (Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича) пачанаклар қабиласи ҳам ўғузлар таркибига кирган. Пачанаклар тили туркий тилларнинг шундай бир архаик тармоғига мансуб эдики, ҳозирги чуваш тили ана шу туркий тилларнинг қолдигидир. Афтидан, бу тиллар туркий тизимдаги тилларнинг вужудга келиши тарихининг хуннлар даврига мансуб бўлган.

Византиянинг VI асрга мансуб манбаларида қайд қилинишича, ўғузларнинг номи оғор сўзидаги «р» ҳарфининг юмшатиб айтилишидан ҳосил бўлган. Бу ҳол ўғузлар таркибида ўғуз иттифоқидаги қабилаларнинг ўғузлар деб аталишига сабаб бўлган яна бир этник элемент-финн-угор гуруҳининг шарқий шохобчасига мансуб бўлган қабилалар-угрлар ҳам бўлган, деб таҳмин қилиш имконини беради. Бир томондан, Заура-льенинг хантилари ва манбсилари (остяклари ва вогуллари), иккинчи томондан, венгерлар (мадьярлар)

худди ўша қабилаларнинг ҳозирги замондаги намондаларидир. Шимоли шарқий Орол бўйларида IX асрда мадьярлар бўлганлиги тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган. Бу даврда улар пачанақларга ва навкарда деган ғалати номли бир халққа қарши кураш олиб борадилар. Бу сўнгги номни туркийча «янги кентликлар» сўзининг олонча эквиваленти деб ҳисобламоқ керак. Шарқий мадьярларнинг авлод-аждодлари кейинчалик бошқирдлар(бошқирд номининг ўзиёқ мадьяр номининг қонуний вариантыдир) ҳамда ўзбеклар (ўзбеклар орасида «можор» деган қабила бугунги кунга қадар сақланиб қолган) этногенезининг таркибий қисмини ташкил этдилар.

X – XI асрларда яшаган ўғузлар тўғрисида анча муфассал гапира оламиз. Чунки гарчи тарқоқ ҳолда бўлса-да, анча мўл тарихий манбаларга археология фани маълумотларини қўшишимиз мумкин; дарвоқе, бу маълумотлар X – XI асрдаги ўғузлар ҳудудининг бир қисмигагина, лекин энг муҳим жойига – уларнинг сиёсий марказига тааллуқлидир.

Биз X аср ва XI аср бошларидаги ўғузларни ўз отабоболарининг эски ўтроқлик анъаналарини ва чорвачилик, деҳқончилик ва балиқчиликка асосланган мажмуа хўжалиқларини сақлаб қолган бир халқ дея биламиз. Бу халқнинг хўжалиги хазорларнинг подшо Иосиф хатида тасвирланган хўжалигига тип жиҳатидан ўхшаб кетади. Подшо Иосиф хатининг ўзи хазорларга оид ғоят қизиқарли ҳужжат бўлиб, X аср ўрталарида, яъни Хазориянинг емирилиши арафасида ёзилгандир. Ал Идрисий ва XI аср охириининг энг маълумотли муаллифи бўлган Маҳмуд Қошғарий ўғузлар ерида шаҳарлар кўп бўлганлигини таъкидлайди.

«Ҳузларнинг шаҳарлари кўп, улар шарқ ва ғарбга томон бирининг кетидан иккинчиси чўзилиб кетган», дея ёзади ал Идрисий. Маҳмуд Қошғарий Сирдарёдаги бир талай ўғуз шаҳарларини санаб кўрсатиш билан кифояланиб қолмай, ўзининг харитасида Қуйи Сир-

дарё ҳавзасини «ғуз шаҳарлари» тўпланган бир музофот тариқасида ифодалайди.

Давлат ҳокимининг қароргоҳи араб манбаларида Қарят ал Ҳадиса, форс манбаларида Деҳи Нов номлари билан машҳур бўлган Янгикент шаҳрида бўлиб, бу учала ном ҳам «одам ўрнашган янги жой» деган маънони билдиради. Афтидан, бу ном қадимий сарматолонча Нав-карда номининг таржимаси бўлиб, ал маъсудий IX аср охирида рўй берган воқеаларни тасвирлашда ана шу номни тилга олади.

Бироқ X асрда ўғузлар укладида катта иқтисодий ўзгаришларнинг аниқ нишонлари пайдо бўлганлигини кўрамыз. Ибн Фадлон ўғузлар таркибида, жуда бўлмаганда, ғарбий ўғузларда кўчиб юрувчи чорвадор зодагонлар бўлганлиги, баъзан бу зодагонларнинг вакилларига қарашли подалардаги отлар бир неча ўн мингга ва қўйлар сони бир неча юз мингга етганлиги тўғрисида гапиради.

Афтидан, уруғ зодагонлари қўлида тўпланган моллар бошининг натурал-хўжалик укладининг эҳтиёжларидан анча ўзиб кетган ҳолда тез ўсишини биз юқорида Хоразм учун ҳам хослигини очиб беришга уринган иқтисодий жараёнлар билан изоҳлаш мумкин. Шаҳар ҳунармандчилик саноатининг ва маҳаллий туман бозори доирасидан анча ташқарига чиқиб кетувчи савдо алмашувининг гуриллаб ўсиши билан боғлиқ бўлган бу иқтисодий жараёнлар Ўрта Осиёнинг бошқа музофотлари учун ҳам озми-кўпми даражада хосдир.

Ўтган асрларда дашт билан воҳа ўртасидаги эски меҳнат тақсимооти муносабатлари даштдаги давлатларнинг ўзларининг ўтроқ ўлпон тўловчилари («татлари»)дан ҳарбий жиҳатдан устунлиги асосида ривожланган ҳамда бу муносабатлар воҳа ҳунарманд ва деҳқон аҳолисини тўғридан-тўғри талон-торож қилиш, ёппасига қул қилиб, дашт ичкарасига олиб кетишнинг кенг авж олишида намоён бўлган эди. X асрдан ке-

йин, Сомонийлар давлатининг шимолий чегараси му-
стаҳкамлангач, бу муносабатлар янгича тараққий эта-
ди: энди даштлик зодагонлар шаҳарларга босқинчи
сифатида эмас, балки беозор савдогар сифатида ке-
лардики, бу ҳол алмашув мақсадида боқиладиган чор-
ва молларининг кўпайишини тезлаштирмаслиги мум-
кин эмас эди.

Бунинг натижасида дашт қабилаларининг ўзида
чуқур табақаланиш рўй берди: кўчманчи чорвадор
зодагонлар ўзларини ўғуз шаҳарларининг ўтроқ аҳоли-
сига – «ётоқлар»га қарама-қарши қўядилар. Дастлаб
Маҳмуд Қошғарий тилга олган «ётоқ» термини қозоқ-
ча «жатак» шаклида XX асрга қадар сақланиб қолган
бўлиб, «кўчиб юриш учун чорва моли бўлмаган ўтроқ
камбағал» деган маънони англатган.

Ўғуз зодагонлари кўчиб юриладиган жойларни кен-
гайтиришдан, дарё дельтасининг кўллари ва ботқоқ-
ликлардан иборат ландшафти шароитида қишлаш
учун янги-янги базаларни босиб олишдан манфат-
дор эдилар, шу сабабли улар фаол ташқи сиёсат юр-
ғизиш томонига ўтадилар. IX асрнинг 80-йиллари би-
лан IX асрнинг 30-йиллари оралиғидаги бир ярим аср
янги-янги қабила ва қабила иттифоқларини ўзига ит-
тифоқдош сифатида қўшиб келган Ўғуз варвар дав-
латининг узлуксиз ўсиш даври бўлди.

Ўғузлар билан пачанақларнинг кучли қабилалар
иттифоқи ўртасида узоқ давом этган кураши айниқ-
са шиддатли бўлди.

Бироқ X аср давомида пачанақларнинг шарқий
гуруҳлари ўғуз иттифоқига киради ва шу билан бу
иттифоқнинг этник жиҳатдан жипслашуви тугайди.
Иртишбўйи кимақларнинг гуруҳларидан бири – бо-
ёндур қабиласи ҳам шу иттифоққа киради; Гардизий
X аср маълумотлари асосида боёндур қабиласи кимақ-
лар таркибида бўлган деса, Маҳмуд Қошғарий уларни
асосий ўғуз қабилалари жумласига киритади.

Х асрнинг иккинчи ярмига келиб ўғузлар давлати ниҳоятда кенгайиб кетади: жанубий шарқда у Тороз (Талас дарёси бўйидаги Жамбул шаҳри) ва Шош (Тошкент) шаҳарлари билан чегарадош; жанубда Кувондарё ва Жангадарё ҳавзаларини қамраб олади; шимолда Сарису, Чалқор ва Иргиз ҳавзасини ўз ичига олган бўлса керак, шимолий-ғарбий Урал тоғи этакларигача етиб, бошқирдлар билан чегарадош бўлган; Ғарбда хазорларнинг Волга бўйидаги мулкларига бевосита туташиб кетган. Жанубий ғарбда Устюртнинг каттагина қисми ўғузлар мулкига кирган бўлиши керак. Бу примитив варвар империя Хоразмнинг энг муҳим иқтисодий алоқа йўллари учун жиддий хавф туғдиради ва шимолий ғарбда унинг мудофаа сиёсатидан ҳужум сиёсатига, дипломатик фаолиқдан ҳарбий фаолиқка ўтишига сабабчи бўлади.

1946 йилда Хоразмнинг шимолий ғарбий чеккасидан биз топган ва текшириб чиққан археологик ёдгорликлар ўғузлар билан бўлган шиддатли кураш шароитига олиб киради. Устюрт ҳудудий кенглигининг қуйи Амударё водийсини ғарб томонидан ўраб олган, баландлиги 50 метр келадиган бутун забардаст Чинки (жари) ёқалаб Хоразм истеҳкомлари занжири чўзилиб кетган. Х асрда барпо қилинган бу истеҳкомлар Устюртдан водийга қараб тушган ҳамма йўлларни беркитиб қўйган. Ана шу истеҳкомлар билан бирга чақирик бериб туриш учун мўлжалланган маёқ-миноралар ҳам қурилганки, булар ёруғлик чақириги бериш учун мўлжалланган бўлса керак. Бу минораларнинг ҳар бири йўниб силлиқланган тошдан ишланган бўлиб, Устюртнинг ёқасида, пастга қараб кетадиган йўлнинг тепасида жойлашган. Кўзга узоқ-узоқлардан ҳам яққол ташланиб турадиган бу миноралар ҳозир ҳам ўша жойда ажойиб мўлжал хизматини ўтай олади. Миноралар занжири Урга бурунидан бошланиб, бири иккинчисидан тахминан 20 километр масофада Чинк (жар) бўйлаб жанубга томон чўзилиб кетган ва ягона

бир тизимни ташкил этади. Даштдан келувчи душман ҳудудий кенгликда пайдо бўлиб қолган тақдирда Чинкнинг истаган томонидан ёруглик чақириги бериб, ярим соат ичида Урганчни бундан воқиф қилиш мумкин эди. Чинкдан пастга қараб тушувчи йўлнинг этагида, текисликда ёки қоялар устида унча катта бўлмаган истеҳкомлар қурилганди. Душманнинг водийга тушиб келаётган отлиқ аскарлари тик қоя билан истеҳкомлар ўртасидаги тор жойда тиқилиб қолиб, бу аскарларни унча катта бўлмаган гарнизон вақтинча бу ерда тутиб турарди, шу орада бутун мамлакат оёққа турарди.

Қуйи Волга бўйида Шарқнинг узоқ-узоқ мамлакатларига кенг кўламда таъсир кўрсатган улкан воқеалар авжига минган бир даврда Хоразмнинг шимолида ана шундай халқаро вазият вужудга келди. Рус князи Святославнинг жангларида чиниққан пиёда аскарлари 965 йили Белая Вежа (саркел) ёнида хазор кўшинларига ҳал қилувчи зарба беради. Хоқоннинг ўзи, Хазориянинг «муқаддас шоҳи» жангда ҳалок бўлади. Бу жангда, афтидан, ниҳоятда қақшатғич зарбага учраган хазорлар мудофаани янгидан уюштиришга ожизлик қилиб қоладилар. Рус кўшинлари Волга билан Дон орасидаги қуруқликни эгаллаб олиб, Игорь дружиначилари босиб ўтган йўл бўйлаб Волганынги қуйи ва юқори оқимларига бориб келадилар, улар Хазориянинг ҳолдан тойиб, қаршилиқ кўрсатишга ожизлик қилиб қолган шаҳарларини, шунингдек, ҳали бу даврда жуда кучсиз бўлган Волга Булғорияси шаҳарларини тор-мор келтирадилар ва бўйсундирадилар.

Бироқ бу юриш Святослав сиёсий режаларининг пировард мақсади эмасди. Святослав Хазорияни тор-мор қилиб, унинг ғарбдаги энг муҳим стратегик пункти бўлган Саркелни эгаллаб ва шу тариқа, хазорларнинг кўққисдан бўладиган ҳужумларига чек қўйиб Волга-Дон йўлида ҳукмрон бўлиб олиб, ўзининг асо-

сий режасини – Дунайга юришни амалга оширишга киришади.

Маркази Переяславец – Дунай бўлиши кўзда тутилган Славян давлатини барпо қилиш уун бўлган зўр уриниш барбод бўлганлигини биламиз. Шарқда қўлга киритилган ғалабалар ҳам мустақкамланмади.

Албатта, Хоразм Волга бўйларидаги сиёсий вазиятнинг ўзгаришига бефарқ қарай олмасди. Хоразм ҳукмдорлари ва даставвал, аҳволи кўп жиҳатдан Волга бўйи билан бўладиган иқтисодий алоқаларга боғлиқ бўлган Урганчнинг амирлари Хоразмнинг кучли таъсири остида бўлган Хазориянинг ва ислом динини қабул қилганидан кейин Хоразм сиёсати изига тушиб қолган Булғориянинг тақдирига нисбатан безътибор бўлолмасдилар.

Вазиятнинг кескинлашиб кетишига яна шу нарса сабаб бўлдики, ўғузларнинг олдинги аскаррий қисмлари Волга бўйларига ва Булғория чегарасига келиб турдилар. Хазория-Булғория мерос мулкининг Янгикент ябғуларининг янги варварлик империяси таркибига қўшиб олинishi эса бутун позицияларинигина эмас, балки умуман Хоразмнинг давлат сифатидаги мустақиллигини хавф остида қолдирди.

Биз Хоразмнинг «Хазория мерос мулки учун» бўлган урушга фаол суратда киришганлигини кўраемиз.

Араб муаллифларининг тўла бўлмаган, аммо маънодор маълумотларига кўра, воқеаларнинг умумий изчиллигини қуйидагича тиклашимиз мумкин.

Ибн Мисковайх ва Ибн ал Асирнинг хабар беришларича, 965 йили Хазория хоқони аллақандай туркий халқнинг ҳужумига учраб, Хоразмдан ёрдам сўрайди. Хоразм, агар хазорлар ислом динини қабул қилсалар, ёрдам беражани айтади. Хоқондан ташқари, ҳамма хазорлар ислом динига кирадилар, хоразмликлар турклар ҳужумини даф қилганидан кейин эса хоқоннинг ўзи ҳам ислом динини қабул қилди.

Бу воқеанинг санаси Святослав юриши вақтига айна тўғри келади. Бироқ, бу ўринда адашиш натижасида турклар ўрнида руслар деб юборилган деган тахмин ақлга тўғри келмаслиги сабабли, хабарнинг маъносини шундай тушуниш лозим бўлса керак: Святослав қўшинлари билан айна бир вақтда ёки бевосита улардан кейин Хазорияга шарқ томондан ўғузлар кириб келган бўлсалар керак; ўғузлар туркларнинг қадимий сиёсий номи остида майдонга чиқадилар, русларга ҳам дастлаб шу номда («торк» шаклида) маълум бўладилар. Бу ҳужум хазорларнинг ғарбдаги ва шарқдаги душманларининг иттифоқ тузиб ҳаракат қилиши натижаси бўлганлиги тўғрисида қадимий матнларда ҳеч нима дейилмаган. Бироқ ҳужумнинг шак-шубҳасиз бир вақтда бўлганлиги бу тахминнинг ҳақиқатга яқинроқ эканлигидан далолат беради; рус солномасида Владимирнинг Волга бўйларига (985 йил) юриши (бу борада у отасининг сиёсатини давом этдиради) билан боғлиқ бўлган воқеалар тўғрисида сўз борганда рус-ўғуз иттифоқи очиқ-ойдин гапирилади, шу сабабли ўғузлар билан иттифоқ Шарқда Святослав кенг кўламда олиб борган сиёсатнинг элементларидан бири бўлган дея ҳисоблаш учун ҳамма асослар бор.

Ибн Ҳовқалнинг ёзишича, Манғишлоқда пайдо бўлган хазорлик қочоқлар (хоқон тахтининг валиаҳди ёки даввогари ҳам шулар орасида бўлиши мумкин) худди ана шу туркларга қарши ўлароқ Хоразмдан ёрдам сўраганлар, чунки бу даврда Святослав қўшинлари, солномада ёзилишича, фақат Саркелда гарнизон қолдириб, жанубий ғарбга томон юришни бошлаб юборган эдилар; солномада Саркелнинг олиниши алоҳида таъкидланади.

Ёрдам Урганч амири томонидан келди; энди бу ўринда амирнинг биринчи аниқ ҳарбий юриши тўғрисида ишонч билан айтиш мумкин.

Ал Мақдисий тўғридан-тўғри хабар қилади: «Баъзан Хазориянинг шаҳарларини Журжония ҳокими эгаллаб олади».

Бу хабар курашнинг ҳазилакам бўлмаганлигини ва юришни бир неча марта янгидан бошлашга тўғри келганлигини кўрсатади.

Бироқ, айтилганлардан равшанки, X аср 70-йилларининг бошларидаёқ Хазориянинг Волга бўйларидаги қисми Хоразмга, аниқроғи, Урганчга қай йўсинда бўлмасин бўйсунган, деб ишонч билан айтиш мумкин.

80-йилларда рўй берган воқеалар гарчи бўлак-бўлак ҳолда бўлсада, лекин турли-туман манбаларда (бу манбаларнинг мазмуни арабларга ҳам, русларга ҳам бевосита алоқадор эмас) ёритилгандир.

Ал-Мақдисий ўз китобининг бошқа бир жойида хабар қилади: «Ал Маъмун Журжониядан улар (хазорлар) устига юриш қилганини, уларни енгиб, ислом динига киритганини эшитганим бор. Баъдаз эшитган эдимки, Румдан келган ва Рус деб аталадиган қабила улар устига юриш қилди ва ўлкасини эгаллаб олди».

Бу воқеаларни тасвирлашда муаллиф танлаган услубнинг ўзи қизиқ. Бу услуб ибн Ховқалнинг 965 йил воқеалари (ибн Ховқалнинг ўзи шу воқеалар рўй берган вақтда яшаган) тўғрисидаги ҳикояси услубига жуда ҳам ўхшаб кетади. Маълумки, адабий анъанага кириб, мустаҳкам ўрнашиб қолган аниқ воқеа-ҳодисалар шак-шубҳасиз ақида тарзида баён қилинади, ал Мақдисий эса атайин бундай услубдан қочган бўлиши керак. Шунингдек, араб манбаларида аксари оғзаки ривоятлар, адабий манбалар далил қилиб келтирилади, бу ўринда эса ҳеч қандай манба мурожаат қилинган эмас. Муаллиф воқеалар тўғрисида янги, ҳали текшириб кўрилмаган миш-мишлар асосида ҳикоя қилади.

Шунга кўра, Гаркави ва Марквартнинг ал-Маъмун IX аср бошидаги аббосийлар халифаси Абдуллоҳ ал-Маъмун бўлиши керак, деган тахмини мутлақо ақлга сифмайди, бунинг устига, араб-хазор урушлари тўғрисида ҳам, ал-Маъмуннинг ҳаёти ҳақидаям етарли даражада тўлиқ материал берувчи араб манбаларининг

бирон жойида бу воқеа тўғрисида лом-мим дейилмаган. Ҳеч шубҳа йўқки, Мақдисийнинг ал-Маъмуни – 995 йили юқори ва қуйи Хоразмни ўз қўли остида бирлаштирган ҳамда янги хоразмшоҳлар сулоласига асос солган (бу сулола қадимий сиёвуший-афригийлар ўрнига келган) Урганч амири ал-Маъмун ибн Муҳаммаддир.

Мақдисий тасвирлаган воқеалар, ёзилиш услубига қараб муҳокама юритганимизда, китоб ёзилган вақтда, яъни 985 – 986 йилларда рўй бергандир. Бу воқеаларни IX аср бошларигагина эмас, балки Святослав юриши вақтига ҳам мансуб деб бўлмайди.

Бироқ Мақдисийнинг биз юқорида келтирган бошқа бир гапи («баъзан Хазориянинг шаҳарларини Журжония ҳокими эгаллаб олади») гоёт муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги замон феъли билан берилган бу гапни ўқиган заҳотимиз худди ўша 985 йилдаги шароит – Урганч амирининг Хазория устидан ҳукмронлик қилиш учун гоҳ ғалаба қилиб, гоҳ муваффақиятсизликка учраб олиб борган оғир кураши кўз ўнгимиздан ўтади.

Шундай бир савол туғилади: хўш, у ҳолда Мақдисийнинг матнида воқеалар изчиликка путур етмайди-ми – дастлаб ал Маъмун истило қилган-у, сўнгра руслар истило қилганми?

Бу саволга жавобни худди ўша 985 йил арафаси тўғрисида маълумот берувчи рус солномасидан топиш мумкин:

«943 йил Володимер (Владимир) ўз тоғаси Добриня билан қайиқларда Булғорлар томон юриш қилди. Торкларни эса отларга миндириб қирғоқ бўйлаб олиб келди ва Булғорлар устидан ғалаба қозонди. Добринянинг Владимирга айтиб турган сўзи: «Колодникларни кўр, ҳаммалари этик кийган; булар бизга хирож тўламайди; юр, яхшиси, чиптаковуш кийганларни қидирамиз». Владимир Булғорлар билан сулҳ тузди ва улар бир-бирларига қараб қасамёд қилишди: «Токи

сувда бош сузиб юрмагунча, етимак эса чўкмагунча бизларнинг ўртамизда тинчлик бўлмайди». Шундан кейин Владимир Киевга қайтиб келди».

Бу манбада акс этган воқеаларда Владимир князлик қилган дастлабки йилларда рўй берган воқеалар билан узвий равишда боғламаслик мумкин эмас. Владимирнинг ляхлар (981 йилги юриш асли русларга қарашли бўлган «червен шаҳарлари» тортиб олинган эди), вятчлар (982), ятвяглар (983) ва радимичлар (984) га қарши юришлари сингари, 985 йилдаги Кама Булғорларига (А. В. Мавродин қайтадан таклиф қилганидек, буни Дунай булғорларига қарши юриш дея тушуниш мумкин эмас. Солноманинг манбаи ҳам (унда юқорида келтирилган манбанинг кетиданоқ Муҳаммад эътиқодидаги Булғорлар келади), Иаков Мнихнинг шоҳидлиги ва Владимирнинг ҳаёти ҳам, ниҳоят, Русь ғарбга юриш қилган бу вақтда торкларнинг пайдо бўлиб қолиши (бу тўғрида қуйида гапирилади) ақлга сиғмайдиган бир нарса эканлиги ҳам М. В. Мавродиннинг фикрига зид бўлиб тушади) қарши юриш – Владимирнинг ўз отасидан қолган мулк учун, Киев давлатининг 973 – 980 йиллардаги ўзаро урушлар натижасида бўшашиб кетган сиёсий алоқаларини тиклаш учун кураши эди.

Солнома манбасидаги туркларни Владимирнинг ёлланма қўшинлари бўлган, деб ҳисоблаш қийин. Шу нарсани эсга олмоқ керакки, Сятослав қўшинлари Волга бўйларидан кетганидан кейин ўғуз-торкларнинг ва Руснинг ҳудуди бевосита бир-бирига тутшиб турмаган. Русь ўлкасининг жанубий ва жанубий шарқий чеккаларини торкларнинг ашаддий душманлари бўлган ғарбий пачанақлар эгаллагандилар. Торклар 985 йил арафасида тасодифан тилга олингандан кейин яна қайтадан 1054 йилда, половец (қипчоқлар) биринчи бор тилга олинган вақтда пайдо бўладилар.

965 йилда бўлиши мумкин деб тахмин қилинган нарса тўғрисида энди узил кесил фикр билдириш учун

тўла асос бор эди: бу даврга келиб икки қудратли давлат – Русь ва Янгикент ябғуларининг варвар империяси ўртасида ҳарбий иттифоқ тузилади; бу ҳар икки давлатнинг чекка жойлари қуйи Волгада, Волга билан Дон ўртасидаги қуруқлик туманида бир-бири билан тутшиб кетарди ҳисоб. Иттифоқчи қўшинлар шу ердан Волга бўйлаб юқорига юриш қилган бўлсалар керак (Бу ўринда биз, Святослав маршрутига нисбатан қилганимиздек, анъанавий сайқал беришдан четга чиқамиз. Солномадаги маълумотни Кама булғорларига мансуб дея ҳисоблашга қарши чиққан кишилар туркларнинг отлиқ аскарлари булғорларга қарши Ока ва Волганинг қуйи оқимига қараб, бунинг устига, қирғоқ бўйлаб ҳаракат қилишганига ишонини қийин ва ҳарбий жиҳатдан бундай ҳаракат беъманидир, деган мулоҳазаларни бир неча марта кўтариб чиққан эдилар, биз ҳам шу мулоҳазани тамомила асосли деб биламиз. Волга билан Дон ўртасидаги қуруқлик туманидан Волга бўйлаб юқорига томон бўладиган ҳаракат мутлақо бошқа нарса, бунда флот ва отлиқ аскарларнинг бирдамлик билан ҳаракат қилиши учун катта имкониятлар вужудга келган. Бу русларнинг Каспийга юришлари давридан бошлаб синалган ва маълум бўлган йўл эди. Ниҳоят, бизнинг тахминларимиз туфайли Иаков Мнихнинг, Владимир булғорлар устига ҳам юриш қилган, деган фикрини тушуниш мумкин бўлади).

Албатта, «этик кийган асирлар» тўғрисидаги латифа шошилини равишда тузилган сулҳнинг ва Владимирнинг Киевга қайтишининг сабабини тушунтириб беролмайди. Булғорияни мустақил деб танишди ва Владимирнинг Святославдан қолган мероснинг бу қисмидан воз кечишини ифода этган Русь – Булғория шартномасининг тузилишига бу латифа негизида ётувчи жиддийроқ нарсалар сабаб бўлган, албатта. Булғорларга қарши тузилган рус-ўғуз иттифоқи ҳарбий жиҳатдан дастлаб ютуққа эришганлиги (бу ўринда солномага ишонмасликка асос йўқ) яққол кўриниб

турган бўлса-да, пировардида мазкур иттифоқ сиёсий жиҳатдан муваффақиятсизликка учраганлиги бу латифада хаспўшлаб кетилган.

Менинг фикримча, Нестор ва Мақдисийнинг маълумотларини бир-бири билан таққослаб кўрсак, Хоразм қўшинларининг аралашishi Владимирга дастлаб қўлга киритилган ана шу муваффақиятни ривожлантиришга имкон бермаган энг асосий сабаб бўлганлиги равшан бўлиб қолади. Бу қўшинлар ўзларига диндош бўлган Булғория билан иттифоқ тузиб, Волга билан Донни туташтирувчи қуруқлик туманида Владимирнинг орқа томондаги алоқа йўлларига ҳужум қилиб туради.

«Дин тўғрисида ахборотлар» масаласига оид маълумотлар билан боғлиқ бўлган бундан кейинги ҳодисалар (Владимирнинг тахминан 986 йилдаёқ Хоразм билан бевосита дипломатик муносабатлар ўрнатганлигидан далолат берувчи бу воқеалар тўғрисида қуйида тўхтаб ўтамиз), шунингдек, Нестор даврида ҳам сақланиб қолган анъана (бу анъана булғорлар билан хвалисс-хоразмликларни (Биз Русь давлатининг шарқий ва жанубий қўшнилари тўғрисида солномачи (Лавр, 1096 й) хабар қилган қизиқ бир генеалогияни кўзда тутаётирмиз: бу генеалогия хвалисслар ва булғорлар туркий қабилаларга (пачанақлар, торклар, половецлар (қипчоқ) ва туркманларга) қарама-қарши қўйилади (бу қабилаларнинг насл-насаби эса Тавротдаги Исмоилга бориб тақалади), булғорлар ва хвалисс-хоразмликлар «Лотова қизи» ва унинг ўз отасига тегиши билан боғланади; булғорлар ва хвалисс-хоразмликларнинг энг биринчи оталари ана шу никоҳдан бўлган ака-укалардир: хвалиссларда – Моав, булғорларда – Аммон.

Бу ажойиб этногенетик назария Хазория ва Булғориянинг сиёсий ва маданий алоқалари яқин бўлганлиги тўғрисидаги тасаввур негизидагина вужудга келиши мумкин эди; бу тасаввурга кўра, хвалисс-

хоразмликлар билан булғорлар шу қадар яқин бўлганки, ҳатто улар ўртасидаги этник фарқ ҳам унутилиб юборилган, (бир-бири билан чамбарчас боғланган), бизнинг фикримизча, мазкур тахмин учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

У ҳолда бизни қизиқтирган воқеалар тўғрисида Мақдисий берган хабарнинг услуби ҳам равшан бўлиб қолади. Рус лашкарлари билан жуда бўлмаганда Хазориянинг ғарбий ва шимолий қисмларини қайтадан босиб ўтган Владимирнинг юришидан олдин Маъмун Хазорияни босиб (бу юриш хоразмликларнинг 965 йилдан кейинги биринчи юриши бўлмаган бўлса керак) олади. Мақдисий ўз асарларини русларнинг Қуйи ва Ўрта Волгадан Святославдан кейин иккинчи марта кетиши вақтида ёзган бўлсада, бу воқеалар тўғрисидаги хабар ҳали унга етиб келганича йўқ эди.

Бу ўринда биз халқаро муносабатлар тарихининг гоят қизиқ шундай бир пайтига дуч келамизки, бу пайтда Киев Руси давлатининг узил-кесил таркиб топиш жараёни рўй бериб турганди.

Владимирнинг булғорлар устига қилинган муваффақиятсиз юришдан Киевга қайтиб келиши тўғрисидаги сўзларнинг кетиданоқ солнома бизга қуйидагиларни маълум қилади: «6494 (986) йил. Мусулмон динидаги Булғорлар келиб шундай дейишди: «Сен доно ва баъмани князсан, лекин қонун (дин) деган нарсани билмайсан, шунинг учун бизнинг динимизга кириб, Муҳаммадга сажда қил».

Солномачи ўшандан кейинги (987) йили Владимир ислом дини билан танишиб келиш мақсадида, Булғорияга элчилар юборган, деб хабар қилади.

Русь давлатининг Шарқ билан муносабатлари тарихи борасида қўлга киритилган сўнгги маълумотлар муносабати билан солномадаги «дин тўғрисида ахборотлар» қиссаси таркибига кирувчи бу ҳикоя янги аҳамият касб этади.

В. Ф. Минорский Лондондаги Ҳиндистон ишлари бўйича вазирликнинг кутубхонасидан IX–XII асрларда яшаган табиб ва табиатшунос олим Шараф ал Замон Тоҳир Марвозий китобининг арабча матнини топди. Бу асарда Русь тасвирига бағишланган ғоят қизиқарли бир қисм борки, қуйида уни тўлалигича келтирамиз:

«IX. 15. Русга келганда шуни айтиш мумкинки, улар денгиздаги бир оролда яшайдилар, оролнинг катталиги: ҳамма томони ҳам уч кунлик (йўл)дир. Унда дарахт ва ўрмонлар бор ва уни кўл қуриш олган. Уларнинг (русларнинг) сони жуда кўп ва улар овқатни қилич кучи билан топиб ейдилар, қилич билан машқ қиладилар. Уларнинг эркаклари ўлгудек бўлса ва ундан қиз ва ўғиллар қолса, отанинг молмулки қизига берилади, ўғлига эса фақат қилич тақдим этадилар ва шундай дейдилар: «Отангиз ўз мулкени қилич орқасидан орттирди, сиз ҳам унга эргашинг ва бу хусусда унинг изидан боринг».

Улар то уч юзинчи йилнинг ойларида христиан бўлгунларига қадар шу тарзда тарбия олиб келдилар. Улар христианликни қабул қилишгач, дин уларнинг қиличини ўтмаслаштириб қўйди, мазҳаб машғулотлар эшигини беркитиб қўйди ва улар тағин камбағаллик билан оғир ҳаёт кечиришга ўтдилар, уларда тирикчилик воситалари ҳам қисқариб кетди.

Шунда улар босқинчилик ҳужумлари ва муқаддас уруш қилиб туриш ва аввалгидек ҳаёт кечириш мақсадида, мусулмон бўлишни хоҳлаб қолдилар. Шунда улар подшога яқин кишилардан тўрттасини танлаб, Хоразм ҳокими ҳузурига элчи қилиб юбордилар: чунки уларнинг мустақил подшоси бор эди ва туркларнинг шоҳи хоқон ва булғорларнинг шоҳи в. т. итти деб аталганидек, уларнинг шоҳи Владимир деб аталади.

Уларнинг эчилари Хоразмга келдилар ва ўз подшоларининг мактубини хабар қилдилар. Хоразмшоҳ уларнинг ислом динига киришга аҳд қилишганини

эшитиб бағоят хурсанд бўлди ва уларни ислом динининг қонун-қоидаларига ўргатиш учун одамлар юборди. Ва улар ислом динига кирдилар.

Улар кучли ва барваста кишилар бўлиб, хужум қилиб босиб олиш мақсадида, узоқ-узоқ ўлкаларга яёв борадилар, шунингдек, кемаларда Хазор денгизи бўйлаб саёҳат қиладилар ҳамда кемаларни босиб оладилар ва мол-мулкани талон-тарож қиладилар, кўрфаздаги ғовларга қарамай, Понтус денгизи бўйлаб Қустантиния (Константинополь)га саёҳат қиладилар. Улар Хазор денгизи бўйлаб сафар қилиб юриб, кунлардан бир куни Бердани қўлга киритадилар.

Уларнинг мардлигини ҳам, довюраклигини ҳам ҳамма яхши билади, чунки уларнинг ҳар бир кишиси бошқа халқнинг бир неча кишисига бас келади. Агар улар отларга эга бўлиб, чавандоз бўлганларида эди, одамлар учун балойи азим бўлардилар».

«Руслар ороли» тўғрисидаги олдинги гаплар ва хийла илк манбалар асосида ёзилган хулосани мустасно қилганимизда, бутун манба ниҳоятда бирламчи асл манба бўлиб, ундаги маълумотларга қараб фикр юритганимизда, бу манба X аср охирига ёки XI асрнинг энг бошига тааллуқлидир. Бу ҳол Марвозийнинг асл манбаи Берунийнинг бизгача етиб келмаган асарларидан бири бўлиши мумкин (Минорскийнинг кўрсатиб ўтишича, умуман Марвозий асарлари Беруний асарларининг кучли таъсири остида ёзилган), эҳтимол, унинг «Хоразм тарихи» асари бўлган, деган тахминни ҳақиқатга жуда яқин қилиб қўяди.

Агар чиндан ҳам шундай бўлса, у ҳолда текширилатётган матн муаллифининг жуда кўп нарсадан хабардор бир киши бўлганлигига ва у берган маълумот илмий жиҳатдан аниқ эканлигига шак-шубҳа қолмайди.

Ҳикоянинг уч оригинал бўғинини кўриб чиқайлик: 1) Руслардаги меросхўрлик урф-одати; 2) Владимирга қадар Руснинг христианликка кириши; 3) Руснинг

Хоразм билан алоқалари ва унинг ислом динини қабул қилиши.

В. Ф. Минорский ва Б. Н. Заходер ҳикоянинг биринчи қисмини христианликка қарши қаратилган ва аввалдан бир қолипга тушиб қолган кичик бир памфлет дея ҳисоблаш тарафдоридирлар. Мен уларга қўшила-олмайман. Умумий анъанадан ташқари, бу ўринда ҳеч қандай бўрттирилган бир нарса йўқ. Марвозий тасвирлаган меросхўрлик урф-одати феодализмдан аввалги Русь давлатининг ижтимоий тузумидаги баъзи бир эскириб қолган элементларни янги нур билан ёритади, шунинг учун ҳам бу урф-одатнинг тасвири этнографик жиҳатдан ниҳоятда қизиқарлидир. Марвозий тасвирлаган меросхўрлик турини қиёсий-этнографик таҳлил натижалари ҳам тасдиқлайди. Тасвирнинг ҳар қанча лўндалигидан ва тўла-тўқис эмаслиги яққол кўзга ташланиб турганлигидан қатъи назар, бу меросхўрлик урф-одати матриархал меросхўрлик нормаларидан патриархал меросхўрлик нормаларига ўтишнинг энг аҳамиятли шаклларида биридир.

Киев давлатидаги христианликка қарши анъаналар тўғрисидаги ҳикояни солномалардан олинган баъзи бир маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Бу ҳикоя Русь давлатининг христианлашиш давридаги ички ижтимоий-сиёсий тарихининг муҳим томонларини аниқлаш имконини беради.

Х аср давомида Русь давлатининг сиёсий ҳаётида сиёсий тараққиётнинг икки анъанаси яққол кўзга ташланади. Бу анъаналар ярим варвар Киев империясидаги икки асосий ижтимоий табақавий тоифа – ҳарбий қулдорлик ва феодал-крепостной ўртасидаги курашни ифода этди. Бу жараёни чизмалашлаштириш ниҳоятда хавфлидир, чунки қулдорлар ва феодаллар табақасини ҳали бу даврда жуда кучли бўлган ибтидоий-жамоа, патриархал-уруғ тоифасига қарама-қарши қўйиш масалани ҳаддан ташқари соддалаштириб юбориш бўлганидек, бу даврда қулдорлар ва

феодалларнинг алоҳида табақалари бўлган, дея ҳисоблаш мумкин эмас.

Бу тоифаларнинг ҳаммаси ўзаро ниҳоятда жипс чатишиб кетгандир: уруғ-қабила зодагонларининг ҳамма вакиллари хўжалигида қулдорлик ва феодал элементлари чатишиб кетганди, бу зодагонларнинг ўзи патриархал -жамоачилик алоқаларидан холи бўлиб кетишдан узоқ эди. Бу ўринда анъаналарнинг устунлиги ҳақида, эксплуатациянинг у ёки бу усулининг ривожланишидан ва жамоа тоифасининг у ёки бу элементларидан фойдаланишдан ортиқроқ даражада манфаатдор бўлган зодагон гуруҳлари тўғрисидагина гапириш мумкин.

Шубҳа йўқки, Игорь ва Святослав асосан тараққиётнинг ҳарбий-қулдорлик тенденцияларининг амалга ошишидан кўпроқ манфаатдор бўлган ижтимоий элементларига бошчилик қиладилар.

Ольга сиймосида эса биз, аксинча, бунга тескари анъананинг ёрқин вакилини кўрамиз. Игорь ва Святослав ўз қўшинлари билан ватандан минг-минг километр нарида жанг қилганлари, жуда кенг қўламда босқинчилик юришлари уюштирганлари ҳолда, «6455 (947) йилда Вольга (яъни Ольга) Новгород томон йўл олди ҳамда Моста дарёси бўйлаб ўлпон ва солиқ солди, Луга дарёси бўйлаб ҳам ўлпон ва солиқ солди ва унинг ов қиладиган жойлари ер юзи бўйлаб тарқалгандир». Шу тариқа, Ольганинг сиёсати шарқий славян қабилалари устидан ҳукмронликни мустаҳкамлаш, славян деҳқонлари тўлайдиган феодал солиқлар тизиммасини тартибга солиш, улуг князь доменининг (князга ва йирик феодалларга қарашли ерлар – У. Б.) ўзини ташкил этишга қаратилган эди. Ўз ҳаётининг афсона бўлиб кетган қаҳрамонона даврида ҳам (бу давр древлянлардан Днепр водийсида яшаган славян қабилаларидан бири – У. Б) ўч олиш тўғрисидаги қонли афсонада ўз ифодасини топган) у худди ўша феодал вазифаларни амалга оширди – зодагонларни

йўқотди ва Киев яқинидаги шарқий славян қабилаларидан бирининг деҳқон аҳолисини асоратга солди. Ольганинг ташқи сиёсати эса унинг 955 йилда Царьградга қилган сафаридида яққол ақс этди. У бу шаҳарга эрига ўхшаб қудратли флот билан эмас, балки беозор мақсад билан бориб, мазкур сафар унинг чўқиниши билан тугалланди.

Эскироқ феодал давлатлар ила тинч иттифоқчилик алоқалари ўрнатиш билан бирга бу давлатларнинг ҳукмрон динини ҳам қабул қилишни фақат Русдаги «феодал партия» учунгина мансуб деб бўлмайди. Кўп жиҳатдан шунга ўхшаш бўлган жараён Венгрияда ҳам бўлиб ўтади. Марказий Осиёнинг олтинчи ва шундан кейинги асрлардаги варвар қабилалари тарихига назар ташлар эканмиз, улар ҳам Хитой билан муносабатда шунақанги жараёнларни бошларидан кечирганликларини биламиз. Қуйида, XI асрдаги Хоразм-ўғуз муносабатларини таҳлил қилган пайтимизда айнан шунга ўхшаш жараёнларга яна дуч келамиз.

Буни тушуниб олиш унча қийин эмас: тараққиётнинг феодал йўли тараққийпарвар бўла туриб, шунинг билан бирга анча қийинроқ йўл бўлди, чунки у жамоа ва қабилаларнинг қаттиқ қаршилигига учради. Гап шундаки, синфий антагонизмнинг кучайиб бориши жараёни ичкарига, феодаллашиб бораётган зодагонлар крепостной бўлиб қолаётган ўз халқига қарши қўйилган эдики, унинг даражаси тараққиётнинг эски ҳарбий-қулдорлик йўлидагидан кўра ҳам зўрроқ эди. Ўрта Осиёнинг VI-VIII асрлардаги тарихидан олинган бир қанча мисолларда жамоаларнинг антифеодал ҳаракати нақадар аёвсиз ва қудратли эканини ҳамда феодаллашиб бораётган, ҳали жуда заиф бўлган зодагонларнинг ташқаридан мадад сўрашга мажбур бўлганини, натижада бевосита ҳарбий интервенция қилинганини кўриб ўтдик. Эски уруғ-қабила динига тараққий этган феодал мафкурасининг ва тайёр ҳолида бошқалардан олиниб, ўзлаштирилган қудратли чер-

ков ташкилотининг қарама-қарши қўйилиши феодализмнинг тикланиши даврида бу курашнинг муҳим элементи бўлди.

Ольга христианликни қабул қилиш билан анча илгари – Игорь замонидаёқ аниқ равшан бўлиб қолган анъанани мустақкамлади; Игорь қўшинлари таркибидан 945 йилда «Христианлар Руси» дружинасининг мавжуд бўлиши ана шу анъанадан дарак беради; бу қўшинга Перуннинг ноиб – авлиё Ильянинг Киевдаги черкови хизмат қилган.

Христианлашиш жараёни эски, ҳарбий қулдорлик партияси даврасининг қаттиқ қаршилигига учрамаслиги мумкин эмас эди. Христианлаштиришнинг Русь фаравонлигига қақшатгич зарба бўлганлиги тўғрисидаги Марвозий ҳикоясида ана шу қарама-қаршилик ўз ифодасини топган. Албатта, христианликка қарши бу памфлет Шарқдан, мусулмонлар муҳитидан эмас, балки рус муҳитидан келиб чиққандир.

Владимирнинг сиёсати ундан аввал ўтган князларнинг сиёсатидан кўра мураккаброқ ва зиддиятлироқ бўлдики, буни тушуниб олиш қийин эмас: замон «феодал партияси»га боққан эди. Владимир ўз князлигининг биринчи даврида христианликка қарши анъаналарнинг кескин равишда кучайиб кетиши муносабати билан Святослав сиёсатини янги шароитда давом этдиришга ҳаракат қилган бўлса, 987 йилга келиб аҳвол тамомила ўзгариб кетади. Марвозийнинг ҳикоясида ана шу бурилишнинг эпизодларидан бири тасвирланган. Ислоҳ қилинган мажусийликни кучайтиришга интилиш (солномада қайд қилинишича, бу интилиш 980 йилга оид), христианларни қувғин қилиш (худоларга қурбон қилинишга маҳкум этилган иккита христиан варягга берилган қонли жабр тўғрисидаги ҳикояда акс этган бўлиб, ҳикоя 983 йилга оиддир) ва, ниҳоят, ислом дини томонига оғиш (986 йил) – буларнинг ҳаммаси бир занжирнинг ҳалқаларидир.

Владимир ислом динини қурол қилиб олиб, Киев зодагонларининг манфаатлари ўртасидаги аслида йўқотиб бўлмайдиган, бу вақтга келиб эса авжига чиққан қарама-қаршилиқни бартараф қилмоқчи бўлади: зодагонларнинг бир қисми дин учун кураш ақидасига берилган бўлса, уларнинг қолган қисмини ислом мамлакатлари билан иттифоқ тузиб, эски душман бўлган Византияга қарши ҳарбий экспансияни авж олдириб юбориш тизими мазҳаб ва дин сифатида феодал-крепостной тузумни узиш-кесил бирлаштириш билан боғлиқ бўлган ички вазифаларни ҳам ҳал қилиш имконини берса керак, деб ўйладилар.

Владимирнинг Булғорга қарши юришининг муваффақиятсизликка учраши уни Хоразм билан бевосита алоқага киришига олиб келгандики, бу – Владимир сиёсатининг тараққиётида муҳим бурилиш бўлди; лекин у ривож топмади, бурилишлигича қолди, холос. Уорсунга юриш туфайли қўлга киритилган муваффақият зиғирча бўлса ҳамки, анча қимматга тушди. Шундан кейин Хоразм билан ҳарбий иттифоқ – амалга ошмайдиган бир иш эканлиги аён бўлиб қолди. Игорь ва Святославнинг жуда зўр экспедициялари Киев давлатидаги ички қарама-қаршилиқларни юмшатиш имконини берган бўлса, Корсунь юришида қўлга киритилган кичик муваффақият бу зиддиятларни юмшата олмасди, албатта. Иккинчидан, замон бу режанинг мафкурага оид томонини ҳам амалга ошириб бўлмаслигини кўрсатди – Русь элини ислом динига киргизиш тўғрисидаги хаёл пуч бўлиб чиқди. Русларга ёт араб тили билан чамбарчас боғлиқ бўлган ислом дини Русь давлатида чуқур томир отган христиан дини билан рақобатлаша олмасди; христиан дини Русь билан этник ва маданий жиҳатдан жуда яқин бўлган жанубий славян мамлакатларида кўп асрлик тарихга эга бўлиб, бу ерлардаги христиан динига оид ёзувлар ва адабиётлар ҳар бир рус кишиси тушунадиган тилда – славян тилида эди.

Владимир дадил ва ўша шароитга нисбатан бирдан-бир тўғри қарорга келади: ислом билан алоқани узиб (ислом динининг ҳукмронлиги Руснинг Шарқдаги мусулмон давлатлари қўлидаги қуролга айланиши ва бу ерда ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган ҳарбий-қулдорлик тоифасини сақлаб қолиш деган гап эди), христианлик томонига, биноабарин, феодализм томонига узил-кесил юз ўгирди.

Русь христианликни қабул қилганидан кейиноқ бошланиб, 988 – 997 йиллар мобайнида давом этган тўққиз йиллик уруш («бе бо рать велика бес перестани») бу воқеалар билан чамбарчас боғланган, деб ҳисоблаш учун ҳамма асослар бор. Бу урушда мутассил равишда фақат ҳужум қилиб келган пачанаклар Владимирни шошилини равишда нақ Киев остонасида мудофаа иншоотлари барпо этишга мажбур қилдилар. Ал Бақрийнинг кўрсатиб ўтишича, тахминан шу вақтда пачанаклар Хоразм миссионерлари таъсирида ислом динига кирадилар. Рус-пачанак уруши тўғрисидаги маълумотлар солнома саҳифаларидан тушиб қолган йил (997) ҳам қизиқ. Бу – хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад вафот этган йилдир.

Бу ҳол анча ишонч билан: пачанакларнинг ҳужуми заминида Хоразмнинг бевосита адоватчилик ҳаракати ётади, деб ҳисоблаш имконини беради; Хоразм Владимирнинг дин-дипломатия йўлида ясаган бурилишига жавобан ана шундай адоватчилик ҳаракатини бошлаб юбориш билан Русь давлатини Волга бўйларининг Хоразм манфаатдор бўлган ерларидан сиқиб чиқаришни мақсад қилиб олган эди.

Ўша давр шароитини ҳисобга олганимизда, Маъмуннинг вориси нима сабабдан урушни тўхтатганлигини тушуниб олиш оп-осон. Бир томондан, бир ҳоким ўрнига иккинчи ҳокимнинг келиши ички сиёсий масалаларни биринчи ўринга қўйишни тақозо қилди (ўша замонларда ҳукмдорлар алмашганда ҳар доим шундай қилинарди); бошқа томондан олганда, Маъ-

мун қўйган вазифа моҳият эътибори билан бажарилган эди: Русь билан Волга бўйларидаги бу мулклар ўрта-сида гўё мустақкам қалқон бўлиб турадилар.

1946 йилда ўтказилган археологик ишлар Хоразмнинг Волга бўйларида амалга оширган тадбирлари нақадар жиддий бўлиб, қанчалик узоққа чўзилганлигидан далолат берувчи қизиқарли материаллар берди.

Жанубий Шарқий Устюртда бизнинг авиаразведкамиз тош карвонсаройлар билан ажойиб қилиб жиҳозланган ва ичига тош терилган қудуқлари бўлган катта йўлни топди. Бу йўл Урганчдан Қуйи Эмба томон кетган бўлиб, 922 йили Ибн Фадлон босиб ўтган трассага тахминан тўғри келади.

Бу «хоразмшоҳлар йўли»нинг карвонсаройлари ичида эндиликда Беловли номи билан машҳур бўлган ажойиб иншоот алоҳида ажралиб турарди. Иншоат, ички девори йўнилган тош билан қопланган тўртта қудуқ ёнида жойлашган бўлиб, ҳар бир қудуқнинг оғзи тош плиткалардан ишланган, ўлчами 8x8 – 6x8 метрли тўғрибурчак шаклидаги тўсиқ билан иҳота қилинган эди. Тўсиқ ичида, ҳар бир қудуқнинг ёнида молларга сув берадиган катта охур бўлиб, у тошдан ўйиб ясалган эди. Карвонсарой биносининг ўзи – ҳафсала билан йўнилган туфаракушечник деган оҳакли сарғиш тошдан ясалган, режаси квадрат шаклидаги, бурчакларида безакли юмалоқ буржлари ҳамда ясси рельефли қилиб, эски «сосонийча» услубда ишланган баланд тош пештоқи бўлган, ёй ўқисимон аркининг ҳар икки томонидаги тимпанларда (*тимпан – пештоқнинг расм ёки ҳайкаллар билан безатилган уч бурчакли тоқчаси – У. Б.*) шерларнинг ўйиб солинган тасвири бўлган салобатли иншоот эди.

Бионинг ички лойиҳаланган режаси девор бўйлаб солинган икки қаватли ҳужралар ва бионинг орқа қисмидаги бир қанча йирик заллар ҳосил қилган тўғри тўртбурчакдан иборат эди. Пештоқ қаршисида бир

сахн бўлиб, унинг ичидаги кўмилиб кетган қудуқ ёки ҳовузнинг излари кўзга ташланиб турарди.

Харобалардан йиғиб олинган озроқ керамика материали унча яққол ажралиб турмасди. Булар илк ўрта асрларнинг сарғиш-қўнғир ва кул ранг тусдаги сирсиз идишлари фрагментлари бўлиб, кўпроқ X – XI асрлардаги Хоразм керамикасига ўхшаб кетарди. Сирли керамиканинг асари ҳам топилмади. Бу ҳол X – XI асрларда Хоразмнинг ҳамма жойида сирли идишлар оз фоизни ташкил этгани, XII асрга келиб эса бундай идишлар жуда кўпайиб кетгани тўғрисидаги юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Бир-бирига энг яқин меъморчилик материалларининг муқоясаси ҳам бизни кам деганда XI асрга элтади. Гарчи Ўрта Осиёда тошдан ишланган бундай қадимий иншоотлар бўлганлиги маълум бўлмаса-да, бироқ пишиқ гиштдан ишланган имораатлар ичида Бухоро яқинида XI асрда (тахминан 1078 йилда) қурилган машҳур Работи Малик карвонсаройининг режалаштирилган лойиҳаси, пештоғининг ишланиши, аркининг кўриниши жиҳатларидан Беловлига бошқа ҳамма иншоотлардан кўра яқинроқ бўлса керак.

Бироқ, қуйида шу нарсани ҳам кўрамизки, XI асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган тарихий шароит Хоразм ҳукмдорларининг қурилиш соҳасидаги бундай кенг кўламдаги фаолиятларини мустасно қилади, чунки бу даврга келиб Хоразм кетма-кет икки марта тор-мор бўлган Салжуқийлар давлатининг чеккадаги вилоятларидан бири бўлиб қолган эди. Фақат XII асрнинг иккинчи ярмига келгандагина ана шундай қурилишларни кенг авж олдириб юбориш учун қулай шароит вужудга келди, бироқ керамика материали ва бино шаклининг хусусиятларига қараганда у XII асрда қурилган бўлиши мумкин эмас эди. Буларнинг ҳаммаси – Беловли иморати ё X аср охирида, яъни Маъмун I ибн Муҳаммад ҳукмронлик қилган йилларда ёки XI аср бошида – Маъмун II ибн Маъмун замонида

қурилган деб анча-мунча ишонч билан айтиш имконини беради.

Беловли илк ўрта асрлардаги Хоразм меъморчилиги ва монументал декоратив скульптурасининг ажойиб ёдгорлиги, Ўрта Осиёнинг шу турдаги ёдгорликлари ичида энг қадимийси бўлишидан ташқари, у Хоразмшоҳларнинг Волгага олиб борадиган «катта шоҳона йўли»нинг иншооти бўлиб, кўлами жиҳатдан форсларнинг қадимий «шоҳона йўли» дан қолишмасди; бу ҳол X асрда ва XI аср бошларида Хоразмнинг Волга бўйларида манфаатдорлиги ҳазилакам бўлмаганлигидан ҳамда бу даврда кучли Хоразм-Хазор империяси вужудга келганлигидан далолат берадики, XI аср ўрталаридаги салжуқлар истилоси билан боғлиқ бўлган дахшатли ҳодисалар муносабати билан мазкур империянинг тарихи узилиб қолди.

3

Бизнинг фикримизча, X асрнинг 80-йилларида Волга бўйларида қўлга киритилган ғалабалар Хоразмнинг ўзида 995 йилда рўй берган сиёсий воқеалар учун замин ҳозирлаб берди. Бу воқеаларнинг Шарқий Европа билан боғлиқ томонини ҳисобга олмаганда, уларни «мусулмон олами»нинг бир чеккасидаги икки удел ҳоким ўртасидаги арзимаган ўзаро хунрезликнинг кўринишларидан бири деб ҳисоблаш мумкин эди. Қудратли Орол-Волга бўйи давлатининг пойтахтига айланган Урганч шу номга муносиб равишда, Ўрта Осиёдаги ишларга ҳам бош қўша бошлайди; бу ерда сомонийлар империяси ўлим талвасасининг сўнгги босқичини бошидан кечирмоқда эди. Феодализм инқирози жараёнининг авжига миниши, сўнгги сомонийларнинг фақат номигагина сақланиб қолган ҳокимияти билан мутлақо ҳисоблашмай қўйган вилоят ноибларининг ўзига хон, ўзига беклиги, яқиндагина қул бўлган турк Сабуктегин Ғазнавий давлати куч-қуд-

ратининг тез ўсиши, Сомонийларни мамлакат ичка-
рисидан бўладиган ҳар қандай мададдан маҳрум
этган чуқур ижтимоий инқироз – буларнинг ҳамма-
си Моваруннаҳрнинг Шарқий Туркистондаги қора-
хонийлар сулоласининг турк хони Бўғраҳон томони-
дан босиб олинишини осонлаштирди. 922 йили Со-
моний Нуҳ ибн Наср ўз пойтахти – Бухородан маҳ-
рум бўлиб, Амул (Чоржўй)га қочади ва шу ердан ту-
риб ғолиб чиққан истилочиларга қарши курашни
уюштирмоқчи бўлади.

Хоразмнинг иккала ҳокими унга ёрдамга келади.
Нуҳ уларнинг кўрсатган ёрдами учун Хуросондаги
иккита йирик мулкни тақдим қилади: Хоразмшоҳ
Абу Абдуллоҳ Муҳаммад, Обивард шаҳрини олади.
Урганч амири Маъмун ибн Муҳаммадга Неса шаҳри
тегади. Бир вақтлар В. В. Бартольд кўрсатиб ўтгани-
дек, Нуҳ Хуросоннинг итоатсиз ҳокими Абу Алига
қарама-қарши шундай иш қилган эди. Шуниси
қизиқки, Абу Али Несани ҳеч қандай қаршиликсиз
Маъмунга топширади, лекин Абу Абдуллоҳга юборган
вакилларни Обивардга киритишдан бош тортади.
Сиёсий ҳийла-найрангларни кўравериб кўзи пишиб
кетган Абу Али фақат номигагина сақланиб қолган
хукмдорликнинг иродасига очиқдан очиқ бўйсунмай
қўйиш билан Ўрта Осиёнинг шимолида вужудга кел-
ган янги сиёсий кучни эътироф этишини таъкидлаган
эдики, кейинчалик бу куч билан тузилган иттифоқ
унга жуда қўл келди.

Гардизийнинг ҳикоя қилишича, исёнкор Абу Али
995 йил баҳорида Нуҳнинг вассали ва лашкарбошиси
сифатида ҳаракат қилган Сабуктегиннинг лашкари-
дан енгилгач, дастлаб Рай ҳудудига қочади, сўнгра
Нишопурга қайтишга ҳаракат қилади. Аммо Сабук-
тегиннинг ўғли Маҳмуднинг қўлига тушади ва, ни-
ҳоят, унча катта бўлмаган қўшин билан Хоразмга,
Маъмуннинг паноҳига қочади. Лекин уни Хоразмшоҳ-
нинг аскарлари ушлаб оладилар ва Катга олиб кета-

дилар; бу воқеа икки Хоразм давлати ўртасидаги курашнинг узил-кесил барҳам топишига баҳона бўлди: ал Маъмуннинг қўшинлари Катни ишғол қилди, озод қилинган Абу Алини Маъмун Урганчда тантана билан кутиб олди, асир олинган сўнги африғий ҳам шу ерга келтирилади. Маъмун ўзининг азалий душманини қатл қилишга буюради. Шу тариқа у Хоразмнинг иккала қисмини ўз ҳокимияти остида бирлаштириб, қадимий Хоразмшоҳ унвонини олади.

Маъмун Ининг даҳшатли, қонли ҳарбий воқеалар, узоқ-узоқ мамлакатларга қилинган юришлар ва мураккаб сиёсий фитналар билан тўлиб тошган подшоҳлик даври тугагач бир оз вақт унинг тўнғич ўғли ҳукмронлик қилади, шундан кейин Хоразм тарихида ёрқин давр – Маъмун Ининг ўғилларидан бўлмиш Маъмун ибн Маъмуннинг даври бошланади.

Маъмун Ининг подшоҳлиги ал Беруний ҳаётидаги катта ўзгариш билан боғлиқдир.

Шоҳ қувғин қилинган ал Берунийни 1010 йилда ватанига чақиртиради, уни яқинига тортади ва сиёсат бобида ўзининг энг биринчи маслаҳатчиси қилиб олади. Шунинг билан бирга Беруний Маъмун саройи қошидаги «Академия» олимларининг ажойиб даврасига етакчи аъзо бўлиб олади. Хоразмшоҳ саройга тортган бухоролик доҳий табиатшунос, табиб ва файласуф Абу Али ибн Сино «академия»нинг кўрки бўлиб, кейинчалик у Европада табиатшуносликнинг ривожланишига жуда зўр таъсир кўрсатди.

«Маъмун академияси»га олим ва табиб Абул Ҳасан Хаммар, файласуф Абу Саҳл Масихий ва номи унча машҳур бўлмаган бошқа бир қанча олимлар ҳам кирарди.

«Маъмун академияси» ўқимишли Хоразмшоҳнинг шунчаки эсига келиб, рўёбга чиқарган бир нарса эмасди. Хоразм фани анча илгари вақтлардан бери Шарқ фани тарихида кўзга кўринарли ўринни эгаллаб келмоқда эди. Хоразмнинг ислом динидан аввалги,

қадимги ва африғийлар давридаги фани тўғрисида бизгача оз маълумот етиб келган. Бироқ, моддий маданият ёдгорликларини синчиклаб ўрганиш ўша вақтлардаёқ Хоразмда аниқ ва табиий фанлар юқори даражада тараққий этган экан, деган хулосага олиб келади: меъморчилик элементларининг аниқ қонуниятга асосланган мутаносиблиги, қурилиш ишларининг синчиклаб ҳисоб қилиниши, баҳайбат ирригация иншоотлари (жойни ғоят даражада аниқлик билан текисламасдан туриб бундай иншоотларни қуриш мумкин эмасди), Беруний тасвирлаган Хоразм тақвими ва мукамал астрономик терминология, Тупроққалъа нақшларидаги минерал бўёқларнинг бойлиги ва турли туманлиги ҳамда худди ўша ердан топилган қадимий шиша – геометрия, ригонеметрия, астрономия, топография, кимё ва минералогия ривожланмаганида эди, буларга эришиш мумкин бўлмасди. Араблар ва Хитой муаллифлари Хоразм савдогарларининг узоқ мамлакатларга сафар қилганликлари тўғрисида бир оғиздан гапирадилар; бу ерда географик маълумотлар ривожланиб ва тўпланиб бормаганда эди, бундай саёҳатларга отланиш мумкин бўлмасди, албатта. Хоразм сўнгги африғийлар даврида Араб халифалиги тизимига киритилиши билан хоразмлик олимлар «араб фани» деб аталган фанни яратган олимлар орасида олдинги, балки, энг биринчи ўринни эгалладилар; асрлар давомида Европада расмий фан тили лотин тили бўлиб келганидек, бу фаннинг ҳам вужудга келишида араб тили Шарқнинг ўзига хос лотини бўлиб хизмат қилди, аслида эса уни Эрон, Кавказорти, Кичик Осиё, Ўрта Осиё, сўнгра Испания олимлари яратдилар.

«Араб» математикасига ва математик географиясига асос солган хоразмлик олим Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмийнинг ҳаёти ва фаолияти VIII аср охири – 9 аср бошига тўғри келади. «Алгоритм» (ҳар қандай математик масаланинг умумий жавоби) деган математика термини шу олим номининг бузиб айтилишидан

келиб чиққан, унинг математикага оид рисолаларидан биридаги «Ал Жабр» сўзидан алгебра номи келиб чиққандир. Фақат математик эмас, балки астроном, географ ва тарихчи ҳам бўлган ал-Хоразмий Аббосийлар халифаси ал Маъмун саройи қошида катта лавозимни эгаллаган. Ал-Хоразмий ўз асарларида ҳинд алгебраси ва грек геометриясини синтез қилиб, ҳозирги замон математикасини бошлаб берганлигини ҳамма эътироф этади. Лекин у – биргина ал-Хоразмийнинг шахсий ижоди эдими, деган савол туғилади. Хоразмнинг юқоридаги сатрларда ёритилган қадимги ва африкийлар давридаги маданияти тарихи шу нарсани қайд қилиш имконини берадики, ал-Хоразмийнинг кучи фақат унинг даҳосидагина эмас эди; Тупроққалъа нақшларида грек ва ҳинд маданиятининг энг яхши анъаналари ўзлаштирилиши ва ижодий равишда қайта ишлангани намоён бўлганидек, ал-Хоразмийнинг кучи яна шунда эдики, у ирригация, саёҳатлар, қурилиш ва савдонинг амалий эҳтиёжлари заминидеда ўсган Хоразм математикасининг кўп асрлик анъанасига таяниб иш тутди. Ал-Хоразмий арабларни, сўнгра лотинча таржималар орқали бутун Европа олимларини Хоразмнинг ана шу етук математикаси билан таништирди.

Ал-Хоразмий халифанинг Хазорияга юборган элчилигида географ сифатида иштирок этган, деган маълумот бор. (VIII ва IX асрлар чегарасида яшаган хоразмлик учун буни табиий бир ҳол деб қарамоқ керак). Шарқий Европа географияси ва этнографиясининг негизини ал Хоразмий яратган деб тахмин қилиш учун ҳам тўла асос бор бўлиб, дунёнинг ана шу қисмига оид кейинги араб манбаларининг ҳаммасида шу негизга таянилган. В. В. Бартольднинг ишонч билан эътироф этишича, ал-Хоразмий ўзининг «ал Китоб Сурат ал Ари» («Оламнинг суратларида») асари билан араб география фанига асос солди.

Ал-Беруний ижодида Хоразм фани энг юксак чўққига чиқди. Унинг сиймосида ўрта асрлар Шарқи-

нинг улуғ қомусий олими, астрономи, географи, минерологи, этнографи, тарихчиси ва шоири мужассамлашган. Фаннинг турли соҳаларига оид жуда кўп йирик асарлар Беруний қаламига мансуб бўлиб, унинг ана шу соҳаларини жуда яхши билган ниҳоятда зўр тадқиқотчи бўлиш билан бирга, фанда янги-янги йўллар очувчи мустақил донишманд эканлиги бу асарлардан кўриниб туради. Берунийнинг оламнинг геоцентрик (*грек олим Птолемейнинг оламнинг ҳаракатсиз маркази ердир, Қуёш, сайёралар ва бошқа барча самовий жисмлар Ер атрофида айланади, деган назарияси – У. Б.*) ва гелиоцентрик (*поляк олими Коперникнинг (Берунийдан беш асрча кейин яшаган) сайёралар тизилмасининг маркази Қуёшдир, барча сайёралар Қуёш атрофида айланади деган назарияси – У. Б.*) назарияларини бир қаторга қўйиши ўша даврда «араб» олимлари ўртасида ҳукм сурган Птолемей тизимиغا нисбатан олға ташланган каттақон қадам бўлди. Унинг Шимолий Ҳиндистон пасттекислиги ландшафтининг тарихига ҳамда Амударё оқимининг ўзгариб туриши тарихига оид тарихий географик назариялари ўша замондаги илмий қарашларни анча орқада қолдиради ва ҳозирги замон илмий концепцияларига яқинлашиб кетади. Берунийнинг дунё халқларининг сана ҳисоблари тўғрисида ҳикоя қилувчи «Ал Осор ал Боқия» деган дастлабки асарларидан бири бизнинг замонимизга қадар етиб келган. Хоразмлик олимнинг фавқулодда кўп нарсани билишидан далолат берувчи бу асар турли халқларнинг маданияти, фалсафаси, астрономия ва дини тўғрисида маълумот берувчи чинакам хазинадир. Математик ва тасвирий географияга оид «Маъсуд қонуни» трактати ва муайян жойнинг ўрнини аниқлаш бўйича қўлланма (бу асарда геодезиядан ташқари, тарих географияга оид маълумотлар ҳам бор) ўз нашрини кутмоқда. Берунийнинг минералогияга оид асари нашрдан чиқарилди. Унинг Заҳау

томонидан нашр этилган «Ҳиндистон тарихи» деган ажойиб асари муаллифнинг тасвир этилаётган ўлка тилини ва урф-одатларини, санскрит тилидаги ғоят бой илмий адабиётни, Ҳиндистон географияси ва тарихини чуқур билишидан далолат бериши билан бирга, тарихий-этнографик монографиянинг ажойиб намунаси ҳамдирки, ўрта асрлар давомида бу борда ёзилган асарлар ичида унга тенг келадигани йўқ. Берунийнинг «Хоразм тарихи» асари бизгача етиб келмаган, у ё йўқотилган ёки қидириб топилган эмас; Байхокий асарида ҳамда Берунийнинг сана ҳисоби тўғрисидаги рисоласида ундан парчалар келтирилганки, шунга қараб муҳокама юритганимизда бу асар ғоят муҳим аҳамиятга молик бўлган.

Шунингдек, Берунийнинг Ўрта Осиёда VIII асрда рўй берган энг йирик халқ ҳаракатларидан бири – Муқанна қўзғолонига атаб ёзган махсус тарихий асари бизгача етиб келмаган.

Шарқий Европа географияси ва этнографиясини ишлаб чиқишда, славянларни, Шарқий Европанинг бошқа халқларини мусулмон Шарқи мамлакатларига таништириш ишида ал-Хоразмий сингари Берунийнинг ҳам алоҳида хизмати бўлса керак. Араблар ва-ряг-норманлар ва «Зулмат ўлкаси» халқлари – Арктиканинг Европа ва Осиё қисми аҳолиси тўғрисида дастлаб Берунийдан эшитганлар, деб тахмин қилиш учун тўла асос бор.

Русь христианликни қабул қилмасдан олдин бу ерда рўй берган воқеаларда Хоразм қандай роль ўйнаганлиги тўғрисидаги ғоят қимматли маълумотлар Берунийнинг «Хоразм тарихи» асарида ёритилганлиги тўғрисида юқорида айтган эдик, бу маълумотлар бизга Марвозий ва Авфий орқали етиб келган.

Беруний ўз ватанида узоқ яшамади. «Маъмун академия»си ҳам узоққа чўзилмади.

Даҳшатли сиёсий бўронларнинг янги даври яқинлашиб келмоқда эди.

Сомонийлар давлати ўрнига келган янги илк феодал истибдоднинг бошлиғи, турк гвардиячи қўллари орасидан чиққан Маҳмуд Фазнавий ҳозирги Афғонистон ва Эрон ҳудудиини бошдан-оёқ бўйсундириб, Хоразмга ҳам қўл чўза бошлайди. 1017 йили у Хоразмшоҳ саройи қошида йиғилган барча машҳур олимларни Фазнага юборишни Маъмун Идан талаб қилади. Лекин олимларнинг жоҳил ва мустабид ҳокимнинг саройига боргилари йўқ эди, Абу Саҳл Масихий ва Ибн Сино Хоразмдан қочадилар. Масихий чўлда ҳалок бўлади. Ибн Сино эса Гургон, Ҳамадон ва Исфаҳон шаҳарларида яшириниб яшашга мажбур бўлади.

Берунийнинг тақдири бизга қоронғу. Баъзи маълумотларда унинг Маҳмуд буйруғига бўйсунганлиги айтилса, бошқа маълумотларда бўйсунмай, Хоразмда қолганлиги тўғрисида гапирилади. Бироқ, Маҳмуд айғоқчиларининг фитналари натижасида Хоразмда кўтарилган кўзғолон шунга олиб келдики, худди ўша 1017 йили Маъмун ҳалок бўлиб, Хоразм Фазна истилосига бўйсунди. Беруний Маҳмуднинг пойтахтига асир сифатида келтирилади. Улуғ олим ҳаётининг сўнгги ўттиз йили Фазна ва Султон Маҳмуд саройи билан боғлиқ бўлди.

Маҳмуднинг Маъмун ўрнига Урганч тахтига ўтқизган кишиси Олтинтош ҳам собиқ турк гвардиячи қўли бўлиб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан бўлса-да, лекин жуда тезликда Фазнанинг қудратли, аммо содиқ вассали сифатида мустақил сиёсат юргизишга киришади. Унинг сиёсати ўзидан аввал ўтган ҳокимлар сиёсатининг давомидан иборат бўлиб, айниқса Маъмун Ининг сомонийларга нисбатан тутган сиёсатига кўп жиҳатдан ўхшаб кетарди.

Олтинтошнинг вориси Хорун даврида Хоразм ўзини Фазнадан мустақил дея эълон қилади. Лекин бу воқеа рўй берган 1034 йилдаёқ Хоразм ҳам, фазнавийлар давлатининг ўзи ҳам турк қабилаларининг босқинчилик юриши билан боғлиқ бўлган жуда зўр ҳалокатнинг

қурбони бўладилар; бу қабилаларга ўғуз зодагонларидан чиққан нуфузли хонадонлардан бири – салжуқийлар бошчилик қилди.

4

Юқорида биз ўғуз ябғулари давлати – Янгикент тўғрисида гапириб, унинг юксак тараққиёт даражасига кўтарилгани ва Орол-Каспий бўйларидаги даштларга ҳукмронлик қилиш учун курашда Хоразмнинг қудратли рақибига айланганига келиб тўхтаган эдик.

Бу давлат XI асрнинг биринчи ярмида Хоразм билан курашда енгилиб, кескин инқироз даврига қадам кўяди. Ўрта Осиёнинг воҳалари ва шаҳарлари билан савдо муносабатларини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган йирик чорвадор зодагонлар билан ўғуз шаҳарларида истиқомат қилиб, хўжаликнинг қадимий мажмуасини сақлаб қолган ўтроқ халқ оммаси – «ятуклар» ўртасидаги қарама-қаршилик бу воқеаларнинг асосий сабабчиси бўлди. Фақат заиф асарларигина бизгача етиб келган бу кураш ниҳоятда кескинлашиб кетади. Яйловларни кенгайтиришдан манфаатдор бўлган кўчманчи зодагонлар ва уларни қўллаб-қувватлаган қабилалар гуруҳлари ўзларича мулкларига – Бухоро ҳудудидаги қорахонийлар ҳузурига, Хоразмга, Хорун ҳомийлиги остига ва Хуросонга борадилар. Бу ҳол зодагонлар билан Янгикент ябғуси Али Ҳамон ва унинг отаси билан мамлакатга шерикчилик қилиб ҳукмронлик қилувчи ўғли, Жанд ҳокими Шоҳ Малик ўртасида низо чиқишига сабаб бўлди.

Дастлаб бу курашда Шоҳ Маликнинг қўли баланд келиб, салжуқийлар бошчилигидаги ўғуз кўзғолончилари Хоразмга қочишга мажбур бўлишади. Бироқ, шундан кейин воқеалар чаппасига айланиб кетади. Салжуқийлар Шоҳ Маликни тор-мор келтирадилар ва уни чекинишга мажбур қиладилар, натижада фаолик маркази Хуросонга кўчади ва бу ерда улар бир

қанча шаҳарларни босиб олади, 1040 йилда эса Дандонакон (Марв ва Сараҳ ўртасида) яқинида бўлган жангда Маъсуд Ғазнавий қўшинларини тор-мор келтириб, ғазнавийларнинг бутун мулкига ҳукмрон бўлиб оладилар ва Салжуқ империясига асос соладилар.

Маъсуд Салжуқийларга қарши курашда уларнинг эски душмани – Шоҳ Малик билан иттифоқ тузади ва унга Хоразмни топширади. 1041 йилда Шоҳ Малик Хоруннинг вориси – Исмоилни қувиб, ҳокимиятни ўз қўлига олади ва 1044 йилгача Муваққат Ўғуз – Хоразм давлатига бошчилик қилиб туради. Шу вақтда рўй бериб турган воқеалар жараёнида бу давлат шу қадар катта кучга айланадики, йиқилай-йиқилай деб турган Ғазна тахтига Маъсуддан кейин ўтирган Ғазнавийлар сулоласининг учинчи султони Маудуд 1042 йили Шоҳ Маликни ўзига ҳоким деб билади.

Бирок, ғолиб салжуқийлар бунга бефарқ қараб тура олмасдилар, албатта.

1044 йили салжуқийларнинг қўшинлари Хоразмни босиб олади ва Шоҳ Малик қочиб кетишга мажбур бўлади. Энди у ноилож Эронга ўтиб, умид боғлаб бўлмайдиган курашни шу ерда давом этдиришга уринади ва тез орада ҳалок бўлади. Хоразм давлатининг умри тугайди.

Шундан кейинги 50 йил – Хоразм тарихининг бизга қорнғу бўлган давридир. Мирхонд асарларидан шу нарсани биламизки, тахминан 1065 йилда Фағфур, Жазий ва ал Кафшот деган кишилар бошчилигида Хоразмда салжуқийларга қарши катта қўзғолон кўтарилади; Салжуқ султони Алп Арслон бу қўзғолонга қарши жазо экспедициясини юборади.

Қўзғолон раҳбарларидан бирининг номи эътиборни тортади: юқорида кўриб ўтдикки, Фағфур (Бағпур – «Худо (қуёш) ўғли» – унвонининг арабча транскрипцияси) – африғийлар даврида дунёвий подшо лашкар бошининг унвони бўлган. Бу ўринда эски сулолани

қайта тиклашга сўнгги марта уриниб кўрилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Бунинг устига, VIII асрда жамоаларнинг феодализмга қарши ҳаракатлари бошлиқлари ҳам багпур дея юритилганини ҳисобга олсак, 1065 йил воқеаларини илк ўрта асрдаги феодализмга қарши ҳаракатларнинг сўнгги бор алангаланиши дея баҳолаш мумкин.

Алп Арслон исённи бостириб, Хоразмда салжуқийлар ҳукмронлигини тиклайди. Бир неча ўн йиллар давомида Хоразм салжуқийлар давлатининг чеккадаги вилоятларидан бири бўлиб келади. XI асрнинг иккинчи ярми давомида жуда кўп ноиблар ва салжуқийлар шаҳзодалари бу ерда ҳукм суради. Бироқ, истилочилар вужудга келтирган, Қашқардан Кичик Осиёгача чўзилиб кетган улкан империя ҳар қанча қудратли ва дабдабали бўлмасин, бу империянинг туб моҳияти унинг узоқ яшашига имкон бермасди. Феодализм иқтисодининг юқорида биз тилга олган мустақкамланиш жараёнлари салжуқийлар даврида тугалланди. Салжуқийлардан аввалги даврларда ҳарбий-лен тизилмаси нисбатан секин ривожланиб, жамиятнинг юқори табақаларинигина қамраб олган ва феодализмдан илгариги сарқитлар ижтимоий муносабатларни ниҳоятда кескинлаштириб юборган бўлса, салжуқийлар даврига келиб ер-сувни лен тизилмасига бериш (иқтаъ)га асосланган феодал ер эгаллиги бутун жамият қурилишига кириб кетади. Лен эгаси бўлган иқтаъдор ёки муқтаи, ҳукмрон синфнинг асосий фигурасига айланади; иқтаъга берилган ер билан машғул бўлувчи ва шу ерни банд қилгани учун ҳеч қандай ҳақ олмасдан иқтаъдорга ишлаб беришга мажбур бўлган деҳқон асосий ишлаб чиқарувчи кучга айланади. Армия, давлат, марказий ва маҳаллий маъмурият – ҳамма нарса иқтаъ тизимига асосланадики, бу ҳол давлатда марказий ҳокимиятдан ажралиб чиқиб кетишга интилиш тенденцияларининг ниҳоятда авжига миниши учун шарт-шароит ҳозирламаслиги мумкин эмас эди. Сон-

саноксиз салжуқий шахзодалари ва лашкар бошлиқлари империянинг турли қисмларида, аслини олганда, мустақил ҳукмдорлар бўлиб оладилар; XII аср бошидаёқ олий салжуқий ҳукмдорларининг ҳокимияти жуда шартли бир нарса бўлиб қолади.

Салжуқийлар империяси вужудга келиб, тобора кучайиб бораётган вассал давлатлар ичида Хоразм олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Салжуқийлар туфайли ҳокимият тепасига ўтирган ва уларнинг вассаллари ҳисобланган Хоразм ҳукмдорлари қадимий хоразмшоҳлар унвонини қайтадан қабул қиладилар ва давлат ҳокимиятини мерос сифатида ўз қўлларига оладилар ҳамда уни мустаҳкамлайдилар.

11 БОБ. ХОРАЗМНИНГ УЛУҒВОРЛИГИ ВА ТУШКУНЛИККА ТУШИШИ

XII аср – салжуқийлар истилоси билан боғлиқ бўлган воқеаларнинг оғир оқибатларидан тезликда ўзини ўнглаб олган Хоразмнинг аста-секин, лекин сабот-матонат билан сиёсий жиҳатдан юксалиш даври бўлди. Олтинтош сингари гвардиячи қуллар сафидан чиққан ва Эрон ҳамда Ўрта Осиёнинг қудратли турк ҳокимлари томонидан тайинланган Қутбиддин Муҳаммад I ибн Ануштегин (1117 – 1127), худди Олтинтошга ўхшаб маъмунийларнинг анъанавий сиёсатининг уддабурон ва матонатли давомчиси бўлди. Ушбу ҳукмдорнинг дастлабки қадамларидан аён бўлиб қолган сиёсати унинг ўғли, набираси, эвараси ва чевараси сиёсатида тўла-тўқис амалга ошди. У Орол бўйидаги туркий қабилаларнинг биргалашиб қилган ҳужумларини, парчаланиб кетган Янгикент ябғуларини давлатининг қолган-қутган қисмларининг хуружларини сабот-матонат ва муваффақият билан даф этиб турди. Хоразмдан Каспийга олиб борадиган эски йўллар бўйлаб Манғишлоқ устига бир қанча юришлар уюштиради.

Унинг ўғли Отсиз (1127 – 1156)нинг муваффақият билан ҳукмронлик қилган йиллари шиддатли воқеаларга тўла бўлди. У даҳшатли ташқи кучлар – ўзининг ҳокими, сўнгги «Улуғ салжуқий» султон Санжар ва Ўрта Осиёга Шарқдан кириб келган истилочилар – қорахитойларга устомонлик билан чап берди. У Санжарни гоҳ ўзига ҳоким деб билди, гоҳо унга қарши очикдан-очик қўзғолон кўтариб чиқди, бундай пайтларда Отсиз кўпинча Санжарнинг душманлари – қорахитойлар билан, расман бўлмаган тақдирда, амалда иттифоқ тузиб оларди; бир томондан, у қорахитойларга хирож тўлаб турган бўлса, иккинчи томондан, салжуқийларнинг Хоразм устидан ҳукмронлигини расмий суратда тан оларди.

Шу билан бирга, у иқтисодий жиҳатдан азалдан Хоразмга тортилиб келган «ерларни қўшиш» сиёсатини амалга оширади: Манғишлоқни Хоразм ҳокимиятига бўйсундиради: манбаларда қайд қилинадиган бир талай шаҳарлар ҳам, эҳтимол, шу даврда барпо қилинган бўлса керак. У Жанд музофотини бўйсундиради. Отсиз подшолигининг охирига келиб, Хоразм ҳокимияти Каспийдан то Қуйи ва Ўрта Сирдарёгача (Ўрта Осиёнинг бутун шимолий ғарбий қисми) чўзилган каттакон ҳудудга эга бўлади.

Отсизнинг набираси Аловуддин Текеш ибн Ил Арслон (1172 – 1200) ҳам ана шундай йирик арбоблардан бири ҳисобланади. Отсиз Хоразмнинг чин мустақиллигига ва улуғ давлатчилик сиёсатига асос солган бўлса, Текеш ўрта аср Хоразм империясининг ҳақиқий асосчисидир. Хоразмшоҳ кўшинлари 1194 йилдаги ҳал қилувчи жангда сўнгги Эрон салжуқийси Тўғрул армиясини тор-мор келтириб, Эрон устидан Хоразм ҳукмронлигини ўрнатади; 1195 йили Бағдод халифаси Носир хоразмликлар билан бўлган жангда мағлубиятга учрайди ва Текешнинг Шарқий Ироқ (форслар Ироқи) устидан ҳукмронлигини тан олади. Шарққа, қорахитойларга қарши муваффақиятли юришлар Те-

кешга Бухоро йўлини очиб беради. Хоразмшоҳ Аловуддиннинг Қуйи Волга бўйидаги Саксин (Хазориянинг қадимги Итиль шаҳри ўрнида бўлса керак) шаҳри учун олиб борган 40 йиллик кураши тўғрисида Гарнатий берган қоронғи хабар Текеш ҳукмронлик қилган даврга оид бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Текешнинг ўғли ва валиаҳди Аловуддин Муҳаммад II отасининг ишини тугаллайди (1200 – 1220). У қорахитойларга қарши сабр-матонат билан муваффақиятли кураш олиб бориб, Самарқанд ва Ўтторни (Сирдарёнинг ўрта оқими бўйида) уларнинг қўлидан тортиб олади, ўз ҳокимиятини узоқ Ғазна (Афғонистоннинг жанубида) музофотига етказди. Фарбий Эрон ва Озарбайжонни бўйсундиради, Дашти қипчоқнинг (ҳозирги Қозоғистон) ич-ичларига мардона юриш қилади.

Қорахитойлар билан уруш Қорахитой империясининг таслим бўлиши билан тугади. Муҳаммад ўзига «иккинчи Искандар» деган унвонни беради, тонг отиши билан унга тобе бўлган 27 мамлакатнинг ҳокимлари ёки бу ҳокимларнинг гаров тариқасида юборилган ўғиллари Муҳаммаднинг саройи қошида тилла ноғора чалганлар.

Муҳаммад аббосийлар халифалиги ҳукмронлигининг қолдиқларини тугатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди: фақат номигагина мусулмонлар оламининг ҳокими бўлиб келаётган бу халифалик ҳарбий-сиёсий жиҳатдан заиф эди, аммо унинг анъанавий мафкуравий таъсири ҳали анча кучли эди. У «пайғамбарнинг куёви» бўлмиш тўртинчи халифа Алининг авлодларидан бирини сиёсат майдонига чиқариб, уни халифа Носирга қарама-қарши қўяди; шу тариқа у аббосийларнинг азалий душманлари бўлган шиа мазҳабидаги мусулмонлар билан бирлашиб кетади. Муҳаммад армияси Бағдодга юриш қилишга киришади, бироқ қишнинг эрта келиши натижасида доvonлар беркилиб қолганлиги ҳамда Хоразм империясининг шарқий

чегараларида мўғул қўшинлари пайдо бўлганлиги тўғрисида хабарлар тарқалгани сабабли юришни амалга ошириш имкони бўлмади.

Отсиз-Текеш-Муҳаммад давридаги Хоразм империясининг, бу империя мўғул галалари зарбаси остида қулагунга қадар бўлган ташқи сиёсий тарихи, асосан, ана шулардан иборат.

Бу ташқи воқеалар заминида ўрта аср Хоразми иқтисодий қудратининг юксалиши жараёнлари яшириниб ётадики, археологик ёдгорликлар бу жараёнларни ёрқин нур бўлиб ёритиб туради.

Ёдгорликларни текширар эканмиз, биз бу улкан феодал монархия «жасад»ининг суякларини гўё пайпаслаб ушлагандек бўламиз. Юз минглаб гектар унумдор ерларга қайтадан жон киргизган жуда катта ирригация ишлари, чўл четидаги қалъаларнинг қурилишлари, Хуросон, Моваруннаҳр, Дашти Қипчоқ ичига олиб борадиган йўлларнинг мустаҳкамланиши, шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик, савдонинг янгидан гуркираб ўсиши, «Хоразм ренесанси» (уйғониш даври) санъатининг (бу санъат Ўрта Осиё, Эрон ва Волга бўйининг кейинги бадийий маданияти тарихига кучли таъсир кўрсатди) шукуҳли ва бой бўлиб ўсиши кўз ўнгимиздан бирма-бир ўтади.

2

Мўғуллар истилоси арафасида Хоразмни машҳур араб сайёҳи ва географи Ёқут келиб кўради. Ўрта асрларга оид бутун дунё географик адабиёти ёдгорликлари ичида Ёқут ёзган кўп томли географик қомусига тенг келадиган асар йўқ.

«Хоразм ерларидай кенг ва аҳоли кўп яшайдиган жой дунёнинг ҳеч бир ерида бўлмаса керак деб ўйлайман; бунинг устига аҳолиси машаққатли ҳаётга ва оз нарсага қаноат қилишга ўрганиб қолган. Хоразмнинг аҳоли ўрнашган аксари жойлари, бозорлари, ғамлаб

қўйилган нарсалари ва дўконлари бўлган шаҳарлардир. Аҳоли ўрнашган жойлар ичида бозори йўқлари камдан-кам топилади. Шу билан бирга бу ерларда умумий хавфсизлик ва тинчлик-хотиржамлик ҳукмрондир».

«Бойликларининг мўллиги ва пойтахтининг катталиги, аҳолисининг кўплиги, яхшиликка яқинлиги ҳамда дин ва мазҳаб буюрган нарсаларни бажариши жиҳатдан дунёда Хоразмнинг бош шаҳрига ўхшаш шаҳар бўлмаса керак», дейди у бошқа бир жойда.

Мусулмон оламининг анчагина қисмини айланиб чиққан Ёқутнинг шоҳидлигини етарли даражада ишончли дея ҳисобласа бўлади.

«Улуғ хоразмшоҳлар» даврининг ирригация иншоотлари Жанубий Фарбий Хоразмнинг «қадимий суғорма ерлари» ҳудудида – сувсиз улкан Чарманёб канали ҳавзасида яққол кўзга ташланиб туради. Ҳозирги Ғазавот каналининг давоми бўлган бу канал илк ўрта асрларда, африғийлар ва маъмунийлар даврида фақат Замахшар (ҳозирги вақтда Змухшир дея аталадиган қадимий шаҳар харобаси) шаҳрига қадар етиб борган.

XII асрда бу канал чўл ичкарасига қараб 70 километргача қайта тикланади, яъни Шоҳсанам харобаларигача етказилади, харобаларнинг атрофини ўша замонга оид кўп ёдгорликлари бўлган кенг қишлоқ хўжалик музофоти ишғол қилиб ётарди.

Говхўра ҳавзасидаги суғориладиган ерларда ҳаёт барқ уриб яшнайти. Қаватқалъа харобаларининг теваарак-атрофлари бу даврнинг жуда яхши сақланиб қолган ёдгорлигидир. Булар – Желдикқалъа харобаларидан тортиб Қаватқалъагача ва ундан Қаватқалъа билан Тупроққалъа ўртасидаги масофанинг учдан бир улуши қадар шимол томонга чўзилган бутун бир ўлик воҳа, бутун бошлиқ «рустак»нинг салобатли вайроналари эди.

Булар – Говхўранинг қуриб қолган ўзани бўйлаб 15 километрга чўзилиб кетган, эни 2–3 метрли тақирлар

бўлиб, жуда яхши сақланиб қолган ўрта аср далалари ўртасида ёйилиб ётган қалъалар, қасрлар ва истеҳком-сиз деҳқон қўрғонларининг сон-саноксиз харобалари билан қопланган эди; далаларнинг четлари тақсимлаш ва суғориш тармоқларининг каналлари билан «ҳошияланган» эди.

Қаватқалъага бевосита туташиб кетувчи 8 квадрат километрли тақирда тўқсондан ортиқ деҳқон қўрғони бўлганлигини аниқладик. Агар биз Қаватқалъа рустагини афригийлар давридаги Бургутқалъа рустаги билан (бу ерда 35 километр майдонда 100 тача қўрғон жойлашган эди) аҳолининг ўрнашганлик даражасига қараб солиштирсак, аҳоли зичлиги тахминан тўрт марта ошганлигига осонликча ишонч ҳосил қиламиз.

Қаватқалъа мажмуасининг таҳлили XII – XIII асрларда Хоразм жамиятининг тузилиши қандай бўлганлиги тўғрисида бизга мукамал тасаввур беради. Қаватқалъа рустагининг тортилиш маркази кичикроқ қалъа-шаҳар бўлиб, унинг ичидан девори сиртидаги сувоққа ўйиб хилма-хил нақш туширилган сарой биноси топилди. Қалъани гир айланиб чиқадиган канал ёқасининг у ер-бу ерида бу давр учун аҳамиятли тоифадаги тўртта қўрғон ястаниб ётарди; булар – тўғри тўртбурчак шаклидаги равоғи ташқарига туртиб чиққан, арки ёй ўқиға ўхшаш, бурчакларида қиррали декоратив кичик буржлари бўлган квадрат шаклидаги истеҳкомлар эди. Қўрғонларнинг донжони йўқ, тўртбурчак шаклидаги турар жойлар девор ёқалаб жойлашган, ичкаридаги ҳовлининг саҳни кенг. Қўрғоннинг деворлари юпқа бўлиб, мудофаа жиҳатдан айтарли аҳамиятга молик эмас. Баъзи қўрғонларнинг бундай деворлари сиртидаги лой сувоққа тўлдириб туширилган нозик ўйма нақшлар зўр таъсир қолдирадиган безакли панель ҳосил қиларди.

Қўрғонларнинг теварак-атрофида майда ер эгалари ва деҳқонларнинг унча баланд бўлмаган пахса деворлар билан ўраб олинган кўплаб чорбоғлари ёйилиб

ётарди. Чорбоғлар бир-бирига зич туташиб кетган бўлиб, йўл ва ариқлар ўтганлиги туфайли баъзи жойлари қийшиқ чиқиб қолган эди. Чорбоғ деворларидан бири яқинида ўзига хос лойиҳалаштирилган кўп хонали уй жойлашган бўлиб, бу лойиҳалаштирилиш бир оз ўзгарган ҳолда Хоразм қишлоқ меъморчилигида бугунги кунга қадар сақланиб қолмоқда. Лойиҳалаштирилган режанинг асоси иккита бош бино ёки бинолар гуруҳидан иборат бўлиб, уларни бостирмали кенг йўл (ҳозирги ўзбекларнинг уй-жойларидаги даҳлиз дея аталадиган жой) иккига ажратиб турган; йўл кираверишдаги тахмон орқали ўтган бўлиб, бош бинолар ёғочининг бир учи тахмоннинг икки ёнидан чиқиб турарди. Деворлар пахсадан тикланган эди.

Ҳар бир қўрғоннинг ё уйга туташган, ёки алоҳида жойлашган ўзига хос иншооти – узун, тор ва баланд биноси бўлган; бинонинг томида, бино икки қават бўлган вақтда биринчи қаватнинг томини ёпиш учун ишлатилган нарсаларнинг қолдиқлари ётарди; ич томони жуда кўп аркли токчалар билан тўлган деворларга қараганда, олдимизда чиндан ҳам каптархона (маҳаллий аҳоли бу иморатларни шундай деб атайти) тургандек эди. Бироқ қазув ишлари шуни кўрсатадики, буларнинг каптархонага сира алоқаси йўқ бўлиб, аҳоли яшган ва кишилик учун безатиб қўйилган (ҳозирги ўзбекларнинг меҳмонхонасига тўғри келса керак) бинолардан иборат экан. Токчалар фақат уйни безашга хизмат қилган. Урганч қозисининг уйидаги бундай «меҳмонхона»ни тасвирлаган Ибн Баттутанинг ёзишича, мато тортиб қўйилган бундай токчаларни ясатиш мақсадида, шиша ва металл идишлар териб қўйилган.

Аксари каптархоналарнинг режаси тўғри тўртбурчакли бўлиб, бошқа хиллари ҳам, чунончи: тўғри ёки ўтмас бурчак шаклидаги бурчак каптархона (агар каптархона қўрғоннинг бурчагида жойлашган бўлса) ва кичик буржли каптархона (агар каптархона қўрғоннинг олд қисми охирида жойлашган бўлиб, кичик

қалъа деворига ўхшаб кетса) ҳам учрайди. Бошқа ҳудудларда бошқача режадаги каптархоналар, масалан, Чарманёбдаги Қизилчақалъанинг теваарак атрофида кўпқиррали ва бут шаклидаги каптархоналар бор эканлигини қайд қилдик.

Афтидан, каптархонани африғийлар давридаги аҳоли яшайдиган буржсимон донжоннинг узоқ сақланиб қолган декоратив қолдиғи деб ҳисобламоқ керак. Қўргонларнинг биноларидан юқорида турувчи икки қаватли баланд иморатлар узоқ замонлар оша Хоразмшоҳлар даврининг қишлоқ меъморчилиги манзарасини илк ўрта асрлардаги шиддатли даврлар манзарасига ўхшатиб турарди.

Каптархона деворлари ташқи томондан кўпинча сувоқ устига ўйиб туширилган нақшлар ёки қатор горельеф ярим устунлар билан тўлдирилган бўлиб, бу африғийлар меъморчилигининг ярим устуни тур жиҳатидан ўзгариб, унга безаклар ҳам қўшилганлигидан далолат беради.

Қаршимизда тамомила етук феодал турар жойи манзараси: рустак ҳокимининг қароргоҳ-шаҳарчаси, йирик феодалларнинг қўргонлари ҳамда майда ердорлар ва деҳқонларнинг истеҳкомсиз чорбоғлари жамиятда рўй берган феодал иерархик табақаланишнинг ишонарли манзарасини чизиб беради. Африғийлар даврида деҳқон катта қўргоннинг жуда бўлмаганда расман тенг ҳуқуқли эгаси бўла туриб, кичик, бироқ зодагонларникига ўхшаш истеҳкомли қўргонда яшаган бўлса, кейинги даврларда феодал кўргони билан деҳқон кўргонининг режалаштирилган лойиҳаси бири-биридан ер билан осмонча фарқ қилади. Бироқ шуниси аҳамиятлики, феодал кўргонининг ўзи ҳам декоратив «қалъа»гина эди, холос. Бу ўринда биз хусусий истеҳкомларнинг декоратив жиҳатдан ниҳоятда ўзгариб кетишининг шоҳиди бўламиз; ана шу ўзгариш сиёсий марказлашув кучайганлигининг шак-шубҳасиз далили бўлиб, марказлашув эса ўз навбатида, зо-

дагонларга қарашли қўргонларнинг баҳайбат истеҳкомларини кераксиз бир нарса қилиб қўйди.

Давлат истеҳкомлари тамомила бошқача манзара касб этди. Куртаклари йирик африғий қўргонлари истеҳкомларидаёқ намоён бўлиб қолган ҳолатлар Гuldурсун, худди ўша биз билган Қаватқалъа ва Замахшар тоифасидаги катта қалъаларда ниҳоятда юксалиб кетганлигини кўрамыз. Девор олди ғовлари, девор остонасини ён томондан ҳимоя қилишга мўлжалланган ва ташқарига чиқарилган икки қаторли буржлар, аксарининг режаси ярим доира шаклида бўлган қудратли дарвоза олди иншоотлари (бу иншоотлар орқали ўтган йўл шундай жойлашган эдики, ҳужум қилиб келаётган душман ўзининг қалқон билан муҳофаза қилинмаган ўнг биқинини девор томонга ўгириб ўтишга мажбур бўларди) – буларнинг ҳаммаси зўр бериб янги мудофаа воситалари ахтарилганидан далолат беради, Хоразмшоҳлар давлати яратган қалъаларнинг баҳайбатлиги эса бу давлат куч-қувватининг шак-шубҳасиз далилидир.

Бу даврнинг қўплаб шаҳарлари ўрта асрлардаги Ўрта Осиё шаҳарларининг то XIX – XX асрларга қадар давом этиб келган ва такомилга етган хусусиятларига эга бўлиб қолади; асос қилиб олинган лойиҳа бут шаклида бўлиб, бош кўчалар кесишган ерда халқни бир марказга тўпловчи бино (Довдонқалъада), чунончи, масжиди жоме жойлашган. Аслида шаҳарни тўғри бурчак шаклига эга қилиш ният қилинган, бироқ қадимги замон шаҳарларига қарама-қарши ўлароқ, ният ниятлигича қолган; лойиҳа жой шароитига мослашган, шаҳарнинг аввалдан белгилаб қўйилган режа асосида эмас, балки стихияли равишда ўсганлиги яққол кўриниб турибди; бу ҳол тўғри бурчакли режадан анча четга чиқилишига олиб келган.

XII – XIII асрларга оид ёдгорликлар ичида керамика ва уй-рўзғорга оид бошқа материаллар амалий санъат гуркираб ўсганлигидан далолат беради.

Ёппасига топилган бир хил рангли ва безакли сирли феруза идишлар ҳамда сирти рельефли нақш билан серҳашам қилиб безатилган қулранг ва қора сирсиз идиш-оёқлар билан бир қаторда «Рей» ва «Кошон» тоифасидаги кўп рангли қандил керамикасида ҳам токчалари, ярим устунлари, лой сувоғига ўйма нақш туширилган панеллари бўлган серҳашам декоратизмли меъморчилик ёдгорликларига хос бўлган стилистик анъаналар ўз аксини топган.

Африғийлар даври жанговар деҳқонларининг одми ва ранги кам маданияти жуда орқада қолиб кетиб, унинг ўрнига мамлакат мудофааси вазифаларини ўзига қаратиб олган давлат барпо қилган қалъаларнинг қудратли деворлари ҳимояси остидаги шаҳарларда ва истехкомсиз қишлоқларда гуркираб ўсган «улуғ хоразмшоҳлар» даври нафис маданияти келди.

Бироқ XII – XIII асрлардаёқ ўрта аср Хоразм маданиятининг ажойиб манзараси даврнинг салбий томонларини бизнинг назаримиздан яшира олмайдики, буни ҳисобга олмасдан туриб, 1218 – 1230 йилларда рўй берган фожiali воқеаларни англай олмаймиз.

XII – XIII асрларда Хоразм юксалиб келаётган феодаал монархияси бўлиб, Фарб ва Шарқнинг феодаал монархияларига хос бўлган барча кучли ва заиф томонлар Хоразм монархиясига ҳам хосдир. Феодааларнинг турли табақалари – аввало, поместьенинг мансабдор элементларига таянувчи шаҳарнинг олий ҳокимият намояндалари билан йирик феодааллар, мулкдор ҳокимлар ўртасидаги шиддатли курашсиз, ўз моҳиятига кўра чуқур тараққийпарвар аҳамиятга эга бўлган сиёсий марказлашув йўлини тасаввур қилиб бўлмайди; гарчи йирик феодааллар ва мулкдор ҳокимлар соф олтиндан ясалган дўмбираларни чалган бўлсалар-да, улар Урганч саройида отиб келаётган тантанали «Искандар тонги»да дўмбирачилик қилишдан унча ҳам мамнун эмасдилар.

Ғарб монархияларига таққослаганимизда, кўчманчи қабилалар ва уларнинг феодал-уруғдош зодагонларининг роли Хоразмдаги вазиятни яна ҳам мураккаблаштириб юборди.

Хоразмнинг ўзида ва Хазорияда X асрда шон-шухрат таратган Хоразм офир отлиқ кўшини Хоразмшоҳлар ҳокимиятининг таянчи бўлмай қолганига анча вақт бўлган эди. Сомонийлар ва Салжуқийлар империясидан ўрнак олиб, XI асрда Хоразм кўшинида маълум вақтгача «ғуломлар» гвардияси (гвардиячи қуллар) каттагина роль ўйнаган бўлса, XII – XIII асрларга келиб ёлланма ва иттифоқчи турк континентлари Хоразмшоҳларнинг асосий ҳарбий кучини ташкил этади: булар – ҳокимларни ўзларининг ичларидан чиққан қангли ва туркманлар бўлиб, уларнинг ҳукмрон сулола билан қариндошлик алоқалари ҳам бор эди.

XII аср давомида Хоразмшоҳлар бу қабилаларнинг зодагонларидан мунтазам равишда хотин олиб келдилар. Бундай тартибдаги никоҳ Хоразм империясида ўзига хос қоида тусини олади. Шуниси муҳимки, Хоразм ҳукмдори қадимги Хоразмнинг «хоразмшоҳ» ва арабларнинг «султон» унвонига эга бўлгани ҳолда, Хоразмшоҳнинг биринчи хотини қадимий туркча «хотун» унвонини олади. Шу тариқа, Хоразмнинг хоқон хотини Хоразм давлати таркибига кирувчи турк қабилалари устидан империя ҳукмдорлигининг гўё бир намояндаси бўлди.

Хоразмшоҳнинг ўлиmidан кейин унинг ўғиллари орасидан тахтга номзод кўрсатиб бериш билан Хотун сиёсат бобида ҳам эркаклик ролини ўйнай бошлади.

Текешнинг тул қолган хотини ва Муҳаммаднинг онаси – бева хотин хоқон Туркан хотун Хоразмни офир фожиаларга олиб келган йирик арбоб бўлди. У Муҳаммад саройи қошидаги ҳарбий ва зодагонлардан иборат «эски Хоразм» гуруҳининг нуфузли бошлиғи эди. Туркан хотун Хоразмшоҳ саройи билан рақобатлаша оладиган ўз саройига эга бўлиб, олий мансабдаги амал-

дорларни буйруқ бериб тайинлар, лозим топса, Хоразмшоҳнинг буйруқларини тўхтатиб қўярди. Бир талай ҳарбий зодагонлар – турк қабилаларининг бошлиқлари, Хоразмшоҳнинг лашкарбошилари унинг атрофида тўпланди.

Империянинг ҳукмрон юқори табақалари ўртасидаги қарама-қаршилик Муҳаммад подшолик қилган даврда айниқса кучайди. Хоразм империясини барпо қилишга интилиш оқибат-натижада шу билан туғадик, империянинг дастлабки ўзаги бўлган Хоразм иккинчи даражага сурилиб туширилди. У улкан давлатнинг шимол томондаги узоқ чеккасида, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган кенг чўлларнинг нариги томонида қолиб кетди. Эрон ва Мовароуннаҳрнинг бой марказлари, аввало, Қорахонийларнинг эски пойтахти – Самарқанд иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва ниҳоят, ижтимоий жиҳатдан асосий манфаатлари Ўрта ва Яқин Шарқда бўлган улкан давлатнинг анча қулай маркази бўлдилар, мусулмон ҳарбий-амалдор элементлари ва савдо шаҳарлари эса подшо ҳокимиятининг асосий ижтимоий таянчига айланди. Муҳаммаднинг пойтахтни Самарқандга кўчиришга уринишининг боиси ҳам шунда бўлиб, унинг бу хатти-ҳаракати Туркон хотун гуруҳининг қаттиқ қаршилигига учради.

Ниҳоят, Хоразмнинг иқтисодий жиҳатдан тез юксалиши, муваффақиятли урушлар, савдо-сотиқнинг гуркираб авж олиши туфайли, бу ерда «улуғ хоразмшоҳлар» даври – халқ оммаси фаровонлигининг нисбатан ошиши, бинобарин, синфий зиддиятларининг вақтинча сусайиши даври бўлган бўлса, империянинг чекка жойларида бу даврда рўй берган воқеалар халқ оммаси аҳволининг оғирлашишига олиб келмаслиги мумкин эмасди, чунки аҳолининг музаффар Хоразм армиялари томонидан тўғридан-тўғри таланиши тўғрисида гапирмаганимизда ҳам, узоқ давом этган урушлар ҳамда янгидан қўшиб олинган ерларда Хо-

размшоҳларнинг ўз яқинларига ва иттифоқчиларига лёнларни сахийлик билан инъом этишлари шунга олиб келди. Худди ана шу воқеалар яна шунга олиб келдики, маҳаллий зодагонлар ташқи талафотнинг ўрнини қоплаш учун деҳқон ва ҳунармандларни эксплуатация қилишни зўрайтириб юбордилар, натижада ижтимоий табақалар орасида кураш кучайиб кетди.

Бухорода XIII аср бошида рўй берган ҳодисалар бу курашнинг ёрқин кўринишларидан биридир. Хоразм империясига қўшиб олиниш арафасида Бухоро Қорахитойларга вассал бўлган ўзига хос феодалтеократик (*сиёсий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўлган идора усули* – У. Б.) давлат бўлиб, унга руҳоний феодаллар – «садрлар»нинг шаҳар зодагонларига суяниб иш тутувчи сулоласи бошчилик қилар, бошчилик ҳуқуқи эса наслдан-наслга ўтар эди. Шаҳар ҳунармандлари қалқон ясайдиган уста Санжар бошчилигида садрларга қарши кўзғолон кўтардилар. Санжар ҳокимиятни қўлга олишга муваффақ бўлди. Муаррих Жувайнийнинг сўзларига кўра, Санжар шаҳар зодагонларига ниҳоятда илтифотсизлик билан қарадики, бу ҳол у юргизган демократик сиёсатнинг яққол далилидир.

Хоразмшоҳ Муҳаммад 1207 йилда зодагонлар гуруҳига ёрдамга келади ва Бухорони қўлга киритади. Жувайнийнинг сўзларига қараганда, «Қалқонфурушнинг ўғли қилмишига яраша «мукофот» олди».

Ёқут Хоразмшоҳлар империясининг қарама-қарши томонида: Исфаконда – Фарбий Эрон ва Рейда – Шимолий Эронда диний қобиқ остида кескин ижтимоий кураш бошланиб кетганлигидан гувоҳлик беради: «Шафийлар ва ханафийлар ўртасида тез-тез чиқиб турган низолар ва мазҳаб учун бўлган кураш, ҳар иккала гуруҳ ўртасидаги узлуксиз урушлар натижасида бу даврда вайронагарчилик унғача (Исфаконнинг) ва унинг теваарак-атрофларигача алақачон тарқалган эди, бир гуруҳ иккинчиси устидан ғалаба қозонганда

ҳар гал ғолиб мағлубнинг уй-жойларини талар, ўт қўяр ва вайрон қилар эди».

«Ва сен кўриб турган бу харобалар, – дея ҳикоя қилишган Рай шаҳрида Ёқутга, – шиалар ва ханафийларнинг кварталлари бўлиб, улардан Шафиит деган ном билан машҳур бўлгани сақланиб қолган, унинг ўзи эса Рай мавзеларининг энг кичигидир; шиалар ва ханафийларнинг бирон кишиси омон қолмади, қолганлари ҳам ўз мазҳабини яшириб яшашга мажбур бўлди. Мен уларнинг турар жойлари ер тўлада эканини кўрдим; уларнинг турар жойларига кириладиган дарвозалар ниҳоятда зимистон бўлиб, ундан ўтиб олиш амри маҳол; улар устига қўшинларнинг тез-тез ҳужум қилиб туриши ана шундай чора кўрилишига сабаб бўлган. Бу тадбир бўлмаганида эди, унда (Рай шаҳрида), эҳтимол, ҳеч ким қолмаган бўларди».

Таниқли тарихчилардан Бартольд ва айниқса, Якубовский муваффақият билан кўрсатиб берганларидек, Ёқут тилга олган диний оқимлар бу даврда тамомила муаяйн ижтимоий гуруҳларга таянарди: Шафийлар феодалларни ва шаҳар зодагонларини бирлаштирди, ханафийлар шаҳар ҳунармандларининг кенг табақаларига таянарди, шиа мазҳаби эса деҳқонлар оммаси ўртасида кенг тарқалган эди. Шу тариқа Ёқут ҳикояси, феодал-савдогарларнинг юқори табақаси ҳамда деҳқонлар билан иттифоқ тузиб майдонга чиққан қашшоқлашган ҳунарманд ва шаҳар меҳнаткашлари ўртасида очиқдан-очиқ фуқаролар уруши бўлганлигидан далолат беради; бу уруш натижасида Рай ҳудудида демократик гуруҳлар батамом емирилди.

Шунингдек, исмоилийлар ҳаракатини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас; илк ўрта аср карматларининг анъаналарини давом эттирган бу ҳаракат XII – XIII асрларга келиб янгидан авжга минди. Қолоқ, аксари тоғли ҳудудлар қишлоқ жамоаларининг ярим феодал, ярим патриархал қолдиқлари, феодализмдан аввалги аристократизмнинг қолдиқлари бошчилик қилган ис-

моиллийлар ҳаракати мавжуд шароитдан норози бўлган деҳқонлар оммасидан куч ва мадад олади. Исмоиллийлар мамлакатнинг турли бурчакларидаги истеҳкомли қалъаларга ўрнашиб олиб, Шарқий Эроннинг катта-ктта ҳудудларида ҳокимиятни бир неча марта ўз қўлларига киритдилар ва шу қадар даҳшатли кучга айландиларки, бу билан ҳисоблашмасликка Хоразмшоҳларнинг иложи йўқ эди. Хоразм империясининг фожиали сўнгги ўн йиллиги тарихида ҳам бу куч муҳим роль ўйнади.

Бу шароитларнинг жами Хоразмнинг мўғул истилочиларига қарши муқаррар курашда ҳарбий-сиёсий жиҳатдан заиф келишига сабаб бўлди.

3

Империянинг жипслашиши жараёни энг авжига чиққан, Муҳаммаднинг бирлаштиришга қаратилган фаолиятдан бирор натижа чиқишига ҳали жуда эрта бўлган, биноабарин, юқорида қайд қилинган зиддиятлар энг қизғин паллага кирган бир вақтда мўғуллар истилоси бошланиб кетди. Хоразмшоҳнинг ва халифанинг армиялари вайрон қилган Ироқ харобаларидан ҳали тутун чиқиб турар, фуқаролик уруши туфайли ер билан яксон бўлган Райнинг омон қолган аҳолиси ертўлаларда яшириниб ётарди. Бухорода «Малик Санжар»нинг саройи ҳали қад кўтариб турар, «иккинчи Искандар»нинг рақиблари бўлган кечаги мағрур ҳокимлар Хоразм пойтахтида олтин дўмбирани чалмоқда эдилар. Муҳаммад қириб ташлаган самарқандлик сўнгги Қорахонийларнинг қони ҳали қотмаган ва Хоразм ҳокимияти остида бирлаштирилган ерларда истаган ишини қилувчи ғолиб истилочидек гердаиб юрган турк лашкарбошиларнинг ғолиблик шарораси ҳали сўнмаган эди.

Муҳаммад Шарқий Туркистон ва Еттисувни босиб олган Найман хони Кучлук билан қорахитой мероси-

ни ҳали бўлишиб олмаган ҳамда бутун Хоразм империясидаги мусулмонларни ташвишга солиб турган воқеа – Хоразмшоҳ билан Бағдоддаги «пайғамбар ноиби» халифа Носир ўртасидаги ғоят кескин кураш ниҳоятда авжига чиққан бир вақтда Хоразмнинг шарқий чегарасида даҳшатли Чингизхон армиясининг дастлабки разведкачи гуруҳлари пайдо бўлди.

Бу ўринда мўғул давлатининг барпо бўлиши тарихига тўхталиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Масаланинг Хоразм тақдирини ҳал қилган ҳодисаларни англашга имкон берувчи энг муҳим, энг зарур томонларининггина қайд қилиб ўтамыз. Юқорида биз нима сабабдан Хоразм мўғуллар билан тўқнашганда ҳарбий-сиёсий жиҳатдан заифлик қилганлиги сабабларини кўриб чиқдик. Хўш, мўғуллар куч-қудратининг манбаи нимада эди?

Мўғул давлати Марказий Осиёнинг хўжалик ва маданий жиҳатдан энг қолоқ мўғул қабилалари ўртасида узоқ давом этган ижтимоий кураш натижасида вужудга келди. Ўтмишда бу қабилалар Марказий Осиёнинг қадимги империялари – Турк, Уйғур, Қирғиз империяларининг узоқ чеккасида ўрнашган эдилар. Бу сиёсий иттифоқларнинг мўғулларга таъсири жуда кам бўлди; уларда варварларча ижтимоий-иқтисодий тизим сақланиб қолдики, бундай тизим ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши таъсирида аста-секинлик билан бора-бора емирилди.

Чингизхон империясининг вужудга келиши арафасида бўлиб ўтган кураш янги эранинг VI–VIII асрларида турк хоқонлигининг вужудга келиши тарихида, ҳатто янги эрадан аввалги III асрдаги Хунн давлатида рўй берган синфий курашга кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Ўша давлатларда бўлганидек, Чингизхон империясида ҳам Хитойга вассал сифатида тобелик орқали у билан яқин алоқада бўлган қудратли уруғ зодагонлари билан озод, бироқ зодагонлар томонидан борган сайин асоратга солинаётган, тараққиётнинг ҳар-

бий-қулдорлик анъаналарини амалга ошириш, ташқи экспанция йўли билан танг аҳволдан қутулиш йўлини ахтараётган кўчманчи аскарлар табақаси бир-бирига қарама-қарши туради.

Уруғ зодагонларининг қуйи табақаларидан чиққан Чингизхон майда уруғ бошлиғининг ўғли бўлиб, отаси ўлгандан кейин уни ўзининг кучлироқ уруғ-аймоқлари талайдилар. Фирт ҳарбий авантюрист Чингизхон дастлаб босқинчилар тўдасига бошчилик қилади, кейинчалик у эзилган халқ оммасининг норозилигидан усталик билан фойдаланади. Чингизхон қудратли рақибларга қарши курашда ғолиб чиқади ва марказлашган кучли ҳарбий-қулдорлик давлатини барпо қилади. Бу давлат кенг кўламда бошқа мамлакатларни босиб олишга киришадики, натижада умуман давлатнинг мавжудлиги ана шу юришларнинг муваффақиятига боғлиқ бўлиб қолади.

Чингизхон амалга оширган йирик ҳарбий-маъмурий ислоҳотлар тизими мўғулларнинг уруғ-қабилачилик тарқоқлигига барҳам бериб, мўғул халқини тўғри уюштирилган яхлит кўшинга айлантирди; бунда уруғ-қабилла уюшмаси қадимий принципининг ўрнини мунтазам бирликларга – ўнгга, юзга, мингга ва туманга (10 мингга) бўлишга асосланган лашкарлик-ҳудудий тизимини оладики, улар айни вақтда ҳарбий-сафарбарлик ва маъмурий бирликлар ҳам эди. Бу ўринда асос қилиб олинган принцип янги эмасди, бироқ Чингизхондан аввал ўтган ҳукмдорларнинг жуда камдан-ками уни Чингизхондек қатъий изчиллик билан амалга оширишга муваффақ бўлган эди. Мўғулларнинг қолоқлиги ислоҳчининг моҳир раҳбарлиги остида уларнинг куч-қудрати манбига айланди; уруғ-қабилла зодагонлари ҳали жуда заиф бўлиб, улар Чингизхон сиёсатига жиддий равишда қарши тура олмасди. Чингиз ўзининг бирлаштиришга қаратилган сиёсатида варварларча жипслик анъаналаридан, мўғул халқининг ичида табақавий қарама-қаршилиқ нисбатан

жуда сустривожланганлигидан кенг кўламда фойдаланди. Чингизнинг лашкар бошилик заковати эса у бошлаган ҳарбий тадбирларнинг аввал-бошдан ҳаммаша муваффақият қозониб келишига имкон бериши билан бирга, унинг ички сиёсат борасидаги фаолияти натижаларини мустаҳкамлади ва бу билан жиддий қарши ҳаракат туғилиши имкониятини йўқотди.

Чингизхон ўз ҳарбий ислохотларида мўғулларнинг варварларча жипслиги билан ўша давр ҳарбий фанлари ичида энг илғори бўлган Хитой ҳарбий фанни моҳирлик билан уйғунлаштирди. Раҳбарлик ишларининг, айниқса, айғоқчиликнинг (хусусан, стратегик, шунингдек, сиёсий айғоқчилик) жуда яхши уюштириши, хитойларнинг қамал пайтида қўлланиладиган тўп ва замбаракларидан кенг миқёсда фойдаланилиши, тактик ва стратегик резервлар ғоясининг моҳирона ривожлантирилиши – буларнинг ҳаммаси Чингизхон армиясини унинг рақиблари армиясига нисбатан ҳарбий жиҳатдан бир поғона юқори қилиб қўйди. Хоразмшоҳнинг айрим жангчилари ва саркардалари ажойиб шахсий жанговар фазилатларга эга бўлган, аммо ташкилий жиҳатдан хом, бунинг устига, ички қарама-қаршилиқлар кемираётган марданавор қўшини тўқис машина сингари беҳато ҳаракат қилувчи ҳамда лашкарбошининг ягона иродаси раҳбарлиги остидаги чинакамига мунтазам армия билан тўқнашди.

Чингизхоннинг ғарбга томон зафарли юришида кўчманчиларнинг урушларида биринчи бор қўлланилган тамомила янги стратегик принципи жуда катта аҳамият касб этди; бу принцип Чингиз стратегиясининг негизларидан бири бўлиб қолди. Биз шуни назарда тутаётирмизки, Чингиз ўз ўтмишдошларига қарама-қарши ўлароқ, душманнинг истеҳкомлик шаҳарларини ва қалъаларини қамал қилиб олишга алоҳида аҳамият берди. Хоразмшоҳ Муҳаммад стратегия соҳасидаги ана шу янгиликни назарда тутмади-

ки, бу ҳол у йўл қўйган ва уруш оқибатини ҳал қилган хатонинг манбаи бўлди.

Гарчи Муҳаммаднинг қўшини сон жиҳатдан анча устун бўлса-да (ўша даврда яшаган кишиларнинг ҳамда энг сўнгги тадқиқотчиларнинг ҳисобларига кўра, Муҳаммад қўшинларининг умумий сони тахминан 300 минг киши бўлгани ҳолда, Чингизхон унга қарши 100 мингдан ортиқ кишини сололмаган бўлиши керак) ҳамда унинг маслаҳатчилари ҳал этувчи жанг қилиш кераклигини айтган бўлсалар ҳам, Муҳаммад бу йўлдан боришга журъат этмади.

Бунинг ўрнига у йирик стратегик резервларини Амударё орқасига олиб ўтиб, қўшинининг қолган қисмини қалъаларга бўлиб юборди; унинг кўзга яққол таланиб турган режаси шундай эди: мўғул қўшинлари талончилик мақсадида ҳимоясиз қишлоқлар бўйлаб тарқалиб кетиб, кучсизланади, интизом бузилади, ана шунда қалъаларнинг кучли гарнизонлари Амударё ортидаги асосий кучлардан мадад олиб, истилочиларни осонликча қириб ташлай оладилар. Мўғуллар қалъани истило қилиб бирон-бир муваффақиятга эришишларини у мутлақо кутмаганди. Агар уруш одатдаги рақиблар – қорахитойлар, қипчоқлар, гўрликлар ёки халифа Носирнинг қўшинлари билан бўлганида эди, принцип жиҳатидан феодализмга хос бўлган бу режа (кўра-била туриб, халқ истилочиларнинг қурбони сифатида ўз ҳолига ташлаб қўйилган) ўз ҳолича чакки бўлмасди.

Аммо Муҳаммаднинг Чингизхонга қарши тузган режаси мутлақо яроқсиз бўлиб чиқди. Бир қанча шаҳарлар (Хўжанд, Ўтрор, кейинчалик эса империя пойтахти Урганч) чинакамига қаҳрамонона ҳимоя қилиниб, мўғулларнинг кучлари кўп ойлар давомида тийиб турилганига қарамай, бу шаҳарлар бирин-кетин таслим бўла бошлади.

Ўтрор, Янгикент ва Хўжанд шаҳарларига ҳужум қилишда душман Хоразмшоҳнинг мудрофаа fronti-

ни ён томондан ўраб келиб, пойтахтни бевосита хавф остида қолдирди; бу таҳдидларнинг Бухоро-Самарқандга (бу шаҳарлар айтарли қаршилиқ кўрсатмадилар) – бериладиган ҳал қилувчи зарба билан бирга қўшиб олиб борилиши ҳарбий юришнинг муваффақиятли чиқишига олиб келди.

Асосий зарбанинг йўналиши тасодифий эмасди: империя шарқий чеккасининг энг заиф ҳалқаси яқиндагина қўшиб олинган ва сиёсий ғалаёнлар ниҳоятда авжига минган бўй, анъанавий шаҳарлар бўлиб, қадимий Суғдга бориб тақаларди, бу шаҳарларнинг Марказий Осиё ва Хитой билан савдо алоқалари савдогарларнинг юқори табақалари ичидан кучли гуруҳларнинг ажралиб чиқиши имконини бердики, улар мўғуллар билан иқтисодий жиҳатдан яқин алоқада бўлиб, уларнинг муваффақиятларидан манфаатдор эдилар, чунки мўғуллар бу гуруҳларнинг шахсий бойлик орттиришлари учун кенг йўл очиб берардилар. Сотқин хоинлардан иборат бўлган ана шу «бешинчи колонна» (*чет давлатнинг бошқа мамлакатда ташкил этиладиган, жосуслик қўпурувчилик ишлари олиб борадиган ҳамда тажовузкорлик уруши вақтида босқинчи давлат қўшинларига фаол ёрдам берадиган махфий агентура* – У. Б.) бу даврда рўй берган воқеаларда машъум роль ўйнади. Урушга баҳона бўлган 1218 йилги «Ўтрор фожиаси» – Мўғулистондан Чингиз ёрлиғи билан келган катта бир гуруҳ мусулмон (аксари, бухороликлар) савдогарларнинг айғоқчи сифатида шубҳа остига олиниб (бунинг учун тўла асос бор эди), Ўтрордаги Хоразм ноибни Каирхон Иналчик томонидан қатл қилиниши шуни кўрсатадики, 1220 – 1230 йиллар воқеаларини тайёрлашдаёқ бу роль анча салмоқдор эди ва уни ҳар икки томон ҳам ҳисобга оларди.

Бухорога берилган зарба тўфайли яккаланиб қолган Самарқанд ҳам тез орада ана шундай зарбага учради ва бунинг натижасида Хоразмшоҳнинг мулки

торс иккига ажралиб кетди ва Муҳаммад ғолиб душман билан рўпарама-рўпара келиб қолди. Чингизнинг олдинги отрядлари тез орада Амударё соҳилига етиб келди. Шу билан бирга душманнинг эсанкиратиб қўювчи муваффақиятлари Муҳаммаднинг биронта ҳам аскарини йўқотмаган улкан армиясида парокандалик бошланишига, унинг давлатидаги барча қарама-қаршиликларнинг рўёбга чиқишига бонг бўлди. Муҳаммаднинг ўз мулкларининг ғарбида янги мудофаа базасини вужудга келтиришга уриниши беҳуда кетди; у ўзининг вассалларидан мутлақо мадад ололмади, қадам-бақадам таъқиб қилиб келаётган Чингиз лашкар бошлалари – Жаба ва Субутойнинг йигирма минг кишилик энг яхши қўшини Каспий денгизидаги оролардан бирига қочиб жон сақлаб қолишга уни мажбур қилади ва шоҳ ўша ерда ўлиб кетади. Империя қулади. Жувайнийнинг образли таъбирига кўра, Хоразм «бошқа мамлакатлар ўртасида арқони қирқилган қапага ўхшаб қолди».

Сўнги Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг давлатни сақлаб қолиш учун олиб борган мардонавор, аммо самарасиз курашининг ўн йиллик жангномаси бу шиддатли давр тарихининг энг фожиали ва улғувор саҳифаларидан биридир. У мўғулларнинг муносиб рақиби бўла олди. Туркан хотун ва қипчоқ гуруҳи томонидан қўллаб-қувватлаган Ўзлогшоҳ (Жалолиддиннинг акаси) бошчилигида сарой атрофида тўпланган ношуд тўданинг фитналарига қарамай, Жалолиддин тахтга ўтириб, Хоразм империясининг жанубий шарқий чеккасидаги ўзига қарашли жой – Ғазнани қаршилик кўрсатиш марказига айлантиради. Жалолиддин ўз қариндош-уруғларининг фитналари (унга суиқасд уюштирмақчи эдилар) туфайли Урганчни ташлаб, бу ерга қочиб келишга мажбур бўлганидаёқ, мўғуллар устидан қозонган зафарлари билан отрядининг Иргизда тор-мор келтирилиши унинг номи билан боғлиқдир; У Урганчдан қочар экан, Нисо (ҳозирги Ашхабод

яқинида) остонасида Хоразмга олиб борадиган йўлларни беркитиб қўйган йирик мўғул отрядини енгади. У Фазнада каттагина куч тўплаб, Парвона яқинида бўлган жангда мўғуллар устидан яна бир порлоқ ғалаба қозонади; бунда у ҳарбий фан тарихида биринчи бўлиб отдан тушиб, пиёдага айланган ёйандозлар сифини мўғулларнинг отлиқ аскарларига қарши қўйди ва бу билан инглизларнинг Кресси яқинидаги жангда ишлатган тактикасини улардан анча олдин қўлади. Чингизхон шахсан ўзининг асосий кучлари билан Жалолиддинга қарши отланишга мажбур бўлди. Ҳинд дарёси соҳилида бўлган шиддатли жангда (1221 йил ноябри) гарчи ҳарбий муваффақият бир неча марта Жалолиддин томонига ўтиб турган бўлса-да, Чингизхон тактик резервларни жангга солиш билан, ниҳоят, ўз рақибининг қаршилигини синдиришга муваффақ бўлади. Бу ўринда шу нарсани қайд қилиб ўтмаслик мумкин эмаски, Жалолиддин Парвонадаги ғалаба туфайли қўлга киритилган ўлжани талашиб бир-бири билан жанжаллашиб қолган бир қанча кўчманчи ҳарбий бошлиқларнинг хиёнати ва қочоқлиги ёки хизматдан бош тортиши натижасида жуда кучсизланиб қолган қўшин билан жангга кирган эди.

Ҳинд дарёси соҳилида ғоят фожиали воқеа юз берди. Сал илгарироқ Чингиз қўлига асир тушган ва ваҳшиёна ўлдирилган саккиз яшар ўғлидан ажралган Жалолиддин сувдан кечиб ўтиш воситаларига эга бўлмаганлиги сабабли, ўз онаси ва барча хотинларини асир тушириб, номусга қўймаслик учун, уларни ўлдиртиради. Хоразмшоҳ жўшқин дарёга от солади ва мўғуллар ўқининг жаласи остида Ҳиндистон қирғоғига ўтиб олади. Жалолиддин уч йил давомида Ҳиндистонда бўлиб, жанглар ва сиёсий фитналар билан тўла даврни бошидан кечиради. У куч тўплаб, 1224 йили Хоразм давлатини тиклаш учун қайтадан кураш бошлайди. Жалолиддин Хоразмнинг жанубий ғарбий чеккасидаги мулки – Кермонга келиб (мўғуллар ҳали бу

ергача етиб келмагандилар), бу ерда ўз ҳокимиятини тиклайди, Форс, Шарқий Эрон ва Озарбайжонга ҳукмрон бўлиб олади. Хоразмнинг Ўрта Осиё ва Хуросондаги асосий мулклари, шунингдек, Хоразмнинг ўзи тутуни бурқсаб турган вайроналарга айланади. Жалолиддин ғарбда янги қаршилик кўрсатиш базасини барпо қилишга уринади. Эрон шаҳарларининг аҳолиси уни қувонч билан кутиб олади; даҳшатли жангларда ҳамда тоғлар ва даштлар орқали ўтган мисли кўрилмаган сафарларда чиниққан хоразмликлар бу шаҳарлар орқали худди байрамлардагидек зўр тантана билан ўтадилар.

Бироқ феодал тарқоқликнинг емирувчи кучлари ўзини кўрсатди. Хоразмшоҳнинг чекка вилоятлардаги ноиблари унга қарши фитналар уюштирдилар. Исмоилий-ассасинлар душманчилик ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Озарбайжон отабеги, Кўнанининг салжуқий султонлари, Бағдод халифаси донғи чиққан лашкарбоши билан қўшничиликдан хавотирланиб, зимдан зарба беришга тайёргарлик кўрадилар. Гарчи улар сўзда Жалолиддинни мусулмон маданиятини мажусий-варварлардан ҳимоя қилувчи қалқон деб атаган бўлсалар-да, аслида уни тинчитиш учун қулай фурсат пойлаб юрган эдилар.

Жалолиддин мўғулларга тагин бир неча қақшатгич зарба бериб, ўзининг кучини ва ҳарбий даҳосини яна намоён қилади. Бироқ у эришилган ғалабаларни мустаҳкамлай олмади. Давлатнинг яхлитлигига путур етказувчи янги-янги хавф-хатарларни бартараф қилиш учун у мамлакат бўйлаб кезишга мажбур бўлади.

Ана шу даҳшатли кунларда Жалолиддиннинг давлат арбоби сифатидаги кучли ва заиф томонлари бор кучи билан намоён бўлади. Бу истеъдодли саркарда Шарқ рицарлари ичида энг ажойиби бўлиб, кўп жиҳатдан ўзининг катта замондоши, ўрта аср ғарбининг машҳур рицар қироли Ричард Шерюракка ўхшаб ке-

тади. Лекин Жалолиддин ҳам, Ричард сингари, заиф сиёсатдон ва жуда ношуд дипломат бўлиб чиқди. У табиатан гап қайтарганни ёқтирмайдиган, мурасага юрмайдиган ҳукмдор бўлганлиги сабабли, маслаҳатчилари айтган, амалга ошай-ошай деб қолган ажойиб режаларни ҳам ўзи барбод қилади (*ушбу фикрлар С. П. Толстовнинг шахсий фикрлари деб қаралмоги лозим – У. Б.*)

У Кавказортининг христиан динидаги давлати билан музокара орқали иттифоқ туза олмагач, Грузияга қарши умумий манфаатлар нуқтаи назаридан кераксиз ҳамда зарарли бўлган урушни очиб юборади ва шафқатсизлик билан қон тўкиб, грузин халқи хотирасида ўзининг қисқа муддатли ҳукмронлиги тўғрисида ёмон таассурот қолдиради. Жалолиддиннинг ҳукмронлигини бўйнига олай деб турган халифа Мунтасир, айниқса, Сурия, Арманистон ва Кичик Осиёнинг салжуқий ва айюбий амирлари билан муносабатда у тўғри муомила қилолмайди. У ҳарбий ҳаракатлар бошлаб юборишни маъқул кўради. Карл Маркс ўзининг хронологик кўчирмаларида ёзади: «Жанг (Хелат яқинида) уч кун давом этади; унда мусулмонларнинг Осиёдаги асосий кучлари мўғуллар фойдасига ҳалок бўлади».

Хелат яқинида рўй берган воқеалардан сўнг етарли кўшин тўплашга қодир бўлмаган Жалолиддин мўғулларнинг янги ҳужумидан кейин унча катта бўлмаган отряд билан Тавр тоғларида яширинади. Бу ерда уни 1231 йили Хелат яқинида ўлдирилган акаси учун хун талаб қилиб келган курд қатл қилади. Жалолиддин фаолиятининг бутун салбий томонларига (*бу ҳам С. Толстовнинг шахсий фикрлари албатта – У. Б.*) қарамай, замондошлари унинг ватанни мўғуллар ваҳшийлигидан озод қилишга қаратилган қаҳрамонана ҳаракатларини юксак баҳоладилар. Ўша воқеалар рўй берган замонда яшаган Ибн ал Асирнинг ёзишича, мусулмон Шарқининг халқлари Жалолиддиннинг

Ўлимидан анча йиллар кейин ҳам ўз қаҳрамонининг ҳалок бўлганига ишонмай келдилар. У ҳали тирик ва мўғулларга ҳал қилувчи зарбани бериш учун янги кучлар тўпламоқда, деган афсона ҳам вужудга келди. Бироқ бу умидлар пуч эди. Хулагу бошчилигидаги мўғул галалари Эрон, Ироқ, Озарбайжон ва Грузияда пайдо бўлганда, ҳеч ким мўғулларга қаршилиқ кўрса-таолмади. Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига қонли мўғул ҳукмронлигининг қора туни чўкди.

Шарқда пайдо бўлиб келаётган биринчи феодал монархияси ўсишдан тўхтаб қолди. Хоразм вайрон қилинди, Урганч ва бошқа шаҳарлар ер билан яксон бўлди, бу жойларнинг аҳолиси эса ё қириб ташланди, ёки узоқ Мўғулистонга асир қилиб олиб кетилди. Минглаб гектар унумдор ерлар(айниқса, ўнг қирғоқдаги) хароб ҳолга тушиб қолди.

Хоразм империясининг асосий негизи икки варварлик давлати – Жўжи (сўл қирғоқ) ва Чигатой (ўнг қирғоқ) улусларига бўлиниб кетди.

Ўнг қирғоқ Хоразмнинг «қадимий суғорма ерлари» бу даҳшатли воқеаларнинг яққол гувоҳидир. Қаватқальанинг рустаги, Гулдурсуннинг улуғвор харобалари мўғул истилосининг XIII асрнинг фожиали 20-йилларидан бери ўтган асрлар давомида инсон қўли тегмаган қайғули ёдгорликлари сифатида қад кўтариб турибди. XIV аср бошида Ибн Баттута Хоразмдан Бухорога кетаётганида, Хоразмнинг нақ юрагида, Урганч билан Кат ўртасида биронта қишлоққа дуч келмаганидек, Катнинг шарқроғида, Говхўранинг бир замонлар гуллаб яшнаган рустакларида ҳам ҳаёт нишонасини кўрмади.

12-БОБ. УЗБОЙНИНГ СИРИ
(1947 йил экспедицияси кундалик
дафтаридан)

Ўн тўртинчи аср форс географлари Ҳамидуллоҳ Қазвиний Каспий денгизини тасвирлар экан, қуйидагиларни ҳикоя қилади: «Илгари Яъжуж ва маъжужлар мамлакати қаршисида жойлашган Шарқий денгизга қуйилган Жайхун тахминан мўғуллар пайдо бўлган вақтда ўз оқимини ўзгартириб, бу (Каспий) денгизга йўл олди».

Шунга ўхшаш, аммо ниҳоятда чалкашиб кетган маълумотни XV асрда яшаган Ҳофиз Абрў ёзиб қолдиради. Унинг бу маълумоти 1417 йилга келиб Орол денгизининг йўқолиб кетиши ва бу даврда Сирдарёнинг Амударёга қуйилиши сингари ақл бовар қилмайдиган гаплар билан аралашиб кетган.

Ниҳоят, XVII асрда машҳур Хоразм хони ва тарихчиси Абулғози айни шу тўғрида (*Шажараи турк асарида* – У. Б) ёзади. У XVI аср бошларидаги воқеалар тўғрисида ҳикоя қилар экан, бу даврда Амударё Урганч ёнидан ўтиб, жанубий ғарбга қараб, то Балхан тоғларига қадар оқарди, бу ердан ғарбга бурилиб, Каспийга қуйила бошлади, дейди.

«Ўғурчидан (Красноводск қўлтиги яқинидаги жой) бошлаб Амударёнинг ҳар иккала соҳили, – дея ҳикоя қилади Абулғози, – шудгор, узумзорлар ва дарахтзорлардан иборат эди. Аҳоли зичлигининг ва гуллаб-яшнаганлигининг чеки йўқ эди».

Абулғозининг бошқа бир жойда маълум қилишича, у туғилмасдан 30 йил олдин, яъни 1573 йилда дарё ўзининг ҳозирги ўзанини буриб юборган ва унинг суви Каспийга қуйилмай қўйган. Муниснинг (XIX аср) Хива хроникасида бу воқеа 1578 йилда бўлган, дейилади.

Йирик рус тарихчиси ва шарқшуноси В. В. Бартольд бу маълумотларни, шунингдек, анча илгариги материалларни таҳлил қилиб чиқиб, шундай узил-кесил

хулосага келади: қадимги замонларда Амударёнинг Каспийга қуйилганлиги тўғрисида эски вақтлардаги муаллифлар ва Мақдисий сақлаб қолган маълумотлар афсоналар даврига мансуб бўлиб, X асрдан анча илгаририёқ дарё, худди ҳозирдагидек, Орол денгизига қуйилган бўлса, XIII ва XIV асрлар орасида у Каспийга бурилиб, Устюртнинг шарқий ён бағри билан Балхан тоғларининг жанубий ён бағри ёқалаб буралиб-буралиб кетган ва Сариқамиш чуқуридан Красноводск қўлтиғигача чўзилиб кетган эски Узбой ўзанини тўлдиради.

Амударёнинг яқинда Каспийга қуйилганлиги тўғрисидаги ривоят (бу ривоятни туркман элчилари Россияга етказган эдилар) Пётр I ни қизиқтириб қолади. Пётрнинг Каспийнинг шарқий соҳиларига ва Хивага Бекович-Черкасский экспедициясини юбориш сабабларидан бири ана шу ривоят бўлди; экспедиция бошқа вазифаларни бажариш билан бирга, Ҳиндистонга олиб борадиган туташ сув йўли бор-йўқлигини аниқлаши керак эди.

Қорақум чўлининг ғарбий қисмини кесиб ўтувчи, кўзга яққол ташланиб турган қадимги ўзан – Узбойнинг келиб чиқиши ва ёши муаммоси анча вақтдан бери тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб қилиб келмоқда. Тарихчилар ва географлар, геологлар ва ирригаторлар, олимлар ва ҳаваскорларнинг бу муаммога бағишлаб ёзган асарлари талайгина саҳифаларни ташкил этади.

Бу масала бугунги кунда қай аҳволда? Ҳозирги вақтда икки хил фикр аниқ-равшан ажралиб турибди: булардан бири – Бартольднинг ҳозиргина келтирган мулоҳазаларини асос қилиб олган тарихчиларнинг фикри; иккинчи фикр географлар ва геологларники бўлиб, А. С. Кеснинг «Русло Узбой и его генезис» (ТИГ АН, XXX, 1939) номли монографиясида ва И. П. Герасимов ва К. К. Марковнинг «Четвертичная геология» (Москва 1939), «Ледниковый период на территории

советского союза» (М-Л, 1939) сингари палеографияга оид йиғма асарларида ўз ифодасини топган.

Ҳозирги замон география фанининг сўнги ютуқларидан иборат бўлган ва узоқ вақт давомида дала шароитида олиб борилган ҳар томонлама текширишларга асосланган бу асарларнинг муаллифлари Узбойни дарё сифатида тарихий замонга боғлаш учун ҳеч қандай асос йўқ, деган хулосага келдилар. Узбой катталиги жиҳатидан ҳеч қачон Амударёнинг бош ўзани бўлиши мумкин эмаслигини ҳисобга олмаганимиз тақдирда ҳам, Узбой водийсининг палеотологик жиҳатдан жуда дуруст асосланган вужудга келиши тарихи шуни кўрсатадики, яққол ажралиб турадиган бу дарё ўзани Хвалин трансгрессиясидан (*қирғоқнинг чўкиши ҳисобига денгизнинг аста-секин қуруқликни эгаллай бориши – У. Б.*) кейин ҳосил бўлган, сув оқимининг тўхташи эса Каспийнинг сўнги трансгрессиясига тўғри келади; қуйи Узбой тубидаги энг ёш қатламлар учун аҳамиятли бўлган «Гардиум эдилу Л» моллюскасининг тарқалиши ана шу сўнги трансгрессия билан боғлиқдир.

Бу трансгрессия вақтини аниқ айтиш қийин. Бироқ ҳозирги палеографларнинг кўпчилиги Сариқамиш-Узбой тизимининг бутун тарихини тўртламчи давр ичига киргизади. Бў хусусда Герасимов ва Марков қуйидагиларни ёзадилар: *«Шу асосда биз Хвалин трансгрессияси даври ва Орол-Сариқамиш-Узбой тузилмасининг мавжуд бўлиши ва ишлаши вақти мамлакат шимолидаги сўнги (Валдай) музлаш билан озми-кўпми бир замонга тўғри келади, деб ҳисоблашимиз мумкин».*

А. С. Кесь бу масалада бир мунча эҳтиёткорроқ. Гарчи Кесь *«Узбойдаги сув оқимининг тўхтаганлиги тўғрисидаги масала – унинг тарих даврида бўлган бўлмаганлиги масаласи ҳозирги вақтда очиқ қолмоқда»* деб ёзса-да, унинг рад жавоб беришга мойил эканлиги очиқ кўриниб турибди. Тарихчилар билан геолог-

лар ўртасида кетаётган баҳсда ҳал қилувчи сўзни, шубҳасиз, археологлар айтиши керак. «Узбой харобаларини ўрганиш, – дея ёзади А. С. Кесь, – катта аҳамиятга молик эканлиги шубҳасиздир. Бу ёдгорликлар нимага хизмат қилганлиги ва қачон барпо этилганлиги аниқланганда эди, муҳим иш қилинган бўларди. Эҳтимол, бизнинг бошимизни қотираётган масалани ҳал қилишда бу маълумотлар гоаят қизиқарли ва мутлақо кутилмаган натижалар беради».

1947 йил октябрининг бошида бизнинг экспедициямиз Узбой муаммосини ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшишга уриниб кўрди.

Саёҳатчилар, шу жумладан, Коншин, Обручев сингари йирик тадқиқотчилар ўз асарларида Узбой обидаларини кўп марталаб тасвирладилар. Географлар ва геологлар (булар орасида Б. А. Федорович ва А. С. Кесни алоҳида қайд қилмоқ керак) Узбой зонасидаги тақирларда сўнгги неолит ва бронза даврларига, афтидан, янги эрадан аввалги IV – II мингйилликларга оид кўплаб чақмоқтошдан ясалган қурооллар топдилар. Бироқ бу ёдгорликларнинг биронтасини мутахассис-археолог бориб кўрмади.

Биз ўз кузатув-тадқиқотларимизда бутун муаммони қамраб олишни вазифа қилиб олмадик: дастлабки пайтларда ибтидоий маданият ёдгорликларини бир четда қолдириб, асосий эътиборни Узбой водийси тарихининг ер устидаги иншоотлари бизгача етиб келган тарихий даври муаммосига қаратдик. Бу чегараланиш ишимизда батамом авиацияга таяниш, визуал (кўз ёки дурбин билан кўриш, кузатиш – У. Б.) авиаразведка ўтказиш билан бирга ёдгорликларни суратга олиш ҳамда энг қизиқ жойларда қўниш имконини берди.

Бизни илгаридан таниш бўлган эски Вазир (ҳозирги Девкесган) харобаларини Узбой-Сариқамишдаги ишларимизнинг базаси қилиб олдикки, бу ҳол само-лётда учмаган вақтларимизда бу харобаларни ва шу

яқин орада жойлашган йирик ўрта аср шаҳри – Ше-
махақалъани археологик ва архитектура жиҳатдан
муфассал тавсифлаш имконини беради.

3 – 4 октябрда Вазирга ғарб томондан туташувчи
Ербурун деган жой устидан то Ассака-Кавдон чуқур-
лигига қадар Устюрт ичкарисига, янада ғарб томонга
қараб учдик, бу ерда сўнги ўрта аср Вазири билан
бир замонга мансуб бўлган кичик тош қалъаларнинг
харобаларини топдик. Базага Сарикамиш чуқурлиги-
нинг шимолий чеккаси орқали қайтдик.

«5 октябрь. Ниҳоят, биз (мен, М. А. Орлов ҳамда учув-
чилар С. В. Гедда ва М. Дубовой) Узбой бўйлаб жануб-
га, Оқайлов деган қайрилиш жойигача қилинадиган
парвозга отландик. Бир кун илгари кечқурун йўналиш-
ни синчиклаб ишлаб чиқдик. Об-ҳаво бир оз ташвиш-
лантирди: офтоб ботиши олдидан уфқда қип-қизариб
турган булутлар худди елпигичга ўхшарди. Тонг пай-
тида – жанубий ва ғарбий уфқда кучли шамолдан да-
рак берувчи туманни кўрдик. Худуд ҳозирча тип-тинч
эди. Балки ҳеч гап бўлмас. Соат 9-у 38 да самолётлар
ердан кўтарилди. Соат 9-у 45 да Дарёлиқни – эски ўзан-
нинг кенг меандрини, унинг саксовул босган кулранг
тубини, майда буталар билан қопланган кулранг соҳил-
ларини кесиб ўтдик. Худди кечагидек, ҳаммага ёқда
сўнги ўрта аср далалари ва каналларининг излари
кўзга ташланарди.

Соат 9-у 55 дақиқа. Олдинда – ниҳоятда ясси, би-
линар-билинемас эски Давдон ўзанининг меандрлари.
Ўзан самолётнинг йўналиши томон шарқ тарафдан
келиб, жанубий ғарбга бурилиб кетади. Давдон соҳил-
ларида ирригация излари бор-йўқлиги сезилмайди.

Соат 10-у 03 дақиқа. Ўзан самолётимизнинг йўна-
лишини гоҳ кесиб ўтади, гоҳ чапга бурилиб кетади.
Ўнгда, Давдон ва Дарёлиқ дарёларининг ораллиғида
далалар ва боғлар яққол кўзга ташланади. Соат 10-у
09 дақиқа. Олдинда, чап томонда – Таримқоя тепали-
гининг контури кўриниб турибди. Яна 5 дақиқадан

сўнг пастдаги манзара ўзгариб кетади. Онда-сонда бута ўсган кулранг тупроқди текисликдан кейин майда қумтепалар билан қопланган сип-силлиқ оқ тақирлар келади. Бу ерда маданият излари йўқ.

Ҳаво айниб, ишимизга халақит бера бошлади. Мана 20 дақиқадирки, самолёт йўлининг ўнг томонидаги ҳамма нарсани қалин туман қоплаб олган. Бўтентов қарийб кўринмай қолди. Энди олд томондан ҳам осмон ва ерни қоплаб олган сарғиш, кулранг тусдаги чанг-тўзон тезлик билан яқинлашиб кела бошлади. Шамолнинг тезлиги дақиқа сайин ошар, самолётларни баланд-пастга кўтариб ташларди.

Яна бир неча дақиқадан сўнг биз қум бўрони фронтини ёриб ўтиб, нотинч чанг-тўзон ичига шўнғидик. Бизга эргашиб кетаётган самолёт базўр кўринади. На осмон кўринади ва на ер. Самолёт силкигани-силкиган. Жанубга ёриб киришга яна бир неча дақиқа уриндик, балки бўрон узоққа чўзилмас. Бироқ тез вақт ичида бу ишимиз бефойда экани аён бўлиб қолди. Қайтишга тўғри келди.

Соат 10-у 20 дақиқа. Бўронли қуюн бизни таъқиб қилишни қўймасди. Ғарб, шарқ, жануб – ҳамма ёқ шимоли-шарқ томонга қараб эсаётган қум ва чанг бўрони билан қопланган. Қуёш кўринмасди. Олдинда, шимол томонда ҳам ҳамма ёқни чанг-тўзон эгаллаган. Олдимизда биронта манзил кўринмасди. Фақат компасга қараб борардик. Шамол шиддат билан самолётга урилиб, уни йўлдан четга чиқара ёзгудек бўларди. Атрофимизда шамол ва тўзондан бошқа ҳеч нарсани кўрмасдан, қарийб бир соатча шу зайлда учдик. Ниҳоят, олдингинамизда, тўзон орасида Устюртдаги Девкестан бурни жанубий Чинки (жар)нинг кемтик оқ жарлари намоён бўла бошлади. Шамол бизни ўнг томонга анча буриб юборган эди. Чинк (жар) ёқалаб ғарбга буриламиз ва соат 11-у 25 дақиқада аэродромимизга қўнамиз. Шамол шу қадар кучли эдики, лагердагилардан бирон киши ҳам яқинлашганимизни

сезмапти. Бизни қўниш майдончасида навбатчилик қилган механик ва шофёргина кутиб олди. Ҳамма ниҳоятда хавотирланган эди. Девкесган устида бўрон анча вақтдан бери қутурадди. Палатканинг шамол юлқиб, очиб юбораётган барига тош бостириб қўйдик. Чой ичиб олар эканмиз, шу орада қилинган ишларнинг натижаларини ҳам йўл-йўлакай муҳокама қилиб олдик. Узбой бизга ўз сирини ошкор қилишни истаётганлиги яққол кўриниб турарди. Кўнгилга ғашлик солиб турган ҳавонинг эртага очилиб кетиши ҳам даргумон эди. Ахир пастдаги масканларни самолётдан туриб суратга олиш учун ҳаво мусаффо бўлиши керак, ҳавонинг кўнгилдагидек очиқ бўлишига умид боғлаш қийин эди.

Омадимизни эртага синаб кўришга қарор қилиб, Девкесганни айланиб чиқиш учун жўнадик.

6 октябрь тонги ҳам отди. Ҳаво анча-мунча бузуқ бўлса-да, ишни кейинга қолдириб бўлмасди, вақт ўтиб бормоқда эди. Соат 7-ю, 45 дақиқада ҳавога кўтарилиб, белгиланган йўлга тушиб олдик. Таниш бўлиб қолган жойлар устидан учиб ўтамиз. Соат 8-у 23 дақиқада Таримқоянинг Фарбий Чинкига етиб оламиз. Олдинда Қўйқирилганқалъанинг чўққиси офтоб нурида ярқираб порлаб туради. Таримқоянинг Чинки чап томонда. Остимизда жануб томондан Зангибобо тепалиги, шимолдан – Таримқоя ва Кофирқир, гарбдан Кангақир билан қуршаб олинган ясси текислиги ястаниб ётарди. Шарқ томондан келувчи эски ирмоқларнинг излари Кангақирни шимол ва жануб томондан айланиб ўтган бўлиб, бу ирмоқлар ўз сувини бекордан-бекорга жонсиз Сарикамиш пастлигига қуйганлигидан дарак бериб турарди. Кангақир устидан учиб ўтиб, Унгуз орти Қорақумнинг кенгликлариغا чиқамиз. Кулранг-қўнгир тусдаги жонсиз текислик, қум тобора кўпаярди. Пастда карвон йўллари иплари чўзилиб кетган, улардан бирида 15 – 20 тача туядан ташкил топган карвон занжири одимлаб борарди.

Ҳаво дақиқа сайин очила боради. Нарсалар борган сари аниқ-равшан бўлиб кўринмоқда. Олдимизда тошдан иборат Девқалъа гардишининг бизга таниш бўлган қораси кўринади. XII – XIII асрларга мансуб бўлган бу думалоқ қалъа баҳайбат тош плиталардан қурилган бўлиб, биз уни 1939 йилда текшириб чиққан эдик. Қалъани фотосуратга олиш мақсадида, унинг тепасида бир неча марта айланамиз. Соат 8-у 55 дақиқада қалъа яқинидаги шагалли текисликка кўнамиз. Уни наридан-бери кўздан кечирамиз (ҳамроҳларим 1939 йилда экспедициясида бўлмаган эдилар).

Соат 9-у 30 дақиқада яна парвоз қиламиз. Карвон йўли устидан учиб, Узбой зонасининг харитада Ёрти Гумбаз дея номланган дастлабки харобалари сари йўл оламиз. Остимизда у ер-бу ердагина ўсимлик ўсадиган вазмин қум пушталари. Ён бағирларда йўлларнинг ингичка ипи буралиб-буралиб кетган. Қум ўртасидаги пастликлардан бирида харобалар кўринади. Бу гумбази босиб қолган ва порталининг арки ярим-ёрти бузилган катта мақбарадир. Бино пишиқ ғиштдан ишланган, гумбазнинг қолдиқлари феруза рангли гулдор сопол билан қопланганди. Ҳар томонлама мулоҳаза юритиб, бу обида Кўҳна Урганч мажмуасига жуда яқин бир нарса бўлиши керак деган хулосага келиш мумкин.

Бу ёдгорликни тахминан XII ва XIV асрлар оралигидаги даврга мансуб дея ҳисоблаш керак. Бир марта айланамиз. Кўниш мумкин эмас. Соат 9-у 50 дақиқада Ўртакую ва Узбой қудуқлари томон йўл оламиз. Пуштали ва ровак қум тепалари тобора катталашарди. Бир карвон устидан, сўнгра иккинчи карвон тепасидан учиб ўтамиз. Пастлаб учамиз. Туркманлар қора қалпоқларини силкиб, бизни олқишлайдилар. Биз ҳам бош кийимимизни силкиб, уларга жавоб қайтарамиз. Пастда Ўртакую, қора тақирлар, қудуқларнинг четанлари, дам олаётган бир қанча карвонлар, ўнлаб туялар ва одамлар бор эди. Яна бир-биримизни таб-

риклаймиз. Карвондагилар имо қилиб, чойга таклиф қилишади. Аммо таклифни қабул қилишнинг иложи йўқ. Қум устида парвоз қилишни давом эттираемиз. Олдинда – Кугунак тоғи. Соат 10-у 15 дақиқа. Ниҳоят, Узбойга ҳам етиб келдик! Бу ерда, Кугунак яқинида ўзан ясси, меандрлари яққол билиниб туради. Ирригация излари ҳеч қаерда йўқ! Ўзан устидан учамиз. Соат 10-у 24 дақиқада пастда ирригация изларини кўрдик, бироқ у ўзаннинг тубида эди! Далаларни бўлиб турган ўсимликлардан иборат «режа чизиклари» яққол кўриниб турарди. Соат 10-у 26 дақиқада ўзанда яна далаларнинг изларини кўрамиз, бу гал улар анча узоқ масофага чўзилиб кетган.

Соат 10-у 27 дақиқада Болаишим қудуқлари устидан учиб ўтаемиз. Бу ерда ҳам ўзан тубида далаларнинг излари бор эди. Теварак-атрофда ўзаннинг ҳар иккала томонида жонсиз текислик ястаниб ётибди. Ўнгда, ғарб томонда – платонинг қорамтир-кулранг тусдаги ясси тошлоқ юзаси, сўлдаги, шарқ томондаги қора, сарғиш-қўнғир қумга қора-кулранг тақирлар гўё бир доғ бўлиб тушган. Ўзандан ташқарида суғоришнинг ёки қадимги турар жойларнинг бирон-бир изини кўрмаймиз. Ўзан бўйлаб учганимиз сари, унинг тобора яққоллашиб боришини кўрамиз, соҳил террасининг гоҳ кулранг-яшил, гоҳ пуштирангдаги тикка кесиб тушган дўнг жойлари баъзи жойларда Узбойнинг кулранг, гоҳо зангори тусдаги илон изи лентасини қисиб кўярди, ўзаннинг ичини эса атрофи қўнғир, пушти, занг тусидаги ва қизил рангли экиб ўстирилган гуллар билан қуршалган ялтироқ тақирлар эгаллаб ётарди. Узбойнинг қанчалик ичкарасига кириб борилса, ўзаннинг тубида ярқираб турувчи ботқоқчалар ва кўллар шунчалик кўпаймоқда эди; бу кўлларнинг баъзилари шу қадар зилол эдики, уларда қирғоқнинг ўпирилиши натижасида ҳосил бўлган дўнглар, ҳатто бизнинг самолётларимиз ҳам акс этиб турарди, баъзи кўлларни эса оппоқ ва юпқа туз қатлами қоплаганди.

Соат 10-у 40 дақиқа. Олдинда, чап томондаги, шарқий соҳилда машҳур Талайхонота харобалари юма-лоқ қора бўлиб кўриниб турибди. Бир неча марта айланамиз. Соат 10-у 47 дақиқада тақирнинг оппоқ ва теп-текис юзасига кўнамиз.

Кўнишдан аввалоқ бизга шу нарса аён бўлиб қолган эдики, харобаларнинг икки эски тасвири ичида Коншиннинг тасвири ҳақиқатга яқинроқ экан. Талайхонота Девқалъанинг айни нусхаси. Бу – тошдан қилинган, диаметри 60 метрли думалоқ истехком бўлиб, марказий ҳовли, атрофидаги пишиқ ғиштдан ишланган иморатлар билан биргаликда бир гуруҳни ташкил этади. Меъморчилик маълумотлари сингари, керамика маълумотлари ҳам рўпарамизда Урганчни Фарбий Хуросон билан боғлаган асосий савдо ва стратегия йўлларида бирида, Хоразмшоҳ барпо қилган мустаҳкамланган истехкомлар – XII – XIII асрларга мансуб карвонсаройлар занжирининг ҳалқаларидан бири турганлигига сира шубҳа қолдирмасди. Бу жойда на аҳоли яшаганлигининг аломати ва на ирригация изларининг асари кўринарди.

Соат 12-ю 15 дақиқада парвоз қиламиз. Узбой устида учамиз; бу ердан у қарийб бошдан-оёқ сув билан тўлган чинакам дарёга ўхшаб кўринарди, у жойбу жойни қоплаган туз пардаси орасида сув ярқираб турарди. Соат 12-ю 22 дақиқада Куртишбобо устига келиб пастлаб учамиз. Бир неча марта айланамиз. Остимиздаги атрофи тухум шаклидаги пастаккина пахса деворча билан ўраб олинган гўрлардан (булар ҳозиргиларидан фарқ қилмайдиган типик сўнгги туркман гўрлари бўлиб, эҳтимол, бугунги кунда ҳам бу ерларга одам кўмишар) ташкил топган қабристон ўртасидаги қудуқлар ёнида лойдан ишланган учта кичик бино гуруҳи турарди.

Кўнишнинг ҳожати йўқ. Узбой ўзанини кесиб ўтамиз. Балқуйи қудуқлари ёнидаги харобалар устидан учиб ўтамиз. Кўнамиз. Наридан-бери кўздан кечириб

чиқиб, унинг ҳозирги замоннинг лойдан қурилган кичик иморатларидан бири эканига ишонч ҳосил қиламиз. Теварак-атрофда ҳозирги замон керамикасининг қолдиқлари, XX аср чинниси (фаянси) ва шиша парчалари ётарди. Соат 12-ю 57 дақиқада Балқуйидан учиб, яна Узбойга етиб келамиз ва ўзан ёқалаб Оқяйла бурилган жой томон йўл оламиз.

Бу ернинг ҳам баъзи жойларида худди Балаишимдаги сингари, Узбойнинг тубида режалаштирилган лойиҳалар кўзга ташланади. Ўзаннинг ўнг томонида – поғонама-поғона кўтарилиб борувчи платонинг унумсиз ён бағирлари, чапда – оқ тақирлар, уларнинг ортида эса қумликлар. Узбой «ирмоқлари»нинг, яъни жарларнинг ўзани тақирлар бўйлаб илон изи бўлиб тармоқланиб кетганди; булар, аниқроғи, қор ва музларнинг эриши натижасида ҳосил бўлган селларнинг излари эди. Ўзандан ташқарида ирригация изларидан асар ҳам йўқ. Соат 13-у 15 дақиқада Коншин ва Обручев ўртасида кўп тортишувларга сабаб бўлган машҳур «Оқяйлов водопроводи» устидамиз. Узбой чап қирғоғидаги жарлик тепасида йирик бинонинг босиб қолиши натижасида ҳосил бўлган тепалик қаққайиб турарди. Узунлиги бир километрча келадиган қизғиш йўл – водопровод новининг бир неча бор тасвирланган қолдиқлари – шимолий шарққа қараб чўзилиб кетганди.

Соат 13-у 25 дақиқада «водопровод» атрофига, ундан хийла узоққа – Узбойнинг ўнг, яъни шимолий қирғоғига қўнамиз. Ичини бута қоплаган ва баъзи жойларда қум босган, бу ерда кенгайиб ва яссиланиб кетган ўзан ичига тушдик.

Узбойнинг жарлар ўпириб кетган лабида пахса деворли бинонинг емирилиши натижасида ҳосил бўлган тепалик турарди. Пойдевор, ўлчами 30х30х5 сантиметрли, бир неча қатор қилиб терилган квадрат шаклидаги пишиқ ғиштдан иборат эди. Узбой ёқалаб бораверишда жанубда яна иккита кичикроқ тепалик бор

эди. 150 метрча нарида, соҳил ёқасидаги тақирларда илк ўрта асрларга мансуб уй-рўзгор керамикасининг унча кўп бўлмаган айрим парчалари ётарди. Бироқ энг қизиғи – «водопровод» эди. Бу тор новнинг гишти айна юқоридаги бинонинг гиштидан бўлиб, айрим жойларда яхши сақланиб қолганди. Водопроводнинг шарқий чеккасида сувни тортадиган воронка шаклидаги ўзига хос огиз бўлиб, унинг яқинида жойлашган кичик юмалоқ тепалик – кўриқ минорасининг қолдиқлари эди. Атрофини бутуқ ўсган қум тепалар ўраб олган кенг яп-яланг ва оппоқ тақирлар воронка шаклидаги огизга Шарқ томондан туташганди.

Тез орада водопровод нови Фарбга, Узбойга томон анча бурилганига ишонч ҳосил қилдик. Буни яна шу нарса яққол кўрсатиб турардики, водопроводга параллель равишда баъзи жойларда уни кесиб ўтувчи иланг-биланг чуқур жарлик кетган бўлиб, у водопровод ишдан чиққандан сўнг ҳосил бўлганди. Инсон тартибга солмай кўйганидан кейин, сув аввалги йўналишида ўзига-ўзи йўл топиб кетади. Манзара айтарли аён бўлиб қолди. Узбой бўйидаги иншоот харобалари – ўзига хос «сардоба», яъни сув тўплайдиган цистернадан бошқа нарса эмасди. Тақирларда йиғилиб қолган ёмғир ва қор сувлари канал орқали ана шу цистернага келиб тўпланарди. Цистерна атрофидан топилган нарсаларнинг хусусиятлари ва жойлашиши илк ўрта асрларда бу ер карвонлар бакети бўлган деган хулосага келиш имконини берарди. Буларнинг ҳаммасини бирга кўшиб ҳисоблаганимизда шу нарса шак-шубҳасиз бўлиб қолардики, «Оқяйла водопроводи» ишлаб турган вақтда Узбойда сув бўлмаган. Бу масалада Коншин ҳақ бўлиб чиқди.

Соат 14-у 58 дақиқада Оқяйладан учиб кетамиз. Узбой ёқалаб орқамизга қайтар эканмиз, илгариги кузатишларни яна бир текшириб чиқдик. Узбой бўйида унинг тубидаги юқорида зикр қилинган далалардан ташқари, на ирригация ва на турар жой излари

борлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Кугунакнинг шимолроғида ўзан давом этган сари саёзлашиб, уни теварак-атрофдаги муҳитдан ажратиш шунчалик қийинлашиб борарди. Соат 15-у 58 дақиқада Чоришли қудуқлари ҳудудидан ўтамиз. Ирригация излари батамом ноаниқ бўлиб кетади. Қадимий Сарикамиш кўли соҳилларининг тик тушишидан ҳосил бўлган деворлар тепасида парвоз қиламиз. Ҳаёт асари бўлмаган қорамтир-кулранг Сарикамиш чуқурлиги устидан учиб ўтамиз.

Ўнгдаги тепаликда, улкан қора тақирлар ортида Қўйқирилганқалъа офтоб нурида яна қайтадан ярқираб кўрина бошлади.

Пастдаги жойнинг ранги ва хусусиятлари ўзгариб кетса-да, бироқ у бир текислигича ва жонсизлигича қолаверарди. Гоҳ сийрак буталар билан қопланган, гоҳо тамомила яп-яланг оқ ва кулранг ғадир-будир тақирлар устидан учиб ўтамиз. Бу ерда инсон фаолиятдан дарак берувчи бирон нарса йўқ эди. Соат 16-ю, 14-20 дақиқаларга келгандагина ҳозирги Сарикамиш кўли яқинида маданиятнинг заиф изларини, ўтов қолдиқларини ва унинг ёнидаги кичкинагина лой деворни кўрдик. Орадан 4 дақиқа ўтгач, ғарбдан билинар-билимас бўлиб қолган изларни пайқаймиз, икки дақиқадан кейин худди шунақа ариқлардан иккинчисига кўзимиз тушади.

Соат 16-ю 35 дақиқа. Остимизда – Сарикамиш. Шимолда зангори сув ойнадек ярақлайди. Ундан пастроқда қуриб қолган кўлнинг оппоқ шўрхок туби торс-торс ёрилиб кетиб, бир неча метрли улкан кўп қиррали шакллар ҳосил қилган бўлиб, бу тақир эртақлардагидек жуда ажойиб-ғаройиб манзара касб қилганди.

Соат 16-ю 48 дақиқа. Бу гал қадимги кўлнинг шимолий қирғоғи ҳосил қилган деворлар сари учамиз. 4 октябрдаги парвоздан бизга таниш бўлган Бутентов тепалиги рўпарамизда эди. Тўсатдан жойнинг аҳамияти тамомила ўзгариб кетди. Тоғларнинг этакларида

бирин-кетин чўзилиб кетган катта-кичик ариқлар, кўрғонлар, иморатлар ва кўраларнинг харобалари тобора қалинлашиб борарди. Биз яна Дарёлиқ водийсининг, сўнги ўрта аср шаҳарлари – Вазир ва Одиқ музофотларининг «қадимий суғорма ерлари» устида учиб борамиз.

Соат 17-ю 26 да Девкесган яқинидаги «аэродром»-га кўнамиз».

Иш натижалари шубҳага ўрин қолдирмади. Геологлар билан тарихчилар ўртасидаги баҳсда геологлар ютиб чиқди. Бартольд эса ноҳақ эди. Сўнги ўрта асрларда Узбойда сув оқмаган. Узбойдаги харобалар, Обручев ўйлаганидек, қачонлардир бу ерда истиқомат қилган аҳолининг турар жойларидан қолган излар бўлиши мутлақо мумкин эмас. Булар – Урганчдан Фарбий Хуросонга борган илк ўрта асрларга мансуб карвон йўлининг излари бўлиб, ҳозир ҳам Хоразмдан Қизилравотга олиб борадиган карвон сўқмоғи ана шу трасса бўйлаб ўтади.

Узбойда қадимги замонда ҳам деҳқончилик бўлмаган. Афтидан, Хоразмда деҳқончилик расм бўлмасдан олдинроқ сув оқмай қўйган бўлса керак; Геродот ва араб муаллифлари, айниқса, Мақдисий ҳикоя қилган ноаниқ ривоятлар ана шунга шама қилади.

Бу ўринда Геродотнинг Акес (Окс – Амударё) ҳақидаги қиссасини эслатиб ўтамиз; унда аллақандай бир подшо тоғларнинг оралиқларидан ўтадиган йўлларни тўғон билан бекитиб, хоразмликларга қарашли бу дарёни тўсиб қўйганлиги, бунинг натижасида улкан кўл (Орол кўли эканлиги равшан) ҳосил бўлганлиги ва бир қанча музофотлар (буларни Узбой зонасида дея ҳисобламоқ керак) сувсиз қолганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Яна Мақдисий Амударёнинг оқимини тескари буриб юборган (бунинг натижаси ўлароқ Узбойнинг қадимги замонда аҳоли ўрнашган жойлари бўшаб қолган) аллақандай бир подшо тўғрисида ҳам ҳикоя қилади.

А. С. Кесь «Русло Узбой «номли ўз асарида Узбой тўғрисида қуйидагиларни ёзади: «Оқимнинг бу тарзда ўзга-

риши (*Сариқамиш-Узбой томониға – У. Б.*) шунга олиб келардики, дарё дельтасининг пастидан оққан бўларди ва бунинг натижасида Хива воҳаси кўп асрлардан бери суғорма деҳқончилик билан шуғулланиб келган аҳоли билан бирга сувдан, бинобарин, ҳаёт манбаидан маҳрум бўларди. Шу сабабли инсон табиатнинг бу ўзгарувчан мувозанатини сунъий чоралар билан сақлаб қолишга уринган ва бу билан, эҳтимол, Узбой дарёсининг қайтадан пайдо бўлишига йўл қўймаган бўлса керак».

Бу «сунъий чоралар»га, аввало, сунъий суғориш тизимлари киради. Сунъий суғориш тизими бу ерда жорий қилинган вақтдан бошлаб бу телба дарё тарихида унинг бир текисда оқишини таъминлайдиган регулятор вужудга келди, инсон меҳнати туфайли дарё бир жойда гўё тийиб турилди.

Ирригация тармоғининг барпо қилиниши Узбойнинг қуриб қолиши сабаби сифатида халқ ёдида қолиши бежиз эмас. Сувнинг ирригацияга жуда кўп миқдорда сарф бўлиши Сариқамишга сув қўйилмай қолишига ва сувнинг ўша вақтдан эътиборан сира қайта оқмаган Узбойга оқиб туша олмайдиган даражага келиб қолишига сабаб бўлган деб тахмин қилиш учун ҳамма асослар бор.

Сувнинг Узбойдан иккинчи марта оқмай қўйганлиги тўғрисидаги фикр гарчи тахмин бўлса-да, бу воқеадан атиги бир авлод илгари яшаб ўтган Абулғози бунини ишонч билан ҳақиқат дея ҳисоблайди. Хўш, мўғуллар замонидан кейин «Амударёнинг бурилиб кетганлиги тўғрисидаги афсона қаердан келиб чиққан?»

Бу саволнинг жавоби равшан. Амударё ҳақиқатан ҳам «бурилган», аммо «Каспий денгизига қараб бурилган» эмас. Бунда Амударёнинг ирмоқларидан бири – Дарёлик Сариқамиш кўлига қараб оққан. Абулғозининг ҳикояси Узбойга эмас, балки Дарёлик ва Сариқамишга тааллуқлидир. Сўнгги ўрта асрларда Дарёлик соҳилларида то қадимий Сариқамишнинг қирғоқларига қадар ниҳоятда авж олган деҳқончиликнинг излари сезилиб турадики, бу ҳол ҳаётдан ном-нишон

бўлмаган Узбой соҳиларидаги чўлларга тамомила зид эди. А. С. Кесь улкан Сариқамиш кўлини тилга олишни «унутган» Абулғозининг ҳикояси афсонавий аҳамиятга эга деганда ҳақ эди; Сариқамиш кўлининг мавжудлиги Узбойга сув оқшининг қатъий шарти бўлиб, бу кўл Абулғози тасвирлаган йўналишда жойлашган бўлиши керак эди.

Абулғози тўпланган ривоятларда Дарёлиқ водийси ва Сариқамиш соҳиларининг чиндан ҳам обод бўлганлиги (бу ободлик XIII асрда Амударё сувининг бир қисми Сариқамишга оқа бошлаганлиги билан боғлиқ) тўғрисидаги хотиротлар, яъни чиндан ҳам «дарёнинг фарбга бурилганлиги» тўғрисидаги хотиротлар халқнинг тарихдан олдинги даврларга оид ғира-шира афсоналари билан, шунингдек, Абулғозининг Узбойдан олган шахсий таассуротлари билан қоришиб кетган.

Ҳақиқатни олганда, Узбой устида учиш Узбой тўғрисидаги афсонанинг қандай келиб чиққанлигини ҳаммадан кўра яхшироқ кўрсатиб беради. Ташқи кўринишидан Узбой, ҳақиқатан ҳам, кечагина оқишдан тўхтаган дарёга ўхшайди. Фақат Қуйи Узбойдагина эмас, балки Ўрта Узбойда ҳам баъзан бир неча ўн километрга чўзилиб кетувчи сув ҳақиқатан ҳам оқиб турган дарёга жуда-жуда ўхшаб кетарди. Аммо бу дарё эмас, балки Устюртдан оқиб тушувчи ёмғир ва қор сувлари ҳисобига тўлиб турадиган кўллар тизимигина эди, холос.

Афтидан, Абулғози Узбойнинг XIV – XVI асрларда обод бўлганлиги тўғрисидаги ҳикоясида унча ҳам ноҳақ бўлмаган. Мана, унинг сўзлари: *«Ўғурчига қадар Амударёнинг ҳар иккала соҳилида шудгорлар, тоқзорлар ва дарахтзорлар бўлган. Баҳорда аҳоли баланд жойларга кўчиб кетган; пашшалар ва сўналар пайдо бўлганда чорвадор кишилар узоқдаги, дарёдан қарийб икки кундуз кунлик йўл наридаги қудуқлар атрофига кетиб қолганлар; сўна йўқолганда эса улар яна дарё соҳилига кўчиб келганлар».*

Бу ўринда Узбой қудуқлари ва кўллари атрофларини макон қилиб олган кўчманчи туркман аҳолиси тўғрисида гап бормоқдаки, Узбой тубидаги шудгорларнинг излари ана шу аҳолидан қолган ёдгорликдир. Токзорлар ва дарахтзорлар ҳам бўлган, бироқ улар ўғурчи ёнида эмас, балки Сарикамиш ёнида тугаган.

Бизнинг фикримизча, Узбой муаммоси тарихчиларнинг бўйнидан соқит қилиниб, географлар, геологлар ва ибтидоий жамоа билан шуғулланувчи археологлар зиммасига юкланиши керак. *(Кўлингиздаги китобнинг русча нашри чиққанидан (1948 йил) кейин бизнинг экспедициямиз Узбойнинг қадимги ўзани зонасида бир неча маротаба бўлиб, тадқиқот ишлари ўтказди. 1950 йилда ўзаннынг юқори қисмини то Оқяйла қудуғига қадар ерда юриб текширдик. 1951 йилда экспедиция автомашиналарда Узбой этакларидан йўлга чиқиб, ўзан бўйлаб Сарикамиш чуқурлигигача етиб борди. 1952 йилда юқорида тилга олинган Талайхонота карвонсаройида ва Кугунак тепалигининг теварак-атрофларидаги ибтидоий одамлар маконида ўтказилган қазималар юзасидан стационар ишлар қилдик, яъни шу ерда ўрнашиб олиб, маълум вақт давомида Узбойнинг ўрта қисмини қайтадан муфассал текшириб чиқди ва қадимги замоннинг охирига мансуб Игдиқалъа истеҳкомининг харобалари топилди. Бу истеҳкомлар 1956 йилда текшириб кўриш мақсадида қазилди. 1952–54 йилларда экспедиция Сарикамиш чуқурлигининг ён багирларидаги, шу жумладан, Узбой ўзанининг манбаи ҳудудидаги сугориш иншоотларини (булар дастлаб 1950 йилда топилган эди) текшириб чиқди. Бу тадқиқотларнинг ҳаммаси юқорида биз баён қилган хулосаларни тасдиқлади. Аммо Узбой ва Сарикамиш ҳудудини синчиклаб ўрганиш натижасида биз бу хулосаларга бир мунча аниқлик киритдик. Дарҳақиқат, неолит даврида – янги эрадан аввалги 3 мингйиллик охири ва 2 мингйиллик боши-*

да – IV (балки V) асрда Узбой соҳилларида бошдан-оёқ аҳоли яшаганки, бу ҳол ўзан бўйлаб доимий равишда сув оқиб турганлигидан далолат беради. Янги эрадан аввалги иккинчи мингйилликнинг ўрталарига ва иккинчи ярмига мансуб бронза даври қишлоқлари яккам-дукам учрайди; бу эса Узбойнинг суви қурий бошлаганлигини билдиради. Антик даврга мансуб материалларнинг янада кам топилганлиги ўзандан сув бутунлай оқмай қўйганидан дарак беради. Ўрта асрлар ёдгорликлари тўғрисида гапирганда ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Бироқ янги эранинг IV ва V асрлари оралигида ҳамда XIV ва XV асрлар оралигида сув ўзанга уриб кетиб, жуда қисқа вақт мобайнида оқиб турган бўлса керак, дея ҳисоблаш учун иккита далил бор. Бу далиллар юқорироқда тилга олинган Игдиқалъа ва Узбой манбаидаги ўрта асрларга мансуб сугориш иншоотларидир. Игдиқалъа Хоразмда қулдорлик тузумининг емирилиши билан боғлиқдир; шундай экан, тузумнинг емирилиши билан боғлиқ ҳолда сугориш тармоқлари ниҳоятда қисқариб кетган, натижада Амударё сувининг ортиқча бир қисми қадимги ўзан бўйлаб оқиб кетган бўлиши ҳақиқатдан холи эмас).

Дарёлик ва Сарикамиш билан боғлиқ масалалар мажмуаси нақд тарихий муаммолардан биридир. Ҳозир бу тарихнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш мумкин. Мўғуллар истилоси Хоразмнинг ирригация тизимини вайрон қилиб, Қуйи Амударёнинг икки минг йил давомида қарор топиб келган режимининг ҳақиқатан ҳам бузилишига олиб келди. Ирригацияда фойдаланилмаган ортиқча сувнинг бир қисми фарб томонга, Дарёликнинг эски ўзани бўйлаб Сарикамиш кўлига уриб кетди.

Худди шу ерда, Хоразмнинг энг фарбий чеккасида XIII – XIV асрга келиб деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг янги ўчоғи вужудга келди. Бу давлатнинг юксалиши Олтин Ўрда давлатининг иқтисодий, сиё-

сий ва маданий тарихида Хоразмнинг бу қисмининг ўйнаган роли билан боғлиқ бўлди. Ана шу давлатда ҳукм сурган варварлар Хоразмнинг маданий анъаналарини ўз мақсадларида ишлатишдан манфаатдор эдилар. Янги-янги шаҳарларни – Волгада Ўрда хонларининг пойтахтларини барпо қилиш лозим эди. Ўрданинг босқинчилик юришларидан янада бойиб олган сон-саноқсиз зодагонлар учун кенг истеъмол моллари ва зеб-зийнат буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш даркор эди; ниҳоят, нон, мева ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари керак эди.

«Олтин Ўрда маданияти» дея аталган маданият аслида Волгага олиб келинган Хоразм маданиятидан бошқа нарса эмаслигини А. Ю. Якубовский «Развалины Ургенча» ва «Сарай Берке» номи асарларида ишонarli қилиб исбот этиб берди. Олтин Ўрда татарларининг (аслида *мўғулларнинг* – У. Б.) гўё юксак маданий савияда бўлганлиги тўғрисидаги афсоналар ҳеч қандай асосга эга эмас. Реакцион, талончи, ярим қулдор варвар Олтин Ўрданинг мавжудлиги ҳарбий ва хазинавий босқинчиликка асослангани сингари, бу давлат ёдгорликларининг бутун ташқи ялтироқлиги ҳам бошқалардан ўғирланган эди. Бу ўғирланган улуғворликнинг асосий манбаи сифатида Олтин Ўрда хонларига зарур бўлган Урганч кул ичидан яна бош кўтариб чиқиш ва йирик ҳунармандчилик ва савдо марказига айланиш имкониятига эга бўлди.

Тахминан 1340 йилда Хоразмда бўлиб, Жанубий Хоразм аҳолисининг жуда камайиб кетганлиги тўғрисида бизга маълумот бериб кетган Ибн Баттута айни вақтда Урганчнинг улуғворлигига қойил қолади ва уни «туркларнинг шаҳарлари ичида» энг каттаси ва ҳашаматлиси деб атайди. Археология ёдгорликлари ҳам шундан далолат беради. Урганчнинг мусулмон диний ёдгорликларининг каттагина қисми, масалан, нафислиги билан кишини ҳайратда қолдирувчи Тўрабекхоним мақбараси, улкан «катта минораси» (бўйи 62 метр),

Нажмиддин Кубро мақбараси – буларнинг ҳаммаси Ибн Баттута саёҳат қилган замонга оиддир. Урганч усталари ва рассомлари, Ўрда хони Қутлуғ Темурнинг қароргоҳлари Хоразмшоҳлар давридаги Хоразм бадий маданиятининг босқинчиларнинг авлодлари хизматига тайёр қилиб қўйилган анъаналарини ривожлантирадилар.

Бу воқеалардан сал илгари Хоразмнинг сиёсий жиҳатдан қайта уйғонишининг баъзи бир аломатлари пайдо бўлди. Куликово жанги туфайли Олтин Ўрданинг инқироzi ва парчаланиши тезлашиб кетди. Хоразмдаги нуфузли қабилалардан бири – Қўнғирот қабиласининг ҳокимлари ана шу воқеалардан фойдаланиб бу ерда «Қўнғирот сўфийлари» деган маҳаллий сулолани вужудга келтирадилар.

* * *

Узбой-Сариқамиш йўналиши вақтида биз текширган шаҳарларнинг бир қанчаси XIV асрда обод бўлган.

Эски Вазир яқинида, Устюртнинг бу ерда қиялаб борадиган шарқий ён бағрида жойлашган ва ҳозир Шамоҳақалъа дея аталадиган йирик шаҳарнинг вайроналари, айниқса, салобатли эди. Аслида бу – илк ўрта асрларга мансуб шаҳар қалъа бўлиб, бир замонлар улкан буржлари бўлган тўғри тўртбурчак шаклидаги баҳайбат деворлар билан ўраб олинган. Афтидан, бу шаҳарни мўғуллар ер билан яксон қилган. Деворларнинг буржлар оралиғидаги қисми бузилиб кетган бўлиб, қатор тизилиб кетган тўғри бурчакли ва юмалоқ шаклдаги истеҳкомлари ҳеч қачон тикланмаган бўлса-да, у XIV асрга гуркираб ўсди. Самолётдан қараганда, Шамоҳа ажойиб манзара касб этади: ўргимчак инига ўхшаш кенг ва тор кўчалар қадимий истеҳкомлар чизиғидан қандай ошиб ўтганлигини, шаҳар ғарб, шарқ ва шимол томонларга қараб қай тарзда кенгайиб борганлигини кўриб турардик. Мўғуллар истилосидан кейинги шаҳар лойиҳаси жуда яхши сақланиб

қолган. Уйларнинг баъзи жойлари яхшилаб силиқланган, баъзи жойлари маълум бир шаклга эга бўлмаган бесўнақай тош плиталардан ишланган деворлар анча баланд жойларигача сақланиб қолган. Бир неча қатор устунлар билан қуршаб олинган ҳовлиси бўлган шаҳар марказидаги масжиди жоме (устунларнинг пирамида шаклида сақланиб қолган пойдеворлари пастга қараб поғона-поғона бўлиб тушарди), шаҳар ташқарисидаги бошқа бир улкан масжид, яққол сезилиб турган ҳунарманд мавзелари (кулолчилик чиқиндиларининг сон-саноксиз уюмлари билан тўлган кулолларнинг мавзелари ҳамда темир қуювчи ва темирчиларнинг темир парчалари билан қопланган яшаш жойлари), шаҳарнинг теварак-атрофини қуршаб олган кўплаб тош ва ғиштин мақбаралар – буларнинг ҳаммаси кишида қуббаси босиб қолган ва, айниқса, салобатли қилиб безатилган эди. Шу жой яқинидан биз устунлардан бирининг тошдан ясалган қошини топдик, қошнинг кунгурасида шер ниқоби бор эди.

Шамоҳадан ниҳоятда кўп нарса топилди. Қисқа вақтли кузатув давомида биз безак мотивлари ва рангларининг хилма-хиллиги билан кишини ҳайратда қолдирувчи юзлаб фрагментларни топдикки, булар ниҳоятда бой безакка эга бўлган сирланган идишларнинг фаянс ва чинни парчалари эди. Шамоҳа харобаларини ўрганишни бундан буён ҳам давом эттириб, катта кашфиётлар қилиш мумкин. Қазिशма ишлари мунтазам равишда ва тегишли миқёсда олиб борилгудек бўлса, қадимги дунё ёдгорликлари ичида Тупроққалъа қандай ўринни ишғол қилса, эҳтимол, Шамоҳа ҳам Ўрта аср обидалари орасида ана шундай мавқега эга бўлар (1947 йилда Устюртдаги бурун тепасидаги Шамоҳақалъанинг теварак-атрофидан ишларимиз бошлангандан буён биринчи дафъа жуда кўп гўртепаларни ўз ичига олган Чочтепа қабристонини топдик. Гўртепаларнинг атрофини ўраб олган девор ичидаги тўғри тўртбурчакли «сахна»га икки томондан кирила-

дизан йўл бор эди. Кейинчалик қўйи Сирдарё ҳавзасидаги гўртепа мажмуаларини текшириш ҳамда 1963 йилда Чочтепа гўртепаларида кузатув қилиш мақсадида ўтказилган текширишлар шундай хулосага келиш имконини бердики, зикр қилинган мажмуани янги эрадан аввалги биринчи мингйиллик ва эрамизнинг биринчи мингйиллиги оралигидан тортиб эрамизнинг IV–V асрларигача бўлган даврга мансубдир, дея ҳисоблаш мумкин (бу сана нари-бери сурилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас). Афтидан, бу жойга юқорида қайд этилган қадимги Девкесган қалъасида истиқомат қилган кишилар кўмилган бўлса керак. Бу қалъанинг архитектураси кўп жиҳатдан Жангадарё ҳавзасидаги сак шаҳарлари архитектурасига яқинлашиб кетади. Чочтепанинг дафн иншоотлари ҳам Жангадарёдаги сакларнинг гўртепаларига анча-мунча ўхшайди. Ҳар ҳолда, Девкесган – Чочтепа – кейинги апасиак қабилалари ўрнашган жойлар бўлиши керак. Полибий (янги эрадан аввалги II аср) қабилаларнинг Узбой орқали жанубга – Гераконияга (Гурган ҳавзаси) юришлари тўғрисида хабар қилади).

Бу шаҳарни тилга олган манбалар берган маълумотга кўра, Одоқ шаҳри Вазирдан Хуросонга борадиган йўлда, катта сув ҳавзаси соҳилида жойлашган бўлиб, Одоқнинг ўзбек хони Шайбоний томонидан 1488 йилда олиниси тўғрисидаги шеърӣ ҳикоя муаллифи бу ҳавзани «Қора тенгиз» («Қора денгиз») деб атайти. В. В. Бартольд уни Узбой Сарикамиш пастигидан чиқадиган жой атрофидан қидириш лозим деб ҳисоблайди. Аммо у ерда харобалардан асар ҳам йўқ. Бизнинг ўйлашимизча, афтидан, умри жуда қисқа (чунки XVI аср воқеалари тасвирланган матнлардаёқ бу шаҳар тилга олинмайди) бўлган ана шу шаҳар эски Куружаўзак ўзани яқинида, жанубий ғарбий Бутенов Чинки остида, Сарикамиш кўли соҳилининг яқингинасида жойлашган Оққалъа ва Оқчақалъа деган катта харобаларда жойлашган. Дарёлиқ ирригация тизимига кирувчи

шаҳарлар ичида энг чеккадагиси бўлган бу шаҳар ўрнашган жойинга кўра «Одоқ» деб берилган номга бошқа бирон-бир ҳудуддан кўра кўпроқ лойиқдир.

Оққалъа – хандақ билан ҳамда ўлчами 24x24x6 сантиметрли хом ғиштли девор билан ўраб олинган бўлиб, пахса пойдевор устидаги бу девор жуда яхши сақланиб қолган; бир-бирига яқин масофада жойлашган буржларнинг икки қават кичик шинаклари бор эди. Ичкаридаги хом ғишдан ишланган девор тирговучлари бир-бирига яқин масофада девор ёқалаб кетганди. Ўрта асрларга оид Вазир деворларидан бизга таниш бўлган бу усул Хоразм архитектураси яқин-яқин вақтларгача сақланиб келган. Шаҳар ўқини давом этдирувчи шаҳар атрофи унга шарқ томондан туташган бўлиб, у ҳам худди шаҳарники сингари, аммо ёмонроқ сақланиб қолган девор билан ўраб олинган.

Шаҳарнинг шарқ томонида (худди Вазирдаги сингари) ўртасида ғиштин шийпони бўлган ажойиб боғ (парк) мажмуаси жойлашган эди. Теварақда шаҳар яқинида ўзандан ажралиб чиқиб кетувчи каналларнинг тармоқлари атрофларида кўплаб қўрғонлар ёйилиб ётарди.

Оққалъадан йиғиб олинган керамика материали, шунингдек, меъморчилиги ҳам, Вазир ва Шамоҳанинг сўнгги қатламга мансуб бўлиш билан бизнинг идентификациямизни қувватлайди. Вазир ва Шамоҳага қарама-қарши ўлароқ, бу шаҳарнинг бир қатламли эканлиги ва жуда қисқа вақт мавжуд бўлиб турганлиги ҳам ана шу идентификацияни тасдиқлайди.

Дарвоқе, бизнинг фикримизча, шаҳар XVI асрда ҳам мавжуд бўлган, аммо бошқа ном – Янгишаҳар деган ном остида тилга олинади. Чиндан ҳам, бўм-бўш ерда қад кўтарган Оққалъа, қадимий негизда ривож топган Вазир ва Тирсакка қарама-қарши ўлароқ, ўз замонасига нисбатан «янги шаҳар» эди. Туркийча Одоқ («оёқ» – «қуйи оқим») ва Тирсак («кўлнинг тирсаги» – «дарё буриладиган жой» маъносида) номлари дастлаб ўзининг табиий белгилари билан теварақ-атрофдан ажралиб

турган жойнинг номи бўлиб (Тирсак-Шамоҳа Устюрт ичига чуқур кириб борган «қўлтиқ» нинг қоқ ўртасида жойлашган), Одоқ шаҳарнинг атоқли номи Янгишаҳар бўлган, XV асрда рўй берган воқеалар тўғрисида ҳикоя қилувчи манбаларда эса шаҳар музофотининг номи билан аталган (фақат илк ўрта асрларнинг муаллифларигина эмас, ҳатто Ибн Баттута ҳам «Урганч шаҳри» дейиш ўрнига ҳар доим «Хоразм шаҳри» дейди).


Фарбий Дарёлиқ Хоразмнинг XV – XVI асрлардаги тарихи муҳим, аммо қисқа тарихий ҳодисадир. Биз биламизки, XVI асрда ва XVII аср бошларида Хоразмнинг феодал бўлиниши жараёнида алоҳида бўлиб ажралиб чиққан бу ҳудуд туркий (туркман ва ўзбек) ҳамда туркийлашган Хоразм элементлари, айниқса, жадаллик билан чатишган бир масканга айланиб, анча йирик сиёсий аҳамият касб этди. XVI аср бошида Вазир Хоразмда ҳокимиятни ўз қўлига олмоқчи бўлган форсларга қарши кўтарилган халқ кўзғолонининг ташаббускори ва маркази бўлди. Берка Султон авлодларидан таркиб топган янги ўзбек сулоласи дастлаб Вазирда мустаҳкам ўрнашиб олди, ўзбекларнинг Хоразм устидан ҳукмронлиги шу ердан ёйилди; шундан кейин Вазир кўп марта лаб Урганчнинг рақобатчиси сифатида майдонга чиқди, бир неча марта хоннинг қароргоҳига, мамлакатнинг пойтахтига айланди.

Бироқ Вазир таърифини бизга ёзиб қолдирган ягона муаллиф – Антоний Женкинсон (1558 йили у шу ерда бўлган эди) шаҳар ва унинг атрофидаги музофот тез орада ҳалокатга учрайди дея тўғри башорат қилган эди: «Бутун бошли бу мамлакат фойдаланадиган сув Оксус дарёсидан ажралиб чиқадиган ариқлардан олинадик, бунинг натижасида дарёнинг суви ниҳоятда камайиб кетади; шунинг учун ҳам у энди, ўтган замонлардагидек, Каспий денгизига (*Сариқамиш кўлига, деб ўқинг* – У. Б.) қуйилмайди. Яқин келгусида Оксус суви етишмай қолганда бу ўлка бошдан-оёқ хароб бўлиб, сув тақчиллиги туфайли чўлга айланса керак».

Жанубий ва Ўрта Хоразмнинг мўғуллар истилоси натижасида вайрон бўлган ирригация тармоғининг аста-секин қайта тикланиши туфайли Дарёлиққа қуёйлиб турган сув миқдори камайиб кетди. Дастлаб сув Сариқамишга етиб келолмай қолдики, бунинг натижасида Одоқ илгарироқ ҳалокатга учради, шундан кейин Дарёлиқнинг сувини ичган ҳамма ҳудудлар – фақат Вазир эмас, Урганч ҳам сувнинг кескин суратда камайиб кетганлигидан азоб чека бошлади. Ирригация тармоғини батамом қайта тиклаш, бевосита Амударёнинг бош ўзанидан сув олувчи улкан магистраллар барпо қилиш талаб қилинарди. Аммо ўша замоннинг тарихий шароитида бундай ишларни амалга оширишнинг ҳеч қандай иложи йўқ эди: XVI асрда Хоразмнинг феодал тарқоқлиги авж олган бўлиб, у ўзбек шаҳзодаларининг кети узилмас феодал низолари натижасида муттасил равишда қўлдан-қўлга ўтиб юрувчи алоҳида мулкларга ажралиб кетган эди.

XVII асрда ҳам Вазир аянч аҳволда яшашда давом этди, чуқур инқирозга юз тутган Урганч сингари, у ҳам хон тахтига даъво қилувчи феодал элементлар учун таянч бўлиб хизмат қилди. Айни вақтда ўлканинг сиёсий маркази Жанубий Хоразмнинг энг йирик шаҳрига – Хивага кўчади. Ниҳоят, Хоразмдаги ўзбек ҳукмдорларидан энг машҳури, хон ва тарихчи Абулғози мамлакатни бетараф қилишга қаратилган қатъий сиёсат юргизиб, Вазир ва Урганч аҳолисининг қолган-қутганини Жанубий Хоразмга кўчиради. Ана шу вақтда кўчиб кетган аҳоли бу ерда Хоразм воҳасининг энг йирик шаҳри бўлмиш Янги Урганчни – бугунги Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти марказини барпо қилди.

Шу тариқа, XVII асрнинг иккинчи ярмида Вазир музофотининг бўшаб қолиши – Хоразмнинг вақт жиҳатидан энг сўнги «қадимий суғорма ерлари»нинг вужудга келиш жараёни тугади.



ХОТИМА

Қадимий Хоразм бўйлаб қилган саёҳатимиз тугади. Энди босиб ўтган йўлга бир назар ташламоқ керак. Аввало, қўлимиздаги маълумотларнинг камлиги эътиборни жалб қилади. Қадимги ва Ўрта асрлар Хоразмининг «жонсиз шаҳарлари солномаси»да нуқсонлар дам-бадам учраб туради, унинг ҳали бизнинг тишимиз ўтмайдиган саҳифалари тўлиб-тошиб ётибди. Аммо гарчи мукаммал бўлмаса ҳам, бундай солнома бор ва биз уни, асосан, ўқиб чиқдик.

Ёзув бўлмаган тақдирда, уларнинг вазифасини моддий буюмлар бажара олиши мумкинлиги яна бир қарра исбот бўлди.

Хоразм тарихининг учта катта даври, жумладан, бундан ўн йил муқаддам ҳеч нимаси ёки қарийб ҳеч нимаси бизга маълум бўлмаган икки даври кўзимиз ўнгидан бирин-кетин ўтди. Учинчи даврнинг тарихий манзарасини ёзма ёдгорликлар етарли даражада яхши ёритиб турса-да, биз бу даврга оид янги-янги тафсилотларни қўлга киритдикки, улар солномаларнинг саҳифаларида кўзга чалиниб қолувчи аралаш-қуралаш сана ва номларнинг ҳамда ҳуқуққа оид ҳужжатлардаги чалкаш-чулкаш атамаларнинг замирида яшириниб ётувчи воқеаларнинг маъносини дурустроқ англашга, жамият тараққиётининг яширин ички сирларини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Энди шу нарса равшан бўлдики, мўғуллар томонидан вайрон қилинган XII – XIII асрлардаги Хоразм империяси, баъзи тарихчилар даъво қилганидек, тасодифий сиёсий найрангларнинг муваққат маҳсули эмасди, «номи улуг, супраси қуруқ» бир давлат эмасди. Тўғри, у мўғул истилосига бардош бера олмади. Лекин шуни унутмаслик керакки, унинг ўзига ҳам ўнлаб катта-кичик давлатлар, чунончи, Улуғ Рус ва қудратли Закавказье давлати, Тамара ворисларининг Грузияси бардош бера олмади.

Хоразмнинг тақдири кўп жиҳатдан ана шу давлатлар тақдирига ўхшаб кетади. XII асрда Хоразм ҳам (Урганч паноҳида), Русь давлати ҳам (Владимир паноҳида) ва Грузия ҳам (Тбилиси паноҳида) иқтисодий юксалиш, шаҳарларнинг равнақи, феодал тарқоқликнинг тугатилиши, чегаралардаги кўчманчи қабилалар муваффақият билан бетараф қилинмоқда ва илғор давлатнинг сиёсий таъсири доирасига тортилмоқда эди. Қайд қилинган ҳамма давлатларда ҳам бу жараённи мўғулларнинг ҳалокатли юриши тўхтатиб қўйди. Мўғул истилоси фақат ҳарбий вайронагарчиликлар келтириш билангина даҳшатли бир махлуқ каби, забт қилинган мамлакатларнинг сиқиб сувини ичувчи ҳарбий-қулдорлик варвар давлати ҳокимиятининг ўрнатилиши билангина кифояланиб қолмади. Булардан ташқари, мазкур истило яқиндагина муваффақият билан бартараф қилинган феодал тарқоқликка қайтишга, истилочиларга таянган ҳолда ўз халқига қарши иш тутувчи ва келгиндиларнинг куч-қувватидан ўзининг тор шахсий манфаатларини амалга ошириш йўлида фойдаланувчи, яқин ўтмишда таноби тортиб қўйилган феодал зодагонлар мавқеининг мустаҳкамланишига, халқни феодал усулда эксплуатация қилишнинг энг қаттиқ ва реакцион, ярим қулдорлик формаларининг қайта тикланишига олиб келди.

Тарих фидирагининг кейинги айланишлари Хоразм империясининг юксалиши тасодифий бўлмаганлигини, бу юксалиш Ўрта Осиё халқлари тарихий ривожининг тараққийпарвар анъаналарига мос бўлиб тушганлигини кўрсатди. XIV асрда юксалиб келаётган ва насл-насаби жиҳатидан мўғулларга боғлиқ бўлган қудратли феодал бирлик – Олтин Ўрда ҳамда шу даврдаги Амир Темур салтанати сиёсат соҳасида ҳам маълум даражада Хоразмшоҳлар империясининг анъаналарини давом эттирадилар...

Мўғуллар ўзлари босиб олган улкан ҳудудда устувор сиёсий бирлашма вужудга келтиришга қодир

эмасдилар. «Мўғуллар империяси» Чингиз набиралари давридаёқ амалда бир-бирига бўйсунмайдиган улусларга бўлиниб кетди. Истилочиларнинг авлодлари аввалдан ўрнатилган иқтисодий ва сиёсий алоқалардан қай даражада фойдаланишга муваффақ бўлган бўлса, бу улусларнинг ўзидаги устуворлик ҳам шу даражада эди, холос. Мўғуллар ҳамма жойда анъаналари мўғуллар истилосидан аввалги замонлардан бошланувчи маҳаллий сийсий бирлашмалар танасида буқоқ сингари ортиқча ва текинхўр бир нарса бўлиб келдилар. Юань империяси Хитойнинг ўрта асрлардаги алоқаларидан фойдаланган бўлса, Хулагухон Эроннинг алоқаларига таянди.

Дастлабки маъмунийларнинг ва уларнинг ўтмишдошлари – VIII аср африғийларининг давлати Ўзбекхоннинг империяси сиймосида кенгайган ҳолда қайта туғилди. Якубовский тадқиқотларининг кўрсатишича ва биз тўплаган маълумотлар уни тасдиқлашича, адабиётларда «Олтин Ўрда маданияти»га киритилдиган нарсалар, чунончи, ҳар иккала Саройдаги ва XIV аср Волга бўйи шаҳарларидаги хунармандлар ишлаган ажойиб буюмлар аслида Ўрта асрлардаги Урганч маданиятининг қолоқ бир нусхаси экан, холос...

Плано-Карпинининг шоҳидлигига кўра, XIII асрдаёқ туркий тил хоразмликлар ўртасида ҳукмрон тил бўлиб қолган. Бухоро ва Қўқонда то XIX асрга ва ҳатто XX асрга қадар идора ишлари форс тилида юритилган ва аксарият адабиётлар форс тилида бўлгани ҳолда, Хоразмда бу тил XVII асрдаёқ қарийб тамомила майдондан чиқиб кетди.

Орқага назар ташлар эканмиз, Ўрта Осиёда биринчи феодал монархиянинг асосий ўзаги Хоразм бўлганлиги тасодифий эмаслигини кўрамиз. «Улуғ Хоразмшоҳлар» орқасида турк дашти ва Шарқий Европа мамлакатлари билан кўп асрлардан бери хўжалик алоқалари боғлаб куч тўплаган қудратли деҳқончилик ва хунармандчилик маркази – Хоразмнинг иқтисодий

куч-қуввати турарди. Хоразмшоҳлар орқасида – ўз тарихи давомида кўп марталаб улкан қулдорлик империяларининг ўзагини ташкил этган қадимги маданият марказларидан бирининг мингйиллик тарихи турарди. Аҳамонийлар давлатининг барпо этилиши арафасида ҳам шундай бўлган эди. Македониялик Искандар истилосидан кейинги даврда ҳам худди шундай бўлди.

Ўрта асрлар бошидаёқ Хоразм жаҳон тарихи билан боғлиқ бўлган воқеаларда яна қайтадан муҳим роль ўйнай бошлади. VIII асрда, Хоразмнинг ички тарихи билан боғлиқ бўлган воқеаларнинг акс садоси ҳатто узоқ Венгриягача (бу ерда хоразмлик қочоқларнинг узоқ авлодлари тахт талашадилар) етиб борган бир даврда Хоразм Хазор давлатининг бешиги устида турди. Худди шу Хоразм Хазор давлатининг ўлим тўшаги тепасида ҳам пайдо бўлди: у булғорларга ўзининг сиёсий таъсирини ўтказиш ва ҳатто Владимир Руси устидан ҳукмронликни даъво қилиш билан Хазориянинг Волга бўйидаги мулкига кучли меросхўр бўлиб чиқди.

Биз ўз саёҳатимиз давомида Хоразмнинг Сибирь ва, айниқса, Шарқий Европа билан алоқалари ибтидоий жамоа тузумида ҳам, қадимги замонда ҳам, ўрта асрларда ҳам нақадар турли-туман ва яқин бўлганлигини кўриб чиқдик. Биз бу масала юзасидан В. В. Бартольд ва А. Ю. Якубовский белгилаб берган йўлдан боришга ҳаракат қилиб, Ўрта Осиё халқлари билан рус халқининг тарихий тақдирларини анъана бўлиб қолган услубда текширишдан – уларни бир-биридан ажратиб, алоҳида-алоҳида олиб текширишдан воз кечиш нақадар кенг имкониятлар очиб беришини ўзимиз тўплаган материаллар асосида кўрсатишга уриндик. Неолит ва бронза даврларидан бошланувчи бу алоқалар Осиё ва Европанинг асосий этник мажмуалари шакланган ғира-шира замонлардаёқ пайдо бўлган. Хетт-хуррит, фракий, тохар, скиф-сармат муаммола-

ри Ўрта Осиё ва Шарқий Европа этногенезиясига оид манбаларда айтилган бир қаторда турибди.

Янги эрадан аввалги IV аср ва янги эранинг I асри оралигида бу алоқалар ниҳоятда кучайдики, Кангха-Хоразмнинг бу даврдаги ролини ҳисобга олмасдан туриб, Қора денгиз шимоли тарихида рўй берган ҳамда сармат ва олонларнинг ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган воқеаларни илмий жиҳатдан таъбирлаш мумкин эмас. Юқорида кўриб ўтганимиздек, бу даврда Хоразм маданиятининг ана шу қабилаларга таъсири ниҳоятда зўр бўлдики, бу таъсир, жумладан, қабилаларнинг қурол-яроғ мажмуасида ва бу билан боғлиқ ҳолда ҳарбий тактикасида, Шарқий Европа халқлари халқчил кийим-бошларининг ҳозиргача сақланиб қолган мажмуалари (бу кийим-бошлардаги кўпгина элементларнинг асл ватани Хоразмдир) тарихида жуда муҳим роль ўйнади.

Бу алоқалар VIII ва IX – XI асрлардаги Хоразм-Хазор бирлашмаларининг тарихи билан боғлиқ бўлган воқеалар орқали, ўғузларнинг ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган воқеалар орқали кейинги асрларда ҳам давом этди. Айтилган вақтда Шарқий Европа ва Ўрта Шарқда ҳам рўй берган мазкур воқеалар гоҳ XI аср Хоразм христианларидаги славян колядкаларида, гоҳ XIII асрда Урганчда рус-хазор-олонлар колониясининг мавжудлигида, гоҳ Хвалин подшоҳлиги тўғрисидаги рус эртакларида намоён бўлди.

Археологлардан иборат бошқа гуруҳларнинг ишлари сингари, бизнинг экспедициямиз қилган ишлар ҳам фарб тарихчилари намояндаларининг қадимги Шарқ жамиятининг доимий турғунлиги тўғрисидаги тушунчалари тамомила пуч эканлигини кўрсатди. Бизнинг ишларимиз тарихий тараққиётнинг қадимги босқичи фақат Фарбий Европагагина хос, Шарқ эса тарихдан олдинги аллақандай феодализм гирдобидан ташқарига чиқа олмайдиган аҳволга тушиб қолган эди, деган даъволарнинг нақадар асоссиз эканлигини кўрсатди.

Эндиликда Хоразм тарихи ибтидоий жамоа тузумидан қадимги қулдорлик тузумига ўтиш тарихи сифатида кўзимиз ўнгида намоён бўладики, бу жараён қарийб қадимги Греция давлатлари вужудга келган даврга, яъни янги эрадан аввалги тахминан VIII – VII асрларга тўғри келади; аҳамонийлар Эронига қарши матонат билан кураш олиб борган, Македониялик Искандарнинг шиддатли истилоси йилларида ўз мустақиллигини сақлаб қолган ва Шарқий Европа қабиаларига зўр маданий таъсир кўрсатиб турган қудратли Хоразм давлати худди шу даврда вужудга келди.

Энди бизга аёнки, янги эранинг III – IV асрларида гуркираб ўсган қадимги Хоразм V – VI асрларда чуқур ижтимоий таназул даврига қадам қўйди; қулдорлик тузумининг емирилиши билан боғлиқ бўлган бу таназул кескин табақавий кураш ва варварларнинг истилolari билан ўтди. Бу воқеаларни ёдгорликлар якқол акс эттиради; ирригация тармоғининг қисқариб кетганлиги, бу даврда шаҳарлар ва хунармандчиликнинг тушқунликка юз тутиши, ижтимоий ҳаёт офирлик марказининг қишлоққа кўчиши, хусусий турар жойларнинг жадал суръатда истеҳкомланиши, вайрон қилинган ва ёндирилган қалъа ва қўрғонлар (баъзи жойларда деворга қадалиб қолган камон ўқларини ва тош отувчи машиналар ёрдамида улоқтирилиб, бостирмаларни тешиб ўтган катта-катта харсанг тошларни кўрдик) – буларнинг ҳаммаси бўлиб ўтган воқеаларни ҳикоя қилади.

Биз яна шу нарсани кўрамизки, V – VI асрларда Хоразмда ҳам, Европадаги сингари, тарихнинг янги даври – ўрта аср-феодализм даври бошланиб, бутун ҳаёт негизи, маданиятнинг бутун аҳамияти тамомла ўзгариб кетади. Биз қадам сайин, бир обидадан иккинчисига ўтганимиз сайин ниҳоятда варварлашган Илк ўрта асрдан кейин, X асрдан бошлаб, хўжалик ва маданий жиҳатдан юксалишнинг янги босқичини кўрамиз. Каналлар яна асл ҳолига келтирилади, ша-

ҳарлар тикланади, ҳунармандчилик ва савдо гуркираб ўсади. XII асрда Хоразмнинг феодал тарқоқлик давридан чиқиб, Шарқнинг энг дастлабки ва қудратли монархияларидан бири – Хоразмшоҳлар империясига айланиши учун қулай шарт-шароит вужудга келди. Чингизхон галаларининг биринчи зарбасига учраган бу давлатнинг ҳар қанча тақдирласа арзийдиган хизмати шундаки, у Русь давлати билан бирга ўз қони эвазига Европа цивилизациясини ҳалокатдан сақлаб қолди. Энг сўнгги ёдгорликларни ўрганар эканмиз, Хоразмнинг бу хизмати унга қанчалик қимматга тушганлигини яққол тассавур этамиз.

Сув қуйгандек тинч чўлда, Чингизнинг юришидан кейин мазорга ўхшаб қолган ўлик Қаватқалъа бўйлаб дайдиб юрар экансан, XIII аср бошида барпо қилинган ва орадан ўтган етти асрдан бери одам қўли тегмаган уй ва қўрғонларнинг харобаларини қум тепалари орасида кўриб, «Хоразм уйғониш даври»нинг улуғвор равнақини тўхтатиб қўйган ўша фожиали замонни эслаб кетасан, киши.

...Ниҳоят, XVI асрга келиб Хоразм ҳам Ўрта Осиёнинг Хива хонлиги дея аталган энг бурчакларидан бирига айланиб қолди.

Бизнинг экспедициямиз бир неча ўн йиллардан бери олимларнинг бошини қотириб келган масалани – Олд ва Ўрта Осиёнинг турли мамлакатларидаги бир замонлар сугорилган ва аҳоли ўрнашган ҳудудларнинг бўшаб қолиши сабаблари тўғрисидаги масалани тўлатўкис ва аниқ ҳал қилиб берди. Биз Хоразм материали (Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига қилинган экспедицияларнинг натижалари ҳам бу материални тасдиқлади) асосида бу ўринда гап, қўпчилик ўйлаганидек, табиий-тарихий сабабларда эмаслигини исботлаб беришга муваффақ бўлдик. Бу ҳодиса, яъни бир замонлар одам ўрнашган жойларнинг бўшаб қолиши «Ўрта Осиёнинг қуриб қолиши» ва дарёлар оқимининг ўзгаришига, қум босиши ва тупроқнинг шўрхоклани-

шига боғлиқ эмас. Мазкур воқеа сабабларининг илди-зи ижтимоий тарих жараёнларига бориб тақалади. Қадимги жамиятдан феодал тузумга ўтилиши ва айни чоқда рўй берган варварлик истилолари ҳамда бунинг кетиданоқ бошланиб кетган феодалларнинг ўзаро урушлари ва кўчманчиларнинг ҳужумлари – муаммонинг ечими ана шундан иборат. Инсон ниманики вайрон қилган бўлса, уни ўзи қайтадан яратишга қодир. Бизнинг кунларимиздаги Хоразмнинг тарихи бу фикрнинг ёрқин далилидир.

МУНДАРИЖА

Хоразм фарзанди (Сўзбоши ўрнида) 3

БИРИНЧИ ҚИСМ. ҚАДИМИЙ ХОРАЗМГА САЁҲАТ

1-боб. Йўқолиб кетган китоб саҳифалари	17
2-боб. Қадимий Хоразм дарвозаси	30
3-боб. Пинҳоний ўлкада (1937 – 1945 йиллардаги экспедиция ҳисоботидан)	42
4-боб. Минг йиллар оша парвоз (1946 йилдаги экспедициянинг кундалик дафтаридан)	54

ИККИНЧИ ҚИСМ. ЎЛИК ШАҲАРЛАР СОЛНОМАСИ

5-боб. Сиёвуш даври	82
6-боб. Муқаддас Кангха	113
7-боб. Уч минорали қалъа хазиналари	200
8-боб. Африқ эраси	225
9-боб. Хурзод исёни	254
10-боб. Беруний замони	272
11-боб. Хоразмнинг улўғворлиги ва тушкунликка тушиши	320
12-боб. Узбойнинг сири (1947 йил экспедицияси кундалик дафтаридан)	345
Хотима	371

Адабий-бадиий нашр

СЕРГЕЙ ПАВЛОВИЧ ТОЛСТОВ

**ҚАДИМИЙ ХОРАЗМ
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИ ИЗЛАВ**

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ
Муҳаббат МЕНҒНОРОВА

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 08.01.2014 й.да рухсат этилди. Вичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 11.875. Шартли босма тобоғи 19.95.
Гарнитура «Bookman Суг+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 5.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
Лицензия рақами: АИ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru